

ЎЗБЕКИСТОН ЁЗУВЧИЛАР УЮШМАСИ

ОЗОД ВАТАН САОДАТИ

Беш жилдли

2-жилд
Наср

*Адабиёт яшаса —
милат яшар.
Ўзбекистон*



Тошкент
“ADIB” нашриёти
2013 йил

УЎК: 821.512.133.1/-9
КБК: 84(5Ў)6
О-36

Таҳрир хайъати:

*Муҳаммад Али
Сирожиддин Саййид
Маҳмуд Тоир
Иқбол Мирзо
Аҳмаджон Мелибоев
Ҳамидулла Болтабоев
Шухрат Ризаев
Улугбек Ҳамдам
Уйғун Рўзиев*

Нашрга тайёрловчи:

Улугбек Ҳамдам

Масъул муҳаррир:

Орзикул Эргаш

Озод Ватан саодати: Беш жилдди. [Таҳрир хайъати: М.Али, С.Саййид ва бошқ. Нашрга тайёрловчи: У.Ҳамдам; масъул муҳаррир: О.Эргаш; Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси] – Тошкент: ADIB, 2013.
Ж.2. Наср. – 2013. – 566 б.

УЎК: 821.512.133.1/-9
КБК: 84(5Ў)6

ISBN 978-9943-4165-4-3

© “ADIB” нашриёти, 2013

Менинг фикримча, ёзувчилик бу, оддий касб эмас, худо берган истеъдоддир. Бу – қисмат, пешонага ёзилган тақдир. Бу касбга ҳеч қаерда ўқитиб, ўргатиб бўлмайди. Ёзувчиликнинг мактаби ҳам, дорилфунуни ҳам битта. У ҳам бўлса, бир умр ҳаётнинг ичида бўлиш, ўз халқи билан ҳамдарду ҳамнафас бўлиб яшаш, ҳақиқат ва адолатга садоқат билан хизмат қилишдир...

...Таъбир жоиз бўлса, одам ёзувчилик касбини танламайди, аксинча, бу касб ёзувчини танлайди. Истеъдод, истеъдод ва яна бир бор истеъдод соҳибларини топиш, тарбиялаш ва уларнинг меҳнатини муносиб қадрлаш энг асосий вазифамизга айланиши зарур.

Ислом КАРИМОВ

*“Адабиётга эътибор – маънавиятга, келажакка эътибор”
асаридан*

СЎЗБОШИ

Ўзбек адабиёти қадим-қадимдан бери Шарқнинг ҳар жиҳатдан бой бадиий мероси заминида ривож топиб келган. XX аср тонготаридан эътиборан эса у ўзининг тадрижий йўлида ана шу миллий адабий мерос билан бир қаторда жаҳон бадиий тафаккурининг сара намуналарини жадал ўзлаштирди ва мазкур синтез негизида янги бир даврга қадам қўйди. Натижада минг йиллик азим адабиёт дарахтининг навкирон навдаларида янги куртақлар ниш уриб чиқди: романчилик йўналишига асос солиниши, мазмун ва шакл нуқтаи назаридан тамомила янги ўзбек шеърятининг яратилиши, драматургиянинг бунёд этилиши сўзимиз исботидир. Лекин, минг афсуски, жуда катта жаҳоний умид ва потенциал қувват билан бошланган ана шундай хайрли ишлар етмиш йил мобайнида шўро даври мафкураси билан тизгинланиб, муайян қолиплару русумларга солинди, адабиёт ва санъат ўз ҳолига қўйилмади: унга кичик бир туйнук орқали дунёга қараш ва шу ердан кўрилганнигина ифода этиш изни берилди.

Ниҳоят, 1991 йилда юртимиз мустақиллик саодатига мушарраф бўлди: онг ва қалбларимиз ҳукмрон мафкура тушовларисиз нафас олмоққа тутинди. Шу маънода бадиий тафаккур оламимиздаги чинакам эркинлик Истиқлол даври билан боғлиқ десак, ҳавойи гапни эмас, балки мавжуд ҳақиқатни айтган бўламиз. Қаранг, эркин тафаккур мевалари сифатида турли жанрлардаги бадиий асарлар ҳам бирин-кетин ёзилибди, ёзилмоқда экан. Алқисса, кўлингиздаги тўпламдан жой олган қатор ҳикоялар мазмуний ва шаклий мундарижасига кўра ана ўша озод тафаккур маҳсуллари дидир. Тўпланда жам бўлган асарларнинг биринчи асосий белгиси – шу. Унда биратўла учта адабий авлоднинг дунёқараши, кайфияти ва бадиий тафаккури маҳсули сифатида яратилган кичик насрий асарлар билан танишиш имкони бор.

Тўпланиннг яна бир алоҳида томони шундан иборатки, унга ҳам мазмун, ҳам шакл нуқтаи назаридан бир-биридан томомила фарқланиб турувчи асарлар киритилган. Биринчидан кескин ажраладиган услубга эга ёзувчиларимизнинг сафи кенгайиб бораётгани кишини қувонтириб умидлантиради. Бунинг сабаби – адибларимиз кечаги кундан фарқ қилиб, дунёни, воқеликни бир

хил рангда эмас, балки борича: турфа-турфа кўраётирлар ва ўз ижодий кредосидан келиб чикиб акс эттираётирларки, натижада ўзбек кичик насри ҳозирданок ҳар жиҳатдан ранг-баранг манзаралар касб этиб бормокда.

Ҳикояларда яна бир муҳим жиҳат – мазмун тадрижини кўрасиз. Куни кеча ўзбек адабиётининг тематикаси, асосан, ўзбекнинг ўз дарди билан боғлиқ эди. Бу ҳол, айниқса, насримизда яққол кўзга ташланарди (Назмда, 20 – 60 ва 70-йиллар авлоди шеърлятида оламий миқёсда тафаккур юритишга мойиллик бўлганлигини қайд этиш даркор). Ушбу тўпламни эътибор билан ўқиб чиқсангиз, шунга амин бўласизки, бугун ўзбек ёзувчисини нафақат ўз миллатининг дарди, айни дамда, шарқу ғарбдан, шимолу жанубдан иборат кенг дунёнинг авзойи, кайфияти, муаммою ташвишлари ҳам қизиқтиради. Чунки дунёнинг ўзи аллақачон яхлит экопсихологик майдонга айланиб улгурганки, ижодкорнинг ҳассос калби атрофни кўриб-сезиб-тинглаб, унинг бош хусусиятларини ботинда қайд этиб бормокда. Инчунин, замонамизнинг илғор назарли ижодкорики бор, жаҳоний кенгликларда фикрлашга мойил. Мойилгина эмас, ўрни келганда, мажбур ва ҳатто маҳкумдир. Ўзбекнинг дарди фақат унинг ўз дарди эмаслиги, у индивидиум ва социум сифатида – поёнсиз оламнинг бир парчаси бўлгани каби, унга тегишли дарднинг дунёга дахлдорлиги, айни пайтда, олам дарди ўзбекнинг ҳам дарди эканлиги сўнгги йиллар ҳикояларида баралла акс этмокда.

Йилдан-йилга кўплаб ҳикоя, қисса ва романларнинг юзага келаётганлиги адибларимиз жамиятнинг олдинги сафларида юришга, ҳаётни кузатиб, одамларнинг юрагида, дунёкарашида бўлаётган ўзгаришларни ҳаммадан аввал сезиб, уларни таъсирчан образлар, ёркин бадиий бўёқлар орқали ёритиб беришга ҳаракат қилишаётганликларини кўрсатади.

Ёзувчиларимиз ўтмишга назар ташлаш асносида, қадимда Ватанимиз сарҳадларида пайдо бўлган давлатларнинг ривожланиши ва таназзули сабабларини поэтик идрок қилишмокда. Зотан, инсоният фан ва маданиятда эришган бугунги ютуқларнинг илк тамал тошлари аждоқларимиз қурган улуғ салтанатларда ҳам қўйилган эди. Бинобарин, бу типдаги ижодий интилишлар миллий ўзликни англатиш, юз йиллар давомида биздан пинҳон тутилган ва атайлаб бузиб кўрсатилган олис ва яқин ўтмишимиз ҳақидаги ижтимоий-эстетик фикрни тозартириш йўлидаги хайрли ҳаракатлардир.

Шу билан бирга, бугун насрда қалам тебратаётган адиблар ўтган асрда миллий адабиётимиз кўп эътибор қаратган инсоннинг ижтимоий моҳиятига ўзгача ракурслардан ёндашишмоқда. Шубҳасиз, улар ҳам тамаддуннинг инсон ҳаётидаги ролидан кўз юмишаётгани йўқ. Илло, минг йиллар давомида мисқоллаб тўпланган тамаддун неъматларини назардан қочириш мумкин эмас. Ёзувчилар шиддат билан олға интилаётган давр ва замонга инсон моҳиятининг намоён бўлишидан ўсиб чиққан ҳосила деб қарай бошлашди. Инсон бола-си табиатининг замонавий тараққиёт эврилишлари билан доим ҳам уйғунлашиб кетавермайдиган жиҳатлари, унинг шовкин-суронлари остида кўмилиб кетиш эҳтимоли кучайган нозик туйғулар – кўнгил ҳаёти ва азалий кадриятларга диққат қаратишди.

Мавриди келди – айтайлик, кейинги қарийб йигирма йиллик адабий хирмонимизни кўтараганимизда, сарҳисоблар шуни кўрсатаётирки, ўзбек насри айниқса, кичик жанр – ҳикоялар мисолида ўзининг жуда кагта янгилиниш палласига кириб улгурди. Ҳа, бугун ҳеч иккиланмай тақрорлаймиз: замонавий насримиз ўзбек ва жаҳон адабиётидаги асосий йўналишлару ўзгаришлар ҳадисини ўзида мужассам эта олди.

Бир вақтлар ўзбек ижодкори ўз овозининг икки дарё оралиғида қолиб кетганидан ўкиниб ёзган бўлса, бугун ижод майдони наинки ўша дарёлар оралиғида, балки икки қутбнинг тубига қадар кенгайган ва ўлкамизда майин шабода янглиғ эсиб турган ижодий эркинлик эпкинлари адабиётимиз довуғини яқин келажакда, албатта, оламга ёяди, дея умид билдириб қоламиз.

*Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси
Наср кенгаши*



Саид АҲМАД

Ўзбекистон Қаҳрамони, Халқ ёзувчиси

(1920 – 2007)



ҚОРАКЎЗ МАЖНУН

Қуръони каримдан:

“Сизлардан қайси бирингиз ўз динидан қайтса ва шу кофирлигича ўлса, бас, ана ўшаларнинг (*қилган савобли*) амаллари хабата (*бекор*) бўлур, улар дўзах аҳлидурлар ва у ерда мангу колурлар”.

(“Бақара” сураси, 217-оят)

Ҳадиси шарифдан:

“Жаннатга кирадиган ўн нафар хайвондан бири бу “Асҳоби Каҳф”нинг вафодор итидир”.

(“Ал-жоме ал-кабир”)

Саодат ая бомдод намозини ўқиб, жойнамоз устида узок ўтириб қолди. Бундан уч йил олдин оламдан ўтган эри уста Туробга атаб Қуръон тиловат қилди. Ўрис шаҳарларида дайдиб қолиб кетган ўғли Бўрихонга худодан инсоф тилади. Бахти очилмай, гулдек умри хазон бўлаётган қизи Қумрига ачиниш, шу фариштагинанинг йўлини оч, деб Оллоҳга илтижо қилди.

Кампир ҳар саҳар ички бир эзгинлик билан шу гапларни такрорларди. У қўл чўзиб, жойнамознинг бир бурчини қайриб ўрнидан турди.

Сентябрь оёқлаб, сувлар тиниккан, арик тубларидан болабақра ташлаб юборган пиёлами, чойнак қопқоғими, қошиқми шундоққина кўриниб турибди. Қирғоқлар зах тортиб, экин-тикин сув сўрамай қўйган палла.

Кўшни ҳовлилардан мактабга кетаётган болаларнинг инжикликлари, хархашалари, оналарнинг ялиниб-ёлборишлари эшитилиб турибди. Кампир бу товушларга бир дам кулок тутиб, бошини тебратиб, кулиб қўйди.

Саодат ёшлигида жуда чиройли қиз бўлганди. Сочлари тақимини ўпарди. Тараганда шамшод тароқ ушлаган қўллари сочининг учигача етмасди.

Ярмини қислаб туриб, бу ёғини тарарди. Опаси бу сочларни қирқта қилиб ўрганда, яна шунчаси ортиб қоларди.

– Э, сочинг қурсин! – дерди опаси. – Қўлларим толиб кетди, сочингни ўрдиришга одам ёллаш керак.

Кўчада амиркон маҳси-кавушни ғирчиллатиб, сочларини селкилатиб юрганда, қараган ҳам қарарди, қарамаган ҳам. Ёш қизалоқлар орқасидан келиб, сочларини кўзига суртиб қочишарди.

Мана, йиллар ўтиб соч ҳам оқарди, сийраклашди-ю, барибир ўша узунлигича қолди. Учига бирор нарса тақмаса, хурпайиб, бўйни, елкаларини тутиб кетади. Шунинг учун ҳам у сочининг учига ўғритутар сандиқнинг калитини осиб қўяди. Сандиқни очаётганда калитни ечиб олмайди. Сочи узун бўлганидан тиззаласа, калит бемалол қулфга етади. Энди янги уйларга сандиқ урф бўлмай қолди. Ҳамма уйни пўрим жавонлар босиб кетди.

Бундан ташқари, қулфни даранглатиб очадиган калитларни ясайдиган усталар қолмаган.

Кампирнинг сочлари ҳамон ёшлигидагидек. Фақат ярмидан кўпи оқариб кетган. Орқасига ташлаб қўядиган, учи бирлаштирилган икки ўрим сочининг учига эрининг фронтдан олиб келган оғиргина медалини осиб қўйган. Тайёр илгаги ҳам бор, сочни пастга тортиб туради.

Ҳовлининг ярмига яқин жойга тангадек офтоб туширмайдиган қари тут барглари сарғая бошлаган. Қуриган шохига

бахорда илиниб қолган варракнинг камиш қовурғалари скелетдек бўлиб турибди. Фақат узун латта думи шамолда илондек тўлғонади.

Шу тут тагида бир оппок ит супурги устида ухлаб ётибди. Кичкинагина, белида белбоғдек иккита – бири қора, бири жигарранг чизиғи бор. Худди кимдир атайлаб бўяб қўйганга ўхшаб кўринади. Тумшуғи билан икки кўзи қоп-қора. Бир кўзининг тепасида тўмтоқ қоши ҳам бор. У кампирнинг оёқ товушидан бир кўзини эринибгина очди-ю, чала-ярим керишиб, яна уйқуга кетди.

– Ҳа-а, жонингни ҳузурини билмай ўл-а! Супургиниям ҳаром қилдинг.

– Қўй, уришма, опаси, Қоракўз ҳали бола-да!

– Нима деяпсиз, ойижон! Бу ит ўлгурга мен нега опа бўларканман?! – деди Қумрихон нолиб.

– Агар Қоракўзни яна супурги билан урсанг, унга косов отсанг, билиб қўй, укаларингникига кетиб қоламан.

– Вой, ойижон-ей, ит ўлсин, одамдан азиз бўлмай! Шу итни деб бизни ташлаб кетмоқчимисиз? Қўйинг-е!

– Шу билан овуниб юрибман. Қаёққа борсам, ёнимда. Бир қадам нари кетмайди. Менга айт-чи, укаларинг, сингилларинг ҳафтада бир хабар олса олади, олмаса йўқ. Касалхонада ётганимда шу итгина кўкрагини қорга бериб ҳовлида бир ой дераза тагида ётган. Сенлар кўни-қўшнининг қистови билан бир-икки хабар олдиларинг, холос.

– Ойижон, қўйинг энди,.. – деди Қумрихон норози бўлиб.

Итнинг бир қулоғида, бўйнида, оёқларида кон котиб қолган эди.

– Аҳмок! – деди кампир. – Қаёқларда санкиб юргандинг?! Яна маржабозликка бордингми? Мажнун бўлмай кеткур! Аҳволингни қара, хотин талашиб роса таъзирингни ебсан-ку! Э ўлмагин-а, шилинмаган жойинг қолмапти... Энди ўзингдан кўр, Мажнун, яраларингга дори суртаман. Илло, дод демайсан!

Қумрихон итнинг бўйнидан босиб турди, кампир яраларига йод сурта бошлади. Ит ғингшийди, ингиллайди. Қумрихоннинг қўлларини тишламоқчи бўлади.

– Ана, бўлди. Энди овқатингни берамиз.

Бир ойдан бери ўғли сурункасига кампирнинг тушига киради. На ётишида, на туришида ҳаловат бор. Ўғлини ўйлагани ўйлаган. Ёши саксонга яқинлашиб, куч-қувватдан қола бошлаган, боламини кўрмай ўлиб кетаманми, деб куйиб ёнади.

Ўғли Бўрихон олтмиш еттинчи йили армияга кетган. Ҳарбий хизмати тугади ҳамки, уйга қайтмади. Ўша ёқларда уйланиб, бола-чақали бўлиб, қолиб кетди. Баъзи-баъзида ундан “Я здоров” деган икки энликкина хат келарди. Яқин ўн беш йилдирки, адресни унутиб қўйганми, ишқилиб, шу ўрисчагина хат ҳам келмай қўйган.

Кампир кўни-кўшниларникига ҳам чиқмайди. Уйда ўтиравериб қон бўлиб кетади. Баъзан кийим-бошларини апилтапил тугиб, ўғиллари ё қизларидан бириникига отланиб қолади.

Барибир борган жойида ҳам ҳаловат топмайди. Қизи Кумрихонни ўйлаб қайтиб келади. Кумрихоннинг бахти чопмади. Икки бор турмуш қилди, фарзанд кўрмади, қайтиб келди. Бирон жойда ишлаб овунай деса, ҳайҳотдек ҳовлига, мункиллаб қолган онасига ким қарайди. Ака-укалари, сингиллари: “Опа, қўй, ишлама, тирикчилигинг бизнинг бўйнимизда, онамга кара”, деб қўйишмади.

Кампирнинг ўғиллари, бизникида туринг, ойи, деб худонинг зорини қилишса ҳам, отанг чиққан уйни ташлаб кетолмайман, мен ҳам шу уйдан чиқазиламан, деб кўнмади.

Кампир жуда доно хотин эди. Болаларим ҳафтада бир марта хабар олишса, етти кун уйим тўлади, албатта, улар курук келишмайди, шу баҳона Кумрининг ҳам куни ўтади, дея кадрдон уйдан жилмасди. Оналар шунақа – бахти чопмаган боласи билан бирга бўлади.

Ўтган йили ўтли-шудли, ҳар иш қўлидан келадиган невараси Анваржон, тоғамни топиб келаман, деб чиқиб кетди. Шу кетганча йигирма кун деганда дарагини топиб келди.

Бу гапдан хабар топган кўшни хотинлар кампирни қутлагани кирдилар.





– Бувижон, ташвишланманг, тоғамнинг ишлари беш. Рўзғори бут, тирикчиликдан ками йўқ. Учта боласи бор. Ўзи ўзбекчани эсидан чиқариб юборибди. Мен билан ўрисча гаплашди. Битта соғин эчкиси, тўртта қанор копдек чўчкаси, ўнтача чўчкачалари бор экан. Қиш забтига олганда, шу молларини ҳам уйига опкириб олишаркан. Бўчка-бўчка самогон-арок ясаб, қиши билан ичишаркан. Қишлоқдагилар тоғамни “Бўрихон” демай, “дядя Боря” деб қақаришар экан.

Бу гапларни эшитиб, кампир ер ёрилмади-ю, кириб кетмади. Боласи тушмагур-ей, қўшни хотинларнинг олдида шу гапларни айтиб ўтирибди-я! Бировга сўзини бермайдиган эр-райим кампирнинг шохи синди, остона ҳатламай уйда муқим ўтириб қолди.

Қачонгача чилла ўтираман, деб кампир бугун қизиникига отланиб қолди. Кампирнинг ниятини сезган Қорақўз остонага бориб ўтириб олди. Яқин бир ойдан бери ҳеч қаяққа бормаган Қорақўз ўзида йўқ шод эди. Бошини бир томонга эгиб ирғишлар, тезроқ чиқмайсизми, дегандек, ҳар хил овоз чиқариб ғингширди.

Кампир шошилмасди. Ўсма экилган бир бўйра ер олдида чўнкайиб, ўсмаларнинг серсув, бўлик баргларини тагидан кертиб узарди. Охири кафти ўсмага тўлгач, райхоннинг гул отмаган шохларидан синдириб олиб, ўсмага қўшиб дастрўмолига ўради. У қиз невараларига, келину қизларига албатта ўсма олиб борарди. Нихоят, кампир тугунни қўлтиклаб чиқди. Қорақўз ўтирган жойидан бир сапчиб кўча томон отилди. Кампир унинг кетидан бораркан, хой, мунча шошасан, секинроқ, деб жаврарди.

Қорақўз унинг гапига тушунгандек, кўча ўртасида тўхтаб орқасига қарайди. Кампир етиб келгунча яйраб қулоғини қашлайди. Бир қулоғини диккайтириб, биттасини шалпайтириб эркалик қилади. Орқа оёғида туриб бир-икки айланади. Кампир етиб келиши билан яна ўйноқлаб югуриб кетади. Йўлда учраган мушукларни тирақайлатиб қувиб, ним қизил



тилини осилтирганча ҳансираб қайтиб келади. Дарахтлардаги мусичаларга ирғишлаб акиллайди. Ариқдан шапиллатиб сув ичади. Баъзан йўл четига чиқиб, пахса девор тагини ҳўл қилиб қайтади. Велосипед миниб ўтган болаларга эргашиб узокларга кетиб қолади.

Кампир унинг қилиқларига андармон бўлиб йўл юрганини сезмайди. Қоракўз донлаб юрган товукларни қақағлатиб, тўрт тарафга тўзғитиб юборади. Йўлда учраган итлар билан искашиб, қувлашмачок ўйнайди. Кўча бетигаги уй остонасида тинмай акиллаётган каламушдек кучукни тупрокқа қориштириб булғалади. Ариқ бўйидан қўпориб ташланган тўнгак соясида ётган бўрибосар итга ҳам зўрлик қилмоқчи бўлганди, таъзирини еди. Бўрибосар унинг гарданидан тишлаб, улоқтириб ташлади. Йўл ўртасига бориб тушди, тупрокқа қоришди.

Кампир бошини сарак-сарак қилди.

– Ҳой, жинни, сенга ким қўйибди отанг тенги ит билан олишишни!

Қоракўз унга қарай олмади. Йўлнинг бу ёғига маънос алпозда, югурмай, оҳиста кетди. Барибир Қоракўз ит-да, итлигини қилади. Бир қора итнинг думини ҳидлаб, очиқ турган эшикдан кириб кетди. Бироздан кейин унинг вангиллагани эшитилди. Эшикдан чиқаётганда ичкаридан отилган эски туфли қоқ белига тушди.

Катта йўлга чиқишди. Бу йўлнинг ўнг ёғи Чирчиққа, чап ёғи Тошкентга олиб боради. Олдинлаб кетган Қоракўз, қаёққа юрайлик, дегандек, кампирга қаради.

– Абдумалик акангникига борамизми, Дилбар опангникигами? Дилбар опанг “дом”да туради. Итдан ҳазар қилади. Сени уйига киритмайди. Энди нима қиламиз? Майли, шуни кига борайлик. Ётиб қолмаймиз. Чиққунимча ҳовлида болалар билан ўйнаб турасан.

Қоракўз бу гапларга тушунади. Ҳар гал кўча бошига келганда албатта кампир шу гапларни такрорлайди.

Олисдан баланд иморатларнинг қораси кўринди. Қоракўзнинг сабри чидамади. Илдамлаб кетди. Кампир унга етолмай халлослаб қолди. Қоракўз югуриб эмас, ғилдираб кетаётганга ўхшайди. Бир зумда кўринмай кетди.



Учинчи қаватнинг болохонасида ўйнаётган болалар қоракўзни кўриб, бувим келяпти, деб кийкиришди. Тапир-тупур қилиб зинанинг икки поясини битта қилиб, пастга югуриб тушишди. Битгаси Қоракўзга конфет, битгаси сергўшт суяк берди. Бирпасда ҳовли болаларга тўлиб кетди. Қоракўзнинг бошини, орқасини силашди. У эрқаланиб туриб берди. Болохонада Дилбархон кўринди. Онангиз келяпти, деган хушхабар олиб келган Қоракўзга меҳр билан боқди. Унга қанд ташлади.

Нихоят, хансираб кампир етиб келди. Болаларга қурт, ёнғок, туршак улашди. Қоракўз ҳам умидвор бўлиб кўлига қаради.

– Сенга йўқ, бевафо! Мени йўлга ташлаб кетгансан. Орқангдан ҳаллослаб югуриб, тилим оғзимга сиғмай қолди.

Қоракўз гуноҳқорона бош эгиб турди. Кампир конфет ташлади. Қоракўз илиб олди-ю қувончдан ҳовлини шамолдек айланиб чикди. Кампир кизи билан кечгача эзилиб гаплашди. Ўғлини эслаб кўзёш ҳам қилиб олди. Қумрининг бетолелигидан, мен бир бало бўлиб кетсам, у шўрлик нима бўлади, деб афсус-надоматлар қилди. Гап орасида Қоракўз эсига тушиб, овқат-повқат бердингми, деб сўраб қўярди. Кампир аср намозини ўқиб, кетишга шошилди.

– Энди кетай, шом намозини уйгинамда ўқирман.

– Овқат қиялман, ойижон, еб кетинг. Бир кечагина ётиб кетсангиз нима бўлади. Уйингизни бўри еб кетармиди!

Кампир тугунни қўлтиқлаб пастга тушди. Ҳовлида болалар билан яйраётган Қоракўзнинг кетгиси келмайди. Болалар туфлаб улоқтирган калтакни ўтлар орасидан топиб келади.

Кампир йўлга тушди. Қоракўз эрқаланиб, ирғишлаб гоҳ ундан ўзиб, гоҳ орқада қолиб қулоғини кашлайди.

Уйда Саодат аянинг йиллаб қалбида қалашиб ётган ғуборларини тарқатадиган, кўксидан тоғдек босиб ётган армонларини ушатадиган оламшумул бир янгилик кутиб турарди.

У уйига яқинлашганда эшиги олдида у ёқдан-бу ёққа шошиб юраётган одамларни кўриб, юраги хаприкиб кетди. Қадамини тезлатди. Эшик олдида турганлар унга, кулдук бўлсин, севиниб колдингизми, қариганингизда дилингизга ёруғлик тушгани муборак бўлсин, дейишарди.

Кампир ҳажга кетаётганларга пенсиядан йиккан пуллари-ни “хожи бадал” учун бериб юборган эди. Ҳаж қабул бўлди, деган хушхабар келган бўлса керак, ўзингга шукр, Оллоҳим, деб остона хатлади.

Шоҳига катта лампочка осилган тут тагидаги супада ёши олтмишлардан ошган бир нотаниш одам ўтирарди. Унинг кўзлари... бундан ўттиз икки йил олдинги Бўрихоннинг кўзлари эди. Кампир, вой болам, деб унга талпинди. Супага югуриб бордим, учибордим, билмайди. Бағрида ўғлини кўрди. Ундан ароқ ва шам ёқилган уйнинг ҳиди келарди. Кампир буни сезмасди. Ғойибининг ҳозир бўлганидан маст-аласт эди. Карахт эди, бахтиёр эди! Ўғлининг бошларига, елкаларига кўз ёшлари тўкиларди.

Ўғли унинг бағридан чиқишга уринар, аммо кампирнинг қоқ суяк, чайир қўллари уни бўшатмасди.

– Ну зачем, зачем плачеш, мама, вот и приехал, хватит, хватит, – дерди ўғли.

Она бу гапларни эшитмасди. Эшитганда ҳам барибир тушунмасди.

Кампир ҳушини йиғиб, боласини бағридан бўшатди. Серрайиб турган Қумрига:

– Нега бакрайиб турибсан, Раҳмон қассобни чақир, боламининг оёғи тагига оғилдаги қўйни сўйсин! Қўшнисиникида телефон бор, ака-укаларингга, сингилларингга, акам келди, деб хабар қил! – деди.

Қоракўз кампирнинг оёғи тагига ўтириб олган. Бу нотаниш одамга ғашлик қилиб тинмай ирилларди.

– Қаёқларда юргандинг? – деди кампир ўғлига. Ўғли онаси нима деяётганини тушунмай елка қисди. – Тушунмадингми? Сен бошқа одам бўлиб кетибсан.

Кампир унинг юзларига қараб эзилиб кетди. Қариб, адоий тамом бўпти. Башарасига ҳам ўша томонларнинг нуқси уриб, ўзбеклиги қолмабди. Элик бир ёшда етмиш яшар чол бўлиб қўя қопти.

Раҳмон қассоб аллақайқа кетиб қолган экан, топиб ке-





лишди. Кўча томонда қўш машинанинг гуриллагани, ўғил-қизларининг овозлари эшитилди.

Абдумалик қўй етаклаб кирди. Қизлари, куёвлари картон кутиларда, халталарда мева-чева, олма-узум кўтариб киришди. Бир зумда ҳовли гавжум бўлиб қолди.

Бўрихон укаларини ҳам, сингилларини ҳам танимади. Улар ҳам танишмади.

Бўрихон бегона уйга кириб қолган одамдек қовушмай турарди. У укаларига, сингилларига нима дейишни билмасди. Тўғри, нима дейишни биларди. Аммо тил билмаса нима қилсин? Ўйлаб-ўйлаб, “Салям!” деди. Жигарлари кулишни ҳам, йиғлашни ҳам билмай ҳайрон туриб қолишди.

Қассоб оғилдан каттакон, боқувдаги қўйни судраб чиқди. Бўрихоннинг оёғи тагига ётқизиб, укам, қани бир фотиҳа беринг, деди. Э, дарвоқе, ўзбекча билмаслигингизни эсимдан чиқарибман, қани, омин денглар, кампир энамизнинг умрлари узун бўлсин, ғойиблари ҳозир бўлгани рост чиксин, омин!

Қассоб шундай деб қўйнинг бўғзига пичок тортди.

– Ну зачем, зачем? – деди Бўрихон. – Ведь барана жалко, все равно я столько мясо не ем! У нас баранина не едят.

То ярим кечагача кампирнинг ҳовлиси тўйхонага айланиб кетди. Тарқаш пайтида Абдумалик акасини меҳмонга таклиф қилди.

Ҳовли жимиб қолди. Қумри она-болага супага жой солиб берди. Кампир боласига тикилиб мижжа қокмади. Бўрихон тўйгунича ичган эди. Оғзидан гуп-гуп арок хиди келиб турибди. Кампир рўмолининг учи билан бурнини беркитганча ўтирибди. Ростдан ҳам шу одам менинг боламми, деб ўйларди кампир. Қариб кетибди, сочлари тўкилиб, бошининг ярми яланғочланиб қопти. Кўп ичадиган одамлардагина бўладиган заҳил бир бефайзлик зоҳир эди унинг юзларида. Кўзларининг таги салқиган, тишлари тамакидан жигарранг тусга кирган. У отаси ўтган уйда, туккан онасига, жигарларига бегона бўлиб бепарво ётибди.

Саодат кампир уни чақалоқлигида худди шу супада бе-



шикка белаб тебратарди. Уч ёшга киргунча шу супада бағрида олиб ётган эди. Бўрихон дўмбоққина бола бўлганди. Уни ёмон кўздан асрасин, деб кийимларига тумору кўзmunчоклар тақиб кўярди. Султонимга атаб унга кокил кўйганди. Олти ёшга тўлганда уни эр-хотин Туркистонга олиб бориб, ҳазрат Яссувий макбарасининг шайхига атаганларини бериб, кокилини кесдиришган, кўй сўйиб худойи қилишган эди.

Бўрихон у ёнбошидан бу ёнбошига ағдарилди. Шунда... шунда унинг устидаги оқ чойшаб сирғалиб елкалари, кўкси очилиб қолди. Кампир баданидан чаён ўрмалагандек сесканди. Ўзини орқага ташлади.

Бўрихоннинг бўйнидаги занжир учида бут ялтиради. Кампирнинг кўзлари тинди. Бир дам уни шуур тарк қилди. Телбадек сапчиб ўрнидан турди-ю айвон томонга чекинди...

Бўрихон армия хизматини ўтагандан кейин ҳам уйга қайтмади. Ўрмон ичкарисидаги қишлоқ бутхонаси кўнғироқчисининг эрдан қолган қизига ошиқу бекарор бўлиб қолди. Қаллиғининг отаси, бошқа диндаги одамга қизимни бермайман, деб туриб олди. Қиз Бўрихонни христиан динига киришга ундади. Ишқ-муҳаббатдан кўзини парда босган Бўрихон ҳеч иккиланмай рози бўлди. Уни черковда чўкинтиришди. Кейин черков оқсоқоли келин билан куёвга тож кийдириб, никоҳ ўқиди.

Ана шундан кейин Бўрихон хотини, қайнонаси билан ҳар куни черковга бориб чўқинадиган бўлди. Қайнотаси ўлгандан сўнг унинг ўрнига черков кўнғироқчиси қилиб қўйишди. Нимаики иш бўлса, барини у бажарадиган бўлди. Пилиги сўхта бўлган шамларнинг учини қайчилайди, ёниб тамом бўлганларини алмаштиради.

1970 йилнинг кеч кузида бир мусулмон боласи диндан чикди...

Ох, отагинаси тирик бўлганда шу супа устида болта билан чошиб ташларди-я! Кампир айвон томон тисарилиб борар экан, ана шундай ўйларди. У айвонга етолмай ҳушидан кетиб йикилди. Қоракўз унинг атрофида улиб айланарди. Қумри ёт-



ган уйнинг эшигини тимдалаб, уни уйғотмоқчи бўлди. Қумри уйқусини бузган итни қарғай-қарғай ҳовлига чикди. Қоракўз унинг этагидан тортиб, кампир ётган жойга судради. Қумри онасининг беҳуш ётганини кўриб кўрқиб кетди. Қариб, муштдекки-на бўлиб қолган онасини даст кўтариб айвонга олиб чикди. Боши остига ёстик кўйиб, сув ичирди. Елкаларини укалади. Кампир кўзини очди. Ҳали тонг ёришмай туриб, Абдумалик машинада келиб акасини олиб кетди. Унга Тошкентнинг мустақилликдан кейинги манзарасини кўрсатмоқчи, Чорсу бозоридан унинг болаларига совға-саломлар олиб бермоқчи эди.

Бўрихон учун Ўзбекистонда мустақиллик бўлдимиз, бўлмадимиз барибир эди. У ўзга юртнинг фуқароси, ўзга эътиқоднинг сиғиндиси эди. Туғилган юртга муҳаббат туйғуси уни тарқ қилганига кўп йиллар бўлган. Она тили қадим-қадим замонлардаёқ нутилиб кетган шумер тили қатори туманлар орасида қолиб кетганди.

Эрталаб кампир ҳеч нарса бўлмагандек ўрндан турди. Қумри қараса, онасининг қолган қора сочлари ҳам бир кечада оқариб, ажинлари кўпайиб кетибди.

Қумри онасининг нега бунақа бўлаётганини билиб турарди. Боя акаси тонг ёришмай ҳовли этагидаги ёнғоқ тагида деворга қараб чўкинаётганини кўриб ҳайрону лол қолганди. Аёллар умуман титимсак халқ бўлади. Акаси Абдумалик билан ҳовлидан чиқиб кетгач, ичкари уйда турган чемоданини титкилади. Шунда сарик баҳмалга ўралган бир нарсага кўзи тушди. Ушлаб кўрди. Қутичага солинган нарса тўппонча эмасмикан, деб баҳмал тугунни ечиб қаради. У христианларнинг муқаддас китоби Инжил эди. Уни ушлаган кўллари қуяётгандек шошиб яна баҳмалга ўраб қўйди.

Кампир бомдод намозини ўқиётиб, ҳар саждага бош кўйганида жойнамозга кўз ёшлари томарди. У жойнамоз бурчагини қайириб, эрига атаб Қуръон тиловат қилди. Бахти чопмаган Қумрига бағишлаб шу фариштагинанинг йўлини оч, деб Оллоҳга илтижолар қилди. Ғойибдан ҳозир бўлган ўғлининг номини тилга ҳам олмади.

Саодат ая шу боласига тўлғок тутаётганда офтоб чарақлаб турарди-ю, ёмғир шаррос қуяётган эди. Деразадан ҳовлига қараб турган доя хотин: “Бўри болалаяпти”, деганди. Шунинг учун ҳам ўғлига у Бўрихон деб исм қўйганди. Орадан эллик бир йил ўтиб, бу болани мен эмас, бўри туккан экан, деган хаёлга борди.

– Ойи, кийинасизми? Абдумаликнинг машинаси ҳозир келиб қолади. Ўғлингиз тайинлаб кетган.

– Ўзинг боравер, мен шу ерда қоламан, – деди кампир.

– Ахир, акам кечкурун поездга чиқади. Хайрлашмайсизми?

– Ўзи келган, ўзи кетаверади. Машина келса, чемоданини ташлаб қўй. Бу уйга энди қайтиб келмасин, – деди кампир қатъий қилиб.

– Ойижон-ей, жуда қаҳрингиз қаттиқ-да! Бугун кетади, қайтиб кўрамизми-йўқми, болам-бўтам, деб кузатиб қўя қолсангиз нима қилади-я! – деди зорланиб Қумри.

– Бу болани мен эмас, бўри туккан... Бир марта дадам қани, деб сўрамади-я! Қандоқ ота эди-я раҳматли.

Кўчадан машина овози келди. Қоракўз ўқдек отилиб чиқиб кетди. Бироздан кейин кампирнинг невараси Абдунабининг атрофида гир айланиб кириб келди.

– Ия, ҳали ҳам кийинмай ўтирибсизми? Уйимиз қариндошуруғларга тўлиб кетди. Дадамнинг ўртоқлари ҳам келишган. Қани, бўла қолинглар!

– Мен бормайман, – деди кампир. – Қумри боради. Чемодан ўлгурни ола кетинглар.

– Ия, кизиқ бўлди-ку! Амаким бугун кетадилар-ку!

Кампир индамай уйга кириб кетди, кейин деразадан бошини чиқариб:

– Сен боравер, болам. Мен билан ўтириб қон бўлиб кетдинг. Жигарларинг билан бирпас ёзилиб келасан, – деди Қумрига.

Машина кетди. Кампир ҳайҳотдек ҳовлида бир ўзи қолди. Унинг кўксига аллақайдан келиб тушган бир парча муз кечадан бери эримай, вужуд-вужудини қақшатарди.



У уйга кириб тугун кўтариб чиқди. Ундан Бўрихоннинг гўдаклигида, болалигида кийган кийимларини олиб қаради.

Илгари кампир баъзи-баъзида бу кийимларни ҳидлаб йиғларди. Энди кўксидаги муз уни йиғлашга қўймади. У ҳовли ўртасига хазон тўплаб гугурт чакди. Гуриллаб ёнаётган гулханга Бўрихоннинг кийимларини бирма-бир ташлай бошлади. Гулханда Бўрихоннинг болалиги ёнарди. Қоракўз гулхан атрофида айланар, гоҳ аланга тафтига чидолмай нари кетарди. Бир бўхча кийим зум ўтмай ёниб кулга айланди. Шамол куйиндиларни ҳовлининг тўрт тарафига учуриб кетди.

Кумрининг кўнгли бир нимани сездими, кўча бошига етмай машинадан тушиб қолди. Уйга келганда, онаси кафтини иягига тираб, кимирламай ўтирибди. Қоракўз унинг хаёлларига шерик бўлгандек, у ҳам олд оёқларига даҳанини қўйганча кўзларини юмиб, кимирламай ётибди. Кумри у ёқ-бу ёққа қаради. Ҳовлидан куйган лагта ҳиди келяпти. Кўшнилардан бирортаси эски-тускиларни ёндирыпти, шекилли, деб ўйлади. Ҳовлининг супрадек жойи қорайиб қолганини кўриб ҳайрон бўлди. Яқин бориб қараса, қорайган ерда болалар қўйлагига қадаладиган ўн-ўн бешта қовжираган тугма сочилиб ётибди. Кумри нима бўлганини билди. Ичидан зил кетди.

– Ойи, – деди у, – нима овқат қилиб берай? Эрталаб ҳам ҳеч нарса татимадингиз. Бунақада толиқиб коласиз-ку.

Кампир бошини сарак-сарак қилди.

– Иштаҳам йўқ, болам. Ичим тўла муз. Танамга аста тарқаяпти.

Кумри кўркиб кетди.

– Кўп қуёнманг энди, бўлар иш бўлди. Худонинг иродаси бу.

– Э, кизим-а, бола туғмагансан-да, билмайсан!

Кампир кизига ҳеч қачон “туғмагансан” деб айтмаган. Айтса, таъна қилаётгандек бўларди. Қизининг шундоқ ҳам дарди ичида. Бу гапни бегона айтса чидаш мумкин дир. Аммо ўз онанг айтса, юрагингни кимга очасан? Кумри онасининг гапини малол олмади.

– Фарзанд доғи ёмон бўлади, болам.

– Ахир, акам тирик-ку, шукур қилмайсизми?

Кампир унинг гапини чўрт кесди:

– У йўк энди!..

Кампир сўзини охирига етказа олмай ёнбошига беҳуш йиқилди. Қоракўз безовталаниб сапчиб туриб кетди. Қумри онасини кўтариб, кўрпача устига ётқизди.

Эшик тақиллади. Қоракўз дарвоза томон югурди. Қумри онаси билан овора эди. Ҳовлига маҳалла мачитининг имом-хатиби билан мутаваллиси кирди. Кампирнинг аҳволини кўриб, бир-бирига қараб олишди.

– Қизим, – деди мутавалли, – бемаврид келиб қопмиз. Онахондан суюнчи олмоқчи эдик.

Улар айвон олдига келишди. Сўнгги нафасини олаётган кампирга:

– Онажон, кеча муборак ҳаж сафаридан қайтдик. Сизнинг хажингиз қабул бўлди, – дейишди.

Имом-хатиб Саодат аянинг “ҳожи бадал” бўлгани тўғрисидаги хужжатни узатди. Кампир кўлини кўтара олмади. Кўзини аранг очиб, ўзингга шукур, Оллоҳим, дея олди, холос. У кизига бир нима демоқчи бўлган эди, тили калимага келмади.

Қумри унинг нима демоқчилигини билди. Югуриб уйга кирди-ю, иккита оҳорли тўн кўтариб чиқди.

– Ойим шу кунга атаб сақлаб юрган эдилар.

У шундай деб икковининг елкасига тўн ташлади.

Кампир икки кун шу алпозда ётиб, сал ўзига келгандек бўлди. Тилга кирди.

Аслини олганда, унинг умри тугаган, бу хушхабар унинг тугаб бораётган умрига умр улаган эди. Бу ҳол шамнинг ўчиш олдидан бир лоп этишига ўхшарди.

– Укаларингни, сингилларингни чақир! Васият қилиб қўяй. Сен кўркма, қизим. Ўлим ҳақ. Бу жон дегани Оллоҳнинг тандаги омонати. Ундан қочиб қутулиб бўлмайди. Пуф этади-ю, чиқади-кетади.

Кампирнинг болалари етиб келишди. Қумри онасининг орқасига ёстик қўйиб берди. Қатор ўтирган болаларига, невараларига қарар экан, кампир мамнунлик билан:



– Худога шукур, тобутим олдида борадиган хассакашларим кўп экан, – деди. – Эшитинглар, болаларим. Абдумалик, энди буларга сен ота ўрнида оталик қиласан. Қумри, қизим, энди сен менинг ўрнимга қоласан. Абдунабини шу ҳовлида уйлантиринглар. Йилимни кутиб ўтирмай тўй қилаверинглар. Шундок қилсаларинг, арвоҳим шод бўлади. Абдунаби келин билан Қумрининг олдида қолсин. Шу уй уники. Онам гўрида тинч ётсин, десанглар Қумрини асло ёлғизлатиб қўйманглар.

Кампирнинг лаблари курукшади. Қумри пиёладаги сувга пахта ботириб оғзига томизди.

– Шошиб турибман, болалар. Мени оталаринг олдида олиб кетишга келишяпти. Энди бу ёғини эшитинглар. Ҳамма тадоригимни кўриб қўйганман. Йилим ўтгунча бўладиган маросимларга етарли пулни Қумрига бериб қўйганман. Қизим, кулоғимдаги зирагимни, маҳси-кавушимни ғассолга бергин. – У энди айтмоқчи бўлган гапидан ийманди, шекилли, жилмайди. – Азага келган хотинлар олдида хунугим чиқиб ётмайин, қошимга ўсма...

Кампир шу жилмайганча ичидаги муз эримаёй осонгина жон берди.

Ҳовлига тумонат йиғилди. Унга “Ҳожи она” деб жаноза ўқишди. Тобутни кўтаришаётганда Қоракўзни қабристонга бормасин, ёмон бўлади, деб қўшнининг хужрасига қамаб кетишди.

Кампирнинг кирки ўтгандан кейингина ҳовлидан одам оёғи товсилди. Эгаси кетиб файзи йўқолган ҳовлида Қумри ва Қоракўз мунғайиб қолишди.

Бир кун Қоракўзнинг миждаларида ёш кўриб Қумрининг юраклари эзилиб кетди. Қоракўзга қўшилиб у ҳам йиғлади. Аста қўл юбориб, унинг бошларини силади. Олдин бу итни жинидан ҳам ёмон кўрарди. Неча марта косов билан урган. Оёғи остида ўралашганда тепиб юборган. Қоракўз ҳам уни унчалик суймасди.

Ана энди икки мунгли бир-бирига қараб юм-юм ёш тўкишяпти.

Қоракўз энди кечалари дайдиб кетмай қўйди. Ҳар куни

хали тонг ёришмай туриб (кампир бомдодга турганда) уйғониб кетарди.

Кампирнинг болаларидан иккитаси Тошкентда, биттаси Чирчикда, иккитаси Қибрайда яшайди. У тонг отгандан то кун ботгунча ҳаммасининг уйига боради. Кампирни тополмай, хориб-чарчаб қайтиб келади.

Бугун ҳам тонг саҳардан Қоракўз чикиб кетди. Пилдираганча Чирчик томонга йўл олди. Кимёгарлар шаҳарчасида кампирнинг кенжа қизи туради. Ўғли магнитофон жинниси. Ҳамманинг овозини тасмага ёзиб юради. Шу йил баҳорда бувисининг овозини ҳам билдирмай ёзибди. Ўшанда кампир супада ўтириб, аллақакларда дайдиб келган Қоракўзга танбех бераётган эди.

Қоракўз Кимёгарлар шаҳарчасининг энг чеккасидаги “дом”га етиб келганда кампирнинг невараси шиша банкада сут олиб келаётган эди. Қоракўз унга думини ликиллайтиб ялтоқланди. Унга эргашиб учинчи қаватга чиқди. Уйга кирмай қайтиб тушди. Бироздан кейин кампирнинг овози эшитила бошлади. Қоракўзнинг қулоғи динг бўлди. Яқин икки ойдан бери йўқотган кадрдон кишисининг овозини эшитиб йиғлаётгандек ғингшиди ва учинчи қаватга отилиб чиқди. Эшикни тимдалаб вовуллади. Яна қайтиб тушди. Болохонага қараб вовуллайверди, вовуллайверди...

Магнитофондан кампирнинг овози келарди:

“Қоракўзгина, қакларда санкиб юрибсан? Ҳеч уйда ўтирасанми-йўқми? Қорнинг ҳам очгандир? Тентаккина. Гапимга кулоқ сол, нега беозор мусичани қувасан?..”

Қоракўз ақиллар, ерни тимдалаб орқасига тупроқ отарди. Шу ховлида кеча тўй бўлганди. Ширакайф йигитлар микрофонни баланд кўйиб, ҳеч кимни ухлатмаган эди. Уйқуга тўймаган одамларга тонг маҳали ақиллаётган итнинг бу қилиғи малол келарди. Қутурган бу ит қакқдан пайдо бўлди, уни йўқотиш керак, деб ўйлашарди.

Қоракўз одамларни жонидан безор қилиб, тинмай вовуллар, у ёқдан-бу ёққа югуриб, ақиллагани-ақиллаган эди.

– Дайди итларни тутадиганларни чакириш керак, – деди биринчи қават болохонасига чойшаб ёпиниб чикқан касалманд бир киши.

– Қутурган бу, болаларни тишлаб олмасин-да! Уни отиб ташлаш керак! Ҳой, кимнинг милтиғи бор? – деб асабий кичкирди учинчи қаватдан биттаси.

Кампирнинг овози ҳамон эшитилиб турибди. Қоракўз акиллашини қўймайди.

Шу пайт тўртинчи қаватдан кимдир варанглатиб ўқ узди. Қоракўз вангиллаб ёнбошига ағдарилди. Орқа оёғини бирикки силкитиб жимиб қолди.

Магнитофон тасмаси ҳамон айланарди.

“...Қоракўз ўлмагур, Мажнунгина, яна қаёққа кетяпсан? Маъшуқаларинг олдидами? Келинни қачон кўрсатасан? Лайлингни бир олиб кел, кўрай...”

Қоракўз кампирнинг овози келаётган болохона томонга юзини бурганча жонсиз ётарди.



Асқад МУХТОР

Ўзбекистон халқ ёзувчиси

(1920 – 1997)

ФАНО ВА БАҚО

“Бўлмаса васли манго, икки жаҳонни на қилай”.

Машраб

“Ёзганларим бари – ҳаёт ва ўлим ҳақида”.

Эдгар По

“Оллоҳнинг ваъдаси ҳақ. Дунёи дун сизни
харгиз алдаб қўймасин”.

Қуръони каримдан

Хотин киши билан иш битгандан кейин одам беҳафсала бўлиб қолади. Холхўжа буни илгаритдан биларди-ю, лекин бунақангиси бўлган эмас. Ҳалигина “Хуринисо! Хурилиқо!” қилиб эркалагани Хурихоннинг башарасини кўргиси келмай, унинг ваннадан чиқишини ҳам кутмасдан қўйлагини кийиб, кетишга отланди.

Об-ҳаво нобоп кунлар Холхўжага таъсир қилмайди. Бирок бугун шомданок негадир кўнгли хира, бекордан-бекор эзилиб кетяпти. Костюмини елкасига ташлаб, деразадан боқса, қора тун қўйнида нимадир бўғиқ гумбурлаб... йўқ, момақалдирик эмас, самолёт ё вертолёт ҳам эмас, ер қаъридан ваҳимали, бўғиқ гувиллаш кўтарилаётгандай. Бир зумдан кейин бўлса, узоқ-яқинда

итлар вовуллаб, тинчликни бузди. Холхўжа шаҳар жойда итнинг чиябўридай бунақа хунук улишини эшитган эмасди. Машъум нишона...

Эшикка қараб юрди. Йўлакка чиққанида тепасида нимадир қирсиллаб, оҳак тўкилди. Сарғайиброқ ёниб турган чироклар липиллаб чайкаларди. Холхўжа боши устида бетон плитанинг дарз кетганини кўриб, оғзини очиб ҳам улгурмай, олдинроқда шифт тўсинлари қарсиллаб, назарида девор ағанади. Қарс-қарс тебранаётган зинапоядан ўзини пастга отди, худди гугурт қутисидай майишиб янчилаётган бетон қаватлардан нечтаси орқада қолди – билмайди, рўпарасидаги эшик кесақиси билан ўпирилиб, қаттиқ гумбурдан кейин орқа-ўнгида қуюқ тўзон кўтарилди. Кўз очиб, нафас олиб бўлмас, чироклар ўчган, тепадаги бетон қаватлар худди босиб тушмоқда, на олдинга, на орқага йўл бор. Холхўжа нимагадир қоқиниб-суриниб, хавфсиз жой қаерда эканини билмаса ҳам, ўзини четроққа олишга уринар эди. Холхўжа тойибми, бир ниманинг зарби биланми, шу заҳотиёқ зинадан юмалаб пастга тушиб кетди.

...Ётган ерида лат еган, шилинган жойларининг оғриғидан ҳам олдин калласига шундай ўй келди: бу мудҳиш зилзила эди, у эса – тирик. Лекин қаерда ётибди? Фаҳмладики, ҳалиги ғирчиллаган эшикни ўзи очган экан: у юмалаган зина, бу зах жой – кўп қаватли бинонинг подвали бўлиши мумкин... Ҳа, ертўла, ҳидидан маълум.

У деворни пайпаслаб ўрнидан турди. Тиззалари қалтирар эди. Қоронғида биттагина нур, заррача бўлса ҳам ёруғлик қидириб, мўлтираб турганида сал нарида лип этиб... вожабо, чирок ёнди. Холхўжа ҳушидан кетаёзди, бирдан урилган шуъладан кўзларини чирт юмди, ёруғликдан бутун вужуди яйрагандай бўшашди. Бу нима ўзи? Нима бўлди? Электр чироғи-ку! Қим ёқди? Ё ундан бошқа одам ҳам борми? Хирагина қизариб, сал липиллаб турган кичкина лампа зим-зиё ертўлани қундай ёритган эди.

У эҳтиётлик билан девор бўйлаб юриб, бир умид илинжида ертўлани айланиб чиқди, эшик-тешик деган нарса йўқ.

Орқа томон бутунлай босиб ётибди, яқинлашиш хатарли. Кирган эшиги, юмалаб тушган зинапояси қаёқда эди, акли етмади. Ғишт, бетон, тупроқ ўпирилиб тушган, ҳаммаёқ гум... Холхўжанинг ваҳимаси ошиб, ҳаво етмаётгандай, баданидан совуқ тер чиқиб кетди: тирик кўмилган бўлса-я! Нима бўлади унда? У кучи борича овоз бериб кўрди, ертўлани яна айланиб, жон-жаҳди билан бақириб-чақирди. Бўғиқ янграган овозни ертўла қора гўрдай ўз қаърига ютарди. Холхўжа шайтонлагандай зир югуриб, деворларга урилиб, қоқиниб-суриниб, ҳолдан тойди. Мияси қарахт, ҳеч нарса ўйлаёлмай, бетон деворга суянганча узоқ турди. Йўқ... Кутқазмишади. Ертўлада одам кўмилиб қолади-ю кутқазмайдими... Маҳалладагилар сал ўзларига келишсин-чи, қидириб қолишади. Кавлашаётганда тепадан бетон плиталар босиб тушмаса бас.

Шу маҳал инграган овоз эшитилди. Баданидаги оғриқларни унутиб, сапчиб турди, аланглади, яна кулоқ солди. Ташқаридами? Ташқарида бўлса, эшитилмас эди. Инграш яна эшитилди. У ёрдамга муҳтож бир иссиқ жон эканлиги аниқ. Холхўжа у ёқ-бу ёққа югургилади. Уни қувонч югуртиряптими, ваҳимами – ўзи билмасди. Бурчакларга кирди, бетон блоклари майишиб, арматура симлари чиқиб, ўпирилиб ётган ён девор қавакларига, кунжакларга кўз солди.

– Ҳой, ким бор?!

Овозим чикмаяпти, шекилли, деб бир зум тинч қолувди, заиф инграш яна такрорланди. Холхўжа ўша ёққа урди ўзини. Бу ҳалигина ўзи кирган эшик томонда эди. Энди эшик йўқ. Бу ён ҳам ўпирилиб, ғишту бетон уюми шифтга такалиб ётибди. Овоз шу ердан келди, бу аниқ. Яна бир эшитилса – устидан чиқади. Кутди. Инграш эшитилмади-ю, шитирлаб тупроқ тўкилди. Холхўжа бир учи билан ерга қадалиб қолган балка остига бош сукиб қараса, инграш ёнгинасида эшитилди. Қоронғида ярим кўмилиб ётган гавдани кўзлари илғагандай бўлди.

– Ҳой, тирикмисиз?!

– ...О-о-оёғим... – деди ҳалиги одам.



Тирик! Ўлиб қолмаса бўлгани. Қайси томондан бориш керак? Бу ерда бир нимани сал қимирлатсанг босиб қолиши ҳеч гапмас.

Ўзингни бос, Холхўжа. Оғир бўл, омаддан умид узма. Буни қутқазиб керак. Қутқазиб керак. Бир елкаси билан тўсин тагига суқилиб, қўлини узатди. Унинг пайпаслаётганини сезган ҳалиги одам, яна:

– О-о-ёқ... – дея шивирлади сиктаб.

Холхўжа кафти билан унинг устидаги тупрокни сидириб ташлаб, қўл-оёғи қаердалигини топишга уринди. Пайпаслаб юзини топди, иссиқ нафасини сезди.

– Ҳозир... ҳозир... Бирпас тоқат қилинг, биродар...

Бу одамнинг оёғини босиб ётган йўғон хода бир учи билан ерга тиралган, бир учи билан тепадаги бетон плитани суяб қолган эди.

– Ходага тегманг... оёқ... оёқни тортинг, – деди ётган одам. Унинг кўзи қоронғига кўникиб, у-бу нарсани кўриб ётганга ўхшайди. Холхўжа ҳушёр тортиб, ўзини четга олди. Қараса, чиндан ҳам хавфли: ходани қимирлатса шифт босиб тушадиган...

– Оёқ... ни, – деди чорасиз одам каттиқ оғриқдан тишини тишига босиб.

Холхўжа унинг этигини пайпаслаб топиб, оёқни ходанинг кўтарилган томонига қараб суришга уринди. Тепага қараб олиб, этик пошнасидан маҳкам ушлади-да, яна тортди. Бечора жон-жаҳди билан “я... я... яна!” деганча тинчиб қолди. Оғриқдан ҳушини йўқотдимиди, нима бало? Ўлиб қолмаса бўлгани. Холхўжа тагин бир зўр бериб силтаган эди, у хунук овоз чиқариб дод солди-ю яна жимиб қолди. Холхўжа ҳам қимир этмай кулоқ соларди. Хайрият, нафас олиши сезиляпти. Таваккал қилиб, иккала оёғидан торта бошлади. Уни ёруғликка судраб чикқунича вужудини қора тер босди. Усти-бошидан шувиллаб тупроқ тўкилгач, капалак мўйлов, ўрта яшар, найновгина йигитнинг лой теккан афт-башараси кўринди.



– Ҳой, қалайсиз?

– Оёқ... – деди яна йигит кўзини очмай.

Оёғига қаради, этигини тортиб кўрди, лекин иккинчи оёғига қўл тегизиши билан йигит бақириб юборди. Холхўжа бўлса, унинг фарёдига қувонгандай:

– Бормисиз-е... – деди. – Ҳозирча чидайсиз, биродар. Синмаган, этик қўнжи сақлабди, шукр қилинг, лекин қаттик лат еган, чидайсиз!

Шундай деди-ю, дод солишига қарамай, этикни шартта ечиб олди. Йигит бир инграб, жим бўлди. Холхўжа бир пой этикни кучоклаганча ўтириб қолди.

Иккаласи ҳам гўё оғир ишдан кейин дам олишар эди. Анчадан сўнг йигит кўз очиб, шифтга, атрофга, кейин нажоткорига боқди. Қаерда ётганини ҳали фахмлагани йўқ, чамаси.

– Тузукмисиз? – деди Холхўжа.

– Бошим нимагадир урилиб... ҳеч нимани билганим йўқ. Ҳушимга келсам... оёқ оғрияпти. Қаердамиз? Нима бўлди?

– Зилзила... Ёмон бўлди. Ертўлада қамалиб ётибмиз, юқорида нима бўлганини билмайман.

– Ҳушимга келганимда ўзимнинг ҳам тахминим шу эди. Бошқа ҳеч ким... бирон эшик-тешик йўқми?

– Йўқ... Йилт этган туйнук ҳам йўқ...

– Чирок...

– Чирок кейин ёнди, ҳайронман. Хуллас... ҳозир тирик колганимизга шукур дейишга тўғри келади. Отингиз нимади?

– Очил, сизники-чи?

– Холхўжа. Шу уйданмисиз?

– Олтинчи қаватдан.

– Хайрият, – деворди Холхўжа. Очил, оёғи билан овора, эшитмади.

Шу уйдан! Шу уйдан экан бу шўринг курғур! Ҳой, буни эмас, ўзингни ўлимдан кутқазибсан, Хол. Буни албатта қидиришади, ертўлани кавлашади!

Юрагида умид учқунлади.

– Хизмат бўлмаса, Холхўжа ака, хов сандикни кўраяпсизми?

– Сандик?

– Ҳа, ана, деворга суяб кўйилган.

Холхўжа қоронғи бурчакдаги ахлат ташланадиган копкок-ли тахта қутини кўрди.

– Ўшанда чирпит... катта шиша бор. Олиб келсангиз.

Холхўжа бориб копкокни кўтарди. Саккиз литрлик шишани топди. “Сандик”да яна аллақандай темир-терсак, эгри-бугри қувурлар, қоғоз копчиқ, унда шакарми, тағин бир нималар бор эди. Оғир шишани кўксига босиб олиб келди, у тўла эмас, тубида нимадир чайқалар эди.

Очил кўлига олиб, пўкагини очаркан:

– Самогон, – деди илжайиб. Холхўжа хидидан фаҳмлаган эди. Лекин:

– Ростданми? – деб яна сўради. – Чоғирпазлик ҳам қиламан денг?

– Шу лаънатини деб тушган эдим бу қора гўрга...

Ноқулай жимликни яна ўзи бузди.

– Кузя деган шопир оғайним ўргатган. Мен ўзим шопирман-да. Бу... осон, мен сизга айтсам. Шакар топилса бўлгани, – шиша оғзини хидлаб, афтини жийирди, – жуда “законни” бўлади, “Столичная”нгиз у ёқда турсин...

– Кайфи зўрми?

Очил индаёлмади. Қанақа вазиятга тушиб қолганини энди астойдил идрок этганидан у бетоқат эди, оёқ иккинчи масала бўлиб қолди.

– Ҳаммаёқни айландингизми?

– Ҳа... чор тараф – гум: тош, бетон, ғишт, тупрок...

– Менга бир таёқ топиб беринг.

Холхўжа ивирсиб юриб, битта эгри қувур бўлагини топиб келди.

– Мана, таёқда той кучи бор, деганлар, ҳаққалаб юриб кетасиз.

Очил турди. Темирга таяниб, оғриқ оёғини судраганча узок бурчакка қараб кетди.

У энди йиқилганча айланади, тентирайди. Ҳаммаёқка бош

уради. Ҳаммаёқ девор. Умиднинг охирги учқунини ҳам ўчириб қайтади.

Чиндан шундай бўлди. Лекин у бўкириб йиғлаб қайтиб келди: оғриқданми, ваҳимаданми – билиш қийин эди.

– Йўқ! Йўқ! Ўлиб кетамиз! Кавлаш керак! Ўтираверадимми ўлимни кутиб?!

– Кавлаш – ўлимнинг ўзи. Қаер босади, қаер босмайди – ичкаридан туриб билиб бўладими?

– Аниқланг, кимирланг, нимани кутяпмиз?

Очилнинг аҳволи аянчли эди, боғланган оёғини ҳам уриб олганга ўхшайди: юзи бениҳоя дардли.

Жим қолдилар. Бирпасдан кейин Очил заиф товуш билан:

– Узр... – деб қўйди.

Яна жим қолдилар. Анчадан кейин Холхўжа қараса, шериги ухлаб қолибди. Уйкуми, беҳушликми, ишқилиб, майли, шўрлик ором олсин. Ҳозир Холхўжа учун у – бутун бир дунё. Шу бўлмаса жинни бўлиб, ажалидан олдин ўлиб, ертўлада чириб кетиши аниқ эди. Мана, гаплашиб ўтиришибди. Йиғлади, жеркиди, узр сўради, ухляпти... Ажаб, ҳаётда минглаб, одам билан ёнма-ён яшайсан, биттасининг сариқ чақалик кадри йўқ. Бошига тушмаса билмас экан бандаси.

Шу ўйлар билан ўзи ҳам уйкуга толганини сезмай қолибди... Кўз очса – атроф ўша-ўша, ярим ўпирилган шифтда сарғиш чироқ милтиллаб турибди. Рўпарасида Очил унга тикилиб ўтирибди.

– Вақт неча бўлдийкин? – деди Холхўжа худди ўз уйида уйқудан тургандек, беғам керишиб. Кейин ўзи жавоб берди: – Менимча, ҳозир эрталаб соат ўнлар бор-ов...

– Қаёқдан билдингиз?

– Мен ҳар куни ўнда базада нонушта қиламан... Мана, ҳозир оғзим сув очаяпти.

– Магазинчимисиз, дейман?

– Озиқ-овқат базасида мудирман.

– О... ундок бўлса бу ернинг таоми сизбоп эмас-ов...

– Мана, самогон бизбоп.



– Оч қоринни шилиб кетади, баттар очқайсиз.

– Сиз ичмайсизми?

– Биз шопирлар бунга ўргансак, ажалимиздан беш кун олдин...

– Бу ерда машина ҳайдамайсиз.

– Барибир, ўрганмаганман.

– Буни ўзингиз қилганмисиз, ахир?

– Сотишга... Ҳозир, биласиз-ку, магазинларда анқонинг уруғи бўлиб кетди бу сабил. Мана буни... – чирпитни чайқаб кўйди Очил, – йигирма бешга оляпти шишасини.

– Қуйқасини қалқитдингиз. Ҳа, майли, бўтанаси қоринни ҳам тўйғазади.

– Менга қанддан ола келинг, ака.

Холхўжа бориб, “сандиқ”даги қоғоз халтани кўтариб келди. – Сиз кайф қилинг, мен қанд ялайман. Томоқ томоқ эмас, томоқдан ўтгани томоқ.

У ялади. Бу ичди.

– ...Кайф, қанд... Итнинг кунини ҳам чиройли гап билан бежаса бўлади-я, қаранг, – деди Холхўжа томоғини куйдириб ўтган чоғирнинг қўланса хидидан афтини буриштираркан.

“Итнинг куни” деган сўзлар иккаласига ҳам чорасиз аҳволларини яна эслатди. Уларни қилдай умид ушлаб турар, дам-бадам узоқ жим қолиб, тик этган садога илҳақ, тепага қарар, қулоқ осар эдилар. У ерда эса мудҳиш жимлик. Жуда қалин қатламлар остида кўмилиб қолишган, шекилли.

Холхўжа ўзини қаёққа қўйишни билмаяпти. Шишанинг оғзидан ичилган уч-тўрт култум самогон уни эзиб юборган эди. Култиллаптиб яна хўплади.

Очил ўзини ундан кўра тадбиркорроқ ҳисобларди: у кам гапириб, кам ҳаракат қилиб, оз-оздан шакар ялаб, кўпроқ ухлаб, куч сақлайди. Бу ерда қанча ётишлари ҳали маълум эмас.

Шериги эса, чидами тез тугаб, ўзини-ўзи еб қўйяпти. Ғазабланиб, кўп гапиради, яна ичиб кўяди-да, баттар эзилади, ташналиқдан нолиб, занг босган қувурлардан томаётган илик сувдан ичиб келади. Очил ўша қувурнинг тагига тунука идиш қўйиб келди – сув йиғилиб, совиб, тиниб туради.

– Олинг бундан, биродар, кайф билан вақт ўтганини билмайсиз, – деди Холхўжа. Ўзи молдай шимириб, учиб қолди. Шундан кейин етти-саккиз соат ухлади. Очил бўлса, унинг хуррагини тинглаб, “шифт”га қараб ётаркан, бехосдан кўнгли бузилиб, юзини енги билан тўсиб йиғлади. Чарчагач, уйкуга кетди.

Уйғонса, баракалла-е, хуррак ҳали-ҳамон давом этарди. Ухлаш, албатта, яхши, куч ғанимат. Аммо Очилни борган сари ваҳима босяпти, қанча вақт, неча кун ўтди – маълум эмас: юқорида нима гап, уларни ҳеч ким эсладими ўзи? Қидирувчиларнинг шарпаси ҳам сезилмайди...

Бир сафар Холхўжа уйғонди-ю, жуда узоқ жим ётди.

– Ака, – деди Очил хавотир олиб, – нималарни ўйлаяпсиз? Холхўжа яна анча ўйлаганидан кейин тилга кирди:

– Шу... бир хаёл калладан кетмаяпти. Худди чангак солиб ёпишиб олган...

– Нима экан у?

– Ўзинг ҳақингдаги ёмон гапни бировларга гапираверма, дердилар дадам раҳматли. Бир чеккаси – бу ҳам тўғри. Ёмон гапни ичингда саклаб, гўрингга олиб кетганинг маъқул. Дунёда сенинг тўғрингда фақат яхши гап қолиши керак. Ёмондан одамларга нима наф, тўғрими?

– Тўғри.

– Тўғри-ю, лекин ҳамма ёмонликка шу дунёда ўргандик, шу ерда орттирдик барини. Одам боласи дунёга соф келади, бу ерда орттирган жамики қабихликларини, жинояту пасткашликларини ташлаб, соф кетиши керак эмасми?

– Бу гапингиз тўғри. Тирикчилик – асли тиррикчилик. У дунёга ишонмайди-да кўплар. Шунинг учун кўркмай кирдикорини қилаверади.

– Боқий дунёнинг борлиги унинг оstonасига келганимиздагина ёдимизга тушади. Инсон унинг борлигига бир умр имон келтирса, қаптар келиб кузгун кетмасди...

– Келса гумон – кетар имон, дегани шундан-да.

– ... ўлигимиз шу ерда қолиб кетишига кўзим етиб қолди, биродар.

– Ундай деманг, ака. Қандан яланг, дармон бўлади.

– Йўқ, энди фойдасиз... Сиз кулоқ тутинг, – Холхўжа нафас ростлаб, гап бошлади. – Бир бегунохни ўн беш йилга қаматиб юборганман, биродар.

– Ёпирай, қандок?

– Ёлғон гувоҳлик бериб. Буни мен биламан-у, мана, энди сиз билиясиз.

– Мен билмайман, ака, – деди Очил капалаги учиб.

– Ҳозир гапириб бераман. – Холхўжа тунукадаги сувдан кафтига олиб, лабларини намлади. – Ўн йил аввал озик-овқат базасида ҳаммол эдим. Толзордаги магазин мудири Ҳайдаров билан ўша ерда танишганман. Қўйнимга у-бу кистирар, мен унинг машинасига бенавбат юк ортиб берардим. Кейин шу одам, барака топкур, қоғозларимни тўғрилаб, исполкомда уй-жой олишим учун навбатга қўйди. Ўзим жойи жаннатда бўлгур Мастура кампирнинг хужрасида ижарада турардим-да...

Холхўжа нафасини ростлаб олиб, давом этди:

– Уч йил кутдим, тўрт йил кутдим, навбат тегмади. Қишлоқда ваъдалашган қайлиғим бор, Сарвинисо деган... Орзуларимиз ушалмади. Режалар барбод бўлганидан аламзада бир ҳолатда юрганимда, хужрамга Салим сўпоқ кириб келди. Ёнида қора чопон кийган турки совуқ бир барзанги. Салим сўпоқни базанинг ертўласида, бир улфатнинг маишатида кўрган эдим. У-бу буюришган, хизматларини қилганман. Сўпоқ бўлса ҳам ғўдайган: бойвачча, одамни бир тийинга олмайди, у ҳам қайси бир гастрономнинг мудири.

– Вой-бў-ў... Шу каталакда турибсанми, каламуш ҳам бордир? – деди хужрани кўздан кечириб. Кейин дарча ёнига борди-да, бирдан гапни бошқа ёққа бурди: – Ҳайдаровни яхши биласан, а?

– Ҳа...– дедим.

– Узоқдан ҳам, қадам олишидан танисанг керак? Ҳов анови дарвозахонага кириб кетса, шу дарчадан туриб танийсанми?

Ҳе йўқ, бе йўқ, нима деяпти ўзи? Гарангсиб туравердим.

– Танийсан, танийсан, қани, бери кел-чи.

Бориб, дарчадан кўчага қарадим.

– Дарвозахонани кўряпсанми?

– Ҳа.

– Ҳайдаров шу ерга кириб кетди дейлик, албатта таниб оласан, а?

– Ҳ-ҳа... – деб елкамни қисдим.

– Энди кулоқ сол: эртага, кеч соат олтида Ҳайдаров келиб ўша дарвозага кириб кетади, – деди у дона-дона қилиб.– Сен уни “таниб” қоласан. Нима қилиб юрибди бемаҳалда, деб ўйлаб ҳам қўясан ичингда.

– Э... а... келмаса-чи?

Ҳозиргача тунд, безабон бўлиб ўтирган қора чопон тилга кирди:

– Келмаса ҳам таниб қоласан.

Унинг товушидан вужудимга титроқ югурди. Бу вақт Сўпок кўлтиғимдан тутиб, тўрга олиб ўтди-да, столга бир қоғоз ташлади.

– Ол, бу сенга.

Олиб, анча тикилгандан кейин билдимки, уч хоналик уй-жойга ордер экан. Менинг номимга ёзилибди. Энди буларнинг ниятига тушуниб қолдим.

– Қачонгача бу катакда ўтирасан, – шанғиллади Сўпок,– истасанг эртагаёқ кўчиб бор, шаҳарнинг қоқ марказида...

– Ёлғон гувоҳлик...

– Нима ёлғон? Кўрдинг – танидинг, вассалом. Терговчига ҳам, судга ҳам жавоб шу – бир оғиз гап, сендан бошқа ҳеч нарса талаб қилинмайди.

– Сен холис гувоҳсан, тушундингми? – деди қора чопон, ўрнидан туриб.

– Ҳа, айтгандай, – Сўпок чўнтагини кавлади.– Мана бу... мана бу “ГАЗ-24”га чақирув қоғози. Автомагазиндан. Сенинг номингга ёзилган, кўрдингми? Буни суддан кейин бориб оласан,– деб қоғозни қайтиб чўнтагига солиб қўйди.

– Буни нима қиламан? Пулим йўқ мени.

– Бўлади, ҳаммаси бўлади, – деди илжайиб елкамга қоққан.

Жўнаб қолишди. Фақат қора чопон кийган барзанги останада туриб, яна ўдағайлади:

– Эртага, кеч соат олтида. Кўрдинг, танидинг, ичингда хайрон бўлиб ўйлаб ҳам қўйдинг.

У ерга қараб, кесиб гапирди. Товушида “Энди ишимизга шериксан, билиб қўй!” деган таҳдид бор эди. Шундай қилиб, олдиндан тайинланган гувоҳ бўлдим-колдим. Ўша кечаси ухлаганим йўқ. Минг хаёлга бордим. Аҳли раҳмон билан нафси шайтон тапир-тупур олишар эди ичимда. Бири: дарров йиртиб ташла, ёвғон ошинг – беғалва бошинг, деб турибди; бири бўлса: хой, омадинг келиб турибди, бола. Уч хона, 46 квадрат метр. Сарвинисо ҳайт десанг учиб келадиган, одамга ўхшаб яша сен ҳам... дейди.

– Кейин-чи, кейин нима бўлди, – деди Очил шошиб.

– Эртасига кечаси... ўша дарвозахонадан ўлик чиқди, – деди Холхўжа.

– Биров ўлдириб кетибди. Қий-чув, мелиса, “тез ёрдам”, йиғи-сиғи... Мен у одамни танимас эдим... Терговда Салим сўпоқ тайинлаган гапни айтдим мен номард. Ҳайдаровни дарчадан кўрдим, дедим, соат олтида дедим. Вақтни қаёқдан билдингиз, деб сўради. Соатга қараган эдим, дедим. Канака соат деб қолса борми, хонумоним куярди. Чунки уйимда соат-поат йўқ, қартага ютказганман... Худо номардни ҳам асраб коларкан, қаранг.

– Бандасининг ўзига қўйиб беради-да.

– Ўзим... Ўзим қилдим ҳаммасини. Омаддан рағбатланиб, судда ҳам тап тортмай гувоҳлик бердим. Бошқа далиллар ҳам бор экан, шекилли, Ҳайдаров шўринг қурғур, қотил сифатида ўн беш йилга... “Ўзига қўйиб беради” дейсиз-у, лекин... мана, ўша бегуноҳнинг қарғишига учраб ўтирибман.

– Зато, у дунёлигингизни енгиллатдингиз менга ёрилиб... Хўш, кейин-чи, кейин нима бўлди?

– Икки ойдан кейин Салим сўпоқнинг ҳалиги тунд барзангиси машинанинг қоғозини ҳам олиб келиб берди. Бир олган мадад, икки олган – одат, буни ҳам олдим. Энди нима

талаб килар экан деб уйқум қочиб юрсам... йўқ, тинчиб кетди. Қайтага, ўша ўзим юк ташиб юрган озик-овқат базасига мудир қилиб кўйишди, эски мудирни бўлса Ҳайдаровнинг ўрнига кўтаришди. Ёғлик жой эмасми, кўп ўтмай машинага ҳам қурбим етиб қолди... – Бироз дам олиб, лабини ҳўлладида, узук-юлук қилиб давом этди. Дармони куриб борарди. – Лекин Салим сўпокнинг хушёрлик билан изимдан кузатиб юришини билардим. У менинг миримдан-сиримгача биларди, мен эса уни билмайман: кимнинг хизматида, пулни қаёқдан олади, анов шўрликнинг ўлими нега керак эди, қотил ким... Сўпок доим кўз ўнгимда, гоҳ узокдан кўраман, гоҳ рўпарамдан чиқади. Мушук билан сичқондай “инок” бўлиб кетдик. Бир йил ўтмай, тоғ этагидаги жилға соҳилидан чорбоғ ҳам тўғрилаб берди, қарийб текин.

– Чакки эмас, тагингизда “Волга”, сув бўйида чорбоғ, уч хонали квартир, ёнгинангизда Сарвинисо...

– Э, Сарвинисони аллақачон эсдан чиқариб юборганмиз. Бойиган саринг сарвинисолар кўпаявераркан. Бу ертўлада тириклай кўмилиб ётишим ҳам ўшалардан бирининг касофати. Бадбахт бўлмасам шу балолик кунда келаманми? Қишлоқдагисининг қарғишига йўлиқдим...

Холхўжа мажолдан қолди. Уни овутиш, чалғитиш, тушкунликка тушишига йўл қўймаслик керак эди. Очил учун ўлик ёнида ётиш... Ундай деса, ўзининг ҳам силласи куриб, кандга кўзи тушса, оқ кафанни кўргандай жунжикиб кетяпти. Шундай бўлса ҳам ҳар замонда кўзини чирт юмиб ялаб кўяди. Ўлгиси йўқ.

– Куяверманг, ака. Бу синовдан ўтолган одамнинг ўзи йўқ.

– Қанақа синов?

– Худо бандасини бу дунёга унинг имонини синаш учун юборар экан. Гуноҳ десангиз бизда ҳам тўлиб-тошиб ётибди. Мана ёрилдингиз – енгил тортдингиз. Зора худонинг қаҳри ҳам қиттак юмшаса...

– Ҳақ гап айтдингиз. Анча енгил тортдим, қаранг.

Бу сўздан сўнг Очил ҳам узок, азобли хаёлга толди.

– Сизда нима гуноҳ бўларди, ёшсиз... – деди Холхўжа яна тилга кириб. – Гуноҳга шўнғиш паллангиз энди кел... – у гапни бўлиб, овозини пасайтирди, – бу дунёдан ёш кетган ҳам маъкул экан.

Очил гапнинг охирини эшитмади, чоғи.

– Э, ундай деманг, ака, ёшликнинг ўзи турган-битгани гуноҳ, мен сизга айтсам. Бўлмаса мен, такасалтанг, хўжайиннинг оймчасини эзгилаб юрармидим!

– Қанақа хўжайин?

– Катта хўжайин-да.

– Сиз...

– Ҳа, ўшани олиб юраман. Бизнинг вилоятимизга келишдан олдинроқ хотини қазо қилган экан. Икки йил аввал йигирма яшар диркилламасига уйланди. Жаннатхон деган. Тўйдан олдин ҳам хўжайинни уникига, уни хўжайиннинг чорбоғига обориб-обкелиб юрардим. Кетворган, мен сизга айтсам. Одамга ўгринча қарайди. Бир куни холи топиб, кабинада чиппа ёпишди. “Ҳой, хўжайиндан кўрқмайсизми?” десам, “хўжайинингиз ўлсин”, деб баттар суйкалди. Нима дейсиз, энди, йигитчилик, бўшашдик...

Бари шундан бошланди, ака, худо гувоҳ. Хотин киши айёр, тадбиркор бўларкан, икки куннинг бирида холи топиб келади, кутилмаган жойда кўлга туширади, куппа-кундузи тап тортмай кўксини очади. Хўжайиндан хавотирдаман, десам, “Э, қўйинг ўша хўжайинингизни”, деб кўл силтайди. Мен ҳам йўқ деёлмайман. Уч йилдан бери аҳвол шу. Унинг нозу эҳтиросларини кўрсангиз сиз ҳам йўқ демасдингиз, ака.

Холхўжага сал жон киргандай, инграб ёнбошига ағдарилди.

– Сизнинг гуноҳингиз меникига караганда ҳолва экан. Э, гуноҳ эмас, савоб-ку бу, биродар.

– Ундай деманг, ака. Бизнинг хўжайинни билмайсиз. Илгариги хотинини рашк важдан ўзи бўғиб ўлдирган, деган миш-мишлар бор. Сезиб қолса, борми, буниси ҳам жувонмарг бўлади, мени бўлса бир кун эмас-бир кун “тасодифан” машина босиб кетади-я. Зўрники тегирмон юргизар экан. Жоним

қилнинг учида турибди, мен сизга айтсам. Сиримни битта сизга айтдим...

– Бошқага... айтмайсиз ҳам.

– А?

– Енгил тортдингизми, ахир?

– Ҳ... ха, айтдим-кўйдим-да энди, барибир эмасми. Бир бошга бир ўлим. Жон бор жойда қазо бор.

– Ўлим ҳақ. Покланиб бориш керак. Парвардигорнинг олди-га... – деди-ю, Холхўжа шилқ этиб чалқанча тушди.

– Ака, ака! Сизга нима бўлди, мазангиз йўқми?

Холхўжа индамади. Турткилаб-торткиласа ҳам ўликдай ётаверди. Очилнинг ўзи ҳам базўр қўл узатиб, қолган куйқа сувни ичиб юборди, тунука занги оч қоринни кириб ўтди.

– Ак-ка... – деб, у ҳам тинчиб қолди. Анчадан кейин қулоғига бўғиқ бир гумбурлаш эшитилгандай бўлди. Кўзини очиб қараса, ҳеч гап йўқ, ўша-ўша машъум жимлик. Бари очликдан. Бундай ҳолатда бировнинг кўзига бир нималар кўринади, бировнинг қулоғига ғалати садолар эшитилади. Лекин Очилнинг ҳали эси жойида. Умид билан узоқ қулоқ солиб ётиб, кўзи кетиб қолибди.

Уйғонганида кўрса, иккаласи ҳам чўзилиб ётишибди. Очил бунга четдан кўраётган учинчи кишидай қаради. Вақт ўтиб, уларнинг ўлигини топган одамлар мана шундай тикилишса керак...

Бундай ўйлар Очилнинг дармонини тамомила қуритадиган. Шеригини ваҳима билан ҳушига келтирди.

Холхўжа ўзига келди-ю, кўзига Очил бир кўланка бўлиб кўринди, шекилли, маъносиз боқди.

– Менга қаранг, бир нима гумбурлади... Сиз ҳам эшитдингизми?

Холхўжа яна индамади, кўзлари юмилди. У кейинги вақтда тез-тез ҳушидан кетадиган одат чиқарган эди. Очил ҳар сафар ваҳимага тушади – жони узилмадимми?! У кетса худди Очилни ҳам ўзи билан олиб кетадигандай туюларди...

Энди улар камдан-кам гаплашадилар, сўз қотишга мажол

йўқ. Бунинг устига, бири ўзига келса, бири беҳуш ётган бўлади. Ҳар замонда заиф инграш билан бир-бирларидан хабар оладилар. Гоҳо эса иккаласи бараварига ҳушдан кетиб, узоқ ётишадди. Қанча вақт ўтди, ким тирик, ким ўлик – маълум эмас.

Холхўжа илиқ бир тўлқинда чайқалиб уйғонди. Кўзини очиб қараса, атроф ёруғ; оппоқ кийимдаги бир аёл лабига қошиқ тутяпти. Йўқ, у дунё эмас, мана, оғзида сут таъми сезилиб тамшанди. Қаердандир минғир-минғир гап эшитилди. Нахот бари кечирганлари даҳшатли туш бўлса?! Аёл қошиқни яна тутди, ширгуручми, манни кашамаи, ишқилиб сут таъми, бирам мазали! Яна сўрагандай ютиниб тикилди аёлга.

– Шошманг, оз-оздан... – деди аёл. Овози ҳам майин.

– Очил... – деди негадир Холхўжа. Нимага Очил деди – билмайди.

– Шеригингизми? – деб сўради аёл, беморнинг тилга кирганига қувониб. – У киши ҳам тузук, хавотир олмасангиз ҳам бўлади. Анча тетик тортганидан кейин, уйдан келиб олиб кетишди.

Холхўжа тушундики, бу аёл – ҳамшира, бу жой – шифохона. Демак... уларни кутқазишган, у дунёдан қайтариб олиб келишган. Иккинчи сўзи “рахмат” бўлди. Ҳамшира жилмайди. Бемор яна кўзини юмди.

Бироқ кўп ўтмай уни бошқа ҳамшира уйғотди.

– Ором олганингиз яхши. Лекин овқат ейишингиз керак, – деди у ҳам қошиқ тутиб.

Бу сафаргиси товук шўрва эди. Устидан дори ичирдилар.

Таомлар бари ширин, мазали, аммо оз. Холхўжа ҳар сафар ҳамшира ортидан тамшаниб қараб қолади. У тез оёқка турди. Бемор озиб, чўп бўлиб қолган бўлса ҳам руҳан тетик: тирик қолганининг қувончи энди камради вужудини. Бошдан кечирганини ўйласа, ақлига сиғмайди. Бировга гапириб берса, валлоҳ, ишонмас... Умрининг бу ёғи текинга қолганини ўйлаб, бу ердан чикқанида ҳеч қандай кайфу сафони рад этмай, тарала бедод қилиб яшаш режаларини тузарди.

Бундай кайфият таъсирида тезда тўлишиб, очкўзлиги ҳам

ортиб, мўл-мўл, тўйиб-тўйиб овқат ейдиган бўлгач, унга жавоб бердилар.

Базада иш илгаригидай тикилинч, югур-югур кўп. Таралабеод қаёқда дейсиз, тирикчилик уни яна ўпқонига тортиб кетди. Зилзиладан кейин шаҳар серташвиш. Кўрганларимни гапириб тугатолмасман, эшитиб ҳамма ҳайратдан ёқасини ушлар, мени авлиёдай билиб, келиб зиёрат қилишар деб ўйлаган Холхўжани ҳеч ким тузукрок гапга ҳам солмади. Ҳозир шаҳарда унақалар кўп эди. У қайта келган дунё илгаригидан баттар серғалва бўлиб чиқди. Холхўжанинг навбатдаги омадидан келган қувонч ҳам аста-секин сувга урди.

Иш орасида Очилни эслаб қолади. Уни топиб, бир чак-чаклашишга ҳам вақт йўқ. Қалай юрибдийкин?! Шофёрнинг “ойимча” ҳақидаги гапларини эслаб, ўзича жилмайиб қўяди. Қундузи эслаб жилмаяди-ю, кечалари Очилни нукул ўша гўрга ўхшаш мудҳиш ертўлада кўради. Бу бир аломатга ўхшар эди. Ўшандай тушлардан бирида босинқираб уйғонаркан, калласига кутилмаган фикр келиб урилди: ахир, Очил эндиликда унинг машъум сирини биладиган бирдан-бир одам-ку. Бирор жойда оғзидан гуллаб қўйса, нима бўлади? Ўзингга сикқан сир ўзгага сизмас, деганлар. Холхўжа унинг чангалига тушган бир бечорадек ҳис қилди ўзини.

Бўрини йўқласанг, қулоғи кўринаркан. Оғир хаёллардан кийналиб ўтирганида, бир куни Очил ўзи йўқлаб келди. Холхўжа уни зўрга таниди. Ертўлада хонаки пижама устидан кийилган искирт пахталикда кўрган эди-да. Ҳозирги бўлса, эгнида жигарранг чарм куртка, мўйлов йилтиллашиб таралган, қуюқ қора сочи пешонасини босиб тушган, оғзи қулоғида эди найновнинг. Ҳукумат машинасидан тушиб, қулоқ ёзди, арзон атирни анқитиб, қиёматли дўстдай кўришди. Холхўжа ҳам кўнгилдаги хавотир, шубҳа, ваҳимали ўйларни дарров унутиб, бир умрлик кадрондай кучоклашди. Кулишиш, эслашишдан кейин Холхўжа олдинги ойнаси маймун, шайтон, хабашвачча қиёфасидаги анвойи туморлар билан безатилган машинани имлаб кўрсатди:



– Хўжайинникими?

– Ҳа. Сизники... юрибдими ғизиллаб? Бўлмаса кўриб бераман.

– Йўк, тузук хозирча, – деди Холхўжа. Шундан кейин попу-ги пасайиб, кулмай кўйди. Машинани эслаши бежизмасмикин?

Очил, йўл-йўлакай тўхтадим, деб шошиб турарди. Гапнинг бу ёғи анча совиди. Кўнгилларига бир ғулув келдими, шунча саргузаштни бошидан кечирган одамлар гаплашгани гап тополмагандай, кутилмаганда суҳбатни мухтасар қилишди.

– Кўришайлик, ахир, телефонингиз борми?

Холхўжа базанинг телефон номерини берди. “У-бу керак эмасми?” “Машинанинг камчилиги бўлса, айтинг”, дея бир-бирларига манзират қилган бўлишди.

– Кўришайлик.

– Албатта.

Жуда қуюқ хайрлашган бўлсалар ҳам, асосий мавзу четлаб ўтилганлиги, орада хатарли бир чигал қолганлигини иккаласи ҳам сезишди. Айниқса, Холхўжанинг кўнглига бу учрашув баттар ғулув солди, унда илон-чаёндай шубхалар яна ғимирлаб қолди... Илжайишини қара. Ҳаёсизга ҳар куни хайит. Улфати – безори шофёрлар, пиёзнинг пўсти кўп, ёмоннинг – дўсти. Кайфда гуллаб кўйиши ҳеч гапмас. Отни тепмайди дема, итни қопмайди дема. Чилласи чироқ кўрмаган бу беғам аравакашда сир ётиши маҳол. Унинг машъум сояси энди Холхўжани ўй-хаёлларида ҳам, тушларида ҳам таъқиб қилаверади. Бу енгилтак бир жойда гуллаб кўйса – тамом... Уй-жой, машинаси, чорбоғи, базаси – булар бари қора гўрга. Ҳайдаровнинг ўрнига обориб тикишлари ҳам ҳеч гапмас. Қамокда чирийди.

Кунлардан бир кун Очил ўзи телефон қилиб қолди.

– Йўк бўлиб кетдингиз-ку! – деди у. Овози баланд, кайфи чоғ эди. – Юраверасизми базангизда, каламушдай ивирсиб? Эртага дам олиш куни довонга чиқайлик. Ўша ердаги ресторанда ошнам бор, қимиз топиб беради. Окей? Бир маишат қилайлик, онасини... бу ёғи текинга қолган-ку!

Холхўжа бу кайфиятга мослашмай, “бўпти”, деб кўяқолди. Унинг учун довонда, дам олиш кунни дегандан бошқа гаплар маъносиз эди, қулоғига кирмади. Довонда... ўзи чакириб қолгани чакки бўлмади, ҳали омад Холни тарк этмайдиганга ўхшайди.

Ҳали режаси йўқ, аммо Очилнинг ҳовликма товуши қулоғида янграр эди. Шанғилламай ўл, тирик қолишимни билсам, мен аҳмоқ, сени ўлимдан қутқарармидим? Бу юришинг учун мендан қарздорсан. Қарзни олиш ҳам, бериш ҳам... гуноҳ эмас.

Кўча хандон, хона гирён бўлиб қолди Холхўжа. Кечаси уйку қочиб, мияси қизиби кетади. Тўхта-чи, каламушдай ивиришиб, дедими? Ҳазилинг ёқангдан олгур. Нимага “каламуш?”

У ўрнидан туриб ўтирди. Ғувиллаган бошини кафтлари орасига олди. Тўхта, Хол, ҳовликма. Шошган ишга шайтон оралайди. Каламуш... ўз оғзидан чиқди. Буни Холхўжа ўйлаб топгани йўқ. Унинг ўрнида бўлса, ҳар қандай киши...

Холхўжа қилмоқчи бўлган ишидан ҳам кўра ўзини оқлашни ўйлар, тасалли қидирар эди. Очил ҳам жим турмас, ахир. Бостириб бормасанг – босилиб кетасан.

Шоша-пиша кийиниб, борадиган жойини ҳали ўзи ҳам билмай, ташқарига чиқди. Тонг қоронғиси, олашовур ёмғир ёғар эди. Ишхонаси томон юрди. Одатдаги йўли, лекин ҳозир – бемахалда уни бир қутку етаклаб борар эди. Базанинг дарвозасини очиб, озик-овқат сақланадиган ертўлага тушди. Тун бўйи димланган ачимсиқ ва хуш ислар омихта, унга таниш мухит... Аммо у кирибоқ курсига ўтирди, секин юриб келган бўлса ҳам нафаси тез эди. Нима қияпти ўзи?.. Ҳа, олмоқнинг бермоғи бор, ёмоқнинг – кусмоғи... Барибир, оғрик тишнинг давоси – омбур.

Яна бир нималарни шивирлади-ю, туриб зах бурчакка борди. Бу ерда каламушларни йўқотиш учун сақлаб қўйилган кучалами, маргимушми бор эди. Шиша банкада, оғзи маҳкам боғлиқ кичкина целлофан халтачалар, ҳар бирида бир чимдим-бир чимдимдан кумуш ранг куқун... Холхўжа қарахт

бир ҳолатда, титроқ қўли билан бирини олди-да, коронгида атрофга ўғринча аланглаб қўйиб, чўнтагига тикди...

Очил меҳмонни ресторан ичкарасидаги хосхоналардан бирига бошлади.

– Айтиб қўяй, ичмаймиз, рулдаман, – деди Холхўжа.

– Ҳа, афсус... Ичсак, ўзимникидан олиб келардим-у...

– Қўйинг, куйқа чоғирингизни кўргани кўзим йўқ...

Кулишди.

Дастурхон тузалди. Очилнинг таниши икки графинда қимиз, косалар келтириб қўйди. Деразадан тоғ манзараси кўриниб турар, илҳомбахш жой эди... “Омон қолганимизга!” деди Очил косаларга кўпиртириб қимиз қуяркан. Икки коса ичишгандан кейин жигар кабобнинг ҳиди иштаҳаларни қитқлай бошлади.

– Қимиз яхши пишибди, – деди Холхўжа, – келгуси сафар бизнинг чорбоғда ўтиришамиз. Манзараси бундан қолишмайди. У “дом”ларинг нима бўлди?

– Аварийний бўлиб ётибди. Бузиб ташлайди, шекилли. Бизларга яхши жой берган, кўрсатаман, энди қиёматлимиз-ку. Олинг.

Ер тагида ётган кунларини негадир хотирлашмади. “Ёдингиздами”, “Эсингиздадир...” килиб бир-икки бошлашди-ю, қимизнинг кайфи меъёрида эди, шекилли, унча “ичкари”га киришмади. Кабоб келганида эса, қимизбоп хамир овқатлар, зиранинг ҳидли-ҳидсиз турлари, саксовулнинг нега тутунсиз ёниши сингари аҳамиятсиз мавзулардаги қуралаш гап у ёқдан кириб, бу ёқдан чиқиб турди. Графинлар яна тўлдириб келинди, совиган сихлар янгиланди.

Бир вақт, янги кабоб дастаси келганда, Очил шартга ўрнидан туриб, дераза томонга бакирди:

– Ҳой, хом-ку, бу! – деди сўкиниб. Кейин кабоб сихларини дастаси билан кўтариб чиқиб кетди. Холхўжа “кайфи ошибди” деган ўй билан жилмайиб, орқасидан қараб қолди.

Худди шу пайт Очилнинг лим тўла косасига кўзи тушиб, бадани жимирлаб кетди.

...Борган сари хавфли бўлади бу – илон юз йил яшаса аждаҳо бўларкан... Ҳозир чикиб кетганини ўзининг навбатдаги омади деб билган Холхўжа бўшашди-да, ташқаридаги машмашага бир зум кулоқ тутгач, целлофан тугунчадагини қимизга аталаб ташлади. Сақлансанг сақланасан, сақланманг ўтга қоқланасан...

Очил анча ҳаяллаб, кейин искирт халатли кабобпаз билан бирга керилиб кириб келди. Чой-нон, шакароб, қимиз, бошқа неъматлар сочилиб ётган дастурхонга хуш бўй таратиб иссик кабоб келди.

– Мана бу бошқа гап! – деди Очил қайнок жигардан олиб. Кабобпаз бўш сихларни йиғиштириб чикиб кетганидан кейин, Холхўжага кўзи тушди. – Ҳа? Рангингиз ўчган?

“Билмадим” дегандай елка қисди Холхўжа.

– Ҳаво элитган сизни, хавоси зўр-да! – Олдидаги қимизни даст кўтариб, оғзини артди-ю, овқатга урди ўзини. – Бу ернинг хавосига ўрганиш керак. Баландлик-да. Ҳаво сийрак. Лекин фойдали.

– Йўк... манга бўлмади, – деди Холхўжа, – маза қочяпти.

Унинг оқарган рангига қараб, Очил ишонди. Чиндан ҳам ёкмади бу хунасага, жўнаса тезроқ жўнатиб қўяқолиш керак, куёш ҳам оғди.

Улар турдилар. Очил меҳмонни машинагача кузатиб чиқди.

– Эҳтиёт бўлинг, йўл қия. Яна учрашамиз, худо хоҳласа.

– Раҳмат, яхши ўтирдик, – деди Холхўжа, эшикни очиб. “Энди Азроил билан учрашасан” деди ичида. Тезроқ жўнаб қолиши керак эди, газ берди. Салим сўпоқнинг тортиғи зўр чиқди, неча вақтдан бери панд бермай ғизиллатиб юрибди, мана. Чў, жонивор!

Бекордан бекорга вужуди музлаб, кўли қалтираб кетаётган Холхўжа бу довонни тезроқ унутишга, ўзига далда беришга уринар эди. Чў, жонивор! “ГАЗ-24” бирпасда арчали қояга етиб келди, бу ёғига йўл кескин пастлаб кетар эди.

Унинг қўллари ҳамон қалтирайди. Миясида ҳам худди қовоғари ғужғон ўйнайди... Қизик... қанчада таъсир қиларкин? Кейинрок... Қаламушнинг кучала еган жойидан анча нарига бориб тиришиб қолганини ўз кўзи билан кўрган. Холхўжа икки бармоғи билан пешонасини сиқиб, бошини силтаб ташлади: шуларни ўйламасликнинг иложи йўқмикин? Иложи... Иложи... бу... бу қанақаси?! Тормоз бўшаб қоптими?!

Тормознинг педали худди синган қўлдай шилқ-шилқ бориб-келар, ушламас эди. Бу нимаси, ҳалигина... Машина қияликдан ғизиллаб кетиб борарди. Тезлик 160 га етди. Холхўжанинг қалтироғи ҳам тинди, бутун эс-хуши, асаблари, вужуди бир тугунга тугилгандай, ўй-хаёли – омон қолиш! Чапда тикка қоятош, ўнг ёқ – жарлик. Рўпарадан тепага чиқиб келаётган машиналарнинг бири “хуркиб” ўзини четга олар, баъзилари кўркқанидан фараларини ёқиб, узун сигнал бериб қолишар эди. Тезлик кўрсаткичи қизил чизикдан ўтди. Холхўжа кўзини йўлдан олишга кўрқар эди. Бу кетишда қаерга бориб урилади... урилиш... йўқ, портлаб кул бўлади. Ажабо, бу ҳолатда мияси ҳам худди учиб кетаётган машинадай ишлаб турибди. Хаёлига бир фикр келди: бу аблаҳ Очилнинг иши! Довонга атай чакириши ҳам бежиз эмас. Ҳали баҳона топиб ташқарига чиқиб кетганида... анча ҳаяллаб қолганидан кўнглига бир шубҳа ораловди-я... Ҳа, ифлос. Тўхтаб тур, ўзинг ҳам узоққа бормаё тарашадай қотасан!

Машина нишабга қараб ўқдай учиб борар, Холхўжа энди тақдирга тан бериб, ўзини йўқота бошлаган эди. Шалаббо тер босди, бўшашди, нима қилишини билмайди. Очил газандага ўхшаш тажрибали шофёр бўлганида-ку, бир чорасини топарди. Қўлидан дармон кетди. Рўпарадан яна машиналар чиқиб келяпти. Ёнидан лип-лип ўтишади. Шофёрлар ваҳимада нималарнидир бақириб қолишади. Бири машинасини орқага қайтарди, шекилли. Холхўжа кўзгуда унга қарайман деб, йўлдаги чоғроққина тошни кўрмай қолди. Тош елиб келаётган машинанинг орқа ғилдирагини жиндак кўтариши ҳамон... кабина шифтига боши билан урилган Холхўжанинг зехнида ма-

шинанинг чархпалак бўлиб жарга учгани чакнади-ю, сўнди. Шундан кейин учиш ҳам, тарақ-турук урилишлар ҳам йўк, ҳамма нарса шундай секинладики... Холхўжанинг ўзи ҳам хавода соядай аста сузиб бориб, тубсиз қоронғиликда гўё эриб ғойиб бўлди.

У ҳушига келиши билан акли тиникиб, ҳамма воқеалар бирданига кўз ўнгидан ўтди: довон, Очил, тормоз, учиб кетаётган машинанинг чархпалак бўлиб жарга ағдарилиши... Аммо кўзини очса – зим-зиё. Тун, қок ярим тун... Ё тун эмас, кўздан қолдимми? Ундай деса, кўзи эмас, қайтага боши... Боши қулоғи аралаш бутунлай чирмаб ташланган, йод ҳиди анқиб турибди. Холхўжа касалхонада ётганини бу гал дарҳол тушунди. Демак, яна тирик. Лекин оёқ-қўлини кимиралишига юрак дов бермасди: кесиб ташлаган бўлса-я. Бармоқларини аста кимиралиб кўрди, аммо оёқ... Бош кўтариб қарашга юраги бетламади. Эшик ғийқ этиб, хонага қия шуъла тушди. Ҳамшира кириб, деразанинг оғир пардаларини суриб кўйди.

– Ҳа, қахрамон! – деди у. Овози ёқимтой экан.

– Қачон... олиб келишди?

– Ўтган куни. – Кампир кўрпа-ёстикни чаққон-чаққон тузатиб, у ёқ-бу ёқни йиғиштираркан, ўз боласига гапираётгандай ялиларди: – Энди кетиб қолмагин, болам. Мана, жойинг яхши, қўшниларинг беозор. Кеча икки марта ҳушинга келдинг-у одам танимасдан яна... Мана, ҳозир овқатлантираман, дори бераман. Катта дўхтир келади. Мана бу матоларингни бошқатдан боғлайди. Биламан, оғрийди, бир бақирасан, икки бақирасан, кейин тузалиб кетасан-да, болам. Кўп кўрганмиз, бизга ҳам осон тутма, бари мана шу ичкилик тушмагурнинг касофатидан... Худойим-ей, ёш-ёш болалар...

Кампир меҳрибону жуда эзма экан. Унинг гапига қараганда, Холхўжанинг қонидан ҳам алкоголь асари топилибди, шундан кейин, албатта, машинасини текширишмаган ҳам. Холхўжа кампирнинг бу хабарини эшитгандан кейин, бошқа жаврашларига қулоқ солмай кўйди. Оббо, Очил мараз-ей, шу жойда ҳам Холхўжадан айёрроқ чиқди: майда-чуйда-

гача ҳисобга олибди. Лекин қора нияти билан кетди ундан нари. Итнинг тилаги қабул бўлганда осмондан суяк ёғарди. Ит! Ётдан – ёруғлик, итдан чоруғлик чиқмас. Сени ўлимдан кутказган ким эди, ит! Кўр бўл, ношукр бўлма!

Холхўжа соғайиб чикиб кетишга астойдил қасд қилди. Энди Очил йўқ (унинг кўп ўтмай каламушдай тиришиб қотганига амин), жин кўзачага қайта қамалди. Шунинг учун у оғриқларга тишини тишига босиб чидаш берди. Тушларида ўзини киялаб учиб кетаётган машинада кўриб, бақириб уйғонар, ярасини бехос уриб олиб, узоқ сиктанар, азобли муолажалардан кейин ором топиб узоқ ухлар, кечалари тахтакачга тортиб осиб қўйилган оёғига қараб хаёл сурарди: мана, энди яшайди у! Шу вақтгача ўтган бетайин умр умрми? Энди уни таъкиб қилиб, орқасидан юрадиган ўлим кўланкаси йўқ, ичидаги сир ичида, уни сиртга чиқарадиган аҳмоқ Холхўжа ўлди. Аварияда ўлди. Ертўлада кўмилиб кетди. Бу ётган бутунлай бошқа, дорилбақонинг остонасидан икки марта қайтиб, эсхушини йиғиб олган одам бу, ҳа. Бундай кайфият унинг тезроқ тузалиб кетишига ёрдам берди, албатта. Икки ҳафта деганда унга қўлтиктаёқ бердилар. Ҳамшира кампирнинг “қаҳрамон-қаҳрамон” деб эркалашлари ҳам далда бўлиб, ҳақкалаганча йўлакка, ҳатто ҳовлига ҳам чиқадиغان бўлди.

Касалхона катта. Дарахтзор ҳовлини қуршаб олган корпусларнинг ҳар бири ўз номи билан: Холхўжа ётган жой ортопедия бўлими деб аталади, рўпарада – кардиология, ўнгда – неврология, ҳов нариги сарғиш корпус – токсикология бўлими. Асфальт йўлкаларнинг икки ёнида гулзорлар, яшил ўриндиклар, қисқаси, беморлар учун сўлим сайргоҳ.

Бугун Холхўжа шу йўлкалардан бирида қўлтиктаёқ билан юришни машқ қилиб кетаётса, заъфарондай сарғиш ўша корпус томондан букчайганроқ, ранги захил бир одам яқинлашиб келаверди. Орада етти-саккиз қадам қолганда довулга дуч келгандай секинлади, сурранг пижама енгини кўзига соябон қилди; Холхўжа ҳам тўхтаб, таёғига суяниб қолди.

Бир хил беморлик жомаси кийган бу икки киши, икки шумшук – ит-мушук, бу дунёда бир-бирларини кўрмаслик учун қолган умрларини беришга тайёр эдилар. Олдинга бир кадам кўймай, тикилиб қолишди. Узоқ, жуда узоқ тикилишди. “Ё Раб, сен ҳам қайтдингми, сен ҳам тирикмисан?” деган хитоб бор эди иккаласининг ҳам кўзларида. “Бўлмаса, ертўладаги гапни овоза қилишни энди кўр!” дер эди иккаласи ҳам ичида. Ва ҳамон тикилишар эди.

Ҳа, у ҳам тирик, бу ҳам тирик. Энди, то охиратгача улар бир-бирларини таъқиб қиладилар. Яна олдинда умр, яна ҳаёт, яна гуноҳ, яна жиноятлар... Азобли йўлни барибир босиб ўтиш керак. Фанода ҳам, Бақода ҳам. Худованд бир инсонга икки дунёни бериб қўйибди. Аммо имонни бой берганга иккаласи ҳам ҳаром экан...



Одил
ЁҚУБОВ

Ўзбекистон халқ ёзувчиси

(1926 – 2009)



ҚАЙДАСАН, МОРИКО?

Инсон ҳаёти тасодифларга, гоҳо етти ухлаб тушига кирмаган воқеаларга тўла. Шу йил Ғалаба куни урушда ҳалок бўлган шахидлар хотирасига бағишланган муаззам мажмуанинг очилиш тантанасидан уйга қайтиб, энди дам оламан деб тургандим, телефон жиринглаб қолди.

Гўшакдан қиз боланинг жарангдор овози келди.

– Сиз палончи ёзувчимисиз? Мен “Ўзбектуризм”дан телефон қиялман. Бизга Япониядан бир гуруҳ туристлар келишган. Бир хоним сизни танир экан, йўқлаяпти. Иложи бўлса кўришсам, деяпти.

Ҳайратландим.

– Қаёқдан таниркан?

– Билмасам, – деди қизча. – Япон урушида қатнашган экансизми? Порт-Артур деган шаҳарда бўлганмисиз?

Баттар ажабландим.

– Ҳа, бўлганман. Лекин...

Қизча гапимни бўлди:

– Ўшанда кўришган экансизларми-ей. Қайси бир китобингизни ўқиган эканми-ей. “Улуғбек” деган асарингиз борми? Ўша китобингизни ўқиган экан. Ўрисча биларкан...

...Порт-Артур! Русча биладиган япон хотин! Аллақачон ёдимдан чиққан, бироқ чамаси кўнглимнинг бир чеккасида мудраб ётган ҳам маъюс, ҳам куз офтобидай тиник эсдаликлар селдай ёпирилиб келди-ю, хаёлимни олиб қочди.

– Алло, – деди қизча. – Нега индамай қолдингиз? Ё учрашишни хоҳламайсизми?

– Йў-йўқ, хоҳлайман, хоҳлайман...

– Бўлмаса телефонимни ёзиб олинг. Истаган вақтингизни айтасиз. Қолганини ўзим ташкил қиламан.

Минг тўққиз юз қирқ бешинчи йилнинг илиқ куз ойлари, япон офицерлари учун қурилган шинам шаҳарча – Порт-Артур. Ям-яшил арчазорлар орасига яширинган бир қаватли озода, кўркам уйчалар. Рус сўзларини аллақандай ёқимли бидирлаб гапирадиган япон қизчаси Морико!

Хаёлим яна узоқларга учди.

Салкам икки минг чақиримга чўзилган машҳур Гоби саҳросини яёв ўтганда чеккан уқубатларимиз, ортда қолган Гоби саҳросидан кейин йўлимизни тўсган Хинган тоғлари ҳам орқага чекинган. Олдинда эса чексиз-чегарасиз, ям-яшил водий ястаниб ётади. Бу – шимолий Манжуриянинг бошланиши эди.

Бизларнинг уст-бошимиз чок-чокидан кетган, кийимларимиз Гоби саҳроси чангалзорларида дабдала бўлиб, фақат пайтавада қолган, соч-соқолларимиз тикандай ғовлаб кетган шўрпешона солдатларни шу водий бўйлаб яна подадай ҳайдаб кетишди. Бир ҳафта деганда темир йўл ўтган қандайдир шаҳарга етиб бордик. Бу ерда худди консервага тиқилган сел-ёдка балиқдай қизил вагонларга тикиб олиб кетишди. Одам худди ғимирлаган пашшадай, уларни қандайдир шаҳарлардан (кейин билсак бу – Мукдси ва Харбин деган шаҳарлар экан) олиб ўтгач, бир ҳафта деганда ҳалиги қизча айтган Порт-Артур шаҳри атрофидаги япасқи қирларга олиб бориб, худди гугурт чўпларидай тўкиб ташлашди.

Биз келган қирлар кўркам олмазор ва нокзорлар билан копланган. Кундуз кунлари боғларга шўнғиб кетамиз: сабаби уруш, боғлар қаровсиз қолган... Кўйинларимизни асал таъми

келган нок ва олмаларга тўлдириб, пастдаги палаткаларимизга қайтамыз. Биз ҳам деярли қаровсиз қолганмиз. Хоҳласак ётамиз, хоҳласак турамыз, хоҳласак олмазор қирларга чиқиб дайдиб кетамиз. Шунда кўз олдимизда улкан дид ва маҳорат билан қурилган миттигина, лекин бекиёс кўркем шаҳарча Порт-Артур намоён бўлади. Шаҳарчанинг бир томони мовий бўғозга, бўғоз эса офтоб остида жимирлаб ётган океан мавжларига тутшиб кетади. Уфқда қаёққадир кетаётган кемалар кўзга ташланади. Улар қаёққа кетаяпти? Эҳтимол, элимиз томон йўл олаётгандир? Биз кемалар мўрисида эшилиб чиқаётган кўкимтир тутунларга энтиқиб тикиламиз. “Биз ҳам бир кун шундай кемаларга тушиб она юрт томон йўл олармиканмиз ё суяқларимиз бу гўзал, лекин бизга ёт тупроқларда қолиб кетармикан”, – деган ўй юракларимизни зирқиратади...

Бу такасалтанг, дайди ҳаёт ўн кунга чўзилди. Сўнгра те-варак-атрофдаги қисмлардан бизга “совчи”лар кела бошлади. Улар ўзларига керак солдатларни танлаб олишади. Бировга мерганлар, бировга пулемётчи, бировга автоматчилар керак, яна бировга эса ошпаз керак, ҳатто сартарош, тикувчиларни ҳам қидириб келишади.

Шундай кунлардан бирида номига рота дейилган, аслида интизом қолмаган бизнинг қисмимизга кўкси жаранг-журунг орден-медалларга тўла ёш, хушсурат бир майор иккита офицер билан “совчи” бўлиб келди. Уларга ўн-ўн бешта автоматчилардан ташқари штабда хизмат қиладиган, хати чиройли, саводи яхши бир солдат ҳам керак экан.

Рота командиримиз – жанговар, аммо бор-йўғи еттинчи синфни битирган офицер бу масалада мендан фойдаланиб турар, юқорига юбориладиган ҳар хил ахборотларни менга ёздириб юрарди. У мени майорга тавсия қилган экан, чақириб қолишди. Майор худди харид қилгани от бозорига келган одамдай, елкадан ушлаб, у ёқ-бу ёққа ўгириб кўрди-да, тўсатдан:

- Қайси юртдансан? – деб сўради.
- Ўзбекистонданман, – дедим мен.

– Миллатинг ўзбекми?

– Ўзбек...

– Нечанчи синфни тугатгансан?

– Ўнинчи синфни.

– Русчанг чакки эмас. Қачон ўргангансан?

– Бешинчи синфгача рус мактабида ўқиганман.

– Тошкентни кўрганмисан?

– Кўрганман...

Майор лабларига кулги югуриб:

– Тошкент дегани нима дегани? – деб сўради.

Мен довираб қолдим.

– Тошкент дегани – Тошкент-да!

Майор шўрлаб кетган эски қалпоғимни бурнимга суриб:

– Э, сени қара-ю, шуниям билмайсан! – деб қулди. – Тошкент дегани – тошдан қурилган шаҳар дегани. Тош дегани – тош! Кент дегани – шаҳар.

Мен ўсал бўлдим. Бирок майор ўзини билиб-билмаганликка олди-да:

– Хўп, – деди. – Бугундан бошлаб штабимда котиблик қиласан. Тушгача штабда хизмат қиласан, кейин менинг уйимда майда-чуйда ишларни бажарасан. Масалан, пашша кўриб ётасан. – У ўзига хўб ярашган мўйловчасини силаб яна қулди.

Шу кундан бошлаб, пиёда аскар ҳаётининг инсон боласи чидай олмайдиган укубатларидан зада бўлган камина турмушида ақл бовар қилмайдиган роҳат-фароғатга тўла кунлар бошланди. Қолган вақтим штаб бошлиғим – майорнинг уйида ўтади. Майорга Порт-Артур қалъасининг шундоққина денгиз соҳилидан, атрофи арчазор чиройли коттеж ажратилган. Коттеж илгари нуфузли япон генералига қарашли экан...

Генералнинг ҳовлиси этагида хўжалик уйи ва омбори ҳам бўлиб, барча унвонларидан ва имтиёзларидан айрилган генерал икки қизи, бири 22-23 яшар Чикосан ва кенжа қизи – Морико билан ҳовли этагидаги торгина хўжалик уйида туришар экан. Собик генерал мағлубиятдан кейин тарки дунёчиликни ихтиёр этиб, уйида камалиб олган, қизларини эса рус офицерларидан қизганиб, тергагани тергаган экан.

Мен бошда уларга кўп эътибор бермай, ўз ишим билан овора бўлиб юрдим. Ишим эса жуда ғалати, солдат хизматига сира ўхшамас эди.

Эрталаб майорнинг машинасида хўжайиним билан бирга штабга бораман. Тушгача машинкада (машинкада босишни бир ҳафтадаёқ ўрганиб олдим) юкори штабларга майда-чуйда хабарлар ёзаман, тушдан кейин эса майорнинг шахсий ишларини бажараман. Ҳафтада икки марта полк омборхонасига бориб, озик-овқат оламан. Офицерларга бериладиган бу озик-овқат жуда антика эди. Нон деганингиз сен же, мен же – қолганига: японлардан ўлжа олинган, асал таъми келадиган, еганда қисир-қисир қиладиган халта-халта галет-пичинон, қуюлтирилган сут, гўшт ва балиқ консервалари, колбаса деганинг уч-тўрт хили, бир неча шиша спирт, кўйингки, биргина майор эмас, беш-олти киши еб тамом қилолмайдиган озик-овқат!..

Мен буларни опкелиб, салкин ертўлага жойлайман, сўнгра майорнинг кийим-кечакларини дазмоллайман, хоналарни йиғиштираман. Бунинг ҳаммасига кетса бир-икки соат кетади, қолган вақт, майор айтганидек, пашша кўриб ётаман. Зериккан пайтларимда эса майорнинг дурбинини олиб, деразадан мағлуб генерал кулбасидаги ҳаётни, тўғрироғи, мендан беш баттар зериккан қизларнинг шўхликларини жинниликларини кузатиб ётаман. Бир кун шу машғулоти устига майор кеп қолди. Мен унинг уйга кирганини сезмай қолибман, чунки икки ўйинқароқ қизнинг шўхликлари авжига чиққан, улар аввал бир-бировига сув сепишиб, роса кулишган, кейин жикка хўл кўйлақларини ечиб, кип-яланғоч ҳолда кийимларини сика бошлаган эдилар. Умрида кип-яланғоч қизларни кўрмаган, гўлгина қишлоқ йигити – мен юрагим гурс-гурс уриб, энтиқиб ётган эканман, тўсатдан:

– Сен нима қиялсан ўзи? – деган ўктам овоздан сесканиб, сапчиб ўрнимдан турдим...

– Ҳеч нима, ўртоқ... майор!

– Қани, дурбинни бу ёкка чўз! – буюрди майор.

Сўнг, дурбин билан бир зум генералнинг кулбасига када-
либ турди-ю, менинг холимга тушиб қолди. Қалтироқ босиб
хансирай бошлади.

– Об-бо, куриб кетгурлар-эй! – деди у, дурбиндан аранг кў-
зини узиб. – Қара, қандай нозик, хипчабел, гўзал! Айниқса,
катгаси. Худди... букача талаб ғунажиннинг ўзгинаси... Эр-
каксиз ўлиб бўлганга ўхшайди. Мен кеча “Смерш”да ишлай-
диган оғайнимдан билиб олдим. Биз генерал деб юрган бу
одам 1941 йили Америка флотини ер билан яксон қилган ден-
гиз жангларида қахрамонлик кўрсатган контрадмирал экан.
Хотини ўлибди. Икки қизи билан тураркан. Катта қизининг
исми Чико экан, анови кичкина шайтончанинг исми Морико
экан. Чиконинг эри камикадзе бўлган дейишади. Камикадзе
деган сўзни эшитганмисан? Ўзларини ўлимга маҳкум этган
император учувчиларини шундай дейишган. Улар самолёт-
лари билан ўзларини Америка харбий кемаларига ташлаб
ўлишган... Ё тавба!

Майор чукур хўрсиниб, торгина хонани бир айланиб чиқ-
ди-да, тўсатдан корамтир кўзлари шўх чакнаб:

– Менга қара, оғайни, – деди энтикиб. – Бошларини айлан-
тириб кўрмаймизми, буларнинг? Кичкинаси ҳали ёш. Эпла-
санг, китик патига тегиб, ўйнашиб юришинг мумкин. Лекин
катгаси менбоп экан! Нима дейсан?

Эсимга штабдаги офицерларнинг шивир-шивир гаплари
тушди: рус офицерларининг япон қиз-жувонлари билан ало-
қада бўлишлари катъий ман этилган. Кимки, бу масалада қўл-
га тушса, шафқатсиз жазоланади!..

– Бе-е, – деди майор беписанд кўл силтаб. – Чумчуқдан
кўрққан тарик экмас! Оллои таоло олдимизга шундай бебаҳо
неъматларни қўйиб қўйипти-ю, биз бу неъматни татиб кўр-
масдан ўтиб кетамизми дунёдан! – майор шундай деб хитоб
қилди-ю, тўсатдан: – Озиқ-овқатлардан нималаринг бор? –
деб сўради.

– Ҳамма нарса! Сиз спиртдан бошқа ҳеч нарсани истеъмол
қилмайсиз-ку, ўртоқ майор!

– Бўлмаса бундай қил! – деди майор гапимни бўлиб. – Бир кути топ! Унга бир-икки банка куйилтирилган сут, бир-икки халта галет сол. Улар галетни ўлгудай яхши кўришади! Бир-икки дона колбаса сол! Унгача мен бир хат ёзиб қўяман.

– Улар тил билишмайди-ку? Қандай тушунтираман?

– Лапашанг. Шунча яшаб кўрмадингми? Опа-сингилларнинг миттигина русча-японча луғатлари бор. Доим кўкракларига босиб ўкиб юришади-ку! Бор, буйрукни бажар!

Ертўлага тушиб, картон кути топдим. Уни майор айтган ноз-неъматларга тўлдириб чиқдим. Хўжайиним ҳамон жунбушда, бетоқат кутиб ўтирарди. У бир парча қоғозни кўрсатиб:

– Ўқиб кўр! – деди. – Сендан яширадиган сирим йўқ!

Майорнинг хати бор-йўғи бир-икки жумладан иборат эди.

“Чико сан! Мен сени севаман. Жуда-жуда севаман! Кечаси қоронғи тушганда кутаман. Келмасанг ўлиб қоламан. Сени каттиқ кучиб, майор Миша Ногов”.

– Қалай, боплабманми?

Майор тор хонани бошига кўтариб хушнуд кулди. – Ўтмиш тажрибамдан биламан: бунақа хат олган бирорта қизжувон рад этган эмас! Сен жўжахўроз бу ишда нимани ҳам тушунасан? Бирорта қизни ўпганмисан ўзи? – майор ўзига ярашган ингичка мўйловчасини силаб, яна қаҳ-қаҳ отиб кулди. – Энди бундай қиласан, оғайни! Қутичангни анов арчанинг тагига яшириб қўясан-да, анови кичкина шайтончани имлаб чақирасан.

– Генерал кўриб қолса-чи?

– Кўриб қолганда нима қиларди сени? Рус офицери япон кизига ошику беқарор бўлганидан ифтихор қилсин бу пати юлинган қари хўроз! Опаси билан менинг орамда почтальон бўлиши керак бу муғамбир шайтонча! Агар шунга кўндира олсанг – хўп-хўп! Кўндира олмасанг, штабдан ҳайдаб юбораман! Юрасан машқларда кечаю кундуз ер эмаклар! Бор, жанговар буйрукни бажар! Ана, ўзим билгандай ҳовлидан чиқиб, арчаларга сув сепяпти! Никоҳлаб бераман уни сенга!

Ҳақиқатан, миттигина Морико кўлида узун шланг, яланг

оёк, енгсиз ич кўйлак ва калтагина трустикда, арчаларга сув сепмокда эди.

Ҳақиқатан, умримда қизлар билан эркин муомала кип кўрмаган содда йигитча, юрагим патир-путур қилиб ховлига чиқдим. Кутини биз томондаги арча тагига кўйиб, Морикони имлаб чақирдим. Чакирар эканман, мен негадир уни хуркиб қочади, деб ўйлаган эдим. Морико эса қўлидаги шлангни отиб юборди-да, дик-дик сакраб, чопқиллаб ёнимга келди (чамаси, опа-сингиллар биздан мана шунақа бир ишорани кутиб юришган экан-ов). У шундай яқин келдики, мен қизнинг енгил нафасини туйдим, ич кўйлаги тагидаги эндигина туртиб чиққан ва нимаси биландир учлик хандалакчаларни эслатадиган кўкраклари кўксимга тегиб, вужудимдан ўт чиқариб юборди. Унинг хиёл қийғоч тимқора кўзлари кулиб турар, кўз корачикларининг ўртасида аллақандай тилла нукталар офтоб зарраларидай ялтиллаб турарди.

– Бу сенга, – дедим мен кутини очиб.

Морико қикирлаб кулди.

– О-о, жуда кўп-ку! – деди у рус сўзларини японча талаффуз қилиб. Унинг кулгиси ҳам, рус сўзларини бузиб талаффуз қилиши ҳам эндигина тилга кирган гўдақнинг бидирлашидай ёқимтой эди.

– Бу эса опангга, Чикога! – дедим майорнинг хатини уза-тиб. – Сир эмас! Хоҳласанг, ўқиб кўришинг мумкин!

Морико хатни, олиб, кўз югуртириб чиқди-да:

– Мен ҳозир, ҳозир! – деганича чопқиллаб ховлилари томон кетди. Ҳақиқатан, янгилишмаган эдим, опа-сингиллар анчадан бери биздан ишора кутиб юришган экан, чамаси! Майор деразани очиб:

– Нима бўляпти ўзи? – деб сўради бетоқат бўлиб.

Беихтиёр кулиб юбордим.

– Шошманг, ош пишяпти. Опаси билан гаплашгани кетди!

Морико зум ўтмай японча-русча сўзлашгич-луғатни кўкрагига майин босиб қайтиб чиқди. Бу сафар у боягидан ҳам кувноқ, чехрасида болалик шўхлиги барқ уриб турарди.





– Опам рози, – деди у, бир менга қараб, бир луғатдан сўз кидириб, – Фақат бугун эмас, кейин, эртага.

– Нега?

– Чунки... – у яна сўзлашгични варақлади. – Чунки... қиз бола дарҳол рози бўлса... уят бўлади! – у болаларча кувнок кулди-да, кутичани енгилгина кўтариб олиб, дик-дик сакраганича ҳовлилари эшигида ғойиб бўлди.

Оғзим қулоғимда майорнинг олдига чопдим. Майор, гапимни эшитиб дарғазаб бўлди.

– Нега бугун эмас, нега эртага келаркан? – бақирди у. – Жанговар вазифани яхши бажара олмадинг, биродар! Бор, қайта гаплаш! Ана, кичкина яна сув сепяпти. Унга айт, тушунтир! Бугун келмаса командирим ўлиб қолади, де!

Бу сафар Мориго менинг гапимга хомушгина жавоб берди.

– Майли, айтиб кўраман опамга! – у истар-истамас уйларига кириб кетди-да, анчадан кейин кулимсираб қайтиб чиқди. – Майли, капитан ўлиб қоладиган бўлса... ўлиб қолмасин бечора, чиқаман, деди опам! – Мориго шўх кулганича кочмоқчи бўлди, яланғоч билегидан шап ушладим.

– Сен ҳам кел, Мориго, келасанми? – ҳаяжондан нафасим бўғилиб сўрадим ундан. У қўлини тортиб олмасдан:

– Нима қиламиз? – деди кўзлари кулиб.

– Гаплашиб ўтирамиз.

– Бор-йўғи шуми?

– Агар рози бўлсанг... рози бўлсанг битта ўпаман.

Мориго тим қора қисик кўзларини ўйнатиб:

– Йўқ, менга ўпишиш мумкин эмас! – нозланди Мориго.

– Нега?

– Чунки... чунки мен кичкинаман!

У шундай деб, кафтини елкамга қўйди.

– Мен ҳам сендай бўлганимда ўпишишим мумкин!

У хандон отиб кулди-да, қўлини қўлимдан юлиб олиб тура кочди.

Бу сафар майор хурсанд бўлиб:

– Мана бу бошқа гап, солдат! – дея елкамга қоқди. – Лекин қачон келаркин? Соатини айтмабди-да!

– Соатини нима қиласиз? Қоронғи тушганда келади-да? Сабр қилинг пича!

– Бор, бор, ишингни кил! – деди майор. – Ётиб хурракни отавер, ишинг бўлмасин биз билан.

Шунча саъй-ҳаракатларимдан кейин қандай ишим бўлмас экан?

Мен майорнинг ўз хонасида, қафасдаги шердай бетиним одимлашига кулоқ солиб, узоқ ётдим. Қоронғи тушди ҳамки, Чикодан дарак бўлмади. Ўзимни чалғитиш учун аста-секин Морико ҳақида ўйлай бошладим. Ўйлашим билан дилимни офтобдай ёруғ бир туйғу чулғаб олди. Мен негадир унинг бугун бўлмаса ҳам эрта-индин келишига амин эдим. Агар келса... нима бўлади, нима қиламан-а? – бу саволдан юрагим ўйнаб, вужудимни титроқ босарди...

Ширин хаёллар оғушида донг қотиб уйкуга кетибман. Эрталаб майор кўрпамдан торткилаб уйғотди.

– Сен менга хизматқормисан, ё мен сенга малайми? Туш бўлди-ку, дангаса! – майор ёш боладай ишшайиб турарди.

– Чико сан келдими, ўртоқ майор?

Майор мўйловчасини силаб, масҳараомуз кулди.

– “Келдими” эмиш! Ҳозир кетди! Шундай мулойимки, ипак дейсан. Нақ урғочи мушук дейсан! Кўлингда ипакдай эшилади-я, кизиғар! Йўқ! – сочларини тўзғитиб бошини силкиди у. – Камина умримда не-не гўзалларни кўрганман. Ўзимизнинг рус марускаларини дейсанми, хохлушкаларни дейсанми, полячкалару, немкалар дейсанми? Фақат сенинг ўзбек кизларингни татиб кўрмаганман! – деди у, чамаси, мени хурсанд қилмоқчи бўлиб. – Тошкентда хизмат қилганимда кўп уринганман. Бироқ ҳеч нарса чиқмаган! Бизнинг марускалар ҳамма билан юраверишади. Ўзбек билан ҳам, грузин билан ҳам! Аммо сенларнинг кизларингни тузоғимга илинтира олмадим. Лекин, ўйлайманки, улар ҳам японкаларга тенглаша олмайди. Булар батамом бошқача бўларкан... Хўп, майли!

Майор, гўё ўз гапларидан ўзи хижолат чеккандай, қаттиқ томоқ кириб олди.



– Энди бундай қиласан, – деди у буйруқ оҳангида. – Куриб кетгур Чико спирт ичмас экан. Бир-икки шиша вино топиш керак, дўстим! Сен бугун штабга ҳам бормай қўяқол. Тўғри омборхонага чоп. Омбор мудирига айт, майор юборди, де! Ернинг тагидан бўлса ҳам бир-икки шиша вино топиб берар экансан, де! Агар топиб бермасанг... мана бу ерингга! – майор кетини шапатилаб хохолаб кулди. – Тепар экан, де! Жанговар вазифа аёнми, оғайни?

– Аён, ўрток майор!

– Аён бўлса... буйруқни бажар! Уйларни йиғиштир. Эҳтимол, кичкинанинг кўндирарсан. Эҳтимол, у ҳам келар кечкурун. Агар келса... иккимиз божа бўламиз!

Майор хушчакчак кайфиятда штабга кетди. Мен дарҳол дурбинга ёпишдим. Йўқ, на Чико кўринадиди, на кичкина! Шундай бўлса ҳам ўша куни рўй бериши мумкин бўлган тотли онлардан юрагим ҳаприқиб ишга киришдим. Уйни йиғиштирдим, аввал майорнинг, кейин ўзимнинг кийимларимни дазмолладим. Сўнг тўрвамни қўлтиқлаб омборхонага чопдим. Омбор мудирининг кайфияти қадрдон ошнаси эди. У гапимни эшитиб:

– Полк командирига опқўйган бир-икки шиша вином бор эди. Сўраб қолса нима қиламан? – деб тўнғиллади. Бирок йўқ деёлмади. Шишаларни калин коғозга ўраб бераркан: – Нима бало, бирорта япон қизлари билан топишиб қолмадимми хўжайининг? – деб сўради.

– Йўқ, оғайнингиз япон қизга қарармиди, – дедим гапини чўрт кесиб. – Биласиз-ку, дўсти-биродарлари кўп. Ҳар куни кечкурун йиғилишади. Маишат!

– Сен бола унга қараб юр. Жиннилик қилмасин. Қатъий буйруқ бор. Япон қиз-жувонлари билан илакишиб қолган офицер... майор бўлмоқ тугул, генерал бўлса ҳам... – омбор мудирининг худди майорга ўхшаб кетини шапатилади. – Мана бу еридан тепки еб, армиядан қувилади!

Омбор мудирининг гаплари бу қулоғимдан кириб, у қулоғимдан чиқиб кетди. Кайфим чоғ (хўжайинимнинг иккинчи

жанговар топширигини “есть” қиялпман), хаёлимда ҳамон ўша: “Морико келармикан, келса нима бўларкан?” деган тотли ўй, икки шиша шаробни халтачамга уриб, уйга чопдим.

Морико. Эгнида кечаги енгил кийим. Яланг оёқ, кўлида жўмраги тешик идиш, деразамиз тагида гулларга сув сепарди. Кўнглимда ўша ишонч, шитоб билан югуриб олдига бордим.

– Морико, юр, олдимга кир!

Морико сув сепишдан тўхтаб, кўзларимга тикилди.

– Нима қиламиз?

Морико лабларига ноз аралаш муғомбирона табассум югурди.

– Гаплашиб ўтираммиз.

– Қурук гапдан нима фойда?

– Хўлиям бор, – дедим халтамдаги шишаларни кўрсатиб.

– Мен шароб ичмайман! – деди Морико.

– Морико! – дедим ёлвориб. – Жоним Морико!

– Майли. – Морико ёқимтойгина илжайди. – Агар тегмасанг кираман. – У шундай деди-да, гўё ғаройиб капалакдай лип этиб, уйимиз эшигидан кириб ғойиб бўлди.

Юрагим ҳапқириб орқасидан кирдим.

Бир зумда бояги журъатимдан асар ҳам қолмаганди.

Морико менинг хонамда, каравотимда ўтирарди. Бир зумда унинг бояги ўйинқароклигидан асар ҳам қолмаган. Тим қора кийғоч кўзларига аллақандай чуқур мунг чўкканди!

Ёнига ўтирдим.

– Сенга нима бўлди, Морико?

– Бу менинг хонам эди, – у чуқур тин олди. – Ана у деворларнинг ҳаммасини ўз кўлим билан чизган суратлар, ўзим тиккан кашталар билан безатиб кўярдим...

– Нега уларни опкетдинг? – дедим, дедим-у, ўз саволимдан ижирганиб кетдим.

Морико ялт этиб қаради, унинг мулойим чехрасида нафратга ўхшаш совуқ бир ифода пайдо бўлди.

– Нега мен ўзим чизган расмларим-у, меҳр билан тиккан кашталаримни бизни хор қилган аскарларга қолдириб кетарканман! – деди у кутилмаган бир қаҳр билан.

Нима дейишимни билмай талмовсираб колдим.

– Морико, қўй бу гапларни...

– Тўхта – деди у хиёл юмшаб. – Рўпарадаги хонада опам Чико эри билан туришарди, хўжайининг яшаётган хонада эса (отес, – деди у), отам билан мархум онам турардилар. Эшик-деразаларнинг ҳаммасига чиройли дарпардалар осиб қўярдик. Тувакларда гуллар, хоналарда қимматбаҳо тўқима столлар, креслолар бўларди. Энди ҳаммаёқ шип-шийдон...

Мен унинг кизларга хос нозик, нимжон елкасидан кучдим.

– Биз солдатлармиз-ку, Морико. Солдатларда нима ҳам бўлади? Ундан кўра битта ўптир.

– Қўйиб юбор, – деди Морико.

– Қўйвормайман. Битта ўпаман!..

– Қўйвор, – деди у кимир этмай... Билиб қўй, мен жуда кучлиман. Ишонмайсанми? Мана! – у бир талпинди-да, худди хўл балиқдай сирпаниб, кучоғимдан чикиб кетди ва болаларча севиниб кулди. – Билиб қўй, мен Порт-Артур шаҳар гимнасткалари орасида биринчиликни олганман. Ишонмайсанми?

– Ишонаман, ишонаман, Морико...

– Яна билиб қўй, гўзал қизлар мусобақасида ҳам биринчи ўринни эгаллаганман! Дипломим бор! – деди у яна ўша болаларча ёқимтой ғурур билан. – Мана, қара! – Морико шундай деди-да, турган жойида бир сакраб боши шипга теккудай баландликка кўтарилди. Сўнг, аллақандай чексиз гўзал бир ҳаракат билан ҳавода чир айланди-ю, дик этиб олдимга тушди. У кўзлари ёниб, кулиб турар, ўзиям тенгсиз сулув, тенгсиз ёқимтой бир қизчага айланган эди.

– Морико, сен Порт-Артур эмас, жаҳон гўзаллари мусобақасида ҳам гўзаллар гўзали, деган ном оласан ҳали! Ке, ўтир!

– Тўхта! – деди у. – Кўлингга эрк берма. Мен ўзим сени ўпиб қўяман!..

У эгилиб, сал дўрдоқ, майин лабларини лабимга текказди. Унинг лабларидан шакар қўшилган галет-пичинон мазаси, асал таъми келарди.

Назаримда, хонам, наинки хонам, бутун жаҳон ажиб бир нурга тўлгандай туюлди-ю, қизнинг илтижоси ёдимдан чиқиб, тол чивикдай ингичка эгик белидан кучдим.

– Қўйиб юбор, солдат! – Морико худди боягидай ақл бовар қилмайдиган нозик бир ҳаракат билан балиқдай сирпаниб, кучоғимдан чиқди.

– Хайр, солдат! – у яна ўша болаларча қувноқ овозда хандон отиб кулди-да, тагин ғаройиб капалак мисол ўзини эшикка урди. Мен дод деганимча ўрнимда қолдим, қимир этишга мажолим қолмаган эди.

Шундан кейин бир ҳафтами, ўн кунми мен учун Мориконинг шўх қилиқлари, ёқимтой эркаликлари, асал таъми келадиган, нурга тўлган ажиб кунлар, майор учун эса тўйга айланган тунлар бошланди. У ҳар кун эрталаб олдимга қирар ва мўйловчасини бураб, бир хил гапни такрорларди.

– Йўқ, бу япон қизларига тенг келадиган қизлар йўқ! Мен жуда кўп жононларни кўрганман, лекин бунақасини кўрмаганман! – деб хитоб қиларди. Ва у ҳар куни бир хил савол берарди: – Хўш, сенинг ишларинг нима бўляпти?

– Ёмон эмас, ўртоқ майор...

– Ўпишдан нари ўтдингми?

– Йўқ, ўртоқ майор...

– Латга! – дерди у бошимдаги пилоткамни юзимга ишқаб. – Баттар бўл, лапашанг!

Афсус, оламини нурга тўлдирган бу ғалати кунлар нари борса бир ҳафта-ўн кун давом этди-ю, кутилмаганда така-так тўхтади. У бамисоли осмону фалакни қалдиратиб келган момақалдирик! Бамисоли челақлаб куйган жаладек келиб, жаладай бирдан тўхтади-қолди. Чамаси, генерал ҳамма нарсадан воқиф бўлган-у қизларини қамаб қўйган эди. Сочсоқоли ўсиб, увада кийимларга ўраниб олган девонасифат генерал, баъзан-баъзан ҳовлисида танҳо кўриниб қолар, у ёқдан-бу ёққа телбаларча айланаркан, биз томонга ёвқараш қилиб кўярди.

Майор бир кун чидади, икки кун чидади, учинчи кун кеч-

курун ширакайф холда кириб келди. Ғазабдан корайиб кетганди.

– Мияси айниган бу чол нима қияпти ўзи? – деди у дурбинни кўзига тутиб. – Қизларини ертўлага қамаб қўйганми? Агар бугун ҳам уларни қўйиб юбормаса... Кечаси отиб ташлайман бу ифлосни!

Майор шундай деб ғижинди-ю, тўсатдан:

– Ие, ие, қаёққа отланди бу телба чол? – деб хитоб килди. – Генераллик либосларини кийиб опти-ку? Ким рухсат берди унга.

Шу пайт ғариб кулбасини тўсиб турган қатор арчалар орасидан генералнинг ўзи чиқиб келди. У ғовлаб кетган соқолини қиртишлаган, эгнида ҳақиқатан ҳам генераллик кители, бошида япон герби қадалган фуражка, оёғида ялт-ялт этган этик эди. Генерал биз томонга қарамасдан, ковоғини уйганча, бошини кулгили даражада мағрур тутиб, эшигимиз ёнидан ўтиб кетди.

Майор елкамга шапатилаб буюрди:

– Чоп, болтани олвол! Агар ертўласининг эшигини кулфлаб қўйган бўлса... Кулфини бузиб бўлса ҳам, қамокдан чиқар кизларни!

– Аввал разведка қилиб кўрай-чи! – деб, генералнинг ҳовлисига қараб кетдим. Кулфни бузишнинг ҳожати бўлмади. Ҳовлига яқинлашиб қолганимда уйдан “лип” этиб Морико чикди, чикди-ю, кўлимдан “шап” ушлаб, ўнг томондаги қалин арчазорга шўнғиди:

– Юр, тезроқ, отам кеп қолмасин!

Юзимга арча тиканлари игна бўлиб санчилди. Биз арчазорнинг охиридаги кафтдеккина очиқ жойда тўхтадик.

Офтоб ботган, аммо кун ҳали ёруғ, денгиз томондан майин шабада эсади. Мориконинг юзи бироз сўлиққан, у энтикар, оғир-оғир нафас оларди.

– Биз бугун видолашамиз (прошай-прошай қиламиз)! – деди у.

– Нима бўлди ўзи? Нега тўсатдан прошай-прошай қиласанлар? Опанг Чико қани?

– Чико ҳозир командирингга боради. Бир минутга боради.

Прошай-прошай қилгани боради! – Морики кўз ёшларини арта-арта бўлган воқеани гапириб берди. Унинг айтишича, генерал ҳамма воқеадан воқиф бўлган. “Мен-ким, палончи жанговар генералнинг қизлари ўз оталарининг ғурурини ерга уриб, душманам офицерлари билан юрса... бу қандай шармандалик, ундан кўра оталарингни ўлдиришлар, топтанглар! – деб нола қилган. – Мен бу шармандаи шармисорликни кўтара олмайман, мен рус офицерининг бошлиқларига бориб, бор воқеани айтиб бераман, уни армиядан ҳайдатаман. Мен биламан, улар рус офицерларининг япон қизлари билан юришини қатъий тақиқлашган!”

Генерал шундай деб бақириб-чақириб, худди бугунгидай генераллик либосларини кия бошлаган. Шунда Чико ҳам бақириб: – “Ота, агар сиз бу ишни қилсангиз, мен шу бугун кечаси ўзимни анови арчага осаман!” – деб фарёд қилган. Шундан кейин ота-болалар кучоқлашиб узоқ йиғлашган, опасингиллар рус офицери билан қайта учрашмасликка ваъда беришган. Бу гапдан кейин генерал япон ваколатхонасига бориб, юртларига тезроқ жўнатишларини илтимос қилган. Улар эрталаб поездда Дальний деган катта портга боришади. Портда япон ҳарбийларини олиб кетадиган улкан кемага тушиб, ўз элларига, Японияга кетишади...

– Ҳозир сен билан видолашамиз... прошай-прошай қиламиз!

Морики шундай деди-да, ўпкаси тўлиб, ўзини кучоғимга отди, кўз ёшлари билан ювилган майин юзини юзимга босиб:

– Ўп! – деб ёлворди. – Истаганингча ўп мени!

Олдинги сафар галет таъми келган юпка лаблари кўз ёшларидан шўр эди. Мен ҳам унинг ҳолига туша бошлаган, томоғим хиппа бўғилган эди.

Морики ўнг кўлимни кўкракларига босиб:

– Силаб қўй! – деб ингради. Унинг митти кўкраклари учлик хандалакчалардай ҳам каттик, ҳам майин эди. Кўлларим тегиши билан Морики, худди оғир уйқудан уйғониб кетгандай, кўзларини катта очди-да, нозиккина сирпаниб кучоғимдан чиқди.

– Сенларда!.. Русча эмас, сенинг тилингда севганини, жу-

да-жуда севганини нима дейдилар? – сўради у, ҳамон титраб.
– Жоним дейишади, жонгинам дейишади.

Морико ўзини арчалар орасига отди. У ердан унинг йиғи аралаш:

– Хайр, жоним, жонгинам! – деган овози келди...

...Чамаси, Чико келиб кетган, майор ўз хонасида тўкима креслода боши хам, мунғайиб ўтирарди, олдида бир банка спирт билан бир буханка қора нон турарди. У менинг кирганимни сезиб, хира кўзларини очди.

– Бундай, оғайни! – деди у менга мастона тикилиб. – Улар эрта тонгда жўнашар экан. Сен анов дераза тагидаги гуллардан икки гулдаста тайёрла. Эртага поездга чиқиб кузатиб кўямиз.

– Қандок бўларкин, ўртоқ майор? Ахир, таникли офицерсиз, штаб бошлиғисиз.

Майор кулочкашлаб столни урди. Спирт қуйилган банка, бир бўлка қора нон курбақалардай дик-дик сакраб, полга тушди.

– Менинг нима бўлишим билан ишинг нима сен чурваканинг? Бор, буйруқни бажар!

Вокзал узоқ эмас, уйимиз билан унинг оралиғи нари борса, бир чақирим келарди. Майор мени уйғотганда, атроф-теварак ғира-шира эди. Чамаси, Мориколар кетиб бўлишган эди. Афтидан, японларни кузатиб қўйиш қатъиян тақиқланган бўлса керак – перрон бўм-бўш эди. Аммо вагонлар Порт-Артурни ташлаб кетаётган оилалар билан тўла, болалар кий-чув қилишган, аёллар бир-бировларини қучиб йиғлашар эди.

Мориколар паровоз яқинидаги учинчи ё тўртинчи вагонга жойлашган эканлар. Генерал кўринмас, опа-сингиллар, чамаси, биз билан видолашиш умидида, дераза олдида типпа-тик турардилар.

Бизни кўриб иккови хам, чехралари гўё бирдан офтоб чиққандай ёришиб, дераза ойналарини туширдилар. Чико, гулдастага юзини яшириб, хўнграб юборди. Морико эса... Морико, бола эмасми, кўзлари жикка ёш, кулиб турарди. Биз бир-

бирларимизга бир оғиз ҳам сўз айтишга улгурмадик, паровоз узоқ чинқириб, ўрнидан жилди.

Чико ҳамон йиғларди. Морико кўз ёшларини артиб қўлини силкитди.

– Сизларда севишганлар бир-бирига нима дейди, дегандинг? – кичқирди Морико.

– Жоним, жонгинам дейишади, Морико.

– Жоним! – деди у. – Алвидо, прошай, прошай, жоним!

Охирги вагон муюлишда ғойиб бўлди. Биз жимгина одимлаб, бирдан бўшаб қолган перрон бўйлаб кетдик.

Перроннинг охирига бориб колганимизда, орқадан:

– Майор – деган қатъий, дағал овоз эшитилди.

Баланд бўйли подполковник билан икки кичик офицер шитоб билан яқинлашиб келарди. Улар ёнимизга келиб, бизни куршаб олишди.

– Сен, солдат, – деди полковник. – Полкингга қайтавер. Майорнинг уйига эмас, полкингга, тушундингми? Сиз эса, майор (у ўрток демади, фақат майор деди), биз билан юрасиз!

Майор масхараомуз ғоз туриб:

– Есть, сиз билан юраман! – деб кафтини чаккасига тиради.

Подполковник ўз офицерлари билан майорни қаёққадир олиб кетди. Мен полкка эмас, майорнинг уйига қайтдим. Майор кечкурун қош қорайганда қайтиб келди. Унинг елкасидаги погонлари йўқ, ўзи эса ширакайф эди.

– Энди бундай, оғайни, – деди у елкамни кучиб. – Эрталаб полкингга борасан, учинчи батальон, тўққизинчи ротада хизмат қиласан. Лекин мен батальон командирига тайинладим: яхши йигит, саводи жойида, дастхати ҳам чиройли, дедим. Эҳтимол, батальон штабига олишар!

– Сиз-чи? – дедим. – Сизнинг тақдирингиз нима бўлади?

У сочларини силкитиб ғамгин кулди.

– Менинг тақдирим! На тўрт йил урушда қилган хизматларим, мақтаниб айтмай, кўрсатган қаҳрамонона ишларим, на немис окопларининг сим тиконларини кесиб, елкамда судраб ўтган асирларим... бирортаси инобатга олинди! Мени армия-

дан ҳайдашди. Ажабо: севгим учун ҳайдашди! – асабий кулди у. – Энди нима қиламан? Узоқ Шарққа кетаман. Бирорта савдо кемасига матрос бўлиб ёллансам ҳам, кема ўтхонасида қочегар бўлиб ишласам ҳам, Японияга бораман. Чикони излаб топаман. Эҳтимол, ўша томонларда ўлиб кетарман. Хўп, бор, ухла, мен жуда чарчадим, оғайни...

* * *

Биз “Интерконтиненталь” меҳмонхонасининг кўркам фойесидан учрашдик. Одам гавжум, чамаси, бу жой хориждан келган кўп тадбиркорларнинг иш масканига айланган. Одам кўп бўлса ҳам, мен фойега қадам қўйишим биланок ўнг қўлда музқаймоқ еб ўтирган эр-хотинга кўзим тушди, Японларнинг ёшини билиш қийин. Кексалари ҳам баъзан ёш кўринади. Жаноб миллионернинг сочларига ҳали қиров кўнмаган, қоп-қора бўлиб ялтиллаб турар, ўзи салобатли, вазмин кўринар, бурнига тилла бандли кўзойнак кўндирган, эгнида қимматбаҳо қора костюм. Хоним эса... калта қирқилган кулранг сочларининг ўртасидан, қоқ пешонасидан орқага таралган бир тарам кизғиш рангга бўялгани учунми, ғалати кўринар, упа-эликдан моҳирона фойдаланса керак, юзида битта ҳам ажин йўқ, сипсиллик, фақат кулганда (буни мен кейин сездим) лабларининг четларида билинар-билинемас ажинлар пайдо бўларди. Эгнидаги кийимлари ҳам оддийгина, оёғидаги туфлиси ҳам жўнгина, фақат ўнг билаги ва бармоқларида ёқут кўзли йирик узук ва билагузуклар ялтиларди.

“Бу ўша Морикоми ё бошқа бир нозанинми?”

Яқинлашар эканман, хоним ўрнидан туриб, нозик оппоқ кўлини чўзди (митти Мориконинг митти кафтлари).

– Жаноб фалончи? – Тасдиқ маъносида бош эгдим.

– Марҳамат, ўтиринг, – деди хоним.

Русчани тузуккина гапирар, фақат талаффузи ўша-ўша, ёкимтой эди.

Мен ўтиришим билан жаноб миллионер хонимга бир нарса деб ўрнидан турди.

“Эримнинг ишлари кўп, сиздан узр сўраяпти”, – деди хоним.

Биз ёлғиз қолдик. Хоним хануз ёдимдан чикмаган дилбар қизчага бир ўхшар, бир ўхшамас эди... Унинг ҳамон тийрак тим қора кўзлари хануз чакнаб турар, фақат кўз қорачиғида тилла заррачалари сўнган эди.

Гапимиз қовушмас, менгина эмас, хоним ҳам ўзини нокулай сезарди. Ўртага чўккан нокулай сукунатни бузиш истагида Чикони сўрадим. Хоним оғир хўрсинди. Чико бултур оламдан ўтибди. У бошқа эр қилмапти. Генералнинг ўлганига эса 10-15 йилдан ошибди. Мен майорни сўрадим, бормадими, дедим, дедим-у, хижолат чекдим.

Хоним қошларини чимириб:

– Майор? – деб сўради ва кулди. – Рус капитани? Яхши одам эди.

– Бормоқчи эди, Чикони излаб бормоқчи эди.

Хоним маъюс жилмайди.

– Ёшлик хаёллари! Эртас!

Кўнглимдан беихтиёр: “Нима қилардингиз келиб, хоним, нима қилардингиз анов булоқдай тиниқ эсдалиқларимизга рахна солиб?” – деган фикр ўтди. Хоним гўё менинг ўйларимни пайқагандай чуқур тин олди-да, ҳазин жилмайди. Шунда у ўша, бир неча дақиқага бўлса ҳам, оғир солдатлик ҳаётимни ажиб бир нурга йўғирган митти Мориқога жуда-жуда ўхшаб кетди-ю, ичимда ўз ўйларимдан хижолат чекдим. Ахир, ким билсин, эҳтимол, бу хоним ҳам ўша ёшлик эсдалиқлари сабаб мени йўқлаб келгандир? Эҳтимол, ўша беғубор, мусаффо туйғулар гоҳо-гоҳо унинг дилига ҳам қуйилиб келгусидир. Гуноҳкорларча бош эгиб, эр-хотинни меҳмонга чақирдим. Мориқо хоним, японларга хос такаллуф билан ташаккур билдирди ва узр сўради. Эр-хотин Самарқандга, сўнгра Бухорога кетаётганлиқларини айтди. Қайтиб келганларидан кейин кўнғироқлашадиган бўлдик. Аммо на у телефон қилди, на мен.

Севимли ёзувчиларимдан бири Чеховнинг “Болохонали уй” деган гўзал ҳикояси бор. Унинг қаҳрамони, агар янглишмасам, ёш студент ёзги таътил чоғида узоқ қариндошларининг

чорбоғига меҳмон бўлиб боради. Қариндошларининг иккита кизи бўлади. Каттаси Вера жуда чиройли, аммо эрга чиқмаган, бахтсиз қари киз. Икки ёш бир-бирларини севиб қолади. Бироқ бахтсиз опа, бахтли синглисига ҳасад қилиб, бир кечада уни олиб қаёққадир ғойиб бўлади.

Ҳикоя қаҳрамоннинг “Қайдасан, Морико?” деган ноласи билан тугайди.



Пиримқул ҚОДИРОВ

Ўзбекистон халқ ёзувчиси

(1928 – 2010)

ЧАҚМОҚДАЙ ЯЛТИЛЛАБ СЎНГАН УМР

“Она лочин видоси” романидан парча

Кўксаройнинг тўртинчи ошиёнида энг қаттиқ кўрикланадиган четки хонада ўн тўққиз ёшли Абдулла Мирзо олти ойдан буён қамоқда ётибди.

Хонанинг деразаси йўқ, фақат қўл етмас баландликда туйнуғи бор. Яқинда шу туйнукдан турналарнинг майин қурей-қурейлари эшитилиб қолди. Ўша куни кечаси тепада кучли момақалдирок касир-қусур қилди.

Абдулла Мирзо баҳор кирганини ана шу товушлардан пайқади.

Олти ойдан бери бу бегуноҳ йигитни не қўйларга солишмади! Абдулатиф унинг тахтга даъвогар бўлиши мумкинлигини, бир вақтлар Улуғбек Мирзо бу ёш куёвини валиаҳд қилмоқчи бўлганини баҳона қилиб, Абдулла Мирзони ҳам қатл эттирмоқчи эди.

Бундан хабар топган Ҳабиба Султон акасидан шафоат сўрашга борди. Абдулатиф уни қабул қилмади. Ҳабиба Султон вазири аъзам Камолиддин Балхий ҳузурига кирди. Отасидан мерос йирик гавҳарни вазирга совға қилиб, уни юмшат-

ди. Шундан сўнг вазири аъзам орага тушиб, ўлим жазосини кўзига мил тортиб кўр қилиш жазосига алмаштирди.

Бу ҳам дард устига чипқон бўлди. Шунда Бобо Ҳусайн ёрдамга келди. Тилла ва жавоҳирлар қутқарувчи куч эканини Ҳабиба Султон яна бир бор билди. Кўзга мил тортувчи жаллодни олтинга сотиб олишиб, Абдулла Мирзони ёлғондакам кўр қилишди.

Ҳибсхона назоратчисига ҳам бир ҳамён тилла беришди. Шундан сўнг бу назоратчи орқали Абдулла Мирзога сархил егуликлар, иссиқ кийимлар, ўзи сўраган бошқа нарсаларни яширикча юбориб туришди. Бу нарсалар орасида қоғоз ва қалам ҳам бор эди.

Ҳабиба Султон умр йўлдошининг руҳини кўтарадиган мактублар ёзар, уларга Абдулла Мирзо муҳаббат изҳорига тўлган шеърлар билан жавоб берарди.

Жуда қаттиқ момақалдироқ бўлган куни тушга яқин ҳибсхона эшиги олдида тапир-тупур қадам товушлари кўпайиб кетди. Ҳибсхонанинг пўлат кулфига шошилинич калит солинди. Эшик очилганда Абдулла Мирзо Ҳабиба Султоннинг овозини эшитгандай бўлди.

Қулоқларига ишонмай, эшик томонга интилди. Кутилмаганда ҳибсхонага Ҳабиба Султон кириб келди. Абдулла Мирзо уни бағрига босар экан:

– Тушимми, ўнгим? – деб сўради.

– Ўнгингиз, жоним! – деб Ҳабиба Султон унинг сарғайиб кетган юзига юзини босиб, ўсиб кетган сочларини нозик бармоқлари билан силади.

– Офтоб қаёқдан чикди, Ҳабиба? – деб Абдулла Мирзо соғинч тўла лаблар билан Ҳабибанинг кўзларидан, кошларидан ўпди.

– Офтоб парвардигори олам даргоҳидан чикди! Сизни ҳибс қилган золим акамиз нариги дунёга кетди!

– Ростми? Қачон?.. Ким?

Эшик ташқарисида кимлардир одоб саклаб, таклиф кутиб турар эди.

– Ана, сизга нажот келтирган сиймолар! – деб Ҳабиба Султон эшик томонни кўрсатди.

Абдулла Мирзо эшик олдида бориб, оқ соқолли нуроний Хўжа Бурхониддин билан Бобо Ҳусайн Баҳодирни кўрди-ю, улар билан кучоклаша кетди.

– Хайрият-е! Худо шу кунга етказганига минг шукур!

– Чикинг энди бу касофат ҳибсхонадан ёруғ дунёга! – деди Хўжа Бурхониддин ва Абдулла Мирзони Кўксаройнинг иккинчи ошиёнидаги кенг, мухташам қабулхонага бошлаб тушди. – Энди бу жойларнинг эгаси сиз бўласиз!

– Эртак эшигаётирменми ёки чин? Абдулатиф Мирзо не бўлди?

– Ўлди! Бобо Ҳусайн Баҳодир отган адолат ўки уни йиқитди. Баҳодирнинг навкарлари падаркушнинг бошини кесиб келиб, Улуғбек мадрасасининг пештоқига осиб қўйдилар! Токи одамлар огоҳ бўлсинлар, падаркушга қандай жазо берилишини етти пуштигача унутмасин! Бундай гуноҳи азим юртимизда ҳеч вақт такрор бўлмасин!

Абдулла Мирзо Бобо Ҳусайннинг қўлини олиб, баҳодирона иш қилгани билан табриклади.

– Абдулатифнинг кўриқчилари кўп эди-ку! Уларнинг орасидан қандай омон чиқдингиз? – деб сўради.

– Худонинг ўзи ўнг келтирди. Боғи Баланддан чиқаверишда катта садақайрағочларнинг ортида навкарим билан паналаб турган эдим. Абдулатиф тўртта кўриқчиси билан яқин жойдан ўтиб қолди. Мен орқадан отган ёй ўки юрагига бориб қадалган экан, отдан йиқилибоқ жон берибди. Кўриқчилари менга ҳамла қилар деб ўйладим, навкарим иккимиз камонга ўқ ўрнатиб, хужум қилишса, отгаймиз деб шайландик. Йўқ, кўриқчилар Абдулатифнинг жасадини ташлаб тирақайлаб қочиб қолди. Шундан сездимки, кўриқчилари ҳам ундан безор бўлиб, қутулишнинг йўлини ўйлаб юрган эканлар.

– Сизнинг шу жасоратингиз туфайли биз ҳибсдан озод бўлдик. Бу нажоткорлигингизни умрбод унутмасмен, жаноб Бобо Ҳусайнбек!

– Бир мен эмас, мана, шайхулисломимиз ҳазрат Хўжа Бурҳониддин бошлиқ юзлаб адолатпарвар одамлар маслаҳатлашиб шу ишни қилдик.

– Энди нажоткорлик навбати сизга келмоқда, амирзодам! – деди Хўжа Бурҳониддин. – Мамлакатни золимлардан покламоқ учун давлатни яхши одам бошқармоғи керак. Раҳматли Улуғбек Мирзо сизни ўзларига валиаҳд қилиш ниятлари борлигини менга айтган эдилар. Ул зоти олийнинг шу ниятларини биз васият ўрнида қабул қилурмиз.

– Ташаккур, ҳазратим. Аммо менга имкон беринг... Сал ўзимга келай!

Абдулла Мирзонинг кўпдан бери тарашланмаган қоп-қора соқол-мўйлови ўсиб, лабларини бекитиб қўйган, сочлари пешонаси ва бўйинларини қоплаб ётарди.

Кўксаройдан Бўстонсаройга ўтдилар. Тахт турган қабулхона, вазирлар девонхонаси бўм-бўш. Илгариги амалдорлар тумтарақай бўлиб кочиб қолган эди. Лекин Бўстонсаройда ювинадиган жой ҳам, овқатланадиган бўлмалар ҳам – ҳаммаси бор эди.

Кечагина Абдулатифга хизмат қилган ва унинг кўркинчли феълидан титраб-қалтираб юрган офтобачи энди сартарошни топиб келиб, Абдулла Мирзонинг соч-соқолини олдириди, унинг ювинишига ва шоҳона тоза либослар кийишига ёрдамлашди. Бошига жиға қадалган чиройли заррин салла кийдириди.

Бу орада Бобо Ҳусайн ва бошқа содиқ амирлар Хўжа Бурҳониддин билан бирга шаҳарда осойишталикни сақлаш ва Абдулла Мирзони тахтга чиқариш ҳозирлигини кўрдилар.

Жоме масжидида имомлик қилган Хўжа Бурҳониддин Абдулатифнинг падаркуш сифатида ҳалокатга учраганини ва Улуғбек Мирзонинг васиятига биноан Абдулла Мирзо тахтга чиққанини эълон қилди.

Орадан бир кун ўтгач, жума куни Абдулла Мирзонинг номи хутбага қўшиб ўқилди.

Янги тождор Бобо Ҳусайн Баҳодирни вазири аъзам қилиб тайин этди. Иккови қўриқчи навкарлар ва мулозимлар курсида Амир Темур макбарасини ва Шоҳи Зиндани зиёрат қилдилар. Сўнг Улуғбек Мирзо мадрасасига йўл олдилар.

Мадраса пештокида падаркушнинг боши осилганича кечадан буён одамларга томоша бўлиб турар эди.

Абдулла Мирзо мадраса ховлисида кўринганда ичкаридан мархумнинг онаси юзларини юлиб-конатиб, дод-фарёд қилиб чикди:

– Вой, мен она бўлмай ўлай! Боламнинг жасадини кўмгани кўймайдилар-а! Танаси бошқа жойда, боши бу ерда! Бу қандай шафқатсизлик! Вой, рухсат беринглар! Шўрликни тупрокка топширай!

Мотамзада онага кўпчиликнинг раҳми келди. Абдулла Мирзо мархумни шу бугуноқ дафн этишга буйруқ берди.

Лекин Абдулатифни темурийлар хилхонасига – отасининг ёнига кўйишни мўйсафидлар маъқул кўрмади. Мархумни кечки пайт четроқдаги қабристонга олиб бориб тупрокка топширдилар.

* * *

Самарқандда ҳаёт аста-секин Улуғбек давридагидек изга туша бошлаган кунларда Бухоро томондан ташвишли хабар келди.

Абдулатифнинг ҳукми билан Бухоро аркига қамаб қўйилган Султон Абусайид Самарқандда юз берган ўзгаришлардан фойдаланиб ҳибсдан бўшаб чиқибди. Бухоро уламоларининг пешвоси Хўжа Арқукий Султон Абусайиднинг Абдулла Мирзодан олти ёш катта эканини ва Шохруҳ Мирзонинг акаси Мироншоҳ авлодига мансублигини важ қилиб кўрсатибди.

Бу хабарлар ишончли одамлар орқали Самарқандга етиб келгандан сўнг Абдулла Мирзо ҳам шошилиш равишда кўшин тўплашга киришди.

Султон Абусайид Бухородан икки минг аскар билан йўлга чиқиб, Самарқандга таҳдид солиб кела бошлади.

* * *

Очик майдонда Абдулла Мирзо қўшини Абусайид аскарлари билан юзма-юз туриб қаттиқ жанг қилаётган пайтда Миёнқолнинг минглаб йигитлари орқадан арғинларга қучли зарба бердилар.

Икки ўт орасида қолган Султон Абусайид жангни бой бериб, Дабусия қалъасига қараб чекинди. Аммо бу қалъадагилар уни дарвозадан ичкарига киргизмай ҳайдадилар. Бухоро қалъасидагилар ҳам қамалда қолиш эҳтимолидан чўчиб, Абусайидга дарвоза очмадилар.

Абдулла Мирзонинг қувғинчилари Абусайидни таъкиб этиб келмоқда эди. Султон Абусайид ўнг ёнида от чоптириб келаётган Хўжа Арқуқийнинг маслаҳати билан жиловини Туркистон томонга буради. Бироқ Бобо Хусайн бошлик қувғинчилар унинг изидан Туркистонга ҳам етиб борадилар. Шундан кейин Султон Абусайид Дашти Қипчоқдаги Абулхайрхонга қарашли ерларга қочиб ўтиб, зўрға жон сақлади.

* * *

Абдулла Мирзо номига битилган фатҳнома мамлакатнинг барча вилоятларига тарқатилди ва махсус чопар билан Ҳиротга ҳам юборилди.

Гавҳаршод бегим Абдулла Мирзонинг тахтга чиққанини эшитганидан бўён:

– Менинг Самарқандга борадиган йўлларим энди очилибдир! – деб сафарга тайёрланмоқда эди. Шунинг устига суюқли неварасининг Абусайид билан жанг қилиб ғолиб чиққани ҳақидаги хушхабар ҳам келди-ю, бегим қувонганидан қанот чикариб учгудек бўлди.

Асад оғи кириб, иссиқнинг тафти сал пасайгандан сўнг Ҳирот тождори Абулқосим Бобур момосини узок сафарга қузатиб қўйди. Кекса бегим йўлларда кўп озор чекмаслиги учун ипак пардалар тутилган шоҳона маҳофа унинг ихтиёрига берилди. Маҳофада толиққанда бақувват йигитлар бегимни юмшоқ тахтиравонда кўтариб борадиган бўлишди.

Ҳиротдан момоси келаётганини эшитган Абдулла Мирзо Ҳабиба Султонни ёнига олиб, Термизга етиб келди. Гавҳаршод бегимни кемага солиб, Пайғамбар оролига олиб ўтдилар. Бу ерда Улуғбек Мирзо қурдирган чиройли кўшк бор эди. Шу кўшқда энг аввал Улуғбек Мирзони ёдга олиб тиловат

килдилар. Бошларидан ўтган мудҳиш воқеаларни эслаганда дил яралари янгилашиб, кўзёш тўкдилар. Эсон-омон дийдор кўришганлари учун парвардигорга шукроналар ҳам айтишди.

Гавҳаршод бегим келин-куёвга Ҳиротдан бир сандик саруполар, дуру гавҳар тақинчоқлар, куёвга бедов отлар, ов кушлари олиб келган эди. Буларнинг ҳаммасидан беҳад қувонган Ҳабиба Султон момосининг бир елкасидан, Абдулла Мирзо унинг иккинчи елкасидан кучди.

– Оҳ, айланай сизлардан! Келин-куёвлик икковларингга ҳам беҳад ярашибди! Гулдай очилиб, шундай кўхли бўлиб-сизларки, илоҳим, ёмон кўздан асрасин!

– Ҳа, дунёда бизга кўз тиккан ёмонлар кўп!

– Раҳматли бобонгиз Шохруҳ Мирзо менга неваралар тарбиясини топшириб, “Буларни юксакда лочиндай парвоз этадиган қилиб тарбияланг” деган эдилар. Аксига олиб, мен тарбиялаган неваралардан бири Алоуддавла... илоннинг ишини қилди. Бири Абдулатиф... падаркуш бўлди. Бундан кўнглим вайрон бўлиб юрган эдим. Хокони Саййиднинг топширган неки ишини удалай олмадим деб ўксинар эдим. Лекин, хайрият, Самарқандда, мана Абдулла Мирзо билан Ҳабибажон... Ҳиротда Абулқосим Бобур... Ҳозир учовингиз менинг энг меҳру оқибатли невараларимсизлар. Раҳматли боболаринг орзу қилган лочинлар сизлардан ортиқ бўлмас!

Дарё салкинида роҳатланиб, Пайғамбар оролида бир кеча тунадилар. Эртаси куни ўнг қирғоққа ўтиб, Самарқандга йўл олдилар.

Самарқандга, Амир Темур макбарасига етиб борганларида Гавҳаршод бегим Улуғбек қабрини худди бешик каби қучоқлаб, елкалари силкина-силкина узок йиғлади. Улуғбек гўдақлик пайтида бегим кечалари унинг бешигига бағрини бериб, бола эмизганлари ёдига тушди. Шундан кейинги эллик беш йиллик ҳаёти кўз олдидан яшин тезлигида ўтди. Лекин ҳаёли ўзига келганда гўдақнинг илиқ нафаси келадиган бешикни эмас, қирралари кўкрагига ботиб турган совуқ қабр тошини қучоқлаб йиғлаётганини кўрди...

Куз кириб, боғларда барча мевалар етилган пайтда маҳаллаларда яна дастурхонлар ёзилиб, Улуғбек Мирзога йил оши берилди.

Ёзда Самарқандга хужум қилиб уни ололмаган Султон Абусайид энди Саброн ва Сигнок томонларга бориб, Жўжихон авлодидан бўлган Абулхайрхонга куллуқ қилаётган эмиш. Абулхайрхоннинг ўттиз мингдан ортиқ кўшини бор эди. Ўзи Улуғбек даврида бир неча марта Самарқанду Бухоро атрофларига талончилик юришлари уюштириб, катта ўлжалар билан Дашти Қипчокқа қайтиб кетган эди. Бу гал агар у теурийзода Абусайид билан иттифоқ тузиб, Самарқандга бостириб келса, Абдулла Мирзо уларга бас келиши амри маҳол.

Бундан ташвишга тушган Гавҳаршод бегим тезроқ Ҳиротга қайтиш ва Абулқосим Бобурни Абдулла Мирзога кўмак юборишга кўндириш ниятини кўнглига тугди.

Бегим Самарқанддан қайтаётгани ҳақида Ҳиротга хабар келганда подшонинг топшириғи билан бош вазир ва шаҳар доруғаси бир кунлик йўлга пешвоз чиқиб, Гавҳаршод бегимни кутиб олдилар. Эртаси кун эрталаб Боғи Сафедга Абулқосим Бобурнинг ўзи ҳам момосини кўргани келди. Гавҳаршод бегим тождор неварасини бағрига босиб кўришар экан, ундан майнинг хуш бўйи келаётганини сезди.

Абулқосим Бобур ўттиз ёшлик хушсурат ва шоиртабиат йигит бўлиб, отаси Бойсунқур Мирзога ўхшаб, май базмларини яхши кўрар эди. Бугун кечаси ҳам тонготар май базми қилган бўлса керак, кам ухлаганидан кўзлари қизариб турибди. Овози ҳам дўриллаб эшитилди:

– Ҳазрат моможон, қалай, Самарқанддан хурсанд бўлиб қайтдингизми?

– Хурсандчилик кўп бўлди, сиз менга кўшган одамлар узок сафарда оғиримни енгил қилганларидан миннатдор бўлиб, беш вақт намозимда сизни дуо қилдим!

– Ташаккур, мома!

Бегим Ҳирот тождорига аввал қувончли воқеаларни сўзлаб

берди-да, кейин Дашти Қипчок томондан Самарқанд устига бостириб келиши мумкин бўлган хавф-хатардан сўз очди:

– Абусайид Мирзо йигирма еттига кирган, кўп балоларни кўриб пишган тадбирли ракиб. Агар у Абулхайрхон билан иттифоқ тузиб, Самарқандни олса, Ҳирот ҳам хавф остида қолгай. Соҳибқирон Амир Темур Туронни чингизийлардан озод қилган эдилар. Чигатой авлодларини Мўғулистонда, Жўжи авлодларидан бўлмиш Тўхтамишхонни Олтин Ўрдада мағлуб этган эдилар. Шундан бери чингизийлар аламзада бўлиб, темурийларга қарши неча бор тажовуз қилдилар. Уларнинг қанча хужумларини Улуғбек Мирзо билан раҳматли бобонгиз Хоқони Сайид қайтардилар. Лекин ҳали темурийлардан биронтаси Дашти Қипчокдаги чингизийларга ёрдам сўраб борган эмас эди. Султон Абусайид Абулхайрхон билан иттифоқ тузиб, душман кўшинини Самарқандга бошлаб келса, темурийлар сулоласининг илдизига болта ургандай бўлур. Ҳазратим, сиз ҳам шу шажара дарахтининг яшнаб турган бир шохисиз. Илдизга урилган болта барча шохларга зарар келтирур. Шунинг учун мен сиздан илтижо қилурмен, Самарқандга, Абдулла Мирзога кўмак юборинг. У сизга совға-саломлар билан шайхулислому Хўжа Бурҳониддинни элчи қилиб юборган. Ҳозир сиз Ҳиротда, Абдулла Мирзо Самарқандда менинг икки қанотим бўлиб турибсизлар. Илоё, бу қанотларим доим бир-бирларидан куч олиб парвоз этсинлар!

– Айтганингиз келсин, ҳазрат момо. Мен Абдулла Мирзонинг элчисини яқин кунларда қабул қилгаймен. Ғарбий чегараларимиз нотинчроқ бўлиб турибдир. Қорақуюнли туркманлар Табризу Исфаҳонга қаноат қилмай, Журжону Астрободга кўз олайтирмоқдалар. Уларни даф қилгандан сўнг амиру аъёнлар билан маслаҳатни бир жойга қўйиб, Абдулла Мирзога, албатта, кўмак юборгаймиз.

Лекин ғарбий чегараларни тинчитиш Абулқосим Бобур ўйлаганидан кўпроқ вақт олди. Хуросонлик амиру аъёнлар, айниқса, уларнинг энг эътиборлиси бўлган Амир Шерҳожи Туронга бориб, Чингизхон авлодлари билан уришиб юришни

истамас эди. Юмшоқ табиатли Абулқосим Бобур бу амирларга доим ҳам ўз сўзини ўтказолмасди.

Абдулла Мирзодан элчи бўлиб келган Хўжа Бурхониддин киши бўйи Ҳиротда қолиб, қутилган натижага эришолмади.

Жавзо ойининг охирларида Султон Абусайид кўшини Шохрухия ва Жиззах орқали Самарқандга яқинлашиб кела бошлади. Абдулла Мирзо ўз лашкари билан Самарқанддан чиқиб, унинг йўлини Булунғурда тўсди.

Абусайид Мирзонинг кўшини саккиз минг атрофида эди. Абдулла Мирзо тап тортмай бу кўшин билан жангга киришди.

Кўп урушларни кўрган тажрибали Абулхайрхон атайлаб Султон Абусайид кўшинини олдинроқ жангга солди. Ўзи эса йигирма минг аскар билан анча орқада – Сангзор дарёсига ва Маржонбулоқ томонларга борадиган сувсиз сойлар ичида, тепаликлар ортида пистирма бўлиб паналаб турди.

Абдулла Мирзо Абулхайрхоннинг алоҳида кўшин билан орқадан келаётганини биларди. Унинг назарида, аввал Султон Абусайидни тор-мор қилса, кейин Абулхайрхон билан яккама-якка олишиш осонроқ бўладиганга ўхшарди.

Бирок Султон Абусайид лашкари орқага чекиниб бориб, Абулхайрхон кўшини билан бирлашди-ю, жуда катта кучга айланиб кетди.

Самарқандликлар Абусайидни Булунғурдан Сангзор томонга қувиб бораётганда пистирмада турган Абулхайрхоннинг йигирма минг кўшини сойлардан, тепаликлар ортидан селдай ёпирилиб чиқди.

Абдулла Мирзо ғулда ўзи билан бирга жанг қилиб келаётган икки минг отлиқ йигитни орқага қайтарди. Аммо даштий султонлар бу орада от чоптириб, қайтиш йўлини ҳам бекитиб олишга улгурдилар.

Абдулла Мирзо отнинг жловини ёли устига ташлаб, чап кўлига ҳам қилич олди. Икки қўлда икки қилични сермаб, ёв аскарларининг уч-тўрттасини эгардан ағанатди. Бобо Ҳусайн бошлиқ юзтача беку навкар Абдулла Мирзони икки ёндан ва орқадан ҳимоя қилиб, қуршовни ёриб ўта бошлади.

Шу пайт очик турган олд томондан ёв камончилари ўқ ёғдирдилар. Бу ўқлардан беш-олтитаси Абдулла Мирзонинг зирхли дубулғасига ва жибасига урилиб сапчиб кетди. Шунда душман мергани Абдулла Мирзонинг бўйнини мўлжалга олди.

Бош ҳаракатда бўлиши учун зирхли кийимнинг бўйинга ёпилган қисмида озгина очик жой қолдириларди. Ёв мергани эпчиллик билан отган ўқ ана шу очик жойни топиб ўтиб, Абдулла Мирзонинг бўйнига санчилди.

Бўйиннинг йўғон томири ўтган жойдан қон тизиллаб отилди. Абдулла Мирзонинг хушдан кетиб, эгардан оғиб тушаётганини кўрган Бобо Хусайн тез бориб уни ушлаб қолди ва ўзининг отига ўнгариб олди.

Навкарлар энди Бобо Хусайн минган отни ўраб олиб, ёв қуршовини ёриб ўтдилар. Беҳуш Абдулла Мирзони жанг майдонидан олиб чиқдилар. Лекин Самарқандга етиб боргунларича Абдулла Мирзо хушига келмай жон берди.

Марҳумни бобокалонлари мақбарасига дафн этдилар. Унинг рухига бағишлаб тиловат қилган Хўжа Бурҳониддин:

– Абдулла Мирзо чақмоқдай ялтиллаб сўнди, бокий дунёга шаҳид бўлиб кетди! – деб кўзига ёш олди.

Ҳабиба Султон бегим мусибатдан ўрганиб йиғлаётган пайтда амакиваччалари Абусайид Мирзо Самарқандга ғалаба карнайини чалдириб кириб келди.

У билан изма-из келган Абулхайрхоннинг ғолиб лашкари бир вақтлар Амир Темур аскарларига қароргоҳ бўлиб хизмат қилган Конибилни эгалладилар...

Орадан элик-олтмиш йил ўтар-ўтмас Абулхайрхон очган йўллардан унинг невараси Шайбонийхон бостириб келишини, бутун Турону Хуросонни забт этиб, темурийларни Самарқанддан ҳам, Ҳиротдан ҳам сиқиб чиқаришини, тоғ кўчкисидай шафқатсиз босқинлар натижасида Султон Абусайиднинг невараси Заҳириддин Муҳаммад Бобур ватанидан жудо бўлиб, Ҳиндистонга кетишини ҳали ҳеч ким тасаввур ҳам эта олмасди.

Носир ФОЗИЛОВ

Давлат мукофоти лауреати

(1929 йилда туғилган)



ПОЛИЗ ОҚШОМИ

Сумбула кириб, ҳавога куз нукси уриб қолган кунларнинг бирида қишлоқ оралаб юрган мухбир йигит пиджагини елкасига ташлаб, қовун полизга келди. Бу пайт полизда ҳамма иш билан банд; кеч кириб қолгани учун одамлар пушталарга уйиб қўйилган қовунларни четга, тарозибон олдига ташиб чиқишар, полиз ўртасида саралаб қовун узиб юрган чол қичкириб, йигитларга нималарнидир уқтирар эди. Ҳожи бува деганлари шу киши бўлсалар керак, деб ўйлади мухбир йигит. Сўнг теварак-атрофга бир зум диққат билан қараб турди-да, пиджагини четроқдаги чайла ёнидан чиқиб турган шохга илиб, полиз ўртасига қараб юрди. Қовунларни қопларга солиб, бир-бирларига орқалатаётган йигитлар ҳазиллашишар эди:

- Ҳа, думалаб жўна, бўриқалла!
- Ичинг тушмасин, босволди!
- Ҳали хомаксан-да, оғайни, хомаксан.
- Амирига ўхшаб белингни ушлаб туришингни қара, кўтарсанг-чи.

– Ҳожи бувам келяптилар... Ҳов! Қоч!..

Ҳожи бува булар томонга кела бошлаганда ҳалиги йигитлар қопларга ярим-ярим қилиб солган қовунларини орқалашиб,

палаклар орасидаги сўқмоқдан югургилаб кетишди. Ҳожи бува уларнинг кетидан ҳайҳайлаб:

– Ҳой, секинроқ, заха ейди! – деди-да, қўлини пешонасига соябон қилиб, мухбир йигитга қаради. – Қай боласан, хой!

– Ассалому алайкум, – деди мухбир йигит чолнинг истиқ-болига юриб. – Меҳмонман, бува.

– Ие, келинг, болам, келинг, – деди Ҳожи бува. – Мен сизни анави ишёқмаслардан бирими, девдим. Кўрмайсизми, буларга гап бўлса, ўйин бўлса бўлгани.

“Бечоралар югуриб-елиб қовун ташишяпти-ю, шундан ҳам норози бу чол, – деб ўйлади мухбир йигит. – Фермер аканинг ғайратли чол деганича бор экан”.

Салом-алиқдан сўнг Ҳожи бува бу йигитнинг оддий меҳмон эмаслигини, бир-икки оғиз гап билан иш битмаслигини билди.

– Меҳмон, бирпас сабр қиласиз-да, энди. Ишни тугатиб, йигитларга жавоб бериб юборай, кейин отамлашаверамиз.

– Майли.

– Бўлмаса сиз полизди оралаб турунг, – Ҳожи бува қўлини кўксига қўйиб узр сўраган бўлди. Негадир мухбирнинг сурнай-поча шимига қараб жилмайиб қўйди. – Ҳай, томоша қилиб турунг-чи.

У кетди. Мухбир шимига қараб елкасини қисди-да, Ҳожи буванинг орқасидан жилмайганча қараб қолди.

Мухбир йигит полиз ичига қараб юрди. Арик ичидан бикқидек семиз бир типратикан йўрғалаб чикди. “Сен бу ерда нима қилиб юрибсан?” деган каби мунчоқ кўзларини йилтиратиб, бир зум қараб турди-да, яна яшил палаклар ичига шўнғиб кетди. Палакларга қараб туриб мухбир йигит ҳайрон бўлди: одатда, бу пайтда палаклар сарғайиб, полизга хазон-резлик нуқси уриб қолар эди. Қаранг, баъзи сув кийналиб чиқадиган дўнг жойлардаги палакларни демаса, пастки, канал бўйидаги, қулоқ бошидаги палакларнинг ҳали ҳам авжи баланд, ям-яшил, кийғос гуллаб, найчалари осмонга сапчийман деб турибди. Энгашиб палакларни титиб қарасанг, тугунак, сапча, хомаклар сероб... Тўрға кирганлари билан ранг

олганлари палак орасидан манаман деб кўкрагига муштлаб ётибди. Нариги пайкал тарвуз полизи экан. Ҳар тарвузларки, йўлбарсдай! Тарғил, худди голланд сигиридай ола. Қўқон арава гупчагидай чўзинчок кўзивойлар уфққа ёнбошлаб, ботаётган куёш шафағи шуъласидан пешоналари ялт-ялт қилади...

Мухбир йигит, чоли тушмагур буларни қандай парвариш қилди экан, деб хайрон эди...

Куёш ботиб, салқин тушди. Полизнинг тароватли, хандалак, босволди бўйи уфурган файзли окшоми бошланди. Мухбир йигит салқиндан эти жунжикди, шекилли, канал бўйидан аста пастга тушиб, чайла томонга юрди. Бу пайт полизда шовқинсурон тиниб, Ҳожи бува қовун ташувчи йигитларга рухсат бериб юборган, пайкалда фақат уч-тўртта чол билан шофёр йигитларгина қолган эди. Мухбир йигит чайла ёнига илиб қўйган пиджагини олиб кияётганида Ҳожи бува келиб қолди.

– Қалай, томоша қилдингизми, ўғлим?

– Раҳмат.

– Ҳа, салқинладингизми? – деди бува кулиб. – Кечаси бундан ҳам салқин бўлади. Хўш, мана энди қулоғим сизда. Жадаллаштирмасак, пахта терими ҳам бошланиб қолди, эрта-индин мошин танкис бўлиб қолади.

– Гаплашадиган гап ҳам йўқ... Ўзим шундай, полиз окшомини бир кўрай деб келувдим, – у қалам-дафтарини олиб, чолни чўчитиб юбормасликка, иложи борича жўн гаплашишга, гап тизгинини кўпроқ чолнинг ўзига қўйиб беришга ҳаракат қилар эди. – Бирор гап чиқиб қолса, кейин сўрарман, ота.

– Шундоқ денг. Ундоқ бўлса... – деди Ҳожи бува соқолини тутамлаб, – бугун полизда коласиз. Окшом энди бошланади. Мана бу кийимларингиз бўлмайдди, ўғлим. Ечиниб, чайлада неварамди пуфайкасиминан шими бор, кийиб олинг.

– Ўзи-чи?

– Тошкентда, ўқишда.

– Майли, шу ҳам бўлаверади.

– Йўқ-йўқ, кийиб олинг, ўғлим. Бу сурнайпоча шимда

кийналиб қоласиз, – деб кулди чол. – Оқшомди оғанаб ётиб кўриш керак... Ҳу ўртадаги супага жой қиламан. Қани, бу ёкка юринг-чи, бир тамадди қилиб олайлик. Ҳу анави қовунди олволинг...

Бу жой сизники, – деди чол йигитга буклама каравотни кўрсатиб. – Мана бу кўрпани ҳам ёпининг. Тонгга яқин салқинроқ бўлади.

Улар ечиниб жой-жойларига ёнбошлашди. Мухбир йигитнинг бутун хаёли оқшом гўзаллигида, полиз гашти-ю, табиат сеҳрида эди. Чол буни сизди, шекилли, бироз фурсат ўтгач, сўради:

– Қалай?

– Гўзал, – деди юлдузларни томоша қилиб ётган мухбир. У аслида гапни нимадан бошлашни билмаётган эди. Шу баҳона бўлиб сўради: – Қачондан бери қовун экасиз, ота?

– Пенсияга чикқанимдан бери.

– Пенсияга қачон чикқансиз?

– Тўртинчи йил. Ишлаб ўрганиб қолганмиз, ўғлим. Қараб ётолмадик. Тўрт-бешта чол маслаҳатни бир жойга қўйиб, фермер боламга арз қилдик. Қовун экамиз, дедик. У аввалига кўнмади. Нима қиласиз ўзингизни уринтириб, Парпи бува, невараларингизди даврида юринг ялло қилиб, деди. Қаёқда, кўнмадик. Мана, кўриб турибсиз, бешта чол беш гектар ерни айлангириб ётибмиз.

– Парпи бува деганингиз ким?

– Мен-да, Парпи бува.

– Ие, сиз Ҳожи бува эмасмисиз?!

– Аввалги йили денг, қовунларимиз бир битиб берди. Нак овозаси оламга жория бўлди. Фермер болам пишиқ йигит-да, қовунларимиздан кўнгли тўлиб денг, бир куни катта мажлисда: “Парпи бува бошлиқ оқсоқолларимизга минг раҳмат. Энди бувани Маккаи муқаррамага жўнатамиз. Бир маза қилиб, Ҳожи бува бўлиб келсин”, – деса бўладими. “– Бошқа оқсоқолларчи?” – деб қолди мажлисда ўтирганлардан бир-иккитаси. “Эрга навбат, шерга навбат деганлар, – деб жавоб қилди фермер йигит. – Худо хоҳласа, агар қовунлар келаси йили ҳам яхши би-

тиб берса, уларни ҳам жўнатамиз. Хотиржам бўлинглар”. Бу йил ҳам қовунларимиз яхши, худо хоҳласа, бошқалар ҳам Ҳожи бува бўлиб келса ажаб эмас.

Бу гаплар муҳбир йигитни ўйлантириб қўйди: “Қаранг, хар қишлоқдан шунча чол чиқиб, қовун экиб турса, оламга қовун сиғадими? Мана сизга тўқинчилигимизнинг боиси!”

Ҳожи бува бир нафас сукутдан сўнг:

– Соатингиз қанча бўлди, ўғлим? – деб сўради.

Муҳбир йигит гугурт чақиб соатига қаради.

– Ўн ярим.

– Ўн ярим? Ие, кансертни ўтказиб юборибмиз-ку, – чол ёстиғи тагидан кичкина “Селга” радиоприёмнигини олиб, мурватини буради. Концерт ниҳоясига етай деб қолган экан. – Неварамди совғаси. Олтин тўйимизда қилган. – Чолнинг овозида озгина ғурур, озгина фахр бор эди.

– Набирангиз қаерда ишлайди?

– Ҳали Тошкентда ўқишда, демадимми? Мактабди битириб, бир-икки йил ёнимда ишлади. Кейин ўқишга кетди. Бугун сентябрди ўними? Ўн икки кун бўлди кетганига, кеча қовун ортган мошинда тушиб кўриб чиқдим.

– Ўн кун ўтмасдан-а?

– Э, кампири тушмагур қўймади-да, бўлмаса тушармидим шаҳарга.

– Нима, шаҳар ёмонми?

– Шаҳар-ку, яхши!.. Бозорди кўриб хафа бўлиб кетасан-да.

– Нега?

– Полизди оралаб чиқдингиз-а?

– Ҳа.

– Хўш, нима сездингиз?

– Ҳеч нарса.

– Қовунларди ўз қўлимиз билан экканмиз-у, бозорди кўриб, бир нуксонимиз очилиб қолди, ўғлим. Памлаган бўлсангиз, қовунларимизди хили асосан хандалагу, тўрлама қизил уруғминан ананас. Худонинг қудрати, бозорда ҳам мана шунақа қовунлар... Ўзбекистон қовунди макони, буни била-

сизми? Шундоғ бўлгандан кейин амири, чўгири, обиноввот, гулоби, кўкча, ундан сўнг десангиз, бузоқбоши, бегизот, бў-рикалла, хўш деганингиздан, кўйбош, кизилуруғ, тилими тил-ни ёрадиган шакарпалак... Эҳ-хе, юз хил қовунларимиз бор-а, ўғлим?

– Уч юз хил деб ёзишади-ку олимлар.

– Балли, ана ўша қовунларди кўпчилиги йўқ-да.

– Нега?

– Негга бўларди, ўғлим, сирти ялтироқ бўлишини ўйлаймиз-да! Ичиминан ишимиз бўлмайди. Энди экаман. Шу гал тушганимда тўртта-бешта қовун олиб чиқдим уруғликка. Бошқа ёқдан обкелишган экан. Бизнинг қовунларимизга ўхшамайди. Ундан кейин, мен сизга айтсам, харидорлар ҳам жуда инжиқ бўлиб кетибди. Ҳа, ношукур бўп кетипти! Тилладай сарғайиб, хиди анқиб турган бўлса ҳам “Хом эмасми? Дори солинмаганми?” деб бармоғи билан эзиб кўради денг. Шунақа демасин, деб қовунди ўзим саралаб узаман. Ҳалигиндақа гаплар жуда оғир ботади, ўғлим. Харидор қовунди босса, нақ пешонам-да бармоғининг изи қоладигандай қийналаман. Тарвузларди қафтларига олиб қисганларида виждоним сиқилаётгандай бўлади... Тўғри, баъзи бир инсофсиз дехқонлар бор, дори солиб қовунди сулув қиладиган. Шуларди касопатига қоламиз бизлар ҳам. Қовунди ҳадеб бир жойга экаверса ҳам бўлмайди. Ер қучсизланиб, шумғия чикиб кетади. Бу йил иккинчи жой алмаштиришимиз. Нукул бўз ер қидирамиз. Икки йил экиб, сўнг еримизди пахтага бўшатиб берамиз,..– деб бироз осмонга қараб ётди Ҳожи бува.

“Қовуннинг яхши бўлиш сабаби шунда экан-да”, деб ўйлади мухбир йигит.

Чол бирпас тин олиб, сўради:

– Гап нимада тўхтовди?

– Харидорларда.

– Ҳа, бугун мундоқ бозор оралаб келаётсам, тузуккина иккита йигит, сизникидай сурнайпоча шим кийган... бориб қовун олди.

Шундоқкина супанинг ёнгинасида кўккисдан бир нарса қарс этиб ёрилди. Қаттиқ қарсиллади. Мухбир йигит чўчиб тушди.

– Ҳа, акангди қовуни! – деди Ҳожи бува, кейин хихилаб кулди. – Қаранг ёрилишини! Кўкча. Ўзиям асал. Дори солинган қовун бунақа ёрилмайди, ўғлим. Бир воқеа эсимга тушиб кетди. Маккага сафаримиздан олдин кампир тушмагур кўярда-қўймай бир елим халтага тўлдириб, худди ўрис кизларнинг ўрилган олтин сочидай товланиб турган қовун қоқи солиб берса бўладими? Ҳой онаси, буни оғирдан ортиқ қилиб қандай кўтариб юраман, десам, керакли тошнинг оғирлиги йўқ, ўшаттаги мўмин-мусурмонларга берасиз, савоб бўлади, деб қўймади кампири тушмагур. Тўғри қилган экан. Обордим, ўша жойдаги ҳожиларга тарқатаётсам, бирпасда одамлар атрофимизни ўраб олишди.

– Қовун қоқи неча пул? – деб сўрашади нукул.

– Текин, биродарлар, олинглар... Ўзбекистондан насиба.

Бирпасда халтамдаги қовун қоқиларни талаб кетишди. Бундай қарасам, ёнгинамда оппоқ уст-бош кийиб, бошига ок салла ўраб олган мўйсафид кўлидаги қовун қоқи бўлагини шира-пирасига карамай кўзларига суртиб, хиқ-хиқ йиғлар, Яратганга шукроналар айтар эди. Кейин билсам, илгарирок ватандан чиқиб кетган ҳамюртларимиздан экан...

Бу гапдан мутаассир бўлиб ётган мухбир йигит сўради:

– Нима, у ёқларда қовун экилмас эканми?

– Қаёқда, – деди Ҳожи бува. Кейин гапини давом эттирди: – Бир кўлим текканида бозорларни айландим. Расталарда турган мевалар ранг-баранг. Нақ кўзни камаштиргудай. Ҳамма нарса бор. Бироқ буларнинг барини бошқа мамлакатлардан олиб келишар экан. Еб кўрсангиз, уларда на маза бор, на матра. Бизнинг ерларга Яратганнинг назари тушган, ўғлим. Ҳамма нарсамиз худди бояги қарс этиб ёрилган кўкчадай ширин. Ҳа, обиновот!..

Чол яна жимиб колди. У гап нимада тугаганини ўйлармиди ё бошқа мавзу кидирармиди, қоронғида билиб бўлмас эди.

Мухбир йигит чолни мавзудан четга чиқиб кетмасин, деб савол берди:

– Бояги менга ўхшаб сурнайпоча шим кийган йигитлар нима бўлди?

– Ҳа, айтмоқчи, – гапини давом эттирди чол. – Тағин, ўғлим, хафа бўлманг, сурнайпоча деганимга.

– Йўғ-е.

– Улар олган қовунларини бир чеккага олиб чиқишди. Биттаси зўрға энгашиб, қовуннинг дум берган томони у ёқда қолиб, тесқари томонига пичоқ солса бўладими? Қараб туриб нафсониятим қўзиб кетди: экиб бердим, обкеб бердим, ке, энди сўйиб ҳам берай, дедим. Бориб қўлидан пичоқди олдим. Қовунди бу ёғидан мана бундай қилиб сўяди, ўғлим, дедим. Қаққайиб турганининг номуси келди, шекилли: “Пулумизга олганимиздан кейин қанақиб сўйсақ бизнинг ишимиз, отес”, деди. Индамадим. Ростини айтсам, жаҳлим чиқди. Сўйиб бердим-да, бу ёғроққа келиб турдим.. Қовунди ҳам худди кемшик кампирлардай чала-чулпа еб кетишди. Биз дехқонмиз, қовунимизни қадрлайдиганга текин берамиз, ўғлим. Ҳалиги кўрнамақларнинг нописандлик билан чала егани гашимга тегди-да. Тозалаб еса хурсанд бўламиз. Жуда кўнглим хира бўлди.. Катта мактабга бориб, неварамди кўрдим-да, тез қайтиб чиқа қолдим... – Ҳожибува шу ерда гапини тўхтатиб, мухбир йигитга қараган эди, у асабийлик билан босиб-босиб сигарет чекаётган экан. Чол уни хафа қилиб қўйдим, шекилли, деб ўйлаб, сўз қотди: – Қовун сўйиб берайми, ўғлим?

– Раҳмат, ота, эрталаб.

– Майли, қовун есанг сахар е... деганлар. Ҳу анави ўқарик бўйида битта яхши хандалагим бор. Эрталаб кўриб, бир кунлигинг бор-ов, деб қўйган эдим. Худо хоҳласа, эрталаб ўшани сўйиб бераман, – деди Ҳожи бува. Меҳмоннинг мухбир эканлиги энди эсига тушди, шекилли, бошини сал кўтариб, сўради: – Хўш, ўғлим, энди гапингиз бўлса сўранг?

– Раҳмат, отахон, – деди мухбир йигит қулиб, – менга керакли гапларнинг ҳаммасини айтиб бердингиз.

Ҳожи бува ҳайрон бўлиб қолди. “Қизик, аввалги мухбир-



лар қоғоз-каламани олиб, сўроқ қилавериб, бошингни котирар эди-ку?! Чакки гап гапирмадимми, ишқилиб?!”

Хандалак бўйини аста уфуриб ўтган дайди шабада палаклар оромини бузди. Ҳожи бува “Селга”нинг товушини бир баҳя кўтарди. Оромбахш “Чўли Ирок” полизнинг сеҳрли оқшомига яна ҳам файз киритди. Қаердадир йилқичи куш “от йўк, от йўк” деб чўзиб-чўзиб сайрар, осмондаги юлдузлар эса имлаб, нимадир дегандай бўларди...

Супа ёнидан бир нима шитирлаб ўтди. Мухбир йигит чўчиб ўрнидан турди.

– Ҳе, текинхўр кирпичи-ку. Қовунди сарасини излаб юрибди, – деди Ҳожи бува хихилаб. – Ётаверинг, ўғлим.

Атроф туннинг сирли либосига бурканган. Канал томонда қурбақаларнинг аҳён-аҳёнда қуриллаши, чўпонларнинг ўтовидан итларнинг хуриши эшитилади.

Мухбир йигит Ҳулқар тиккага келганида кўзи илинди-ми ё Чўлпон туғилганидами, буни билмайди. Эрталаб бошини кўтарганида ҳали куёш чикмаган, тонгги шудрингдан кўрпаларнинг усти ҳўл бўлиб қолган эди. Ҳаво танани жунжиктирадиган даражада салқин. Қовун юкланган машиналар кўринмас, Ҳожи бува аллақачон ўрнидан туриб, полиз ора-лаб юрарди. Бир маҳал Ҳожи бува мухбир йигитни чақириб қолди. У ўрнидан туриб, фуфайкани елкасига ташлади-да, ўша томонга юрди.

– Мана буни қаранг! – деди Ҳожи бува қалин палакни икки кўли билан айириб. – Кечаси сизга ваъда қилган хандалагим...

Худди кесилган коптокка ўхшаб, хандалакнинг ярми йўк, ичи эса бир текисда қиртишланиб, тозалаб ейилган эди.

– Текинхўрнинг иши. Тозалаб ебдими, қандини урсин! – деди Ҳожи бува қулиб.

Чол кирпичининг бу ишидан ниҳоятда хурсанд эди.



Худойберди ТЎХТАБОЕВ

Ўзбекистон халқ ёзувчиси
(1932 йилда туғилган)

ЁВВОЙИ ЭЧКИЛАР

Замонавий эртак

Бир бор экан, бир йўк экан, ўтган замонда эмас, шу ўзимизнинг кунларда Тошкент шаҳрида энг ақлли одамларни шошириб, ўйлантириб қўядиган сирли бир воқеа юз берибдики, бутун шаҳар аҳли ҳайратдан ёқасини ушлаб қолибди. Ўн икки қаватли уйларнинг қок ўртасига дадалари қуриб берган кизил қум тўкилган, кенг, баҳаво майдончада жамики болалар қийқиришиб, югуришиб, ўмбалок ошиб ўйнашаётган экан. Ўйнаётганлар орасида Фаррух деган хушёргина бир бола ҳам бор экан. Туғилган кунда дадаси совға қилган ростакамидан ҳеч қолишмайдиган самолётга опаси Сорахонни, акаси Ҳумоюнни, меҳмонга келган Расулжон ўртоғини чиқариб олиб, гоҳ ўннга, гоҳ чапга ҳайдашиб, қийқириб қулишиб, жуда-жуда маза қилишаётган экан. Тўсатдан, ҳа-ҳа, тўсатдан сирли воқеа юз берибдики, самолёт тариллаб овоз бериб, орқасидан кўм-кўк тутун чиқазиб, аввал ўн икки қават уйлар баробар учибди, кейин худди лочин қушдек тумшугини олдинга чўзганча ҳаволаб бориб-бориб паға-паға бўлиб сузаётган оппоқ булутлар орасида қўздан ғойиб бўлибди.



– Хайр, дадажон! – кичкирибди Фаррух осмондан туриб.

– Опажон, қозондаги сув тошиб кетса, мен айбдор эмасман, – деб бакирибди Сорахон.

– Ойижон, мен эртага боғчага бормайман, – дебди Расулжон.

Хумоюн ҳам бир нарса деб кичкирган экан, самолётнинг тариллаган овози эшиттиргани қўймабди. Самолёт бўлса учгандан-учаверибди, учаверибди. Гоҳ ўрқач-ўрқач бўлиб, бири-бирини қувлаб бораётган оплок булутлар орасидан шўнғиб ўтармиш, гоҳ қоп-қора булутлар самолётни ютиб йўқ қилиб юборармиш. Бир қараса, чарақлаб офтоб чиқармиш, яна бир қараса, қоронғилик шунақа куюк бўлармишки, Расулжон ҳатто ўзининг бурнини ўзи кўролмай, бурун ўрнига қулоғини ушлаб-ушлаб қўярмиш.

Ерда қолганлар эса ёқа ушлаб анчагача анграйиб туришибди. Бир хиллар “Учар тарелкалар ўғирлаб кетди уларни”, дейишса, бошқалари “сеҳрли воқеа юз берди”, дермиш. Яна битта ҳаммадан ҳам ақллироқ одам бор экан. Ўша бўйнини баланд чўзиб, баланд овоз билан “Япон ўйинчоқларининг ичида тўсатдан ғириллаб ишлаб кетадиган кичкина-кичкина сеҳрли моторчалар бўлади, болага самолётни беришдан олдин зўр устага кўрсатиб олиш керак эди”, дермиш.

Хуллас, у бўпти, бу бўпти, самолёт осмонда гувиллаб учиб кетаверибди-кетаверибди.

– Урра, мен мазза қиялпман! – дермиш икки қўллаб рулни маҳкам ушлаб олган Фаррух.

– Мен сал-пал кўрқяпман, – дермиш Сорахон.

– Мен ҳеч ҳам кўрқмайман, ботирман, – дермиш Расулжон.

– Мени уйқум келаяпти, – дермиш Хумоюн. Самолётнинг тумшугини лочин қушнинг тумшугига ўхшатиб сал паства эгиладиган қилиб яшашган экан. Бир маҳал ана шу қайрилма тумшукдан, “кўрқмасанг, ўзингни йўқотмасанг, мард бўлсанг, муроду мақсадинга етасан”, деган ўзбекча овоз эшитилиб қолибди. Овоз Фаррухнинг бувисиникига ҳам, Расулнинг бобосиникига ҳам жуда-жуда ўхшаб кетармиш-ку, бундай кўз-

ларини каттароқ очиб қарашса, олдларида коронғиликдан бошқа ҳеч нарса йўқ эмиш. Самолёт эса вариллаб учгандан-учаверибди, учаверибди. Осмон шунақа кенг эмишки, болалар олдинга кетишяптими, оркага кетишяптими, ҳеч билишмас экан. Гоҳ ўнг томондан, гоҳ чап томондан ловиллаб ёниб турган метеороидлар зув-зув этиб ўтиб кетармиш. Ўтаётганда осмоннинг ярмини чароғон қилиб ёритиб юборар эмиш. Бир пайт, самолёт шундай баландлаб учибдики, Сорахоннинг бўйи сал новчароқ эмасми, боши юлдузларга тегай-тегай деб қолибди. Ҳумоюн битта юлдузни ушлаб кўрмоқчи ҳам бўлибди-ку, лекин юлдуз менга етолмайсан дегандек, тезгина ҳаволаб учиб кетибди.

Осмондаги гаштли, фақат хузурдан иборат бўлган сафар давом этаверибди-этаверибди. Ер вақти билан қанча бўлганини билишолмабди-ку, осмон вақти билан бир йилча учганларидан кейин, бир йилча учганларини ҳаммадан олдин Расулжон сезиб қолибди. Нега десангиз, Расулжоннинг қорни осмон вақти билан бир йилда бир марта очқар экан. Ҳозир ҳам жуда-жуда очқаб турганидан, демак, бир йилча учибмизда, деб ўйлабди. Бир вақт бундай қарашса, самолётнинг тариллаб турган овози тўсатдан ўчиб, ўзи худди ўк теккан куш каби лапанглаб-лапанглаб пастга тушиб бораётган эмиш. Кўрқиб кетишибди. Хурсанд бўлишни ҳам, хафа бўлишни ҳам билишолмай, бир-бирларининг пинжига кириб, қучоқлашиб жим туришаверибди. Самолёт оҳиста пастлаб бориб, қуюқ бир ўрмоннинг чеккасига, барра ўтлар ўсиб ётган бир кенгликка қўнибди. Қўнган жойлари шундай бир гўзал эканки, таърифта сўз тополмай, анча маҳал анграйиб қолишибди. Фаррухнинг хайратдан оғзи очилиб қолган эмиш. Ўт-ўланлар қалин ўсганмиш, ариқларда жилдираб зилол сув оқармиш, зилол сувлар жарангли овоз билан ёқимли ашулалар айтармиш, чигирткалар ёқимли куйлар чалармиш, ўрмондаги қушчалар чакчақлашиб худди хуш келибсизлар дегандек табрик айтармиш. Муздеккина шаббода енгил-енгил эсиб, юзларини юмшоқ-юмшоқ силаб ўтармиш. Қуёш эркалаб майин-майин нурлар сочармиш.

– Жуда мазза-ку! – дебди Фаррух кувончини ичига сиғдира олмай.

– Вой, лолалар ҳам очилиб ётибди, – дебди гулларни яхши кўрадиган Сорахон.

– Мен энди ҳеч нарсадан кўркмайман, – дермиш Расулжон. Аслида бу ерда йирткич ҳайвонлар бўлса-я, деб дағдағ калтираётган экан-у, шундай бўлса-да мен ҳеч нарсадан кўркмайман, деб юборибди.

– Кўркманглар, агар бўри келса, мана бундай тепиб ерга йикитаман, – деб Ҳумоюн сакраб ўнг оёғи билан ҳавони бир тепиб қўйибди.

Хайрият, ўзларини йўқотишмабди. Дадил бўлишибди. Адирлардан адирларга ўтиб, анвойи гуллардан териб чиройли гулдасталар ясашибди. Ўрмон ичидаги тор-тор сўкмоқлардан юриб кўзиқоринлар теришибди. Ҳар кўзиқоринлар эмишки, бир хиллари Расулжонларникидаги хонтахтадай келармиш. Думалок ўсганлари эса Фаррухнинг бошича келармиш.

Нихоят, ўт-ўланлар билан қопланган бир гўзал тепаликда тўхтаб, энди нима килдик, дея ўй суриб кетишибди. Ўзлари ҳам беҳад чарчашган, очқашган экан. Очлик зўр келиб, укалари аста-секин ҳикиллай бошлашган экан, Сорахон нима қиларини билмай худди эчки боласига ўхшаб маъраб юборибди. Қишлоқдаги бувисиникига борганда эчки болаларига таклид қилиб улардан ҳам чиройлироқ маърашни ўрганиб олган экан. Бу ерларда ёввойи эчкилар кўп экан. Ўшалардан бири Сорахон томонга аста-секин кела бошлабди. Унинг жажжи болаларини бўри еб кетган экан. Сорахоннинг овози ўша боласиникига жуда-жуда ҳам ўхшаб кетган экан. Она эчки Сорахонга яқин келиб оёғига суйкалармиш, илиққина тилини чиқазиб тиззаларини ялаб-ялаб қўярмиш. Болалар аввалига сал-пал кўрқишибди. Ҳумоюн бўри билан эчкининг фарқига бормас экан, бу хойнахой бўри бўлса керак, деб ўйлаб, бошлаб тепмоқчи ҳам бўлибди. Сорахон эчки соғишни биларкан. Қишлоқдаги бувиси ўргатган экан. Бундай қараса, эчкининг елини сутга тўлиб, хамир қорадиган тоғорадек шишиб кетган

эмиш. Сорахон ачинибди, жуда-жуда ачинибди, бечорагинам, деб юнгларидаан майин-майин силабди-ю, силаётиб сутини соғиб ташласам елини анча бўшаб, жони ҳузур қилармикан деб ўйлабди. Она эчкини яна қайта-қайта силабди. Тирсиллаб осилиб турган елинига қўл узатиб оҳиста-оҳиста соға бошлабди. Илиққина сутдан бир-икки марта ҳовучлаб ичиб ҳам олибди.

– Менга ҳам ичир! – дебди корни очиб турган Расулжон.

– Менга ҳам икки ҳовуч берасан, – хархаша қилибди Фаррух.

– Менинг қорним катта, мана, кўринглар, уч ҳовуч ичаман, мен ҳаммангдан каттаман, – деб атайлаб оёғининг учида туриб бўйини баланд кўрсатибди Ҳумоюн.

Сорахон ҳам ақлли, ҳам тадбиркор кизлардан экан. Жанжал чикмасин дея учала укасини эчки болаларига ўхшатиб эмаклатиб қўйиб, ҳовучидаги илиққина сутни навбати билан ичира бошлабди. Қизик, худди булоқдан чиқаётгандек она эчкининг сути ҳеч адо бўлмас эмиш.

Кеч кира бошлабди. Тун борлиққа аста-секин қора пардасини ёйибди. Ўрмон томондан йиртқич ҳайвонларнинг бир-биридан ваҳимали овозлари эшитилармиш, оч бўрининг чўзиб-чўзиб увиллагани, чиябўрининг худди бировни масхара қилаётгандек ингичка чийиллаши, айёр тулкининг чақалоқдек ингалаб йиғлаши, шерхоннинг ўрмонни бошига кўтариб атрофга даҳшату ваҳшат солиб каттик ўкиргани эшитилармиш. Кўркиб кетишибди, жуда-жуда кўркишибди. Бир-бирларининг пинжига кириб, дағ-дағ қалтирашармиш. Расулжоннинг ияги-иягига тегмай, бирдан тишларини такиллатармиш. Ҳар эҳтимолга қарши йигирматадан тош териб келиб, олдиларига қўйиб олишибди. Ҳумоюн бўри келса шошиб қолмайин деб ўзининг бошича келадиган тошни қўлида маҳкам ушлаб олган эмиш. Оғир шароитда, ҳаёти хавф остида қолганда одам боласининг ақли жуда ҳам тез ишлаб кетар экан. Расулжоннинг ақли ҳам шу пайтда жуда, жудаям тез ишлаб кетибди.

– Олов ёқамиз! – деб сакраб ўрнидан туриб кетибди у. – Токка борганда кўрганман, тошни тошга урса олов чиқади, урра, буни мен топдим, ур-ра-а... мен топдим.

– Тўғри, – дебди Сорахон ҳам укасини маъқуллаб, – фақат, чакмоқтош топиш керак, чакмоқтошдан тез олов чиқади. Қора тошдан олов чикмайди... Қишлоққа борганда тош терганмиз.

Қоронғи бўлгани учун олдиларидагидан қайси бири чакмоқтош эканлигини билишолмабди. Ахир биттасидан олов чиқиб қолар деб, ҳамма тошларни бир-бирига уриштираверишибди-уриштираверишибди. Бир маҳал Ҳумоюннинг кўйлаги пов этиб ёнаётганини кўриб қолишибди. Тош уриштиришаётганда узилиб чиққан учқунни Ҳумоюн кўрмай қолган экан.

– Ур-ра-а-а... Оловни мен ёқдим, – деб Ҳумоюн ўрnidан туриб кўйлагини еча бошлабди.

– Тезроқ еч, – деб қичқирибди Сорахон. Ҳаммалари эслихушли болалар экан. Олов ўчиб қолмаслиги учун нималар қилиш кераклигини билишар экан. Кўз юмиб-очгунча чўп-хаслардан, қуриб қолган ўтлардан териб келиб оловни гуриллатиб юборишибди. Шундай гуриллатишибдики, оловнинг баландлиги ҳув наридаги чинорлардан ҳам юқорироқ бўлиб кетибди.

– Кўйлагим куйиб кетди, деб хафа бўлма, – дебди Сорахон укаси Ҳумоюн нинг кўнглини кўтариб, – мана шу ёнимизда турган она эчкининг жунидан қирқиб, сенга чиройли кўйлак тикиб бераман.

Кечаси бир-бирларининг пинжларига кириб ухлашибди. Сорахон тез-тез уйғониб оловга чўп-хасдан ташлаб кўяркан. Расулжон бир-икки уйғониб “Опа, эртага боғчага бормасам майлими?” деб сўрабди. Фаррух бошини хиёл кўтариб, кўзи юмуқ эмиш-у, қўлимдаги ноним қани, ҳозир еб турувдим-ку, деб сўрар эмиш. Ҳумоюн бўри келса ураман дея, қатта тошни кучоқлаганича туни билан ҳеч уйғонмабди. Эрталаб қулоғидан чўзиб, оёғидан тортиб зўрға уйғотишибди.

Эрталаб ўринларидан туришса, вой-бўй, йиртқич ҳайвонлардан кўрқиб пана-панада писиб, берқиниб ухлайдиган бошқа эчкилар ҳам боласини бўри еб кетган она эчкига эргашиб, гулхан атрофига шунақа кўп тўпланишибдики, ҳисоби йўқ эмиш. Бир хил эчкилар янги тукқан экан, чиройли-

чиройли улоқлар диконг-диконг қилиб сакраб юришган эмиш. Ҳумоюн мен ёққан катта гулханга исинишга келиш-дими, гулхан ҳимоясида йиртқишлардан жонларини сақлаш учун келишгандир ёки сутнинг ярмини соғдириб ташлаб сал энгилроқ бўлай дейишганми, ишқилиб, нега келишдийкан деб роса ўйлабди-ю, лекин шунча эчкининг бирийўла йиғилиб келганлигига ҳеч тушунолмабди. Фаррух битта улоқча билан бош уриштираман деб ушламоқчи бўлган экан, ушлай олмабди. Эчкиларнинг эркаги – такалари шунақа катта, шохлари ҳам ўткир, соқоллари ҳам қурт сотадиган бобоникига ўхшаб шунақа узун эканки, одам астойдил тикилса, кўриб кетар экан. Расул ана шу баҳайбат такалардан биттасини минмоқчи бўлган экан, яқинига ҳам йўлатмабди. “Ма-а”, деб юборган экан, Расул қочиб бориб опасининг орқасига беркиниб олибди. Сорахон кўп ақлли ҳам зиёкор киз экан. Ойижониси бекорга асал кизим, деб эркаламаган экан. Укалари сут ичиб қорни оғрияпти, сақич чайнагим келяпти, қурт сотадиган бобо қаерда қолди, ерда ётмайман, шамоллаб қоламан деб йиғлашганида, ҳаммаларини алдаб юпатаркан. Худди боғча опаларига ўхшаб, бошларидан силаб-силаб, пешоналаридан ўпиб-ўпиб юпатар экан. Эчки соғаркан, кечаси ёкишга ўтин тайёрлар экан. Ўтган йил қишлоққа борганида лойдан коса ясаб оловда пиширадиган кулол бобоникига ўртоғи билан мехмонга кириб, коса қандай ясалишини, қандай пиширилишини кўрган экан. Ҳатто ўша бобоси Сорахон ясаган косани оловда пишириб ҳам берган экан. Мен ҳам коса ясайман. Тош устига қўйиб пишираман, деб ўйлабди-ю, дарҳол укаларини ёрдамга чақириб, ишга киришиб кетибди. Етти кун деганда 14 та коса, 11 та пиёла, сал қийшиқроқ бўлса-да 5 та лаган тайёр бўлибди. Ҳумоюн севинганидан косани осмонга отиб ўйнайман, деб синдириб ҳам қўйибди. Одамнинг ҳаёти хавф остида қолганда у жуда-жудаям ақлли бўлиб кетади, деганлари рост экан, Ҳаммаларининг ақлига ақл қўшилаверибди-қўшилаверибди. Расул билан Фаррух эчкиларнинг боласига ўхшаб, майин-майин эркаланиб маърашни ўрганиб, соғин



эчкилардан тўрттасини қўлга ўргатиб олишибди. Соғишни ҳам ўрганишибди. Расул соғаётганда Хумоюн эчкининг бўйнидан кучоқлаб бошини силаб-силаб тураркан. Кўпинча улоқча ўхшаб эмаклаб келиб чалқанча ётарканда, эчкининг юмшоққина эмчагини оғзига солиб лўқиллатиб сўриб олар экан. Бир марта билмасдан тишлаб олган экан, она эчки унинг бошига бир тепибди. Ўшандан буён эмишни билмас экансан деб, ёнига қўймаётган экан.

Энди эчки сутини пишириб ичишни ўрганишибди. Товоқка ўхшаб кетадиган сариқ тошларда қатик увитишар экан. Ёввойи ўтлардан тагин заҳарланиб қолмайлик, дея оз-оз еб кўришибди. Қоринлари оғримаган экан, энди кўп ея бошлашибди. Анорми, нокми, олмами, номини билишмас экан, барибир тўйиб-тўйиб ейишар экан. Бу ерлар асли ёввойи эчкиларнинг макони экан. Тўп-тўп бўлиб яшашар экан. Бир тўда иккинчи тўдага қўшилмас экан. Расулжон юнглари майин баҳайбат такани дори-дармон бериб тузатиб, аста-секин устига миниб, яйловларни айланадиган бўлибди. Аввалига дадаларимиз келиб олиб кетишади, деб йўл пойлашибди, тепаликка чиқиб гоҳ осмонга, гоҳ ўрмон томонга роса тикилишибди, йиғлаб-йиғлаб ҳам олишибди. Бора-бора ўрганиб кетишибди. Сорахон қўлбола хумдонда эчкиларнинг сүтидан қаймоқ, сариеғ йиғар экан. Эчкиларнинг жунидан кесиб, остларига қалин-қалин кўрпалар, устларига юмшоқ-юмшоқ ёпинғичлар тайёрлашар экан. Ёввойи мевалардан мўл-қўл қуритиб кишга тайёргарлик кўришар экан. Баъзан ҳалигидек ота-оналарини, ўртоқларини соғиниб йиғлай-йиғлай деб турганларида тўсатдан, қадрдон самолётларининг тумшуғидан “Кўркмасанг, ўзингни йўқотмасанг, муроду мақсадинга етасан, дунё ботирларники, дунё мардларники”, деган таниш ўзбекча овоз эшитилиб қолар экан. Шунда Фарух ҳиқиллашдан тўхтаб:

- Мен ботирман, тўғрими, опа? – деб сўраркан Сорахондан.
- Тўғри, ҳаммамиз ботирмиз, – гапга қўшиларкан Хумоюн.
- Биз бўрилардан ҳам кўркмаймиз-кўркмаймиз, – дейишиб



хаммалари ўйинга тушиб кетишаркан. Расулжон бармоқларини қарсиллатиб ўйнаркан. Ҳумоюн олдинга эгилиб-эгилиб салом бериб ўйнаркан, Фаррух икки қўлини бикинига қўйиб сакраб-сакраб ўйнаркан. Бир марта олдинга, бир марта орқага сакраб-сакраб ўйнаркан.

Шундан кейин кунлар кетидан кунлар ўтаверибди-ўтаверибди. Вакт ҳисобини, асосан, Расулжоннинг қорни очган ва очмаганлигидан ўлчашаркан. Уч марта оч қолса, бир кун ўтган бўларкан. Ҳисоб 10 мингга етганда, у ёғига адашиб кетишибди, нега десангиз 10 мингдан у ёғини санашни ҳеч бири билмас экан. Лекин, барибир, бекор ўтиришмас экан. Ҳумоюн эчкиларнинг семизроғидан танлаб сўйиб, гўштини нимталашни ўрганибди. Яхшигина қассоб бўлиб қолибди. Расулжон кизиган тошнинг устига гўштни ёпиб пишириш машини олибди. Фаррух дарахтнинг новдасидан сих ясаб кабоб пиширишни ўрганибди. Сорахон бўлса, эҳ-ҳе, 20 тача ҳунарни ўзлаштирибди. Эчкининг терисидан тиккан кавушни кўрсангиз, оғзингиз очилиб қолади. Лекин энг зўр бир ишни Ҳумоюн бажарибди. Ўрмон чеккасида она шернинг уяси бор эмиш, Ҳумоюн кўпинча эмаклаб бориб, дарахтнинг панасида беркиниб туриб, шерни кузатгани-кузатган экан. Нега бундай қилаётганини билмас экан-у, барибир кузатгани-кузатган экан. Кунлардан бир кун она шерни катта захарли илон чақиб олибди-ю, ўн икки кунлик боласи етимча бўлиб қолибди, Ҳумоюн ана шу етимча шерни жун қопга ўраб олиб келиб эчки сутидан оз-оз бериб боқиб, аста-секин ўзига ўргатиб олибди. Авваллари укаси Фаррух билан шернинг бўйнига жун арқон боғлаб галма-галдан етаклаб юришар экан. Кейинчалик минадиган ҳам бўлишибди.

– Шернинг боласини минганимни адажоним бир кўрсайди! – деб орзу қилар экан Ҳумоюн.

– Агар олиб кетсак, мен уни боғчамга миниб борар эдим, – деркан Фаррух.

– Бизнинг кўчада ҳеч ким шердан кўркмайди, – деркан Расулжон.

– Эй, гапни чўзмасаларинг-чи, шўрва совиб қолаяпти, – уришиб бераркан Сорахон.

Кейин каттакон тошқозонни ўртага қўйиб тошқошиқ билан қайноқ-қайноқ шўрвани пўриллатиб ичишар экан. Ҳаммаларига иш тенг тақсимланган экан. Сорахон 14 та эчкини соғаркан. Расулжон сут пишириб, катик қиларкан, қаймоғини қайнатиб сариёғ тайёрлар экан. Тайёр бўлган сариёғни Сорахон ясаган хумларга қўйиб оғзини беркитар экан. Фаррух тошқозон остига туну кун олов ёкиб бераркан. Унга “оловкор” деб ном ҳам қўйишган экан. Хумоюн ялпоқ тошнинг устига ўтириб олиб, сузмадан ҳеч чарчамасдан қурт ясар экан. Қуртлар сони 17 мингга етганда, 17 мингдан у ёғига санашни билмагани учун, қолганларини санамасдан қопга солаверибди. Гоҳо бошини кўтариб:

– У ёққа борганимда сақичга алмаштираман, – деб қўяркан.

– Мен сариёғимдан сотиб, тариллатиб отадиган автомат оламан, – деркан Расулжон.

Фаррух бўлса нима дейишини билмай:

– Мен адажонимни ачомлаб ухлайман, – дея бир хўрсиниб олар экан.

Турмушлари шу йўсин кечаверибди-кечаверибди. Бир кун ташқарида ҳаво жуда совуқ экан, бир-бирларининг пинжигга кириб ухлашибди, устимиз очилиб қолса, музлаб қолмайлик, деб шундай қилишибди. Қарангки, ҳаммалари бир хил туш кўриб, ҳаммалари бир овоздан:

– Ойижон! – дея уйғониб кетишибди. Кейин уйқулари қочиб роса гапга тушиб кетишибди. Оналарини, адажонларини, музқаймоқ сотадиган семиз хотинни қайта-қайта эслашибди. Фаррух озгина йиғлаб ҳам олибди. Йиғлабди-ю, лекин кўзига ёш келмабди.

– Эртага кетаман, – дебди ҳикиллаб, – трамвай бўлмаса пиёда ҳам кетавераман.

Ҳаммалари қулиб юборишибди, нега десангиз, бу ерларда, яъни осмондаги мамлакатда трамвай бўлмаслигини Фаррухнинг ўзи ҳам яхши биларкан. Айтган гапи ғалати бўлгани

учун акаларига кўшилиб ўзи кулаверибди. Ҳаммалари чарчаб колгунча кулишибди. Тонг отибди, кун чиқибди, қаймоғу сариёғ билан нонушта қилишибди. Кейин ҳаммалари хар кунгидек ўз ишларига машғул бўлишибди. Расулжон доридармон бериб оёққа турғазиб олган новвосдек такасини миниб узоқ яйловдаги эчкилардан хабар олгани жўнабди. Сорахон ўзи яхши кўрган ёввойи гулларнинг уруғидан йиғишга мажбур бўлибди. Фаррух ўзларини олиб келган самолётнинг олдига эчки болалари билан калла уриштириш ўйнаётган экан. Самолётнинг қийғирниқига ўхшаш қайрилма тумшугидан “Кўркмадинг, ўзингни йўкотмадинг, энди муродинга етасан, тайёрлан, юртингга қайтасан” деган ўзбекча ёқимли овоз эшитила бошлабди. Фаррух шошганидан довдираб қолибди. Сорахон опасининг олдига югуриб бориб, нима дейишни билмай эчки болага ўхшаб нукул сакрармиш. Бир нафасда ҳаммалари йиғилиб келишибди. Ёқимли овоз такрор ва такрор эшитилармиш. Оҳ-оҳ, ўша пайтлардаги уларнинг кувончу севинчлари! Ҳар бирининг юзида бамисоли чиройли гул очилгандек бўлибди. Севинчларига сайроқи кушлар сайрашибди. Яйловдаги майсалар чайқалиб табрик айтгандек бўлибди. Лекин болаларнинг ўзлари гоҳо-гоҳо иккиланиб қолишаётган эмиш. Кетайлик дейишса, бу ерда ўзлари кашф қилган, ўзлари эгаси бўлган ажойиботларни кўзлари қиймас эмиш, қолайлик дейишса, ота-оналарини, музқаймоқ сотадиган бакалоқ холани жуда-жуда соғинишган эмиш. Қизик, шу пайтда яна бир мўъжиза юз берибди. Самолётчалари аста-секин кенгайиб, катталашиб бораётганмиш, худди кимдир пуфлаб шишираётганга ўхшармиш.

– Кетамиз, кадрдон уйимизга кетамиз! – бараварига қичкириб юборишибди. Нега десангиз, шу пайтда кўзларига бу ердаги барча мўъжизалардан, барча ажойиботлардан уйлари чиройли бўлиб кетибди.

Кўп нарса йиғиб қўйишган экан. 21 хумда сариёғ, 14 хумда қаймоқ, 31 минг донага яқин ёғли курт, 3 коп куритилган ёввойи ўт, 1 коп анвойи гулларнинг уруғи, эчки жунидан

тўкилган кўрпа-чойшаблар, чакмоқ тошлару сут бериб уларни очликдан кутқариб қолган она эчкию Расулжон миниб юрган баҳайбат така, ўргатилган шер боласи... Ҳамма-ҳаммасини самолётга юклайверишибди-юклайверишибди. Бир кечаю, бир кундуз юклашибди. Охири тариллашдан ҳеч тўхтамай учишга шай турган самолётга чиқиб:

- Ҳайр, қадрдон эчкиларимиз!
- Ҳайр, гулларга тўлган яйловлар!
- Ҳайр, эй тошлардан ясалган уйларимиз!
- Ҳайр, эй ўрмондаги дарахтлар! – деб, гоҳ йиғлаб, гоҳ кулиб учиб кетишибди.

Самолёт тариллаб, орқасидан кўм-кўк тутун чиқариб парвоз қилибди. Кейин худди вертолётга ўхшаб гоҳ тепага, гоҳ ўннга, гоҳ чапга учаверибди. Самолётнинг қийғирниқига ўхшаш қайрилма тумшуғидан “Қўрмадинг, ўзингни йўқотмадинг, дунё мардларниқига, мана мурудинга етдинг” деган сўзлар тинмай эшитилаверибди-эшитилаверибди.

Осмон вақти билан неча ою неча йил учганларини эслай олмабдилар-ку, лекин Расулжоннинг парвоз маҳалида 11 марта қорни очганлигини ҳисобга олиб, шундан парвозда қанча вақт бўлганларини тахмин қилишибди. Самолёт 12 каватли уйларнинг ўртасига қурилган болалар ўйнайдиган майдончадан кўтарилган экан. Яна худди шу ерга юмшоққина кўнибди. Сорахон, Ҳумоюн, Расулжон бирин-кетин сакраб пастга тушибди. Рулни бошқараётган Фаррух ҳаммадан кейин тушибди. Қизик, майдондаги одамлар улар осмонга парвоз қилган маҳалда қандай баҳслашаётган бўлса, яна ўшандай баҳслашаётган эмиш.

- Учар тарелкалар ўғирлаб кетди уларни.
- Йўқ, билмайсан. Самолёт тўсатдан учиб кетди-ку, демак, сеҳрли экан у.
- Бўлмаган гап, самолётнинг ичида яширинча мотор бўлган...

Хуллас, мана шунақа пасту баланд гаплар, тортишувлар ҳеч тўхтамасмиш.

Кейин тўсатдан хаммалари жим бўлишиб, болаларнинг осмон саёҳатидан соғ-омон қайтганларига ҳайрат ичида тикилиб жим бўлиб қолишибди.

Нега жим бўлиб қолишди экан, сабабига ҳеч ким тушунмас эмиш.



Эркин САМАНДАР

(1935 йилда туғилган)



АФСУНГАР ГУЛ

Уни аввал тушида кўрди Сабоҳат. Қизилқоя тепасида у лов-лов ёниб турарди. Уфқдан энди бош кўтарган куёш нурларида барглари чўмилаётгандай эди. Куёшданми ёки ўзи шундайми, улар кип-кизил. Йирик-йирик. Бўйлари ҳам антика. Сарвгулдан-да баланд. Шохлари бўлдамли. Орасида булбул чаҳ-чаҳ сайрайди.

Ё тавба, дейди Сабоҳат энтикиб, Қизилқоя ёнбағирларига шунча чиқиб, бунақасини учратмаган эди-да. Ё тошни ёриб чиқдимми, ё осмондан тушдимми! Билъакс, уни кўрмаслиги мумкин эмасди. Қизилқояда у билмайдиган гул ёки гиёҳ навининг ўзи йўқ.

Ҳафтада ҳеч бўлмаганда у ерга бир бориши бор, шифобахш гиёҳлар, гулларни териши бор. Қайсисининг ранги қанақа, қайсиниси қай дардга даво – билади. Лекин барглари куёш билан тенг талашган бунақа гулни кўрмаган.

Ҳайрати ичига сиғмай дик этиб туради у. Ҳозироқ Қизилқояга кўтарилмоқчи бўлади. Апил-тапил кийинади. Ташқарига отилаётиб баногоҳ бошини эшикка уриб олади. Кўзларидан ўт чакнайди. Ваҳ, деганча бошини чангаллайди. Уйғониб кетади.

Тўшакда анча ўтирди у. Ниманинг аломати бу? Қизилқоя... шу пайтгача учратилмаган гулнинг тушда кўриниши... Бу яхшиликдан башорат, албатта. Биринчидан, гул турфа, олов ранг. Қизиллик – бойлик белгиси. Иккинчидан, у баланд қоя тепасида. Сарбаланд бир толе насиб этиши тайин.

Шу хаёллар билан кайфияти кўтарилиб ўрнидан кўзгалди. Синглиси Инобат ховлини супураётган экан, кўзига у аввалгидай совук бўлиб эмас, балки ўта ёкимтой кўринди. Ҳовли супурганида ҳамиша чанг кўтаргувчи, тақир-тукур, бетартиб ишловчи, шундан Сабоҳатнинг асаби қакшагувчи эди. Бугун чанг-чунг йўк, ховлига майдалаб сув сепилган, супургини ҳам эринмай ҳўллаган, шекилли, гўё ерни сийпалаётгандай туюлади.

Аслида Инобат ўзи кўрсроқ, дағалроқ. Йўқса, худо унга комат ҳам, хусн ҳам ато айлаган. Лекин уни авайлашни, ўзига оро беришни билмайди, сочлари тўзғиб, бўйинларини кир босиб юради.

Аввал бунақамасди. Қишлоқнинг оғизга тушган гўзалларидан бири эди. Кийимига гард юқтирмас, туғма хуснини янада оролантиришни биларди. Идорадош ҳисобчи Эшмат унга илашди-ю бечора кизни синдирди, уни суюб юриб туйкус бошқасига уйланиб олди. Ақлдан озаёзди Инобат. Ҳеч ўзига келолмади. Вақт ўтиб дил яраси битганидан сўнг ҳам одамови бўлиб қолди. Яхши жойлардан қўлини сўраб келганларни рад этаверди. Эркак зотига ишонмай қўйган эди.

Сабоҳатнинг ўзи бундай эмас. Синглисининг тескариси деса бўлади. У биладики, одам боласи ҳар хил. Бири яхши, бири баттол. Бир ёмоннинг макридан ҳамма эркакларни ёмонотликка чиқариш хато. Ёмондан яхши қўп.

Лекин Сабоҳатнинг ўзи кўпроқ ёмонларга дуч келди. Не-не орзулар билан бир ёстикқа бош қўйган кишиси нашаванд бўлиб чиқди. Тузалиб кетишига кўзи етмагач, ажрашди.

Иккинчи эри ўта танбал экан. Рўзғор билан бир чақалик иши йўк, телевизор олдида чўзилиб ётгани-ётган эди. Ундан ҳам ажрашиб олди. Ҳозиргисининг эса бор-йўғи билинмайди.

Қишлоқда иш йўқ деб аввал Тошкентга кетди, ундан ўрисюртга. Эрининг йироқлардан ўзгариб қайтишига ишонмайди у. Қозонда бўлса чўмичга чиқади-да.

Яна бир армони бор. Тирноққа зорлиги. Докторларга, табибларга қаратиб кўрди. Фойдаси бўлмади. Лекин оилада овуңчоқ йўқ эмас. Пахмоқ билан Момиқ – антиқа ит ва мушук. Пахмоқнинг этидан туки кўп, кўзи аранг кўринадиди, лекин ер остида илон юрса кўради. Одам илғамайдиган жойларни олади кўзи. Сабоҳат тоққа усиз чиқмайди. Момиқ бўлса сичқоннинг қирони, у боис кўни-кўшниларда ҳам сичқоннинг ини-да қолмади.

Бу гаплар Сабоҳатнинг қалласига бирпасда келиб, битта жойда туролмайдиган сомончумчуқдай пир этиб учди-кетди. Хаёлини яна тушида кўргани ажабтовур гул эгаллади.

Ул гулнинг бир қаромати бўлса керакки, бошқаларига ўхшамайди. Тағин кўкка, қуёшга яқин. Табиийки, шуълани кўп шимади. Демакки, шифобахш. Кўп касалликларга шифо бўлиши тайин.

Доривор гиёҳлар хосиятини Сабоҳатга қишлоқ табиби Фотима ая ўргатган.

Бир пайтлар қишлоқда кўтир кўп таркади. Кўп юкумли экан, Сабоҳатга ҳам ёпишган. Кўтирни даволайман деган дўхтирларнинг кўлидан ҳеч нарса келгани йўқ. Унинг давосини ўша табиб топди. Тоғдан қандайдир гиёҳларни териб келди-да, беморларга ҳам қайнатиб ичирди, ҳам танига сурди. Кўтир чекинди.

Табиб қариб қолган, тоққа аввалгидек бемалол чиқиб тушолмас, толиқиб қола бошлаган эди. Бу ишни “илоннинг оғзидан чиққандай шамшод қиз” (табибнинг таърифи) Сабоҳатга ўргатди. Бошда ўзи билан олиб чиқди тоққа, қай гиёҳ қаерда ўсади, ранг-туси, хосияти не, ҳаммасини бир-бир тусунтирди.

Сабоҳат бу юмушга қаттиқ қизиқиб қолди. Ахир, дўхтирнинг мақтовли (фалон пул турадиган) дориси эпполмайдиган дардга оддий бир гиёҳ бас келиб, офатнинг томирини қирқиб ташлади-я.

Олдин гиёҳларни дам олиш кунлари хавасга териб юрди Сабоҳат. Табиб хизмат ҳақи бермокчи бўлганда кўлини қайтарди. Ўзи ишлайдиган дам олиш уйи ходимлари ва хордиқ чиқаришга келганларга текин ҳадя қилиб юрди.

Кейин... шаҳардан келган бир эркак табиб унинг кўлига мўмай пул тутқазди ва фалон-фалон гиёҳларни териб берасан, деди. Сўзини қайтармади Сабоҳат, лекин кўлини қайтарди. Табиб кўярда-қўймай пулни унинг чўнтагига тикди. Сўнг Сабоҳат пулни санаб кўрса, ўзининг уч-тўрт ойлик маошига тенг.

Зудлик билан тоққа жўнади. Ёнига Пахмокни ҳам олган эди, икковлон чопқиллашиб табиб айтганидан ҳам зиёд гиёҳ териб қайтди.

Табиб обор, деб адресини бериб кетган эди, топиб борди. Қараса, данғиллама ҳовлиси олдида тумонат одам, навбатда турганларнинг сон-саноғи йўқ.

Одамларни оралаб, турганиб-сурганиб зўрға кирди табиб хузурига. Келтирганларини топширди. Табиб эринмай кўздан кечирди ва мамнун бўлди. Яна териб келасан деб ўшандагидан ҳам кўп пул берди. Бу гал Сабоҳат пулни негадир индамай олди.

Иши юришгандан юришиб кетди. Ҳар хил баҳоналар топиб, ишга бир кун борса, уч кун бормаи тоққа жўнайверди, гиёҳларни шаҳар ва кишлоқ табибига, дам олувчиларга пуллаверди.

Дам олиш уйи директори интизомни талаб этганида шартта ариза ёзиб ишдан бўшаб олди-да, ўзини буткул ўша пулли юмушга урди.

Бугун ҳам вақтни бой бермай ёнига Пахмокни олди-да тоққа жўнади.

Айланма сўкмоқлардан, сирпанчиқ кияликлардан, ваҳимали тоғ ёқасидан гўё қилкўприқдан ўтгандай хавотир ичида базўр оша-оша Қизилқояга етди.

Унинг пойида туриб юраги ҳаприқиб, тикилди. Кўкка бош тираб турган Қизилқоя аввалгисидан ҳам маҳобатли, бағрида минг-минг сирларни яширган афсонавий Бистун тоғига ўх-

шарди. Унда, албатта, ўшал синоатли гул товланиб турган бўлиши керак. Бехудага тушга кирмайди бундай нарса.

У қояга дадил тирмаша кетди. Олдида Пахмоқ ис олиб борар, кетида Сабоҳат оёғи остидаги тор сўқмоққа бир кўз ташласа, қояга ўн қарар, юзини тер босганини, чўқир тиканаклар болдирларини тилганини сезмас.

Ва ниҳоят тепада оловранг гул кўринди. Вожаб, тушдагининг нақ ўзи. Сарбаланд. Шохлари йўғон. Япроқлари қипқизил. Борлиғидан жило таралади. Ё, кудратингдан, гул дегани ҳам шунчалик файзли бўладими ва айнан тушга кирадими!

Қалай, дегандай Пахмоққа қаради Сабоҳат. У думини ликиллатди. Юрдикми олдинга, деди худди одам боласига гапиргандай жиддий. Пахмоқ кўзини мўлтиратди. Олддаги сўқмоқ тагин-да қалтис дегани эди бу. Сабоҳатнинг ўзи ҳам буни яхши билади. У ёққа якка чиқиш хатарли. Сўнг... кўрганини табибга гапириб бериши керак. У не дейди хали. У шу хаёлда гулга узоқ тикилиб турди-да, орқасига ўтирилди. Пахмоқ энгил силкинди.

Эртасигаёқ Сабоҳат шаҳарга тушди, табиб даргоҳига етди. Шифо истаб келганлар аввалгисидан ўн чандон кўп. Қариялардан тортиб болаларни етаклаб келган жувонларгача қатор-қатор навбат пойлаб ўлтиришибди.

Келганини билдирган ҳамоно табиб қабул қилди. Кўзи билан ўлтиратур, деган ишорат қилиб, олдидаги ўнга яқин беморни даволашда давом этди.

Сабоҳат қараса, табибнинг даволаши ғалати. Ҳамманинг бир-бир томирини ушлаб кўради. Сўнг олдида қаторлаштириб кўйилган гиёҳ қайнатмаларидан ҳар бирига фалон пулдан бир-икки шиша беради. Қачон ва қандай ичишни айтади. У бечоралар миннатдор бўлиб чиқиб кетишади.

Эшитгани бор, томирни ушлаб кўп нарса билишади табиблар. Лекин ҳаммага деярли бир хилдаги қайнатмалардан бериш... ҳар кимнинг дарди ҳар хил-ку, ахир.

Лекин билиб-билмай бировни ёзғириш ёмон. Илм ҳар кимга ҳар даражада берилади. Табибнинг тутуми ўзига аён-

дир. Касалларнинг кети узилмаяпти-ку. Фойдаси тегмаса келармиди...

Шу мулоҳазаларга бориб ўлтирар экан, табиб шунча беморни бирпасда кўриб бўлганини сезмай қолибди. Табибнинг ҳукмрон овозидан ўзига келди.

– Ҳеч кимни киритманг, – деди табиб дастёрига.

Хонада икковлон ёлғиз қолишди. Сабоҳат тўрвани очиб дасталанган арслонқуйруқ, дўлана, наъматак, кийикўти ва бошқа гиёҳларни табибнинг олдига қўйди. Боракалло, боракалло, дея табиб барини кўздан кечирди ва бир неча даста мингталикларни унга чўзди.

Шундан сўнг Сабоҳат Қизилқоя ва унинг тепасида кўрган ғаройиб гулдан сўз очди. Табибнинг борлиғи кулоққа айланди.

Сабоҳатни бўлмай эшитгандан кейин уст-устига саволлар ёғдирди.

– Ҳақиқатда самога яқинми?

– Бош тираб турибди.

– Ранги оч қизилми ё тўқ қизил?

– Тўқ қизил.

– Барглари шода-шодами?

– Маржондай тизилган.

– Тошни ёриб чиққанми?

– Менимча, ёриб чиққан.

– Бўлди, – деди табиб қўлини бир-бирига қарс эттириб урганча. – Мен неча йилдан бери кутаётган гул ана шу. Мен ҳам уни тушимда кўрган. Бир кунмас-бир кун унга етишаман деб ишонардим. Орзумга энди етдим ҳисоб. Боракалло, қизим, боракалло!

Сабоҳатнинг юзлари кизариб, кўзлари чакнаб:

– Бу гул... қайси дардга шифо? – сўради табибдан.

– Уни истеъмол қилган одам нафақат дарддан фориғ бўлар, балки буткул яшариб кетар, қизим, бекорга уни Ёшлик гули дейишмаган.

Бу гапдан беихтиёр ўрнидан туриб кетди Сабоҳат. Наҳотки, наҳотки?



– Тез тоққа отлан, кизим, ўша ноёб гулни зудлик билан ола кел, – дея табиб суҳбатга нукта қўйди.

– У бир дона-ку, кимга ҳам етарди, – деб юборганини ўзи сезмай қолди Сабоҳат.

Табиб мийиғида кулди.

– Тўғри, бир дона, – деди ҳар битта сўзига урғу бериб. – Лекин шу битта донадан юз минг пакет гулбарг, шохлари майдаланиб яна шунча салафан халтача бўлурким, у яшармоқ истаганларнинг барига етиб ортар. Оқ йўл, кизим, омадингни берсин.

Сабоҳат гўё канот чиқаргандай эди. Оёғи ерга бир тегиб-бир тегмай кишлокка келди. Эртагаёқ тоққа отланишни кўнглига тугиб, синглиси ва итини ола кетишни режалаштириб қўйди.

– Мен бормай қўяколай, – деди Инобат. – Оёғим тортмаяпти.

– Сенинг оёғинг... ҳеч қаёққа ҳам тортмаган, – аразлади Сабоҳат, – қари қиз бўлиб қолаётганинг ҳам шундан.

Инобат хафа бўлди. Опасининг чўрткесарлиги кўнглини тилиб ўтди. Ўзини босди. Сўз қайтаргудек бўлса, опаси яна ловуллаиди-ю, икки-уч кунгача тарқамайди дилхиралик. Индамай қўяқолди. Бормасам, қутулмайман, деди ичида.

Аксига олиб эртаси тонгданоқ кўкни қора булут босди. Этаги тўла ёмғир эди унинг. Икки кун шариллаб қуйди. Тўртинчи кун қуёш юз кўрсатди.

Улар йўлга чиқишди.

Бу пайт табиб бўсағасига бош қўйиб навбат кутаётганлар орасида миш-миш тарқалиб бўлган эди. Тоғда ғаройиб гул топилганмиш. Минг дардга даво эмиш. Қайнатмасини ичганлар яшариб кетармиш. Олтмишдаги одам қирчиллама йигитга дўнармиш, кампирлар юзида битта ажин қолмас эмиш. Қизлар парига айланармиш ва ҳоказо.

Гап табиб бўсағасидан узоқ-узоқларга ўрмалаб кетди.

Бу аснода бизнинг қахрамонларимиз ҳам ўрмалай-ўрмалай, ниҳоят, Қизилқоя этагига яқинлашиб қолишган эди.

Офтоб чарақлаб турар. Осмон гўё хозиргина ювиб-артилган шиша, ярак-ярак жилоланади.

Сабоҳат қоя чўққисига тикилди ва кўзлари чакнаб:

– Ана, – деб кичкирди, овози хонанда Озоданинг товушидай жарангли эди. – Кўрдингми, Инобат?

Инобат ҳарчанд тикилса ҳам ҳеч вако кўролмади.

– Шабкўр бўлганмисан? – жеркиди синглисини Сабоҳат. – Ана-ку, хув ана.

Барибир Инобат қоя бошида гул-пул кўрмади.

– Юр, – деди унга Сабоҳат ҳукмона. – Яқин борганда кўрасан.

Сингил истамай унга эргашди. Аслида унинг кўзлари, лоф эмас, кундузи юлдузни кўрар даражада ўткир эди. Нахотки, дафъатан кўзига бир бало бўлган...

Тушда улар қоя пойида эдилар.

– Ана, ўша Ёшлик гули, – деди Сабоҳат қўлини бигиз қилиб. – Энди кўргандирсан, Инобат?

Синглиси бош чайқади.

– Йўқ, кўрмаяпман.

Сен кўряпсанми, дегандай Пахмоққа кўз ташлади Сабоҳат. Унинг ҳам шашти паст эди. Буларни жин урганми ўзи?

Инобат бўлса ўз опасини жин чалган деб ўйлаётган эди. Акс ҳолда йўқ гулни кўрадими кўзлари.

– Юр, тезроқ, пайсалласак, ҳадемай кун оғади, – Сабоҳат тирноққа мингандан-миниб борар, юзлари лов-лов ёнарди.

У ерда гул йўқ деб минг айтса ҳам опасини ишонтиролмаслигини ўйлаб:

– Чикмайлик ўшанга, – деди Инобат ёлвориб.

– Нега?

– Сирпанчиғлигини кўриб турибсиз, муз устида юргандай бир гап, худо кўрсатмасин...

– Бўлди, – чўрт кесди гапни Сабоҳат, – сени эргаштириб келган мен ўзим аҳмоқ. Сен ўзи... менга ҳасад қилиб келгансан. Гулни олиб миллионер бўлиб кетади деб ичикоралик қиляпсан.

– Опа!!!

Сабоҳат қулоғига гап кирадиган ҳолатда эмасди. Пахмоққа буюрди: – Юр!



Жун ичидан аранг кўриниб турган кўзларини мўлтиратди Пахмоқ, думини асабий ликиллатди. Бормайман, дегани эди бу.

– Тфу! Жони халкумига келди Сабоҳатнинг, жаҳд билан қояга тирмаша бошлади. Пахмоқ чошиб борди-да почасидан тишлаб тортди. “Даф бўл, кичкирди Сабоҳат ва бери оёғи билан итни шундай тепдики, у чинқирганча пастга ағанаб, Инобатнинг оёғи остига келиб тушди. Бор кучини тўплаб чўққига тирмашаётган эгасига қараб уст-устига хурди. Гўё у фиғон қилмоқда эди.

Инобат охирги марта опасини тўхтатмоқчи бўлди:

– Борманг, опа!

Сабоҳат парво қилмади. Тикка кўтарила кетди. Инобат ортиқ туролмади. Опаси томон юрди. Пахмоқ ҳам оғир кўзгалди.

Худди альпинистлардай чўққига аста-аста тирмашиб боришарди мўъжиза изловчилар. Терга бота-бота бири кўриб, иккитаси кўрмаётган гул сари яқинлашиб боришарди.

Бир жойга етганда қоянинг усти худди кафтдагидея аниқтиник кўринди. У ер тап-тақир эди. Наинки гул, сассиқ алаф ҳам йўқ эди.

– Ана, ўша гул, – деди ҳаяжонланиб Сабоҳат ва синглисига кесатик қилди, – кўзларинг энди кўраётгандир?

Кўрмаяпман, деса опаси барибир ишонмаслигини ўйлаб Инобат елка қисди. Пахмоқ эса орқасига қараб-қараб кўярди.

Улар осмони фалак остонасига келиб қолгандай эдилар.

– Юр, – деди Сабоҳат синглисига буйруқ бериб. – Гулни кўпоришга ёрдамлашасан.

Йўқ гулни кўпориш...

Инобатнинг хаёлига болалигида эшитган бир гап келди. Эмишки, жин одам кўзига йўқ нарсани кўрсатиб алдармиш. Алдаб-алдаб жарга қулатармиш.

– Опа, орқага қайтайлик, – деди Инобат овозини кўтариб. – Кўриб турибсиз, чўққига чиқиш хавфли, ушлайдиган жойи йўқ, бунинг устига...

– Бас! – кичкирди Сабоҳат. – Кўрқсанг, сен қолавер. Мен кетдим.



Паҳмоқ каттиқ ҳурди. Кетма, демокда эди у, кўзларидан ёш томарди.

Сабоҳат ҳеч нарсага парво қилмай чўккига тикка тирмашмоқ бўлди. Инобат йўлини тўсди.

– Бормайсиз, тамом!

– Қоч, – захрини сочди опаси ва уни силтаб ташлаганча кўтарила бошлади.

Паҳмоқ оёқларига ёпишмоқчи эди, уни тепиб юборди. Ит жон аччиғида вангиллади.

Кўп кўтарила олмади Сабоҳат. Баногоҳ оёғи тойдими, мувозанатни йўқотганча пастга – учли харсангга қарсиллаб кулаб тушди.

– Опа, опажоним! – қичқирди телбаларча Инобат.

Ит телбаларча ҳурди.



Неъмат АМИНОВ

Ўзбекистон халқ ёзувчиси
(1937 – 2005)



ТУҒИЛГАН КУНИМ ҚАНИ?

Ойиси Хуршидни боғчадан вақтли оларкан, тарбиячисига: “Бугун болагинамнинг туғилган куни!” – деди. Кундузги уйкудан вақтли уйғотилган Хуршид “туғилган кун”нинг нима эканлигига ақли етмаса-да, қувнаб ирғишлай бошлади.

– Туғийган куним, туғийган куним! – дея қичкирганча олдинга тушди. Ойиси уни зўрға тутиб туриб, майкаси устидан оқ шойи кўйлакчасини аранг кийгизди. Хуршид баттар ирғишлар, лабларида музыкага ўхшатиб, турли овозлар чиқарди.

– Дуввув... туғийган куним...

Хуршид йўл бўйи ойисига бидирлаб келди, ховлига яқинлашганда чопачопа дарвозадан биринчи бўлиб кирди, атрофга аланглаб, бир нималарни излаган бўлди. Кўзига ҳеч нарса илинмади. У югурганча катта уйга ўтди: уйнинг ўртасида узун стол қўйилган. Стол устида турли хилдаги ноз-неъматлар. Хуршиднинг кўзи ўртаси кип-кизил гулли тортга тушди. Мазза! У тортга қўлини чўзган эди – етмади. Яқингинадаги стулни қўйиб, чакконлик билан ўрмалаб чиқди, тортнинг гулли жойига чангал урди. Биттасининг гулини тамомлаб, иккинчисига қўл чўзаётганда ойисининг овозини эшитди.

– Вой ўлмасам, нима қилиб қўйдинг! – ойиси югурганча келиб, уни студдан олиб, ташқари судради. Улар эшикдан чиқаверишда Хуршиднинг кўзи тош ойнага тушди: бурни, юзлари оппоқ. Худди циркдаги амакидай. Ойнага қайта ўтирилиб қараркан, билаги билан бурнини артди. Ойиси ҳамон жаврарди: – Энди ман нима қиламан, бирпас шошилмасанг-ку, ўзим кесиб берардим.

Ойиси уни чўмилтирди. Патли сочикка ўраб, ўзи ўйнайдиган уйга олиб кирди. Хуршид гилам устида бир думалаб, ўрнидан турди-да, очилиб кетган сочикни оёқчалари билан тепа бошлади. У семизгина, дум-думалок. Ойиси уни зўрға қувиб тутаркан, кикир-кикир кулар, лабчаларини чўччайтириб, аллақандай овозлар чиқарарди. Янги кийим кийдираётганда Хуршид баттар қувнаб, ойисининг бўйнидан ачомлаб олди. Матросча кўйлак ва калта шимининг чўнтақларига қўлини тикиб кўрди. Ойиси унинг энсиз елкаларидан тутиб, пушти, намчил, нукра юзига ширин бир меҳр билан боқди. Шу пайт Хуршиднинг бурни билан кош оралиғида майин ажинлар пайдо бўлди, оғзи ярим очилди... аксирди. Ойиси: “Ўх, урди!” дея сочикнинг учи билан унинг бурнини қаттиқ артди. Хуршиднинг бурни ости кип-қизариб, кўзларида ёш айланди.

– Қани сизлар? – уйга отаси кирди. Хуршид бурун остининг оғриганини ҳам унутиб, отасига қараб югурди, отаси чўнқайган эди, унинг бўйнидан ачомлаб олди. “Сизни туғилган кунингиз билан чин қалбдан табриклайман, хурматли Хуршид Савриевич!” – деди отаси йўғон овозда унинг бетларидан “чўлп-чўлп” ўпаркан. Хуршид ўзини отасининг билагига ташлаб, яйради. Отаси ўрнидан турганда унинг қўлларига осилиб, оёқлари орасида арғимчоқ учди.

Ота хурсанд, она шод, бола бахтиёр.

– Қани, онаси, тезроқ бўлинг, ҳализамон меҳмонлар келиб қолишади, – деди отаси. Хуршид “меҳмонлай, меҳмонлай!” деганча ирғишлаб, ташқарига отилди. У қўшни болаларга бориб кўшиларкан: “Мани туғийган куним бой!” – деди мақтаниб. Унга ҳеч ким эътибор бермагач, хафсаласи пир бўлиб, уйга қайтди. Ойиси ошхонада экан.

– Ойи... туғийган куним тани? – дея сўради ойисининг оёқларига ёпишиб. Ойиси қаҳ-қаҳ уриб кулди.

– Туғилган кунинг кечкурун бўлади... меҳмонлар келганда! – деди унинг бошини силаб. – Бор энди, болам.

Хуршид кўшни хонага кириб, кеч бўлишини кута бошлади. Уй бурчида тўнтарилиб ётган пачоқ “самосвал”га ип боғлаб, уйнинг у бошидан-бу бошига “дириллатганча” бориб кела бошлади. Кейин биқинига “Молоко” деб ёзилган сарик машинасини “самосвал”га кўндаланг юклаб, оҳиста судрай бошлади. Тезда бундан ҳам зерикди. Катта уйга яна бир бор кирмоқчи бўлди. Борса, эшик очилмади. Узок унади. Очилмади. Ўтириб олиб, бор овозда йиғлашга тушди. Отаси келиб:

– Нега йиғлайсан? – деб сўраган эди, оёқларини типирчилатиб, баттар йиғлади. Шу аснода дарвоза кўнғироғи жиринглади. У ҳам кўзларидаги ёш билан отасига эргашиб, дарвозага югурди. Ҳовлига учта амаки кирди. Иккитасининг бўйи отасиникидан баланд, биттасиники отасиники билан баравар. Олдинги амакининг қорни катта. Ҳар учала амакининг ҳам қўлтиқларида қоғозга ўралган нарсаси. Нима бўлди экан? Ошхонадан ойиси югуриб чиқиб, меҳмонларни хурсанд қарши олди. Қорни катта амаки, кейин бошқалари ҳам қоғозга ўралган нарсаларини ойисига беришди. Ойиси ошхонага, отаси билан меҳмонлар катта уйга йўл олишди. Улардан кейин яна битта амаки, иккита хола келди. Уларни ҳам онаси “Хуш келдийизлар”, деб қарши олди. Хуршид уларга ағраяр, ўзига эътибор бермаганларидан ўксиниб, бир четда мунғайиб турарди. Чунки уларнинг уйларига бундан олдин келган меҳмонлар доим уни ўпиб, юзига секин уриб қўйишарди. У ҳам меҳмонларга эргашиб, катта уйга кирди. Ҳамма ўзича гапиради. Отаси радио ёнида. Музика янграйди. Қорни катта амаки тўрда, гулдираб кулади. Хуршид бурчакка қисилиб, уларга ер остидан қарайди. Ён томондаги хола унга қараб жилмайди. Тишлари тилла. Ярақ-ярақ қилади.

Хуршид ғизиллаб ташқари чиқиб кетди. Бироздан кейин қайтиб келиб, аввалги жойини эгаллади. Тилла тишли хола

унга қараб, такрор жилмайганда, у ҳам жилмайди. Унинг тишига чойнинг ялтироқ қоғози копланган эди. Хола бир каради-ю, кейин ковоғини солиб, четга бурилди. Хуршид “аччиғи чиқди” деб ўйлади, секин оғзидан сохта тишини олиб, бармоқлари орасида эзгилаб, зўлдирча ясай бошлади. Шу орада уйга меҳмонлардан яна беш-олти киши келди. Столнинг охирида ўтирган сочи кўп тоға унга қараб туриб жилмайди, кейин ўнг кўзини қисиб қўйди. Хуршид ҳам унинг қилиғини такрорларкан: “Яхши тоға...” дея кўнглидан кечирди.

Бироздан кейин қорни катта амаки ўрнидан туриб, йўғон овозда бир нималар деди. Хуршид ўзининг отини эшитганда, диққат билан кулоқ сола бошлади.

– ...Вот так, Хуршиддон бизнинг энг талантли укамиз, ўзи ёш бўлишига қарамай республикада хизмат кўрсатган артист деган шарафли унвонга сазовор бўлган Саврижон Салимовнинг нури дийдалари, тўнғич фарзандлари... тўғри, агар ўтган йили туғилган фарзандлари ҳам бўлганда эди... хўп, бунинг зарари йўқ, бундақа неудачнийликлар ҳаётда бўлиб туради... мен имкониятдан фойдаланиб, Саврижон Салимовнинг талантлари ҳақида икки оғиз гапирмоқчиман. Дарҳақиқат, у киши театримизнинг ёш, умидли ва истиқболли актёрларидан. У киши бошқа баъзи артистларга хос бир-бирини кўра олмаслик, жиззакилик, боринги, ичиқоралик хислатларидан тамоман тоза ва мусаффо. Мен у киши билан илк марта театршунослик институтининг фойесида...

Хуршид бу сўзларнинг фарқига бормайди, боши оғирлашиб, ғувиллайди. Пойгакка яқин жойдаги стулда ўтирган отасининг оёқларига суйканади. Отаси уни кўтариб, тиззасига ўтказаркан: “Жим ўтир!” деб ўпиб қўяди. Меҳмонлар қадаҳларни уриштириб, ичишади. Тилла тишли холанинг юзи худди “дори” ичгандек буришиб кетади. “Аччик экан...” ўйлади Хуршид. Бир қарсакдан кейин отаси уни ерга тушириб, ойиси узатган олача тўнни қорни катта амакига кийдиради. Ҳамма қарсак чалади. Отаси қорни катта амакини зўрға кучоклаб, ўпади. Яна чапак “Ҳе-хей, қизик бўлди...” ўйлади

Хуршид. Отасиям, ойисиям ташқари чикиб кетгач, Хуршид нимагадир ўзини ноқулай, якка ҳис этади, бошини эгганича уялиб туради. Қулоғига санчқиларнинг товоқларга бир маромда тегиб турган “шик-шик”и эшитилади. Хуршид ер тагидан меҳмонларга қарайди. Ҳамма кулиб турибди, у бироз дадиллашади. Ҳамма ўз гапи билан овора.

У стол киррасига осилиб, вазадаги олмага интилади. Боядан бери унга икки-уч марта кўз қисиб, кулиб қўйган “яхши тоға” битта олма олиб беради. Хуршид “яна, яна” дея столга сакрайди. “Яхши тоға” яна битта олма беради. Хуршид иккала олмани икки қўлида кўксига босганча эшикка томон бурилади. Ойиси келарди. У чопқиллаб ойисига ташланади ва битта олмани унга тутқзади. Хуршид ойиси билан келиб ўтираркан, яна ўз номини эшитиб қолади. Дераза ёнида бир амаки сўзларди.

– ...Хуршидجونнинг туғилган кунлари шундай бир даврда ўтаяптики, шонли халқимиз, шу жумладан, бизнинг театримиз ҳаётида жуда катта воқеалар содир бўлаётган бир пайтда... бу пайтда ҳали сўзга чиққан театримизнинг отахони, хурматли Шодмонхон акамиз ҳам жуда яхши гапларни айтдилар. Азиз дўстлар, мана қаранг, бугунги юбилей, то-сс, именина дастурхонини товукдан тортиб тортгача, арокдан тортиб коньяккача безаб турибди, турли хилдаги закускалар, ҳаммаси муҳайё...

Хуршиднинг боши тагин гувиллай бошлади. У гапираётган амакининг бошида уй шифтида осилган қандилнинг ғужум чирокларини кўради... Қизик! Ойисидан секин сўрайди.

– Ойи, ану амакимми чочлайи тани? – Ойиси ялтирок, орик театр суфлери – Шоназар акага қарайди, кулгисини билдирмаслик учун қуйи лабини тишлаб, Хуршидни жерқийди.

Хуршид кўзларини очиб, юма бошлайди. Дастурхонга янгидан келтириб қўйилган кабобдан унинг ҳам егиси келади. Хайрият, онаси ташқари чиқди. Хуршид ўзига олма берган “яхши тоға”га қарайди, у ёнидаги хола билан гаплашиб ўтирарди. Нима қилиш керак? Столнинг тўридан қўйиб келинаётган кабобдан буғ кўтарилади, сочи йўқ амаки бўлса

хамон сўзлар, чамаси, ҳозиргина қўйилаётган кабоб ҳақида гапирарди. Ана, ниҳоят, “яхши тоға” ўз олдида товоқ учун жой очади. Хуршид бироз мулоҳазали қараб туради, сўнг эркаланиб бориб, “яхши тоға”нинг тиззаларига суйканади. Мехмон битта суяк олиб, болага тутқазади. Хуршид суякни олади-ю, икки қўллаб оғзига элтади, бошини эгри қилиб, узок мижийди. Чандир экан. У қўлидагини секин стол устига ташлайди ва “яхши тоға”нинг тиззасига ёпишиб, энди ўзи столга кўтарилмоқчи бўлади.

– Ана холос, ҳамма жойимни ёғ қилиб юбординг-ку! – дейди “яхши тоға” унинг билакчаларидан қаттиқ ушлаб. У қайтиб ерга тушади, “яхши тоға” бўлса рўмолчаси билан шимини тозалайди. Бу воқеадан хабар топган ойиси уни қаттиқ жеркиганча судраб, аввалги жойи – эшик ёнидаги бўш стулга ўтқазади.

– Ана шу ерда кўмилиб ўтир! – дейди паст, шиддатли овозда. Хуршид бошини кўксига солганча бирпас пишиллаб ўтиради, ҳамма ўзи билан овора. Ҳеч ким унга эътибор бермайди. У нима қилишини билмай, бош бармоғини сўра бошлайди. Зерикади. Оёқларини ўйнатади. Бир вақт у яна ўз отини эшитиб қолади.

– ...Мен Хуршиддоннинг ойилари ҳақида гапирмоқчиман, – дея сиполик билан сўзларди “тилла тишли хола”. – Ҳақиқатан ҳам Шоҳистахон ўз номларига яраша, исмлари жисмларига монанд жувон. У киши менинг қизликдаги дугонам. Ҳали эсимда, биз институтда ўқиб юрган вақтимизда мен атлас қўйлак тикдирсам, иккита тиктирардим, у киши туфли олсалар, битта эмас, иккита олардилар. Иккаламизнинг ҳам размеримиз бир эди-да. Ҳали баъзи бировлар мени кўриб қолишса, сиз Шоҳистанинг синглизимисиз, деб сўрашади.

Ойиси пойгакда туриб кичкиради.

– Синглизисиз эмас, опасимисиз, деб сўрашса керак?!

Ҳамма кулади. Хуршид ҳам ўз-ўзидан жилмаяди, ер остидан “яхши тоға”га қарайди. У ҳам кулиб ўтирибди. Мехмонлар “тилла тишли хола”нинг гапидан кейин ўз қадахларидагини

ичишади. Ойиси ҳам ичади. Уларга мацца. Хуршиднинг ҳам сув ичгиси келиб кетади, чакқонлик билан стулдан тушиб, хуркибгина “яхши тоға”нинг биқинига бориб тикилади. Лекин “яхши тоға” ундан хафа – четга бурилиб олган. Хуршид кичкина кафтчаси билан “яхши тоға”нинг тиззаси устида қовуштирилган ўнг қўлини оҳиста сийпалайди. “Яхши тоға” эътибор бермасдан, ёнидаги киши билан сўзлашади. Хуршиднинг юраги сиқилади. Сув ичкиси келади. У оёқлари учидан туриб, шишага қўл чўзади – қўли етмайди. Дик этиб сакрайди – яна етмайди. Иккинчи марта сакраганда сув тўла шиша тарелка устига ағдарилади. Даҳшатли овоздан Хуршид чўчиб тушади, сўнг апил-тапил стол остига биқинади. “Яхши тоға” ўрнидан туриб кетади.

– Оббо... энди буниси бормиди?! – дерди у шимига тўкилган сувни дастрўмоли билан сидираркан.

Меҳмонларнинг “сув – равшанлик” дейишларига қарамай, ойиси Хуршидни стол остидан судраб чиқаради, унинг кўзлари ёшли, ойисига илтижолар қарар, меҳмонлардан мадад сўраб жавдирарди. Хайрият, ойиси урмади.

– Юр энди, уйқунг келди! – дея уни судрагандек қилиб, нариги уйга олиб ўтади. Бурчакдан бир уюм ўйинчоқларни олиб, унинг олдига ташлайди: – Ма, мана буларингни ўйнаб ўтир, меҳмонлар уят қилишади... Уйга ўта кўрмаки...

Хуршид тескари қараб ғингшийди:

– Туғийган куним тани?

Ойиси эшикка йўналаркан:

– Эрта топиб бераман! – дейди ишонтириб.

Хуршид ўйинчоқларига қиё ҳам боқмай, узоқ ўтиради. Зерикади, юраги тўлишиб, кўзларига ўз-ўзидан ёш келади. Хўрсинади. Унсиз йиғлайди. Шу ҳолича кичкина гавдаси эгила-эгила оҳиста биқинга ағдарилади. У оёқларини чўзиб, қўлларини ёнга ташлайди. Унинг бироз синикқан, лўппи ёноқларида кўз ёшлари қотиб қолган, пишиллаб нафас олади.

Қўшни хонада ҳамон унинг туғилган куни нишонланар,

меҳмонларнинг бири отасини мақтаса, иккинчиси онасини мақтарди. Аҳён-аҳёнда у уйқу аралаш ўз номини эшитганда:

– Туғийган кунимми бей... бей! – дея ғингшиб кўяр, чамаси, аллақандай кўркинчли, мавҳум тушлар кўрарди.



Шукур
ХОЛМИРЗАЕВ

Ўзбекистон халқ ёзувчиси
(1940 – 2005)



ОҚТОШ

Биз Улкан қишлоғига кўчиб бордик. Онам – шўро раиси, мен – энди учинчи синфни битириб таътилга чиққан пайтларим эди.

Бизга атаб катта бир ўрикзорнинг адоғида ўтов тикиб кўйишган экан. Жихозлари ҳам бор: шолча, бир тахмон кўрпатўшак. Хўш, ўтов биқинида ер тандир, ундан сал нарида – катта арик, унинг бўйида толлар. Толларнинг, лоф бўлсаям, хар бир бутоғида чумчук уяси бор. Чирк-чирк, чиғир-чиғир товушлар тинмас эди.

Онам менга тушунтирди:

– Биз Раис бобонинг уйига кўндик. Бир-икки йил турамиз. Кейин яна районга қайтиб кетамиз. – Бу гапларни тушунганимдан кейин у киши давом этди: – Раис бобонгни Жўра деган ўғли бор. Ҳализамон келади. Ким билан ўйнасанг – ўйна-ю, ўша билан ўйнама!

– Нимага?

– Ишинг бўлмасин.

Ҳақиқатан ҳам ҳадемай Жўра келди. Ёнида иштонини липпа урган, шалпанг қулоқ бир бола ҳам бор эди. Уларнинг бир-бирига муносабатидан кимликларини билиб олдим...

Жўра ариқнинг у бетидаги пастак деворга миниб ўтирди-да, кўлидаги палахмон билан толлар шохига тош ота бошлади.

Онам билан Раис бобо ўтовнинг чап томонидаги супада бир-икки кишига нималарнидир тушунтиришар, улардан сал нарироқда Раис бобонинг тўриқ оти билан онамнинг жийрон оти ўтлаб турарди.

Шуни айтишим керакки, Раис бобони мен икки йиллардан бери билар эдим. Туманга – ҳовлимизга мана шу тўриғини миниб бориб қолар ва меҳмонхонада ётарди. Мени эркалар, қачон бўлмасин, ўзининг Улкан қишлоғига томошага олиб боришини айтар, сўнг у қишлоқни мақтар эди: “Дайроси бор. Чўмиласан. Мениям сендай улим бор, дўст бўласан...”

Албатта, мен бу таклифдан қувонардим ҳамда ўша “қачон”дир дейилган муддат тезроқ келишини кутардим.

Мана, оқибат онам ўша қишлоққа шўро раиси этиб тайинланди-ю, биз келдик.

Раис бобо билан онам анави икки кишига бир нималарни тайинлашди-да, ўтовга қайтишди.

Раис бобо Жўрани кўриб:

– Э, нимага ўйтиб ўтирибсан? Келиб, Содикбой билан танишмайсанми? Сенга айтар эдим-ку? – деди.

– Ҳа, Содикжон, кел. Аканг билан таниш, – деди онам ҳам. Ва менинг елкамдан кучиб: – Гапим эсингда бўлсин, – деб шивирлади.

Жўра девордан тушиб, қийшайиб келди. Мен ҳарқалай шаҳарлик эдим: унга кўл узатдим. Уям кўлининг учини берди-да отасига:

– Қуртни чумчуқ жеб кетаяпти, – деди.

– Ҳе, улкағарлар! – Раис бобо этигини ечмокчи бўлиб кўнжидан тутди-ю, вақтни бой берадигандек бирдан алпанг-талпанг юриб бориб, битта толга чиқиб кетди. Кейин айрида туриб олиб шохларни шундай силкитдики, чумчуқ болалари ёмғирдек тўкила бошлади. Жўра билан Оқбойга эргашиб мен ҳам дўппимни олдим-да, полапонларни териб сола бошладим.

Раис бобо шохма-шох юриб, бошқа толларгаям ўтди.

Улардан ҳам сон-саноксиз полапонлар тўкилди. Энди онам чумчук болаларига ачиниб, қошини чимириб турар, нукул:

– Бас энди, ўртоқ Бобоев! Бундан кўра куртхоналарга қоровулларни кўпайтириш керак, – дер эди.

Шу пайт денг, қайси гўрдан бир маймоқ ит билан иккита мушук пайдо бўлди-ю, улар ҳам тўкилган чумчук болаларини териб, ҳалигидай ошқозонларига жойлай бошлади. Ит билан мушук – бир-бирига душман: яқин келганда, ташланишиб, фишиллашиб қолишар, кейин тагин тирик хўракка ташланишар эди.

– Юринг-е, ярашмаган ишни қилиб!.. – онам жеркиб шундай деди-да, отлар томонга йўл олди.

Салдан кейин Раис бобоям дарахтдан тушиб ва уст-бошини қоқиб:

– Эса биз ғалланинг бошига кетдик. Жўрабой, укангни ўйнат! Палахмон қилиб бер. Чўмилишга олиб бор... Молтишни ўргат. Хўпми, болам? – деб ва менинг кифтимга қоқиб қўйиб, онамнинг изидан кетди.

Ҳадемай улар отларини миниб этакка эниб кетишаркан, онам қайрилиб қараб:

– Гапим эсингдан чиқмасин, Содик! Ҳалиги китобингни ўқи! – деди.

Ўша куни ўрикзорнинг у ёғидаги баҳайбат ёнғоқлар остида паққа бўлмаган ёнғоқларни тошга уриб, пўстлоғини арчиб ўтирганимизда, Оқбой менга кизик гапларни айтди:

– Энанг Раис бобога тегармиш... Жўранинг энаси мараз бўлган. Дайродан норман қапада яшайди.

Жўра ёнғоқ шохида эди. Пастга тушгандан кейин:

– Жўра ака, – дедим унга. – Энангиз мараз бўлганми?

У бошини эгиб қолди.

– Дўхтирга обориш керак-ку?

– Давоси йўқ эмиш, – деб пичирлади у.

– Би-ир ўзлари яшайдими қапада?

У бош ирғади.

– Юринг, бориб кўрамиз.

Жўра менга тикилди. Оқбой бўлса:

– Бугун бордингми? – деб сўради ундан.

У бошини чайқади.

– Кайвони момо тўйга кетган. Нон ёлмаган.

Биз туман марказидаги уйимизда ғамимизни еб, момом ёпган уч-тўртта ёғли патир-нон, кастрюлга ковордоқ солиб олган эдик. Ҳали келиб, қора уйга жойлашганимиздан кейин ана шулардан бироз тамадди қилгандик.

– Нон бор. Гўшт ҳам бор, – дедим. – Уйда! Ана, ишонмасангиз, кириб кўринг!

Жўра ғамгин жилмайди. Окбой бўлса:

– Жур, – деди. – Оламиз! Борамиз!.. Мана муниям кидир-тамиз! Борасанми, Содик?

– Э, бўлмасам-чи, – дедим.

Онам ҳалиги гапни тайинлаб кетган бўлса-да, мен Жўра-нинг ёнидан жилмаган эдим: ахир, нима қилай? Ким билан ўйнай? Иккинчи тарафдан, Раис бобонинг туманда – уйимизда айтган гаплари ёдимда: Жўра мени дарёга олиб бориши керак эди. Учинчидан десангиз, айникса, онамнинг гапидан кейин бу йигитга қизиқиб қолгандим. Бундан ташқари, бечоранинг...

...онаси ҳалигидай касалга йўлиққан, битта ўзи бир қапада – дарёнинг у томонида яшар экан...

Шуни айтишим лозимки, ўшанда – урушдан кейинги, йўғ-э, эллагинчи йилларнинг ўрталарида ҳам тирикчилик кечириб оғир, етимлар кўп, аванинака касаллар ҳам сероб эди. Ва бизнинг туман марказида ҳам пес, мараз бўлган кимсаларни жамоадан чиқариб кўйиш расм эди.

Оқбойнинг гапидан кейин Жўра елкасини қисиб, менга мўлтираб қаради. Мен унинг қўлидан тортдим.

– Юринг.

Онам ўшандай дегани билан мен бу йигитдан негадир кўрқмадим. Ўзимга ишонармидим – билмайман. Ҳарқалай, мактабда чопиш, сакраш, муштлашиш – бокс бўйича илғорлар каторида эдим. Ишқилиб, бировдан таёк емасдим...

Патир-нондан бирини олиб, орасига ковордоқ қўйдик. Бир қийикка ўраб, йўлга тушдик.



Раис бобо билан онам отларини йўрттириб кетган сўкмоқ билан борардик. Ўриклар ғарк пишган, ерга кўрпа бўлиб тўкилиб ётибди денг. Кўплари оёк-туёк остида эзилган, ачиган. Улар устида арилар ва пашшалар ғуж-ғуж. Ана шу – эзилган ўриклар ҳиди анқийди!

Қандайдир ташландик, ёввойи ўлкага келиб қолгандай сезасан ўзингни.

Бу қишлоқда ўзи хонадонлар сийрак экан: хув ундай ерда қора сувоқ қилинган бир каталак кўринса, ундан анча нарида бир қапа кўзга ташланади. Ундан ҳам нарида ўтов... Кейин билсам, бу ерликларда чорва ҳам мўл, кўй-эчкиларини яйловларга ҳайдаган ёхуд тоғ ўтлоқларига чиқариб кетишган экан.

Ариқ лабидан бора-бора шолитор ёқасидан ўтдик. Ва бирданига баҳайбат бир жарлик четига чиқиб қолдик. Жарлик шундай каттаки, у кирғоғи билан бу кирғоғининг ораси бирон чақирим келади.

Бироқ ёнбағирдан илонизи бўлиб ўрмалаб тушиб кетган сўкмоқ ҳам борки, унда мол туёқлари ва ялангоёкчаларнинг излари қолган.

– Ана, дайро, – деди Жўра тубанликни кўрсатиб.

Тубанда – жарлик тубида ялтираб сув оқар, сохилларни юлғун босиб кетган, қизариб гуллаган бу яшил буталар орасида – қумда бўлса керак, ярим яланғоч болалар ва лозим-кўйлакли қизчалар ҳар хил алфозда ўтиришар-ётишар эди.

Раис бобо “дайро” деганда, мен китобларда ўқиганим каттакон нахрни кўз олдимга келтирган бўлишим лозим – шунинг учун бу дарё менга сой бўлиб кўринди. Мен унга бепишандлик билан боқиб:

– Э, шуми? – дедим.

– Журинглар! Қайтишда чўмиламиз! – деди Оқбой. Ва биз унга эргашдик.

Қирғоқ бўйлаб сал юрганимиздан кейин шундоқ қаршимизда жарлик қирғоқларини улаб турган узун осмакўприкка кўзим тушди. У эртақлардаги пули сирот кўпригидай туюлди менга! Ва юрагим гурс-гурс ура бошлади: “Ўтаётганимизда,

узилиб кетса... Худо урди! Онам Жўрани айблаиди...”

Дарвоқе, узр этасиз, онамнинг бу йигитчага ишонмасдан қарашининг сабабини ғира-шира тушунгандек эдим: ахир, онам Раис бобога тегар эмиш...

Раис бобонинг эса хотини анавинақа аҳволда: ўғли бу... Демак, Жўра менга ғайирлик билан қараши мумкин-да.

Лекин ҳозирча бу нарсани сезмаган эдим. Ҳозирок айтиб кўяйки, кейинчалик ҳам сезмадим. Жўра тақдирга тан берган, бунинг устига, у ҳам мени тезроқ кўриш ва дейлик, дарёни кўрсатиш, молтишни ўргатишни ўйлаб юрар экан.

Кўприкка кадам босдик. Йўлдан фарқи йўқ. Аммо ўртасига етганда, унинг нари-берига бориб келаётгани, аммо бу сезилмас даражада эканини кўриб, ҳа, кўриб қолиб, капалагим учиб кетди. Жўранинг билагидан ушлаб олдим.

– Қўрқма, ука. Узилмайди. Маҳкам бу, – деди у тирсагимдан қисиб. – Пода-пода мол ўтади бундан. Сурув-сурув кўй... Бултур бир чол ўлди. Унинг тобути ортидан минглаб одам эргашиб жўнади. Шуниям кўтарди бу...

Жўранинг онаси охириги кунларини кечираётган қапа қабристондан берида, кўзикоринга ўхшаш улкан гужум остида экан. Унга яқинлашганда, Жўра Оқбойдан тугунни олди.

– Қоламыз, – деди Оқбой менга. – Бориб бўлмайди.

– Нимага?

– Бўлмайди-да.

– Майли.

Жўра кетди. Бориб, қапага кирди. Биз ҳар томонга қараб, томоша қилиб турардик. Яйдоқ, хас-хашак босиб кетган каттакон қабристонда сўпитўрғайлар кўп, улар хуш овозда чулдирашиб учишар, қайси бири учмасин – том бўйи кўтарилгач, ҳавода муаллақ туриб сайраб олар, кейин ерга – қовжираган тиканлар, алафлар орасига кўнарди. Бир-иккитаси атрофимизда пилдираб юрарди.

– Бу қушни ўлдириб бўлмайди, – деб колди Оқбой. – Гуноҳ бўлади. Ёмон бўлади.

– Қандай “ёмон бўлади”?

– Ёмон-да.

Кейин гужумга караб дабдурустан шу шеърни айтди:

Мулла тўрғай – отим бўлғай.

Мени ўлдирган

Етти эшикда етим бўлғай.

– Ў-ў, – дедим. – Чумчукни ўлдирса бўладими?

– Унинг турган-битгани зиён, – деди Окбой. – Ҳалиги по-
лапонларни нима қилдим, биласанми?

– Йўқ. Нима қилдинг?

– Битталаб ит билан пишакка жедирдим, – жавоб берди
у бамайлихотир. – Мундай олиб тепага отаман. Ё ит илиб
олади, ё пишак. Чумчукнинг турган-битгани зиён, – деб та-
крорлади яна. – Ғалланиям шу куритаяпти. Раис бобо бизни
машок теришгайм қўймайди! Қамчилаб уради. Чумчук бўлса,
жеб кетаяпти. Шунинг учун палахмон билан...

Жўра қападан чиқди. Кўзлари нам эди. Юзларини кафти
билан арта-арта келди-да:

– Сени алқадилар, – деди менга.

– Мени?

– Ҳа. Кўпга кирсин. Яхши бола экан, дедилар...

– Раҳмат, ака. Эртага яна келамиз-а?

Жўра кифтини учириб сўқмоққа тушди.

У – менинг ўлчовим бўйича – ўртабўй, елкалари кенг, юзи
ҳам кенг ва кўзлари кийикрок эди. Раис бобонинг ўғли бўли-
шига қарамасдан эғнидаги сурп қўйлаги тирсакларига ямоқ
тушган, иштонининг бир почаси узун, дўпписиям ҳилвиллаб
кетган эди.

Мен, ҳарқалай, тик шимдаман, шохмотнусха қўйлагимнинг
енглари калта, оёғимда кета. Соч ўсган: тўғрироғи, соч қўй-
ганман.

Кўприкка етган жойда куйига эниб кетган эшак йўли бор
экан. Анчагина кенг. Афтидан, кўприк қурилмасдан бурун
одамлар ана шу йўлдан тушиб чиқишган.

Биз тубанга энишимиз билан дарёнинг у қирғоғи-ю бу

кирғоғидаги ўғил ҳамда қиз болалар тикка-тикка бўлишиб, бизни гўё қарши олишди.

Юлғунларни оралаб ўтарканмиз, атрофга қизикканим учунми ҳар бир нарсага диққат билан назар солардим. Юлғунларнинг танасига ҳар хил хас-чўплар, илдизлар тақалиб қолган. Айримларининг шохларида қуш уялари бор, аммо бари бўм-бўш эди.

Тепамиздан чий-чийлаб жарқалдирғочлар учиб ўтади, баъзиси юзимизга тегай-тегай деб кетарди.

Бу ер, яъни жарликнинг туби ҳам ҳайҳотдек макон экан! Сув ҳам қатта ва тинимсиз шовуллар, худди кучли бир шамол эсмоқда-ю, кўзга кўринмас чинорлар силкинмоқда эди!

Айтганимдек, болаларнинг кўпчилиги ярим яланғоч, яъники иштонда, қизлар эса лозим-қўйлақда-ю, аммо кийимлари баданларига ёпишиб қолган ва у-бу ерларига қум юккан, пахтабанд қилиб ўрилган сочлари ҳам ҳўл, юзлари қорайган, шу билан бирга қулиб туришар эди.

– Қалайсизлар? – деб бақирди Оқбой. – Қуртни чумчук жиб кетаяпти! Ғалланиям шўри қуриди! Сизлар нима кип журибсизлар-а, бекорчилар?

Қотма, мурти сабза урган бир бола:

– Ўзинг-чи, ўзинг? – деди.

– Мен... – Оқбой Жўрага, кейин қирғоққа имо қилиб қўйди-да, паст тушмади. – Журиппизда, мана Шўро опанинг улини кидиртиб!

Ҳамма менга тикилди. Мен улар билан қўл бериб сўрашиш-танишишга чоғландим. Бироқ бири ҳам ўрнидан жилмади: болалар уст-бошимга қизиқиб боқишар, қизлар ўзаро шивирлашар эди.

– Эшитдингларми, Улканга янги шўро келди! Жўраларнинг ўтовига қўнди. Жийрон оти бор. Ули мана... Оти Содик! Ҳозир сизларга молтишни кўрсатиб қўяди!

“Молтиш” сувда сузиш эканини туман марказидаёқ Раис бободан сўраб-билиб олган эдим.

Аммо сузиш бобида... Менимча, туман марказида яшай-

диган-ўқийдиган тенгурларимнинг энг катта нуқсони – сузишни яхши билмасликлари эди. Тўғри, икки ҳовлининг бирида ҳовуз бор. Унга сув қуйилганда, барг-хазонларни чиқариш учун болалар ҳовузга тушишади.

Шу тарика мен ҳам беш-ўн қадам сузишни ўрганиб олган эдим.

Аммо бундай вағиллаган дарёда чўмилиш... Уялганим ҳам шу – дарёга қарадим.

Шошқин, оппоқ-серкўпик сув тошдан-тошга сакраб оқар, баъзи жойларда оқаетгани билинмас, эллик қадамлар этакда – дарё қирғоқ камаридан айланиб ўтардики, у томонда сув умуман тўхтаб қолганга ўхшар эди: рангиям кўм-кўк.

– Молтишни биласанми? – деб сўради Жўра.

– Сал-пал.

– Шундай кўрингани билан опкетади, – деди у сувга термулиб. – Оёғингдан чалади... Лекин мана булар ўрганган. Марказда дайро йўғ-а?

– Йўқ. Районни четлаб ўтади.

– Отам айтиб эдилар...

– Қани, бир-бир ташлаб олайлик. Кейин кетамиз ғалланинг бошига! – деб колди шунда ҳалиги – мурти сабза урган, қотма йигитча. – Жўра ака, чечининг-е! Кун исиб кетди!.. Хў, Шўронинг ули, сен ҳам чўмил!

Шу гапдан кейин қизлар бурилиб, оқимга қарши томонга йўл олишди. Болалар бўлса, чопа-чопа сувга ўзларини отиб ва ўмбалок ошиб, кўкариб турган томонга суза бошлашди. Қарасам, Жўра ҳам кўйлагини ечяпти.

Мен ҳам шимим билан кўйлак-майкамни ечиб, тош устига кўйдим.

Биз сув бўйига етганда, қизалоклар – кўйлак-лозимларида кийкиришиб-қулишиб ва ўмбалок отишиб, олдимиздан ўтиб кетишди-да, кўкариб турган жойга яқинлашавериб, юлғунлардан ушлаб-ушлаб қолишди.

Жўрадан кейин Оқбой ҳам қулоғига бир нимани тикиб сувга кирди. Сув белидан ошганда, ўзини ташлади ва гоҳ кў-

риниб-гоҳ кўринмай кета бошлади. Мен ҳам сувга кирдим. Муздек. Икки қадам босганимни биламан, оёғим тойиб кетиб, чалқанча йиқилдим-ку! Тураман дейман – думалайман. Ичимга сув қиряпти. Бирон нарсадан ушлайин дейман – гоҳ қўлим етмайди, гоҳ сирпаниб кетади.

Қандайдир ваҳимага тушган пайтимда ҳалиги кўкариб турган жойга яқинлашдим-у, оёғим ердан – сув тубидан узилди! Узилиши замон чўкиб кетаётганимни англаб, апил-тапил тепага интилдим-да, қирғоққа қараб суздим!

Бу ерда оқим суст эди: ҳадемай юлғунлардан ушлаб, тош-локка чиқиб олдим.

Менинг аҳволимни кўриб хавотирга тушишганми – Жўра билан қотма йигитча изимдан қулоч отиб келишаётган экан. Улар ҳам соҳилга чиқишди.

– Қашка бўлмадингми? Айтдим-ку, тезоқар бу, – деди Жўра ҳансирааб.

– Ҳа, йўқ, – дедим. – Тошлар сирғанчиқ экан... Лекин рост, оёқдан чалар экан.

– Уф. Манаву ийримга кириб кетади-ёв деб кўрқиб эдим, – деди мурти сабза урган. – Таги чуқур. Уч-тўрт одам бўйи келади. Кейин оқим зўр. Бир марта ўзимниям чирпирак қилиб опкетган. Ҳув кечувга борганда, зўрға чиқиб олганман. Ўшанда ўн ёшда эдим... Уч йил бўпти!

– Сен яхши сузолмайсан, – деди Жўра менга. – Ўргатаман... Кўрқмасанг бўлди.

– Ҳа, кўрқмасанг бўлди, – деди у йигит ҳам.

Шу палла сувнинг кўм-кўк сатҳида Оқбой пайдо бўлди-да, қўлларини юқорига кўтариб шўнғиди. Зум ўтмай ўн қадамлар нарида, сувнинг камардан чиқаётган жойида пайдо бўлди боши! Кейин бизга қараб молтиб, ихраб-ихраб чиқиб келди.

Шу нарсани айтишим шартки, биз ўтирган жой жуда-а ажойиб эди. Думалок, кўк, малла тошлар – курсимиз. Қизалоклар ҳам томошадан қуруқ қоладигандай етиб келишган. Улар иккита тошда чўмилиб чиққан каклик жўжаларидек ғуж бўлиб, гўё ўзларини офтобга тоблаб, патларини қуритишар эди.



Шундоқ оёғимиз остида – ўша кўк ийрим. Яъни гирдоб!
Бирок унинг кирғоқ қўлтиғига урилиб, ўрама ҳосил қилиб
ўтаётгани сезилмас, айтишларича, оқимнинг зўри сувнинг ту-
бида эди. Сирти эса шундай сокин.

Тепамизда гўё айвон шифти бор. Яъни метин кирғоқ
дарёга чўзилиб бағрини тутиб турар, биз унинг соясида ўти-
рардикки, ҳақиқатан ҳам айвонда ўтиргандек эдик.

Устимизда қалдирғочларнинг чий-чийлаб учиши-е! Бизни
бу ердан қувиб юборишга аҳд қилишгандек!

Хуллас калом, мен хиёл мулзам бўлган ҳолда, бошқалар
ғолибона кўринишда эди, ҳалиги мурти чиқиб қолган йигитча:

– Эй, жўралар! “Оқтош” ўйнайлик, а? Жўра ака, хўп денг,
– деди. – Кейин тўғри ғаллага кетамиз!

– Ўйнанглар, ўйнанглар! – деб қолишди кизлар ҳам.

“Қизик, қанақа ўйин экан бу?” деб ўйладим-да, Жўрага
каровдим, у:

– Оқбой, сен баковул, – деди. – Олдин тушунтиргин ўйин-
ни. Содик ҳам билсин!

– Мен тушунтираман, – деб тошдан турди ўйиннинг та-
шаббусчиси ва қўлидаги оппок, жудаям оқ – куйрукдек тошни
менга кўрсатди.

...Ана шу тошни сувнинг энг чуқур жойига отаркан. Отаёт-
ганида, ҳамманинг кўз юмиб туриши шарт экан. Кейин бако-
вулнинг гапи билан болалар кўзларини очишаркан-да, “Бир,
икки, уч!” дейилиши билан ўзларини сувга отишаркан.

Ийримнинг тубидан ана ўша тошни олиб чиқиш лозим экан.

Ким топиб олиб чиқса, демак, ўша – ғолиб!

Дарёнинг энг чуқур еридан у тошни қанақа қилиб топиб
чиқиш мумкин?

Хаёлингизга шу савол келди, а?

Мен ҳам шуни ўйлаб, лол қолиб турган эдим, бу ёғини Жў-
ра тушунтирди:

– Сувнинг тагида кўзни очиб юриш керак. Билдингми?
Сув тиник...

– Билдим, – дедим.



Сувнинг тагида кўзни очиб, демак, тубидаги тошларга тикилиб юриш?!

Ҳовузнинг лойка сувига тушганинда ҳатто бурнингни, кулоқларингни ҳам иложи бўлса бекитиб оласан-у, ажаб, кўзни очиш... Ақлга сиғадими шу гап?

Лекин бу ердагилар учун бу – ўта жўн гап, оддий ўйин экан! Оқбой:

– ...Уч! – дейиши билан иштонини липпа уриб, почаларини ҳам химариб олган болалар гув-гув этиб сувга ўзларини отишди. Ва ҳаммаси ғойиб бўлиб кетди.

Қизлар билан мен... соҳилда колгандим. Сувга тикиляпман. “Ҳозир чиқади... Ана чиқди. Йўқ! Нафаси қайтиб кетмасмикан буларни?”

Ёноқлари туртиб чиккан ва кўп чўмилганиданми шўралаб кетган, аммо қувлиги шундоқ билиниб турган бир қизча:

– Хув бола! Отинг Содик, а? – деб сўради.

– Содик, – дедим. Ва беихтиёр китобларда ёзилганидек: – Сеники-чи? – деб сўрадим.

– Мени отимни нима қиласан? – у бирдан шарақлаб кулди. – Майли, оқтошни опчиксанг, отимни айтаман.

Дугоналари у билан келишиб қўйишгандек кулиб-кикирлаб юборишди.

Мен ўз-ўзимдан қизиб-қизариб кетдим. Ва аста ўрнимдан турдим. Аммо сув тагида кўзни очиб юриш... Бунинг устига, бундай оқар сувда сузишниям билмайман. Тагин: дарё тубида оким бор экан. Шу нарсалар миядан ғувиллаб ўтганча сувга қараб жилаётганимни фаҳмлаб колганимда...

...сув юзасига шўлп этиб бир бош чиқди. Кейин яна бир калла, сўнг тагин биттаси...

Жўра ҳам чикиб келди.

– Окимга тушиб колдим. Аранг қутулдим.

Оқбой ҳам чиқди, келиб кулди.

– Оким опкетипти дейман!

– Фирром, – деб тўнғиллади Жўра. – Баковул бўлиб ўтирмайсанми?

– Ўтиролмадим-да.

Назаримда, икки дақиқалар ўтди. Ҳамма чикиб бўлди. Фақат халиги мурти сабза урган...

Хайрият-э!

Бошидан олдин тошни тутган қўли чиқди сувдан! Ва бу ёқда қийкирик бўлиб кетди!

Айниқса, қизларнинг қувонишгани!

Шунда, ишонасизми, ўша боладек бўлгим келди-е! Ахир, яхши-да.

...қизлар ҳам чуввос солиб, чапак чалиб, олқишлаб карши олишса сени! Ғолибни!

Аммо ундай бўлишимга сира кўзим етмасди; йўк-йўк, сув остида, нари борса, ярим дақиқа турарман.

Кўзни очиб...

Оқимга тушиб қолсам...

Оббо, олдин шунчаки сузишни ўрганишинг керак, хомта-ма бўлма, Содик!

Қизлар у болани, ўзларича олқишлаб: “Жамол ютди! Жутди!” деганларидан унинг исмини билиб олдим. Ва у билан жўра бўлиш, ундан уни-буни ўрганишга қасд қилдим.

Бироқ ҳозирок айтиб қўя қолай: у менигина эмас, бошқа болаларни ҳам писанд этмас экан.

– Бўлди қилинглар. Далага кетдик, – деб сўқмоққа тушди. Афтидан, у, умуман, қўйлак киймас, шунинг учун бадани темирдек ялтираб кетган эди.

Жўра менга:

– Ҳозир, ҳозир, – деб ўзини сувга отди-да, хаш-паш дегунча нариги қирғоққа чикиб ва юлғунлар орасидан менинг ҳам кийимларимни олиб дарёга тушди. Ва бир қўллаб сузиб, чикиб кетди.

Қойил!

Кийиниб, Жамолнинг орқасидан тушдик. Қизлар кулиб, гап отиб қолишди. Бояги қув қизча бўлса;

– Жўра ака! Содикни ташлаб кетинг! Биз молтишни ўргатиб қўямиз, – деди.

Жўра унга карамай:

- Юрабер. Ўрганасан. Қўркмасанг бўлди, – деди менга.
- Қўркмайман. Ўргатинг, ака, – дедим.
- Майли.
- Эртага яна келамизми? Онангизниям кўриб кетамиз...

Хўпми?

У менинг елкамга қўл солди-да:

– Хўп, – деди. Пича юрганимиздан кейин... – Содик, кўнглингга олмасанг, бир гап айтаман, – деб қолди.

– Ҳеч ҳам кўнгилга олмайман, – деб тўхтадим.

У билагимдан тортди. Биз тупроғи қайнаб ётган сўкмоқдан ўрлаб борардик.

– Айтинг, – деб қистадим.

– Энанг мени ёмон кўрадилар.

Кулоғим чингиллаб кетди.

– Ёлғон, – дедим.

– Рост.

– А, нимага? Хўп, ёмон кўрадиям дейлик...

– Бултур, бултур, – деб мингиллади у. – Кечқурун келдилар. Вакил бўлиб. Отам хурсанд бўп кетдилар. Кейин энанг ўтовда ётдилар. Мен отам билан ташқарида ётдик. Бир маҳал уйғонсам, отам йўк. Хўп ўтирдим. Кейин кўркдимми: “Ота-а!” деб чакирдим. Отам ўтовдан чиқиб келдилар...

Мени ўшанда – “ёш бола” бу, ҳеч нарсани тушунмаган деманг. Мен тушунган эдим...

Ўзимни қандайдир айбдор сезиб, миқ этмай қолдим. Қирғоқ устига чиққандан сўнг:

– Кейин нима бўлди? – дедим.

– Кейин энанг менга ёмон қарайдиган бўлдилар... Кейин келишларида отам мени қайвони холанинг уйига жўнатадиган бўлдилар. Биламан, энанг айтган...

– Ҳа, – деб юбордим-да: – Жўра ака, мени кечирасиз, – деб ялиндим.

– Нимага, нимага?

– Онам чиндан ҳам сизни...

У аста бош ирғади. Сўнг тагин елкамга қўл солди. Мен



унинг бу ҳаракатидан қандайдир меҳр, оғанинг инисига бўлган меҳрини ҳис этдим. Сўнгра...

...ўзим ҳам унинг белидан бир қўлим билан кучиб олдим.

Дарё жиягидан, яъни қирғоқ лабидан илга тизилгандек кетарканмиз, беихтиёр кўнглим бузилар, аммо ич-ичимда шод эдим.

Хуллас, буғдойзор ёқасидаги ташландиқ қапада кунни кеч қилдик.

Жўра менга палахмон ясаб берди. Палахмон!.. Қилдан эшиллар экан. Қапада кигиз парчалари кўп эди, ўшалардан қилини ситиб олди. Оқбой бўлса, қаёққадир чопиб кетиб, икки чангал жун топиб келди: ўтлаб юрган эчкилардан юлиб-юлиб олибди. Кейин уларни қўшиб, узун-узун пилта эшдик. Сўнгра қизларнинг майда сочига ўхшатиб ўришди. Икки қулочлар бўлди. Кейин бир учини ҳалқа қилиб, бир учини думга ўхшатиб, ҳатто тараб-тараб қўйишди. Ана ундан кейин бу ғалати чилвирнинг қоқ ўртасида ёнғоқдек тош сиғадиган чуқурча тўқишди.

Шу!

Кейин денг, ўша чуқурчага тошни жойлар экансиз-да, чилвир учларини жуфт қилиб ушлаб, тепада уч-тўрт марта айлантитар экансиз. Чилвир кўлингиздан чиқиб кетай-кетай деганда, ҳалиги думли учини қўйворар экансиз!

Шу! Қарабсизки, ҳалиги тош зингиллаб учиб кетаяпти! Албатта, мўлжалга олишнIAM билиш керак...

Туманда “рогатка” қилардик... Палахмоннинг номини билардим, холос.

Ғаллани қўридик-да, е!

Кечқурун болалар ажралиб-ажралиб кетишди: эртага фалон вақтда “дайро бўйида” учрашилади!

Жўра иккимиз ўрикзорга кирганда, у ийманиб менга тикилди:

– Ука, ке, бир иш қиламиз... – деди.

– Хўп бўлади, ака.

– Энангни олдида... бир-биримиз билан гаплашмаймиз.

Аразлашгандай бўп юрамиз.

– Нимага?

У менга шундай синик, таъна билан боқдики, гап маъносига дарҳол фаҳмим етди.

– Хў, онам далага кетгандан кейин...

– Ака-укамиз, – деди у. – Эртага дайронинг юқори томонига обораман сени. У ердаям бир-иккита айрим жойлар бор... Молтишни ўргатаман.

Мен унинг белидан қучиб олдим.

Ай, болалик-а!

Кечаси онам – иккимиз ўтовда ётдик. Жўра билан Раис бобо ташқарида – ўтов биқинидаги сомонсувоқ қилинган супада. Менинг анча пайтгача уйқум келмади: назаримда, онами – ташқарига чиқиб кетадиган ёхуд Раис бобоми – кириб келадигандек эди... балки мен ухлаб қолганимдан кейин улар учрашгандир...

Қизик, кейинчалик мен ўша дамларни – колхоз раисининг ўтов сиртида, шўро раисасининг ичкарида – шундоқ яқин масофада ётиши ва уларнинг пинҳона алоқаларидан айрим кишилар бохабар ҳам эканлиги, бироқ одамларнинг бу ҳолга панжа орасидан қарашлари ҳақида ўйлаб, ўзимча шундай хулосага келдим: ўша вақтларда турмушнинг изми шу экан-да? Раислар ҳалойиқнинг, дейлик, маломатидан кўркмас эканлар-да!

Ўзим ҳам сезардим: булар икковлон Улкан қишлоғининг хонлари – беклари эди!

Шунинг учун улар оддий одоб-андиша деганларидан ҳам устун туришарди, чоғи...

Ҳақиқатан ҳам халқ булардан зирилларди. Оқбойнинг машоқ терган, қорни учун ғалла ўғирлаган болаларни ҳам Раис бобонинг қамчилаб уриши ҳақидаги гапи ҳақ эди.

Бундай иш, мен ишонаманки, онамнинг ҳам қўлидан келарди. Оддий одамларга шунақаям дўқ қилиб юборардики...

Узр, сал ўтлаб кетдим.

...Сўрадилар, сўрадилар кечаси. “Нима қилдинг? Кимлар билан ўйнадинг? Дарёга боргансан...”

“Бордим. Узоқдан томоша қилдим Оқбой билан, – деб жа-



воб бердим онамга. – Лекин Жўра билан гаплашганим йўқ. Оқшом дастурхон устидаям кўрдингиз-ку?”

– Ҳа, сенга хўмрайиб-хўмрайиб қаради... – деди онам. – Шундан ҳам билавер. У сенга душман...

Эртаси раислар ишга кетиши замон биз Жўра иккимиз яна дарёга отландик.

– Нон-пон оламизми онангизга?

– Тушдан кейин, – деди Жўра. – Дайро ёқасида шотутлар бор. Яқинда каллаклаб кетишган эди... Шу кунлар яна пишиб колгандир...

– Ўшандан ҳам терамиз-а?

– Ҳа..

Кун бирон терак бўйи кўтарилмасдан биз дарёнинг “юқори” томонига бориб қияликдан эндик. Бу жойдаги жарлик томонга оқаётган сув кичкина кўприкнинг остидан шовул-лаб ўтар ва ёйилиб кетар, сув остидаги барча тошлар баралла кўриниб турарди.

Гапнинг қисқасини айтсам, пешингача сузишни анча ўрганиб олдим. Тағин сув остидаги силлик тошларга оёқни қўя-вермасликни ҳам...

Дарё(ча)ни сузиб-кесиб ўтишга тўғри келса, албатта, оқимга қаршироқ юриш лозим экан. Чунки оқим барибир сени суриб, кўзланган жойингга етказмайди. Шунчаки сувни кечиб ўтаётганинда ҳам ҳадеб оқим бўйлаб қарайверсанг, бошинг айланар экан...

Сув остида кўзни очиб юриш...

Дафъатан кўзни очганинда, қаршингданми, ёнверингданми кўзингни нимадир босар экан: сув, албатта! Кейин чаккаларинг сал-пал оғрир экан. Сўнгра... қизик, мавҳум-хаёлий бир оламда сеза бошлар экансан ўзингни.

Аста-секин оёғинг остидаги тошчаларни ҳам кўрар экансан. Улар қандайдир япаскидек! Қўлингни узатсанг, бармоқларинг ҳам калта-калта бўлиб “қоларкан”. Ҳатто оёқларинг ҳам маймоқланиб кўринаркан.

Пакана-хунук бир махлукқа айланар экансан.

Орадан беш-олти кун ўтди.

Камина бирон дақиқалар нафас олмай – сув остида сузадиган бўлиб қолди.

Кўз деганингиз ҳам сув тагида нарсаларни балодек кўради. Бу жараёнда ҳалигидай ҳайратланишлар ҳам йўқ бўлди; қиёфамга кўникдимгина эмас, кўзнинг ўзиям ҳалиги босимга ўрганди, чоғи – чаккаларимнинг лўқиллаши ҳам қолди.

Биз ҳар куни ё тушгача, ё тушдан кейин лопиллаган осма кўприқдан ўтиб, Жўра аканинг онасидан хабар олгани борардик: ул-бул егулик билан...

Кейин ўша айланма йўлдан юлғунзор соҳилга тушардик. Табиий: болалар-қизлар қатори ўзимизни “дайрога ташлардик”, молтиб юрардик...

Жамол ўқтин-ўқтин мени мақтаб ҳам кўярди: “Кўркмасанг бўлди. Дайро ўзимизники...”

Қизалоқлар ҳам мендан кулишларини бас қила бошлаган, аммо кўзи сузук, ёноғи чиқиқ ўша қизчагина қувлигини ташламас, туриб-туриб: “Отимни айтмайман!” деб қоларди.

Нимагаки, биродар, мен ҳали ўша ийримнинг тагига шўнғиб етиб боролмас эдим!

Рост, бир-икки марта яқинлашгандек бўлдим. Аммо нимадир бир куч мени қаёққадир суриб кетаётганини сезиб, апил-тапил тепага чиқиб олдим.

Оқтошни эса, Жўра ҳам, Оқбой ҳам бир-икки марта олиб чиқишди. Фаҳмимча, бу топқирлик қандайдир даражада омадга ҳам боғлиқ экан: агар ўша тош тушган ерга бориб қолсанг, марра сеники!

Бирок...

...яна битта нозик жойи борки, бунақа оқтошлар сув остида минг битта!

Сен отилган тошни топиб чиқишинг керак!

У эса – куйруқдеккина япалоқ тош. Ўта силлик. Биронта жойида кемтиги-чўтири йўқ.

Хўш десангиз, бу ерда чўмилиб шўнғиб-молтиб олишгач, яна ғалланинг бошига, кейин куртхоналарга борардик: қоровуллик-қўриқчилик қилардик.



Окшомлари онам мени тергаб қолар, мен, албатта, ёлғон гапирардим: “Жўра билан гаплашмайман!” Аммо оналар ўзи шунақа бўладими, назаримда, у сезар эди. Шунинг учун менга олайиб-олайиб қарарди-да: “Пушаймон бўласан, бола. Ана, мени айтди дерсан. У сени бир бало килади...” дерди.

Айтмоқчи, бу – “Оқтош” ўйини жуда қадим-қадим замонлардан қолган эмиш. Жамолнинг айтишича, бир замонлар бу юртнинг одамлари ёв босганда, ҳатто ҳалигидай ийримларга тушиб, бемалол... нафас олмасдан ўтиришаркан. Ёв ўтиб кетгандан кейин сувдан чиқишаркан.

Эшитяпсизми, биродар?

Ахир, бу жуда ғалати, ғирт фойдали ўйин... экан-да! Унинг ёшлиқдан болалар, ҳатто қизалоқлар орасида ҳам урф бўлгани шундан далолат эмасми?

Тўғри, табиий шароит, яъни дарёнинг яқинлиги ҳам шундай ўйиннинг яратилишига туртки бўлган...

Бироқ, ўлай агар, фойданинг кони бу! Вужудни чиниктиришини айтмайсизми?

Бир куни ўша кўм-кўк ийрим ёнида – камар соясида ўтиришгандик. Устимиздан қалдирғочлар чий-чийлаб ўтар-айланар, биз – бепарво, дарёнинг босиқ шовуллашидан мулойим тортиб (қизлар ҳам шу ерда эди, одатдагича), Жамолнинг ҳикоясини тинглардик.

У сел келганда, “дайро”нинг қутуриши – қора уйлар, капаларни олиб келиши, дарахтларни томири билан юлиши, сохилларнинг баҳайбат тошларга ва баъзан қўй-қўзиларнинг ўликларига тўлиб қолиши, қўйинг-чи, бешиклар ҳам топилиши ҳақида сўзлар экан:

– Эй, мен сувчи бўламан-е! – деб қолди. – Ҳозир Улканда биттаям сувчи қолмади...

– Ўқимайсанми? – деб сўради Окбой.

– Мана, Шўро опанинг ули ўқийди... менинг учун ҳам, – деб қолди-ку бирдан. – Нимагаки бундан сувчи чикмайди. Шу оқтошниям топиб чиқолмайди...

Мен шахд билан ўрнимдан турдим. Жўра қўлимдан ушлади.



– Йўк. Ҳали эрта, ука.

– Тушаман! Тошни ташласин! – деб туриб олдим. Аммо бутун вужудим дир-дир титрайди: ахир, сувнинг тубига тушим лозим! Тубига!

Булар камида уч-тўрт йиллаб молтиган, шўнғиб, кўзни очиб юришни машқ қилишган!

Жамол менга қараб қолди-да:

– Ўтир жойингга, – деди. – Тегиб кетдими? Мен бор гапни айтдим-ку? Мен сувчи бўламан. Сен ўқийсан.

Ўйлаб кўрсам, гапи рост.

Бирок буларнинг ёнида ўтиргим келмай қолди. Секин чет-ланиб, четдаги тошга бориб ўтирдим.

Сезиб турибман, кизлар ҳам менга ачинишар эди. Анави кўзи сузук қув бўлса, ишшаяди.

Ҳеч кимга парво қилмай, атрофни томоша қила бошладим. Бир маҳал қарасам, тепамизда парвоз қилаётган қалдирғочларнинг бири шувиллаб камарнинг шифтига кириб кетгандек бўлди. Тикилиб боқсам, хув ундек катнинг деворида чипоргина ини бор: ундан бир-иккита малларанг бошчалар сарик тумшукларини очиб тепага талпинишар, уя лабига кўниб олган қалдирғоч уларга навбат билан хўрак едирар эди. Тумшугидан-а!

Оғзини катта очиб тутади. Анави жинқарча бўлса, бошини сукиб юборади. Нақ жиғилдонидан олади емакни! Қизик: тумшуги онасининг бўғзини тилмасмикан?

Жонивор, бутун умр бўйи шу тариқа тўйдиради-я болаларини! Кейин болалари ҳам...

Мен чумчуқ деганини тумандаги уйимиз-ҳовлимиздаям кўравериш кўзим пишиб кетган эди. Хўп, ана сўпитўрғайларни ҳам бу ерда кўп кўрдим: уларни “Дашт булбули!” дейишаркан. Улар инини бузиш ёмон экан...

Аммо жарқалдирғочнинг боласини кўриш. Яқиндан кўриш, унга тикилиш менга шунчалик қизик туюлдики, ўша инга чиқиб бориш йўлини қидира бошладим.

Қидира бошладим-у, топдим! Ҳа... Шундоқ ёнимдан катга ўрмаласам, бемалол чиқиб борар эканман.

“Қат” дегани – тоғ бағриларида бўладиган кўндаланг кесим дейиш мумкин: ўша кесимнинг тепасидан тошлар уваланиб тўкилади. Кейин ундай жойлардан мундайроқ киши энгашиб юриши ҳам мумкин: айтишларича, овчилар юрармиш...

...Ахир, ушбу дарё оқиб тушаётган тоғ туманимизнинг шимолида-да!

Ҳа, тоққаям кўп чикканман.

Шошманг-шошманг, “кўрпанинг қатига кўйдим” деган гапни эшитганмисиз?

Кўз олдингизга келган бўлса, бас.

Шундай қилиб, қатга чиқишга қарор қилган пайтимда, Жамол Окбойга бақирди:

– Баковул! Тошни от!

Оқбой ирғиб туриб:

– Кўзни юминглар! – деб ҳайқирди. – Бир, икки, уч!

Болалар “гуп-гуп” этиб, сувга сакрашди. Гирдобга яқинлашганда шўнғиб-шўнғиб кетишди.

Мен анграйиб турарканман: “Жамол топиб чикмасин-да!” дер эдим. Негадир...

Қаранги, Жамол ҳам... оқтошни топиб чиқолмади! Жўра ҳам. Оқбой тошни қаерга ташлаганини биларди, албатта. Шунинг учун уям ўзини сувга отиб, икки марта шўнғиб чиқди. Кўли бўш... Болалар ҳансирашиб, яна жой-жойларига ўтиришди ва тошнинг нима бўлганини ўзларича тахминлай бошлашди.

Қизлар бўлса энди буларга ачингандек ўтиришар ва одатдагича шивирлашар эди.

– Э, топмасам, шу ердан кетмайман! Кетсам, шу ернинг сувини ичмайман! – деб юборди Жамол ва тагин ўзини сувга отди. Ғойиб бўлиб кетди. Ундан кейин бошқалар ҳам боз сувга сакрашди: гув-гув...

Қизлар ийрим сатҳига диққат билан тикилишаркан, менинг хаёлим тагин қалдирғоч инига оғди: энди катта қалдирғоч йўк, уячадан сарғиш тумшукларгина кўринарди.

Қатга ўрмалай кетдим. Юмшок ундек тупроқ тўкилган.

Митти кушчаларнинг панжа излари бор, холос. Қатнинг айрим жойлари жуда тор – яъни, “шифт”и паст бўлиб, у ерлардан бошимни ҳам қилиб ўтардим.

Айрим жойлари кенг, “шифт” ҳам баланд: бемалол чордана куриб ўтирсанг бўлади.

Ниҳоят, етдим. Мана қаршимда: томчи-томчи лойдан ясалган ҳовучдек ин. Негадир чипор. Митти-митти сомон кипиклари ҳам кўшиб юборилган.

Тавба, иморатни сувашга, хусусан, томсувокқа ишлатиладиган лойга сомон кўшишларини билардим: сувок мустаҳкам бўлади... Наҳот бу нарсани қалдирғоч ҳам билса?

Дарвоқе, бу шўрлик куш лойни ҳам.. тумшугида келтирган-а?

Болалари учта экан. Учаласи ҳам мени оналари деб ўйлашдим, чий-чийлаб оғизларини каппа-каппа очишди. Вой, оғизлари шунақаям каттаки, бири иккинчисининг оғзига бошини тикса, бемалол сиғади. Лекин кўзлари юмуқ. Ҳақиқатан ҳам малла.

...Мен ҳали уяга қўлимни узатмаган ҳам эдим! Бирдан те-варагим чий-чий овозларга тўлиб қолди ва бир жуфт қалдирғоч зинғиллаб айланаётганини кўрдим. Кўрдим-у, улар нақ кўзларимни чўкиб оладигандек човут солишди!

Мен бошимни эгиб қолдим. Улар нақ тепамда чарх уришар, кулоқларимга, бўйнимга, ҳатто юзимга ҳам қанотларининг шамоли уриларди. Тагин кўзимни очгандим, тагин...

...Яна бошимни эгиб қолдим-у, шу бош ўлгур айланаётгандек бўлди.

“Бас! Тушиш керак!”

Яъни, қочиш керак...

Мен юзимни бир қўлим билан тўсиб, келган йўлимга қарадим-у, юрагим орқага тортиб кетди. Йўлак жуда тик ва жуда тор бўлиб, унинг шундоқ пастида...

...кўм-кўк ийрим килкиллаб, худди бир афсонавий махлуққа ўхшаб турарди.

Уни кўрдим-у, тамом бўлдим.

– Туш! Пастга! Содик! – ана шундай чакириқлар келаётганини ҳам шунда эшитдим. Ва кирғокқа кўз қиримни ташла-сам, болалару қизлар тик туришиб, мени имлашаётибди.

Тавба, улар жуда йироқда туришгандек, кичкина бўлиб кў-ринишди.

Мен тушиш учун бир амаллаб бурилдим-да, демак, тўғри тушишим лозимлигини англаб лол қолдим: қанақасига тўғри тушаман? Йўқ: боягидек бўлиб олиб, демак, сурилиб-тисла-ниб энишим мумкин, холос! Бўлар иш бўлди!

Тағин уяга ўнгланиб олганимни биламан, қалдирғочлар-нинг энди қанотлари юзимга тегиб ўтди. Ва яна бош ўлгур айлана кетди. Шунда силжидим-у, у ёғи...

Қатдан қуйига учдим!

Бошим билан...

...сувга кирдим-кетдим: кетяпман, кетяпман. Бир нарсани биламанки, бундай пайтда маълум бир жойга борганингдан сўнг ташланишдаги зарбанинг кучи сусаяди-да, беихтиёр тўхтайсан. Ана шунда тепага интиласан: қўл-оёқларингни қимирлатсанг, бемалол чиқиб кетасан.

Ҳозир эса... тўхтайдиган сиёғим йўқ эди. Бирдан кўзимни очдим. Очдим-у, сутдек оқ нарсани – сувни кўрдим. Кейин у тиниклашди. Кейин баликми – бир нарса олдимдан сузиб ўтди. Ундан кейин қуйига тикилдим-да, беихтиёр яна...

...Қуйироққа тушиш учун интилганимни сезмай қолдим. Чунки турли-туман оқ-қора тошлар кўриниб турарди.

Тошларга қўлим теккан замон менга таниш... ҳалиги оқим зарб билан суриб юборди. Алпанг-талпанг бир тошга ёпиш-дим. Қўлим чиқиб кетган эди, бир томирни ушлаб олдим. Тўхтадим. Аммо бутун танам буралиб қолди.

Томирни қўйворсам, кетаман...

Қўйвормасам, ҳадемай нафасим қайтади.

Шу ўй-шу қарор менга қувват бўлди, чоғи, бир муддат кўнглим тинчиб қолди ва беихтиёр оқ тошларга тикила бош-ладим, Ишонасизми...

...Ўша октош шундоқ рўпарамда – томирнинг тағинасида чиғанокдек бўлиб ётган экан!

Томирдан бир кўлимни бўшатиб, тошни олдим.

Эсимда: мен бутун даҳшатни унутган эдим!

Энди, майли, илож қанча: бунақада узоқ туролмайман. Бу ёғига – сувости оқими қай манзилга оборади, номаълум-у, агар бирон жойда мени чиқариб ташлайдиган бўлса, унгача ҳам, демак, нафас олмаслигимга тўғри келади.

Бу мулоҳазадан сўнг: “Э, болалар бор-ку, Жўра ака бор! Жамол бор!..” деб ўйладим. Ва дамим ичимга тушиб кетаётганини пайкадим-у... томирни ушлаб турган бармоқларим бўшашди ва мен оқимга тушиб кетдим. Кетаяпман. Кўзим очиқ...

...Оқлик ва тиниқлик оламидаман. Аммо бу оламнинг яшил гиёҳлари ҳам бор. Улар ҳам узунасига ўсган: сув йўли бўйлаб. Шунинг учун мени тутиб қолишолмайди. Мен эсам, улар орасидан сирғалиб ўтаман.

Бу ажаб бир олам эди: ҳа, ҳа! Бундай манзарани фақат тушда кўриш мумкин! Тушдаям худди шундай бўлади: ихтиёринг гўё бировнинг кўлидадек.

Сен унинг измида: ақлинг-хушинг ўзингда бўлса-да, ҳеч иш қилолмайсан...

Китобларда ёзишади-ку, “кўзимни очганда, ўзимни касалхонада кўрдим”, деб.

Ўзимга келибман, чоғи, кўзимни очсам, чалқанча ётибман. Жўра белимга мингандек туриб олиб, қўлларимни нариберига обориб-обкеляпти. Кўзларида... сув томчиси эмас: ёш.

Атрофимда – тепамда болалару қизлар: бирлари тик туришибди, бирлари чўнқайиб ўтиришибди.

Билмадим, уялганимданми, бирдан ҳушёр тортиб кетиб, ўрнимдан турмоқчи бўлдим. Аммо кўнглим айниб, сув қусдим. Сўнгра бир нафас эгилиб қолиб, яна кўзғалмоқчи бўлувдим, бармоқларим оғриб кетди: қарасам, кўлимда, яъни кафтимда ўша... октош!

Кафтни очмоқчи бўлдим-очилмайди: қаришиб қолган.

– Ҳозир уқалаймиз. Ҳозир... – деди Жўра ва менинг туриб ўтиришимга кўмаклашди. Сўнгра оғиб кетмаслигим учунми Оқбой орқамга ўтиб, кифтимга тиралиб ўтирди. Қизлардан

кимлардир кулди: хурсанд бўлгандан, албатта. Ахир, бир нарса бўлсам, мен – Шўро опанинг ўгли... Тасаввур этасизми... Тасаввур этасиз.

Худди шу вақт... йироқдан бир қийкирик эшитилди! Ҳамма аланглаб қаради.

Баланд қирғоқ устида – чамаси, бизни куйига олиб тушадиган сўқмоқда бир жийрон отлик турар, от негадир сапчир, чавандоз юганни тортиб ўрнида айлантирар эди.

Шак-шубҳасиз, у киши – менинг онам эди.

– Шўро опа! Шўро... – дейишиб қолди болалар. Қизлар ҳам шивир-шивир қилишди-да, отлик сўқмоққа тушиб ва чанг-тўзон кўтариб энар экан, ҳамма...

...Жўрадан бўлак, ҳамма зим-ғойиб бўлиб кетишди: қочишди! Юлғунлар тагига, қабристон тарафдаги жарлик қамарларига ўзларини уришди.

Ана шунда қирғоқ устида тўрик отли ҳам кўринди. Ва бирпасдан сўнг у ҳам эна бошлади.

– Жўра ака, – дедим беҳол. – Мени... Сиздан илтимос, кетинг, ака...

– Йўқ, ука... Нимага? Сени яхши кўраман... Яхши боласан...

– Мени ким опчиқди?

– Ким бўларди.

– Сиз-да?

Онам отдан тушиб, мени бағрига босди.

– Нима бўлди?... Нима?... Нима қилиб қўйдинг, хой, душман? Сеними? Уйга бориб бўпсан...

– Эна, Жўрака мени опчиқди, – дедим. – Қалдирғоч боласини кўраман, деб...

...Раис бобо ҳам етиб келди. Ҳар ёққа разм солиб, чамаси, болалар ва қизларни кўриб, ўғлига ҳам разм солиб, менга жилмайди.

– Қалай, молтишни ўргандингми? Қўлингдаги октош-ку? Ў, опчиққан бўлсанг...

– Гапирманг, ўртоқ Бобоев! Ўлишга сал қолипти-ку бунинг. Хайрият, худо бир асрапти...

– Йўқ. Мени Жўракам...

– Ташла у тошни! – деб дўк қилиб қолди онам. – Нимага уни ушлаб ўтирибсан?

Мен бармоғимни очмоқчи бўлувдим... очилиб кетди! Қулиб, Жўра акага қарадим. Уям жилмайди. Шунда онам:

– Ўртоқ Бобоев, буни мингаштиринг, – деди-да, ўзи жийронга минди.

Оқтош ҳамон менинг хонамда турибди. Сузиш бўйича мусобақаларда олган ҳар хил совға-кубокларим сафида.

Лекин бу тош уларнинг ҳаммасидан азиз.

Онамнинг Жўрага муносабатини сўрайсизми?

Жилла ўзгармади: шунақаям бўларкан-да, биродар... Жўра ҳозир дўхтир.

Раис бобомдан учта укам бор. Онам уларни яхши кўради, албатта.

Аммо Жўрани...

Менинг эса туғишганларим орасида ҳам... энг сирдошим, суйганим Жўра ака.



Ўткир
ҲОШИМОВ

Ўзбекистон халқ ёзувчиси
(1941 – 2013)



ЎЗБЕК ИШИ

Мустақиллик йилларида шаклланган авлод Ватан истиқлоли ўз-ўзидан бўлиб қолмаганини, бу кунларга етиш учун анча машаққат чекилганини билса ёмон бўлмайди. Ўтган асрнинг саксонинчи йилларида рўй берган кўнгилсиз воқеалар мустабид шўро тузумининг сўнгги ҳамлаларидан бири эди. Биз у кунларни қанча ёдга олсак, бугунги кунни шунча қадрлаймиз.

Муаллиф

Алоҳида муҳим ишлар бўйича терговчи Корягин машинанинг орқа ўриндиғида ўтирар, толикқан эди. Эски “Жигули” икки бетида бақатераклар тизилган, онда-сонда пахта лахтаклари тўкилиб қолган йўлдан борар, машина эшиги асабни қақшатиб, муттасил ғийқилларди.

Жуманов дегани, мана, тўрт ойдирки, айбини бўйнига олмайди. У ёқда гуруҳ бошлиғи Амбарцумян сиқувга олиб ётибди: “Биз сизни ёш, ғайратли мутахассис сифатида бу ишга жалб қилгандик. Бошқалар обком секретарларини ёнғоқдек чакиб ташлади. Сиз бўлсангиз, аллақандай совхоз директори эплэй олмайсиз”.

Минг лаънат ҳаммасига! Пахтасигаям, Жумановигаям! Авал ҳам “шуғулланишган” у билан. Бир эмас, иккита терговчи... Умуман, ўргимчак уясига ўхшайди булар. Ҳаммаси чатишиб кетган.

Шу топда машина ҳайдаб бораётган Бердиев ҳам кўзига шубҳали кўринди. Область прокуратураси ходими. Пешка! Қаранг, шуниям тагида машина. “Ноль олти”. Ўзида-чи? Кичик адлия маслаҳатчисида! Мотоцикл ҳам йўқ... Мунча ғийқиллайди бу эшик?!

– Машинангизни мойласангиз бўлмайдими, Бердиев?

Бердиев ортига қараб жилмайди:

– Кечирасиз, Василий Степанович! – деди чап кўли билан руль ушлаганича, ўнг кўлини кўксига босиб. – Машина меники эмас...

“Кўлини кўксига қўйишга бало борми? Қуллик психологияси!”

– Нима, отангизникими?

– Йўқ, Василий Степанович! Қўшнимизники. Бир кунга сўраб олдим.

Корягин жилмайди.

– Тушунарли... Бундан чикди, кўшнингиз қахрамон...

– Қахрамон! – Бердиев фавқулодда янгиликни хабар қилаётгандек, самимий шанғиллади. – Қахрамон Она! Ўн иккита боласи бор.

“Хўп қахрамонлик киптими? Каламушга ўхшаб болалаш жасорат бўлса... Аслида мана қаерда ётибди ўғирликнинг илдизи! Чурвақалар туғилаверса, ейман-ичаман деб оғзини очиб тураверса...”

– Айтиб қўйинг, Бердиев. Кампир машинасининг эшигини мойлаб юрсин...

Бердиев кулди.

– Кампирнинг праваси йўқ, Василий Степанович. Машина ҳайдолмайди.

– Бундан чикди, сизнинг исмингизга оформиш қилган... “Қахрамон”га қандай қариндошчилигингиз бор?

“Новодящий” савол, – Корягин ўзининг соддалигидан ми-йиғида кулди. – Бордию, Бердиев машинасини “Қахрамон она” номи билан хаспўшлаган тақдирда ҳам оғзидан гуллар-миди? Ҳарқалай юрист...”

– Айтдим-ку, қўшниси бўламан! – Бердиев орқага ўгирилиб тагин шанғиллади. – Машинани кампирнинг тўртинчи ўғли хайдайди. Педагог. Крупская мукофоти лауреати. Мактабда рус тилидан дарс беради.

“Лауреат эмиш! Рус тилидан дарс берармиш! Қани ўша лауреатнинг шогирдлари? Сўроқ пайтида кўзини лўқ қилиб туради. Рус тилини билмасмиш. Аслида-ку, совет ҳокимиятида олтмиш тўққиз йил яшаб рус тилини ўрганмаслик... Билади! Балони билади! Ўзини гўлликка солади. Кейин мажбур бўласан Бердиевга ўхшаган маҳаллий ҳуқуқшуносларни ёрдамга чақиришга...”

– Лауреатингизнинг машинаси тезроқ юра оладими ё аравадан фарқи йўқми?

– Майли-ку, йўл тор, Василий Степанович! Тележка чиқиб қолиши мумкин...

– Тор бўлса, кўзингизга қаранг! Мени биринчи марта кўраётганингиз йўқ!

Мотор кучаниб ўқирди. Машина шиддат билан елиб кетди. Йўл четидаги бақатераклар ғойиб бўлди. На дарахт бор, на иморат. Ҳаммаёқ пахтазор. Уфққача, кўз илғагунча, тўқ яшил, кўнғиртоб далалар. Дилни ғаш қилувчи манзара...

Корягин бўғриқиб, машина ойнасини туширган эди, юзига чанг урилди. Баттар хуноб бўлди. “Қанақа худо қарғаган жой бу! Сентябрь ўрталаб қолдик-ку, ҳалиям иссиққа чидаб бўлмайди...”

Орадан ҳеч фурсат ўтмай, димоғига аллақандай бўғувчи хид урилди. Хизматчилик! Юрист аралашмайдиган соҳа йўқ. Кейинги йилларда экологияга оид ишларни кўришга ҳам тўғри келган – Днепропетровск, Запорожье... Аммо бунақанги бадбўй хиддан баҳраманд бўлиш “насиб этмаган” эди...

Атрофга аланглади. Нима бало, шу гадойтопмас жойда ҳам химзаводми? Йўқ, кўз илғагунча уфқда на бирон завод корпуси, на тутун буркситган кувур кўринади.

– Нима бу, Бердиев? – деди ойнани шоша-пиша кўтариб.

– Дефолиант... – Бердиев йўлдан кўз узмай бораркан, тушунтирди. – Бутифос сепмаса, гўзанинг барги тўкилмайди.

Корягин ҳорғинлик билан кўзларини юмди. Дафъатан соғинч бир туйғуни ҳис этди. Москва атрофи... Сокин куз... Тиниқ осмон... Кристалдек беғубор ҳаво... Ҳозир энг яхши фасл. Пушкин айтганидек, “маъюс ва гўзал...” “Бабье лето” деган гап бор. Ҳар йили сентябрда эр-хотин отпускаи олиб, Подмосковьёга – қайнонасиникига боришарди. Ўрмон. Олтиндек сарғайган эманлар... Шамол эпкинида зириллаб турган оқ қайинлар... Ям-яшил арчазор... Кузги кўзикоринлар...

Қайнонаси – Надежда Васильевна уларни жон-дили билан кутиб олади. Москвадаги олий категорияли ресторан ошпази ҳам борш билан чучвара пиширишда Надежда Васильевнанинг олдидан ўтаверсин! Ҳайрон қоласан: “Гўзаллик салони”нинг бош косметологи қаёқда-ю, қозон-товоқ қаёқда! Ольгани айтмайсизми, хотинини! Эрта-индин докторлик диссертациясини ёқлай деб турган олима! Кибернетиканинг манман деган “худо”лари тан беради унга. Ўша академиклар Оленьканинг кўзикорин мариновка қилишини бир кўрсами! Сентябрь – эр-хотин орзиқиб кутадиған ой... Афсус, бу йил отпускаям ҳаром бўлди...

Тўғри, айнан шу ойда таътилга чиқишининг битта нокулайлиги бор. Наташеньканинг ўқиши бошланади (бу йил еттинчи синфда ўқияпти). Устига-устак мусиқа мактаби – виолончель... Лекин Ольга (доно хотин – ярим давлат) буниям йўлини топган. “Ташвиш қилма, Васенька, Наташа ёш бола эмас”. Тўғри айтади: подъездадаги қўшни кампирга йигирма беш сўм беришса, бас – қизалок кечқурун иссиқсиз қолмайди. Эрталаб холодильникни очса, “сухой паёқ” муҳайё. Пишлоқ, қолбаса, сариёғ, тухум... Тушлиқни мактабда қилади... Кейин мусиқа мактаби. Кофе бор, бутерброд...

...Шанба куни кечкурун саккиздан уч минут ўтганда эрхотин Наташенькани станцияда кутиб олишади. Москвадан қайнонасиникигача электричкада қирқ икки минутли йўл.

“Папочка!” – дейди қизалоғи вагон зинасидан сакраб тушиб. Ўпишадилар. Кейин бабушкалариникига йўл оладилар (ажаб! Қизалок онасидан кўра уни кўпроқ яхши кўради).

Эртасига ота-бола кўзиқорин теришади. Оёғига кроссовка, эгнига гамаш, оппоқ водолазка кийган, кўкраги бўртиб қолган Наташенька кўзиқоринлар ғуж бўлиб ўсган жойни кўрса, ёш боладек ирғишлайди: “Папочка, қарасанг-чи, папочка, кўрмаяпсанми?” Саватчасини саланглатиб ўша томон югуради... Кечкурун бувиси Наташеньканинг топқирлигини мақтайди...

Корягин ўша дилхуш дамларни равшан тасаввур қилдию, юраги орзиқиб кетди.

...Тормоз нолали ғийқиллаб, Корягиннинг ўзи ҳам, хаёллари ҳам тўзон ичида қолди. Пешонаси олдинга, ўриндик суянчиғига урилиб, бир зум гарангсиб турди-да, машина йўл четига чиқиб, кўндаланг тўхтаб қолганини пайқайди. Тракторнинг тариллаши қулоғига кирди. Аланг-жаланг қараб, бир эмас, тўртта прицеп уланган трактор тариллаб, имиллаб, катта йўлни кесиб ўтаётганини кўрди.

– Ўлгани кетяпмизми, Бердиев?! – деди қўл дўлғаб. – Секинрок юрсангиз бўлмайдимми?

Бердиев унга карамади. Чап эшикни очиб, овози бори-ча бир нималар деб бақирди. Тракторчи узр сўраган бўлиб, қўлини кўксига қўйди-да, прицеplarини шакиллатган кўйи катта кўчага бурилиб кетаверди. “Саводсиз! Аҳмоқ!”

Корягин моторни ўт олдиришга беҳуда уринаётган Бердиевга жаҳл билан қараб, эшик ойнасини туширди. Юзига чанг урилиб тупурди.

Мотор ҳамон думи босилган мушукдек биғиллар, аммо ҳадеганда ўт олмас эди. Чанг тарқалиб, кўз ўнгида ғалати манзара пайдо бўлди. Бийдек дала, пахтазор. Юз қадамча нарида, марза бошида прицеп турибди (ҳозир йўлни кесиб ўтган при-

цепга ўхшаган). Бошига оқ мато ўраган аёллар, дўппи кийган эркаклар икки букланган кўйи пахта тўла этак орқалаб, прицеп томонга турнакатор келяпти. Худди ўзидан катта буғдой бошоғини ортмоқлаган чумолидек. Бир хиллари ҳамон эгат оралаб ивирсиб юрибди. Бўйнига этак осган. Чотини кериб, ғайритабий гандираклаган кўйи кадам ташлайди. Ҳар бир ғўза бошига эгилиб, икки кўллаб пахта теради, шоша-пиша этакка тикади. Этак сония сайин шишиб боради.

...Телевизорда пахта теримини кўрган эди. “Время”да. Қорача юзи табассумдан порлаб турган механизатор киз... бункерга қордек ёғилаётган лўппи пахталар...

У яна хийла тикилиб турди-ю, бир нарсани англади: булар рўмол танғиган хотинлар эмас, ёш қизалоқлар, дўппи кийганлар алп коматли эркаклар эмас, ёш болалар...

“Шошма, бунақа манзарани яна қаерда кўрувди?”

Бердиев ғудраниб капотни очди. Моторни титкилай бошлади.

Эслади! Бир вақтлар “Бошсиз чавандоз” фильмини кўрганди. Ўша кинода ҳабаш куллар пахтани савагга тераётгани тасвирланган эди... “Бу ерда этакка теришяпти...”

Бердиев бир бало килди, мотор ўт олди.

– Бир минут! – деди Корягин ҳамон пахта тераётганлардан кўз узмай. – Ким булар?

– Теримчилар... – Бердиев кўлини исқирт докага артиб, капотни қарсиллатиб ёпди.

– Машина-чи? – деди Корягин астойдил ажабланиб. – Нега машинада термайди?

– Пахта ялпи очилмагунча машина далага тушмайди, – Бердиев жойига ўтирди. – Бундан ташқари, кўл терими тоза бўлади.

“Жигули” секин ўнгланиб, юриб кетди. Корягин ортига қараб, ўзидан катта этакни ортмоқлаб кетаётган қизалоқларга яна кўзи тушди. Раҳми келди.

– Нега болалар ишлаяпти? Катталар қаёқда?

Бердиев дарҳол жавоб бермади.

– Уларнинг ҳам ўз юмуши бор... – деди мужмал қилиб.

“Тушунарли... Боласини пахтага ҳайдади, ўзи чайқовчилик қилади. Новосибирскка тарвуз обориб сотади... Аслида-ку, ёшларни қишлоқ хўжалиги ишларига жалб қилиш ҳамма ерда бор. Москвада ҳам картошкага олиб чиқишади. Юкори синфларни. Тўққизинчига кўчса, Наташенькани ҳам чиқарадилар. Балки мусиқа мактабидан справка беришар – бармоқларини авайлаши керак... Ўзиям студентлигида картошка терган...”

Ёмғир ёғиб турганида... Лой чангаллаб... Бир сафар ҳатто тўрт юз килога олиб чиққан. Пахта нима...”

– Қанчадан ҳақ олади?

Бердиев яхши англамади шекилли, сўради:

– Ким?

– Болалар. Терган пахтасига?

– Килоси – беш тийин.

“Ёмонмас. Бир кунда беш юз кило терса, нақд йигирма беш сўм! Бир оиладан бешта бола пахтага чиқса...”

* * *

“Жигули” ҳамон ғизиллаб борарди. Бердиев бу ёқларни яхши билади: “Местний кадр”, “XXV партсъезд” совхозининг собиқ директори Панжи Жуманов билан ҳамқишлоқ...

Машина совхоз марказига етиб келди, чоғи, хийла обод манзара кўринади. Кўчанинг бир томони – гулзор. Уруш қурбонларига ўрнатилган дидсизгина ҳайкал. Бир ёқда икки қаватли бино. Совхоз идораси бўлса керак, мрамар “шуба” билан сувалган. Ундан нарида тепасига “Чайка” деб ёзилган ёзги кинотеатр. Бир четида рус ва ўзбек тилларида ҳар бири одамдек ҳарфлар билан ёзилган шиор: “Пахта – ўзбек халқининг интернационал бурчи!”

Зум ўтмай, марказ ортда қолди. Тупроғи ўйнаб ётган қишлоқ кўчасига кирдилар. Кўча четида замонавий бетон симёғочлар. Суви қуриган цемент ариқ. Аксариятининг девори оқланмаган уйлар. Баъзиларининг томи шифер билан

ёпилган. Тепасида телевизор антеннаси. Баъзилари сувокли том. Устига ғўзапоя бостириб кўйишибди (шунинг учунми, уйлар янаям пасткам кўринади). Дехқон халки тадбирли бўлади. Бу ёқларда ғўзапояни ўтин ўрнида ишлатишлари Корягиннинг қулоғига чалинган эди. Ҳолбуки, район марказидан магистрал газ қузури ўтган. Наридан борса, ўн беш чақирим... Начора, газдан кўра ғўзапояни афзал кўрса – ўзининг иши.

“Жигули” бўёғи унникқан дарвоза олдида тўхтади.

– Келдик! – Бердиев машинадан тушиб, дарвозага борди. – Марҳамат! – деди худди ўз уйига таклиф қилаётгандек. Дарвозани тақиллатиб ўтирмади. Кафти билан итарган эди, бир тавақаси ғийкиллаб очилди. – Келаверинг, Василий Степанович.

Корягин дарвозадан кирибоқ тўхтаб қолди. Эҳ-ҳе, ҳовли-мас, бутун бошли оғород-ку бу! Бемалол кўпқаватли иморат курса бўлади! Ҳар ким шунчадан ерни эгаллаб олаверса... Разм солиб, бир нарсани англади. Ҳовли катта бўлгани билан бир қарич ҳам бўш жой йўқ эди. Бир томонда помидор, картошка, бодринг пушталари. Бир томон жўхоризор. Сўталари йиғиб олинган, аммо сарғайган поялари сўппайиб турибди. Наридан олмасор... Ўрик, олча дарахтлари...

Корягин беихтиёр Бердиевга эргашиб чап томондаги бостирма олдида борди. Бостирмада чанг ўтиравериш, рангини аниқлаб бўлмайдиган аҳволга келган АЗЛК “Москвич” машинаси турибди (“тўғри, протоколда қайд этилган”). Машина ёнбошида битта занглаган канистр, иккита пачок фляга думалаб ётибди. Унга туташ яна бир бостирма. Қозикқа боғланган ола сигир эринчоклик билан жўхориюя кавшайди, устига қўнган хира пашшаларни думи билан ҳайдайди. Бир чеккада ёнбошига тезак ёпишган бузук ётибди. Корягин бостирманинг пасткам бурчагида боғлоғли турган эшакни дафъатан кўрмаган экан. Эшак узун қулоқларини диккайтириб, шу томонга ҳорғин қараб турди-да, бир-икки хиркиллади. Кейин нола қилгандек ҳанграб юборди. Корягин ҳовлини яна бир қарра кўздан кечириб чиқишга улгурди. Бурчакда тан-





дир. Ёнида ошхона: қия эшигидан кўкимтир тутун чикяпти. Этак томонда икки уй, олди айвон. Рўпарадаги токнинг ёғоч сўрилари том устига чиқариб юборилган. “Ҳамма гап – мана шу пасткам уйларда! Ўзини бечорахол кўрсатади-ю, полини кўчирсангиз, тагидан бир хум олтин чиқади!” Дарвоқе, ёнбош тарафда яна бир уй қурила бошланган. Хом ғиштдан девор кўтарилган-у, томи ёпилмай чала қолган. Кўнглида хайрат аралаш надоматга ўхшаш туйғу уйғонди. Аллақайси газетада ўқиган мақола эсига тушди. Қизиқ одамлар! Бир қарасанг, туриш-турмуши бу – ғирт қашшоқ! На одамлардек обстановка қилади, на курортга боради... Нуқул пул йиғади. Жиноят курсисига ўтиришдан ҳам кўркмайди. Ўн йил, ўн беш йил тўплайди-да, бир кечада осмонга созуриб тўй қилади. Кейин яна йиғади, биттаси – мана шу Жумановми! Ўқимишли, олий маълумотли... Маданиятлисининг аҳволи шу бўлса, бошқалардан ўпкаламаса ҳам бўлади... Миллионер гадолар!

Ниҳоят эшак энтика-энтика жимиб қолди. Бердиев турган жойида уй эгаларини чақирди. Ошхонанинг қия очик эшигида бошига эски рўмол танғиган қоп-қора, озғин кампир кўринди. Рўмол тагидан оқарган сочлари тўзгиб чиққан, гулдор кўйлагининг энгини шимариб олган, қопдек кенг кўйлаги беўхшов ҳилпираб турарди.

“Латта ўралган швабрага ўхшайди, – деб ўйлади Корягин. Ажаб, кўнглида армон эмас, кизиқиш уйғонди. – Бунақа ҳаётга қандай чидайди шўрликлар... Кўникиб кетган-да!” “Одамзоднинг энг қатта бахти – кўника билиш. Одамзоднинг энг қатта фожиаси – кўника билиш... Ким айтган эди?” Эслай олмади.

Кампир шошиб қолди. Билақларига бегона эркалар назари тушиб “гуноҳга ботаётгандек”, ҳовликиб энгини туширди. Рўмолини қайта ўраб, салом берди. Бердиев билан узоқ омонлашди. Корягинга ҳам алоҳида таъзим қилди. Бир нималарни гапириб, айвон томон йўл бошлади.

Бердиев унинг кетидан эргашаркан, Корягинни ҳам таклиф этди:

– Келаверинг, Василий Степанович.



Кампир шоша-пиша уйга кириб кетди. Корягин чор-ночор айвон пешига келди.

– Бердиев, – деди имкони борича осойишта гапиришга уриниб. – Жумановнинг онасига айтинг. Биз зарил иш билан келганмиз...

– Онасимас, хотини... – Бердиев хижолатли илжайди.

“Хотини?! Наҳот шу аёл...”

Ўша ондаёқ “кампир” ичкаридан янги кўрпачалар олиб чиқди. Хонтахта атрофига пойандоз тўшаб, оппок, озода дас-турхон ёзди. Бир зумда тўртта каттакон патир, патнисда олтиндек товланиб турган узум олиб келди. Бердиевга караб, бир нима деди.

– Дастурхонга таклиф қияпти, – деди Бердиев аёлдан кўз узмай.

– Вақтимиз зик! – Корягин гоҳ Бердиевга, гоҳ “кампир”га караб, бош чайқади. Шунда “кампир” унчалик ҳам қари эмаслигини, ҳаракатлари чакқон ва шиддатли эканини ҳис этди.

– Нокулай бўлади, Василий Степанович! – Бердиев туфлисини ечиб, айвонга чиқди. – Одат шунақа.

Корягин истар-истамас хонтахта ёнига чўккаларкан, кўнглида нохушлик сезди.

“Бошланди! – деди инжиб. – Ўргилдим одатларингдан!”

Юзини ўгириб, бир нуктага тикилиб ўтираверди. Бир маҳал Бердиев эмин-эркин шовқинлаб гапираётганини эшитиб, бошини кўтарди. Айвон олдида бўй-басти баб-баравар иккита бола турар, Бердиев кулимсираб, уларга бир нималарни тушунтирар (эхтимол, ниманидир сўрар) эди. Болалар негадир илжайиб жавоб қилади, папкасини муттасил саланглатади. Бирининг бўйнида галстук, иккинчиси галстугини ечиб, шимининг чўнтагига суккан, киссасидан бир учи чикиб, осилиб турибди. “Жумановнинг эгизаклари. Бешинчи синфда ўқийди (буям протоколда бор)”.

Бердиев нимадир деган эди, болалар чуғур-чуғур қилиб уйга кириб кетди. Аёл пахта гулли чойнак, тўртта пиёла (қизик, нега тўртта?) келтириб хонтахтага қўйди. Корягин бе-

ихтиёр тагин зеҳн солди. Йўқ, харқалай хотини Жумановдан қари кўринади. Анча қари! Пешонасини ажин босган, кўзлари хорғин... Айникса, бўйни тошбақанинг косасига ўхшайди. Қайнонасининг гапи лоп этиб эсига тушди. “Хотин киши бўйнидан қарийди. Хотинни ғам қаритмайди, эр қаритади”. Нақадар доно аёл Надежда Васильевна! Уятсиз Жуманов! Ўзи пулни пул билан ўйнаган, суюқ аёллар билан ишрат қилган. Шўрлик хотини бу ёқда... Феодал!

Айвон зинасида тапир-тупир товуш эшитилди. Мактаб формасини ечиб, оёғига этик кийиб олган эгизаклар бир нима деб ғужур-ғужур қила бошлади. Аёл ошхонага йўналди. Дастурхонда ётган нонга айнан ўхшаш битта патирни тенг иккига бўлиб, ярмини унисига, ярмини бунисига берди. Зипиллаб келиб айвон пешида осилиб ётган иккита этакни болаларига тутқазди. Эгизаклардан бири этакни қўлтиғига қистириб, нон қавшаганча дарвоза томон кетди. Иккинчиси тўсатдан этакни ерга улоқтирди. Турган жойида тепиниб, бир балолар деб чинқирди. Кўзларида ғалати ўт ёниб кетгандай бўлди.

– Пахта тергиси келмаяпти, – деди Бердиев кулимсираб, ниманидир тушунтирмоқчи бўлган эди, бола унга ёвқараш қилиб, хурпайди.

“Отасига тортган қайсар экан, – деб ўйлади Корягин ундан кўз узмай. – Генетика!”

Хотин ерда ётган этакни силкитиб, чангини қокди. Тагин болага тутқазди. Алланима деб юпатди, чоғи, бола истар-истамас эшик томон юрди. Аёл тагин ошхонага кириб кетди. Нохуш сукунат чўқди. Аллақерда мусича кукулади. Бостирма томонда сигирнинг пишкиргани эшитилди.

– Марҳамат, Василий Степанович! – Бердиев ярим пиёла чой узатди. Корягин чанқаган эди. Чой хўплади. – Узумдан олинг, – деди Бердиев кистаб.

– Бердиев! – Корягин астойдил ранжиб, чимирилди. – Биз меҳмондорчиликка келган эмасмиз. Чакиринг анави хотинни. Палови керакмас!

Бердиев унга алланечук хотиржамлик билан бир лаҳза ти-

килиб турди-да, қўлидаги пиёлани дастурхонга қўйди. Ошхона томон қараб овоз берди. “Анга” дедими, “янга”ми, Корягин яхши англамади. Хотин ошхонадан мўралади, сунъийрок илжайиб жавоб қилди.

Худди шу пайт уй эшигида икки ёшлардаги кип-яланғоч, дўмбоққина ўғил бола кўринди. Ўзича ғудраниб остонадан ошиб ўтмоқчи бўлди-ю, кокилиб кетди. Юзтубан йикилиб, овози борича йиғлаб юборди. Бердиев ўрнидан илдам туриб, ўша томон юрган эди, ошхонадан аёл отилиб чикди. Йўл-йўлакай алланима деб жавради. Бердиев айвон пешига етиб бормасдан уй остонасида эгнига эски атлас кўйлак кийган, узун сочини иккита қилиб ўрган қиз пайдо бўлди. Ўнг биқинини чангаллаганича, энгашиб болага қўл чўзди.

Корягиннинг юраги орзикиб кетди. “Наташенька билан тенг бўлиши керак”. Қизнинг аллақаери чиндан ҳам Наташенькага ўхшаб кетарди. Бўй-бастими, оппоқ юзими... Йў-ўк! Наташа бунақа килтирикмас, ранги ҳам захил эмас, соғлом, ўктам...

Аёл югуриб келиб болани қизнинг қўлидан олди. Бағрига босганча уйга кириб кетди. Атлас кўйлакли қиз айвон ўртасида тўхтаб қолган Бердиевга салом берди. Корягин унинг кўзларида катталарга хос алланечук чуқур маъно борлигини дафъатан идрок этди. Бердиев нимадир сўраган эди, қиз бир зум сўзсиз-садосиз тикилиб турди-да, биқинини чангаллаган кўйи уйга кириб кетаверди.

Ичкаридан аёлнинг эркаловчи овози эшитилар, бола ҳамон ғингшиб йиғлар эди. “Эри қамалмаса, бу ҳам қаҳрамон она бўлармиди... Бир эмас, бешта бола. Нима зарил? Ўнта нимжон болани бахтсиз қилгандан кўра битта соғлом болага бахт берган яхши эмасми?”

Корягинни яна хаёл олиб қочди. Наташенька кичкиналигида жуда йиғлоқи эди. Эр-хотин оқшомлари Сокольниковига чиқиб, сайр қилишар, коляскани итариб бораётган Ольга кизалоқ ҳадеб йиғлайверганидан хуноби ошиб бақириб берарди: “Мен буни ёлғиз ўзим учун туғдимми ё ўйнашдан ортгирдимми? Овут болангни!” Корягин бир қўллаб “лю-лю-лю”



деб, коляскани беўхшов силкитар, иккинчи қўли билан хотиннинг елкасидан кучиб, таскин берарди: “Сенга асабийлашиш мумкин эмас, жоним...” Охири Наташенька ухлаб қолар, эр-хотин араз-таразни унутиб, уйга қайтишар (уйлари паркка яқин), лифт чақириб, ўн тўққизинчи каватга кўтарилишар, шунда Ольга эркаланиб унинг бўйнига осиларди: “Бўлди, Васенька, энди ҳечам туғмайман”.

...Ниҳоят, ичкарида бола йиғиси тинди. Аёл айвонга чиқиб, хонтахта ёнига тиз чўқди. Узум бошларини майдалаб олишга ундади. Қизик, унинг нигоҳида на асабийлик, на жаҳл сезиларди. Гўё боласини коляскада сайр қилдириб, энди ухлатган бахтиёр онадек хотиржам ва осойишта эди.

Аёл Бердиевдан кўз узмай, алланималарни гапирди. Узок гапирди. Аввал вазмин, кейин безовталаниб... Бердиев кулок қоқмай тинглаб ўтирар, ора-чора бош ирғаб, маъқуллаб кўярди. Гўё терговчи эмас, туғишган укасидек.

– Нима деяпти? – Корягин хотиннинг гапини бўлиб, Бердиевдан сўради.

– Қизи иккинчи марта сарик бўпти. Касалхонада жой йўқмиш...

– Нима, сиз врачмисиз? – Корягин гарчанд кўнглида қизга ачинса ҳам, хуноби ошди. Сигарет тутатди.

– Эрим қачон чиқади, деяпти, – Бердиев аёлнинг шунча гапини лўндагина таржима қилди. – Кўргани боришса кириштишмабди.

– Ўзингиз юристсиз-ку, Бердиев! Тушунтиринг. Тергов туамагунча свидание берилмайди.

Бердиев сўзини тугатар-тугатмас, аёлнинг юз ифодасида ҳайрат пайдо бўлди. Бир нималарни тез-тез гапирди.

– Эрим “кома”га тушиб қолмайдими, деяпти. Жумановнинг “қанд” касали бормиш. Ҳалигача кўмир олишмабди. Қиш келяпти, нима қиламиз, деяпти.

“Кўмир олмаганмиш, – деб ўйлади Корягин ижирганиб. – Ишлатсин хумчага босиб қўйган олтинларини!”

– Айтиб қўйинг, Бердиев! – деди қовоғини солиб. – Албатта, қамоқ – санаторий эмас. Аммо қўрқмасин, эри очидан

ўлмайти! – сигаретни ерга ташлаш учун ёнбошига ўгирилган эди, беш-ўн кадам нарида тўдалашиб турган одамларга кўзи тушди. Олача матодан кўйлак кийган кампирлар, кора-кура ёш болалар... Якин келишга ҳайиқиб, ғуж бўлиб туришибди. “Томошабин етишмаётувди ўзи!”

– Айтинг, – деди у гоҳ Бердиевга, гоҳ хотинга қараб. – Эрининг тезроқ чиқиши ва умуман чиқиш-чиқмаслиги кўп жиҳатдан унга боғлиқ!

Таржима тугар-тугамас аёлнинг кўзларида умид ярқ этди.

– Нима хизмат бўлса, тайёрман, деяпти.

– Мана бу бошқа гап! – Корягин хотиннинг кўзига синовчан тикилган кўйи таъкидлади. – Ҳар битта сўзимни аниқ-равшан таржима қилинг, Бердиев. Бунинг гапини ҳам сўзма-сўз таржима қиласиз. Биз, Жуманова, сизни сўроқ қилмоқчи эмасмиз. Сўроқ қилсак, чақиртириб олардик. Шунчаки, суҳбатлашгани келдик. Қанча очик гаплашсак, шунча яхши. Сиз эрингизнинг соғ-саломат чиқиб келишини истайсизми?

– Эримдан бошқа суянчиғим йўқ, – Бердиев қоидага биноан сўзма-сўз таржима қила бошлади. – Тепамда Худо турибди. Эрим бегуноҳ!

– Шошилманг, Жуманова. Бегуноҳ одам камалмайди.

– Эримда гуноҳ йўқ! – деди хотин қайсарлик билан.

– Бешта болангизни ўйланг, – деди Корягин унинг кўзига қаттиқ тикилиб. – Қанча рост гапирсангиз, шунча яхши. Ўзингизга ҳам, болаларингизга ҳам.

Аёл узок жимиб қолди. Кўзига мунг чўкди. Ниҳоят, паст овозда алланима деди. Бердиев унинг сўзларини таржима қилди.

– Болаларни ўйласа, эримни нега қамайди, деяпти.

– Қонун олдида ҳамма бир. Бешта боласи бўладими, ўнтами. Лекин биз ёрдам беришга тайёرمىз. Азбаройи болалари тугайли. Факат... Жуманова ҳам бизга кўмаклашиши...

Бердиев таржимани тугатмасидан аёл чуқур хўрсиниб, анчайин қатъий оҳангда нималардир деди.

– Унақа бўлса, қизимни касалхонага ётқизинглар, қизим



пахтада ишлаб шу дардни орттирган, деяпти.

– Яхши... – биқинини чангаллаб турган киз (Наташеньканинг тенгдоши) тагин Корягиннинг кўз ўнгига келди. – Қизалоқ масаласида ёрдам бериш мумкин.

У фикрини яқунлаб улгурмай, хотин тагин гапга қўшилди.

– Эримни тезроқ чиқариб беринглар, деяпти.

Корягиннинг энсаси қотди. “Мантикни қаранг!”

– Жуманова, – деди ўзи хоҳлагандек кескинрок оҳангда. – Мен бошида айтдим: эрингиз Жумановнинг камоқдан чиқишчиқмаслиги кўп жиҳатдан сизга боғлиқ. Сиз ҳақиқатни тиклаш йўлида терговга ёрдам беришингиз керак. Шунда ҳаммаси яхши бўлади. Тушунарлими?

Аёлнинг кўзларида яна умид уйғонди.

– Жуманова! – деди Корягин аниқ-равшан қилиб. – Биз сизга, болаларингизга ёмонлик тиламаймиз. Сиздан фақат бир нарса ни сўрамоқчимиз. Эрингиз Жуманов Панжи ўз показаниесида айтган: межрайонний пахта пункти мудирини Омонов билан тил бириктириб, йўқ пахтани бор қилиб ёзганлар. Эвазига Омонов ўттиз минг, эрингиз ўттиз мингни бўлишиб олган. Шундан йигирма беш мингни ўтган йил 23 октябрь, сешанба куни кечаси эрингиз сизга кўрсатган. Пул асосан эллик сўмлик, йигирма беш сўмликлар бўлган. Бу фактни пахта пункти мудирини Омонов ҳам ёзиб берган... Жуманов беш минг сўмни қаёққа сарфлаганининг ҳозирча аҳамияти йўқ. Лекин йигирма беш мингни сизга кўрсатгани аниқ. Илтимос, эслаб кўрсангиз, ўша пул қаёқда?

Корягин мулоҳазаларини дона-дона қилиб айтди. Бердиев ҳам худди шу оҳангда таржима қилди. Корягин аёлнинг кўзларига тикилиб, юзидаги ҳар бир ифодани кузатиб турди. Хотин аввалига ҳайрон бўлди. Гоҳ Бердиевга, гоҳ унга мўлтираб термилди, кейин кўзлари аламдан қисилиб, бидир-бидир қила бошлади.

– Тушунтиринг, Бердиев! – деди Корягин хотиннинг жавобини кутмай. – Эри ҳаммасини тан олган. Жуманова! Тушунсангиз-чи! Сабил қолмайдими ўша йигирма беш минг! Эрингиз арзимайдими йигирма беш мингга?!

Хотиннинг ранги гезариб, бўйни баттар тиришиб кетди.

Кўзлари ғазабдан ёниб, ўрнидан сапчиб турди. Чинкириб, сонига шапателиай бошлади. Бармоғини бигиз қилиб ховлининг гоҳ у, гоҳ бу бурчини кўрсатди. Охири, гувала деворли пастак бостирмага имо қилганча, оғзидан кўпик сачратиб айюҳаннос солди.

– Бу қандок зулм! Қандок бўҳтон! – Бердиев хотиннинг гапларини шоша-пиша таржима қилишга киришди. – Икки марта тинтув қилдиларинг! Хохласанг, яна юз марта текшир. Минг марта текшир! Ҳеч вако йўқ бу хонадонда. Эрим бола-ларига харом егизган эмас. Эримда гуноҳ йўқ! Йўқ! Жонимни олмоқчимисан? Ол! Отиб ташла! Ана, хоҳлаган жойингни титкилайвер. Текширмаганинг битта халажой қолди. Кавлаб кўр ўшаниям!

Корягин истехзоли кулимсиради. Ҳа, аввалги терговчилар икки марта тинтув қилган... Лозим бўлса Амбарцумяндан санкция олади-да, кавлатади ўша туалетни ҳам!

Хотин ҳамон оғзидан кўпик сачратиб қўшқўллаб тиззасига шапателилар, аммо йиғламас эди (йиғласа яхши бўларди... Ҳарқалай кўнгли эрийди... Тилзабони очилади). Хотин борган сайин авжга минар, хали-вери жағи тинадиганга ўхшамасди. Корягиннинг кулоғи шанғиллаб кетди.

– Нима дейди бу, Бердиев?

– Менга отасиз бола керакмас, деяпти. Бешта боламини бағримга оламан-да, ўзимга-ўзим ўт қўяман, деяпти.

– Кўйса-қўяверсин! Одати шу буларнинг! Фанатичка! Одамга ўхшаб суҳбатлашай десанг... – Корягин шахд билан ўрнидан турган эди, хотин кутилмаганда билагига чанг солди. Иккинчи кўли билан Бердиевни нақ ёқасидан ушлаб, пастга судрай бошлади. Корягин эсанкираб қолди. Беш минут аввал кўйдек ювош бўлиб дастурхонга таклиф қилаётган одам... Кўли мунча қаттик бу кампирнинг... Бир томонда Корягин, бир томонда Бердиев харчанд юлкинишмасин, хотиннинг омбирдек кўлидан чиқиб кетолмас, аёл нукул “юр, юр!” деб чинкирарди.



– Бердиев! – деди Корягин силтаниб. – Айтиб қўй бу шаллакига. Бугуноқ эрининг олдига обориб тикиб қўяман!

Бердиев таржимани тугатар-тугатмас хотин баттар жазавага тушди. Иккаласини баравар силкитиб, дод солди.

– Қамокқа олиб бор, деяпти... – Бердиев ранги ўчиб, аёлга алланима деди. Инсофга чақирди, чоғи. Аммо хотин эсдан оғиб қолганга ўхшар, нукул иккала рақибини айвондан ерга олиб тушишга уриниб, тортқилар эди. Умрида бундай хўрлик кўрмаган Корягин ғазабланиб кетди.

– Қўйвор, қанжик! – деди ҳайқириб.

Бола йиғиси эшитилди. Уй остонасида бояги рангпар қиз кип-яланғоч укасини кўтариб турар, бола шовқин-сурондан кўрқиб уйғонган, шекилли, чириллаб йиғлар, рангпар қизнинг кўзлари жикқа ёшга тўлган, аммо индамасди. Аёлнинг чангак кўллари дарҳол бўшашди. Гандираклагудек чайқалиб бориб, болани кўлига олди. Хўнграб йиғлаб юборди.

Бердиев шолчада тўнкарилиб ётган шляпасини олиб кийди. Корягин галстугини тўғрилади. “Истеричка!” деб ўйлади нафрат билан.

Шу пайт ёнбош томондан ғўлдираган овоз келди:

– Нега аёл кишини ҳақорат қиласан, йигитча?

Корягин жаҳл билан бурилиб қаради. Томошахўрлар кўпайиб кетган, бояги кампирлару болалар орасида энди салла ўраган чоллар, ёш аёллар, эркаклар ҳам кўринар, қирқ чоғли оломон ярим доира ясаб ўшшайиб турарди.

– Ким? Ким у гапирган? – деди Корягин ҳезланиб. Оғир сукунат чўкди. Русча гапирган одам кўрқди, шекилли, миқ этмади. Оломон ҳам жим эди.

– Ким? – Корягин дағдаға билан таъкидлади. – Қани, чиқсин бу ёкка!

Жавоб бўлмади. Саллалаи чоллар, узун қўйлакли кампирлар минғир-минғир қилди.

– Хўп... мен... – ниҳоят, орқароқда турган айиксифат эркак иккиланиб даврадан чиқди. – Мен гапирдим, – деди айвон пешига келиб. Бошида яғири чиққан дўппи, эгнида унникан



кўйлак, оёғида пошнаси қийшиқ этик... – Нега хотин кишини ҳақорат қиласиз, йигитча? – деди соф рус тилида. Бироқ бу сафар сизлаб гапирди. – Нима, акасимисиз, қудасимисиз?

“Эҳ-ҳе! Русча маталниям билади бу!”

– Мен сизга йигитча эмасман! – Корягин унинг кўзига тикандек қадалди. – Мен алоҳида муҳим ишлар бўйича...

– Нега қийнайсизлар шўрликни! – “Айик” унинг гапини эшитмагандек қўл силтади. – Неча марта обиск қиласизлар?

– Хоҳлаганимизча! Тушунарлими? Хоҳлаганимизча! Ўзингиз кимсиз? Марҳамат қилиб кўрсатинг ҳужжатингизни! Ким сизга рухсат берди хизмат бурчини ўтаётган...

– Кўрқитмай кўяқолинг. – “Айик” сочи киртишланган бошидан дўпписини ечиб, кафтига уриб қокди. Қайта кийди. Лапанглаб бориб Жумановани елкасидан кучди. Юпатиб, алланима деди. Хотин баттар хўнграй бошлади. “Айик” йиғлаётган болани унинг қўлидан авайлаб олди. Бир қўллаб болани кўтарганча, рапидадек кафти билан аёлнинг бошини силади. Аёл ҳикиллаб йиғлар, нуқул бир сўзни қайтарар эди: “Акажон! Акажон!”

Оломон орасида ғовур-ғувур бошланди. Косовдек қопқора, озгин чол қўлини пахса қилиб, бир нима деб чийиллади.

– Кетиш керак, Василий Степанович, – деди Бердиев рухсиз оҳангда.

* * *

Машина секин юриб борар, Корягиннинг дили хуфтон эди. “Аслида “сухбат”ни юмшоқроқ оҳангда қилиш керак эди. Ҳарқалай тергов эмас бу. Умуман олганда қонунга хилоф. Лекин ният яхши эди-ку! Кўрмайсизми бу фанатикларни!” Хотиннинг лўттивозлиги, “айик”нинг дағдағаси қулоғидан кетмас, ғижинар эди. “Ярама! Сенсираб гапирди-я! Ҳаммасининг илдизи бир! Ҳаммаси чатишиб кетган?!

– Бояги ким эди, Бердиев?

– Қайси бири?

– Дағдаға қилган босмачи? – Бердиев нохуш ғудранди.

– Босмачи эмас...

– Босмачи! – деди Корягин қатъият билан. – Ўзи бўлмаса, ота-бобоси босмачи ўтган. Башарасидан кўриниб турибди. Фамилияси нима? – чўнтагидан калам-дафтар чиқарди. – Аник адреси!

– Фамилияси – Жуманов.

– Демак, Жумановнинг акаси?

– Йўқ, амакиваччаси.

– Яъни қайси маънода?

– Қандай тушунтирсам экан, Василий Степанович... Жумановнинг отаси бояги... сиз айтаётган “босмачи”нинг отаси билан ака-ука бўлган. “Босмачи”нинг отаси фронтдан инвалид бўлиб қайтган, мироблик қилган. Ҳозирги тилда айтсак – ирригатор. Жумановнинг отаси партия ходими бўлган... Ака-ука ўлиб кетганидан кейин...

Корягиннинг боши ғувиллаб кетди. “Акаси, укаси, амакиси... нима аҳамияти бор?”

– Ўзингизни қийнаманг, Бердиев. Шажараларни тушунтирмай кўяқолинг. Нимага шунчалик ҳимоя қилиб қолди поражўрнинг хотинини?

Бердиев йўлдан кўз узмай бораркан, чуқур сўлиш олди:

– Айтдим-ку, амакиваччаси деб. Бизнинг одатда, оталар ўлса, авлоддаги биринчи ўғил ҳаммага ота ўрнига ўтади.

– Ота эмиш! – Корягин истехзоли кулди. – Нима иш қилади ўша “ота”? Мачитда мулла эмасми, ишқилиб?

– Самосвал ҳайдади. ПМКда.

– Нечанчи ПМК?

– Ўн тўртинчи.

– Исми? – деди Корягин ёндафтарга ёзишда давом этиб.

– Қишлоқда ҳамма уни Вали тоға дейди. Лекин асли оти – Валентин.

– Нима? – Корягин олдинги ўриндиқ томон эгилди. – Нима дедингиз?

– Валентин...

– Қанақасига?

Бердиев елкаси оша унга хотиржам қараб қўйди.

– Вали тоға Ленинград блокадасидан чиқиб келган экан... Қирк учинчи йилда. Ўн бир ёшида... Жумановлар оиласи уни ўғил қилиб олган.

* * *

– Айбланувчи Жумановни сўроқка!

Корягин “дело”ни ғижиниш аралаш ҳафсаласизлик билан варақлади. “Жуманов... Жуманов... Жонга тегди! Пора олиб, пора бергани – факт! Қўшиб ёзгани, амалини суиистеъмол қилгани – факт. Бўйнига олмайди, вассалом! У ёқда гуруҳ бошлиғининг дағдағаси. “Бир ҳафтада бўйнига қўясан, беш кунда показание оласан...” Айтишга осон! Одамга ўхшаб ишлайдиган алоҳида кабинетинг бўлмаса, айбдорни сўроқка шаҳарнинг нариги бошидан конвой олиб келса... Устига-устак, мана бу дўзах жазирамаси!.. Ўмарилган қанча миллионлар давлатга қайтарилди. Ҳали яна қанчаси топиларкин! Битта кондиционер қўйиб берса ҳақки кетади буларнинг!”

Жаҳл билан бориб, деразани очди. Юзига иссик ҳаво урилди.

Кунботар палласи, қилт этган шамол йўк. Рўпарада томи куббали аллақандай кўҳна бино. Қалдирғочлар визиллаб учиб юрибди. Пастда тор ховли. Бешинчи қаватдан қараган одамга ховли янаям кичрайиб, катакладек кўринади. Ўртада кирғоғи цементланган ҳовуз. Ҳовуз бўйида бир туп арча. Япроқларига чанг кўнавериб сарғайиб кетган. Қисматидан нолигандек, мунғайиб турибди.

“Қаёқдан келиб колдинг бегона бу юртларга, биродар!” Василий Степановичнинг кўз ўнгида тагин Подмосковье ўрмонлари жонланди. Наташенькани соғинганини шу қадар чуқур ҳис этдики, кўксининг чап бурчи санчиб кетгандек бўлди. Қизик, аввал ҳам хизмат тақозоси билан узоқ сафарларда кўп бўлган. Лекин кизалоғини ҳеч қачон бунчалик соғинмаган эди. “Оля нима қилаётган экан?” Шу пайтгача хаёлига келиши билан ҳайдаб солишга уринган кўнгилсиз хотирот тўсатдан бутун тафсилоти билан ёпирилиб келди.



Ольга “бошка туғмайман”, деганига қарамай, тагин бир марта бўйида бўлиб қолди (эр-хотин харчанд эҳтиётини қилишса ҳам). Ўшанда Наташенька, чамаси уч ёшларда эди... Корягиннинг ўзига қолса Оленьканинг туғишини хоҳларди (балки ўғил бўлар... Ҳар қандай эркакнинг кўнглида ўғил кўришдек эгоистлик бўлади). Бир куни кечаси (эсида, қаҳратон киш эди) Наташенька ухлагач, эр-хотин ётишганида Корягин “яна битта туғсанг ҳеч нима қилмайди”, деган маънода гапирди. Ольга талай фурсат жим ётди-да, тўсатдан “ёрилди”. “Василий, – деди босиклик билан. – Ҳалол одамсан. Шунинг учун алдашни хоҳламайман. Эсингдами, бировни севиб қолсам, сендан яширмайман, дегандим... Шундоқ бўлиб қолди... – жавоб кутгандек бир лаҳза жимиб қолди. Эридан садо чиқмагач, чуқур сўлиш олди. Дона-дона қилиб тушунтирди. – Энди билдимки, у севишга арзимас экан!.. Хотиржам бўл, эртага абортга бораман”.

Корягин рўй берган воқеанинг бутун даҳшатини энди тушуниб етгандек, сапчиб турди. “Демак, сен... сен... – деди энтиқиб. – Айт! Ким ўша иблис?!” “Бўқирма, Наташенькани кўрқитиб юборасан. – Ольга ниҳоятда хотиржам алпозда дашном берди. – Қизиқ одамсан, Вася, – деди деярли эркалаб. – Хўш, ўша “иблис” кимлигини айтсам, кўлингдан нима келарди? Дуэлга чакирасанми? Ё бориб сўйиб келасанми? – яна чуқур сўлиш олди. – Ўзим аҳмокман! – деди ўкинч билан. – Виждоним олдида пок бўлай деб... – овозида қатъият билан таъкидлади. – Хотиринг жам бўлсин! Энди шунақа “иш” такрорланмайди... Ажрашамиз десанг, ҳозироқ развод бераман. Ахир биз замонавий одамлармиз-ку, Василий... Қизингдан кўнглинг тўк бўлсин. Наташенька ўзимга тан... Хоҳласанг, хар ҳафта кўриб турасан”.

Корягин пальтосини елкасига илди-ю, телпак ҳам киймай, чиқиб кетди. Қор қиялаб урар, совуқ шамол увилларди (Москва кўчаларида шамол шиддатли бўлади). Тонготарга яқин қайтиб келди. Ольга эридан хавотирланиб ухламаган экан. “Совуқ котиб кетгандирсан? – деди орадан ҳеч гап ўтмагандек. – Да-



мингни ол, ишга кечикасан”... Корягин индамай нариги хонага кирди. Каравотчасида ухлаб ётган қизининг юзидан ўпди. “Вася, – деди хотини ташвишли шивирлаб. – Болани шамоллатиб кўясан. Қара, ҳамма ёгинг қор-ку, жоним”. Корягин қизалоғи устида бош эгиб турар экан, энди мана шу жажжи вужуд дунёда ўзининг энг азиз одами бўлиб қолганини теран хис этди!..

У ҳамон дераза олдида тураркан, аллақачон унутилиб кетган нохуш хотира нега айнан шу паллада хаёлига келганини тушунмади. Кейин нима учундир икки кун илгари қишлоққа борганида Жумановнинг кампир-хотини юзи янаям хунуклашиб чинқирганини эслади. “Менга отасиз бола керакмас, болаларимни бағримга оламан-у, ўзимга ўт кўяман!” Дили баттар хуфтон бўлиб, хаёлан қўл силтади. “Билганини қилмайдими ўша ёввойи!”

Деразадан нари кетаркан, яна бир карра осмонга қаради. Куёш ҳали ботмаган, осмон ғуборли, онда-сонда искирт булут парчалари кўринар, ташқаридан дим ҳаво ёпирилиб кирарди. Шошилмай стол ёнига бориб ўтирди. Томоғи қакраб, тортмани очди. “Пепси-кола” шишасига қўл чўзди. Шиша муздак эди: яқинда холодильникдан олиб чиқилган... Очқични стол устига қўйди. “Кейин”. Шишани тагин тортмага солди. Йўлакда қадам товушлари, соқчининг “тек тур!” деган буйруғи эшитилди. Эшик очилиб, ёш сержант кўринди.

– Ўрток терговчи...

– Сиз бўшсиз! – деди Корягин қуруккина қилиб. Жуманов эшик олдида тўхтади. Катак кўйлаги ғижимланган. Шимининг бир почасини негадир қайтариб олган. Соқоли ўсиб кетган, юзи шишган...

Кейинги пайтда Корягин уни ҳар кўрганда беихтиёр асабийлашарди. Ҳозир ҳам шундай бўлди. Бирок ўзини босди.

– Ўтиринг, Жуманов! – деди вазминлик билан. Жуманов оғир қадам босиб, рўпарадаги табуреткага ўтирди. Зўр бериб, билакларини силай бошлади (қўллари титрар эди).

“Кишан сиқдимми? Шунақа! Кишан дегани – билагузук эмас”.

– Хўш, Жуманов, бошлаймизми? – Корягин “дело”ни шошилмай варақлади. Энг муҳим далилларни алоҳида диққат билан “кайта ўқиб чиқди...” Кейин айбланувчининг кўзига синовчан тикилди.

Жуманов ҳамон билакларини силаган кўйи ерга қараб ўтирарди. Кўзлари қизариб кетган, лаблари порс-порс ёрилган, оғир нафас олади.

– Шикоят йўқми, Жуманов? Соғлиқ яхшими?

Расмиятчилик... Майли, буям керак-да... “Уч кундан бери уйку йўқми? Камерадаги иккита рецедивист итнинг боласидай дўппосладими? Дўппосласа-ку, майли... Кўнглига сикқанча хўрлагандир? Гапир! Саводинг жойида. Йўл-йўриқни биласан, Москвада ўқигансан... Айтавер! Қонунга хилоф иш қилишяпти, менга ҳам жисмоний, ҳам рухий азоб бераяптилар дейсанми? Демайсан! Негаки қонунни аввалбоши ўзинг бузгансан! Нима, шунча қилғилиқларинг эвазига биз сени бошимизга кўтаришимиз керакми?”

– Сиздан сўраяпман, Жуманов! Шикоят йўқми?

Жуманов оғир бош кўтарди, гапирмоқчи эди, бўғзидан хириллаган овоз чиқди. Порсиллаган лабини ялаб қўйди. “Э, ҳа-а! “Камерадошлар”ларинг бир суткадан бери сув ичгани кўймаяптими? Нафас олов бўлиб қиряптими? Чанқоқ азоби ёмон... Айниқса, “сахар” касали бор одамга”.

Корягин шошилмасдан тортмани очди. “Пепси-кола” шисасини стол устига қўйди. Тортмада турган стаканни излаган бўлиб, узок титкилади. Ниҳоят, стаканни ҳам шиша ёнига қўйди. Очқич излаб, гоҳ у чўнтагини, гоҳ бу чўнтагини кавлади.

– Қаёқка йўқолди, шайтон ўлгур!.. Иссикни қаранг, Жуманов, – деди очик деразага аланглаб. – Умуман, бу томонларда ёмғир ёғадими ўзи? – Бу гапларни айтар экан, айбланувчига бирон марта қайрилиб қарамади. Ниҳоят очқич “топилди”. “Дело” тагида ётган экан. Темир тикинни очди. Шиша оғзи кўпириб, муздек ҳовур кўтарилди. Сувни шошилмасдан қиррадор стаканга қуйди. “Пепси-кола” тагин кўпирди.

Салқин ёқимли ис хонани тутиб кетгандек бўлди... Ниҳоятда хотиржамлик билан ҳўплади.

– Ў-ўў! – деди чуқур хўрсиниб. – Жоннинг роҳати-я, Жуманов... – стаканни столга кўймай, унга тешиб юборгудек тикилди. Жумановнинг қизарган кўзлари ярқиллаб очилиб кетган, шишган лабларини муттасил яларди.

– Пепсига қалайсиз, Жуманов? – Корягин стаканга яна сув куйди. Тагин салқин буғ кўтарилди.

Жуманов ғайритабий чакқонлик билан ўрнидан турди. Бир-икки қадам босган эди, Корягин ниҳоятда хотиржам огоҳлантирди:

– Ўтирилсин! – “Дело”ни тагин ҳафсаласиз варақлашга тушди. Зимдан разм солиб турди. Жуманов жойига ўтирганича, бир нуктага тикилган кўйи бошини ҳам қилганини назардан қочирмай, қоғозлардан бирини ажратиб олиб (эҳтимол юзинчи мартадир), осойишта овозда ўкий бошлади. – “Мен собик обком секретари (исми-шарифини аниқ-равшан қилиб айтди) шуни тан олиб айтаманки, “XXV партсъезд” савхозининг директори Жуманов Панжи мазкур лавозимни сотиб олиш учун менга қирк минг сўм пора берган. Пулни дипломатда обком дачасига (Корягин ўша йил, ўша кунни аниқ айтди) тунги соат йигирма учдан ўттиз минут ўтганда олиб борган”.

Жуманов ҳамон ердан кўз узмай ўтирарди.

– “Дим-дим” ўйнаш етар энди? “Пепси” ичасизми? – Корягин ўтирган жойида стаканни узатди. – Марҳамат!

Жуманов яқин келиши билан стаканни бери тортди.

– Ёш болага ўхшайсиз! – деди самимият билан. – Наҳот бизни шунчалик гўл деб ўйласангиз? Ишонинг, бизга шахсан сизнинг керагингиз йўқ. Совет қонуни гуманный. Чин юракдан тавба қилганларни кечиради. Мана... – у бир варақ қоғозни “дело” орасидан олиб, стол киррасига сурди. – Шунга қўл кўйсангиз бас.

Жуманов стол рўпарасида турар, қизарган кўзлари чўғдек ёниб, стаканга тикилиб қолган, сарғайган бодрингдек тилини чиқариб, ҳансираб нафас оларди.

– Марҳамат! – деди Корягин ручка узатиб. – Мана бу ерга. Жумановнинг кўзида умид сўнди. Стакандаги сувга яна бир лаҳза термилиб турди-да, гандираклагудек қадам босган кўйи жойига бориб ўтирди.

Терговчи совуқ кўпириб турган сувни бамайлихотир ичди.

– Сиз, – деди беихтиёр кекириб (лаънати, гази мунча кўп!), – ғалати одамсиз... Обком секретари показаниесида ҳаммасини ёзиб кўйган бўлса... – Узоқ сукут саклади-да, осойишта оҳангда давом этди. – Секретарь ёлғиз сизнинг оёғингиздан тортяпти, деб ўйлайсизми? Адашасиз, у туллак кўплардан пора ундирган: райкомлар, раислар... пахта тозалаш заводлари... приёмшиклар... Энди эса сувдан курук чиқиш учун айбни бошқаларга тўнкаяпти. Аслида ҳаммани пора беришга ўзи мажбур қилган. Жумладан, сизни ҳам.

Айбланувчи алланима деб ғўлдиради.

– Нима?

Жуманов энтикиб-энтикиб нафас олди. Оғзидан чиққан сўз бўғзида қолиб кетаётганга ўхшарди.

– Аниқ гапиринг, Жуманов! – Корягин ёзишга шайланиб, кўлига ручка олди.

– Мажбур қилишди... – деди Жуманов ҳар сўзини бўлиб-бўлиб. – Директор бўласан, дейишди. Қолоқ совхозни кўтарасан... дейишди... – Нафаси қайтиб хириллаб қолди. – Шу... – деди ҳолсизланиб.

– Шошманг! – Корягин стаканга яна “Пепси” куйди. Жиндай... Икки култум. – Ичинг! – деди ковоғини солиб.

Бу сафар Жуманов ўрнидан турмади.

– Нима, ўзим обориб беришим керакми? – Корягин бу гапни шунақа самимий жаҳл билан айтдики, Жуманов илкис ўрнидан турди. Ғайритабий чакконлик билан яқин келди. Бироқ Корягиннинг ўзи узатмагунча стаканга қўл чўзмади. Кейин сувни ютоқиб ичди-ю, шиша тагида қолган “Пепси”га илтижоли мўлтираб қаради.

“Яхши! Чанқаган одам бир култум сув ичдими, баттар кийналади”.

– Ўтиринг! – Корягин унинг иккиланиб турганини кўриб, секин, аммо қатъий оҳангда буюрди. – Стаканни жойига қўйинг!

Жуманов икки кўзини шишадан узмай, тисарилиб бориб, табуреткага чўкди.

– Мажбур қилишди денг! Мана бу – бошқа гап! – деди терговчи деярли дўстона оҳангда. – Сиз бўлса ўргатилган тўтиқушдай бир гапни қайтарасиз. “Тухмат! Тухмат!” Ахир, сизни мажбур қилишган экан-ку! Шуни аввалроқ айтиш керак эди. Биламиз, кўрқитишган, директор бўлмасанг партиядан ўчасан, дейишган. Кейин обком пора талаб қилган. Сизнинг кўнишдан бошқа чорангиз қолмаган.

Жуманов бир нуктадан кўз узмай ўтирарди.

– Тушунинг, Жуманов! – деди терговчи яна ҳам хайрихоҳроқ оҳангда. – Обком устингиздан мағзава ағдариб ётибди-ю, сиз уни ҳимоя қилмоқчи бўласиз. Бир гапни айтайми?.. Ўзаро гап. Уйингизга борувдим, қизингиз бетоб экан.

Жуманов бошини кўтарди. Қизарган кўзларида хавотир, армон бор эди.

– Ҳаяжонланманг, – деди Корягин юпатиб. – Қизалокка ёрдам берамиз. Ақлли қиз кўринади... Гап бундамас... Биласизми, порани ўз ихтиёри билан топшириш бошқа, мажбур бўлиб бериш бошқа... Обком сизни директорликни сотиб олган деяпти. Сиз бўлса, кўрққанингиздан, мажбур бўлиб пора бергансиз... Фарқни англаяпсизми?.. Дарвоқе, эгизакларингиз шўх экан. Сизни соғинган кўринади. Табиий ҳол... Айтяпман-ку, бизга сизнинг керагингиз йўқ. Сиз оддий килькасиз. Акулалар бошқа. Шахсан менга қолса сизни эртагаёқ чиқариб юборишга тайёрман. Албатта, ишни суд ҳал қилади. Лекин...

– Юзлаштиринг! – деди Жуманов совук қатъият билан. Энди овози гўлдираб чикмас, ҳарқалай, гапини англаса бўларди. – Мен бермаган порани бердим деёлмайман.

“Яна бошлади эски ашуласини!” Корягин ғижинди.

– Демак, сиз обком секретарига ҳеч қандай пора бермагансиз? – деди тамомила лоқайд оҳангда.

Жуманов индамай бош ирғади. – Яхши! Ундай бўлса, “Москвич”ни ким ҳадя қилди? Нима эвазига?

– Унга тўрт йил бўлган, – деди Жуманов юзини ўгириб. – Бўлим бошқарувчиси эдим.

Корягин кулди:

– Тўғри, бўлим бошқарувчиси эдингиз. Мажбуриятни областда биринчилар қатори бажаргансиз. Сизга “Москвич” совға қилганлар...

– Пулимга сотиб олганман.

– Аҳамияти йўқ! – деди Корягин баттар ижирғаниб. – Ҳамма бўлим бошқарувчилариям шахсий машинада кататса қилмайди. – Яна маъноли сукут сақлаб, Жумановга тикилиб ўтираверди. Дарвоқе, “Москвич”ни гапириши билан тўрт йилми, беш йил аввал бўлган суҳбат эсига тушди. Ольганинг туғилган куни эди. Химкидан укаси Саша келди. Жиндек “отишганидан” кейин ҳасрат қилди. “Бу – ўзбекларни тергайдиган қонун борми-йўқми, сен юристсан-ку! Улар бизнинг машинада кататса қилишни билади, эвазига пахта деб тупрок аралаш хас-хашак жўнатади”. Корягин ўшанда бу гапга унчалик эътибор бермаган эди...

– Биласизми, Жуманов? – деди дилкашлик билан. – Бир нарсага ҳеч ақлим етмаяпти. Марҳамат қилиб тушунтириб берсангиз. Демак, “XXV партсъезд” совхозиде қолоқ бўлган. Сизнинг бўлимингиз эса областда биринчилар қатори мажбуриятни бажарган. Қандай қилиб?

Жуманов энгак қоққандек бошини ғалати сарак-сарак қилди.

– Аввал ҳам айтган эдим-ку...

– Нима қипти, яна қайтараверинг! – Корягин кинояли кулди. – Сиз гапираверинг, мен эшитавераман... У ёғини ўзим давом эттирайми? – деди гап оҳанги кескин ўзгариб. – Та-ак... Демак, “оқ олтин”ни яратувчи “олтин қўлли” Жуманов ўта жонбозлик кўрсатган...

– Ишонмасангиз, ўша пайтда бўлимда ишлаганлардан сўранг.

– “Қаҳрамонона” меҳнат қилган, – деди Корягин истехзо

билан. – “Оқ олтин”дан мисли кўрилмаган ҳосил олган. Шунинг учун унга машина совға қилганлар. Кейин директорликка кўтарганлар. Эвазига қирк минг сўраганлар.

– Айтдим-ку, мажбур қилишди. – Жумановнинг овози тагин хириллай бошлади. – Совхоз ўтириб қолган эди...

– Жуда тўғри! Қайси аҳмоқ илғор совхозни қирк мингга сотади! Яхши совхозларнинг таксаси эллик мингдан етмиш минггача бўлган. Бундайроқлари қирк минг...

– Тухмат! – Жуманов порсиллаган лабини ялаб қўйди. – Ҳеч кимга пора берган эмасман!

Корягиннинг тоқати тоқ бўла бошлади. “Аҳмоқ! Қайсар эшак!”

– Тухмат денг-а? Энди мендан эшитинг, Жуманов! Сиз! – деди шиддат билан бармоғини бигиз қилиб. – Сиз порани ўз ихтиёрингиз билан бергансиз! Совхозни сотиб олиш учун! Аввал ҳам приписка билан шуғуллангансиз. Бўлимни бошқараётганингизда. Катталар кўрадики, қўшиб ёзишга устасиз. Тажриба бор. Шундан кейин...

– Тушунсангиз-чи! – Жуманов аянчли хириллади. – Бермаган нарсамни қандоқ қилиб бердим дей... Ахир мен бор-йўғи ярим йил директор...

– Ярим йил эмас, етти ой!

– Агар қўшиб ёзсам, совхоз планни бажармасмиди!

– Омоновнинг показаниеси-чи? – Корягин “дело”ни асабий варақлади. – Нега юз эллик тонна пахтани приписка қилганингизни, Омонов билан нега тил бириктирганингизни айтайми? Обкомга берган қирк мингнинг ўрнини қоплаш керак эди!

– Ахир, бу тухмат-ку! Совхоз планни бажармаган, – деди Жуманов йиғламоқдан бери бўлиб. – Саксон етти процентда қолган. – Бошини баттар сарак-сарак қилди. – Пахтанинг ўзи йўқ эди. Йўқ нарсани қаёқдан олай?

– Буни мендан сўраяпсизми? – Корягин чин дилдан кулиб юборди. – Мендан-а! Ҳа, тан оламан, мен пахтани яхши билмайман. Аммо приписканинг кухнясини хўп ўргандим. План-



ни бажара олмаганингиз учун ҳам қўшиб ёзгансиз. Бажарай десангиз, пахта йўқ, бажармай десангиз, балога қоласиз. Биламан, сиз аҳмоқ эмассиз. Иктисодчисиз, бу гапларнинг ҳаммаси абсурд эканини билгансиз. Фақат бир нарсани туншунмайман. Наҳотки, сиз – олий маълумотли экономист, ўйламагансиз? Марказий районларга тола ўрнига хашак борган. Кейин ўша лаънати хашак ҳам бормаи кўйган, вагонларда ҳаво борган. Ҳаво! – деди таъкидлаб. – Самолётларда эса дипломат тўла пул борган. Тола йўқ, план бор. Пахта йўқ, пора бор! Орден бор, медаль бор...

Қизиқ, Жуманов ғалати илжайди. Шишган юзи бир томонга қийшайиб кетди. Хириллаб кулган эди, йўтал тутди. Узок, энтикиб йўталди.

– Нимаси кулгили? – деди Корягин ижирғаниб.

– Ўзим...

– Жавоб беринг! Нимаси кулгили бу нопок ишнинг?

Жуманов унинг кўзига ўқрайиб қаради.

– Бу ёқдан вагонда тола ўрнига ҳаво, самолётда пул борган экан, – деди ғўлдираб, – у ёқдагилар нега индаманди? Нега бизга пул керак эмас, толанинг ўзини беринглар деманди?

“О-о-о! Тилинг бурро-ку! – Укасининг гапи Корягиннинг эсига тушди. Укаси ким – оддий мастер. Додини кимга айтарди? Индамасам, айбни биз томонга ағдармоқчимисан?!”

– Горшогингизни билиб ўтиринг! – Корягин товушига тагин расмий тус берди. Ҳар сўзини чертиб-чертиб таъкидлади. – Гапни айлантирманг, Жуманов! Очиғини айтинг: нега ҳаммаларинг қўшиб ёзишга бунчалик ёпишиб олгансизлар? Бир кунмас, бир кун, барибир, сир очиларди-ку? Ақалли сиз – мутахассис сифатида билгансиз-ку буни! Нега бу ёғини ўйламагансиз? Саволимга аниқ жавоб беринг! Кўзимга қараб туриб!

Жуманов кўзини олиб қочмади. Батгар ўқрайди.

– Осмон баравар план юкоридан белгиланар экан, приписка бўлаверади! – шундай деди-ю, бошини тагин тебратишга тушди.



– Стоп! – Корягин унинг сўнги гапини тез-тез қоғозга туширди. – Демак, сиз припискани маъқуллайсиз? Демак...

– Йўқ! Мен припискага қаршиман. Умуман бунақа харом ишга...

– Омонов-чи?

– Яна Омонов! – деди айбланувчи ҳамон бош тебратиб. – Юзлаштирдинглар-ку! Тухмат қилаётгани кўриниб турибди-ку! Ҳамма гапи пойма-пой... Пункт мудири ҳеч кимга пора бермайди...

“Тагин ўша ашула!” – Корягин тошиб келган ғазабини жиловлаш учун кулимсиради.

– Сизнингча, ҳамма ёмон, битта ўзингиз яхши. Ҳамма қора, бир ўзингиз оппоқ. Бир нарсани айтайми? – деди сирли қилиб. – Эракча гап... Биласизми, бунақа нозик нарсаларни хотин кишига айтмаслик керак эди. Сиз бўлса... – қўлларини икки ёнга ташлаб, афсус-надомат билан бош чайқади. – Эҳ, Жуманов, Жуманов! Омоновдан олган пулни хотинга кўрсатиб нима қилардингиз! Жуманова Ҳанифа сизнинг хотинингизми, ахир? Ҳаммасини айтиб берди... Суҳбат пайтида. Дарвоқе, аёл кишини бундай хўрламаслик керак. Ахир, сиз етарли даражада маданиятли одамсиз. Сочлари оқариб кетибди шўрликнинг. Сизга нокерак бўлса, болаларингизга керак ҳали... Майли, гап бундамас. Шундай қилиб, ўша кеча пулни хотинингизга кўрсатибсиз. Аввал пол тагига яширибсиз, кейин...

Жуманов бир муддат ўта хайратланиб қаради. Кейин тўсатдан елкалари силкина бошлади. Корягин йиғлапти, деб ўйлаган эди. Йўқ, Жуманов куларди. Елкалари силкиниб хирллаб-хирллаб кулди. Хунук, жуда хунук кулди. Шишган башараси қийшайиб кетди. Тагин йўтал тутди.

– Пол тагига денг! – деди хансираб. – Пол тагига эмиш... – яна хирллади. – Менинг уйимда полнинг ўзи йўқ!

Корягиннинг ичида бир нима узилиб кетгандек бўлди. “Ярамас Бердиев! Нега ўша куни уйга олиб кирмади? Айвонда гап сотиб ўтириш шартмиди? Атайлаб қилган. Уям шуларга ҳамтовок! Уям босмачи!” Ўзини қўлга олиш учун шиша

тагида қолган “Пепси”ни шошилмай куйди. Бамайлихотир ичди.

– Тушунарли, – деди осойишта қатъият билан. – Демак, хотининг Жуманова Ҳанифа нотўғри кўрсатма берган. Хоҳласам, эртагаёқ, йўқ, бугуноқ камокқа тикаман!

Жумановнинг кўзида бир лаҳза саросима кўринди. Хўрсинди.

– Қўлингиздан келади... – деди анчайин вазмин оҳангда. – Майли... Мен Ҳанифага ишонаман. Ёлғон гапирмайди... Сочининг оқарганига келсак, уни мен эмас, сенлар оқартирдинг!

– Нима-нима?! – Корягин ижирғаниб лабини бурди. – Қилғилиқни сен қилгин-да, кампир-хотининг олдида мен жавоб берайми? Феодал! Бола туғдиришдан бошқани билмайдиган баран!

– Ҳақорат қилма!

– Эҳ-ха! Ориятлари келдими? Эшитиб кўй! Ёлғон маълумот бергани учун хотинингни камокқа тикмасам... Менга деса болаларинг очидан ўлсин! Қизингнинг жигари эзилиб кетсин!

– Болада нима гуноҳ?! – Жумановнинг боши соат капгиридай муттасил тебрана бошлади. Оёқ-қўллари титрар, ҳозир ағдарилиб кетадиган алпозда эди.

– Бас! – деди Корягин ҳайқириб. – Энди болаларингни ўйлайдиган бўлиб қолдингми? Пора олиб, пора бераётганингда, приписка қилаётганингда эсинг қаёқда эди? Катталарнинг буйруғини кулоқ қоқмай бажараётганда нега ўйламадинг болаларингни? – Корягин бутун нафратини бир сўзга жамлаб, жирканиш билан таъкидлади. – Плебей!

– Тўғри айтдинг, плебейман... – Жуманов хирқиради. – Кулман... Норасмий кул... Сен-чи? Сен кул эмасмисан?

– Ўчир! – Корягин столни муштлади.

– Кулсан! – Жумановнинг афти баттар қийшайди. – Бошлиқларинг олдида кулсан. Сендаям план бор. Йўқ гуноҳимни қанчалик тез бўйнимга кўйсанг, погонингдаги юлдуз шунча кўпаяди.

– Ўчир овозингни! – Корягин тагин столни муштлади.

Бўш стакан зирллаб кетди. – Эртагаёк Москвага, Бутиркага жўнатаман. Обкомингнинг ёнига!

– Жуда яхши! Виждони бўлса айтсин, қачон пора берибман унга?

– Обкоминг ким бўпти? Ундан каттаси ҳам тиз чўқади ҳали...

– Кўлингдан келса, – Жуманов ҳамон тебранган кўйи бошини шахд билан кўтариб чакчайди. – Кўлингдан келса, Брежневни тирилтириб келгин-да, униям сўроқ кил! – деди овози хириллаб. – Припискани ўша ўйлаб топган! Ҳамтовоқлари билан! Йўқ пахтани олти миллион тонна қиласан, деган ўша! – Жумановнинг қон қуйилган кўзлари косасидан чиқиб хайкирди. – Бизни эшак қилиб минган – ўша!

– Порахўр! – Корягин Жумановнинг олдига учиб боргиси, бир мушт билан ҳушини жойига келтириб қўйгиси келди-ю, ўзини тийди. – Порахўр! – деди хайкириб. – Ҳаромхўр! Ҳамманг ўғрисан! Ҳамманг порахўр! Аввал уйинга чакирасан, меҳмон қиласан, қўй сўясан, палов, шашлик... Миллий удумни рўқач қилиб, тўн кийгизасан. Юмшоққина бўлиб одамнинг пинжиги кирасанлар-да, кейин... Мана! – у стол тортмасини шахд билан очиб, бир тўп газетани олди. Боши устида баланд кўтариб силкитди. – Ҳаммасида сенларнинг қилмишинг ёзилган! Республикада неча минг жиноятчи қамоққа олинганини ёзган! Ҳамманг эшшаксан! Бутун халқинг!.. – Бир зум сукут сақлади-да, Амбарцумян ўргатган энг охириги, энг қатъий зарбани урди. – Эшитиб қўй, – деди истехзоли қулиб. – Эртага, йўқ, бугун сенга ғалати томоша кўрсатаман! Кампир-хотиннингни рецидивистлар ўтирган камерага тикаман. Бир йўла учтаси зўрлайди! Сен туйнукдан томоша қиласан!

– Туф! – Жуманов кўзлари ваҳшийлаб сапчиб турди. – Туф сенга! – деди ўкириб.

Ажаб, тупуги оғзидан чиқдию порсиллаб ёрилган лабига шилимшиқ елимдек қолди. Қутурган букадек алпанг-талпанг бостириб кела бошлади.

– Конвой! – Корягин ваҳимага тушиб, хотинлардек чинкирди. – Конв-о-о-ой!



Йўк, Жуманов Корягинга эмас, дераза томон интилди. Сокчи эшикдан киргунча бир хатлаб, дераза рахига чўккалаб олди. Шу алфозда бир сония, атиги бир сония Корягинга каради. Ҳозиргина кўзларида ёниб турган ғазаб ифодаси ўрнида шу қадар чуқур, унсиз нафрат, ночорлик, изтироб... шу қадар теран хайрат бор эдики, Корягиннинг юраги орқага тортиб кетди.

– Жуманов! – Василий Степанович дераза томон талпинди. – Жуманов...

Гапани тугатмасдан деразада яна ғира-шира оқшом ёруғи кўринди.

Сокчи икковлари баравар югуриб боришди. Чуқурликдаги ҳовлида, ҳовуз четидаги симёғочда лампочка ёниб турар, Жуманов япроқларини чанг босган арча тагида ғайритабийй ёнбошлаб ётар эди: боши ҳовузнинг цемент киррасида, гавдаси кирғоқда... Корягин унинг жон таслим қилаётиб, оёғини учтўрт силкитганини кўрди... Аниқ кўрди...

Ҳавони қалин булут ўраган, ёмғир ҳиди келарди. Юзига салқин эпкин урилди. Корягин тўрт ойдан бери кутган куз эпкени...





Муҳаммад АЛИ

Ўзбекистон халқ ёзувчиси,
Давлат мукофоти лауреати
(1942 йилда туғилган)

АЛТОЙИР ЮЛДУЗИ

Бундан бир неча лаҳзагина муқаддам Мовароуннахр ҳукм-дори бўлган, “онҳазрат”, “етти иқлим шаҳаншоҳи” ва ҳоказо ун-вонлар соҳиби Мирзо Улуғбек кўхна Кўксарой пиллапоялари-дан тушиб келар экан, ажабо, ўзини бағоят енгил сезди. Оллоҳга шукур! У энди машҳур салтанат подшоси эмас, унинг елкасида улкан мамлакат ташвиши йўқ... У ҳам эл қатори бир одам, худо-нинг бандаси. Мударрис, Кўҳакдаги расадхона мутасаддийси...

Мирзо Улуғбек шу тобда каёққа боришини ҳам билмасди. У вазнсиз, еру осмон ўртасида гард мисоли ҳаволаниб борар-ди. Жонажон Самарқанд осмони зулматга чулғанган, ажабо, биронта ҳам юлдуз кўринмайди...

Мирзо Абдулатифнинг Мовароуннахр тахтига чиқишини қутлашга келган аъёнлар Кўксаройни тўлдириб базми жам-шид қилдилар. Шомдан бери ўйин-кулги авжида, қийкирик садоларидан Кўксарой касри ҳам ўзини ўнғайсиз сезаётган-дек эди. Мирзо Улуғбек кичик ўғли Мирзо Абдулазиз билан пойгакда тиз чўқдилар. Амирзода ҳам бирдан ғойиб бўлиб қолди, уни кимдир қайгадир чақириб кетди. Мирзо Улуғбек барчани кузатиб ўлтирар экан, буқаламун замоннинг най-

рангларига яна бир бор тан берди. Кечагина Мирзо Улуғбек пойини ўпиб, тўнининг пешини кўзига суртишни орзу қилган кимсалар энди бошканинг атрофида парвона! Улар қирқ йил султонлик маснадида ўлтирган соҳибқирон Амир Темур Кўрагон набирасини энди танишмайди. Водариг!

Кўксаройнинг кенггина кўринишхонаси торайиб, қисиб келаётгандек бўла бошлади Мирзо Улуғбекнинг наздида. Нечундир ўсмирлигида Шайх Фаридиддин Атторнинг завқ билан ўқиган бир рисоласи ёдига тушди. Ўша рисолада Шайх бу дунёни қудукка ўхшатганди. Чиндан ҳам дунё бир қудук кабидур, қудук бўлганда ҳам, суви қуриган қудук... У эса ана шу қудукка тушиб қолгандай эди.

Тўрда, тахтда ширақайф ястанган Мирзо Абдулатиф падари бузрукворининг пойгақда қолиб кетгани билан иши йўқ, тақдир сийловидан мамнуну масрур эди. Бошига ёқут кўзли тож қўндирган йигитчага термилиб, наҳотки, шу менинг зурёдим бўлса, дея ўксинди Мирзо Улуғбек. Наҳотки?.. Расадхонада тонгда Али Қушчи билан Алтойир юлдузини кузатишар экан, султон ўз шогирдига юрагини тўкиб солди:

– Сиз ўғлим қаторисиз, балки ундан ҳам ортиқроқдурсиз, мавлоно Али! Сиздек фарзанди аржуманд янглиғ бир шогирд ато қилғонига парвардигорга шуқурлар дейман, ота ўғли!

– Қуллуқ, устоз! Каминани бағоят қарздор этдилар!

– Фарзандлар... Ё, Оллоҳ! Бир банданга нима қасдинг бор эдики, фарзандлардан... Йўқ, йўқ, фарзандларнинг бориға шуқур! Қани, бандаси фарзанднинг бир мўйини, бир тирноғини яратиб кўрсин-чи! Фарзандни ҳам парвардигор берғонга беради! Лекин нега фарзандларим бир-бирлари билан иноқ эмаслар-а?.. Нега? Нега улар оталарининг бағрини тилаётғонларини билмайдилар, билишга уринмайдилар ҳам?.. Ахир ота ҳам дунёда якка-ягона-ку! Нега фарзандлар оталарини ўтга отишлари керак? Ота бўлғонлиги учунми? Шу ёруғ дунёга келишларига сабабчи бўлғони учунми?.. Э, хом сут эмган бандалар!

– Афу этадилар, устоз, – деди Али Қушчи. – Онхазратнинг бунчалар надомат тўрига тушиб қолишларига, тушиб қолиш эмас, балки ўзларини ўша тўрга отишларига важ йўқдур! Шукур қилмоқ керак...

– Шукур қиламен бешак, ота ўғли, шукур қиламен! – хаста овозда сўзланди Мирзо Улуғбек. – Шундоқ яратғонига шукур! Аммо, фарзандлар... Мен фарзандларимни ёмон демаймен. Қайси ота ўз пуштикамаридан бўлгон дилбандини ёмон дейди? Аммо мен уларни эл суядурғон, улус корига ярайдурғон валломатлар бўлиб вояга етишларини истар эдим-ку! Ахир, мен уларни оталари қадрига етадурғон, бир оғиз каломини ерда қолдирмайдурғон, иззат-икромини жойига қўядурғон элнинг оқил ўғиллари бўлиб бўй чўзишларини хоҳлар эдим-ку? Э, парвардигор! Нечун орзуларим аро йўлда қолиб кетди? Нечун? Оҳ!..

– Нималар деяпсиз шундоғ муборак кунда? – эшитилди кимнингдир дағалроқ овози. – Шодлик айёмида нечун надомат, оҳ-воҳлар?..

Мирзо Улуғбек ўзига иккита одамнинг қаттиқ тикилиб турганини кўрди. Кўзларини каттароқ очиб каради. Атрофда қийқирик авжга минганди.

– Боядан бери озмунча гапларни гапирмадингиз, нақ илон пўст ташласа арзийдиган гаплар-а!

– Мовароуннаҳр султони эшитиб колса, нима дейдир? Жонингизга жабр қилмоқчимисиз? Ҳушингиз жойида эмас, шеклли...

– Беҳуд бўлиб қолгон... Кўриниб турибди, – сўзга учинчи одам аралашди. – Йўқ эса, шундай гапларни оғизга олармиди!..

Воқеа бошқаларнинг ҳам диққатини торга бошлади. Нарироқда турган икки амир шиддат билан шу томонга йўналди.

Мирзо Улуғбек ҳамманинг кўзида хасрат, ғазаб, ачиниш аломатларини кўрди. Кўрди-ю, ўзининг бу ерда мутлақо бегона эканлигини ҳис этди. Бас, ортга тисарилиб, сездирмай ташқарига чиқиб олмоқ керак... Шундай қилди. Хайрият, ҳеч ким уни тўхтатиб қолишга уринмади.



Кўчада одамлар сийрак эди. Муюлишларда кўйилган фонуслар йўлни ғира-шира ёритар, одамни эса таниб бўлмасди. Ахён-ахёнда шакилоғини ўйнатиб миршаб ўтиб қолади. Мирзо Улуғбек қаёққа кетмоқда – бунинг фарқи йўқ, ишкилиб, қайга бўлса ҳам, шу ердан йироқроқ кетса, бас...

– Тўхта! Қаён йўл тутурсен? – дағдағали сўраб қолди муюлишда турган миршаб. – Бемаҳалда нима қилиб юрибсен?

Мирзо Улуғбек бир лаҳза каловланди, кейин нимадир дейиш зарурлигидан, шартта миясига келган фикрни айтди:

– Мусофирмен... Карвонсаройга бораётган эрдим... Ота ўғли...

Шундоқ деди-ю, томоғига бир нарса тикилгандай бўлди. Мусофир! Ўз шаҳрида, ўз элида, бобо юртида... мусофир!

Миршаб фонус тутиб Мирзо Улуғбекка разм солди, мусофирлигига ишонч ҳосил этди шекилли, деди:

– Шаҳарда тахтдан кетган Улуғбек Кўрагон одамлари юрганмиш. Мовароуннаҳр султони Мирзо Абдулатифдан фармон етдиким, шундоғ кишилар дуч келса, шитоб ҳибсга олинсун, деб... Сен, мабодо, ўшалардан эмасмусен, эй умрингни бергур?

– Йўғ-е! Мен қаёқда-ю, Улуғбек Кўрагон одамлари қаёқда! Бир бечора одаммен... Шошдан келмакдамен, уй-маконим йўқ. Бошпана излаб юрибмен

– Аввал ҳеч Самарқандда бўлганмусен? – сўради яна миршаб, Мирзо Улуғбек унинг ўттиз-ўттиз беш ёшларда эканлигини кўрди. – Бундай, сал шаҳарни билармусен, эй умрингни бергур?

– Йўқ... Ҳеч бўлмаганмен... – жавоб қилди Мирзо Улуғбек. – Самарқандда илк бор бўлишим...

– Эса тўғри йўлдан борасен, чорраҳадан чапга буриласен, адашма! Карвонсарой сўл томонда.

“Оллоҳга шукур!” – суюнди ичида Мирзо Улуғбек ва йўлида давом этди.

Карвонсаройга яқинлашган сари унинг кўнгли ёриша бошлади. Ажабо, у бу ерга шуурсиз, беихтиёр йўл тутди, лекин



бундоқ ўйлаб қараса, бошқа борадиган жойи ҳам йўқ экан. Дунёнинг ўзи ҳам карвонсарой-да, бир жиҳати...

Сўл томонда Исфахондан, соғ томонда Хўтандан келган икки карвон аҳли жойлашиш умидида у ёқдан-бу ёққа ивирсиниб юрарди. Ит эгасига боқмайди. Шу палла:

– Тезроқ жўнамоқ даркор. Бу ерда тургим келмай қолди... Юрт жуда нотинч экан... – деган сўзларни эшитди Мирзо Улуғбек. Нарироқда чакмонли икки киши бир-бири билан суҳбатлашиб турарди.

– Бироз нафас ростласак кифоя, ҳали сафаримиз йирок, – жавоб қилди бошқаси. Қоронғида унинг юзи кўринмасди. – Зимистон кишга қолиб кетмай Румга етиб олғаймиз, иншооллох.

– Ҳалиги отлик подшонинг чопари нима деб бақириб юрибди?

– Мовароуннаҳр султони Улуғбек Кўрагон тахтдан бадарға қилинғон эмиш. Ўрнига ўғли Мирзо Абдуллатиф подшо бўлибди. Мирзо Улуғбек қочиб юрғонмиш. Агар бирон-бир карвон ўзига қўшиб олса-ю, яширса...

Шу пайт чап тарафда бир от қаттиқ кишнаб юборди, унга иккинчиси қўшилди. Мирзо Улуғбек гапнинг давомини эшита олмади.

– ...Билдингизму? Шунинг учун кўз-қулоқ бўлингиз сиз ҳам!

Мирзо Улуғбекнинг юраги булк этди. Кўнглида, бирон карвон билан тезроқ юртдан чиқиб олмоқ, ҳаж томонларга бош олиб кетмоқ ниятида эди. Баски, бунга ҳам йўл йўқ...

У билдирмай нари кетди. Таниб қолишмасин, дея ҳадик билан атрофга қарар экан, қаергадир яшириниши, қайдадир қўним топиши лозимлигини сезарди. Қаёққа борсин, қаерга бош урсин?..

Ногаҳон Мирзо Улуғбек ўнг томонда, кунжақда ғира-ширада уймалашиб ўлтирган одамларни кўриб қолди. Ўртада ягона шам липиллаб ёнар, ўттизтача одам унинг атрофида парвоналар сингари хуш кайфиятда чакчақлашиб ўлтиришар,

уларнинг шу тобда дунё паст-баланди билан ишлари йўқ эди. Уй-жойсиз мусофир кишиларнинг қандай ташвишлари бўлиши мумкин? Тепада ёниб турган хира фонус шуъласида ҳар ким тимирскиланиб нима биландир машғул: кимдир ух-лаш пайида бошига ғиштдан ёстиқ қилмоқда, кимдир этигини ечиб пайтавасини куритиш билан овора, кимдир аллақачон хурракни бошлаб юборган... Норғул бир одам эса атрофига одамларни тўплаб гап бермоқда, гап орасида соқийлик қилиб ҳам кўяди – даврадагиларга оз-оздан май улашади.

Мирзо Улуғбек дунёни сув олса тўпиғига чиқмайдиган бу одамлар ёнида бир лаҳза тўхтаб қолди. Норғул одам кимнинг-дир қараб турганини сезди:

– Ўйланмай келавер! Бағримиз очик, эй мусофир! – сўз котди у. Барча Мирзо Улуғбекка ўгирилди. Ҳаш-паш дегунча бўлмай, икки одам шарт ўрнидан туриб, Мирзо Улуғбекнинг кўлтиғидан олишиб даврага кўшиб кўйишди. Норғул одам шу заҳотиёқ унга май узатди-да, хотиржам деди:

– Мана буни сипқариб юбор! Йўқ, десанг, оғзингдан қуямиз. Шартимиз шунақа!

– Мен... мен... май ичмасмен, ота ўғли... – ўзини тортди меҳмон.

– Отилсун! – буюрди норғул одам.

Яна икки киши шартга унга ташланишди, ётқизиб оғзига май кўйишмоқчи бўлишди. Уларнинг бундай хатти-ҳаракатини кўрган Мирзо Улуғбек, Оллоҳнинг ўзи афу этсин, ўзи кўриб турибди, бу дунёнинг заҳар-заққумини, азобини ичсам ичиб юбора қолай, деди-да, майкосани кўлига олди. Кўзларини чирт юмиб, ичиб юборди. Даврада қийқирик садолари янгради. Мирзо Улуғбек таъсири ўткир майнинг бирдан миясига урганини сезди.

– Давомини эштайлик! – норғул одамга мурожаат қилди занчалиш овоз. – Шу дамларда Улуғбек Кўрагон қаерда экан? Биров кўрибдими?

Мирзо Улуғбекнинг кўзлари катта-катта очилиб кетди. Худди унинг шу ердалигини билиб қолишгандай гапга аралашшига шошилди, мақсад диккатни ўзидан қочириш эди:

– Улуғбек Кўрагонни... тутиб олишибдимми?

– Йў-ў-ўк! Ҳозирча йўк, – жавоб қилди норғул одам. – Лекин барибир тутиб олишади-да. Қайга қочиб борарди бечора...

“Бечора”! Ҳалигина Кўксаройда у бегона эди, кўчага чиққанда мусофирлик мартабасига минди, мана энди бечоралик тожи ҳам унга насиб этиб турибди...

– Косани айлантир, аканг айлансун! – сўз қотди кимдир.

– Гардуни дун янглиғ коса айлансун! – қўшилди иккинчи одам.

– Гардуни дун янглиғ коса сендан айлансун!

– Кўп айлантирма, тез куй!

Чак-чак кулги овозлари жаранглади. Май коса айланишда давом этди.

Сархуш Мирзо Улуғбек навбатдаги косани сипқариб узатар экан, норғул одамга мулозамат кўргизмоқчи бўлди:

– Подшо... подшо эмас, асил подшо сен экансен! Қуй, ота ўғли!

Кайфдан қийшайишиб қолганлар сафи кўпайиб, давра сийрак тортиб борарди. Мирзо Улуғбекнинг боши айлана бошлади. Норғул одам ҳам сармастликдан тебраниб зўрға ўтирарди. У қандайдир бир кўшиқни хиргойи қилишга тушди.

– Майинг... ўтқир экан... Кам бўлма, биродар... – Мирзо Улуғбек норғул одамнинг елкасига қоқди. – Ўтқир экан...

– Ургутнинг шароби!.. Дунёнинг роҳати шу-да!..

Норғул одам тамшаниб кўйди-да, ётишга ҳозирланди.

– Мен подшомен... – деди Мирзо Улуғбек бирдан норғул одамга қараб. – Подшо-о-мен!.. Подшо-о-о!

– Ҳа... Ҳаммамиз ҳам подшомиз... – ўзига-ўзи айтгандек беларво деди норғул одам илжайганича. – Аммо мен қатта подшомен, сен кичкина подшосен! Билдингму?.. Хо-хо-хо!

Даврадагиларнинг кўпи ўзларини чекка-чеккага тортишиб уйкуга кетишганди.

– Мен сенга айтсам... кулма!.. – Мирзо Улуғбек усрук кўзларини суҳбатдошига тикди, норғул одам ўтирган жойидаёқ ухлаб қолибди.

– Мен подшомен, деяпман! – Мирзо Улуғбек норғул одамни туртиб уйғота бошлади. – Подшомен! Англадингму?

– Хўп, хўп... Подшосен... – Норғул одам эринчоклик билан кўзларини очди-ю юмди. – Кечаям битта подшо келганди...

Мирзо Улуғбек маст одамларга хос қайсарлик билан шеригига бакирди:

– Мен – Улуғбек Кўрагонмен! Улуғбек Кўрагон! Билдингму?... Мен...

Мирзо Улуғбекнинг сўзи оғзида колди:

– Йў-ў-ў-қ! Сен Улуғбек Кўрагон эмассен! – бакириш навбати энди норғул одамга келди. – Сен Амир Темур Сохибқиронсен! Чингизхонсен! Бўлдими? Бор энди, кўзимга кўринма! Йўқол!

Норғул одам шундай деди-да, ерга чўзилганча уйкуга кетди.

Мирзо Улуғбек атрофга назар солди. Ҳалигина карвонсарой дарвозаси олдида уймалашиб юрган одамлар ҳам энди қайгадир ғойиб бўлишган, шовкин-суронлар эшитилмасди. Даврадошлари эса каттиқ хуррак отиш бобида бир-бирлари билан баҳс бойлашар эдилар. Мирзо Улуғбек шу палла ўзининг дунёда нақадар ёлғизлигини ҳис қилди! Бирон бир яқин кишиси йўқ. Падари бузруквори ҳокони сайид Шоҳрух Мирзо уч йил аввал у дунёга рихлат этди. Волидаи мухтарамаси Гавҳаршод бегим эса Ҳиротда, узоқда...

Энди нима қилади? Ё Раббий!..

Орадан қанча вақт ўтди, билмади. У бир пайт оҳиста турдида, ташқарига йўналди, аммо қаерга бораётганини фаҳм этмасди. Ишқилиб, шу карвонсаройдан нари кетса кифоя. Соқчининг кўзи ҳам бироз илинган экан, дарвозадан сездирмай чиқиб олди. Кўчада одам зоти кўринмасди. Хаёллари пароканда Мирзо Улуғбек бирдан ўзига келди, майдан асар ҳам қолмаганди. Теваракка олазарак боқди. Назарида ортидан қандайдир шарпа кузатиб келарди, миршаблардан бирими эди, билмайди. Ана, отлар дупури ҳам эшитилгандай... У бирдан чопа бошлади! Бироздан сўнг тўхтади-да, қулоқларини беркитиб олди. Яна қулоқ солди. Аник: кимнингдир, миршабники бўлса керак, “Қочманг!”

“Қочманг!” деган овозини ҳам эшитди. У тагин ҳам қаттиқрок югура кетди! Қаерга яшириниш мумкин? Кошки, шу топда бу оламдан қочиб чиқиб кетиш мумкин бўлса!.. Ҳаллослаб борар экан, қутилмаганда унинг олдидан эски бир қудук чиқиб қолди. Шу қудукка яширинсам-чи, ҳеч ким мени топа олмайди, деган фикр миясига чакмоқдай урилди! Шайх Фаридиддин Аттор ҳам дунёни қудукка қиёс этган эди-я! Ўша қудук шу бўлса керак...

Мирзо Улуғбек апил-тапил қудукка туша бошлади. Аллақачонлар суви қуриган қудук тагига тиз чўқди-да, сассиз юқорига қулоқ тутди...

Борлик олам сукунат кўйнида ғарқ, тепадан бир парчагина осмон кўриниб турарди, холос. Ажаб, яшаш, умр, олам ҳозир ўша бир парчагина осмондан иборат эди. Ногаҳон қудук тепа-сида бир чакноқ юлдуз жамол кўргизди.

– Алтойир!.. – шивирлади Мирзо Улуғбек, шивирларкан, бутун аъзои баданига титроқ югурди. – Танидим сени! Ҳолимдан хабар олгани келдингму? Эй, садоқатли дўст!

Шу палла юлдуз томондан:

– Устоз! Устоз... – деган нидо эшитилди. Юлдуз нидо қиларди! Мирзо Улуғбек бирданига олам сукунатини бузиб ўқраб йиғлаб юборди. Алтойир юлдузи Мирзо Улуғбекни тубсиз қудукда ёлғиз қолдиришни истамагандай, жойидан жилмай кузатиб турарди.

– Устоз! Устоз... – илтижо қиларди Алтойир юлдузи...

“Лоҳавло вало қуввато илло-биллоҳ! – деди ўзига ўзи Мирзо Улуғбек йиғидан тўхтаб. – Оллоҳнинг қарами кенг!..”

– Устоз! Устоз...

– Ҳа, ҳа... Алтойир! Алтойир!..

– Устоз! Устоз... – нидо қиларди юқоридан овоз. – Али Қушчиман...

– Ҳа, ҳа... Алтойир! Ал... Али Қушчига айланган Алтойир!

Мирзо Улуғбек бир парча осмонга тикилар экан, чакнаб турган юлдуздан бошқа ҳеч нарсани кўрмасди.

– Югуриб изингиздан ета олмадим... Изламаган жойим қолмади. Худоба шукур, топдим, устоз...



Чиндан ҳам овоз Алтойирнинг овозига ўхшарди...

Мирзо Улуғбек негадир ўзини тутолмай тагин йиглаб юборди. Ё Раббий! Бир бандангни тубсиз қудуқда ёлғиз қолдирмаганингга шукур!

– Тепага чиқингиз, устоз!.. – Али Қушчининг ўпкаси тўлиб кетганлиги сезилиб турарди. – Устоз... Устоз...

Кўнгли ёриша бошлаган Мирзо Улуғбек дунёнинг бир парча осмондангина иборат эмаслигига имон келтирди.

Дунё кенг, ҳали юлдузлар саноксиз, умр бепоён туюлди унинг назарида. У қудуқдан Алтойир юлдузи томонга чиқа бошлади. Шу топда Соҳибкирон Амир Темурнинг суюкли набираси, Мовароуннаҳрнинг қирқ йиллик султони Мирзо Улуғбек умридан бор-йўғи бир кунгина қолганини хаёлига келтирмас эди...



Омон МУХТОР

Давлат мукофоти лауреати

(1941 – 2013)

МУСЛИМ БОБОНИНГ НЕВАРАЛАРИ

Қаҳрамоннинг қисқача таржимаи ҳоли:

У Иккинчи жаҳон муҳорабасидан икки йил олдин Когон яқинидаги қишлоқда туғилган. Сухор деган бу қишлоқнинг эътиборга сазовор жойи – Ҳазрат Баҳовуддин Нақшбанднинг пирлари Ҳазрат Саййид Мир Кулол шу ерда дунёга келган. Бу икки авлиёнинг ёндош мақбаралари яқин-яқингача қаровсиз ҳолда ётгани-ю, мана энди обод бўлиб бораётганига қарамай, эскидан бу жойларнинг номи, асосан, зиёратгоҳлар номи билан боғланган.

Кулол, Нақшбанд – бунинг ўзи бир пайтлар фақат Бухоро шаҳри эмас, чор атроф қишлоқларида ҳам хунармандлик ривож топганидан дарак беради. Буюк авлиёлар дин арбоблари бўлиш баробарида, хунар кишилари эдилар. Улар қўл меҳнати билан тирикчилик кўрган.

Муслим бобо (у албатта, бир умр бобо бўлмаган) ақлини танигандан – ерни таниган эди. Қишлоқда эркак зоти – урушга ярамаган тўртта чол эканлиги-ю, улар кун бўйи далада судралиб, кўпинча беш вақт намозни ҳам далада ўқишгандан, у мактабга боришдан олдинроқ қора меҳнат ва Худога иб-

дат-илтижони ўрганди. Кейинчалик жаҳон муҳорабаси давригача кишлоққа кириб-кирмай турган даҳрийлик ёпирилиб, янгидан авж олгани, биринчи навбатда, мактаб ўзи даҳриёна йўналиш бергани ҳам унинг аввалдан қон-жонига сингиган – ерга муҳаббати ва қатъий эътиқодини ўзгартиролмади. Мактабни битириб-битирмай яна қўлига кетмон олди. Ҳасратли, изтиробли дамларда – биров тўсқинлик қиладими, йўқми, аҳамият бермай – азиз-авлиёларни зиёрат қилиб юрди.

Дехқончиликдан ташқари, бир хунар ҳам эгалламоқчи эди. Когонда темирчилик дўкони бор, темирчига шогирд тутинди. Бирок бу ишдан кўнглида бир умрлик армон қолди – энди хунар ўрганаётганида, керак бўлса ҳар ёқдаги заводлардан кетмон сотиб оламиз, деб туришганда қутилмаганда дўконни ёпиб ташлашди. Бухородаги турли касб-хунар дўконлари ёпиб ташланаётган давр эди.

Анча кеч Шокира деган қизга уйланди. Лекин инсон ҳам бир ниҳол экан – олдин ўтқазилгани тарвақайлаб ўсаётганида, кейин ўтқазилгани баъзан қуриб ҳам қолар экан. Унга уч ўғил, бир қиз туғиб бергандан сўнг Шокира “ўз вазифасини бажариб бўлган”дек, ақлга сиғмайдиган тарзда бир кеча уйқусида жон таслим қилди.

Куйди-қолди. Қайтиб уйланмади.

Умр ариқдаги сувдек ўтди-кетди.

Энди фарзандлари улғайган. Оила қурган.

Бир ўғил – Абдулазиз Бухорода ўқиб, шу ерда уй-жой қилган.

Бухоро гарчи яқин, ҳув минора кўриниб турибди, лекин озгина нари ҳам – нари!

“Ўнта бўлса, ўрни бошқа, қирқта бўлса, қилиғи”...

Муслим бобонинг кишлоқда, ёнида еттита невараси бор. Бунинг устига, Абдулазиз хотини, болалари билан гоҳ-гоҳ келиб туради. Аммо Муслим бобо, барибир, шаҳардаги икки неварасини ҳар кун соғинади. Ҳафтада-ўн кунда кўриниш беришмаса, шартта белини боғлаб, ўзи шаҳарга қараб жўнайди.

У Бухоро одатича эрталаб барвақт икки челақ мева-чева кўтариб келган эди.

Ўғлининг уйи – унинг уйи. Мухими, унинг келиши ҳар гал ўғли, келини, невараларини ҳаяжонга солар, улар учун байрамга айланарди. Муслим бобо ўзи ҳам ҳаяжонланар ва кўз тегмасин, деб бу “кўтаринкилик”дан кўнглида бироз кўрқарди.

Ўша куни ҳам шундай ҳолат юз берди. Ҳамма нарса беозор, хуррам бошланди.

Нонуштадан кейин Муслим бобони яна бир қучиб-ўпиб неваралари Анвар ва Шахло мактабга кетишди.

Улар билан изма-из:

– Зерикманг, дада, – деб қўйиб, Абдулазиз билан Латофат ўз ишларига йўл олишди.

Муслим бобо шошмай таҳоратни янгилади. Жойнамоз тўшаганича, қиблага қараб ўтириб, шукрона намози ўқиди. Сўнг, бошини кўксига солинтириб ўтирганича, ўтган бутун ҳаётини эслади.

– Поко Парвардигор! Ожиз ва осий бир бандангман. Лекин доим Сенга инондим ва Сенга таваккул қилдим. Неки имтиҳонинг бўлса, кўтардим. Йиллар бўйи юрагимда йиғилган бир ҳасрат, бир алам бор. Гоҳо чидаёлмайман. Бир ерда ўтиролмайман. Исён, деб қабул қилма, Эгам! – шуларни ўйлаб, кўзлари ёшга тўлди. У барча фарзандлари, невараларини дуо қилди. Уларни Худо бало-қазолардан асрашини тилади.

Бу уйда бўлган пайти унинг учун неваралари мактабдан қайтишини кутиш, бирга тушлиқ қилиб, ота-онадан айри холда, улар билан осойишта суҳбатлашиш муҳим эди. Болалар ота ёки оналарига айтолмаган гапларини боболарига айтишарди! Олдинлар сабри етмай, невараларини кўчага чиқиб қаршиларди. Ўшанда унга баъзан ўғли билан келини бепарво эканликларидан болаларини ўз ҳолига ташлаб қўйгандек туюларди. Йўқ, тезда таскин изларди. Барибир, у ҳар куни бу ерда эмас. Ўғли билан келини ишли, болалар эса бир қаричлигидан

мустикал ўсаепти. Балки шуниси ҳам яхшидир! Энди Анвар – ўн олти, Шахло – ўн тўрт ёшда. Кап-катта. Хавотирланиш ортикча! Шуниси ўйласа-да, ич-ичидан токатсизланарди... Қандай бўлмасин, неваралар келгунича вақтни ўтказиш керак!

Диванга чўзилиб, жилла ором олишга уринди.

Кўзи илинган экан, афт-ангори ғира-шира хотирасида қолган дехқон отаси, қаримай туриб эгилиб-букилган, эркакдан зиёд умрини ерда, далада ўтказган юпун-бечора онаси, она қисматини қайтарган суюкли Шокира хаёлида яна жонланишди.

– Поко Парвардигор! Улар балки ҳеч бир гуноҳсиз бандалар эмас эдилар. Лекин Сен уларни ўз мағфиратингга ол! Сенга инондим ва Сенга таваккул қилдим... – шуларни ўйлаб, ўрнидан турди. Неваралар келгунича вақтни ўтказиш керак!

Нари-бери юра бошлади. У ён-бу ён қаради.

Эшикнинг икки қулфидан бири бузуқ. Йўлак ва ювинадиган хонада чироқ куйган... Абдулазиз бир коллежда дарс беради. Иши кўп. Латофат катта бир идорада ҳисобчи. Гоҳо уйга дафтар кўтариб келиб, кечалари ҳам рақам санайди. Умуман, булар уй билан шуғулланмайди. Буни болаларга қолдирган... Эшик қулфини тузатди. Ҳаммаёқда чироқни “ярақлатиб” қўйди. Қачон бу уйга келса, шундай ишларни ҳам ўринлатарди.

Пешин намозини ўқиди.

Неваралар ҳамон келмаётган эди.

Ўғли учинчи қаватда туради. Ҳовли кафтдагидек кўринадди. Рўпарада яна бир тўрт қаватли уй. Орада болалар ўйнайдиган майдон, яккам-дуккам дарахтлар. Сўнгги йиллар бўйи чўзган дарахтларни кесишганидан, иккала бинонинг ҳам юқори қаватлари яланғочланиб, офтоб тиғи тўғри санчиладиган бўлиб қолган. Ёзда бу қаватларда турадиганларга қийин.

Ҳовлининг бир томони – шариллаб машиналар ўтаётган катта йўл. Иккинчи томонда – олдинлар клубми, чойхонами бор эди, уни бузиб, бировлар икки қаватли серхашам икки

уй курган. Тепадан уларнинг фаввора ўрнатилган гулзор-ховлилари кўришиб турибди.

Муслим бобонинг нигоҳи майдон, яккам-дуккам дарахтлар томон қайтди. Бир дарахт остида ит билан мушук ёнмаён чўзилиб ётарди. Бехос итнинг кулоқлари диккайди, у, унга кўшилиб мушук катта йўл томон югуришди. Муслим бобо дикқат қилиб, Анвар билан Шахло келаётганини кўрди. Ху-дога шукур!

У деразадан узоқлашди. Бориб эшикни очди.

Болалар тўртта бозор нон билан бирга, негадир бўлка нон ва икки қути туйилган балиқ кўтариб келишган эди... Латофат сахардан гўшт козуриб қўйган экан, Шахло картошка арчиб, Анвар пиёз, помидор тўғрашга тушди. Ана-мана кабоб пишди... Тушлиқдан кейин, ака-сингил бўлка нонни бурда-лаб, туйилган балиққа аралаштиришди. Гўшт чиқиндилари, овқатдан қолган суякни йиғиб идишга солганча эшикка йўналишди.

– Бобожон! Ҳозир келамиз, – деди Анвар.

– Кўчадаги ит-мушукларни боқяпмиз, – деб тушунтирди Шахло.

– Уларнинг эгаси йўқми?

– Бўлмаса керак. Бечоралар оч. Овқат бермаса, ўлиб кетади.

Муслим бобо невараларининг “бу иши”дан беҳабар эди. Ажабланди. Улар чиқиб кетгач, хаёлга чўмди... Олдинлар шаҳарда иши чиқса, эшак миниб келарди. Абдулазиз ўқиб юрган йилларда ҳам шундай эди. Пайти етиб, қари эшак ўлди. Қишлоқда энди бу содда, меҳнатқаш ҳайвоннинг ўзи йўқолаётган эди. Кўпчилик ҳозир машинада, мотоцикл, велосипедда юради. Ана, тўнғич ва кенжа ўғиллари – Абдуҳаким билан Абдурахимнинг ҳам машиналари бор, шаҳарга тушганида улардан бири, кўпинча Абдурахим уни келтириб қўяди, қайтганида олиб кетади. Абдулазизнинг уйига кирса-кирди, вақти бўлмаса, салом айтиб кетаверади, фермада ишлайди, иши кўп. Қизи Мўмина эри билан кажавали мотоциклда юришади. Қишлоқ олдингидан буткул ўзгарган. Катта йўллар очилиб, иморатлар ҳам шаҳардагидан қолишмайдиган тусга

кираяпти. “Қишлоқ шаҳарга ўхшаб бораяпти” дейишади. Бу тараққиёт, ҳар қадамда имконият – яхши! Лекин қишлоқ қани? Қундан-кун йўқолаяпти. Олдинги на ҳовуз, на кўл, на тўқай. Бу кун атрофда бўрими, тулкими, куёнми, тошбаками қирилиб кетаётган аҳволда. Қушлар камайган. Баъзан одамлар, бу йил лайлак келмади, деганини эшитасиз. Дарвоқе, ит билан мушук ҳам ҳовли ёки кўчада олдингидек кўринавермайди. Қисқаси, вақти етиб, Лабиҳовузда Афанди минган эшакни кўрган болалар, бу қандай ҳайвон, деб сўрайдиган кунлар келмайдими?! Тараққиётсиз яшаб бўлмайди. Лекин унинг соясида инсонни оламга, бири-бирига бепарво, кўр ва қар ҳолга солаётган ғафлат ҳам беркиниб ётмаганмикан?! Бу кун қоплондан кийиккача номи “Қизил китоб”га кириб, кўриқхонада сақлангани, эшакдан ит-мушуккача йўқолиб бораётганига уйғун тарзда эртага бутун бошли ўзини асраёлмаган, ҳимоясиз халқлар, миллатлар бирин-сирин йўқолиб кетмайдими?! Эй! Бу куннинг ўзидаёқ Ер юзида...

Муслим бобонинг хаёли бўлинди. Кўчадан беҳос қарс этган ўқ овози ва қандайдир шовқин эшитилди.

У безовталаниб, уйдаги омонат шиппақда йўлакка отилди. Ташқарига ошиқди. Йўлак эшигидан чикқанида, совуқ бир манзарани кўрди.

Анвар билан Шаҳлонинг нақ оёқлари остида жилла бурун Муслим бобо деразадан кўрган ит оғзидан қон оқиб узала ётар эди. Афтидан, дарахтга сакраб чикқан мушук – баланд бир шохда ярим ўгирилиб пастга бақрайиб қараб турарди. Овқат ерда сочилган эди.

Беш қаватли уйлардан ён томондаги икки қаватли уйлар қаршисида – қўлида ов милтиғи, эғнида яланг кўйлак, аммо бўйинбоғ таққан йўғон бир киши. У болаларга дағдаға қилаётган эди:

– Сенларни неча марта огоҳлантирганман. Бу ерга қутурган ит-мушукни йиғма, деганман.

– Қутурган бу, сен! – деди Анвар.

– Қотил! – деди Шаҳло.

– Ўғри! Катта дарахтларни кесдириб, уйингга ишлатганингни ўзим кўрганман.

Муслим бобо невараларига яқинлашди.

– Тўхтанглар! Уйга қиринглар! – деди уларга.

Улар бобосига итоат қилиб, бошини эгганича уй сари юрди.

– Сенларни ҳали ўйнатаман! – орқадан болаларга бақирди йўғон киши. – Айтганимни қиламан. Менга мумкин!

Муслим бобо унга юзланди.

– Зўр экансиз, йигит. Лекин Худодан зўр эмассиз! Бировга жон ато қилолмайсиз! – шундай деб у ҳам невараларига эргашди.

Ғазабдан дағ-дағ титраётган эди. Балки атрофдаги уйларда яшаган кишилар аксари мусулмон эмасдир. Аммо милтиқ тутган мана бу шахс – аниқ номусулмон.

Булар тўғри-эгри ҳар хил йўл тутиб, шохлар саройидек уйлар кургани майли. Эртага боласи яхши яшашини ўйлайди! Тушуниш мумкин. Бирок буларнинг кўпчилиги барча болалар эртага яхши яшашини ўйламайди-да! Топган-йиққанини милтиқ билан кўриқлайди. Ўз кўрғонига итни ҳам яқинлаштирмайди!

Ғуноҳ қилишдан кўркмайдиган кишилар бор дунёда.

Улар давраларда гўзал-гўзал сўзлайдилар.

Улар кўчаларда, дунёни ўз қўли билан беагандек, хиромон-хиромон юрадилар.

Улар ақлли, истеъдодли. Лекин уларни бир одам ёки бир ҳайвоннинг аҳволи мутлоқ қизиқтирмайди!

Муслим бобонинг кўзи олдида, Анвар ва Шахло ёнида, қишлоқдаги неваралари саф чеккандек бўлишди: Аброр, Аҳрор, Наби, Абдукарим, Райҳон, Назокат, Дилноз...

У ўзи каби фарзандлари, невараларига ҳам дунёда яшаш осон кечмаслигини ҳис этди. Хўрсинди.

Ҳазрат Саййид Мир Кулол! Мадад беринг.

Ҳазрат Баҳовуддин Нақшбанд! Мадад беринг.



Тоҳир МАЛИК

Ўзбекистон халқ ёзувчиси
(1946 йилда туғилган)



ҚАРҒИШ

Бола ўлик туғилди. Бир кун ўтмай хотини ҳам жон берди. Жаноза куни шомдан кейин туғруқхонанинг бош врачидан элчи келиб, бир коп сабзи-пиёз, ярим коп гуруч, қўйнинг сон гўштини ташлаб кетди. Эрталаб пайдо бўлган иккинчи элчи бош врачнинг ҳукумат мукофотига номзоди қўйилганини айтиб, “ғалва чиқармай ўтиринг, хўпми”, деди. Тайинламаса ҳам “яхши қарамаганликларинг учун ўлди”, деб туғруқхонадагилар билан даъволаниш нияти йўқ эди. У ердигиларга пул беришга қўли калталиқ қилган эди, энди даъволашишга тили калталиқ килди.

Хотини “Тўртинчи болани тукқанимдан кейин тўхтатамиз. Шуларни эплаб боқиб, катта қилиб олсак ҳам катта гап”, деган эди. Тўртинчисини туғди ҳам, ўзи билан олиб кетди ҳам... Учтасини боқиб, катта қилишни унинг зиммасига юклаб кетди... Каттаси ўн учда, кичиги ҳали икки ёшга ҳам тўлмовди. Бировлар хотинининг дунёни эрта тарк этганига, яна бировлар унинг ўзига ачинишди. Бу дунёдан кетганларнинг кабрдаги ҳаётини кўпчилик ўйламайди, тўғрироғи, билмайди. У ҳаёт Яратганнинг Ўзигагина маълум. Аммо уч бола билан бева



қолган эрнинг тақдирини ўйловчи яқинлари унинг эртанги кунидан, норасидаларнинг қисматидан ташвишланишди.

Бева эрнинг муаммосини ҳал этиш осондай туюлади. Биронтасига уйланса яна бахтини топгандай бўлади. Лекин болаларнинг бахт топишлари мушкул. Уйларига дунёдаги энг меҳрибон ўғай она кириб келса ҳам кемтик бахтларининг ўрни тўлмайди.

Эргашнинг уйланишига доир фикрлар яқинларининг хаёлида жаноза куниеқ уйғонган бўлса-да, мархуманинг қирқидан кейин тилга кўчди. Эргаш табиатан ялқовроқ бўлгани учун рўзғор ташвишларининг бир учини эмас, асосий қисмини хотини кўтарарди. Томоркани ҳам эпларди, тўйи бўлаётган келинларнинг кийимларини тикиб беришга ҳам улгурарди. Чеварлиги атроф қишлоқларга тарқгани учун, айниқса, тўй мавсумлари қўли-қўлига тегмасди.

Хотинидан кейин томорқа ҳам қаровсиз қолди. Болаларнинг бетларидан қон қочиб, сарғая бошлашди. Қишлоқ одадига кўра, бева эрнинг бир йил давомида уйланиши айб саналса-да, қариндошлар кенгашиб, бу муддатни икки ойга келтиришди. Аёллар зиммаларидаги вазифаларини тез бажаришди – шаҳарга яқинроқ қишлоқда яшовчи хотиннинг чиройи кўнгилга чирок ёқа оладиган даражада бўлмаса-да, икки марта турмуш қуриб фарзанд кўрмагани учун, Эргашга маъқул келди. Қариндошлар йиғилишиб, никоҳлаб қўйишди. Раҳиманинг қўл-оёғи чакқонгина эди. Рўзғор ташвишларини зиммасига олди. Аммо қўл-оёғига мос равишда тили ҳам чакқон эди. Бир ҳафтадан кейин ялқов эрини гап ўтида қовуришни бошлади. Тиғли гаплари Эргашга таъсир этмагач, заҳрини болаларга сочишга ўтди. Эргаш унинг фарзандсизлигини эшитганида “тирнокка зор бўлса болаларимга меҳр қилар”, деб ўйлаганди. Чиндан ҳам Оллоҳ тирнокка зор аёллар қалбига етимларга нисбатан меҳрни мўл-мўл беради. Лекин бундай аёллар орасида юрагини меҳр эмас, аламзадалик заҳри билан тўлдирганлари ҳам учрайди. Бу хотиннинг исми жисмига, айниқса руҳига мос эмас, “Раҳима” аталгани

билан қалбида раҳм-шафқат озрок эди. Агар рўзғорни Эргашнинг ўзи тебратганида, эҳтимол, унинг тили ҳам, кўли ҳам узун бўлмасмиди... Бир тарафдан фарзандсизлик алами, иккинчи томондан эрнинг дангасалиги, ғайратсизлиги ундаги ғазаб денгизини тўлдириб-тошириб юборарди.

Раҳима биринчи эрини яхши кўрарди. На қилсин у бечора, ширин турмуши беш йил давом этди. Иккинчи эри ҳам ёмон эмасди. Лекин у ҳам фарзанд талабида эди. Бунисида бундай талаб йўқ, фақат қорин ғами бор. Раҳима қисматиға шукур қилувчилардан эмасди, ўз тақдирини лаънатлашга қоникмай, эрини, кейин болаларни ҳам қарғай бошлади. Қарғаб-қарғаб ургани билан, болаларни оч-наҳор ташлаб қўймасди. Кичкинтойнинг иштонларини ювишдан ирганмасди. Эргаш шунинг учун ҳам унинг заҳарликларига чидади.

У-ку чидади, бироқ болаларнинг чидаши қийин эди. Бу уйдан чиқадиған ҳар бир товушга зийраклик билан қулоқ тутувчи холаларнинг чидамлари ҳам узокқа бормади. Эргашнинг қатта қайин эгачиси болаларни кўргани келган куни ўртанча ўғил дастурхонга чой тўкиб юборди. Раҳима “ҳа, шумгина етим!” деб қарғанди-ю, чап кўли билан тарсаки туширди. Ўртада қиёмат ғалваси бошланиши учун шунинг ўзи кифоя қилди. Бир-бирларининг сочларини юлишмади-ю, бироқ тиллари билан бир-бирларига қафан бичишди. Охири Раҳима “Болаларға раҳминг келса, олиб кет!” деб ҳайқирди. Хола эса “Олиб кетаман, Худо бекорға сени уриб қўймаган экан!” деб жавоб қилди.

Бу онда Эргаш чойхонада улфатлари даврасида яйраб ўтирган эди. Уйга хуфтонда ширақайф ҳолда қайтиб, ғалати манзараға дуч келди: хотини айвонда ўтириб олиб қўл-оёқлари юлиб ташланған қўғирчокнинг бошиға игналар санчарди. Бу уйда ўғил болалар қўғирчок ўйнашмасди, қайдан топди экан, деб ўйламади. У хотинининг ҳаракатиға тушунмай анграйиб қолди. Раҳима эрининг келганини кўрса ҳам, ўрнидан жилмай, ишини давом эттирди. Эридан “Нима қиялсан?” деган саволни қутди. Эргаш анқайиб туравергач:

– Ҳа, кўча хандон, уй зиндон, келдингизми? – деб минғирлади.

– Келдим, – деди Эргаш. – Нима қиялпсан?

– Илму амал қиялпман.

– Бу нима деганинг?

– Ҳали қайнэгачингиз келиб сасиб-сасиб кетди. Жиянларига ачиниб, олиб кетмоқчи. Менинг яхшилигимни билишмади уруғларингиз. Сиз ҳам билмайсиз. Худо олсин ҳаммаларингни. Мени ёмон деганларинг учун, энди ёмонлик қанақа бўлишини мендан кўрасанлар. Болаларингизни мана шунақа жоду қиялпман. Агар холаси эртага олиб кетмаса, учаласи бирин-кетин тил тортмай ўлади. Энди болаларингизнинг бу уйда туришлари мумкинмас, ҳатто шу кўчадан ўтишса ҳам ўлишади. Мени ҳайдайман, деб овора бўлманг, фолбин жоду қилиб кўйди: бу уйдан чиқиб кетган куним болаларингиз ўлишни бошлайди. Менга энди барибир, нима қилсангиз қилаверинг.

Бу гапларни эшитиб, Эргашнинг бутун бадани музлаб кетди. Хотини охирги гапни айтмаганида муштини ишга солиши, кейин уни ҳайдаб солиши аниқ эди. Эргаш чорасиз қолди. Хотинини сўқишга ҳам тили бормади. Такдирини лаънатлади-ю, ҳовлига чиқиб бирпас туриб қолди. Кейин божасиникига қараб юрди. Қайнэгачиси уни нохуш кайфиятда қаршилади. Бир-икки пиёла чой ичилиб, болалар қисматидан гап очилгач, кун бўйи тўплаган барча захрини Эргашга соча қолди. Эргаш “Менда нима айб? Бу хотинни ўзим топиб уйланибманми?” деса ҳам осон қутула олмади. Яхшики, Раҳиманинг жоду ҳақидаги гапларини айтмади. Айтганида балолар дўли остида қолиб кетиши аниқ эди. Эргаш “Хотиним инсофга кириб қолгунича болалар сизларникида турса бўлармикин?” деб илтимос қилишга оғиз жуфтлаганида қайнэгачиси болаларни эрталаб олиб келишини билдириб, мушқулини осонлаштирди. Бу қарорга божаси монелик қилмади.

– Етимларнинг ризқлари ўзлари билан бўлади. Бу қисмат барчамизга бир синов, етимлар баҳонасида савоб амалла-



римизни кўпайтириб оламиз, – деди. Ўзининг тўрт фарзанди ёнига яна уч етимнинг кўшилиши оқибатида тирикчилик аравасини тортиш мушкуллашиши ҳақида гап очмади. Фақат Эргашни кузатиш чоғида “Аҳли аёлингизга насиҳат қилишдан чарчаманг, етимларнинг кўнглини оғритиб, гунохкор бўлиб қолмасин, бунинг жазоси оғир бўлади”, деб кўйди. “Бу гуноҳга сиз ҳам шериксиз”, демоқчи бўлдию божалик хурматини сақлаб, тилини тия қолди. Эргаш эса божасининг оғохлантиришини унутиб юбориладиган оддий бир гап ўрнида қабул қилди.

Раҳима болаларни чиқариб юборишни истаётган бўлгани билан уларнинг бу уйда ўлишларини хоҳламас эди. Эрини кўркитиш учунгина айтганди. Лекин кўғирчоқнинг бошига игналар санчаётганини катта ўғил – Йўлдош эшик тирқишидан кўриб ўтирганди. Ўсмирлик остонасида турган бола ўғай онасининг гапларини эшитиб титраб кетди. Жоду ва ўлим ҳақидаги гап Эргашнинг баданини музлатган бўлса, Йўлдошни ҳушидан кетгизай деди. Онасининг ўлими фожиасидан ҳали ўзига келмаган бола укаларининг ҳам ўлиб қолишини тасаввур этиб, кўрқиб кетди. Ярим кечаси укаларини уйғотиб, уйдан қочишни ҳам ўйлади. Лекин холасининг “сенларни эртага олиб кетаман”, деган гапига ишониб, фикридан қайтди.

Холаси алдамади. Нонушта пайтида келди. Йўлдош ўғай онасининг уришиб беришидан кўрқиб, иштаҳаси бўлмаса ҳам нон чайнаб ўтирган эди. Холасини кўриб, кафасдан қутулган куш шодлигида енгил тортди. Бахтига, холаси ўтирмади, кечаги жанжални давом эттирмаслик учун “Йўлдошжон, болам, нарсаларингни тезроқ йиғиштир”, деди. Йўлдош олиб кетадиган кийим-кечак, дафтар-китобларини кечаси тайёрлаб кўйганди. Укаларига “холамникига бориб ўйнаб келамиз”, дегач улар қувнашди. Ўзининг назарида онасининг руҳи кезиб юрадиган, онасининг ҳиди анкиб турадиган бу уйни, бу муқаддас гўшани бутунлай тарк этаётганини билгани учун юрагини биров юлиб олгандай бўлди.



...кечалари онаси келгандай бўларди. Ок шарпа кўринишида кириб келган онасининг бағрига ўзини отарди. Онаси билан гаплашарди...

...энди... онаси кириб келганда уни ким кутиб олади? Онаси уларни қидириб бўзламайдими?..

Кўчага чиқиб, йигирма қадамлар юргач, ортига қаради. Ўғай онасининг дарвоза олдини супураётганини кўриб ажабланди. Бу онда холаси ҳам қарадию, супуришдан мақсадини фахмлаб “Ҳа, қилиғинг курсин!” деб кўйди. Бирон бир ёкимсиз меҳмоннинг яна қайтиб келишини истамаган аёл унинг кетидан супурарди ёки майда тош отиб кўярди. Раҳиманинг супура туриб изларидан майда тош отганини кетувчилар билишмади.

Боланинг хаёлот олами ғоят бой бўлади. Катталар энг яқинларининг ўлимига тез кўникишади, ҳатто унута бошлашади. Бола кўника олмайди. Марҳум уларнинг хаёл оламида яшайверади.

Холасиникига кўчиб боришгач, биринчи тунда Йўлдош безгакка учраган каби тўлғониб чикди. Онасининг бу уйга ҳам кириб келишини кутди. Неча бор қаддини кўтариб, укаларига тикилиб ўтирди. Ўғай онасининг жоду ҳақидаги гапларини эслаб, яна титради.

Эртасига мактабга отланаётанида укаларига “уйимизга бормаларинг, кўчамиздан ҳам ўтмаларинг”, деб тайинлади. Кенжатоё унинг гапига тушунмади. Бош ирғаб кўя қолди. Аммо ўртанча ўғил “Нимага?” деб сўради. Йўлдош “Агар ўғай онамиз кўриб қолса, дўппослайди”, деб уни кўрқитди.

Кунлар ўтаверди. Йўлдош адасини соғинганида чойхонага қараб ўтарди. Бора-бора адасини камроқ кўришга ўзи ҳам, укалари ҳам кўникишди. Дастлабки кунлари “адамга борайлик”, деб ялинадиган укалари хархаша қилмай кўйишди.

Бунга Эргаш ҳам кўникди. Божасининг уйи узок эмасди, болаларини ҳар куни келиб кўриб турса ҳам бўларди. Раҳима билиб қолган тақдирда ҳам “нега болаларга серқатнов бўлиб қолдингиз!” деб тўполоқ қилмасди. Қуруқ кириб боришдан уялиш баҳона бўлиб, узоқлашаверди. Чойхонага бир кун

чикмаса гангиб қоларди, ҳаётини чойхонадаги улфатларисиз тасаввур қила олмасди. Лекин болаларини узок вақт кўрмай, соғинчсиз яшай олиши мумкин эди...

Ота шундай бўлгач, болада соғинч қоладими? Йўлдош отасиз яшашга ўргана борди. Бирок онасиз яшашга кўникиши оғирроқ бўлди. Отани соғинмай яшаш мумкин, лекин уй соғинчига чидаш мушкулроқ экан. Йўлдош пайт пойлаб, ўгай онаси йўқлигида уйга кириб чиқишни ҳам ўйладию, жоду ва ўлим ҳақидаги гапни эслаб кўрқди. Бир куни кенжатоё ўзбошимчалик қилиб уйига бормокчи бўлибди. Аранг ушлаб қолишибди. Мактабдан келиб, бу хабарни эшитган Йўлдош баттар кўрқди.

“Энди болаларингизнинг бу уйда туришлари мумкинмас, ҳатто шу кўчадан ўтишса ҳам ўлишади...”

Йўлдош шундай бўлишига, кўчаларида ўзиними ё укалариними ажал пойлаб турганига ишонарди. Дардини холасига айтса, у бориб Раҳима билан жанжаллашарди, ўгай она эса яна қарғарди... Йўлдош шундан чўчиди. Ўйлай-ўйлай, жодудан кутулиш чорасини топди: ярим кечада турди-да, “Ўлсам ўзим ўлиб қўя қолай, укаларимга тегмасин”, деган қарорда уйига қараб юрди. Кўрка-писа қадам босди. Дарвозаси каршисида пича турди. Қўшқанот темир дарвоза ўртасидаги эшик ғийкиллаб очилиб, ўгай она кўринишидаги ажалнинг ташланиб қолишидан кўрқиб, титради. Йўк, эшик очилмади. Ажал ҳужум қилмади. Аксинча, ховли ёришгандай, дарвоза ортида онаси юргандай бўлди. Беихтиёр равишда эшикка қўл узатди. Онаси тириклигида эшикни сира тамбаламасди. Аксинча, эрта саҳар туриб, “хонадонимизга Худо барака киритсин”, деган ниятда эшикни қиялаб очиб қўярди. Раҳима келгач, шом қоронғиси тушиши билан эшик тамбаланадиган бўлган эди. Бир куни Эргаш “намунча кўркасан, бўри ейдими?” деб танбех берганида, “ўрисларнинг мақоли бор: “Ўзингни эҳтиёт қилсанг, Худо ҳам сени сақлайди”, деб жавоб қайтарганиди.

Йўлдош бу тун ўгай онасининг одатини унутиб, эшикни очмоқчи бўлган эди...

Ўша тун ажал чанг солмаган бўлса-да, кун давомида кўрқувдан кутулмай юрди. Ранги оқарганини, иштаҳаси тортилганини холаси сезиб, “касалмисан?” деб пешонасини ушлади, кейин бетидан ўпди.

Икки кундан кейин кўчасига яна борди. Бу сафар кўпам кўркмади. “Ўгай онамнинг қарғиши менга ура қолсин”, деб Худодан сўради.

Шундан сўнг уйқуси ўчган тунлари ўрнидан туриб, уйи атрофини айланиб келишни одат қилди. Бир куни холасидан “Биров бировни қарғаса, бу қарғиш неча кундан кейин уради?” деб сўради. Холаси зийрак аёл эди. Унинг мақсадини англаб, бошини силади:

– Яшшамагур ўгай онанг қарғаганмиди? Кўркма, унинг қарғиши ўтмайди, – деди.

– Нега? – деб ажабланди Йўлдош.

– Худо уни ёмон кўради, ёмон кўргани учун ҳам шунақа ёмон қилиб яратган. Бунақаларнинг қарғиши ўзига уради. Худо қарғовчи одамларни ёқтирмайди. Бошқаларга яхшилик тилаган одамларни яхши кўради. Болам, сен катта бўлиб қолдинг, укаларинг тушунишмайди. Ўгай онанг ёмон бўлса ҳам, сен унга ёмонлик тилама. Шунда Худо ҳам сени яхши кўради...

Онаси ҳам “Ким яхшилик қилса, Худо уни яхши кўради”, дерди. Ўлимидан икки ҳафта олдин бир қизнинг келинлик сарполарини тикиб берганди. Тикувчилик бу кишлоқда ўғил боланинг ҳунари ҳисобланмаса-да, Йўлдош онасига кўмаклашишни ёқтирарди. Айрим ишларга қўли ҳам келиб қолганди. Бўлажак келин келиб, тайёр бўлган сарполарини кийиб кўргач, кўзлари ёшланди. Онаси ажабланди. “Қуёв болага кўнглингиз йўқми, зўрлаб узатишяптими?” деб сўради. Қиз пастки лабини тишлаб, ёшли кўзларини жавдиратиб тураверди. Онаси “Ҳозир ёқмаса, кейин кўнглингиз юмшайди, ташвишланманг. Қиз боланинг тақдири шунақа оғирроқ бўлади”, деб унга далда берган бўлди. Шунда қиз йиғи сабабини айтди: тикувчининг ҳақини беришга ночорлигини билдирганида онаси уни қучиб, пешонасидан ўпди-да: “Сингил-

жоним, бу тикканларим тўйингизга холис бир хизмат. Мендан сизга тўёна. Худо менга бу сафар қиз берса, уни узатаётганим-да сиз ҳам тўёна қилиб узарсиз”, деди. Қиз қувониб, раҳмат айта-айта кетгач, онаси “Бизнинг ризқимизни Худонинг Ўзи беради. Яхшилик қилиб, Худонинг муҳаббатига етиш мумкин экан”, деган эди.

“Ҳаммага яхшилик қилаверганлари учун Худо яхши кўриб, чакириб олдимикин?”

Дунё ва охират савдоларидан беҳабар боланинг онги шу фикр билан банд эди.

Холаси насихат қилмаса ҳам, Йўлдош ўғай онасига ёмонлик тиламаётган эди. У дадасининг бу хотинни ҳайдаб юборишини, укалари билан уйларига қайтиб, тўртовлон бахтли-саодатли яшашларини истарди, холос...

Йўлдошнинг илмга муҳаббати зўр эди. Муаллимлари уни мактай-мактай, шаҳардаги лицейга юборишни таъкидлайверишгач, холаси кўнди. Шаҳарда ўқишнинг харажати оиланинг моддий аҳволига таъсир этса ҳам, сингисининг арвоҳи хотираси учун бу заҳматни ҳам бўйнига олди. Бу заҳмат уч-тўрт ҳафтагина давом этди. Холасини кутилган қийинчиликлардан Йўлдошнинг одоби, зехни халос қилди. Бадавлат оиланинг ёлғиз фарзанди билан ёнма-ён ўтириб, дўстлашиб қолган Йўлдош унинг дарс тайёрлашига ёрдамлашди. Ҳатто қўшимча дарс берувчи зукко муаллимига айланди. Ўзини тутиши бу боланинг ота-онасига ҳам маъқул келиб, уйларидан бир хонани ажратиб беришди. Уларнинг “Етимга қараш савоб”, деган тушунчаларига, Йўлдошнинг эркатой ўғилга ҳар томонлама далда эканидан қаноатланиш ҳисси қўшилди. Гарчи хизматкор бўлса-да, ҳовлининг юмушларини Йўлдош ўз зиммасига олиб, уларни қувонтирди.

Икки йил давомида Йўлдош бу оиланинг фарзанди мартабасидаги иззатга эришди. Эркатойнинг илм олишга зехни ўткир бўлмаса-да, интилиши бор эди. Унинг камчиликларини Йўлдош тўлдириб, институтга ҳам бирга киришди.

Таҳсилнинг учинчи йили хориж дорилфунуни кўриги талабларини ҳамжиҳатликда бажариб, ўқишга биргалашиб кетишди.

Йўлдош инглиз тилини яхши билгани учун хориждаги талабалар билан тез дўстлашди. Дўстига “чет элдаги ўқишни битириб келган” деган номнинг ўзи кифоя қилгани учун, илм олишга қаттиқ киришмади. Бир гўзалга ишқи тушгач, дарс тайёрлашга тоқати етмай, Йўлдошни ўз ҳолига қўйди.

Ётоқлари ўрмонга яқин бўлгани учун Йўлдош бўш вақтини, айниқса, якшанба кунини дарахтзорда ёлғиз ўтказарди. Ўшандай кунларнинг бирида ўрмонга ўт тушди. Ер юзида шундай бало офати бўлиши мумкинлигини у тасаввур ҳам қилмаган эди. Катталарнинг “Эй Оллоҳим, сув балоси, ўт балоси, курук тухмат балосидан Ўзинг асра!” деб дуо қилишлари бежиз эмаслигини шу ёнғинни кўриб англади. Сув балоси – сел ўзининг юртида ҳам бўлиб турарди. Гарчи ўзи дуч келмаган бўлса-да, тухмат балосининг қандай фожиалар ёғдиришини эшитган, ўқиган. Лекин бунақа ўт балосининг даҳшатига энди дуч келиши эди. Назарида ўрмонга юз бошли аждаҳо макон куриб олиб, тинмай ўт пуркаётгандай эди. Эрталаб эсаётган майин шабада қаердандир куч олиб, шамолга айланган, алангани у дарахтдан олиб, бунисига урарди. Бир неча ҳафталик сувсизликдан ҳолсизланган дарахт шохлари олов тилига дош беролмай тезлик билан ёна бошларди. Олов дарахтлар орасидаги уйларни ҳам ямлаб-ямлаб олға интилавларди. Аҳолининг чакконроғи қочишга улгурган, қолганлари тириклайин куярди.

Бу даҳшатдан гангиб қолган Йўлдош келган йўлига қараб қоча бошлади. Ёнаётган бир уй яқинидан ўтаётганида қиз боланинг чинқириғини эшитди. Ўзининг жони ҳам қил устида турганига қарамай, у тўхтади. Аланглади. Аланга тиллари ямлаётган дераза ортида ўсмир кизнинг даҳшатдан чакчайган кўзларини кўриб, ўша томон ташланди. Атрофи ёна бошлаган эшик қулфлоглик эди. Йўлдош эшикни тепа-тепа очди. Ичкарига отилиб кирди-да, тутундан бўғилиб ҳушсизланган



кизни кўтарганича изига қайтди. Ҳозиргина кириб келган эшик оғзи аланга билан тўсилган эди. Ўйлашга, чора излашга фурсат йўқ эди. У таваккалига ўзини аланга оғзига урди. Ташқарига чикқанида ўзининг ҳам, кизнинг ҳам кийимлари ёна бошлаган эди. Юзлари ачишиб, кўнгли айниди, боши айланди. Кимнингдир қораси кўринди...

Бу онда уй соҳиби келиб қолиб, уни ерга йикитганича оловни ўчирганини, машинасига ўтқазиб бу дўзах балосидан кутқариб олиб чиқиб кетганини шифохонада хушига келгач билди. Қизнинг бобоси ўзини мистер Белден деб таништириб, дунёдаги ёлғиз юпанчини ўлимдан сақлаб қолгани учун раҳмат айтди. Мистер Белден шифохонага кунда икки марта келиб, Йўлдошнинг ҳолидан хабар олар, изига қайтишга шошилмай, суҳбатлашиб ўтирарди. Шундай суҳбатларнинг бирида ўғли билан келинининг йўл фожиасида ҳалок бўлганини, ўзи набираси билан ёлғиз қолганини айтди. Йўлдош ўзининг ҳаракатини қаҳрамонликка йўймаган, чолдан бир нима тама ҳам қилмаган эди. Ҳақто қимматбаҳо шифохонадаги муолажа ҳақини тўлаганини билиб озгина хижолат ҳам бўлди. Йўлдош шифохонадан чиққач, мистер Белден уни шаҳар марказидаги қасрмонанд уйига таклиф қилди. Йўлдошнинг куйган юзидаги доғларни кетгазиш учун шифокор билан гаплашиб кўйганини айтди. Кейин “Менинг мулким набирамга аталган эди, сен уни сақлаб қолдинг. Энди меросга тенг шериксан”, деб Йўлдошни ҳайратга солди. Йўлдош бундай марҳаматни қабул қила олмаслигини айтса ҳам, у ўз қарори қатъий эканини билдирди-да, ўзи ва оиласи ҳақида батафсил гапириб беришни талаб қилди. Йўлдош бошидан ўтганларнинг ҳаммасини ҳасрат дастурхонига тўкмади. “Онам вафот этганларидан кейин отам уйландилар, икки укам билан холамни-кида яшадик. Укаларим ҳозир ҳам ўша ерда”, дейиш билан чекланди. Шунда мистер Белден холасининг манзилини айтишни талаб қилди. “Миннатдорлигимни баён қилиб, укаларингга совға юбораман”, деди. Йўлдош айтди, лекин бу одамнинг кўп миқдорда пул юборишини ўйлаб ҳам кўрмади.



Йўлдошнинг даласидан нарида нималар бўлаётганидан беҳабар поччаси уммон ортидаги мамлакатдан бир неча минг долларни бу қишлоққа бир неча соатда етказиб берувчи тезкор молиявий хизмат тури мавжудлигини тасаввур ҳам қила олмас эди. Шу боис шаҳарга тушиб пул олиши шартлигини билгач, аввал ишонмади. Кейин ўйлашиб қолди. Бу хабарни Йўлдошнинг шаҳарда бирга ўқиган дўсти етказган эди. Пул нима сабабдан юборилганини у ҳам аниқ билмасди. Поччани ҳавотир сели боса бошлади. Болалиги, ёшлигида чет эл жосуслари ҳақида кўп эшитарди. Хаёлига келган биринчи гумон шу томондан бўлди. “Йўлдош жосуслик қилаётган бўлса, пул беришгандир”, деб ўйлаб, шаҳарга боришдан бош тортди. Қарорини хотинига айтган эди, у ҳам тасдиқлади. Эр-хотин ташвиш тўрига ўралганича қолаверишди. Йўлдошнинг дўсти уйга қайтгач, бу воқеани интернет орқали маълум қилди. Шундан кейин Йўлдош ёнғин воқеасини баён қилмай туриб, бу юртда ҳимматли бир одамга дуч келганини, юборилган пул ҳалол эканини қисқагина қилиб тушунтириб, бу маблағни уйларни таъмирлашга ишлатиш мумкинлигини айтди. Дўсти бунга ёзув дискига муҳрлаб, енгил компьютерини кўтарганича қишлоққа борди. Дискни қўйиб берди. Кичик патнис ҳажмидаги қутичанинг мўъжиза кўрсатиши Йўлдошнинг холасига ҳам, поччасига ҳам ажабтовур эди.

Хуллас, шаҳарга тушиб, пул олинди. Унинг довуғи ўша куниёқ қишлоққа ёйилди. Шубҳасизки, Раҳиманинг қулоғига ҳам етди.

– Вой, савил! – деди у ғижиниб. – Отаси тирик туриб пулни нимага поччасига юборади!

Шундай деди-ю, миясида санчиқ турди. Дори ичганидан сўнг, оғрик сал босилгандай бўлгач, дийдиёсини давом эттирди:

– Боринг, лаллайиб ўтирманг! Отанинг ҳақини чўзиб қўйишсин.

Раҳима ҳадеб силталайвергач, Эргаш эринибгина ўрнидан



турди. Қош қораймаган эди. “Божам даладан қайтмагандир”, деган ўйда чойхонага кирди. У ердагилар ҳам гапни пул ҳақидаги хабардан бошлашди:

– Ўғлинг топармон-тутармон бўлиб кетибди-ю, писмайиб юрасан-а!

– Текин ошни паққос туширишни билади у! Эртанги ош харажати тўлалигича шунинг бўйнида!

– Божанг эллик минг доллар олибди, сенга қанчаси тегади?

Шу гап ғалати бўлди. Унинг уйига етиб келган хабарда пулнинг миқдори йигирма минг доллар эди. Хотинлардан эшитган хабардан кўра чойхонада айтилган гап Эргаш учун ҳақиқат эди. Шу сабабли шом қоронғиси тушишини кутишга тоқати етмай, эллик мингнинг ярмини ундириш мақсадида ўрнидан турди. Божаси ховлидаги сўрида ётган экан, ўрнидан туриб кўришди. Ошхонадан чиқиб келган қайнэгачиси унинг келишдан мақсадини англаб, қўлини сочикқа артганича сўрига яқинлашди. Саломлашиб, сўрашди-ю, лекин эркакларнинг ёнига чиқиб ўтирмади. Гап пойлаш хунук одат эканини билса ҳам, тураверди. Эри гапни чўзмади:

– Оқшом сизникига ўзим ўтмоқчи эдим, Йўлдошбойдан яхши хабар келиб қолди.

– Эшитдим... Пул юборганмиш. Ақлли бола-да, менинг ўғлим...

Бу гапи қайнэгачисига ёкмади. Қўлидаги сочикни сўри суянчиғига ташлаб, унга ғазабли нигоҳини қадади:

– Пул юборгани учун энди сизнинг ақлли ўғлингиз бўлиб қолдими? Ҳар ҳолда бу ёкка хотинингиз юборгандир? Ҳақингизни талаб қилинг, дегандир, а?

Эргаш “ҳа” дейишини ҳам, “йўк” дейишини ҳам билолмай қолди.

– Ҳақни талаб қилишмас-ку... лекин озгина камчикимлигимиз бор... – деди чайналиб.

Қайнэгачиси яна гапирмоқчи эди, божаси томоқ қириб уни тўхтатди.

– Эргашбой, камчиким бўласизми ё кўпчикиммисиз, барибир, бу пулдан сизга беролмайман.



– Ие, ҳаммасини ўзингиз еб кетмоқчимисиз? – деб юборди Эргаш.

– Шуни гап деб гапиряпсизми, божа?! Мен бировнинг ҳақидан ҳазар қиламан. Бу пулни тийинига ҳам хиёнат қилмай сақлаб тураман. Йўлдошбой келганида нима қилишни ўзи билади. Хоҳласа, ҳаммасини сизга беради. Менимча, шундай қилгани дуруст бўлади.

– Нега дуруст бўларкан? – деди хотин бу қарордан норози бўлиб.

– Сен гапга аралашмай, ишингни қил. Ҳар қандай ҳолатда ҳам отанинг ҳақи улуғлигича қолади. Сен жиянингни боққанингни миннат қилма. Биз савобталаб одамлармиз, бунинг унутма.

– Отанинг ҳақи улуғ бўлса, оталигини қилмайдими?

– Бор, ишингни қил!

Божаси яхши гапиргани билан, аҳдида каттиқ туриб, пул бермади.

Эрининг қурук қайтганидан ғазабланган Раҳиманинг бош оғриғи кучайди. Оғриқ эртасига ҳам тўхтамади. Индинига ҳам... Кейин врачга учради. Ёзиб берган дориларини ичди, фойдаси бўлмади. Шаҳар марказидаги врачга ҳам учради. Бир врач иккинчисига юборди, текшир-текшир ҳафталаб давом этаверди, шифодан эса дарак бўлмади. Эргаш доридармонга пул зарур деб, яна божасига йўлиқди. Ўжар божаси Йўлдош юборган пулдан бермади, ўзининг асраб қўйган маблағидан берди. Бу орада Йўлдош таътилга чиқиб, уйига қайтди. Мистер Белден катта жомадонга жойлаган совғасаломлардан қариндошлар мамнун бўлдилар. Йўқловчилар кетишгач, Йўлдош поччасининг кўзига қарамасликка ҳаракат қилиб сўради:

– Уйларни янгиламабсиз-ку?

– Уйни янгилаш қочмайди, сен аввал менга бунча пулни қаердан олганингни айт. Ҳаром аралашган бўлса сендан розимасман.

Қатъий оҳангда айтилган бу сўздан кейин Йўлдош ёнғин



воқеасини сўзлади-да, мистер Белден бериб юборган пулни олиб, унга узатди:

– Уйларни тузатиб, акамни уйлайлик, опаларимни узаттайлик, – деди.

– Аканг билан опаларингнинг ризқлари ўзи билан. Бу пулга ўзингга, укаларингга уй соламыз. Ўзларингни уйлаймиз, Худо хоҳласа. Сен ҳозир отангни ёлғизлатма. Ўгай онангнинг тоби йўқроқ эмиш. Отанг камчикимроққа ўхшайди. Унга ёрдам беришинг керак.

Эргаш ўғлининг қайтганини эшитса ҳам кўргани келмаган эди. Йўлдош эртасига чой, ширинликлардан халтага солиб, тўғри чойхонага борди. Айни дамда Эргаш ўғлининг меҳрсизлигидан нолиб, улфатларига ҳасрат қилаётган эди. Эшикдан кириб келган ўғлини кўрдию, гапи оғзида қолди. Йўлдош салом бергач, халтани чойхоначига узатиб, барча билан алоҳида-алоҳида сўрашди. Кейин яна чойхоначига юзланиб:

– Амак, битта ош дамлайсиз энди. Бу ерларнинг ошини соғинганман. Ош пишгунча дадам билан шифохонага бориб келамиз, – деди.

Шифохонада миядаги оғрик азобида тўлғониб ётган Раҳима Йўлдошни кўргач, кўзларини юмиб олди. Оғрикка чиолмай шундай қилдими ё Йўлдошни кўришни истамадими ёинки ундан уялдими – билиш мумкин эмасди. Аслида кўзларнинг юмиб олинисида учала сабаб ҳам мужассам бўлганди. Ҳол-аҳвол сўралганда, агар бемор тилдан қолмаган бўлса, “Худога шукур”, деб кўйгувчи эди. Тилдан қолган оғир бемор ҳам кўз ишоралари билан шукронасини баён қиларди. Раҳиманинг мияси оғриётган бўлса-да, тили бийронлигига қарамай, жавоб бермади. Кўзларини ҳам очмади. Йўлдош бир неча дақиқа сукутда ўтиргач, даҳлизга чиқиб, бош врач хонаси томон юрди.

– Мияда ўсимта пайдо бўлган, тобора ичкарига қараб ўсяпти. Бирдан бир чора – операция. Лекин отангиз ҳам, онангиз ҳам кўнишмаяпти, – деди бош врач норози оҳангда.

– Нега? – деб ажабланди Йўлдош.

– Юз фоиз кафолатни талаб қилишяпти. Бундай кафолатни ҳеч ким беролмайди.

– Чет элга олиб борсак-чи?

Бу савол бош врачга ёкмай, қошларини чимирди. Чарм муковали дафтарни столи устидан олиб, унга узатди.

– Бу нима? – деди Йўлдош ажабланиб.

– Ишларимиз натижаси. Сиз айтган чет элдаги беморлар бизга келишяпти. Ўқимишли йигитга ўхшайсиз. Истасангиз интернет орқали суриштиринг, – шундай деб сайт номини айтди-да, кўшиб кўйди: – Мен сизни ташвиқот қилмоқчи эмасман. Беморнинг ҳаёти учун ҳар бир кун эмас, ҳар бир соат ғанимат. Чет элга олиб боргунингизча масаласи ҳал бўлади.

Йўлдош отасини бу суҳбатдан огоҳ қилмади. Шахарлик дўстиникига борди-да, компьютер орқали бу хасталикка доир маълумотларни аниқлади. Дунёдаги энг кучли клиникалар рўйхатида бу шаҳардаги шифохона номини ўқигач, бош врачни ранжитганини фаҳмлаб афсусланди. Ундан узр сўраш учун изига қайтди. Сўнг отасини бу гаплардан хабардор қилди. Операциянинг бўлиш-бўлмаслиги Эргаш учун аҳамиятсиз эди. “Ўладиган ҳам ўзи, тирик қоладиган ҳам ўзи, аперайса бўладими-бўлмайдами, ўзи ҳал килаверсин”, деган тўхтамда қатъий эди. Уни кўпроқ бу муолажанинг чикими қизиқтирарди. Йўлдошдан “Бу хотин бизга оналик қилмади, бизни ҳайдаб чиқарди, энди нега мен даволатишим керак?” деган даъвони кутиб, хавотирланди. Йўлдош ўтган зулми эсламади, таъна ҳам қилмади. Узоқ йиллар давомида юрагини тирнаб келган машъум хотира тирнокларини юзага чиқаришга уринмади. Аксинча, даволаш учун зарур бўлган барча чораларни амалга оширишга тайёр эканини айтиб, уни тинчитди. Врачлар тавсия этишса, чет элга олиб бориш имконияти ҳам мавжудлигини билдирди.

Эргаш ўша куниёқ бу хабарни хотинига етказди. Бундан Раҳима қувониши керак эди. Лекин кўнгли баттар ғашланди. Ўғай ўғилнинг марҳаматини қабул қилишни истамади.



– Божангизга боринг, – деди инграб. – Пулни Йўлдош келганида бераман, деганмиди? Ана, келди. Ҳақингизни олинг. Менга садақалари керакмас.

Ёмонлиги учун яхшилик қайтаётганини унинг кашшок қалби қабул қилолмаётган эди. Мия оғриғига энди виждон оғриғи ҳам қўшилганди. “Дорилар таъсир қилиб, тузалиб кетаман”, деган умидда яна бир неча кун ётди. Кучли дорилар ҳам оғрикни қолдиришга ожизлик қилиб қолгач, операцияга розилик берди. Охирги текширув натижаларини кўрган врач бош чайқади. Энди операциядан умид йўқлигини билдирди.

Шифодан умид бўлмагани билан ажал ҳали узоқда эди. Раҳима ўлишни, бу азоблардан тезроқ қутулишни истарди. Лекин бу дунё охирати унинг истаги билан ҳисоблашмасди...

Ўғай онасининг кўришни хоҳламаётганини билган Йўлдош ўзини тортди. Поччасининг талабига итоат этиб, пулнинг бир қисмини отасига берди. “Уйга ҳам қараб қўйинг, ҳаммасини совуриб юборманг”, демади. “Нима қилсангиз – ихтиёрингиз”, деди. Отасига инсоф беришни Худодан сўради. Фарзанднинг дуо қилиши албатта яхши. Лекин Оллоҳ бандасининг қалбини муҳрлаб қўйган бўлса-ю, банданинг ўзида хидоятга интилиш кўринмаса, юракдаги кулфнинг дуо билан ечилиши қийин экан. Эргаш беморнинг дардига шерик бўлиб ўтирадиган меҳрли эрлардан эмасди. Унинг меҳрибонлиги дори-дармон олиб келиш билан чекланарди. Раҳима шифоҳонадан олиб келинган, аввалига қариндошлари галма-галдан қараб туришди. Қайсидир нодон “Қасалнинг ўлгани яхши, бошқаларнинг қутулгани яхши”, деб бекорга айтмаган экан. Раҳиманинг касали чўзилгач, қариндошларнинг меҳрибонлик денгизи ҳам саёзлашаверди. Раҳиманинг уйда ёлғиз қолиши одатий ҳолга айланди. Бундан хабар топган Йўлдош ўғай онасига, ҳатто отасига билдирмай кўшни аёлни энага вазифасига ёллади.

Йўлдошнинг таътили ниҳоясига етиб, сафарга отланиш олдидан уйига борди. Онасининг излари қолган уй ҳавоси унинг қалбидаги ҳам ширин, ҳам заҳарли хотираларни уйғот-



ди. Раҳима хушсиз эди, унинг кирганини, саломлашганини, сўнг шифо тилаб хайрлашганини билмади.

Кичик жомадонини божхона кўригидан ўтказаетганида Йўлдошнинг ён телефони жиринглади. Кўнгли бир хираликни сезиб, телефонни кулоғига тутди.

– Ҳали учганинг йўкми? – деб сўради дўсти.

– Йўқ... Тинчликми?

– Билмадим... Даданг келиб-кетдилар. “Бир-икки кун кетмай турса бўларди”, дедилар. Ўғай онанг оғир, шекилли. Нима қиласан?

Йўлдош кўп ўйланмади. Юқини олди-да, кишлоққа қайтди. Холаси уни кўрибок:

– Отанг чакиртириб олдимми? – деди норози оҳангда. Кейин норозилиги боисини билдирди: – Бекорга қайтибсан, орқага қайтишнинг хосияти йўқ. Хотини ўлса, кўмишнинг харажати-ни ўзимиз кўтарардик. Сенинг туришинг шарт эмасди...

Холасини тинчителиш учун Йўлдош ёлғон гапирди:

– Ўқишимга телефон килувдим, таътилни чўзишибди...

Холаси ёлғонга ишонгандай “яхши бўлибди”, деб қўйди. Йўлдош ҳовли ўртасида туриб қолган эди. Холаси унинг ниятини англади. “Тўхтаб тур, бирга борамиз, куни битган бўлса рози-ризолик сўраб қолайлик. Майли-да, ёмон бўлса ҳам Худонинг бир бандаси эди...” деб ичкарига кириб кетди.

Раҳима ётган уйда унинг икки қариндоши паст овозда гаплашиб ўтирарди. Раҳиманинг танаси ҳаракатсиз, рангида ҳам ҳаёт нишонаси қолмаган эди. Фақат аҳён-аҳёнда кўзларини катта-катта очиб, алаҳсираб қўярди. Холаси қариндошлар билан сўрашаётганида Раҳима яна алаҳсиради:

– Қўғирчоғим қани, қўғирчоғимни бер...

Шундай деб ингради. Қариндошларидан бири кафтини унинг пешонасига қўйди.

– Эрталабдан бери қўғирчоғини сўрайди, – деди қариндошлардан иккинчиси. – Болалигини эслаяпти, шекилли...

Раҳиманинг алаҳсираши сабабини Йўлдош англади. Кўп йиллар муқаддам худди шу уйда қўл-оёғи узиб ташланган

кўғирчокнинг бошига игналар санчаётган Раҳима кўз олдига келди. Унинг “Болаларингизни мана шунақа жоду қиялман. Агар холаси эртага олиб кетмаса, учаласи бирин-кетин тил тортмай ўлади. Энди болаларингизнинг бу уйда туришлари мумкинмас, ҳатто шу кўчадан ўтишса ҳам ўлишади...” деган гаплари кулоқлари остида жаранглаб, акс садо бергандай бўлди. Кўзлари тиниб, боши айланиб, қўл-оёғи бўшашди. Бу уйда яна бир дақиқа турса ҳам ҳушидан кетиши мумкинлигини англаб, ташқарига шошилди. Занглаб кетган темир сўрига омонат ўтирди. Ҳаммасини эслади...

Ичкаридан чинқирик овози келди:

– Кўғирчоғим қани, кўғирчоғимни бер...

Раҳима гўё Йўлдошнинг чиқиб кетганини билгандай чинкирган эди.

Бироз нафас ростлагач, Йўлдош ичкарига қайтди. Аёллар жон таслим қилса жағи, оёқларини боғлаш учун ок рўмолни шайлаб ўтиришарди. Холаси нима учундир беморнинг оёқ томонида ўтирарди.

Раҳима яна инграб кўғирчоғини сўради. Холаси савол назари билан Йўлдошга қаради. Онаси тириклигида ҳаммалари шу уйда яшашарди. Бир қатор бўлиб ётишарди. Онаси вафот этиб, Раҳима келгач, ёндаги хужра уйчага айлантирилиб, уч ўғилга жой қилиб берилганди. Йўлдош тунов қуни хайрлашгани кирганида ихтиёрсиз равишда шу хужра эшигини очиб қараганди. Болалик хотираларини уйғотувчи барча нарсалар шу хужрада айқаш-уйқаш бўлиб ётганди. Ҳозир бу хужра томон беихтиёр юрди. Эшикни очиб, бошларига игна санчилган ўша кўғирчокни буюмлар орасидан излади. Орадан йиллар ўтган бўлса-да, бу бошнинг шу ерда ётганига ишонди. Ишончи алдамади. Эски кийимлар тагида ётган кўғирчокнинг бошини қўлига олди. Бошга учта игна санчилган эди. Олиб ташлашни ҳам, ташламасликни ҳам билмай гарангсиб, холаси томон ўгирилиб қаради. Холасига айтишни истамасди. Холаси унинг қилиғига тушунмай ҳайратланганича тикилиб ўтирган

эди. Ўрнидан туриб келиб, игна санчилган бошни кўрди-ю, ҳаммасини англади. Бошни унинг қўлидан олди.

– Суғуриб ташлайми? – деб пичирлаб сўради Йўлдош.

– Сен тегма. Бор, отангни топиб кел, – деб буюрди холаси.

Йўлдош чиқиб кетиши билан кўғирчоқнинг бошидаги игналарни олиб ташлади. Шу пайт Раҳиманинг қариндошларидан бири уни чақирди:

– Опа, келинг, узилдилар, шекилли...

– Худога шукур, азобларидан қутулди, – деди иккинчиси...





Қамчибек КЕНЖА

(1946 йилда туғилган)



ЛАФЗ

Кеч кузда оддий тумов баҳона ётиб қолган Дехқонбой аканинг дарди секин-аста сурункаликка айланиб, кўкламда баттар исканжага олди.

Отасига дори истаб туман марказига борган Одил журналист Карим Аҳадни Тошкентга кузатиш муносабати билан темир йўл бекати биқинидаги чойхонада уюштирилган зиёфатга тасодифан кўшилиб қолди. Улфатларга бозорда рўпара келиб, халталарини кўтаришиб юрди. Кўчага чиқишганда улар билан хайрлашмоқчи эди, юр, ўт-пўт ёқишасан, деб, кўярда-қўймай бошлаб кетишди.

Дастурхонни ҳафсала билан тузашди: нархи фалон пул Эрон хандон пистасию юпқа пўчоқ бодом, иссиқхонадан янги узилган диркиллама помидор-бодринг, чақалоқ калласидай хитой атлас олмасию шираси сиртига сизиб турган оппоқ ноклари, Асака хусайниси, Одилнинг ҳали оғзи тегмаган киви, ананаслар... Қисқаси, шунчаки ошхўрлик эмас, ҳақиқий маишат, базми жамшид эди. Карим Аҳаднинг дўстлари турли соҳа эгалари – савдогар, терговчи, солиқчи, қассоб, дўкондор, тадбиркор, хуллас, кўрли-шудли йигитлар эди. Айримлари Карим Аҳаддан бир-икки ёш катта ҳам эди. Улардан тўрт-беш ёш кичик, мўминтойгина

Одил учун ана шундай сўзи ҳам, ўзи ҳам бутун, баобрў инсонлар билан бир дастурхон агрофида ўтириш шараф эди.

Оғайнилар кадах сўзларида ҳамиша мана шундай оқибатли бўлиш, тезда-тезда дийдор кўришиб туриш насиб этишини тилашар, нуфузли бир газетада ишлаётган биродари билан фахрланишларини бот-бот такрорлашарди. Ўт ёқиб, ул-бул ташиб, ўчоқ билан сўри оралиғида ҳолвачининг тешасидай катнаб юрган Одилнинг бир кўзи, бир кулоғи ўшаларда эди.

Карим Аҳад ким гапирса, ўшанинг оғзига қараб, боши билан тасдиқлаб, маъқуллаб ўтирарди. Пойтахтдай жойда ишлайдиган журналист ҳам шунақа камгап бўладими, дея таажжубланарди Одил. Айниқса, ҳаволаниш унинг табиати-га тамоман бегонага ўхшарди. Ийиб, эриб кетди чоғи, ниҳоят унинг ҳам тили ечилди, уч-тўрт кун аввал бўлим мудирини лавозимига ўтказилгани, шунга... беш-ўнта кўнгил яқинларига бир чўким ош қилиб бериш нияти борлигини ошкор этди. Ёронлар кутловни ёғдириб юборишди.

– Агар хоҳласанг, дўст, биз бориб хизмат қиламиз ўша ўтиришинга, – деди Ботир ҳаяжон билан Карим Аҳаднинг кифтига қафт уриб.

– Овора бўласизлар-да, узоқ жой... – деди журналист хамнишинларининг бир унисига, бир бунисига охиста нигоҳ югуртириб.

– Шундай ювадиган иш бўладию, овораси борми! Ишхонангда кадр-кимматинг, обрўйинг янаям ошади, ўртоқ. А, нима дединглар? – дўкандор ҳамтовоқларига юзланди.

– Жуда олижаноб таклиф, бунақа ақлли гап фақат сени каллангдан чиқиши мумкин, – деди тадбиркор Ҳусниддин.

Қаҳ-қаҳ уришди. Боши каттароқ Ботирнинг лақаби нишонга олинган эди.

– Борамиз! – дейишди қолганлар жўр овозда.

– Эркакча гап!

– Бормаган – номард!

Одил ҳаяжонланиб, завқ билан кузатиб ўтирган эди, Ботир қийқириб қолди:





– Ҳўй, Одил, сен-чи? Нимага ўшшайиб турибсан, аммангни бўзагига ўхшаб? Ҳамма боради дейилдими, ҳаммани ичида сенам борсан. Ё, сен ўзга сайёраликмисан?

Одил “мана шуниси ашаддийроқ экан, кўпроқ тортиб кўйди, чамаси”, деб ўйлаётган эди, солиқчи Зуфар гап солди:

– Бошқа қавмданмисан, дегин. Ўртоқлар, бу йигит мениям дидимга ўтирди, илгари гаплашмаганимиз учун яхши билмасаканман, бўладиганга ўхшайди, оёқ-қўли чакконгинайкан.

“Нозиклигимга ишора қияпти шекилли”, дилидан ўтди Одилнинг. У хижолат бўлиб, қизарди.

– Майли, ўйлаб кўрсин, – орага тушди Ҳусниддин.

– Нимасини ўйлайди! – кесди уни Рўзибой ва Одилга қараб ияк қокди: – Бошида дўпписи бор. Аммо дўппи кийишнIAM конун-қоидаси бор, оғайничалиш. Даладаги кўрикчига қопқок қилиб кўйилади, – у Одилнинг бошидан тўрт гулли, одмирок тепчилган дўппини шартта кўтарди-да, “поп” эткизиб, саросимадаги йигитнинг чап чаккаси томонга қийшайтириб кўндирди. – Ўғил бола дўппини манака қияди! Аммо ўзиям узукораси экан-да. Энди бошлаганда чеварни қўлига чипқон чиқиб қолганга ўхшайди.

– Ўзингда шуям йўғ-у, Қўзи! (Улфатлари кассобни шундай аташарди).

– Бизики уйда.

– Келинчак идгаб ўтирибди, дегин.

– Ҳай, бўлди, биродарлар, ўтлаб кетдик, – Матисо қўллари течага кўтарди. – Пойиз жўнашига оз қоляпти. Одил ўзи билади, шароити кўтарса...

– Шароит-пароит кетмайди, – панжаларини ёзиб, икки томонга сермади Саттор. У ҳам анча қизишиб қолган эди. – Зуфар айтгандай, дасёрликка тузук экан, бизга асқотади, так што, боради! – У Одилга тикилди. – Тўғримиде, борасанми, ё ростданам сал нақа...роқмисан?

– Боров-ра-ман, – деди Одил иккиланиброк. Бир хисобда уни ўз сафларига, одам каторига қўшишаётганидан ичида суюнди, бироқ Тошкентга бориб келишнинг ўзи бўладими?



Улфатчиликниям ўзига яраша йўл-йўриғи бор – аравани ба-
равар тортиш керак. Ёнингдагилар пул харжлайверсаю, сен
кўзингни лўк қилиб тураверсанг, бундан ўсал иш йўк... Катта
шаҳарда, йириклар билан юрганда янаям дадил-дадил сарф-
лашга тўғри келади. Айтишларича, Тошкентда озиқ-овқат бу
ердагига қараганда анча қиммат. Борди-келди, пойиз кира,
меҳмонхона масалалари бор... Унинг ҳамёни эса курук. От-
аси анча абжир одам, ҳовлига қайта-қайта ҳар хил зиравор,
редиска экиб сотиб тирикчиликни юргизарди, у ётиб қолдию
рўзгордан барака қочди. Одил бу ишларни унча эпложмай-
ти. Россиягами, Қозоғистонгами бормоқчи бўлиб онасига
маслаҳат солган эди, у кўнмади.

– Акангни дарбадар юргани етар. Мана, еттинчи ой, бир
сўм жўнатгани йўк, хотин, бола-чақаси мўлтираб ўтиришибди.
Энди сенам касал отангни ташлаб кетворсанг, одамлар нима
дейди, болам?

Одил изза тортди... Яқиндан бери Шермат бойнинг бир
ҳафта ишласа, икки ҳафта хом-ашё йўк, тўхтаб турадиган
ип-йигирув корхонасига қатнапти, лекин ҳали кўли ойлик
кўрмади. Бир ёқда отаси оғир...

Алқисса, икки ҳафтадан кейинги жумага тўхтадилар. Эр-
тасига Карим Аҳад билан шаҳарни айланишиб, якшанба, туш-
дан кейин қайтадиган бўлишди. Дўкандорга беш-олти кило
девзира юкланди (у мардикор ёллаб, гектар-гектар арпа-шо-
ли экарди). “Тошкентда девзира гуруч кам бўлади, совғагаям
жуда айтади, қолган нарсалар ўша ёқдан, бозордан топила-
ди”, дейишди.

Демак, пул йиғилади, дилидан ўтказди Одил.

– Қанчадан тўплаймиз? – сўради у мум тишлаб ўтираве-
ришни ўзига эп билмай.

– Сен, Одил, – деди Матисо илжайиб, – келинчақдан... ко-
мандировочний нима дейиларди, Зуфар? Ҳа, сафар варақасига,
отангдан руҳсатномага қўл қўйдириб олсанг бўлди, муҳрни
ўзимиз босиб берамиз.

Кулги кўтарилди.

– Жа унчаликмас, терговчи ака, – деди Одил кизариб-бўзариб.

– Тегишяпти, сўтак, – елкасига шапатилади Хусниддин. – Сен, куёв тўра, янги рўзгорсан, қолаверса, отангни қарамонгидасан. Йўл кирангга пул топсанг бас. У ёғини ўйлама.

Одил “Ҳисобли дўст айрилмас”, “Кемага тушганнинг жони бир” деган мақолларни чоғлади, лекин тилига чиқаришга журъат этмади, бу даврага ва ёшига ножоиз деб билди.

Карим Аҳадни поездга кузатиб, ҳар тарафга тарқалишди.

* * *

Белгиланган кун яқинлашган сари Одил дам ҳаяжонланиб, дам юраги пўкилларди. Шошиб қолмайин деб, ишидан аввалроқ-ла жавоб олди. Таниш-билишлардан қарз кўтаришни кўзлади. Лекин топишининг тайини йўқ одамга ким ҳам даядил пул тутарди. Берган чоғдаям, кейин уни узиш-чи?..

Отасининг ҳолати, кайфияти дурустроқ пайтини пойлаб, ийманибгина сўз очди. Кўнгли очиқ падари бузрукворнинг улфатбоз, одамохунлиги фарзандга аён эди, албатта. Фақат у ҳозирги вазиятда ўзининг қуюшқондан ташқари бу хоҳиши, аҳди бемор кишига оғир ботмасмикин, “мен нима аҳволдаману, юрагингга ўйин-кулги сикқанини қара-я”, деб қолмасмикин, деган ҳадикда эди. Демаган тақдирда ҳам ичида дили оғриси-чи?

Беихтиёр бош чайқади ва хатосини ўнгламоққа шошилди.

– Бориш ниятим йўқ, дада, шунчаки уларни гапини айтяпман, холос.

– Жуда-а яхши ўйлашибди, – деди шифтга қараб ётган Дехқонбой ака бир лаҳзалик сукутдан сўнг. – Ошна-оғайни деган бир-бирини яхши-ёмон кунларида ёнида туради-да. Каримжон – қишлоғимизни обрўйи, отасига раҳмат. Ўзиям анча бамаъни йигит. Боравур, ўғлим. Каримжон, нима бўлсаям, мусофирдай гап. Мусофирни йўқлаш – қатта савоб.

– Бир-икки кун туриб қолишимиз мумкин, дейишяпти. Сиз...

– Мендан ташвишланма, ўғлим, – Одилнинг гапини бўлди ота. – Тузукман, бир-икки кун нима деган гап. Оллога омонат, сафарларинг беҳатар бўлсин. – У бармоқлари ингичка тортган кафтларини ёзиб, юзига суртди.

Одил каловланди.

– Бўлмаса, – давом этди Дехконбой ака дадилланиб, – бугун аянг билан томорқадаги редискани етилганини юлиб, тай-ёрланглар, эртага сотиб келасан. Камига аянг Қорасув бозорига қатнайдиган Саломатхондан олиб берар...

Барчин опа ҳайратланди.

– Шу пайтда-я?!

– Мен рухсат бердим, лафз кип кўйипти, – деди ота сал овозини кўтариб ва бошини Одил томонга ўгирди. – Пул топиладиган нарса, чўнтагингни ковлаб турувурмагин...

– Шу хотиндан қарз сўровриб бетим қомади, – деди она ранжиганини атайин сездириб ва қайрилиб ташқарига йўналаркан, Одилга бош ирғади.

Айвонга чиқишгач уни қисди-бастига олди.

– Дадаггни ҳолини билиб турибсану, Ташканда нима бор, болам?

Тушунтирган эди, Барчин опа баттар қизишди.

– Унақа, пешиндан кейин бойиганларга нима қилардинг илашиб? Кўрпангга қараб оёқ узатмайсанми?!

– Кўрпамизга нима бўпти, ая, шу бўйи ўтиб кетмасмиз, бизгаям Худо бериб қолар...

Она бўшашди.

– Ишхонангдан пул сўрамадингми?

– Сўрадим, йўқ экан...

* * *

Келинчак шамиён қайириб, ишнинг пачавасини чиқара-ёзди.

– Кайф-сафо, денг! Бекоргинани айтибсиз! – гурр этиб тутақди Зилола қийғоч кўзларини пирпиратиб. – Олдимдан бир қадам жилмайсиз! Дард тутса, туғрукхонага Ойпошшани эри оборадим мени?!



Одилнинг шашти қайтди. Карим Аҳаднинг ошналарига кўшилганига, Тошкентга боришга ваъда берганига афсусланди. Чакки кипти. Ҳалиям бўлса, бир сабаб кўрсатиб кўя қолсинмикин? Нима дейди? Отасининг бетоблиги-чи, ахир бу бахонамас, сабаб-ку. Лекин ана, Ҳусниддин ака узрини айтувди, уни мазах қилишдию... Йўқ, ҳеч қанака важ-карсонни инобатга олишмайди улар. Ўзиям нима деган одам бўлади? Карим Аҳад нима деб ўйлайди?..

Йигит онажонисига мўлтайди.

– Унга ўзингиз ётиғи билан тушунтиринг, ая, бебурд бўламан, яна кўчада бош кўтариб юришим бор...

– Ростданам бунақа паллада ёнида бўлишинг керак-да, ўғлим, – деди Барчин опа ёлғондакам чимирилиб, аммо ҳартугул Зилолани ховридан туширди. Қуш тилини қуш, аёл тилини аёл билади-да.

– Ой-қунигизга ҳали пича бор, шекилли, қизим, Ташкан қочиб кетибдими. Қанча-қанча жувонларнинг эрлари йиллаб Россиядами, бошқа гўрдами юришибдию... – деди қайнона эрка келинини бир четга тортиб.

* * *

Одил келишилган паккага – ўтган галги чойхонага ваъдалашилган муддатдан ярим соатча илгари етиб борди. Янги, катта “улфатлар” ишончини қозонаётганидан, сўзининг устидан чиққанидан боши осмонда эди. Ахир, отаси “қўй, ўғлим...” дейиши мумкин эди-да...

Унинг соати йўқ эди. Бир четдаги чоғроккина чорпояда дам-бадам девордаги ғижжак ғилофини эслатувчи мис ранг осма соатга назар ташлаб, чойдан хўшлаб ўтирди. Белгиланган муҳлат – тўрт ҳам бўлди, ўтди. Карим Аҳаднинг кадронларидан дарак йўқ эди. Одилнинг икки кўзи йўлда, энди келиб қолишар, ҳозир келиб қолишар деб, ишонч билан кутарди. Безовталаниб, ора-сира нарироққа бориб, катта кўчага қараб келади, яна ўтиради. Вақт ўтмайди, кўли беихтиёр чойнакка югуради. Аччиқ кўк чой ошқозонини шилиб



юборди-ёв. Лекин, келишувга биноан шу ерда қоринни яхшилаб тўйғазиб, кейин поездга чиқишмоқчи эди. Ажабки, халигача бирортасининг қораси кўринай демасди. Диккати оша бошлади. Мени ташлаб жилворишган бўлса-я, ё у барибир бормайди, боролмайди деб ўйлашдимикин, деган шубҳа ичини кемирарди. Ё, улар уни шунчаки кўнгил учун кистаб қўйишувдимикин ё майна қилишувдимикин? Балки, балки... Ана шу куни “борасанми?” деб, қайта-қайта сўрашганида ҳардамхаёллик билан жавоб берувди, шунга улар кейин кенгашиб, ўша сўтакни қийнамай кўя қолайлик, деган қарорга келишдимикин? Дадил “бўпти, бораман” деявермаган эканда. Лекин олдиндан узил-кесил бир нарса дейиш ҳам қийин эди-да. Отасининг рози бўлиш-бўлмаслигини аниқ билмасди... Самолёт ё машинада кетворишдимикин, деган хаёлга борарди у. Жўнайдиган вақт ё режа ўзгариб қолган бўлса, уни огоҳлантириб қўйиш ёдларидан кўтарилдимикин, ё... лозим топишмадимикин?..

5 дан ошди, беш ярим бўлди – йўк. Демак, кетишибди. Акс ҳолда шу чокқача ҳеч йўк икки-учтаси келарди-ку. Эҳтимол, бирон жойда майшат қилиб қолишгандир. Шу фараз ҳақиқатга яқинроқдай туюлди. Энди поезднинг жўнашига тақаб келишса керак. “Ғижжак” соатнинг калта “ф”симон таёқчаси “6”, узун “12” рақамлари тепасига минди. Бор-йўғи ўттиз дақиқа вақт қолди. Бирдан эсига чипта масаласи тушиб, темир йўл бекатига чопди. Ҳайҳотдай бинонинг бир бурчагидаги “касса” деган тирқишга бошини суқди.

– Тошкентга...

– Сиз учун топиб берамиз, яхши йигит...

Одилнинг энсаси қотди. Юз-кўзларига раққосаларникидай беаёв чапланган албастирсимон бўёк ёш, нафисгина қизни анча қатта ва ҳаёсиз қилиб кўрсатар, боз устига у “ёкавайрон”, сарик, кизғиш, кулранг омукта сочлари эса увадани эслатарди.

Одил поезд ҳақи қирақаш енгил машиналарга нисбатан анча жўн бўлса керак, деган тахминда эди. Чиндан ҳам кўчага кам чиққанига амин бўлди.

Йўк, улар келишмади. Биронтаси ҳам!..

“Демак кетишган!..”

Одилнинг тарвузи қўлтиғидан тушиб, оркага қарай-қарай вагонга чикди. Бир кўнгли қайтвораё ҳам дедию, яна иккиланди. Шунча гап-сўз, оворагарчиликдан кейин уйга нима деб киради? Мени лақиллатишибди, дейдими?.. Тошкентга умрида бормаганди, шуни ўйлаб сал дилтанг бўлди, сўнг одамлар сўраб-сўраб Маккани топишган-ку, ҳозир ҳамма ерда киракаш машина тўлиб ётибди, айниқса пойтахтдай жойда бу нарса муаммо бўлмас, деб ўзига тасалли берди.

Кечаси билан хаёли қочиб, бунинг устига темир ғилдиракларнинг бесаранжом, ваҳимали тарақа-турукидан ухлагандай ҳам бўлмади. “Э, қойил, ўғил бола...” дейишса керак...

Айтганидай, поезддан тушиши билан киракашлар ўраб, қўлтиғидан кўтаргандай оёғини ерга теккизмай бекатга етказишди. Тамадди қилганиям имкон беришмади. Оқ-сарик, ҳали мурти ҳам чикмаган хипчагина “Дамас”чи машинани кенг, аммо улов тигиз кўчалардан ғизиллатиб ҳайдаб кетди. Одил икки тарафдаги бир-биридан пурвикор, зангори, мовий, қора ойналардан тикланган биноларга, қайчи-қайчи кўприк йўлларга анграйиб боқарди. Пойтахт – пойтахт-да. Бошқа шаҳарлар юз йилдаям бунақа даражага етиши даргумон-ов...

Ҳаш-паш дегунча муртсиз йигитча баланд бўйли, узундан-узун, деярли деразалардан иборат иморат рўпарасида машина тўхтатгичини ғийқиллатиб эзди.

– Сиз айтган жой – шўт, ака, кираверишдаги мелисага учрасангиз, танишингиз қайси қаватдалигини айтиб беради, – тунтирдди у ва Одилнинг қўлидан пулни юлкиб олиб, яна шиддат билан тепкини босди. Одамгарчилиги дуруст, лекин жуда шитоб экан занғар, кўнглидан ўтказди Одил шамолдай учиб бораётган “Дамас” ортидан бир зум қараб қоларкан, коидапоида билан зиғирча иши йўғ-а. Қандайдир амалдорнинг жианчаси ёки бирон янги бойнинг ёлланмаси бўлса керак.

Одил у ёқ-бу ёққа жаланглади, ошхонага ўхшаган жой кўзига чалинмади. Майли, Карим Аҳадни топсин-чи, эҳтимол, ҳамма шу ердадир...

Бино йўлагидаги шапкани бостириб кийган, кўринишидан кўрамасроқ мелиса кўрсатмаси билан девордаги жадвалдан Карим Аҳаднинг телефон рақамини топди-да (катта рўйхатда ҳамкишлоғининг ҳам исм-шарифини кўриб, юраги яна бир ҳаприкиб олди), бурчакда осифлиқ қора аппаратга чўзилди.

– Алайў, Каримжон ака, мен келувдим, Одилман, Анжандан.

– Ий-ий... ҳозир, ҳозир тушаман.

Одил сал четга чиқиб, айланадиган темир тўсиқдан ёнбош билан қисилиб кираётган, чиқаётган турли тоифадаги шошқин одамларни кузата бошлади. Улар бир-бирларини яхши танимайдигандай, бошларини хиёл кимирлатиб, фақат “яхшимисиз” деган бир калом билан сўрашиб ўтиб кетишарди. (Бу ерда “Ассалому алайкум” ҳалиям тўла қайтмабди-да...). Хусусан, кираётганларнинг ғов – ўтиш жойи банд бўлса, пиллаб, безовталаниб туришгани шундоққина сезиларди.

Қисқа фурсатда йўлакда Карим Аҳад кўринди. Унинг йирик кўзлари янада кенгайиб чарақлади.

– Бошқалар қани? – сўради у кучоғини очаркан.

Одил шоша-пиша “келишмадимми?” демоқчи бўлдию, тилини тишлади. “Э, каллаварам...”

– Энди келиб қолишар, мен улар билан хабарлашолмай, ўзим пойизга чикувдим.

– Майли, хонада гаплашамиз, қани, юринг.

Меҳмоннинг эса қорни таталарди.

– Сизни ишдан қолдираман-да. Яхшиси, биронта шерик бўлса, бозор-ўчар қилиб, чойхонада ошга таради кўриб турардик.

– Девзира опкемадингизми?

– Бору, озроқмикин...

– Қанча?

– Уч кило.

– Жуда яхши, етади.

* * *

Карим Аҳад Одилга Ёқубжон исмли ҳамкасбини кўшиб берди, тўғрироғи, Одилни унга тиркаб қўйди. Бўйдор, кошлари туташ, тўладан келган бу йигит ҳам андижонлик эди, гу-



ручнинг дарагини эшитиб суюниб кетди, бир сиқим кафтига солиб, синчиклаб кўрди.

– Ўзиям қорақилтирик, шекилли, маладес. Шунга бошимиз котиб турувди. Бойкечикникими ё Бўтақараникими?

– Бойкечикники. Мақташдию...

– Э, яшанг, – Одилнинг елкасига қоқди Ёқубжон.

Олой бозорига киришди. Кўпроқ Ёқубжон пул харжлади, лекин Одил ҳам, шериги “хай-хай”ласа-да, қараб ўтирмади. Отасининг таъкиди қулоғида эди.

Поезднинг нотаниш ёкимсиз ҳидларими ё очликми, Одилнинг кўнглини беҳузур қиларди. Бир-икки пиёла қайноқ чой ичиб юборса, даф бўлармидийкин... Тановул тўғрисида бир неча бор оғиз жуфтладию, Ёқубжоннинг салобати босиб, ийманди. Қаердаги чойхонага боришларини сўрадию, қанчада етишларини суриштиришга тили бормади.

Юнусободнинг бир чеккаси – янги чеклар ўртасидаги “Шинам” чойхонаси у қадар ҳашаматли бўлмаса-да, фэйзли, энг муҳими, катта қатнов йўлидан бир мунча овлоқда, баҳаво маскан эди.

Одил Ёқубжоннинг суяги бузукроклигига унинг қозонга эгилишини тасаввур қилолмаётувди. Миясида “ошни ўзингиз дамлайсиз”, деб қолса-я, ҳаяжонланиб, ўхшатолмасам-чи, деган фикр ғимирларди. Ҳамроҳининг сабзини шиппа-шиппа, қолипдан чиқаётгандай бир текис тўғрашиданок масала ойдинлашди-кўйди. У оғир бир юкдан хориж бўлгандай, енгил тортди.

Карим Аҳад соат бирларда шериклари билан келди. Улар ўн тўрт киши бўлиб, асосан ёшлар, фақат уч-тўрттасининггина сочига оқ оралаган эди.

Ёқубжон ҳам паловни Сатторга ўхшаб, қийворган эди. Меҳмонлар жаннати таомни таърифлаб – тавсифлаб ейишаркан, Ёқубжон гуруч Андижоннинг девзираси эканлигини, уни бугунги зиёфат муаллифи Карим Аҳаднинг мана шу шинаванда ҳамқишлоғи, кадрдон укахони Одилжон олиб келгани, унинг ўт ёқишга ҳам усталлигини (“паловнинг оби-тобида,



мазали бўлиши асосан ошпазгамас, ўтпазга боғлик...) ай-тиб, ҳақиқатда ҳам шундай, дегандай унга жилмайиб кўярди. Ошхўрлар “Э, кам бўлманг, отангизга балли”, дейишар, Одил ўнғайсизланиб, ерга қарарди.

Меҳмондорчилик хаваскорона аския, ҳазил-ҳузил билан уйғун равишда чинакам кўнгил очар ўтиришга, завқу сафо анжуманига айланди. Ҳамманинг кайфияти зўр, руҳи баланд эди. Карим Аҳад ҳам ўзида йўк эди, фақат у ҳар замон-ҳар замонда йўл тарафга қараб-қараб ўтирар ва энгашиб Одилга “келишмади, а?..” деб шивирлаб кўярди. У йўлакдаги мелисага чойхона манзилини ёзиб қолдирган эди.

Меҳмонлар кузатилгач, Карим Аҳад: “Ўша гап – гап, эртага бир Тошкентни айлантираман”, деди. Одилнинг ҳам нияти шундай эди, илло, отасини эслаб, дили ғаш тортиб қолди. Бир кеча-кундуз унга бир неча кундай туюла бошлаганди. Кейин чўнтагининг ҳам кўри пасайди. Сафар, катта шаҳар, дарҳақиқат, анча-мунча ақчани кўрдим демасди. Бунинг устига, кечга яқин ҳаво айниб, осмон гезариб олди.

* * *

Эртасига эрталаб Одил туманлари марказида поезддан тушганида ҳаво очилиб кетган, аммо кечаси билан селдай ёкқан ёмғирнинг захри баданни жунжиктирарди. Қатларида биллур томчилар ялт-юлт қилаётган майса-кўкатлар устини харир чойшаб каби юпқа киров коплаган, худди чилла тонгидай аёз эди. Токқа қор ёғибди, шекилли-да. Уйда ўтин-кўмир тугаб, кунлар ҳам исиб кетгани учун тунока печкаларни чиқариб ташлашувди. Дадам совуқ емадимикин, деган ғам босди Одилни. Бир томондан, синчков падари бузруквори-га нима деб бориш хижолатчилиги уни кийнарди. Ёлғон гапириш мумкинмас, ростини айтса, ўғлим бизга қоғоз дўппи кийдирган экан-да, деб ўйлаши аниқ.

Лекин отасига ҳисоб беришга тўғри келмади.

Уйга киришига каравот ёнида чўнқайиб, эрининг била-

гини укалаб ўтирган Барчин опа уйқудан уйғонгандай бирдан жонланиб, “дадаси, дадаси, Одилжон келди”, деди. Дехқонбой ака кўзларини оҳиста очиб, заиф нигоҳлари билан Одилни кидирди, уни топгач, паст, суст товушда пичирлаб, “бориб келдингми, ўғлим, баракалла...” деди, кейин бўш кўлини “яқинроқ ке...” дегандай, мажолсизлик билан чўзди. Озғин бармоқлари титрарди. Одилнинг юраги “шув” этиб кетди, чўккалаб, ёноғини қиблагоҳининг сарғимтир тус олган сўлғин юзига авайлаб теккизди. Отанинг эти совиб бораётганди.

Одил ўзининг ҳам қалтираётганини сизди. Унинг усти юпун, уй эса муздай эди.



Асад ДИЛМУРОД

(1947 йилда туғилган)

ХИЛВАТ

Куз қуёши остида мудраётган шаҳар кўчаларида юпун кийинган, калта сочлари кировлаган озғин кампир тушига чангали дов қарчигай кирганини айта-айта сўйланиб юрар эди...

Орадан кўп ўтмай, авжи қиш чилласида, еру кўк паға-паға қор кўрпаси билан ўралганда, дабдурустдан шаҳарга Амир Темур Кўрагон ташриф буюрди. Ичига олов тушган Сорбуғо қипчок ҳукмдор этагини ўпиш учун ошиқди.

Сохибқирон бунақа сафар пайтида кўпинча доруға ҳовлиси ёки чорбоғига кўнар, олий мартабали меҳмонга хос савовату назокат кўрсатишни маъқул билар эди. Аммо бу навбат негадир марҳаматини дариг тутди, ипакдай эшилаётган Сорбуғо қипчокни багтар қуйдириб, бедови жиловини Хожа Аҳмад Яссавий хонақоҳи томон бурди.

Эгарда зўрға илиниб турган аъёнлару боёнлар, шоҳона зиёфату ораста бўлмаларни четлаб ўтиб, шип-шийдам манзилга умтилган сохиби даврон ортидан чурқ этмай эргашдилар.

Шаҳар четроғида қўнқайган хонақоҳ ғира-шира қоронғилик аро аллатовур ваҳимага чўмганди. Фақат баъзи туйнукларидан хира милтираб ёнаётган шам шуъласи кўринар, ора-чорада бедор дарвешлар ва муридлар тиловати кулокқа чалинар эди.

Соҳибкирон йўл-йўлакай сукут сақлади, кори куралган бўсағада отдан тушгач, ҳамроҳлари сари ўгирилиб, оҳиста сўз қотди: “Жаноблар, камина кори-ҳолидин биргина гумашта хабар олиб турса кифоя. Сиз ҳоким ихтиёридасиз!” Сўнг қорувли, ўктам қадду коматини тик тутиб, салобатли қадамлар билан кия очик эшик сари юрди...

Хонақоҳ аҳли баъзи калтафаҳм мардум ўйламай-нетмай туфроқ билан тенг кўядиган табаррук даргоҳга кўнгил боғлаган мартабали зотдан хабар топган ҳамоно, бирдан ғавғо кўтариб, муборак дийдорини кўриш учун ёпирилди. Аммо ҳар қачонгидан қаттиқроқ буйруқ олган бақувват ва абжир гумашта шафқатсиз равишда ҳеч кимни хужрага йўлатмади.

Зах ва рутубатнинг аққимтир ҳидидан Соҳибкирон димоғи ёрилгудек бўлди, аммо зиғирча парво қилмай, эғнидан сийму зар безаган банорас чопони, бошидан нафис пат ва ёкут қадалган қирмизи шоҳи тақясини бафуржа ечди, девордаги миҳдан узун тим қора чакмону учли кигиз кулоҳ олиб кийди. Бу ишидан анча енгил тортиб, дарди ҳолини пинҳон тутган узун кечани, бир дам миҳжа қокмай, ботиний тиловат билан ўтказди.

Баҳонада қирчиллама қишнинг зулмат пардасига ўралган сокин оқшомлари ҳамдами ва сирдошига айланди. Бўйрапалос тўшалган торгина хужрада кечадиган бедорлик – ботиний зикр онлари нақадар шуқуҳли ҳам марокли: меҳрибон Оллоҳ ёди билан қолганда жони ҳузур топар, ич-ичида чирок ёнар эди. Гоҳо ўзини онадан қайта туғилган одамга қиёсларди, гўё ёруғ дунёни ўша бахтиёр зот кўзлари билан илк бор кўраётган эди.

Бу эрта Соҳибкирон, қор тинимсиз учқунлаб, изғирин ва совуқ бениҳоя қаҳрига олиб турган эса-да, Сорбуғо кипчок, Жоку барлос, бир неча хос мулозим, ниҳоят, патак соқоли шайх – мулла Нишонни ҳамроҳ қилиб, хонақоҳ бўйлаб айланди. Не-не замонларни кўрган обида деворлари шўр ва нам таъсирида нурай бошлаган, меъморий қиёфасини йўқотишига бир баҳя қолган эди.

– Пийримиз бўлмиш ҳазрат Аҳмад Яссавий бул жойни Оллоҳ уйи ҳисоблагонлар, – тушунтира бошлади мулла Нишон. – Олтмиш учдан кейин ертўлани хилват билиб, то умрлари охирига қадар чилла сақлаганлар...

Соҳибқирон фақирликни касбу кор билган Аҳмад Яссавий жасорати афсонага айланиб кетганини яхши билади. Элда машхур “Ҳикматлар”и ботинида ниҳон теран маънолардан озмунча озик олганми? Қачондан бери ўзини улуғ пирнинг ғойибона муриди санайди. Умуман, мана шу саждагоҳ сари муштоқланиб интилгани, бўсағаси гардини кўзига тўтиё қилиш тилаги билан ёнгани бежиз эмас.

Бугун кўнглида яна бир эзгу ният куртаклади: илим-иссиқ кунлар келиши билан хонақоҳ таъмирини бошлаш учун етарли миқдорда маблағ ажратади, шундан кейин, иншооллоҳ, ўнғайроқ жойда ҳар ким кўрса қувонадиган макбара курдирмоғи лозим.

Режа устига режа пиштаётган Соҳибқирон эътиборини бир табақаси қийшайган омонат дарвоза биқинида куймаланиб турган, кўзлари киртайган озғин кампир тортди...

Чангали дов қудратли қарчиғайдан огоҳ этган ва улусни анча-мунча шошириб қўйган мўминаи муслима шу тинмасак мушфиқ жон эди. Шўрлик мункиллаб қолган бўлса-да, иссиқ-совуқни писанд қилмай, шаҳарда тентираб юргани, тез-тез бозор оралаб тургани боис, катгаю кичикка бирдек танилиб қолганди. Фақат наслу насаби, исми-шарифи, тирикчилик манбаи, рўзғорини ҳар ким ҳам билмасди. Баъзи ҳангоматалаб қитмир кимсалар эса, аёл зотидан чиққан яккаю ягона қаландар, деб масхара қилишни яхши кўришарди.

– Эй онахон, зап совқотибсиз, – юмшоқ кулди Соҳибқирон, уч-тўрт кадам нарида беихтиёр тўхтаб, – иссиққина сандал кўзида қилсангиз бўлмасми тоату ибодатни?

– Яхшиси... тегирмондин хабар олгайсиз, инсофли банда! – чўккан кўзларини жилдиратиб минғирлади кампир. – Маним тоату ибодатим оғирлиги тушмас ҳеч кимга!..

Соҳибқирон киёфасини истехзо қоплади.

Во ажаб, муштдеккина бўлиб нимага шаъма қилаётир падар кусур бу ёсуман?

– Ҳазратим, оғир олманг, бу шунақа ҳардамхаёл, – хушомад охангида бидирлади мулла Нишон, – йўқ ердаги гапларни алжийверади. Худо бас келсун!..

– Таажжубга молик... Кесакдин ўт сачрагандек!

Соҳибқирон, гоҳ ортига қараб, гоҳ бош чайқаб, шошилмай хужра сари йўналди. Жимжит хужра тўрида, анчайин юпқа кўрпачада тиззалагач, илгари қайдадир кампир билан учрашгандек бўлаверди. Андак оғриётган бошини кафтлари орасига олиб узок ўйласа-да, бир тўхтамакга келолмади, салдан кейин гумаштани чорлаб, ҳамён тутқазди ва мақсадини айтди.

Гумашта негадир қимирламади: гуноҳ иш қилиб қўйган кимсадек рўпарасида каловланиб турар, яккам-дуккам ажин тушган юмалок бетида ташвиш ва хавотир ифодаланган эди.

– Хоша ютдингми, бандаи гумроҳ?

– Бир қошиқ қонимдин кечинг, аъло ҳазрат, – ғудранди ниҳоят гумашта, ниҳолдек эгилиб. – Тухфангизни еткармак иложи йўқтур.

– Ие! – ажабланиб Соҳибқирон. – Нечун?

– Шўрликни Сорбуғо кипчоқ навкарлари ҳибс қилмишлар.

– Сабаби аёнму?

Гумашта йўқ маъносида маъюсланиб бош тебратаркан, Соҳибқирон тутақиб кетди. Ахир, не кўргиликки, кимсан Сорбуғо кипчоқ келиб-келиб кучини тўридан гўри яқин бир ожизаи нотавонга кўрсатса?! Чамаси, харгиз молу дунёга тўймаган кўзлари қават-қават шира бойламиш, бас, капанга ўт кетгурни тузукроқ тергаб қўйиши керак.

Соҳибқирон мужда теккан заҳоти шамол каби шитоб етиб келган ва барваста қоматини оёқлари остига ташлаган Сорбуғо кипчоққа нигоҳини тикан қилиб санчди.

– Олампаҳо, эшитдикки, шаҳримиз ялмоғизи муборак таъбингизга озор бермиш, – деди у дўриллаб, паст тушишни истамай. – Шу боис тегишли тадбир чекдик, токи йўлингизни бошқа тўсмасун.

– Кўп афсуски, хом ўйлабсиз, биродар, – деди Соҳибқирон таҳдид аралаш. – Томдин нарини кўришдин маҳрум сиздек кимса учун амалу мартаба ҳайф!..

– Аффу этгайсиз, – энди аранг садо берди ҳоким. – Яна бир андишаи сабаб бор орада, яъни ўша ожиза бетига художўйлик никобини тортган фирибгар эрур.

– Инсоф билан сўйланг, қипчоқ беги.

– Валинеъматим, бизга маълумки, ўғли Эрхонни гўдак ёшидин қинғир йўлга гиж-гижламиш. Эндиликда ул баччағар муслмонлар мол-ҳолига кўз ола қилиш ила рўзғор тебратадур. Ўн кунча муқаддам ифлос тумшуғини хазинамиз қопқасига тикибдур.

Бирдан Соҳибқирон қош-қовоғи уйилди.

– Қипчоқ беги, унақа нобакор ўғил муқаррар жазо олур, – деди кейин афсус билан. – Лекин онаизорни ўз ҳолига қўйинг.

Сорбуғо қипчоқ қайта-қайта қуллуқ қилиб, ошиғич ҳужрани тарк этгандан кейин Соҳибқирон оғир уф тортди. Ахир, зардаси қайнаб, надомат чекканича бор-да: букаламун сиёкли бу кас олис йўлда ҳамроҳликка ярамайди, чоғи!..

Соҳибқирон ботиний тиловат билан машғул бўларкан, руҳи гоҳо ёришар, гоҳо недир ғуборга чулғанар эди. Ибодатдан кейин турк қавми раҳнамоси саналмиш Хожа Аҳмад Яссавий (Оллоҳ охиратини тоабод обод айласин!) арвоҳини ҳамхона билиш айрича саодат эканлигини яна мушоҳада қилди.

Соҳибқирон эрталаб, аввалроқ чамалаб қўйганидек, ҳали қаддини тутиб олмаган шаҳар билан тузукроқ танишиш, қисқаси, гузарлари ва бозорларини айланиш тилагида ташқарига чиқаркан, дарвоза олдида яна ҳалиги кампирни учратди ва яна ногоҳ ўй-фикри алғов-далғов бўлиб кетди.

– Онахон, мурувватли Тангри таоло фақирни Турон мулкнинг тожу тахтига лойиқ кўрмиш, – деди салдан кейин чертиб-чертиб, – бирон арзингиз бўлса тинглайин.

Жонсарак кампир илқис ўғирилар экан, қат-қат ажин қоплаган энсизгина бети, хира тортган нигоҳида недир ҳайрат билан йўғрилган андиша ифодаланди. Ва муборак номи етти



иклимга тарқалган доврукли зотни бошидан оёғига қадар қизиксиниб кузатди. Лекин чурқ этиб оғиз очмай, ковоғидан қор ёғдириб, чўпдек озғин жуссасига ярашмаган виқор билан йўлини давом эттирди.

Соҳибқирон мийғида кинояомуз кулди, аммо неки туйган бўлса, барини жимгина ичига ютмай иложи қанча? Ҳозир ортиқча бир нарса дегудай бўлса, кампир дилини баттар оғритиб қўйиши ва яна ўзи хижолат чекиши мумкин. Ҳайтовур, ўлгудек димоғдор экан, нимасига бунча ишонаркин қурмагур. Зиндонда чийралиб ётган ўғли билан ҳам зигирча иши йўқдек, тавба!..

Зимистон совук чирсиллаган наватдаги кечада Соҳибқирон босриқиб қолди, тушида кампир қат-қат ажинли бети юмдаланган, ёноқларидан шашқатор ёш думалаётган, кировлаган сочи кўксига паришон ёйилган алпозда кўриниш берди.

Тавба, эрталаб, туши таъбирини ўйлаганча, кўрпачада лолу ҳайрон хомушланиб ўтирганда, гумаштанинг ҳай-ҳайлашига қарамай, қия очик эшикдан ўша мўмина пилдираб кирди. Бошига эскирок бўз рўмол ўраган, эғнида нимдошгина бахмал камзул, қўлтиғига кичик тугунча қистириб олган ва оқаринқираган лабларида синик бир кулги...

Соҳибқирон тахмин қилдики, қайғу-алам, айрилиқ ва хўрлик охири суяк-суягидан ўтиб, арз-дод учун келган, ҳозир узундан-узун обидийдасини бошлаб, нонқўрлик кўчасида адашган нуридийдаси гуноҳидан кечишни сўраб ўтинади.

– Олампаноҳ, азал тегирмони азалдин бузук, – деди кампир бир ёнда чўнкайиб. – Андоғ эркан, шафқат тилашда маза-матра борми?

– Онагинам, маза-матра албатта бўлур, қачонки сўз адолатни тиклаш устида борса! – кескин жавоб қайтарди Соҳибқирон. – Афсус, кўп ҳолда мардум яхши билан ёмонни фарқламас!

– Замона зайли шу бўлса, не қилсин?

– Кўзингиз оку қораси Эрхон ҳам ўша қаторда, – деди Соҳибқирон кесатик оҳангида. – Қилмишини қони билан юва-



дир, бу мусибат ширин жонингизга аччиқ ботмасми?

– Ботар... Лекин иложим қанча? Пешона шўрини шўр ёш юволмас!

– Намунча ноумидсиз, онахон?

– Негаки, манимдек ожизалар ва нотавонларга ҳамиша чорасизлик чора бўлғон. Сиздек иқболи кулиб, дунё сўраган баҳодир зотларни эса чарх ҳатто қаро тунда ҳам офтоб билан сийлагай!..

– Ҳай, ҳай, мазахлайсиз чоғимда?

– Ҳазратим, кўз очиб кўрганим Румда, тўнғичим Эронда, ўртанчам Ироқда... муборак туғингиз остида жон фидо қилғонини қайси тил билан айтсам?!

Ногоҳ Соҳибқирон дили туб-тубида мисли йўқ киргинбарот жангу жадал гулдириси, таҳдиду таҳлика аралаш урхорур, яраланиб қулаётган сарбозлар оху воҳи, жон-жаҳди билан кўкка сапчиётган асов отлар кишнаши акс садо бергандек туюлди.

– Нетайки, ота меҳриниям, қаҳриниям кўрмай, кўнгли ярим, кўзи ўлардай оч, қўли эгри бўлиб ўсди Эрхоним!..

– Онахон, тақдир-да!..

– Аттанг, ўлат тегиб, гўдаклигида ўлиб кетмаган экан, ҳозир насоғига қолиб ўтирмас эдим!..

Гумашта мўралаб суҳбат бўлинди.

Кампир хайр-хўшни насия қилиб жўнағач, Соҳибқирон кўкси бутунлай хувиллаб, ибодат билан машғул бўлиш ва салпал овуниш учун тараддуд чекди. Лекин, ҳарчанд уринмасин, каники ўй-фикрини бир нуқтада жамлай олса?!

Эрталаб Сокибқирон аниқроқ туйди: таърифлаш маҳол бошқача эврилиш кўзгалган эди руҳида. Шунақа ҳол илгари ҳар қадамда ва ҳатто ҳар сонияда юз берарди, бу ерга ташриф буюргандан бери кўнгли тинч-хотиржам тортиб, анча енгил нафас олаётган эди. Ажабо, яна нима бўлди? Тахминига кўра, ишни кеча кампир бузиб кетди. Тавба, ҳар гал у билан учрашганда нимадир рўй бераётир, нима бало, афсун қиладими?

Соҳибқирон асрдан кейин негадир, хужрага сиғмай, бир





жойда ўтиролмайд колди, юраги пўртанадек тошиб, сезимлари ўт тушгандек чатнаб кетаверди. Кимдир гўё олисдан элас-элас чакирар, хиёл маҳзун хайрихоҳ товуш инон-ихтиёрини ўғирлаган эди. Сиру синоат билан ўралган хилват оламидан садо келармиди, ким билсин.

Бир пайт хушини ўнглаб караса, тепада сон-саноксиз қарғалар чарх уриб фарёд чекаётир, қор зарраларини чирпирак учира-учира изғирин ғувиллаб эсаётир, жисму жонида таърифи йўқ бир исён!..

Қиялик шимолида ястанган кабристон ўртасида, юкори тарафида учига туғ боғланган йўғонгина эгрирок ходача кўндирилган оддий гўр ёнида хомуш тиззалаган, кулоҳ кўндирилган боши ҳам... Лабларида умиду илинж аралаш маҳзун шивирлаш: бузруквор, фақир кошингиздамен!..

Соҳибқирон ниҳоят яхлаган кесакка аста пешонасини теги-зиб хўрсинар экан, дорилфано билан дорилбако ўртасида гулдираб ётадиган тегирмонни кўргандек бўлди. Орадан тахминан ярим соат ўтса ҳам ҳамон пири комилни абадий паноҳига олган тупрок уюми биқинида паришон чўккалаб турарди.

Тишлари тақирлай бошлаган гумашта, вақт бемаҳал бўлиб, қаҳратон совуқ кучайиб бораётганини учинчи марта юрак ютиб эслатгач, қайта дуойи фотиҳа ўқиди-да, шошилмай йўл тортди.

Соҳибқирон қайсидир гузар чойхонаси олдида, қор кўмган дарахтлар остида, халка солиб ғивирлаётган аёлу эркакка дуч келди. Ногоҳ кимдир кўриб қолиб, ўзини ошиғич панага урди, тез орада бошқалар ҳам шивир-шивир билан тўрт тарафга сурувдай тирқираб кетишди. Фақат бир киши қоқилган козиқдек кимирламади, ажабо, у ҳар қачонгидан кўра юпунрок кийинган, ранг-рўйи тагин ҳам захиллашган кампир эди.

– Бузайтурғон кўп-ей... Тузайтурғон қани? Эсизгина!..

Буни қаранг: заҳар томади-я тилидан!..

Қурмагур кампир хириллок товушини атай кўтариб кесатаётгани ва ҳамиятига тегаётгани бежиз эмас, ахир, кимсан етти иқлим устидан ҳукм юргизишга қодир жаҳонгир бўла туриб, ҳалигача бир майда жумбок ечимини топмади-да. Эрхон



можаросидан Сорбуғо кипчок сўз очишни истамагани табиий ҳолдир, хўш, нечун ўзи сиру савдо тагига етиш учун сал бўлсин кизикмади? Ором истаб, осудалик тилаб, хилват сари чекингани баҳона, арқонни бу қадар узун ташлаб кўйиши кўпам рисолага тўғри келмаса керак.

Соҳибкирон беҳосдан йўлини ўзгартирди.

Бетига санчилаётган изғиринни писанд қилмай, жадал лўкиллаб борар экан, тезроқ Сорбуғо кипчок билан ораочди қилиш – бетидан ниқобни олиб ташлашни мўлжаллар эди. Атрофида бели бакуват, дасти узун касларни тўплаган, ўшалар паноҳида ўзига ортиқча бино кўйган ҳоким осонликча жон бермаса керак. Лекин зиғирча айбини сезса борми, томири сувга етган эса-да, жаллод илкига топширади нобакорни!..

Нозик ганч нақшлар билан зийнатланган улкан хонаи хосни чилим тутуни тумандек ўраб олган, зарҳал косаларда кирмизий шароб кўпираётир, узун дастурхонда сархил нозу неъматлар мухайё эди. Қўшқават адрасу кимхоб кўрпачаларда бемалол кўр тўкиб ўтирган, ковоқлари кўпчиган сархуш кишилар ҳазил-мутойибаси ва қийқириғи бемалол ташқарига эшитилади. Тўрда бесўнақай оёқларини узатиб ёнбошлаган Сорбуғо кипчок хотиржам пинак қилар, ҳар замонда хирхираб хуррак тортар эди.

– Оҳ-ҳо, базми жамшид авжида-ку, – гулдираган товушда кесатди Соҳибкирон остона ҳатлаган заҳоти. – Дунёни сув босса ўрдакка не ғам, шундайми?

Сачраб кетган давра аҳли баравар пойига ёпишди.

– Қадамларига ҳасанот, қиблагоҳим! – тутилиб лутф қилди Сорбуғо кипчок, муз остидан чиққандек дағ-дағ учиб. – Бир қошиқ қонимиздин кечгайсиз, ғофил қолибмиз.

– Қипчок беги, эшитдимки, амрингизга кўра эрта-индин Эрхон дорга тортилуру, – дангалига кўчди Соҳибкирон. – Билай-чи, бандаи мўмин қанча сийму зарингизни қия қилмиш?

– Ҳай, ҳай, нимасини айтайин, жавохирот тўла сандуғча йўқолган, олампадох, – деди Сорбуғо кипчок, ҳамон қалтироғи босилмай. – Бундан кўп афсусдамиз.

– Ризобек, сиздан эшитайлик, – ҳоким каби гангиб, адоий тамом бўлаёзган қозикалонга юзланди Соҳибқирон. – Рости қайдаю, кўсти қайда, ўзингиз тузукроқ англагасиз.

– Муҳтарам ҳоким ростини айтди, – беихтиёр нигоҳини олиб қочди қозикалон. – Нафси ҳақалак отган муттаҳам Эрхон хазинамиз баракасини учирмиш!

– Ақлга сиғмас, қандоғ эплади экан? – чўзилиб кетган нохуш жимликни бузди Соҳибқирон. – Нима, гумроҳ соқчиларни гафлат босган эрдими?

– Олампаноҳ, – жон ҳовучлаб ғудранди қозикалон, – тафтишни бошқариб турган бош вазир борини биздин пухтарок билур.

Совуқдан яхши асрайдиган қалингина зарбоф тўн кийган Қодир Бўтабек ҳоли-руҳи айникса забун: ҳалидан бери, ҳамма қатори, бўлма тўрроғида оёғи куйган товукдек типирчилаб турар, ичидан қиринди ўтаётгани боис, ранг-рўйи кўқариб кетган эди.

– Бир қошиқ қонимдин кечинг, эй улуғлар улуғи, – деди у тили аранг буралиб, букилганча қайта-қайта ер ўпаркан. – Фақир алардин ортиқ далил билмасмен...

– Ҳоким ва қозикалон ҳукмига розимисиз?

– Барча розидур. Фақир ажралиб қолармидим?

– Ҳа, тузук... Бу дунёда кимки ўғри, заволи ҳар доим тайин!..

Қарийб бутун мамлакатда таниқли, хусусан, шу атрофда сўзи қиличдек кесадиган уч мансабдор берган гувоҳлик асли етарли эди. Ҳатто улар Эрхон айбини бўйнига олганини бир неча марта куйиниб таъкидлашди. Фақат у ҳозирча сандуғчани қайга яширгани ва ичидаги бойликни кимлар билан бўлишганини сир тутаётган экан, агар оғзидан гуллайдиган бўлса, ёввойифеъл шериклари бир кечада тинчитиб кетишармиш!..

Соҳибқирон кўзлари олма-кесак тераётган Сорбуғо қипчок қароргоҳида андак таскин топди, ҳоким ва бошқалар билан хайрлашиб, хонақоҳ сари қайтгандан кейин ичини ҳар хил гумонлар юмдалади. Афтидан, тафтиш шунчаки номига, пала-

партиш хом-хатала ўтказилган ва кўп нарса ноаниқ қолган кўринади. Қайтадан барини бирма-бир чиғириқдан ўтказиш мақсадга мувофиқдир. Аниқроғи, Эрхонни аямай қаттиқроқ бураш керакки, токи билган-кечирганини ипидан-игнасиғача сўйласин.

Шахар аллақачон ором оғушида...

Сохибқирон эса бедор: совуб кетган жимжит хужра ўрта-сида, Қуръони карим кўйилган лавҳ ёнида мук тушиб, хаёлан турли кўчалар бўйлаб кезиб юрибди. Ўй-фикри бир дам тутқич бермас, тобора чуваланиб, боши ғовлар эди. Ногоҳ кампирни эслаб, ғусса ва афсусга чулғанар экан, эшиқдан гу-машта мўраллади. Билдики, хузурига кимдир келган, ажабо, нақд катта сахарда-я?!

Сохибқирон ижозати билан эшиқдан ошиқиб кирган, пе-шида аллатовур орзиқиб тиззалаб, этагини кош-кўзига сур-та бошлаган мош-гуруч соқолли кишини илгари қайдадир, адашмаса, Сорбуғо кипчок саройида кечган бир машваратда учратган эди. Эҳтиром расму русумини келиштириб ўрнига кўйгандан кейин меҳмон ниҳоят ўзини таништирди. Ростдан ҳам у хазинабон Мустафо Шоший бўлиб чиқди.

– Хўш, биродари азиз, нечун кундуз ёруғида келмай, кеча қоронғисида безовта қилурсиз фақирни?

– Қиблагоҳим, афу этгайсиз мен одобсизни, лекин мабо-до малъунлар билиб қолсалар, калламдин жудо бўлурмен, – маҳзун қиёфа олди Мустафо Шоший. – Шу сабаб бемахал кадам ранжида қилмакни маъқул топдим.

– Шунақами? Қулоғим сизда.

– Эрхон жавр остида қолмиш!..

– Билиб кўйинг, ёлғондин тўйғонмен.

– Олампадох, зиғирча ёлғон сўйласам, тангри қарғишига учрайин ва тил тортмай ўлайин, – деди узиб меҳмон. – Му-борак хотирингизга маълум бўлсинки, дастлаб тафтишда иш-тирок этибмен. Аммо кейин қозикалон кистови билан ҳоким фақирни четлатмиш!..

– Сабаб?



– Сабаби... Валинеъматим, Эрхон гуноҳдин холи, бечорани тезроқ хибсдин бўшатиш лозим деган таклиф айтганим!

– Каззобга тарафкашлик қилдингизми?

– Имонимни тикиб айтамен, ғазнадин сандуғча йўколгани рост, лекин ани Эрхон ўғирлагани хусусидаги хулоса уйдирмадур.

– Йўғ-э! Исботи борми?

– Ишонмасангиз, ўзидин сўранг, қиблагоҳим... Тўғри, бандан ожиз хазинага кирган, маъкул туюлган сандуғчани ўмаришни мўлжаллаган, аммо кейин.... Тасодифан деворда бир битик кўриб қолгану айниган.

– Битик? Хўш, хўш?!

– Шундоғ, олампадох... Деворда хунарғир хаттот: “Оллох қилаётган амалларингиздан хабардор бўлгувчидир”, деган ояти муборакни иншо қилган экан. Ҳар неки қилмиши хуффия қолишига ишониб юрган Эрхон, халиги битикни ўқигач, пешонасига бир шапати урган ва шашқатор ёш оқизганча сандуғчани жойига қўйиб жўнаган. Эшикдан чикқан жойида... уйғониб қолган қоровуллар тутишган!..

Мустафо Шоший куйинганча юраги тубидан чиқариб сўйлар, хужра совуқ бўлишига қарамай, ажин тилимлаган энли пешонасини реза-реза қайноқ тер қоплаган эди.

Имони бутун одам эканлиги ранг-рўйидан билиниб турган хазинабон изоҳларига астойдил қулок тутган Соҳибқирон қалава учини топгандек енгил тортди, муҳими, мавриди келган захоти Эрхон билан учрашишни мўлжаллади. Тун бўйи тузукли ухламай, қаллаи саҳарлаб ҳузурига Сорбуғо қипчокни чорлади-да, кўнглида борини баралла айтди:

– Қипчок беги, дарҳол фармони олий битилсун. Биз Эрхон хунидин кечдук. Йигит яшамоғи керак. Яна бир тафтишдан кейин умуман бирон жазога лойиқ ёки нолийиқ эканини жиддийроқ ўйлаб кўргаймиз.

Бунақа бўлишини кутмаган Сорбуғо қипчоқ оқара-бўзара эътироз билдиришга уринди. Лекин Соҳибқирон бир ола қараган эдики, писиллаб ўчди-да, қалтак еган ит каби думини қисиб жўнади...

Ҳуш-хаёлини хилват ихтиёрига берган Соҳибқирон орадан икки кун ўтиб кетганини сезмай қолди. Бугун эрталаб гумашта кириб-чиқиб дастурхон тузаётган чоғда, бу дунёи дунда қахру ғазаб юпанч бўла олмаслигини ўйлаб ўтирарди. Салдан кейин шунчаки ул-бул тотинди-да, тоқчадан қалин муқовали китоб олиб, аста-секин варақлай бошлади. Қайсидир қизиқарли фаслдан ярим-бир бет ўқиган эдики, ногоҳ остона гусирлаб, кўзлари косасидан ирғиб чиққан Сорбуғо кипчок шошилиб кирди ва барваста гавдасини пойгакка отди.

– Қиблагохим, кўргилик, Эрхон ўзини ўзи чавақлаб ташлаптур!..

– Қипчок беги, не деб саннайсиз?

– Афсуски, сўзим рост! Мусибат содир бўлмиш!..

Соҳибқирон, китобни тезда жойига қўяркан, қоплондек шиддат билан отилиб турди-да, титраб-қакшаб юкунаётган Сорбуғо кипчокни ёқасидан бўғиб кўтарди ва шахд билан силтаб юборди. Ҳарчанд ўзини босишга тиришмасин, кўкси сим-сим ачишар, руҳи остин-устин бўлиб, еру кўкка сиғмай қолган эди.

Кўп афсус, лоқайдлик ўтиб, тадбирни пухта қилмади, буткул кўйиб юборди савил қолгур жиловни, энди шундоқ ҳам аламдийда, бағри бийрон муштипар онахон бетига қайси кўз билан қарайди? Эрта тағин хужрасига халтасини қўлтиқлаб келса-да, инсофли банда, барака топинг, тегирмон ҳолидан хабар олиш шунчалик бўлар-да, деб кесатса, эй художон, не кечади холи, тутдек тўкилиб тугамасми?!

Яна афсуски, Эрхон нечун қасд қилди экан жонига?

Бас, аччиқ ичакдай чўзиб ўтирмай, тезроқ сиру савдо тагига етиши, окни оққаю, қорани қорага ажратиши лозим, акс холда, руҳида кўним топа бошлаган осудалиқдан жудо бўлур. Ҳозироқ тафтишни саркарда Жоку барлос ихтиёрига топширади. Одам таниш, вазиятни тўғри баҳолаш ва ҳатто из топиш бобида у бесуюк...

Чиндан ҳам саркардалар ичра энг салоҳиятлиси ҳисобланган Жоку барлос Эрхон атрофида юрган аввали-охири йўқ

миш-мишларни аллақачон эшитганди. Соҳибқирон гарданига махсус вазифа юклагач, бир неча хос мулозим ёрдамида жадал ишга киришди ва эртаси шомга яқин муфассал маълумот берди.

Қоқ ярим кечада, атроф жимжит бўлиб колганда, зиндон сокчилари чопкин қилинган, хунрезлик Эрхонни орадан кўтариш учун амалга оширилган, чатоғи шундаки, фитна бошида Сорбуғо кипчокнинг ўзи турган эмиш!..

Соҳибқирон аранг босди ғазабини, бас, деди ичида, итдан бўлган қурбонликка ярамас, ҳар қадамини назоратда тутиш ва хашагини очиб ташлаш лозим. Ёлғиз тангри нажоткор! Билмаган экан, бу шаҳар иклими ва амалдорлари кўнглини рутубат босмиш, бундан хос ҳам, авом ҳам жабру жафо тортур. Мискинлик ҳеч қачон айб саналмас, аксинча, жаҳолат сари оғиш гуноҳи азимдир. Кимлиги номаълум бир ожиза мансабни от қилиб минган касларга қандай бас келсин. Шўрлик ҳозир ўз ёғига ўзи қоврилиб ётгандир. Бир бориб кўнглини сўрайди, шунга ҳафсала қилмаса, бекор катта гапириб юрган экан ёруғ дунёда!..

Эрталаб, қор учқунлаб турганда, чакмону чопонга ўралган амирлар ва беклар хонақоҳ олдида тўпланишди. Ҳамма Соҳибқирон этагини тавоф қилиш учун ошиқарди. Лекин у ҳар кимга руйхушлик бермас, қовоғи солинган ва паришон эди. Бошига қундуз телпак қўндирган Сорбуғо кипчокқа кўзи тушганда, ичини айникса нимадир ёндириб, доғули саломига алик олишни ҳам истамади.

Соҳибқирон гумашта ўнглаган гижинглаётган тўрик белига абжирлик билан қўнди-да, шитоб жиловни силтади, вазиятни англагандай жонивор думини хода қилганча, изғирин супураётган ўнқир-чўнқир кўча бўйлаб йўрта кетди.

Ҳайрату ҳавасга кўмилган мулла Нишон зўр иштиёқ билан йўл кўрсатиб борди. Салдан кейин у минган қовурғалари саналиб қолган чўғир шаҳар четидаги кўримсиз ҳовли рўпарасида пишқириб тўхтади.

Дарвоза икки қанотида беш-ўн киши бел боғлаган ва қўл қовуштирган ҳолда сукут сақлаб турарди. Безотиғли отларда

елиб келган, шоҳона либослар кийган аслзода зотларни кўриб, улар шошиб-гангиб қолишди. Анча тетик кетмон соқолли чол, гузар оқсоқоли, шекилли, кампир бетоб ётганидан хабар бериб, тавозе ила ичкарига шошилди.

Оқсоқол изидан факат Соҳибқирон, Жоку барлос, Сорбуғо кипчок, Қодир Бўтабек ва Ризо олчин эргашди, бошқалар ҳас-сакаш биродарлар қаторидан жой эгаллашди.

Соҳибқирон гупиллаб исирик ҳиди анкиётган торгина дахлизга кираркан, гўё бирдан бағри ўпирилди, ахир, ғира-шира қоронғилик қаъридан мўлтираб боқаётган ҳорғин ва маъюс кўзлар таънасига тоб бериш осон эканми, қодир эгам?

Тўрда уйилган лўла-болишга елка тираб ўтирган, жусса-си яна ҳам кичрайган кампир оҳиста пичирлаб дуо ўкиёттир, ранг-рўйида бир олам мунг ва ҳасрат нақшланиб қолган...

Узун қора кўйлак кийиб, қора рўмол ўраган ғундалаккина хушрўй аёл, келини бўлса керак, атрофида паймона патак, ҳатто ҳар бир сўзи ва ҳар бир имо-ишорасига маҳтал...

– Онахон, бандалик, – деди Соҳибқирон, қисқагина дуойи фотиҳадан кейин, бўғзи ачишиб. – Оллоҳим жаннатини аяма-сун!..

– Илойим, шундай бўлсин, – оғир сўлиш олди кампир, кал-та киприклари намланиб. – Кеча айтишди, мурувват қилган экансиз.

– Ҳа, имкони борича... Аммо фақир доғда қолдим.

– На чора? Осмон узок, ер қаттиқ! – қат-қат ажин босган ёнокларидан думалаган шашқатор ёшни захил тортган кафт-лари билан секин артди кампир. – Шаҳаншоҳим, минг бора узр, иззат-хурматингизни жойига қўёлмадик. Сиздек улуғ зот ҳамиша кўноғимиз бўлмас.

– Хиҷолат чекмак мавриди эрмас, онахон.

– Худо ҳақи, ташрифингиздин бошимиз кўкка етди!..

Ахийри, хиёл тетиклашган, оз бўлса ҳам кўнгли ёришган кампир беихтиёр нимжон гавдасини кўтарди ва олий мартаба-ли меҳмон чехрасига қайтадан разм солди.

– Олампаноҳ, шу десангиз, бугун... ё эртами... бева қолган

келинимга бир юмуш буюрмоқ ниятида эдим, худойимдин ўргилай, мушкулимни ўзи осон қилмиш!..

– Не юмуш экан, онахон?

– Ёдингизда борми-йўқми, билмадим, замонида сиздин бир омонат қолгон ихтиёримда!..

Кўшқават бахмал кўрпачада хорғин тиззалаган Соҳибқирон, ногоҳ хушёр тортиб, ихчам кузалган соқолини силади. Тавба, кўп аломат ва нақадар ҳайратли, ахир, тўридан гўри яқин кампир қандай омонат устида сўз юритаётир? Қурмагур кўпни кўрган ва бир балони биледи-ёв. Ёки ширин жони бўғзига тиқилиб, алжирай бошладими шўрлик?

Ҳар ҳолда Соҳибқирон, шубҳаларини ҳайдаб, охиригача сабр билан хотиржам кутишга қарор берди. Бу орада кампир бир қадар жонсарак бўлиб қолгани ва орзикаётгани сезилди, ҳатто ногоҳ мўъжиза рўй бериб, ёшлик фаслига қайтган каби, нигоҳи бошқача чакнай бошлади. Сўнг нимадандир чўчинкирагандай астагина бош ирғади. Ўша заҳоти келин тахмондаги майда нақшлар чекилган сандуғдан ола-була тугунча олди.

Соҳибқирон лолу ҳайрон бўлиб кулимсиради, ахир, тунув куни қора совуқдан чўчимай юпун кийинган кампир, тўсатдан ҳужрасига бостира кириб, юрагини тўкканда шу нарса кўлтиғида эмасмиди?

– Марҳамат, шаҳаншоҳим!..

Во ажаб, ғира-ширада ялт-юлт қилаётган матоҳ нима?

Ҳушими ёки туши – бинойидек кўз камаштирар камар-ку!

Ростдан ҳам ақл бовар қилмас: нақшлари кавариқ тилла тўға, нозик зарбланган заррин ҳошия, лов-лов ёниб товланаётган лаълу ёқутлар нақадар яқин дилига!..

Соҳибқирон ўтли нигоҳини рўпарасида ҳам мунғайиб, ҳам синик кулимсираб турган кампирга кўчирди ва ногоҳ ўзини ширабўрон аралаш ураётган лайлак қор қўйнида, тириклик нишонаси йўқ зимзиё ва кимсасиз дашт ўртасида кўргандек бўлди...

Барини аввалидан-охиригача эслади: омад бутунлай юз ўтирган ўша мудҳиш кунда, барча шеригидан адашиб қолиб,

мўғуллар пистирмасига дуч келган ва елкасига камон ўқи санчилган эди. Узок муддат туз тотмай, кўп қон йўкотгани сабабли, тинкаи мадори қуриб, охири бир қишлоқ яқинида юзтубан қулади. Эс-хушини йиғсаки, мол тезаги ва пичан ҳидига тўла ним қоронғи оғилда, пичан ғарами ичра афтодахол ётибди. Кимдир малҳам суриб, ярасини боғлабди. Кейин билса, халоскори хокисор ва нозиккина хушрўй аёл экан...

Тез орада куч-қувватга энгач, аёлни сийламоқ ниятида, чўнтагини қовлади-ю, сариқ чақа ҳам тополмади. Охири, хижолатини яширолмай, қурук раҳмат айтиш билан кифояланди.

Қор кўрпаси остида мудраётган Кеш сари юзланаркан, бўз йигит бўлиб бўй кўрсатганда, падари Тарағай баҳодир эзгу ният билан белига боғлаб қўйган камарни ўша ерда унутиб қолдирганини билди. Оҳ, шунақа афсус чекдики, недир оғриқдан ҳатто юраги тарс ёрилаёзди. Ахир, у шунчаки оддий буюм эмас, баҳоси ҳам, такрори ҳам йўқ ёдгорлик: етти пуштини кўрган ва етти бобокалони жисму жонига мадор бўлган. Узокни кўра оладиган бузруквори эса, вақти-соати етганда, ўзи уни энг жўмард ва оқил фарзандига топшириши лозимлигини неча марта қулоғига қуйганди.

Соҳибқирон ғаму андуҳга ботди, вақтни бой бермай, бешўн ишончли навқар билан ҳалиги қишлоққа ошиқиб келди. Аммо қунига яраган аёл дарагини тополмади, ҳовли-жойини мўғуллар ёқиб юборган экан...

Соҳибқирон, камарни ёдидан чиқармаган эса-да, аллақачон ундан умидини узганди. Ахир, бунақа нархи баланд камёб молни ким ҳам ўзиники қилиб олишни истамайди.

– Онахон, фақир шу дамгача ҳеч кимга, ҳатто қудрати зўр подшоҳларга ҳам бўй эгмай яшадим. Аммо сизга таъзим қилсам ярашур. Бугундан сизга ўғил бўлдим!..

Соҳибқирон аста қафтини кўксига босди.

Чамаси, кампир ҳам ўша дамлар аччиқ-чучуги, оғир-енгили ва жабру жафоларини хотиридан кечираётган эди. Эҳтимол, шу боис озғин юзи ажинлари тобора ечилиб, нигоҳи нурланиб борарди. Фақат қошки ҳали алоҳида лутф билан ай-



тилган таклиф, адо этилган эҳтиром дилида ўрнашган кават-кават доғларни ювиб юбориш учун озгина яраса!..

– Онахон, айтинг, фақир не қилсам дилингиз шодланур? Ҳозир ҳар неки тилагингизни мустажоб қилишга ҳозир но-зирмен! Буюринг, бемалол иккиланмай буюринг, эй онахон!

Кампир жавоб қилмай хўрсинди, ҳеч кимга эътибор бер-май, бошқатдан лўла-болишга оҳиста суянди-да, хиралашган ва ҳалқа-ҳалқа ёш айланаётган кўзларини беҳолгина юмди...

Шу билан суҳбат боқий бўлди.

Соҳибқирон мўлтираб култ-култ ютинаётган кампирнинг йиллар тамғаси босилган чехрасига охириги марта ўгирилиб қаради, кўкси увалганча нимадир дегиси келди, аммо дарҳол тилини тийди. Оғир-оғир қадамлар билан даҳлизни тарк эт-ган маҳалда, безовта юраги лағча чўғ теккан каби куйишаёт-ган эди.

Соҳибқирон ҳамон изғирин увиллаб супураётган ўнқир-чўнқир кўчадан бедовни кичаб ҳайдади: бир интиклик би-лан тангри уйи бўлмиш хонақоҳдаги қойим хилват сари ошиқарди. Изидан эса қорама-қора бир шарпа шовурсиз йўрғалаб келарди...



Тоғай МУРОД

Ўзбекистон халқ ёзувчиси
(1948 – 2003)

ЮРТ ҚЎШИҒИ

Бади

Аёлимиз айтади, уйқунгизда гапириб чиқасиз, дейди.

– Нимани гапириб чиқаман? – сўрайман ундан.

Аёлимиз тайин бир нима деёлмайди. Бир ундай дейди, бир бундай дейди.

Чин, мен учун кеча-да бир бўлиб қолди, кундуз-да бир бўлиб қолди. Кўзим илиндими, бўлди, тушимга бир нималар киради. Уйқумда қаерлардадир нималардир қилиб юрман. Тушимми-ўнгимми, билолмайман. Кунлар ўнгимда қандай кечса, уйқумда-да шундай кечади. Эл билан кўришиб-сўрашаман, гаплашаман, талашиб-тортишаман, қаҳ-қаҳ уриб куламан. Кейин... йиғлайман! Йиғлаб-йиғлаб... пахта тераман!

Йиғлаб кўзларимни очаман. Теварагимга қарайман. Кўзларимда ёш йўқ бўлади.

Аёлимиз билан болаларимиз пиш-пиш ухлаб ётади.

– Босинкираяпти, ўнг ёнбошига ағдарилиб ётсин, – дейди аёлимиз.

Ўнг ёнбошимга бурилиб ётаман. Бу сафар бир адирдан кета бераман, кета бераман. Адир охири кўринмайди. Олисларга қарайман. Олислар йўқ. Зим-зиё. Далаларга қарайман.

Далалар-да йўк. Оёқларим остига қарайман. Ер-да йўк. Оёғимни мўлжаллаб босиб, ерни излайман. Ерни топаман.

Зулматдан кутулиш учун сойга қараб энаман. Оёғим ерга тегмайди. Зим-зиё хонада саланглаб қолади. Зулматда учиб кетаман. Учиб кета бераман, кета бераман. Қаерга тушаман, ўзим-да билмайман. Кўним ер тополмайман. Ана энди ўлдим, дейман. Шунда, пойимда ўрқач-ўрқач қирлар, улкан-улкан тошлар қора беради. Дарахтлар, сувлар ранг беради. Зўр бериб дарахтлар узра тушайин, дейман. Дарахт шохлари тирнаб ташласа-да майли, омон қоламан, дейман. Қучоқларимни катта очаман. Мисоли сувда сузмишдай, дарахтлар томон талпинаман.

Ўнқир-чўнқир тошларга “гурс” этиб тушаман. Жонҳолатда тўлғанаман. Танам “зирқ-зирқ” этади. Кўзларим очилиб кетади. Бир бошқа бўлиб қоламан. Деразага қарайман. Дераза оқариб келаётган бўлади. Туриб турулмайман, ётиб ётолмайман. Бир таним бу дунёда, бир таним ўзга бир дунёда ётгандай бўлади. Шунда... шунда бир нима шовиллайди. Сел бўлиб сел бўлмайди, мусиқа бўлиб мусиқа бўлмайди.

Бир вақтлар колхозимиз радиоузелчиси Қудратбой уйимиз деворига майдагина радио осиб қўйди. Радио сахардан ётаргача гапирди, ашула айтди. Аввал-аввал зиғир мойдай ёқди. Кейин-кейин қулоқ-мияни еди. Жонга тегди. Бемаҳал қичқирар хўроз бўлди-қолди. Гапира беради, ашула айта беради. Номи ашула бўлса бўлди, айта беради! Эл-юртга ёқадими-йўқми, барибир айта беради! Болалар овозини пасайтириб қўяман деб, бир-икки марта девордан тушириб юборди. Радио палағда бўлиб қолди. Бор-е, дедим-да, омборхонага отиб юбордим. Шу билан қулоғим тинчиди-қолди.

Ўғлимиз омборхонани титкилабди. Ана шу радиони топибди. Биноийдай созлабди. Деворга осиб қўйибди. Билдим, ана шу радио шовулляпти!

Ўй-хаёлларим учди-кетди. “Дик” этиб жойимдан турдим. Апил-тапил кийиндим. Селдай шовуллаш кўнглимни эзиб кела берди. Шундай қайғули шовуллаш, шундай кўнглини

вайрон қилувчи шовуллаш! Қарадим, аёлимиз сигир соғаяпти. Аёлимиз олдига бордим.

– Ай, Ойсулук, бирон катта-патта ўлибдими дейман, эшитаяпсанми? – дедим.

– Каллаи сахарлаб гапирган гапини...

– Чин-да, қара, бундаин куйни мотамда чалади.

– Кўп гапирмасин, мол сут бермай кўяди.

– Бўлмаса, эси жойида одам каллаи сахарлаб шундай куй чаладими?

– Радио ҳар сахарда шундай чалади. Нафасини иссиқ қилсин.

– Қара, кўнгилни ер билан яксон қилади-я...

Армиядалигимда бизни Суздаль деган шаҳарга саёҳатга олиб боришганди. Жуда бир хашамдор касрга олиб киришди. Шунда, мунгли айтиб йиғлаш эшитгандим. Бир тўда аёл димоғида айтиб йиғларди.

Бизни эргаштириб юрган аёл тушунтириб берди. Айтишича, Пётр I деган ўрис подшо Россияда қайта қуриш бошлабди. Унинг Лопухина деган аёли бор экан. Шу аёли ҳадеб подшолук ишига аралаша берибди, аралаша берибди.

Шунда Пётр I сенми ҳали эркаклар ишига аралашадиган, дебди-да, аёлни Суздалдаги ўша монастырга сургун қилибди. Сочларини таг-туги билан кириб ташланглар, дея фармойиш берибди.

Подшо фармойишига биноан, аёлнинг сочларини пакки билан кириб ташлабдилар! Суздаллик аёллар подшо аёли ҳолига ачиниб, айтиб-айтиб йиғлабди. Ўшандан буён монастырга томошага келгувчиларга ана шу айтиб йиғлашни эшитириб турар эканлар.

Мен ўйлай-ўйлай, ана шу айтиб йиғлашни эсладим. Ҳозир эшитаётганим... ўша айтиб йиғлашга жуда-жуда ўхшаб кетди!

Шовуллаш юракни эзгандан-эзди. Кўнгилга қайғу солди. Кўнгилга таҳлика солди.

– Нимага анқайиб колди? Борсин, юз-кўлини ювсин. Нима, дунёни энди кўраяптими? Радио ҳар сахарда чаладиган соз-да.

– Унда, нимага мен эшитмаганман?
– Бу киши қаердан эшитади, тонг ёримай далада бўлса...
Шовуллаш орасидан овоз келди:

*...Серқуёш ўлкада кўрмасдик зиё,
Дарёлар бўйида эдик сувга зор...*

Энди билдим, ўйлаб-ўйлаб топдим. Бу ўзимизнинг эл-юрт кўшиғимиз бўлди...

Уйқуни ярим ўлик дейдилар. Одам тонг сахарда уйқусираб туради. Дунёни энди кўраётгандай бўлади. Дунёга уйқусираб қарайди, босинқираб қарайди, илтижо билан қарайди. Дунёдан нажот истайди. Дунёдан илинж истайди...

Дунё таги оқариб-оқариб келаберади.

Тонг еллари юзларни силайди. Тан-жонни ҳузурлайди. Кўнгилни тўлдиради. Кўзни тўйдиради.

Дунё шундай бир вақтда... тонг дея аталмиш хушрўй бир вақтда... биров қайғули ашула айтиб бошласа нима бўлади? Одам уйқудан уйғонганларига пушаймон бўлади! Кўнгил тундай бирён бўлади! Тонг – тун бўлади!

*...Серқуёш ўлкада кўрмасдик зиё,
Дарёлар бўйида эдик сувга зор...*

Радио эл-юрт кўшиғини айтаяптими, ё айтиб йиғлаяптими? Айтиб йиғласа, нима деб йиғлаяпти? Ай, Дехқонкул, боя олам зим-зиё эди, коп-қора тун эди, сен ёруғ шуълага зор эдинг, қултум сувга ташна эдинг, хокисор эдинг. Ана, энди тонг бердим, энди сенга сув бердим. Бор, энди мени шарафла-да, энди мени улуғла-да, олти миллион тонна пахта териб бер, дея айтиб йиғлаяптими?

Қайси бир йили Термизга бордим. Бекатда ўғлим билан автобус қараб қолдим. Сомса олиб едим. Шунда бир бурчакдан кўшиқ эшитилди. “Ялт” этиб, кўшиқ эшитилмиш тарафга қарадим. Бир бўзбола магнитофон кўйди. Одамлар лашлушини кўтариб, кўшиқ олдига бориб турди.

Сомсани қоғозга ўраб, мен-да кўшиқ олдига бордим. Магнитофон теварагини одам босди. Кўшиқ эшитиб маза қилдим. Аммо сўзларини тушунмадим. Боиси, кўшиқ бир ажнабий тилда бўлди. Ўзимча, ишқ-кўнгил кўшиғи бўлса кераг-ов, дея ўйладим. Боиси, кўшиқ кўнглимга зиғир мойдек ёқди. Яхшилаб эшитиб олайн дея, сомсамни емай турдим. Бўзбола магнитофонини кўлтиқлаб жўнади. Сомсахонага борди. Магнитофонини деворга суяб қўйди. Ўзи панжарага суяниб, сомса еди. Ўғлимни эргаштириб, бўзбола кетидан бордим. Бўзбола тагин магнитофонини кўлтиқлаб жўнади. Сувхона олдига келди. Магнитофонини сувхона пештахтасига қўйди. Бир қўлини белига тираб сув ичди. Бир менмикан десам, бошқалар-да кўшиқ кетидан эргашиб келди.

Кўшиқ ниҳоялади. Биров бўзболадан, бу қандай кўшиқ, дея сўради.

Бўзбола елка қисди.

– Отини билмайман. Афғонистон гимни, – деди. – Аҳмад Зоҳир айтади.

– Эл-юрт кўшиғи дейсиз-да?

– Шул-шул!

Хаёлимга ўша кўшиқ келди. Кўшиқни деб, бегона бўзбола кетидан эргашиб юрганларимни эсладим.

Гап очилиб қолса... афғон ҳамсояларимизни камситамиз. Қолоқ дея бурнимизни жийирамиз. Осмондан келиб кулаамиз! Ана, эл-юрт кўшиғи қандай бўлади!

Тонг сахарда эл-юрт узра шундай бир кўшиқ таралса... Эл-юрт кўшиғида юргимиз суврати бўлса... элимиз руҳи бўлса... эл-юрт сози бўлса... эл-юрт кўшиғини эшитиб, одам яшаган сайин яшагиси келса... пахта терган сайин тергиси келса...

Эл-юрт кўшиғини эшитиб, ажалга-да борса одам.





Ўрозбой АБДУРАҲМОНОВ

Қорақалпоғистон халқ ёзувчиси

(1946 йилда туғилган)



ЎЖАРЛАР ТЎЙ БЕРМОҚДА

Матирзанинг манглайига битган битта қизи бор. Ўзиям юқорида ўқиб юрибди. Омонлик бўлса, яқинда ўқишни тамомлаб, элга “катта” бўлиб қайтади. Қизи ўнинчини тамомлаб, пахтада юрган пайтларидаёқ талай-талай йигитларнинг боши Матирзанинг ўжар феълига ўралиб, қайта бетламасдан “синиб” кетган.

Матирзанинг бир армони – қизини ўқитиш эди. Мана, ўқияпти. Бўлмаса қизи тушмагур “ўқимаيمان, ишлаб сизларни боқаман”, деб ҳам кўрган эди. Матирза ўшанда қизини эргаштириб кетиб, нақ Тошкентдаги энг баланд институтга “ўтказиб” келган. Худога шукур, худога шукур. Қани, ўқишни битириб, кишлоғига “катта бўлиб” келсин қани, қизини қутлуғ уяга ўз қўли билан қўндирса – Матирзадан бахтли одам бу дунёда топилармикан?! Хуллас, худога айтиб юрган шукронаси кўп. Манов, хотини эса...

– Қизим ўтириб қоладиган бўлди! Сизнинг ўжарлигингиздан шунинг бари! Ўқисин дедингиз, қиз бола ўқиганда нима, шохи чиқармиди?! – деб шанғиллайди баъзи-баъзида хотини.

Шунда Матирзаники ҳам тутиб кетади.

– Ҳой, эси йўк хотин! Ҳозир замон ўқиганники, билдингми? Озгина сабр қилиб тур энди, қизинг ўқишни тамомлаб келсин, совчи деганинг эшикни бузгудай бўлиб ёпирилиб келади ҳали. Мен, нима, битириб келмаган қизимни “ҳов, келин қилинглар!” деб, кимларнингдир тиззасининг орасидан ўтиб юришим керакми? – деб қойийди Матирза хотинини.

...Чоршанба. Қутлуғ насибали куни уйларига уч оқсоқол киши кириб келди. “Сизларни танимайроқ турибмиз”, деган гап дастурда йўк. Хотини дастурхонни кенг қилиб ёзиб юборди. Бирпасда дастурхоннинг усти қанд-курс, олма-узум билан тўлди. Бироздан сўнг эса бу келганларнинг совчилар эканлиги маълум бўлган, Матирза қўрага кириб, оқ қўчқорини чалиб йикитди. Овулнинг катхудоларига одам кетди.

Дастурхоннинг атрофи тўлишгач, келганларнинг ёши улуғи томоғини кириб сўз бошлади:

– “Сизларда қиз, бизларда ўғил...” деганларидай, қариндош – томир бўлайлик, деб келдик, қариндошлар. Манов Холмуродни Қумйиққан томонда танимайдиган одам йўк. Шу инимизни...

Матирза бўлажак куда томонга бош силкиб бир қараб қўйди. Холмурод деганлари индамасликка шарт қилиб келганми – жимжит, сипогина бўлиб ўтирибди.

– Ҳм-м, жуда баракалла. Бизга йигитнинг ким эканлигини, нима юмуш қилишини ҳам айтинг, – деди овул катхудоларидан бири.

– Ўғлимиз қиз билан бирга ўқийди. Иккови шу ёқда ўқиб юриб, бир-бирига маъқул тушган ўхшайди, – деди супурги-соқол совчи. – Биз ота-оналарнинг фарзи – икки ёшга оқ фотиҳа бериб, уларнинг бошини қўшиб юбориш. Энди элнинг дастурига келсак, олиш-беришимизни ошиқмай айтишаверамиз-да...

Қудалар битимга келдилар, бир-бирларига “сиз ёнбошланг, олиб ўтиринг”лаб қолишди. Бош қуданинг олдига калла тортилди. Оқсоқоллар ўтган-кетганни айтишиб, қулишиб ҳам олишди. Бироқ Матирза билан Холмурод бир-бирига қара-

шиб, ортиқча гапга йўл қўймай, тавозе ила... дегандай, ҳамон жим эдилар.

– Ё пирим-ай, қариндошлар, бир китобда манови ўзимизнинг атшўк* деган қуш бор-қу, шунинг таърифини ёзишибди, – деб қолди бир пайт супургисоқол меҳмон. – Яқинда Мамбет қорининг уйида ўтирганимизда ўқиб берди...

– Хўш-хўш, атшўкнинг китобда ёзғудай нима таърифи бор экан? – деди овул катхудоси ёстиғини бир қўлтиқдан иккинчисига алмаштираркан.

– Китобда ёзишибдики, қадимда бир атоқли бой одам ўтган экан. Унинг ой деса оғзи, кун деса кўзи бор бир қизи бўлган эмиш. Бой қизини яхши бир жойга узатиш ниятида экан. Бироқ қизи отасининг айтганига кўнмай, ўзига ёққан йигит билан тил топишибди-ю, улар қочиб кетибдилар. Бой аччиқ устида қизига терс фотиҳа берибди-да: “Энди менинг сендай қизим йўк, ана, сенинг отинг ҳам йўк!” дебди. Шундан сўнг қиз бояқиш қушга айланиб қолибди-да, “оти йўк, оти йўк” бўлиб, охири “атшўк” бўлиб қолган эмиш...

Супургисоқол кишининг айтганлари ўтирганларнинг оғзига сақич бўлиб тушди.

– Ростдан ҳам, шу бечора қуш сайрагандаям “оти йўк”, “оти йўк” деяётганга ўхшаб кетади-я...

– “Оти йўк” деган гап “атшўк”ка айланиб кетган-да, шундайми?

– Ундай бўлса, “атшўк-атшўк” дегани отаси айтган қарғиш экан-да... Атшўкни кунда кўриб-тинглаб юриб, ҳеч эътибор бермас эканмиз. Китобда ҳикмат кўп-ов...

Келганидан бери жим ўтирган Холмурод шу ерга келганда гапирганини билмай қолди:

– Шу... сизлар айтиб ўтирган атшўк деган қуш бир ойгина сайрайди, сўнг япалокка айланиб кетади...

Матирза бу гапга қўшилмади:

– Сиз ҳам янглишдингиз, меҳмон – деди, – япалок бошқа қуш, атшўк дегани бутунлай бошқа қуш.

*Атшўк – сассиқнопишакнинг қорақалтоқча номи.

– Йўқ, унақа эмас, атшўк билан япалоқ куш – туб дараги битта куш. У аввал атшўк бўлиб сайраб юради-да, овози хирллаб колгач, япалоққа айланиб қолади, – деди Холмурод.

Матирза бу гап билан келишгиси келмади:

– Улар бошка-бошка кушлар деяпман. Умрида атшўк ҳам япалоққа айланадими сира?

– Айланади, – деди Холмурод.

– Айланмайди!

– Айланади!

– Айланмайди!

Худо хоҳласа куда бўламиз деб ўтирган иккита кап-катта одам атшўк билан япалоқнинг устида баҳслашиб кетишди. Дастурхон атрофидагилар ноилждан иккига бўлиниб, бирлари Матирзани, иккинчилари Холмуродни ёқлай бошлади.

– Ахир, япалоқ деган кушда ҳам отатеги бўлиши керак-ку, япалоқ атшўкдан чикмаса, каёқдан чиқади?

– Атшўкнинг ота-онаси – атшўк, япалоқнинг ота-онаси – япалоқ бўлади-да, тақсирим. Сизнингча, нима, товукни туя-товук туғадими?

– Йўқ, унақа эмас, атшўк япалоққа айланганидан сўнг сайрамайди ҳам, учолмайди ҳам, ерда йўртганича юраверади, – деди Холмурод.

– Атшўк ҳам, япалоқ ҳам ўзича сайрайди, ўзича учади, – деди Матирза энсаси қотиб.

– Япалоқ умуман учмайди-ку!

– Учади, дедимми, учади!

Бу орада катхудо оқсоқоллар гапни бошка ёқларга буриб юбормокчи бўлиб кўришди, натижа чикмади, айланиб келиб гап яна кушларга такалиб қолаверди.

– Атшўкнинг полапонлари атшўк бўлади.

– Шуларинг бари бир япалоққа айланади-ку, ахир...

– Айланмайди.

– Айланади!

– Қани, айланса, туринг ўрнингиздан, кўтаринглар ўкчани! Сизларга қиз ҳам йўқ, туз ҳам йўқ!

– Бай-бай, менинг ҳам сенинг қизингни оламан деб, оғ-



зим куриб қолаётгани йўқ, кетсам кетавераман. Атшўк билан япалоқнинг фаркига бормайдиган одамнинг кизини олмаганим бўлсин!

– Тепага қараб сўзла, жўра, мен ҳам сенга ўхшаган япалоқнинг отаси атшўк дейдиган одамнинг зурёдига кизимни бермаганим бўлсин!

Ана-мана деб, тўй кунини белгилаймиз турган ерда иккала куда бир-бирларини қайтиб кўрмасдек бўлиб тарқалишди. Матирзанинг хотини яна ер тўқмоклади:

– Соқолларингга ўт кетсин сенларнинг! Бир оғиз гапдан қолганда, нима, имонинг тешилармиди? Шу иккита қушни деб, кизимнинг тўйини тўхтатасанларми? Ҳе!...

* * *

Матирза тўйнинг... барибир бўлаётганини, қизининг турмуш қураётганини, куёв бола – ўша Холмурод ўжарнинг ўғли эканини, тўй ҳам туманда эмас, Нукусда эмас, нақ Тошкентда бўлаётганини икки ойдан сўнг – тўйга таклифнома-телеграмма келганида билиб қолди. Хотинига ола қараб югурган эди, сўнг яна шайтонга ҳай бериб тўхтади. Хотин кичкирди:

– Боринг, Тошкентга билет олиб келинг энди! Ёлғиз қизингиздан безиб ўтиролмайсиз-ку, ахир. Туринг, оқ фотиҳа бериб, тўйини ўтказиб келайлик...

– Сен ўжарнинг ҳақинг мана шу! – дейишди бирин-кетин кириб келган овул оксоқоллари. – Боягида бир оғиз гапдан қолганинда, биз ҳам овулда тўй кўриб, маърақанинг паловини ердик... Қизинг бечора қачонгача чидасин? Мана, оғзингга лой суртиб кетди. Энди атшўқингнинг ҳам, япалоқингнинг ҳам қуйруғини юлиб ўтиравер! Ўжарлигиндан ёнингга жон бетлаёлмай, ана, қизингнинг тўйи Тошкентда бўлаётир...

Матирза таклифнома-телеграммани ўша куниёқ йиртиб ташлагани билан, тўй куни яқинлашгани сайин тоқатсизланаверди.

Барча ота-оналарга теккан “фарзанд” деган дард унинг ҳам юрак-бағрини эзиб юборди-да, тўй куни Тошкентга кан-



дай учиб келганини билмай қолди. Таксига ўтириб, талабалар шаҳарчасидаги “Ёшлик” кафесига етиб келганида, қатор тизилган столларнинг нариги бошида ўтирган Холмурод ўрнидан туриб кетди-ю, тўй тўхтади. Қудалар ҳув атшўк билан япалокқуш воқеасини эслагандай, бир-бирларига ёвқараш қилиб тикилиб қолишди. Анча вақтгача чўзилиб борган жимжитликни бузишга ҳеч бирининг мардлиги етмади. Шунда Матирзанинг кўзи оққуш мисоли чиройли кийинган кизи билан савлатли куёвига тушди. Ерга тикилиб, йиғлагудай бўлиб турган кизининг лаблари пичирлаб: “Ота, мен бахтли бўлмоқчиман, бизларга фотиҳа беринг!” дегандай бўлди. Бундай пайтлардаги бахтиёрлик туйғуларини ҳис қилиш учун ҳам ота бўлиб кўриш керак экан...

Матирза секин юриб бориб, қудаларга яқинлашди-да, қўлини чўзиб турган Холмуроднинг ёнига ўтди. Зал гувиллаб кетди. Шампанлар отилди. Тўй қайтадан бошланиб кетди. Матирза қудалари билан яхшилаб омонлик-эсонлик ҳам сўрашолмади – одамлар келиб-кешиб, кириб-чикиб турибди, ёр-ёрлар авжга чиққан, ўртада ўйинга тушаётганларга қараб рақс тушиб кетгиси келади одамнинг.

Индамай ўтиришни ўзига эп кўрмадими, Холмурод гап бошлади:

- Қуда, самолёт билан Қизилқумни кесиб ўтиб келгандирсиз?
- Ҳовва, қизилми-сарикми, билмайман, ҳайтовур, худонинг кўп қумларининг устидан ўтдик, – деди Матирза ҳам суҳбатга аралашгиси келиб.
- Қумлардан ўтган бўлсангиз, шу бизнинг Нукусдан бошланадиган Қизилқум ўша...
- Билмадим, ишқилиб, айтяпман-қу борган-кетган қумликлардан ўтдик деб. Ҳамма ёқда сап-сарик қум ёйилиб ётибди.
- Шу-да шу... Шунини Қизилқум деб аташади географияда.
- Пай... сап-сарик қумниям қизил қум дейдими, китобда?!
- Мен шу қумнинг номланишини айтяпман, қуда, Қизилқум!
- Сарик қум!

– Қизил!

– Сарик!

Уларнинг товуши кўтарилиб, тўй яна тўхтаб қолай деди. Ёшлар икки қуданинг тортишувига аралашолмай, ўзаро “ана бошланди” дегандай, қулишиб, терлаб-пишиб ракс туша-вердилар. “Ўзлари келишиб олар-да икки куда. Энди кунда-кунора кўришиб турадилар-ку...” Аммо қудалар ўртасидаги самолётдан кўринган қумлар Қизилқум дейиладими ёки қумларнинг ранги сарикми эканлиги ҳақидаги баҳс тобора авжга чиқиб борар, тўхтайдиган тури йўқ эди.

– Яхши, – деди қизариб кетган Холмурод. – Боягида атшўкнинг полапонидан япалоқ чикмайди, деб куйдирган эдинг. Мана энди Қизилқумни сарик деб енгмоқчисан. Қани, юр, бир четга чиқиб аниқлаб олайлик!

– Юр! – деб қичқирди Матирза ҳам енгини шимариб. – Шу гал сендан қолсам, худойимнинг чап кўзига илинганим. Ўзинг атшўк қартайса япалоқ бўлади, деганинг оздай, энди мана сарик қумни қизил қум деб ўтирибсан!...

Иккала қуда четга чиқиб, нималарни ҳал қилиб олишди-ю, нималарга келишмади – бизга номаълум, бироқ ўшанда ҳам-малари битта самолётга миниб овулга қайтиб келишди...

Шундан бериям орадан кўп йиллар ўтиб кетди. Қудаларнинг бориш-келиш қатнашиқлари ёмон эмас, бироқ “атшўк-япалоқ”, “сарикқум-қизилқум” воқеаларини биладиган одамлар ҳалиям бу икки ўжар қариянинг учрашиб қолганларини кўрса, ёнларига боргиси келмай туради.

Қорақалпоқчадан

Музаффар Аҳмад таржимаси



ОТАУЛИ

(1941 йилда туғилган)

СУВ

Кўпни кўрган ота-боболаримиз бутун олам ҳам, бани одам ҳам тўрт унсур – олов, ҳаво, тупроқ, сувдан таркиб топган дейдилар. Бу тўрт унсурдан ҳар бирининг ўзигагина хос энг бирламчи сифатлари бор: олов – муқаддас, ҳаво – беминнат, тупроқ – табаррук, сув эса, сероб! Агар форс тилидаги “об” нинг ўрнига туркий тилимиздаги “сув”ни кўйсангиз, мазмун-моҳият яна-да ойдинлашади: олам шу қадар серсувки, у бошқа уч унсур, ҳатто энг беминнат неъмат илохий – ҳаводан минг карра сероброқ! Зотан, инсон жисмининг ҳам, ер куррасининг ҳам тўксон фоизи сувдан иборат! Булоқ, кудук ва ҳоказо ер ости сувлари, уммон, наҳр, баҳр, денгиз, дарё, сой, ариқ ва бошқа ер усти сувлари, қор, ёмғир, дўлдек осмондан ёғилувчи сув – оби раҳматлар!.. Хуллас, ер усти ҳам, ер ости ҳам, осмон ҳам сув, сув, сув! Оқар сув, кўлмақ сув, қайнар сув, чучук сув, аччиқ сув, шўр сув, жилға, шаршара, шовва... Бу ёғи яна Қорасув, Оқсув, Бўзсув!.. Етгисувни айтинг, Етгисувни! Бу жаҳон айвонида қадимий Туронзаминимиздан бошқа бирон жойда яна бир “Етгисув” борми экан?! Бор бўлса Панжоб, яъни Бешсув бордир, лекин Етгисув!.. Ҳойнаҳой, факат бизнинг Улуғ Туркистонимиз – Буюк Туронзаминимизда!..

Озод Ватан саодати

Сувнинг ўзидан унинг хоссаларига ўтсангиз, ҳар қадамда янада ажойиб-ғаройиб манзараларни кўраверасиз: қовун, тарвуз, ўрик, узум, анор, нок, олхўри ва ҳоказо “ҳўл мевалар” деб аталувчи ноз-неъматларнинг асл моҳиятига қарасангиз, уларнинг барчаси шунчаки сувдан иборатлигини кўрасиз! Бир хил чучук сувдан сархил, сархил бўлганда ҳам, шунчаки чучук эмас, бири-биридан ширин-шакар беҳад-беҳисоб меваларни яратиб қўйган Парвардигори Оламнинг яратувчилиқ қудратига қойил қолмасдан иложингиз йўк! Биз хом сут эмган бандалар-чи? Бу кўзимизга аён кўриниб турган илоҳий мўъжизадан зиғирча ибрат оламизми? Сувдан нима ярата оламиз-у, сувнинг ўзини нима қиламиз? Кўп ҳолларда тиниқ сувни лойқалатиш-у, тоза сувни булғалашдан бошқа қўлимиздан нима келади, қани, очигини айтинг! Бир томчи сувдан, дейлик, бир дона тут мевасини ярата оламизми?! Қанчалиқ қудратли, қанчалиқ бунёдкор бўлмайдик, бир қарашда энг оддийдек туюлувчи ишларда шунақанги ожиз-нотавонмизки, шунинг учун ҳам бизнинг энг бирламчи таърифимиз – “бандаи ожиз”! Шу ҳолимизга қарамай яна бир-биримизнинг бошимиздан мағзава ағдариб, тагимизга сув куйишни хуш кўришимизга нима дейсиз!

Ҳикоямиз бутун умр сувнинг сифатлари-ю хоссаларини илмий ўрганиб яшаган бандаи ожизлардан бири ҳақида, унинг умри, кўргиликлари, инсоний қисмати ҳақида.

“Умр – оқар сув”, дейди донишманд халқ. Ҳа, одам боласининг умри не бир шовваю шаршаралардан ҳам жадалроқ равишда шунақанги шиддат билан шовиллаб-шариллаб оқувчи сув эканки, вақти келиб шаштига энг қудратли зоти олийлар ҳам тоб беролмай қолади. Ахир, мана, қахрамонимизнинг ҳам болалиқ кезларида Орол денгизи сувида чўмилиб юргани куни кечагина эмасмиди?! Ҳолбуки, кўз очиб-юмгунча бўлмай пайғамбар ёшини қоралаб турибди-я, буни қаранг! Олтмиш икки йиллик умрини қандай яшаб қўйди ўзи?! Намунча тезоқар сув экан одам боласининг умри?!

Бировники ўтдан, бировники сувдан деганларидек, ҳар

бир инсон ўз умри, бутун фаолияти, борлиғи, хонумонини нимагадир бағишлайди-да, ўз толеини ана ўшандан кўра-веради. Бизнинг қахрамонимизнинг етти пушти қадимий Хоразм воҳасида от суриб ўтган мироб бўлганидан кейин, табиийки, у ўз умрини ўтга, тупроққа, ҳавога эмас, сувга бағишлади. Яхшиликни ҳам, ёмонликни ҳам – нимаики кўрган бўлса – ана ўша сувдан кўрди! Худога шукур, ҳам асли-наслига мос, ҳам сўзнинг туб луғавий маъносидаги МИРОБ бўлди. Не бир мирларнинг энг сўнггиси, “кенжа ботир” деса бўладиган мироб! Қирқ йил мобайнида Орол денгизидан бошлаб то Чорвоқ сув омборига қадар жамики сув хавзаларидаги ичимлик сув миқдорининг ҳисобкитобларию, унинг аҳоли жон бошига тақсмоти масалалари билан муттасил шуғулланаверганидан кейин... Тўғри, улкан сувшунос олим атанди-ю, лекин... мана, сувдек оқиб ўтган умрининг ҳам шарти кетиб, парти қолиб турибди-да! Ана шуниси чаток-да! Энди қолган умрида мўлжаллаган ишларини амалга ошириб улгурса эди! Не бир ҳамкасб биродарларига ўхшаб, нақ аросатда ер тишлаб кетмай, мурод-мақсад манзилларига омон-эсон етиб, паймонаси лиммо-лим тўлиб кетса эди бу ёруғ оламдан!..

Ўзингиздан қолар гап йўқ, бугунги кунда сув бўйича мутахассис “мироб” деб аталмайдиган бўлиб қолди. Сўзнинг ярми туркийлашиб, айни чоғда, “мир” деган қадим туркий сўздан йироклашиб, “сувсоз” деб юритиладиган бўлди! Асли юнонча “гидролог” сўзининг ҳозирги ўзбек тилига айнан таржимаси шунақа-да! Ҳолбуки, бу сўзни фақатгина “сувсоз” эмас, “сувшунос” дея таржима қилиш ҳам мумкин. Тилимизнинг ифода қудратини кўрингки, далага сув тараётган деҳқон – “сувчи”, сув билан иш кўраётган қурувчи – “сувоқчи”, оҳорли буюм – “сув янги”, оламдаги энг арзон неъмат – сув текин, сувни маҳсус қурилмалар орқали керакли жойларга етказиб берувчи мутахассис – “сувсоз”, сувнинг таркиби-ю, сув хавзаларининг хоссаларини илмий тадқиқ қилаётган олим эса, “сувшунос”, русча айтадиган бўлсак, “водник”!.. Бизнинг қахрамонимиз,

гарчи асли-насли мироб бўлса-да, аслида сувнинг эгаси эмас, ниҳояти сувшуноснигина. Аниқроқ айтганда, бугунги кунда мамлакат кишлоқ хўжалигининг ирригацияси ва мелиорацияси масалалари билан машғул кишлок хўжалик фанлари доктори. Бинобарин, бу сувшуносни истасангиз – сувчи, истасангиз – сувоқчи, истасангиз – сув янги соҳанинг асосчиси деяверасиз. Шундайликка шундай-у, лекин... “Сув оқару тош қолар, ўсма кетар, кош қолар” деганларидек, мана, кейинги йилларда нақ юрагида бир тошдеккина тугун... нимагадир ечилмайди, эрмайди, окмайди, тобора ҳувиллаб бораётган бўм-бўшгина юрагининг туб-тубида харсангдек, туради-кўяди. Тошга айланган кўнглини юмшатиш йўллари кидиради. “Кўнгли каттиқ дилозордан худо безор!” У-ку, ҳеч қачон ҳеч кимга дилозорлик қилмаган. Дилозорлик қиладиганлар бошқа! Бас, шундай экан, нега бағритошлар эмас, айнан унинг кўнгли тобора қаттиқлашиб, дилидаги меҳр-муҳаббату кўнгилчанликнинг ўрнини нафрату қаҳр-ғазаб ҳислари тобора мустаҳкамроқ ишғол қилиб бормоқда?!

Одатда, улкан шаҳарнинг қок марказида яшаб турган аксарият мардум истаган пайтида жўмракни бураб, хоҳласа – иссиқ сув, хоҳласа – совуқ сувдан баҳузур-бамайлихотир фойдаланаверади. Лекин шу серобгина неъматнинг қаерларда қандай чиғириқлардан ўтиб, қанчалик узок йўл босиб, кўл остига қандай етиб келаётгани билан қизиқиб ўтирмайди. Буни билишни истамайди ҳам! Ҳолбуки, бу “оби ҳаёт” – “тириклик манбаи” деб аталувчи энг бирламчи неъмат, айниқса, улкан шаҳарда яшайдиган одамлар учун... ҳар бир томчиси тиллога тенг! Дарё соҳилида яшаб турган одамлар учун балки “Олдингдан оққан сувнинг кадри йўқ” деганлари тўғри бўлса тўғридир. Лекин миллионлаб одамлар ғуж бўлиб яшайдиган улкан шаҳарда бу неъмат шунақанги қадрлики!.. Эътиборингиз учун, бундан қарийб бир ярим аср аввал чор Россиясининг қудратли кўшини Тошкентдек шаҳри азимни қамал қилиб, забт этолмай боши қотиб турганида бир сотқин – ўзингдан чиққан балонинг маслаҳати билан босқинчилар шаҳарга ки-

риб келаётган Бўзсувни бошка ўзанга буриб юборганлар! Қарабсизки, тириклик манбаидан маҳрум этилган шаҳар аҳли кўп ўтмай “ўз ихтиёри билан” босқинчига таслиму, озодликдан маҳрум бўлган-қўйган! “Ўт балоси, сув балоси, тухмат балосидан асрагил худо!” деган ҳикматли гапни кўпни кўрган халқ бежиз яратмаган, албатта. Бу жаҳон айвонида ўт балосию сув балосидан ҳам даҳшатлироқ тухмат балоси, сувдан ҳам ўт чиқаришга устаси фаранг ўтёкар-балохўрларнинг кирдикорлари!.. Ох, улар озмунчами!.. Мана, узокка бормай, шу бизнинг қаҳрамонимизни оладиган бўлсак, унинг ҳам олтмиш икки йиллик умри, бутун тоат-ибодати, куч-ғайрати, шиддат-шижоатининг ярмидан кўпи, баайни шамол тегирмонининг парраги билан курашаётган Дон Кихотдек, бундай кирдикорларга қарши курашиш, уларни имкон қадар “авра-астарини ағдариб”, кўрар кўзларга аниқ-равшан очиб кўрсатишга сарфланди – сарфланиб битаёзди!..

Эсида, бундан ўн йилча аввал балохўрлар ўзини саккиз тарафдан қаттиқ исканжага олиб қолганларида сувшунослик илмий тадқиқот институтининг собиқ директорларидан бирининг олдида бошини чангаллаб ўтириб шундай арзи ҳол қилган эди: “Мана, ўн олти йилдан буён шу даргоҳда кучкувватимнинг ярмидан кўпроғи бошимга қай тарафдан қандай бало ёғилар экан деб, улардан ўзимни ҳимоялашга сарфляяпман! Мендан нима исташади анови янги пайдо бўлган навбатдаги балохўрлар ўзи, ҳеч тушунмаяпман?!”

Худога шукур, ўшандан буён орадан ўн йилдан кўпроқ вақт ўтиб, 62 ёшга кирди! Шу бешафқат йиллар мобайнида ҳам озмунча балохўр кўрдими! Энди биридан кутулдим деб енгил нафас олиб турганида иккинчиси пайдо бўлади. Ундан ҳам қочиб кутулдим деб турганида яна бири олдида кўндаланг бўлади! “Ана, балохўр!”, “Мана, балохўр!”, “Ҳов ана, яна биттаси!” дея кўрар кўзларга нуқиб кўрсатавериб, балодан қочиб қутулиш умидида ҳаллослайвериб ҳолдан тойди, очиғи. Оқибат-натижада кейинги йилларда бирдан қариб-мункиллаб қолди, лекин... Бу атроф-жавонибда ўзингдан



чиккан балолар-у балохўрлар сони... зиғирча бўлса ҳам камайдимиз экан?! Қанийди улар тинчига қўйиб, ўзи қариган чоғида тинчгина “аравасини судраб” яшай олса!

У компьютер кўзгусига термилган кўйи ишини давом эттиришга ҳафсаласи бўлмай, мискинона хаёлларга чўмиб ўтирар экан, болаларининг онаси навбатдаги “хушхабар”ни кўтариб хонага кирди:

– Ҳозиргина катта қизимиз кўнғирок қилди, адаси! Нурободдаги икки хонали уйимизнинг Рафиқ деган янги оқсоқоли қўлига сим қоқиб, “Кўшнилари билан йўлак олдида турибмиз, уйингиздан биринчи каватга сув оқяпти экан. Агар тез келиб тўхтатмасангиз сизларни судга берамиз. Кейин биздан ўпкаламай ўзларингиздан кўрингизлар!” депти. Қизимиз “Уйимизга кўнғирок қилиб, адам билан гаплашинг”, деган экан. Ҳали-замон кўнғирок қилиб қолса керак, адаси, нима дейишингизни ўйлаб, тайёр бўлиб туринг!

Беихтиёр қони қайнаган бўлса-да, ўзини ўтакетган совуққон-боқибегамдек тутди. Гўё ҳеч нима бўлмагандек хотинига қулиб қараб “Хўп, онаси, хўп!” деди-ю ёлғиз қолганида... табассуми аччиқ заҳархандага айланди. “Тайёр бўлиб туринг!” эмиш! Худди бир пайтлар Ленин деган устаси фаранг тарбия қилган пионерлардек, “доим тайёр”-ку у! Ўзи ҳам, сўзи ҳам, асаби ҳам, бутун хонумони ҳам тап-тайёр! Мана, навбатдаги дилхиралигу дилозорлик, наинки оддийгина дилозорлик, ошқора дағдаға-пўписа, таҳдид-тааддини даъф қилишга тап-тайёргина бўлиб шайланиб турибди!

Ё фалак! Бу тағин нимаси, а? Ўттиз йилдан буён шаҳри азимнинг қок марказидаги сувшунослар учун қурилган маҳсус уйда сувшунос кўшнилари билан ёнма-ён яшайди. Мана, ўттиз йилдирки, шундоққина бош устида бир ҳамкасби қулай пайт пойлаб, қутилмаганда бошидан сув қуюди-туради. Ўттиз йил аввал шу уйга энди қўчиб келиб, уй тўйи ўткаганидан кейин, ёзги таътилдан қайтиб келсалар, тўрт хонали уйнинг бутун шипидан қайноққина шиптир сув томчилаб-сизиб-жилдираб турибди. Уйнинг зах ҳавоси буғ билан шунақанги



тўйинганки, нақ ҳаммомнинг буғхонаси дейсиз! Чопкиллаб устки қаватга чикди. Маълум бўлдики, иссиқ сувнинг қувури кутилмаганда ёрилиб кетибди! Ўзлари ҳам кечроқ билиб қолишибди!.. Ҳали ғайрати танига сиғмайди, тоғни талқон қилгудек ўттиз уч ёшдаги эркак, кўнглида ўзининг порлок келажоғи битмас-туганмасдек туюлувчи куч-ғайратига, қолаверса, одам боласининг табиатан олижаноблигига ишончи мустаҳкам! Қўшнига “Ҳа, энди шунақасиям бўлиб турадида! Кутилмаган офат-да бу, табиий офат! Бутун бошли одам ўлиб кетяпти-ю, темир қувур ёрилмасинми!” дея ҳазилхузул килиб... болалари билан бирор ҳафта чироқ ёқолмай шам ёруғида амал-тақал кун ўтказди. Шип билан деворлар қуригач, отнинг калласидек пулга бутун чироқ тизимини янгилатганидан кейингина бир муддат енгил тортиди.

Лекин “бир муддат”гина, холос. Йиллар ўтиши билан шунга тобора катъийроқ амин бўлдики, ўқтин-ўқтин бошидан сув қуйилиши... аслини олиб қаралганда, тасодиф эмас, ўзига хос қонуният экан! Аввал-бошда “Шунинг бошидан сув қуйиб қашатаверасан!” деган кўрсатма билан кўчиб келганми шу уйга бу қўшниси, нима бало! Бутун уйини таъмирдан чиқариб бўлиб, эндигина енгил нафас олиб турганида... Кунлардан бир куни эрталаб туриб қарайдики, бутун шипдан баайни жилға жилдираб, янги бўёқларни алвон рангларга “бежаб” турибди! Бошидан сув қуйиш учун таъмирни тугатишини муштоқлик билан кутиб турганмидинг, ҳой ноинсоф, дея сўраб бўлса кошки! Шайтонга ҳай бериб, тишни тишга қўйиб, қўшнига худодан инсоф тилаган кўйи уйини қайта таъмирдан чиқариб, тўй тараддудини кўрар экан, “Эртага мехмон кутамиз!” деб турганида... “Эски ҳаммом, эски тос” деганларидек, яна ўша аҳвол! Бош устию тўрт девор сув, сув, сув!.. Бундай “Тўфон сувига ғарк қилиш усули”нинг тасодиф эмас, қонуният эканига, жумладан, шу бир гапга қараб ишонч ҳосил қилдики, ўша бош устидаги қўшнисининг хотини кунлардан бир куни болаларининг онасига оғзидан гуллабди: “Эски уйимизда тўққизинчи қаватда яшайдиган бизнинг дастимиздан биринчи қаватда яшайдиган қўшнимиз ахийри қочиб қутулган!..”



Гап тагидаги гапни тушуняпсизми?! Начора, унинг қочиб кутуладиган жойи йўқ! Бинобарин, қўшниси билан мурса-мадора, яхши муомала қилиб, ёмонликни яхшилик билан енгишдан ўзга чораси йўқ! Лекин дам ошхонанинг, дам хожатхонанинг йўғон-ингичка қувурлари устидан, дам ҳаммомнинг шипидан ўқтин-ўқтин мағзава сув оқавергач... нима қилса бўлади?! “Жон қўшни” билан қандай ади-бади айтишмай, ҳақ-хуқуқ талашмай, сан-манга бормай, “масала”ни тинч йўл билан ҳал қилиш мумкин?! Аввалига “Сувшунос сифатида ўзингиз ҳам яхши билсангиз керак, қўшни, бу сув деган жонивор қувурнинг сиртидан эмас, ичидан оқиши керак, қондаси шунақа!” қабилдаги ҳазил-хузул гаплар қилди. Пастки қаватдаги қўшнилари шикоят қилиб чиққанларида уларга ҳам “Сизларга оқиб тушаётган сувнинг бош манбаи, эътиборингиз учун, менинг қўл остимда эмас, бош устимда, бир қават юқорида!” сингари ҳазиломуз гаплар билан “масала”ни аниқлаштирди. Лекин... унисининг бошидан сув қуйишлари, буларининг ниҳояти шикоят ё танбеҳ эмас, ошқора дўқ-пўписалари, дағдаға-маломатлари тобора кучайиб ҳам сурункали тус олавергач, бошқа қўни-қўшнилари билан маҳалла фаолларини уйига бошлаб кириб, кўзларига кўрсатди-да, ёлворди: “Илтимос, жон акалар, бир қўшним – тепамда, бир қўшним – пастимда яшаб, иккови ўзаро тил бириктириб олиб, икки ўртада мени сиқувга олишяпти: униси бошимдан сув қуяди, буниси айблайди, хуллас, тинчгина яшагани қўймайди. Одам боласини ўз холига қўйиш шу-унчалик қийинми?! Мени шу балодан қутқарингизлар, жон акалар!..” Бари беҳуда! Йиллар ўтиши билан дилозорликлару дилхираликлар ошса ошиб бордики, асло қамаймади. Бу ғалвадан қандай кутулиш мумкин?!

Етти йилча аввал – ўзи роппа-роса эллик беш ёшга тўлганида хорижда ўқиб келган ўғлининг шарофати билан тоғ ичкарисидида жойлашган сўлим бир маскандаги тўрт қаватли уйнинг иккинчи қаватидан яхши ниятлар билан икки хонали уй сотиб олди: шоядқи эрта бир кун нафақага чиққанида шахри

азимнинг қоқ марказидаги тўрт хонали уйини ўғлига бутунлай топшириб, ўзи болаларининг онаси билан қариган чоғида баҳаво жойда соғлиғига қараб тинч-хотиржам, баҳузур-бамайлихотир, балодан овлоқ яшаса! Ўттиз йил мобайнида роса қақшаган, балки кимлардир – дасти узун кимсалар томонидан атайин қақшатишган асабини қариган чоғида бамайлихотир тиниктирса!..

Мана, ўшандан буён, ўзи олтмишдан ошиб нафақага чиқди, лекин, ё фалак, шу вақт ичида дилхираликлару дилозорликларнинг қоқ ярми шаҳри азим марказидан тоғнинг ичкарисига кўчди. Бир ташвиши икки бўлди! Кўпинча асабимни тиниктириб баҳузур дам олиб қайтаман деган умидда тоққа бориб, асаби баттар қақшаб қайтадиган бўлиб қолди. Худди атайин қилгандек, у ёқда ҳам ўқтин-ўқтин бошидан сув куйилади-туради, бунисига нима дейсиз! Гўё кимлардир – ана ўша дасти узун кимсалар “Овора бўласан! Осмонга чиқсанг – оёғингдан, ерга кирсанг – қулоғингдан тортиб, қақшагани баттар қақшатавериб адои тамом қиламиз!” дея қаттиқ қасдланиб тургандек. Ҳатто бир борганида, не кўз билан кўрсинки, қувурлар устидан сизиб оққан сув хожатхона деворини ўпириб, пастки қаватга қаттагина туйнук очиб кўйибди! “Томчи тошни тешар” деганлари шу бўлса керак-да! Унча-мунча куч кўпоролмайдиган тош-метин деворни, агар ишқор бўлмаса, оддийгина сув қандай ўйиб ташлаши мумкин?! Оқар сувнинг кучини қаранг-а! Пастдаги кўшнисига “Бошимиздан сув эмас, тош ёғилишга ўтдими энди?” дея ўзича қулиб “аския” қилган бўлди. Устки қаватлардаги уй эгаларини базўр топтириб, оқар сувни тўхтаттириб хотиржам бўлгач, икковлон баҳамжихат туйнукка ямоқ солдилар. Шу билан ҳам, минг афсуски, олам гулистон бўлиб қолмади. “Тоғ бағрига сафар-саёҳат”нинг ҳар иккисидан бирида биронта ишқал чиқади-туради! Мана, бир ҳафтагина аввал, азбаройи ўғил уйлаб-қиз чиқариш олдидан бу уйни бўшатиш, у уйни тузукроқ жиҳозлаш учун бир юк машинасида лик тўла темир эшик, панжара, юмшоқ ўриндик ва ҳоказо



ашкол-дашқолларни обориб жойлаштириб, чироғини қайта ёқтиргач, биринчи қаватдаги кўшнисига “тантанали эълон қилди”: “Ёз чилласида бирор ой шу уйимизда яшамоқчи бўлиб турибмиз-да энди, кўшни!” Орадан уч кунгина ўтиб ёнида бир уста билан темир эшикни ўрнаттиргани борса, не кўз билан кўрсинки, бу ерда ҳам тагин эски ҳаммом-эски тос: қувурлар устидан яна сув сизиб бошлабди! Темир эшик ташвиши билан андармон бўлиб кетар чоғидагина сўраб-суриштирган эди, на остки қават, на устки қаватда кўшни йўк, уйнинг оқсоқоли ҳам! Ночор-ноилож шаҳарга қайтиб кетди. Мана, энди...

Маҳалланинг янги оқсоқоли уйига қўнғироқ қилганида имкон қадар шайтонга ҳай бериб босиклик билан аҳволини тушунтирди-да, унинг олдига биргина саволни қўндаланг қўйди: “Оқсоқол сифатида бош устимдан қуйилаётган сувни тўхтатишга кучингиз етадими, ака, токи мен уйимни яна бир марта қайта таъмирдан чиқариб, сўнг тинч-хотиржам яшасам?” Оқсоқол хушмуомалагина экан, қизига қилган дағдағаларини унга ҳам такрорламади, аксинча, “Ҳаракат қиламан, ака!” деб ишонтирди.

Оқсоқолнинг ваъдасига ишонишга ишонди-ю лекин, барибир, хотиржам бўлолмади. Кимлардир бошидан сув қуйишга қаноат қилмай, темир эшикни ўрнатиб улгуролмаганидан усталик билан фойдаланиб, “Ана энди ўзингдан кўр!” дея оқаётган сувни тўхтатиш баҳонасида ўз гумашталарини уйига бостириб киритиш, бир машина юкيني талон-тарож қилдириб, ўзлари зимдан ҳолини томоша қилиш иштиёкида ёниб турган бўлсачи? “Камбағални урма-сўкма, чопонини йирт” деган истехзоли гапни шуларга ўхшаганлар айтган бўлсалар эҳтимол, ахир!.. Яхшиямки, эртасига шанба – ўғлининг қўли бўш эди! Онаси учовлон машиналарига ўтириб, юрак ҳовучлаган қўйи “сўнги манзил”га етиб бордилар.

Худога шукур, уйда тинчлик-осойишталик! Ёғоч эшикнинг қулф-калити ҳам жойида! Кўнгли бир нави таскин топди. Лекин ичкарида ўша-ўша манзара: ҳожатхонанинг йўғону



ингичка кувурлари устидан бир маромда сув сизиб турибди! Оқсоқолнинг ваъдасига вафо килишига неччи кун керак?! Ўзи бошида турмагунича бу лаънати кувурлар куриб, окар сув балосидан кутулолмайди, шекилли?.. Кўшнидан манзилини олиб, ўғли иккови янги оқсоқолнинг уйини базўр қидириб топиб бордилар. Машиналарига ўтқазиб олиб келиб, пастдаги кўшни икковининг кўзларига яхшигина кўрсатдилар: “Мана, аҳволимиз! Биз айбдор эмас, пастдаги кўшнимизга ўхшаш жабрдийдамиз, холос! Ўз кўзингиз билан кўриб ишонч ҳосил қилдингизми?..” “Ишонч ҳосил қилдим, лекин энди сиздан бир илтимос, ука! – деди оқсоқол унга синовчан тикилиб. – Энди сиз бир ариза ёзиб беринг, биз айбдорни судга бериб жазолаганимиз бўлсин!”

Бу гапнинг замиридаги асл муддаони яхшигина тушунган одамнинг асаби қанақасига қақшамаслик мумкин?! Эсида, бир пайтлар ўзи билан бир тенгдошининг номзодлари бараварига бир унвонга кўйилган эди, у ўзига эмас, тенгдошига раво кўрилди. Буниси етмагандек, унвон бериладиган тантанали мажлисга махсус таклифномани ўша тенгдошига топшириш, одам қуригандек, келиб-келиб ўзига топширилса бўладими! Таклифномани обориб берган чоғида ўша тенгдошидан ўзи эшитган ҳақоратлар!.. Бу қанақаси? Яхшиликка ёмонлик, хизматга тухмат бундан ортиқ бўлмас!.. Энг кизиғи кейинроқ чиқди: гап нимадалиги – нима гаплигини роса сўраб-суриштирган раҳбари қутилмаганда таклиф қилиб қолди: “Ўша тенгдошингиз сизни нима деб ҳақорат қилганини бизга ёзиб беринг, унинг танобини тортиб қўяйлик!” Таклиф замиридаги пировард мақсадни яхшигина тушунгани боис ўшанда бўғилиб уқтирди: “Сиз нима бўлганини сўрадингиз, мен жавоб бердим – шу билан тамом. Мен ҳеч кимга ҳеч кимнинг устидан ёзма шикоят қилмоқчи эмасман. Бир ками кадрдон биродарларимдан бири билан судлашиб юришим қолувди! Қолаверса, шикоятимни ўқиганлар “У еб, бу курук қолгани учун ғайирлиги келганидан ёзибди!” деб ўйлашлари аниқ!..”



Шундай тушунтиришлар билан бир балони эндигина даф қилиб турганида яна бир бало чиқиб қолса бўладими: тагин бир ҳамкасб биродари ёнида иш бошлади-да, орадан тўрт-беш ой ўтар-ўтмас бошқа ишга “қўтарилиб кетди”. Кета туриб унга айтдики, “Манови қўлёмани сизга қолдириб кетяпман, эгаси сўраса қайтариб берарсиз!” Илтимос замиридаги шумликни сезгани боис темирни қизигида босди: “Қўлёмани қимдан олган бўлсангиз ўшанга топшириб, орани очик қилиб кетинг, дўстим, майлими, мени бу ишга аралаштирмаганингиз маъқул!” Асли ишга келиш-кетишдан асосий муддао шугина бўлганми, қайдам, ҳамкасби унинг илтимосини инобатга олмай, хайр-маъзурни нася қилиб кетиб қолибди! Орадан салгина ўтиб юқори маҳкамаларга ёзилган шикоят хатлари бирин-кетин келаверди, қўлёмна эса, учди-куйди – йўқ бўлди! Уни айблаб бошлаганларида яхшигина тушунтириш берди: “Ўша ҳамкасбим бошқа қитъага кўчиб кетгани йўқ, мана, телефон рақами, қўлёмани нима қилганини марҳамат қилиб аниқлаштираверинг-да! Мендан нима истайсизлар ўзи, тушунмаяпман?!”

Орадан бирор ой ўтиб, йўқолган, балки атайин йўқотилган қўлёманинг эгаси судга шикоят ёзган экан, ўша ҳамкасби билан яна бир биродари икковлашиб қисталанг қилишди: “Суд йиғилишига кетяпмиз, масалага дахлдор масъул ходим сифатида, қани, сиз ҳам бирга юринг-да энди!” Таклифни эшитиб қулишингни ҳам, йиғлашингни ҳам билмайсан киши! “Дехлавий била Жомий тутиб икки қўлум, Низомий сори бошладилар йўлум”. Бу иккови – Дехлавий билан Жомий, “суд” деганлари – Низомий бўлса эканки, ҳазрат Навойга ўхшаб, хурсанд ҳолда ўртага тушиб йўлга равона бўлаверсанг киши! Ночор-ноилож қулиб туриб чап берди: “Сизлар бемалол бориб истаганча судлашаверингизлар! Лекин менинг йўқолган қўлёмнага ҳам, судга ҳам ҳеч бир алоқам йўқ!..”

Бир амаллаб тупуклаб бўлса-да ёпиштиришга қаратилган “суд” деган балодан бир эмас, икки қарра қочиб қутулганида,



энди... манови янги оқсоқол билан эски қўшни “Сени жабр-дийда сифатида бўлса ҳам судга обормай қўймаймиз!” дея ўзларича қасдланиб туришибдими, нима бало! Ўша тенгдошию қўлэзма эгаси билан судлаштирмоқчи бўлаётганларнинг кимлиги унга беш қўлдек маълум – туғма балохўрлар эди! Лекин энди... тепа қаватдаги кимлигини ҳеч қачон кўрмаган-билмаган аллақандай мубҳам одам билан судлашиши қолувди! Жанжални пулга сотиб олиш учун қулай пайт пойлаб ётган уришқоқ кимса бўлса-чи?.. Беихтиёр асаби қақшади: “Шу гапни ўйлаб гапиряпсизми, акажон?! Мен ҳеч кимнинг устидан шикоятбозлик қилган эмасман, бундан кейин ҳам қилмоқчи эмасман! Нима, ўзим танимайдиган-билмайдиган одамлар билан пачакилашишдан бошқа ишим йўқми менинг?! Ё сиз ҳам мени ўтдек куйдириш учун махсус топшириқ билан янги ишга келганмисиз? Айб кимдалигини кўзингизга кўрсатдим – ўз кўзингиз билан кўрдингиз, бўлди-да, икки ўртада ариза ёзишга бало борми энди! Оқсоқол сифатида айбдорни тартиб-интизомга, мураса-мадорага чақираверинг-да! Сизнинг ишингиз мурасаси келишмай қолган қўшнилари яраштиришми, ё аксинча, икки ўртада ўт ёқиб уларни уриштиришми?!”

Янги оқсоқол бундай дангал гапларни кутмаган, шекилли, бирдан шаштидан тушиб, “Бўпти, ука, энди бу ёғини менга қўйиб бераверинг, тепадаги қўшниларингиз билан ўзим гаплашиб, ноҳақликка чек қўяман!” деди.

Икковлон пастки қаватда яшайдиган қўшни билан қуюқ хайрлашиб, бирга-бирга уйдан чиқар эканлар, кўнгли ёришди. Маҳалла оқсоқолини қўлтиқлаган қўйи унга миннатдорчилик билдирди: “Шу охириги гапингиз асл эркакларча гап бўлди, очиғини айтсам, ака! “Эр бошига иш тушса этик билан сув кечар”, дейдилар. Бир умр этик билан сув кечиб яшаётган фидойининг бошида ёнғоқ чақиб, ўқтин-ўқтин бошидан сув қуйиб қақшатавериш... чинакам эркакнинг ишим, умуман, шу иш инсофданми, ўзингиз ҳақлигингизни айтинг?! Ғаламисликнинг ҳам чеки-чегараси бордир, ахир?..

Начора, сиз мени асаби қақшаган ҳолатда кўриб-таниб турибсиз! Аслида мен ҳам бу дунёнинг ишларига куйиниб эмас, кулиб қарашни жуда-жуда истайман, чунки табиатан хушчақчақ одамман! Ахир, мен Хўжа Насриддин афандининг қариндошиман! Хоҳласангиз, ҳали кайфиятим яхши бўлганида унинг латифаларини истаганингизча айтиб берман, хўпми? Энди бир-биримиз билан хурсанд ҳолда кулиб кўришиб турайлик, майлими, акажон?..”



Эркин АЪЗАМ

(1950 йилда туғилган)

СТУПКА

“Қирқ йиллик гурунглар” туркумидан

Арслон акамиз дунёдан ўтгандан сўнг Марина янгамиз мана шу кунни интиқиб кутадиган бўлиб қолган. Илгари онда-сондагина борарди, энди ҳар ой бир қатнамаса, кўнгли жойига тушмайди. Тараддудни уч-тўрт кун олдин бошлайди. Марказга чиқиб совға-салом олади; Лена серфарзанд, қуруқ кўл билан бориш ноқулай. Қуруқ кўл – қора косов. Ленанинг ўзига хушбўйроқ атирми, юзга чаплайдиган бирор малҳамми харид қилади, болаларига – ширинлик-пиринлик. Ювош, аллақандай тортинчоқ эри Саъдуллабойга келганда ҳар гал иккиланиб қолади: арақ олсинми ёки икки-уч шиша пивоми? Ўтган дафъа арақни кўриб, “Биз бу нарсалар билан хайр-хўш қилган эдик-ку, Мариноюй”, деган эди одатича ердан кўз узмай. Эркак кишига яна нима олиб бориш мумкин? “Ичмаса ичмас. Шофёр эмиш тагин! – дейди ичида янгамиз бир шиша мусалласни тўрвасига жойлаб. – Ўзидан кўрсин, Лена иккаламиз қуритамиз!”

Йўлни ўйлаб ҳар сафар Марина янгамизни ташвиш босади. Ленанинг уйи олис, кўшни қишлоқда, сой кечиб, ўру қир айланиб борилади. Илгарилари кўйлак тиктиргани жўнаса,



Арслон акамиз аломат мотоциклида элтиб ташлаб келарди; олдинда девдек бўлиб ўзи ўтиради, янгамиз орқасига мингашиб, белидан кучоклаб олади – кетди. Қайтишда эса ўзи бемадол салт-сувой қайтаверарди. Эндиликда эринади, йўл босиш малол, бориб-келиб юрган манзили янада олислашиб кетгандек туюлади. Ўтириб-ўтириб, шу савил мотоцикл ҳайдашни ўрганмаганига афсус қилади. Болалигида Николь кишлоғини чангитиб ўртоқлари билан велосипед миниб юрарди-ку, буни уддалаёлмасмиди? Уялди, гап-сўзга қолишдан кўрқди. Ие, бу ер сенга Воронежми? Аёл бошига, бунинг устига – ўқувчиларга таълим-тарбия берадиган муаллима, кўчама-кўча мотоцикл тариллатиб юрса! Нима, шу шайтонаравани бутининг орасига оладиган эринг ўлганми?

Ўлди. Мана, энди ўлган. Бу ёғига нима қилсин Марина янгамиз? Анови рўпарадаги пастак омборчада чанг босиб, занг босиб ётган ордонани олиб чиқиб минсинми? Ёши бир жойга борган қопдек хотин, нафақадаги муаллима! Қаранглар, қаранглар, эрининг бошига етгач, анови кампир кўчага мотоцикл миниб чиқибди! Ўл бу кунингдан, шарманда келгинди!

Бу “тойчоқ”ни Арслон акамиз қурилишда ишлаганида мукофотга олган эди. Ўзиям оддий мотоцикл эмас, чоғрок бир мошина деса бўлади. Бу атрофда бошқа бунақаси йўқ. Биқинидаги тепки бот-бот қакшатиб ўтирилмайди, миниб олиб худди мошина сингари калитчаси секин буралса кифоя – ғизиллаб юриб кетаверади. Роса бежирим, “ичак-чавоғи” кўринмайди, ҳаммаёғи сирланган. Юришлари ҳам бир майин, бир равон! Арслон акамиз уни бекорга “бизнинг “Чайка” деб ғурурланмасди.

Ўйлай-ўйлай, Марина янгамиз айвончасидан туриб, кўшни Зайнаб беванинг ҳовлида тўп тепиб юрган Абди ўғлини чақиради. Шу бола техникага жуда ўч, акамиз тириклигида ёнидан кетмас, вақт-бевақт мотоциклни ярақлатиб чангини артар, бошқа қора-кура юмушларига ҳам шай – эвазига ғириллатиб ҳовлини бир-икки бор айланиб келар эди.

Таклифни эшитиб Абдининг кўзлари чакнаб кетади:



– Бўпти, муаллим янга! Қачон?

– Эртага, – дейди янгамиз ва андак хаёллангач, ичкари кириб кетади-да, кўзмунчоқ аралаш бир тўп калит билан чиқиб, айвон тагида жавдираб турган ўспириннинг ховучини мўлжаллаб пастга ташлайди. – Эртага, Абдибой. Пешинга караб жўнаймиз, хўпми?

Абди калитни оласолиб омбор сари чопади. Мотоциклини ташқарига судраб, ўзича у ёқ-бу ёғини текшириб кўра бошлайди. Сўнгра ўт олдириб, ховлини бир-икки қатла айланади ва кўнгли жойига тушиб, одатдагидек уни ялтиратиб артмоққа киришади. Ҳар-ҳар замон бошини кўтариб, айвонча тарафга кийкирик солади:

– “Чайка” миз зўр ҳали, муаллим янга! Бугун борсак-чи?

– Эртага, эртага, Абдижон, – деб кўяди панжарага суяниб турган янгамиз паришонлик билан.

Шу кеча Марина янгамизнинг тушига ким кирибди денг – Федыка! Қирк йил бурунги Федыка абжир! Синфларида унга пинҳона ёки ошқора ошиқ бўлмаган қиз йўқ эди. Ўзиям абжирмисан абжир эди-да. Бошида қалпоғи қирра, қадди ғоз, туткичини эркин кўйиб велосипед суришларини кўрган ҳар қандай қиз ўлиб қоларди. Турникда ўйин кўрсатишлари-чи! Катта танаффус тугагунча оёқ бармоқларида тескари осилиб турарди. Ўша Федыка чаккон кирибди тушига. Иккаласи велосипеднинг икки ёнида, жавдарзор оралаб кетаётганмиш. Федыка хўнгир-хўнгир йиғлармиш: “Айтсанг, ўзим олиб бориб кўярдим-ку, Марин”.

Бундан ўн-ўн беш йиллар бурун – ҳали ота-онаси ҳаётлигида ёзги таътил чоғи Николга борганларида янгамиз уни пивоҳона олдида учратган эди. Қонталаш кўзлари чакчайиб, адои тамом бўлибди. Оёқда туролмайдиган маст. Салом бериб балога қолди: “Менга хотин бўлсанг-чи, Люська! – дея, кимгадир ўхшатибми, тармашди ўлгур. – Зойкам ўлган, биласан”.

Аранг қочиб қутулган эди. Ўша Федыка абжир! Эсидан чиқиб кетганига ҳам минг йил бўлди, тушида нима қилади? Хаёли қочиб уйғонди Марина янгамиз. Қараса, кун ёйи-



либ қопти. Ҳадемай чошгоҳ, жўнаш керак. Ҳали торт ҳам пиширмоқчи эдинг, Марин, тур!

“Акамиз”у “янгамиз” деб гапиряпман. Ўзи, ака-укадан бизда сероб, лекин Арслон акамиз битта эди, ягона. У асли Маҳмуд жўрамизга тоға, менга эса амаки макомида. Тўғри, бир бўғин нарирок қариндош. Маҳмуд икковимиз болалиқдан унга ҳавас қилиб, кетидан думдек эргашиб катта бўлганмиз. Велосипед ҳайдашни ҳам, сойда сузишни ҳам бизга шу одам ўргатган. Сираси, иккаламизни бир-биримизга боғлаган, дўстга айлан-тирган – Арслон акамиз дейиш мумкин. Ўқишдан таътилга келганларида ойна олдида туриб соч тарашларию шимини дазмоллашларига маҳлиё бўлиб термилиб ўтирардик, гапирган гапию қилиқларига тақлид қилиб чарчамасдик. Кейинчалик бизни поездга солиб Тошкентга олиб борган ҳам, ўқишга қабул этилганимизда илк бор ресторанга бошлаб, умримизда кўрмаган таомлару лимонад ва музқаймоқлар билан сийлаган ҳам ана шу Арслон акамиз бўлади. Тошкентга йўли тушганда жўраларимизни тўплаб чойхонада ош қилиб берарди, талабалик кўлимизга пул қистирарди. Таътилга борганимизда-ку бор маишатимиз акамизнинг бўйнида эди.

Шу ерда бир тўхтаб ўтгим келяпти.

Қизим рассомликка ўқимоқчи бўлди. Туни билан ухламай этюд чизишни машқ қиларди. Бир кеча алламаҳалда хонамга кирди, кўзлари киртайиб кетган.

– Дадажон, эсингиздами, хув ёшлигимда қишлоққа борганимизда анув гавдали амакингизникида меҳмон бўлувдик. Уйларидаги деворда бир расм кўрувдим. Ғалати расм эди.

Эсламай нима! Чамаси, минг-минглаб нусхада тарқалган плакатсимон бир тасвир-да. Бир ёни пуштинамо аллақандай йирик шафтоли, кўкмак бутоғи тиккайиб турибди. Шунини учтами-тўртта қипяланғоч, қийиқкўз митти болақай худди копток мисол қаёққадир думалатиб кетаётир. Ёнбошида хитойчами, тикка тушган бир ёзув, холос.

Сарғайиб кетган шу расмга кўп йиллар муқаддам Арслон акамизнинг бўйдоқхонасида ҳам кўзим тушган – деворга



осиғлик турарди. У менга негадир ёкмасди, сабабини ўйлаб кўрмаганман.

– Хўш?

– Ўша расмни кўргим келяпти, – деди кап-катта қиз кўзлари ёшланиб, эркалик билан.

– Ҳай, кўрарсан, – дедим ажабланиб, – қишлоққа борган-қолганда.

– Бериб турсалар, нусха кўчириб олардим.

– Оббо, намунча! Оддий бир плакат-да. Ўқишга кирсанг, биратўла ўзини ҳам келтириб беришим мумкин.

– Алдамайсиз-а?

Қизим ўқишга кирди. Қишлоққа борганимда ваъдам эсимга тушиб, Арслон акамиздан расмни сўрадим. “Жоним керак бўлса, мана – сеники, лекин уни бермайман!” деса бўладими кутилмаганда қизишиб! Мен уни сира бунақа ҳолатда кўрмаган эдим, ҳайратда қолдим.

Қизим негадир қайтиб расмдан сўз очмади. Мен ҳам индамидим. Аммо ҳануз таажжубда юраман.

Арслон акамиз ўзи ҳам бир арслондек девқомат одам эди. Кўкраги баланд, эррайим, чапани. Лекин, болаликда “бешиккертти” қилинганига қарамай, аммаси унга қизини бермади. Аникроғи, Тошкентда дўхтирликка ўқиган қиз, шевасига маҳлиё бўлдим, хоразмлик биттасига тегиб кетди. Арслон акамизнинг арслонникидек кўнгли ана шунда синди – у ҳам ёшлигидан бу эски маталларга ишониб, бошқасини дилига яқинлаштирмай юрган экан-да. “Бир нуксони бордирки, жондек аммаси қизини аяди” деб, ўзгалар ҳам бирин-кетин уни кўкрагидан итара бошлади.

Шу орада Россиянинг ҳар жойидан беш-ўн қиз қишлоқ мактабларига муаллимликка келади. Туман марказидаги, ҳовлиси Тургенев севги киссаларида тасвирламиш азим дарахтларга кўмилган, аммо ташландик кўхна чорбоғларни эслатадиган қатор оқ бинолар – “келгиндилар уйи”дан уларга жой берилади. Кетма-кет уйланган укалари ота ҳовлини эгаллагандан кейин ана шу бўйдоқхонада сўққабош яшаб юрган,



боз устига аракка ҳавас қўйган (бир чети шунга кўра ҳам эл қиз бермагандир) Арслон акамиз оқшом чоғлари бу сирли чорбоғда ўз-ўзидан бошланиб кетадиган оврупоча базмларда бояги салт-сувойлардан ройишроқ бирига илакишиб, бирга истикомат қила бошлайди. Номусга қолган ота бир товоқ ош билан уларни мусулмончасига никоҳлаб қўяди. Мана, энди рostaкам эр-хотин. Марина янгамиз ҳам ўшшайиб турмай, ярашса-ярашмаса, сариқ атласдан қўйлагу лозим кийиб, бинийдек янга бўлиб кетди. Уни мақтамаган, ҳавас қилмагани йўқ эди. Саранжом-саришта, эрга меҳрибон, ширинсўз, киришимли. Тағин нима керак, бир рўзғорга бўлади-да!

Лекин бу дунёда акахонимизга яна бир бало тайёр турган экан: шундай азамат одам бепушт чиқди. “Анови”нинг касригами ёки кўп йиллардан сўнг асорат кўрсатган дарди бедаво сабабми, у ёғи худога аён. Эр-хотин ноилож етимхонадан ота-онасиз бир қизалокни асраб олдилар. Ўзиям дурагаймикан, афт-ангори қорача-ю, кўзлари пистоқинамо – бир ҳисобда буларга мос, биров “нега бунақа?” деёлмайди. Меҳр қўйиб, ювиб-тараб катта қилдилар. Бироқ, эрка ўсган қиз, Тошкентда ўқиб юрганида уни-бунни баҳона тутдию Россия томонларга кетиб қолди. Дараклаб борган отанинг билгани шу бўлдики, бокқан онасига товон тушгиси келганми ё пистоқи кўзларига урган бегона қон тортганми, ишкилиб, бир Андрейга кўнгил бериб, ўшанинг изидан жўнаган экан; “Папа, я его люблю!” деди, вассалом.

Самарадан шалвираб қайтган ота кўп ўтмай ётиб қолди. Девдек одам уч-тўрт ой ичида чўпдек озиб, ранги заъфарон бўлиб кетди. Қон айниган, талоқ ишдан чиққан эди. Ана шунда барчаси аён бўлди: акамизнинг сариштаси асли хув ёшлигида, коинотга училадиган жойларда хизмат қилиб юрганида бузилган экан.

Икки йил чамаси кечаю кундуз янгамиз унинг бошида турди, ёш болага қарагандек каради, боқди. Бўлмади. Акамиз кетди. Армонли дунёдан армонсизигами йўл тортиб!

Мана, энди Марина янгамиз ёппа-ёлғиз! Кўнгли сув сўраб



борадиган ягона жойи – кўшни кишлоқлик Лена дугонасиники. У билан бир йиллари бозорда танишиб, чиқишиб колган. Лена “модачи” армиядан орттирилган хотин; кишлок қизжувонларининг жону дили – очик-сочик кўйлақлар тикади, чевар. Ўзиям ўзбекнинг ўзбеги бўлиб кетган. Айниқса, болаларини қарғашини кўрсангиз!

– Сен шу атрофда бир-икки соат айланиб турарсан-а, – дея Абдини этакда колдириб, Марина янгамиз совға-салом жойланган тўрвасини судрай-судрай, майишибгина дўнгликка қараб ўрлайди.

– Бўлди, муаллим янга, сиз қанча десангиз – шунча! – дейди худо берган Абдибой оғзи қулоғига етиб ва мотоциклини адир ёқалатиб учириб кетади.

Янгамиз ёнбағирда жойлашган боғ-роғли, кенг-мўл ҳовлига кириб борганида Лена модачи тандир бошида нон ёпмоқда экан. Аникроғи, ёпиб бўлгану хонтахтага ёйиб кўйилган кипкизил нонларини дасталаб дастурхонга ўраётган экан. Аммо, кун қизиб турганига қарамай, эғнидаги қопдек кўйлагию бетбошини чирмаб ўраган увада, доғ-дуғ рўмолини ҳали ечмаган. Ҳовурдан қизарган, асли қовжираб кетган бир бурдагина юзда иккита киртайган яшилтоб нукта йилтиллаб кўринади – бамисоли икки томчи ўсма суви!

– Келинг, келинг, Маринаой!

– Бормисиз, Ленахон, бормисиз?

Икки дугона ачом-ачом килади, хол-аҳвол сўрашади.

Мезбон дарҳол ичкари кириб, кийим-бошини алмаштириб – мавридига мослаб чиқади. Кейин зипиллаб бирпасда тут тагидаги чорпояда меҳмонига жой ҳозирлайди. Дугонаси кўтариб келган совға-саломни бир-бир очиб кўраркан, миннатдорлик билан ҳар гал уни қучиб-қучиб қўяди. Ўзи ҳам уйга қатнаб, борини дастурхонга тўкиб солади.

Кифтида жилдхалтаси, боядан бери ҳовлида ивирсиб юрган, тушдан кейин ўқийдиган кенжатай қизига бир бўлак торт кесиб бериб мактабига жўнатгач, ниҳоят, келиб азиз меҳмонига рўбарў ўтиради.



Ховлида ўзларидан бошқа кимса қолмаган – ота икки ўғлини ёнига олиб сомон тўплагани даштга кетган, ўртанча қиз дарсдан сўнг хабарлашгани момосиникига бориши керак – тайинланган.

Ана шунда икки элдош, икки мусофир ўтириб олиб она тилларида сўйлаша кетади. Ҳеч ким йўқ, биров эшитмайди, бемалол. Орқадан кўрган одам, айникса, ғирт жайдари қиёфадаги кишлоқи хотиннинг ўрисча чулдирашига лол қолиши турган гап.

– Кел, Мариночка, одамга ўхшаб ўзимиз бугун бир ўтиришайлик! – дейди дугонаси келтирган атирдан апил-тапил қулоқлари ортига суртиб, малҳамни дарров юзига чаплаб олган Лена модачи бирдан руҳланиб.

– Мана, ўтирибмиз-ку! – дейди Марина янгамиз беозор кулимсираб.

– Бошқача-да, – дея чорпоя бурчагидаги тўрвадан сирачли боши чиқиб турган қизил мусалласга ишора қилади мезбон.
– Маданийроқ!

– Мен буни эрингга деб олиб келганман-ку?

– Захарни ичсин! – дейди дик этиб ўрнидан турган Лена модачи беихтиёр ўзбекчага ўтиб. – Ичадиганини ичиб бўлган у.

Мезбон уйдан икки кўлида иккита узунчок фужер кўтариб чиқаётганида дарвозадан кўшни қизалок бош суқади:

– Кўккўз хола-а, хамиртурушингизни бериб тураркансиз, энам айтдилар.

– Кўккўз холанг ҳам ўлсин илойим, хамиртуруши ҳам ордона қолсин! – дейди жавраб уй эгаси ва кўлидаги идишларни авайлаб айвон четига қўяди-да, тандир тарафга йўрғалайди.

Қизчани жўнатгач, дарвозага занжир солиб қайтаркан, у шўхлик билан дугонасига кўз қисади:

– Майлими? Ҳа, нима қипти, ўзимиз-ку!

– Ихтиёринг, – деб қўяди янгамиз елкасини учуриб.

Мусалласдан қуйиб, қадаҳ уриштиришаркан, Лена модачи беҳос эсига тушибми, сўрайди:

– Айтгандай, нима учун ичамиз буни? Бирор нима десанг-чи!

– Ўзинг айт.

Лена модачи фужерни баланд кўтариб, ўйга толади.

– Кел, шуни иккаламиз учун, икки шўрпешона учун олайлик!

– Ичмайман! – дейди янгамиз тўсатдан кўлидаги фужерни дастурхонга қайтиб қўйиб. – Сенинг ниманг шўрпешона экан? – У обод-ораста ҳовлига, пастак-пастак ишқомлари яшнаб турган боғ тарафга бир назар ташлайди: – Мана, ҳамма нарсанг бор! Бошингда эринг, бола-чақанг ёнингда!

– Тавба қилдим, тавба қилдим! – дея яна ўзбекчасига олади Лена модачи кафтини кўкрагига босиб. – Тўғри айтасиз, дугонажон, тўғри. Худога шукур, хазорон шукур!

– Демак, сен учун, сенинг эринг ва болаларинг учун ола-миз!

– Раҳмат, азизим, раҳмат сенга, – дейди Лена модачи кўзлари ёшланиб ва мусалласни қулқиллатиб охиригача симиради. Оғзига таъм берадими, қадаҳини қайта тўлдириб олади: – Энди сен учун ичамиз! Арслонинг қандоқ одам эди-я! Ётган ери ёстик бўлсин! Бунга чўкиштирилмайди, чўкиштирилмайди – эсингдан чиқибди-да!

– Сен ўзи мен учун ичмоқчимисан ёки марҳумнинг ҳақи-гами? – дейди кўзлари намланган янгамиз дугонасининг довдрилигидан қулган бўлиб.

– Барибир эмасми – Арслон сеники, сен Арслонники эдинг! – дея ютоқиб фужерини бўшатади мезбон. – Бир ўзинг ёлғиз, зериксанг кераг-а, Марин?

– Йўқ, нимага – зериксам, кўни-қўшненикига чиқаман, кайнотамникига бориб келаман ёки диванда думалаб китоб-питоб ўқийман, телевизор кўраман. Бу ёқда рўзгор юмушлари!

– Воронежингни соғинарсан? Туғилган жойларингни кўр-гинг келар? Қизингдан дарак борми ўзи?

– Қайси саволингдан бошласам экан? – дейди ўйга чўмиб янгамиз. Туғилган юртини ким соғинмайди? Лекин соғинганда, борганда нима? Чолу кампир аллақачон оёқ узатиб бўлган; биргина синглиси бор эди, Настя, у ҳам эридан ажралиб, чет эллик биттасига илашиб кетган, Португалиядами

яшайди – йўқ ҳисоби энди. Ота-она тириклигида деярли ҳар ёз эри билан меҳмонга борарди. Николсой бўйидаги ўтлоқда бутун оила жам бўлиб, балиқхўрлик қилишарди. Балиқ баҳона, икки куёви икки ёнида, ичкиликка ишқибоз кекса отага айникса худо берарди; бадрашқроқ кенжаси можаро чиқармаса, улар гоҳо сой бўйида гулхан ёқиб, ўша ерда тунаб ҳам қолишарди.

– Мен бечоранинг эса борадиган манзилим ҳам йўқ, соғинадиган кишим ҳам. Етимхонада ўсган бир бенаво бўлсам! – Ичкилик ичмай юрган одамга бирдан таъсир қилади: кўнгли сув очиб, кўзлари ҳалқобланган Лена модачи бир вақт шартта жойидан туриб дугонасининг биқинига ўтиб олади: – Кел, азизим, ашула айтамыз.

Икковлон бир дам нимани айтиш хусусида талаша-талаша, ахийри ўша ҳамма биладиган машҳур “Подмосковные вечера”ни танлайди.

– Қани, бошла!

– Йўқ, сен бошлайсан, сен!

Икки ғариб бир-бирининг кифтига қўл ташлаб, олис юрларидан эсдалик, олис юрларининг нафасини келтирадиган соғинчга тўла шу ҳазин таронани оҳиста хиргойи қила бошлайди. Бир фурсат теварак-атроф ўзгача тус олиб, аллақандай армонли оқшом сокинлиги ингандек, кўшиқ куйлаётганлар – сирдошу жондош Марфушаларга, хув девор бўйлаб қад чўзган бўзтерақлар ҳам оқбадан қайинларга айланиб кетгандек бўлади.

Хийлагина “ўхшаб” қолган етимхона фарзанди – нима, бу ҳовли-жой ўзиники-да! – ногаҳон овозини баралла қўйиб юборади:

Не-е-е за-абудь и ты-ы

эти летные-е-е

Подмоско-овные ве-че-ра-а-а...

Нола нолага уланади:

От этих мест куда мне деться?

С любой травинкой хочется дружить.

*Ведь здесь мое осталось сердце,
А как на свете без любви прожить?*

Ашула айтиб толгач, дугоналар бир-бирининг бўйнига чирмашган кўйи талай замон махзун шалпайиб ўтиради.

– Вой, эсим курсин! – Мезбон бир маҳал ирғиб ўрнидан туради ва уйга кириб кетиб, кўлида аллақандай кутича билан чиқади: – Қаҳва ичамиз! – Чорпояга якинлашаркан, шоша-пиша кутичасини очиб кўради-ю, ҳафсаласи пир бўлади: – Ия, янчилмаган, донадори экан-ку бу савил! Бултурмиди, марказга тушганда роппа-роса беш минг сўмга олувдим-а. Тузук карамаган эканман-да, эсизгина!

– Кофемолканг йўқми, нима? – дейди янгамиз ҳам ачинганнамо.

– Унака матоҳлар нима қилсин бу уйда! – дейди ўз-ўзидан тутакиб Лена модачи. – Ҳа-а, бўлди, бўлди! Уриб-уриб янчамиз буни!

– Нима билан? Нима билан урасан?

– Уриб-уриб туядиган-чи? Анув, нима дерди? Ҳаҳ, курғур, сира тилимга келмаяпти-я! – Ўша курғурнинг номини тополмаганидан Лена модачи бу ёғини ўзбекча қилади: – Ҳе, қўй шу маллавойларингнинг чулдир-чулдирини! Ҳавонча бор-ку, ўзимизнинг ҳавонча!

– Ҳавонча?! – деб такрорлайди янгамиз дафъатан алланечук бўшашиб; ичида нимадир чирт узилган каби, ҳозирок бу ердан чиқиб қочгиси келади. – Нима у ҳавончангиз?

– Ҳа, ўғир-чи, ўғир? Мана, ҳозир опкеламан, кўрасиз! – Лена модачи ҳадаҳа бурилиб, ошхонаси томон йўртмоқ бўлади.

– Ҳей, шошманг! Мен кофе ичолмайман. Жигарим оғрийди. Мезбон саросималаниб, бурилган жойида тўхтайтиди.

– Мен энди турсам, Ленахон, жавоб берсангиз? Уйимда бир дунё юмуш!

Қип-кизил баҳона бу! Мана, ҳозир янгамиз хувиллаб ётган ўша ёлғизхонасига кириб боради-ю, бармоқ тишлаб қолади: қиладиган ишининг тайини йўқ. Сиқилганидан чиқиб кўни-



кўшнисининг ул-булига қарашган бўлади. Бир маҳал юраги тошиб, яна изига чопади: “Уйимда бир дунё юмуш!”

– Ия, кўйсангиз-чи, Маринаой! Озиб-ёзиб бир келганингизда-я? Ош-чи, ҳозир ош қиламиз, ахир!

– Кейин, кейинги сафар, – дейди янгамиз кейинги сафар бу уйга кадам босмасликни дилига тугиб ўрнидан тураркан; шу тўпори хотиннинг олдига нима учун келди ўзи?!

Ҳангу манг бўлиб қолган Лена шўрлик ҳарчанд кистаб кўндиролмагач, типирчилаган кўйи тандирхонадан тўртта нон келтириб меҳмоннинг тўрвасига солади, сўнг у ёк-бу ёкқа жонсарак аланглаб, ишқомдан уч-тўрт бош узум узиб келади.

Хуллас, бояги мусалласданмикан ёки арзанда дугонасининг хурсанд-хушхон кириб келганию кўккисдан бундай туриб жўнаганигами, кўнгли беҳос бузилиб, у кўзида ёш билан кифту бошини силай-сийпалай уни кузатади.

Дарвозадан чиқаркан, Марина янгамиз бу ерга аслида нима учун келганинию ҳали яна кўп бора келажагини дафъатан англаб етади.

– Мен сизни бемалол ўтирасизми десам – дарровгина чиқибсиз, муаллим янга? – дейди чўнқайиб олиб мотоциклнинг аллақаерини кавлаштираётган Абди. – Ҳали икки соат бўлмади-ку?

– Бўлди, Абдибой, ундан ҳам кўп бўлди. Кетдик.

Қайтиб йўлга тушадилар.

Сойдан ўтиб, қабристон ёкалаб бораётганларида йўл қия келиб, ғилдираклари ногаҳон тупрокка сирпаниб кетадию мувозанати қочган мотоцикл сурила-сурила ёнбош бўлиб қолади. Абди жонталваса ирғиб туриб унга ёпишади ва бир ҳамла билан тикка қилади. Чап тиззасини чангаллаб нари кетган янгамиз бориб ердан учгинаси бўртиб турган бир харсангга ўтиради.

– Билмай қолдим, кечирасиз-да, – дейди ранги ўчинкираб Абди.

– Кечирмайман, – дейди оёғининг нари-берисини сийпаб кўраётган янгамиз. Болдири салгина шилинибди, холос, бошқа бешикаст. – Кечирмасам-чи, а?



- Кечирмасангиз ҳам кечиринг, жон янга!
- Топдим! – дея қичқириб юборади шунда янгамиз илқис бошини кўтариб. – Топдим – ступка, ступка!
- Нима топдингиз? – деб сўрайди бола анқайиб. – Уступка? Нима у?
- Уступка эмас, каллаварам, ступка! С т у п к а, билдинг? Уриб-уриб майдалайдиган, эзиб-эзгилаб ташлайдиган нарса бор-ку, ўша. Ўзбекчасини нима деяётувди-я ҳали?
- Нимани уради? Нимани майдалаб ташлайди?
- Нимани бўлсаям-да! – дейди энсаси қотиб янгамиз. – Масалан, туйилмаган кофе ё шунга ўхшаш қаттиқрок нарсаларни. Ҳатто – одам деганингни ҳам! – Шу гапи ўзига наъша қилибми, у бир зум маъюс тортади. – Сен айтган “уступка” эса бошқа нарса.
- У нима дегани?
- Мана, сен ҳозир анови мотоциклни ағдариб, мени ярадор қилдинг, шундайми? Энди кечирим сўраяпсан. Мен эса сенинг қилмишингни кечиряпман. Чунки мени яна у ёқ-бу ёққа миндириб юришларинг бор! Ана шуни “уступка” дейди, тушундингми?
- Уступка, уступка, ступка, – дея чайналади-ю, барибир ҳеч балони англаёлмайди Абдибой.
- Бу дунёда уступка қилмасанг, ступкага ем бўласан, укажон. Мана, шунчасига кўнаркан-ку одамзод, – дейди янгамиз ажаб бир ўйчанлик билан. – Майли, сен энди кетавер.
- Қаёққа кетай? Сиз-чи, сиз?
- Ишинг бўлмасин, мен ўзим бораман.
- Янгамиз билинар-билинемас оқсоқланган кўйи тепалик сари юради.
- Қабристон дарвозасига етганда у бир зум тараддуланиб қолади. Ҳар-ҳар замон келиб турадиган жойи, бошига рўмол-пўмол ўраб олмаганини қаранг – кўрган биров нима дейди?
- Нима деса дер – кир, Марин, киравер!
- Қабристондан қайтиб чиққач, қиялик бўйлаб эниб келаркан, янгамизнинг кўзи “бизнинг “Чайка”га тушади. Боя

турган жойгинасида турибди. Эгаси эса кўринмайди. Кейин бундай ўтиб қараса – у мотоциклнинг панасида муштдеккина бўлиб пинакка кетган.

– Нима тушлар кўряпсиз, уступкавой? Туринг энди, жўнайлик.

Бола аста кўзини очиб, бошини кўтаради:

– Ҳали айтган гапларингизни сира тушунолмаёпман-да, муаллим янга?

– Э, ўзим ҳам тушунмайман, Абдибой! Тур энди, турақол.



Нурали ҚОБУЛ

(1950 йилда туғилган)

КЕЧИККАН ТУРНАЛАР

*Кўрган эдим ўрвангни,
Таги тешик тўрвангни.*

Халқ нақли

I

Сафардалик пайтимда синфдошим уста Мамарасул дунёдан ўтибди. Қишлоққа отландим.

Куз эрта киргани боис ёз охирламай ёғингарчилик бошланган эди.

Саратон жазирамасидан сарғайган адирлар, сурув-сурув қўйлар туёғидан такири чиқиб кетган тоғ этаклари, ангор ва яйловларга яна жон кирди. Бўзқирларда майсалар нишлаб, илк баҳор рангини ола бошлади.

Кейинги пайтларда қишлоққа бормоқчи бўлсам негадир хаёлим қочиб, оғир ўй босади. Ғамгин ва паришон тортиб қоламан. Авваллари эса акси бўларди. Ойқор тоғини кўриш, далаларда яйраб кезмок, ҳамқишлоқлар билан дардлашмоқдан завқ туярдим. Хаёлим қатидаги хотираларни қайта-қайта жонлантирганча, сабрсизлик билан эртақ каби кечмишда қолиб кетган гўшага ошиқардим.

Раҳматли дадамнинг қайтишлари, бирга униб-ўсган дўстим, ўқитувчи ва журналист Шавкатнинг оддий кўричакдан бевакт вафот этиши кўнглимда ҳануз яшаб келаётган романтик туйғуларга бирдан нукта қўйди. Оиланинг каттаси бўлганим учунми, бир неча кунда чўкиб, бошқа кишига айландим. Ота-она айрилиғига кўникмоқ қийин кечаркан. Ота-она қайтмоғи мерос деган ақидани эшитганинг билан бошингга тушгани орасида осмон билан ерчалик фарқ бўларкан. Ҳаёт кўз ўнгингда ўзгача рангга кириб, тоғдай кўксинг дарз кетаркан. Умр бўйи йўлдошдай ёнгинанда юрган ота-онанинг ғанимат эканлигини бағринг ўртаниб туярсан. Ва бирдан улар олдидаги бурчимни ҳали ўтай олмаган эдим-ку деган афсус, надомат туйғуси борлигини эгалларкан. Бирок бошингни қайси деворга урма, ҳаёт ҳукми қатъий. Инсон ўлимни бўйнига олиб туғилади.

Узоқ чўпон билан олтинчи синфгача бирга ўқигандик. Олтмишинчи йиллар бошидаги мажбурий кўчирма бизни Нурота тоғларига туташ Жиззах даштига элтиб ташлади. Отасини эрта тупроққа берган Узоқ бир этак ука ва сингиллари билан қишлоқда қолди. Саккизинчини битирар-битирмас чўпонлик қила бошлади. Шунинг учун уларнинг оиласига кўчирма пайтида тегишмади. Сўнгра у қўй боқиш учун биз томонларга келди.

Минг тўққиз юз олтмиш саккиздан олтмиш тўққизга ўтар йилдаги қаҳратонда амаким Эргаш чўпонга қарашгани борганимда уни отарда учратдим. Машаққатли кунлар бизни яна яқинлаштирди. Яхши кўриб юрган қўшнисининг қизига Раҳмон рабобкомнинг Тошкентда ўқийдиган ўғли уйланганида кечалари кўтоннинг томига чиқиб йиғлагани ҳали эсимда. Уни юпатамиз деб, Эргаш амаким иккимизнинг она сутимиз оғзимизга келган.

Онаси Турсунтош хола кўзига қилқон, хас-чўп тушганларни тили билан оладиган табиб эди. Икки гапининг бирида эркалаб: “Ҳах, санга ман ўлайин, дардигинанг урсин, кўзгинангнинг оғриғи урсин, ошгинамнинг қайласи бетгинамнинг ойнаси”, – дер эди сўз ила ифодалаб бўлмас меҳрли ва ёқимли

оҳангда. Галахирмонжойдан сомон ташиётганимизда чап кўзимга қилқон кирганда, энам у кишининг олдига эргаштириб боргандилар. Турсунтош хола айланиб-ўргилиб, жонимни халқумимга келтираётган буғдойик қилқонини тилининг учи билан олиб ташлаганини кечагидек эслайман. У киши мен каби мижозларнинг оғирини енгил қилганида воқеадан хабар топган кўни-қўшнилари Турсунтош фалончининг кўзига тилини солибди дейишарди.

Қишлоқда Узоқларнинг, Энача хола ва Хумор момо, Қудрат тоға, Шодибек бобо ва Отабек ўнбошининг боғларидагина ёнғоқ дарахти бўлиб, икки кўзимиз шуларда эди. Хазонлар орасини титкилай-титкилай битта ёнғоқ топиб олсак, дўппимизни осмонга отардик. Дарсдан кейин Узоқларнинг ҳовлисидаги ёнғоқ остида ўйнаб, этакдаги Каттасойда чўмилардик.

Энди ўйлаб қарасам, каттагина қишлоғимизда олти тупгина ёнғоқ борлиги, ёнғоқ эксанг, мевасини ўзинг емайсан, деган гапнинг одамлар онгига ўрнашиб қолганида экан. Обидага айланган бу дарахтлар остида хаёл суриб ўтирарканман, беғубор болалик хотиралари энамнинг эртақлари каби кўз олдимида жонланади. Дарвоқе, умр ҳам бора-бора эртакка айланар экан...

Йўлга чиққанимдаёқ беихтиёр ёдимга Узоқ чўпон тушди. У Ғаллакон тарафларда Тоғвой чўпоннинг ёнида чўлик эди. Хўжайини билан гапи тўғри келмай, қишлоққа қайтиб келибди. Ўн беш-йигирма чоғли кўйини кўни-қўшниларикини кўшиб, Каттасойда айлангайиб юрганмиш.

Темур дарвозасидан сўнг йўл Сангзор дарёси ёқалаб кетади. Тепаликлар оралаб кўприқдан ўтишингиз билан дарё кичик-кичик ирмоқларга бўлиниб, кенгиш майдонни эгаллаб ёйилиб оқади. Туя ўрқачлари каби пасту баланд тепаликлар, сўнгра парку булутларга оҳиста ёнбошлаган Ойқор тоғига туташиб кетади. Унинг изғиринларга кўкрак керган азамат қоялари, йил-ўн икки ой қор аримас юксак чўққилари, наъма-так ва маймунжон терганимиз шарқирок сойлари учи-куйриғи йўқ тоғолча ва бодом даралари кўз очиб, юмгунча ўтиб кетган умрни эслатади, бугунги ҳаёт ҳақиқати ва умиднинг муждаси каби мени ўзига чорлайди.

Токка туташ, кечмишдан ёдгор Дунётепа ва Қўрғонтепа қалбимга шу тупрокка меҳр туйғусини солган илк манбалар эди. Эндиликда мана шу икки тепалик орасидаги қишлоғимиз қабристонида мунғайибгина турган қабрлар менга бобом, энам, отам ва опамнинг сиймоларини эслатади ва мен жуда кўп нарсаларни қайта мушоҳада ва мулоҳаза эта бошлайман.

Масжидинг узок бўлса ҳам, мозоринг яқин бўлсин дегандек, кўйинди ҳам шундоққина қишлоқнинг биқинида.

Замонида бу чексиз дара ва адирларга сизмай от сурган ман-ман деган ҳамқишлоқлар энди бир қабристон бўлиб, совук мраммар тошлардан маҳзун термилганча сассиз-садосиз ётибдилар.

Бу дўппайган қабрларда бот-бот юмалоқ хат ёзиб бир-бирини каматган амалдорлар, хайхотдай ҳовли боғларга сизмай ер учун бир-бирини пичоқлаган ака-укалар, Ойқор тоғида ўрмалаган жонивор борки, қирон келтирган, какликнинг кўзидан урадиган овчилар... қазойи қадари етиб, ер билан битта бўлиб ётибдилар.

Гапига қош қайирган одамни таъкибу қувғин қилиб, керакли жойга тиктириб қўядиган, бутун бошли қишлоқни ётқизиб-турғазиб, охир-оқибатда Мирзачўлга кўчирмага тўғрилаб юборган, ғазабидан барча бирдек зир титрайдиган Отабек директордан тортиб, қўни-қўшнилариинг кўлига қараб, улар берадиган ярим коса ёвғон пиёва ва бир бурда нони билан кунини кунлагон опа-сингил Майрам ва Чинни момоларгача кора тупрокка айланиб ётибдилар.

Тупроқ одам ажратмайди.

Буни ҳаёт дейдилар. Инсон боласи самодаги чақин каби бир чақнаб ўтиб кетаверади.

Эллик йилда эл янги, қирқ йилда қозон дерлар. Вақт, замон кечиши билан кишилар кўп нарсаларни унутиб яшайдилар. Зотан, араб тилида инсон дегани унутувчи демакдир.

Бу дунёда гўзал ҳаёт бор, гўзал ўлим йўк...

Охир-оқибат бир газ ер, икки газ бўз...

Шу ҳаёллар билан икки четига ўрик, бодом ва жийда экил-

ган Ўсмаат йўлидан ўрлайман. Мол-ҳол кўпайиб кетганидан яйдоқ яйловларда кўзи тилига илинар майса кўзга ташланмайди. Куз ёмғиридан ўзига келган анҳордан намиққан хас-хашак ва курук тупрок хиди кўтарилади.

Отамерос уйимизга етиб келишим билан қишлоқбоп кийинаман-да, дадамдан қолган кадрдон ирғай таёғимни олганча адир ёхуд сой бўйлаб тоғ томон шошаман. Ўлим бўлган уйларга кириб, кўнгили сўрайман, болалигимда келиб юрган эшикларга бош суқаман. Дуч келган ёшу қари, хотин-халаж, бола-бақра билан гурунглашаман. Энг юксак тепаликка чиқиб, болалигимизда бир марта бориб кўришни орзу қилганимиз, уфққа ёнбошлаётган куёшнинг оловранг тафтида ёниб кўринаётган Самарқанд томон тикиламан. Болалигим шундоққина кўз ўнгимда намоён бўлади.

Вужудида эзгулик туйғуси барқарор кишилар табиат кўйнида болага айланади. Киши ёшлиқда не қадар тезроқ улғайиб, бирор манзилга етмоқ учун тиришса, ёш бир ерга бориб қолгач, беихтиёр болалиги томон талпинади. Табиат бағрида киши ўз хис-туйғуларини бошқара олмайди ва унинг салобатини борича туяди. Фикр, бу – кўринмас табиат, табиат, бу – кўринувчи фикрдир деган-ку буюклардан бири. Фақат фикрлай олмак, мушоҳада эта билмоқ хислати бўлган кишиларгина табиатнинг нозик фалсафасини англаб етишлари мумкин.

Ёғингарчиликдан ўйдим-чуқур бўлиб қолган кўчаларда қўлда таёқ, дилим тўкилган, руҳим сўкилган бир аҳволда ғамгин ва паришон кезишимни доимий суҳбатдошим, адабиёт ўқитувчиси Сафарали муаллимдан бўлак кимса англаб етмайди.

Тоғ этаклари, ёнбағирлари, даралар, сойлигу адирлар, изғиринларга кўкрак керган тепаликлар... Одам оёғи етган ер борки, тартибсиз ва қонунсиз равишда эгалланиб, ўраб олинган. Кўримсиз ва режасиз бинолар қуриб ташланган.

Сойларнинг ўзанини сағноқ, санглоқ дейишади. Бу тошлоқ демек. Бирок бу санглоқлар ҳам эгалланиб, иту қушга отар



тош тополмайсиз. Ташиб кетишган. Ҳатто қоя ва тепаликларни портлатиб, парчалаб шағал қилиб пуллайдилар. Бу аҳволда тоғ ҳам ҳадемай пасайиб, чўкиб қолса кераг-ов, дея ўйлайсан, ҳаёлинг қочиб. Хайриятки, юксак қоялар ва тик чўқкиларга қўллари етмайди.

Инсоният шу тариқа табиат мувозанатини бузиб, ўз оёғига ўзи болта уриб яшайвераркан. Шаркираган сойлар суви аллақачон қувурларга солинган. Яйловлар экин-тикин майдонларига айланган.

Дадамнинг Ирғайчи маҳаллалик болалик дўсти, математика ўқитувчимиз Абдуражаб домланинг узоқ йиллар чет элларда ишлаб келган, олти тилни биладиган, Тошкентда яшаб, университетда дарс берадиган Худойқул Жўраев деган фан доктори амакиси бўларди. Домла ҳар йили ёз таътилида Ўсмагга келар, ўзига тўқроқ кариндош-уруғи, ёр-дўстлари кўйми, эчкими сўйиб, топган-тутганини олдиға кўйиб, навбат билан меҳмон қилишарди. Жўраев домла бизникига ҳам келар, боғимиз тўридаги ўрик остига, бедазорға тўшак солдириб, йиғилганларни оғзига қаратиб, тонготарғача хангома берар ва ётиб қоларди.

– Кўнглинг тўқ бўлсин, Абдуражаб, – дер эди меҳмон дамсар уриб. – Бу боши юмалок, бути айриларинг ҳали-бери одам бўлмайди. Булар учун ўзингни ўту чўққа урганинг бефойда!..

Ота авлод ақрабомиз Абдурасул ака пайғамбар ёшида оламдан ўтди. У қишлоғимизга электр олиб келмок учун раҳматли Вафоқул тоға билан бирға елиб-югурган ягона инженер эди. Электр идораси район газетаси биноси билан қўшни бўлиб, биз кўпинча ишға бирға катнардик. Унинг ноҳос ўлими укаси Мамарасулға қаттиқ таъсир этди, чоғи, у ҳам кўп ўтмай омонатини топширди.

Уларнинг отаси раҳматли мулла Раҳматулла бобо қишлоқда ўттиз еттинчи йиллар катағонидан омон қолган, эскичани биладиган ягона одам эди. Бобом мулла Қобулни Сибирға сургун қилганларида ундан уй тўла китоб қолган. Кимнингдир маслаҳати билан Шаҳзода энам бу китобларнинг ярмини

токчага тахлаб суваттирганлар. Қолганини эса тун ярмидан оққанда Раҳматулла бобога элтиб берганлар. Тўққиз ёшли дадам энамга ёрдамлашиб, қоронғи киш кечасида Хўжатўпи маҳалласига ит азобида бориб келганларини кўзда ёш билан айтиб берардилар.

Тўқсонинчи йиллар бошида одамлар дину иймонга қайтиб, масжидлар қурила бошланганида уч-тўрт оқсоқолимиз бир ой чамаси овора бўлади. Кимсадан садо чикмайди. Шунда фақат Абдурасул инженер томорқасининг ярмини масжид учун ажратиб беради. Ўша жойда қад кўтарган масжид эндиликда мулла Раҳматуллоҳ номида.

II

Эртаси куни бутун қишлоқ уста Мамарасулнинг худойисига йиғилди. Дарвозанинг икки ёнида қўл қовуштириб турибмиз. Ўнг томонимда хомуш ва паришонхотир Узоқ ўтирибди. Сўл тарафимда – биздан ёши каттароқ Бозорвой чўпон.

– Ҳа, жўра, шаштинг паст? – аҳвол сўрайман Узоқдан.

– Шу ёшда ишсиз қолдим, жўра. Умр бўйи сурувнинг ортидан юрган одам уйда ўтириб қолса сиқилиб, жинни бўларкан. Ҳатто икки кўлинг ҳам ортиқчага ўхшаркан, – сўник овозда жавоб қилди Узоқ чўпон.

– Тоғвой билан ораларингдан қил ўтмас эди-ку?..

– А-а-а-й, Тоғвой чўпон уйни қотирган-да, қиззиғар! Қаср дейсан, қаср! – дабдурустдан суҳбатимизни бўлди Бозорвой. – Қандингни ур, азамат! Районда биринчи бўлиб қўйини мингга етказган ҳам Тоғвой! Худо беришдан қисмаса, ҳеч гап эмас экан! Икки ўғлини юрпақда ўқитди...

Орага ёқимсиз жимлик чўқди. Беихтиёр Бозорвойнинг юзига қарадим. Соқоли бир ҳафта чамаси олинмаган, устида яғири чикқан фуфайка, оёғидаги ботинка кийилганидан бери артилмагандек. Унинг назарида энг зўр ва ақлли одам, барча бирдек бўйсунадиган, ҳаммадан амали катта киши эди. Қўйи кўп бўлиб, юртни тўплаб катта кўпқари берган, янги марка машина олиб, данғиллама иморат солган, хонадонига катта-

конлар келиб турганни барчадан обрўли одам санайдиган Бозорвой учун нон пайғамбар, ош худо эди. Пойинтар-сойинтар сўзлари билан у аллақачон ҳазил-мутойибанинг мавзусига айланган, ковун тушираверганидан хамқишлоқлар бир маракага айтса, бирига айтмас эди. Ўзининг ҳам минг чоғли кўйи бўлиб, давраларда ҳеч кимга сўз бермасди. Минг кўйли бойлар сирасига кирса-да, уйида тайинли қозон қайнамас, эшигидан биров кириб-чикмас, кийим-кечаги яғир бўлиб, тўкилмагунча янгисини олмас эди.

– Нархи беш чақалик одам саройдек уй қургани ёки кўйини мингдан оширгани билан баҳоси ўн чақалик бўлиб қолмайди, – Бозорвойнинг гапини бўлди қишлоқ мактабининг тарих ўқитувчиси Саид муаллим. – Одамлар оғзим бор экан деб, ҳар гапни бир гап деб саннайвермаса-да!

– Аравакаш тавба қилибди! – гурсиллатиб ўнг қўлини кўкрагига урди Бозорвой. – Гапиришни худо фақат маллимларга чиқарган, қиззиғар! Ўқитган ўнта боласидан тўққизтаси ўқишга киролмайди-ю, яна тилини саккиз қариш қилиб, одамларга нарх бичади!

– Муаллимларга тил теккизмаган сен саводсиз қолувдинг! Оғзингни кўпиртириб мактаган ўша Тоғвойнинг отаси Пардавой подачи қўлида челақ, елкасида нонхалтаси билан оши ҳалол тўплаб, эшикма-эшик юрганини ҳали кўпчилик унутмаган. Бу чўпонман деганнинг тупроғи бир ердан олинган бўлади ўзи. Сенинг ўша иномаркали бойваччанг ўшанда оёғида тоштовон, отасининг орқасидан эшагини етаклаб, навбат билан “оши ҳалол” деб бакириб юрарди...

– Сенинг отанг ҳам райком-пайком бўлмаган, ука! Ўзинг ҳам зовучни-повучни қилиб юмалоқ-ястик ўқишни питиргансан! Таниганимдан бери устингда шу эски кагим! Яна бировнинг оғзига урасан!

– Айтганингдек, яхшими-ёмон бир ўқишни битирганман, – бўш келмай сўзида давом этарди муаллим. – Сен каби Тайпоксой даштида қийшуносликни эмас.

– Сенинг ҳам ота-бобонг чўпон-чўлиқ ўтган, ука-а! Агар

сен културний одам бўлганигда чўпонларнинг устидан кулмасидинг. Ўша Пардавой подачининг жанозасига начальник милициялар билан тўртта прокурорини олдига солиб, облас прокурори Мустафоқулов келган. Қўй кўрмасагам кий кўрганмиз, бизам...

– Сен ҳам ҳар ҳафтада битта ширвоз кўзи ёки қирқилмаган улоқни сўйиб, тандиркабобларни совутмасдан элтиб, бўзчининг моксицидек елиб-югуриб хизматини қил. Кўрасан, жанозанга ундан ҳам катталар етиб келади. Энг муҳими, обрў борида ва вақтида ўлиш!

– Ҳе-х-е-е! Содда маллим-ей! Ширвозлар ҳолва бўлиб қолди, оғайни! Энди каттадан кичиги кўкидан келади. Гўёки Ойкор тоғининг бир сойда дўлбир мошинаси бордай! Худо берганига шукур қилиб, ўзимизни сўмгинани оловир! Тешиб чиқмайди-ку, қиззиғар! Расходга тушиб дўлбирни қаердан топади сенга? Сўмни шотирларингга бер, ғизиллаб бориб ал-маштириб келади!..

– Менга қара, Бозорвой, кўпам ўтлайверма! Гирди мактаб ёки гирди сарой деган гап бор. Иккисини ҳам кўрмагани йўнилмаган таёқ дейдилар! – кўлини паҳса қилиб бўш келмасди муаллим. – Қўйсанг-чи шу бемаъни гапларни.

– Аравакаш тавба қилибди дедик-ку! Ҳамма сендек олим бўлаверса, қўйни ким боқади? – деди аччиғи чиққан Бозорвой юзини тескари бураркан. Бу билан у Саид муаллимга “сен ҳам одаммисан” демокчи эди.

– Сенинг кулоғингга қуйилиб қолган “минг қўйли бой гапирсин” деган замон яна келди, чамаси, – ҳамон шаштидан тушмасди Саид муаллим. – Мол топиб, ақл топмасанг, учоворадан чикиб кетаверасан, оғайни. Тилим бор деб валдирайверма. Сенга насиҳат қилиш бефойда-ку, лекин кези келганда ипингни тортиб туриш керак...

– Ўликни қўйиб тутга югурмайлик. Баҳси-мунозаранинг мавруди эмас, домла, – Саид муаллимга юзландим.

Орага яна жимлик чўкди. Узоқ чўпон дамсар урди.

– Тоғвой дўстимизнинг кетига жир битди, жўра, – деди

анчадан сўнг чуқур нафас олиб Узок. – Бу дунёда оч одамни тўйдирса бўларкан, бироқ тўкни тўйдириш кийин экан. Жўрамиз босар-тусарини билмай қолди. Кўрмаганнинг кўргани курсин. Қачон кўрсанг, кайфи тарак, ёнида ҳар хил аёллар. Мен аҳмоқ уни ўша, чоригини судраган Тоғвой жўрамиз деб ўйлаб, насиҳат қилмоқчи бўлибман. Келин-куёвли одамсан. Энди буннай ишлар сенга ярашмайди. Уннай кима. Аяк-баяғингга қара деппан. Бош ирғаб маъқуллагандай бўлувди. Кейин билсам бошини “ҳа-а, сенми менга ақл ўргатадиган” деган маънода сарак-сарак қилган экан. Менга ўхшаганларнинг кўлидан чўпонликдан бошқа иш келмаса...

– Бекор гапни қўйсанг-чи! Қўлингдан ҳамма иш келади. Сеникидек олмазор кимда бор? Фақат шу касбга ўрганиб қолгансан. Ўттиз-қирк қўй-эчкини чаканага бериб боктиришга токатинг йўқ. Бошқа бирор иш билан шуғулланиш ҳақида ўйлаб ҳам кўрмагансан, – унинг гапини бўлдим. – Тўғрими?

– Тўғри! Гапингга жон бор, – юзимга тикилиб қолди Узок. – Лекин ёғ еганда ёт яхши, қон ичганда қариндош деганидек, бир пайтлар хизматинг синган одамларга, қорни тўйгач, керагинг бўлмай қолса алам қиларкан, жўра. Менинг ўрнимга иш тополмай юрган болани арзимаган маошга ёллаб, қорнини тўйғазиб, сурув боктирмоқ маъқул кўринди жўрамизга. Одамлар фақат ўтар кунини ўйлаб қолди, биродар. Одамгарчилик отангнинг қулими дер эдилар. Шундай бўлди, чоғи.

– Камдан-кам ҳолатларда бой ва амалдорлар ўзларидан куйидагиларнинг сўзларига қулоқ соладилар. Уларнинг аксарийси мен барчадан ақлли бўлганим учун бойман ёхуд шу мансабга ўтирганман деб ўйлайди. Соддалик қилибсан-да, жўра.

– Ўша гап-сўздан сўнг ҳам уч ой чамаси ишладим. Сурув санаш чоғида беҳос маошдан сўз очилиб қолди. Ойига битта тўкли беради. Менга озлик қилади дедим. Қўшни Тожикистонда ҳам бир тўклига чўлиқлик қилишмайди. “Ойлик озлик қилаётган бўлса, майли, ўзинг биласан”, деди шартта жавобимни бериб. “Шошмай тур, жўра, ўйлаб кўрармиз”, деса ҳам бўларди. Ҳаччакалла ёқасига тармашган бўлмасам. Уям бизга

ўхшаб чоригини судраган бир чўпон эди. Қайтиб оғзимни очмадим. Ўзинг билган ўша итим Оқтўшни эшакнинг эгарига боғлаб, ўн етти кўй тўртта эчкимни сурувдан ажратиб, йўлга тушдим. Ярим йўлда орқамдан етиб келди. “Узок, Оқтўшни ташлаб кет. Майли, ўша битта тўқлини итинг учун бериб турман”, дейди йўлимни тўсиб. Индамадим. Ёнида ўтириб келган болага Оқтўшнинг занжирини тутқаздим. Ит бечора менсиз сурувга қайтишни истамайди. Охири аламимдан таёқ билан урдим. Фингшиб, ингради жонивор. Мен ҳам йиғладим...

Гапи бўғзига тикилиб қолган Узок йиғиси отилиб чикиб кетмаслиги учун кўзларини юмиб, бошини эгди. Ёш боладек бир неча бор бурнини тортиб кўйди.

– Эслайсан-а, жўра, Оқтўшнинг онаси Ойбетни, – хириллок овозда сўзида давом этди. – Қишлоғимизда иккита ит бор эди. Сизларда Олапар, бизда Ойбет. Итмисан ит эди-да. Жониворнинг мендан инсондек кўнгли қолганини эслаб ўкинаман. Ундан зот олмокчи эдим ўшанда. Қанжикнинг ўзига ўхшаганини олмасанг зоти яхши чикмайди. Қасдлашгандек ўзига ўхшаган арлон боласи ўлиб қолса бўладими. Гидикнинг ўлиги уч кун похолнинг устида қолиб кетибди. Шуни кўмишга ақлим етмабди-я! Учинчи куни Ойбет боласини тишлаб бориб, чалдевор остига кўмди. Ўша жойга бориб-келиб, уч кун мотам тутди. Ишонасанми, шу воқеадан сўнг менга муносабати ўзгарди. Гапимни кўзимдан биларди, жонивор. Бирорта кўзини жондор тортиб кетса, почасиними, кулоғиними топиб келарди. Бўлмаса мол эгасига товон тўлардим. Сурувни олдига ўтиб ётар, отар етиб борса, яна бир сой олдинга ўтиб ётарди. Отарни бўлиб юборадиган бўрон-чопкин бўлганда айлантриб сурувни тўплайверарди. Сурувга яқинлашаётган жондорни хидини олиб йўлига чиқар, кўшни отар итларини чақириб, қашқирларни етти қир ошириб қувиб қайтарди. Энди бундай бўрибосарларни тушда ҳам кўрмайсан, жўра. Кишига меҳрибонлигини айтмайсанми?..

Ҳасратидан чанг чиқаётган Узокнинг кўзлари жикка ёшга тўлди. Гапи бўғзида қолди.

– Уч ой бўлди, – деди анчадан сўнг ўзига келиб, бўғриққан овозда. – Ўғли уйга битта тиррик тўклини ташлаб кетибди. Нега олдинг деб хотинни сўқдим. Хуллас, шундай гаплар, жўра. Бизни қўявер. Очдан ўладиган замон эмас. Ўзингни ишларинг қалай? Камнамосан? Қишлоққа камқатнов бўлиб қолдинг. Бизни ҳамма унутса ҳам сен унутмайсан деб ўйлайман.

Иккимиз ҳам хўрсиндик. Навбатдаги одамлар тўпи келди. Ўрнимиздан туриб ўтирдик. Киши элликдан ўтгач, танасидан эт қочади, чоғи. Узоқнинг иссиқ-совукдан тиришган юз-қўллари, бўртиб чикқан чакка суяклари, чўзилгандек туюладиган ияги, кичрайган елкасида осилиб турган эски костюми, ҳорғин ва тушкун тортиб қолган нигоҳи бир йигитнинг умри ўтганидан далолат берарди. Бекорга умр икки ўттиз демайдилар.

– Тузукман, жўра, – дедим унинг ранги ўчиб кетган шими ва оёқ кийимига разм солиб. – Бир нави юрибман. Менга қара, Узоқ жўра. Бир каттанинг, бир кичикнинг айтганини қил деган гап бор. Чорва хусусида сенга ақл бўла олмайман. Гапимни диққат билан эшит. Ёшинг ҳам олтмишни қоралаб қолди. Туғилганигдаёқ пешонангга фақат чўпонлик қиласан деган муҳр босилмагандир. Илгари замонларда қўлидан бошқа иш келмайдиган касби-кори йўқ кишилар чўпонлик қилишарди. Ҳозир эса чўпонлар бойиб, боласини юрфақда ўқитиб прокурор ёки милиционер қилишнинг пайига тушган. Чўпонлик қочиб кетмайди. Чўпон зотига ҳар доим ва ҳар замон эҳтиёж бўлган. Кечаю кундуз, кишу ёз демай, бола-чакадан олисда, тошдан ёстик, қордан кўрпа қилиб чўлиқлик қилгандан кўра, раҳматли отангдан қолган ўша зотдор бўрибосарларни кўпайтирсанг бўлмайдими? Ахир, бу ҳам меҳнат-ку! Ҳар қандай ҳалол меҳнатнинг айби йўқ. Чўпонман деганга бир неча қўйчивон ит керак...

– Э-э, жўра! Хаёлинг жойидами? Энди келиб-келиб ит боқиб, сотаманми? Одамлар нима дейди? – гапимни бўлди Узоқ хайратдан кўзлари ола-қула бўлиб.

– Ўғрилиқ, ғарлик қилсанг одамлар бир нима дейди. Бо-

рингда кўролмаган, йўғингда беролмаганлар билан нима ишинг бор? Отангдан ўнта бўлсанг, оилангда ёлғизсан дейдилар. Ҳамма ўзи билан ўзи овора. Ит сотасанми, бит сотасанми, кимнинг нима иши бор?..

– Нега бўлмаса итни сўраган ҳам, бермаган ҳам ит дейишади? – оғзимга қараб ағрайди Узоқ, яна гапимни бўлиб.

– Сўзимни сўнгига қадар тингла, оғайни. Тўғри, шундай накл бор. Итинг зотсиз, лайчасифат бўлса ялиниб-ёлворсангда, устига пул қўшиб берсанг-да, биров олмайди. Катта шаҳарларда дайди итларни қўярга жой топилмайди. Лондону Москвада эса бир донаси юз минг доллар турадиган итлар, бир миллионлик отлар бор. Хўш, шуларни боқиб етиштирганлар сен билан мenden аҳмоқми?..

Узоқ ўйга толганча жимиб колди. Тушдан кейин ҳам келган-кетганни қаршилаб анча ўтирдик. Тенгдошлар эртаси куни эрталаб яна Мамарасулникига келиб, шу ерда хайрлашадиган бўлдик.

Яна дўстимизнинг бош эгасиз колган уйида йиғилдик. Орамиздан чиққан ягона имом мулла Тоштемир Куръон тиловат қилди. Негадир Узоқ чўпон билан Бозорвой кўринмас эди.

– Узоқ Тоғвой чўпоннинг отаридаги итини олиб келгани Ғаллакonga кетибди, – деди Саид муаллим. – Бозорвойни хоким Амиркул Соатов бозор-ўчар қилиб кегани Самарқандга юборибди. Районга нозик меҳмонлар келаркан...

III

Ўсмадан чиқиб, Девқўрғонга етганда тўхтадим. Қаровсиз боғ ўртасидаги тепаликка кўтарилдим. Йўлнинг икки четидаги бодомзорлар оша кузда шудгор қилинмай қолган ўн ва сўлдаги ангорларга тикиларканман, худди шундай, илк баҳорни эслатувчи армонли куз кунларининг бирида даданинг эски “Москвич”ида иккимиз Ўсмагга келганимизни эсладим. Тошкенту Самарқандда ишлаб юрганим боис бундай, суҳбат учун кулай дамлар кам бўларди. Ҳаётимда ҳақиқий маънода меҳр-мухаббатли икки кишини кўрдим. Бириси

Шахзода энам бўлсалар, иккинчиси дадам эдилар. У кишининг сўзлари беихтиёр қулоқларим остида жаранглайди.

– Бу жойларнинг ўр-қирини яхши биламан. Бу йил ер ҳайдалмай, нафас ололмай қолибди-да, – дедилар дадам ялангоёк болаликлари кечган, урушдан сўнг опам билан бирга ўрок ўриб, машок терган далаларга армон ва алам билан термилиб.

Сўнгра Девқўрғонда тўхтадик. Дадам олдинда, мен орқанда тепаликка чиқдик. Дадам Ғаллакон даштлари, Туятортар даралари ва Сойбўйи соҳиллари томон тикилиб тўймас, йиғламасалар-да, кўзларидан милтиллаб ёш оқарди.

– Чала бойнинг чала уйқуси келмайди, тоза бойнинг тоза уйқуси келмайди. Ҳай-хай, камбағалнинг ётса тургиси келмайди, – дедилар йиғига ўхшаш овозда. – Одам боласининг боши тошга тегиб, астойдил зорикмагунча чин юракдан бир ишга кўл урмайди. Тирикчиликни тиррикчилик билиб юраверди. Оёғимиз остидаги ер шунчаки шудгор эмас, бу ризқ-рўз, эл-юрт дегани. Сени учоворага кўшган эл, етти пуштинг хоки ётган ердан узоклашма. Оғочидан айрилган шохнинг қисмати шамолнинг ихтиёрида бўлади...

Сибир сурғунидан қайтар экан, козок даштларида сувсиз қолиб, ичи куйиб кетган, эски кўрпа парчаси ва ранги ўчиб кетган шолчани устига кийим ўрнида ўраб, ип билан чашиб олган, бир ахволда қишлоққа қайтган бобом мулла Қобул ҳам худди шу Девқўрғонга тўхтаб дам олганлар. Бир амаллаб қишлоққа етиб келгач, Ойқорнинг музидан келтириб, кўкрагига қўйганича, муз солинган сув ичиб, тўккиз кун яшганлар. Шодмон ўрис бошчилигидаги тўрт киши тонг сахарда бобомни олиб кетганларида тирик етим қолган уч бола отаси орқасидан зор йиғлаб Девқўрғонга қадар эргашиб келган...

Дадам оталари ҳақида сўзлай олмас эдилар. Бу ҳақда гап очишлари билан кўзлари жикка ёшга тўлиб, сўзлари бўғзида туриб қолар, кўз ёшларини артганча, ғилт-ғилт ютинардилар. Отам оталарини қалбларига қўмган эдилар...

Кечмишнинг оғир ва қайғули хотирасини елкалаганча Девқўрғонга чиқаман. Боболарим ва отам тикилган сайхонликларга, кир-адирларга соғинч ва армон билан термиламан.

Девкўрғондан тўрт тараф кафтдек кўзга ташланади. За-
рафшондан ажралиб Сангзорга куйиладиган Туятортар ирмо-
фининг кун ботишида кўпчиб ётган Тайпоксой далалари.
Этакда бугдойи белга урадиган Ғаллакон адирлари. Ҳаётнинг
ўткинчи ва давомийлигини таъкидлагандек Сангзор буралиб
оқади.

Кунчикишда олисдан қора тасма каби Ғаллаконни Ўсма-
т билан боғлайдиган йўл кўзга ташланади. Йўл бошида бир
уловли киши Ўсма т томон келарди. Эгасининг атрофида гир
айланиб ўйнаб чопаётган ит тепаликларга отилиб чиқар ва
сакраганча қайтиб тушар эди.

Бу кадрдон кўринишга тикилганча узоқ ўтирдим. Кўз ол-
димизда жонланган бу манзара болалигимда қалбим ва хоти-
рамда чизилган сурат эди.

Итини эргаштириб Ойқор томон кетаётган киши эса кеча
хасратидан чанг чиққан жўрам Узоқ чўпон эди. Кечагина
кўриб дардлашган бўлсам-да, уни соғиниб қолибман. Ёнига
учиб бориб бағримга босиб кучоклагим, адирларни тўлдириб,
ўкириб йиғлагим келарди.

Ҳаво очик. Шафақ рангига кирган боғлар япроқларини
тўкиб, истироҳатга ҳозирлик кўрар, қуёш илмилиқ нурлари-
ни ер томон зўрға узатаётгандек. Янги қор тушган Ойқор қоя-
лари ҳам ўраниб уйқуга ҳозирланган айиқдек ҳорғин узан-
ган. Чўкқиларни сийпалаб, турли шаклларга кирган булутлар
кунчикиш томон эринибгина сузар, барқут арчазорларини
бағрига босган тоғ водийга ғамгин боқарди.

Борликни оғушига олган куз қаҳратон киш келишидан
беҳабардек заминни илк баҳор рангига бўяр, жануб томон
учмоққа кечиккан турналар арқони курейлашганча иссиқ
ўлкалар сари канот қокишарди.

Дастлаб қалдирғочлар, сўнгра лайлақлар, ниҳоят, турна-
лар ёзлик манзилларини тарк этадилар. Улар ўрнини қишдан
дарак бериб, чуғурчик, майна ва қарғалар эгаллайди.

Куз шамоли олиб келган дилни китикловчи сариқ бўй
кўклам нафасига ўхшарди...



Киш ичи кишлокка ўтолмадим. Наврўзда борганимда одатдагидек кишлок айланиб, Узоқ жўранинг уйига бош сукдим. Бир кўйлак хотини Бувинор биздан икки синф пастда ўқирди. Ташрифимдан суюнгани боис ўтқазарга жой тополмай қолди. Партибийрон бўлиб чой дамлади. Ўрмакда тўкиган антика дастурхонга тегирмон унидан қилинган, энди тандирдан узилган, болаликнинг кадрдон хиди анкиб турган тўртта нон қўйди. Қанд-курс олиб чиқди. Ҳол-аҳвол сўрашгач, ҳисобот бергандек сўз бошлади.

– Тоғвой чўпон келиб жўрангизни кўярда-қўймай яна олиб кетди. Ишда шундай паст-баланд гаплар бўлади-да, жўра, биздан ўтган бўлса кечир деди. Ўзиям сиқилиб кетганди, бечора. Тўртта қўйни ҳайдаса-ҳайдамаса ҳар куни Ўртақирга бир чиқиб келади. Токқа қараб дамсар уриб, кўзи ёшовлайди. Оқтўшни болаларига ўғилларинг қараса ҳам бўлар. Мени ишим эмас экан дейди. Икки кун бурун эски ҳоким Апсамат Бўтаюп ҳам келувди. Икки отар суруви бор экан. Бир сурувни олсин деб кетди. Жўрангизнинг талабгори кўпайиб қолди...

Бувинор билан болалигимизни эслаб, анча суҳбатлашиб ўтирдик. Эртаси куни уста Ҳамза тиккан тоштовонини судраб, елвагай тўни ҳилпиллаб, ҳаллослаганча Узоқ жўранинг ўзи етиб келди. Нигора келиннинг кулчатоийини еб, гурунглашдик.

Чўпонлар алаҳсиб, отарлар қўшилиб кетганда сурувдаги минг чоғли қўю кўзини бирорта тўқлию улокни ҳам адаштирамай ажратадиган Узоқ дадамдан қолган ўттизта қўйни бир у чакана, бир бу чакана отарга қўшиб, боши қотиб юрган тоғбеги укам Собирга чўпон танлаш борасида астойдил маслаҳат берарди.

– Чўпон деган қийбосқоқ билан қорбосқоқдан эҳтиёт бўлмаса ишини мазаси бўлмайди. Қийбосқоқда кўзи онасининг ичида ириб, иссиқда пишиб қолади. Бола ташлайди. Биласанку, кўтонди эски чалмаси кўмирдан зўр бўлади. Сурувди кўтону кўрадан ташқарида ётоқлатганда ҳам қий тўпланиб қоладиган



чукуррок жойга эмас, ёнарок, шамолгаза жойга ёткизиш керак. Ёнада қий турмайди. Қўйди қийдан қувурлардан келадиган газдек зўр газ чиқади. Қўзини жинжак қилаверади. Қорбоскокда қўй кўр бўлади. Совлиғу қўзисидан ажралиб, сўйишдан бошка иложинг қолмайди. Қалин қорда қуёш чараклаб турганида қўйлар юролмай қўзи қамашиб хайкалдек қотиб туриб қолади. Қўзини қор олиб қўяди. Қўй боқишди ўзи бўлмайди, ука. Чўпонди ёстиғи тош, кўрпаси қордан бўганда, бири икки бўлади. Чорвани билганга беру тепасида ўзинг тур. Бўлмаса ўз-ўзидан йўқ бўлиб кетади. Ёмон чўпон бўридан беш баттар бўлади. Жондор кучи етганини, чўпон жонивор эса танлаб ейди. Чўпоннинг қўйи юзга етгунча, териси мингга етади. Чорва бир синса, қирк йилда ўзига келади...

– Ака, сиз айтганингиз ўтган замонларда қолиб кетган. Ҳозирги бойлар керак бўлса бир кунда сурувини мингга етказади, – Узоқ чўпоннинг гапини тўғрилаган бўлади Собир тоғбеги. – Сиз нима деб юрибсиз.

– Бу гапингиз ҳам тўғри, укам Собиржон. Энди сиз ўқигансиз-да, биздан кўп биласиз. Ман сизга яна бир гапди айттай. Ёшингди оширу молингди ёшир дегандай, қўйингизни сонини ҳеч кимга айтманг. Баракаси қочади. Энди, Собиржон укам, бу ёз бизди сурувга Ойқорнинг яхши еридан белат олиб берасиз-да. Кўккўтонни кўзлаб юргандим, элдан бурун Борзорвой эгаллабди...

Сухбат қизигандан қизиб, тонгга қадар давом этди...

Нодир
НОРМАТОВ

(1950 йилда туғилган)



ЗАҲАРМУҲРА

I

Барчин момо урчукни айлантиришдан тўхтади, каршисига келиб ўтирган ўғлига қошини бир чимириб қараб қўйди. Титилган жунни олиб, тиззасидаги бўхчасига солабошлади. Қўллари билинар-билинемас қалтиради. Жонмуроднинг бунга кўзи тушди, энди аниқ сизди – ҳозир онаси каттик бир гап айтади. Секин силжиб, ўрнидан туришга шайланди.

– Валасипедни кўчада қолдирган эдим, – деди онасига. – Ман ҳозир келаман.

– Ўтир жойингга, – деди онаси ўқрайиб. – Қишлоқда вала-сипедга ўғри тушадиган замон бўлгани йўқ.

– Нима гап, тинчликми, она?

– Тинчлик эмас.

– Гапиринг бўлмаса. Шошиб турибман ўзи.

– Сан қандай ўғил бўлдинг, билмайман. На уй билан ишинг бор, на кўча билан.

– Уй билан сиз, келинингиз шуғуллангани етмайдами, она? Кўча иши бўлса, айтинг. Қўлимдан келганча, бажариб келай.

Она қаддини кўтарди, катта, шахло кўзлари ғазабдан ёниб турар эди. Жонмурод онасини бундай ҳолда камдан-кам кўрган.

Барчин момонинг гавдаси лойсупадан бир қарич кўтарилди, яна ўтирди, тагидаги гиламни муштлади.

– Белинга белбоғинг борми ўзи, бала? – у яна ер муштлади. – Отанг ҳақида Асқар тоғчи нималар деб юрибди, эшитдингми?

Жонмурад бу гапни эшитган эди. Бир ҳафта бурун онасининг ўзи айтган. Гапни қаранглар. Унинг отаси гўридан йўқолган эмиш. Ер чиқариб ташлаган эмиш. Бўлмаган гап. “Эй она, бари бўлмағур, бекорчи гап”, деб жавоб қилган эди.

– Ҳеч нарса демайсан-а. Отангни арвоҳи чиркилласа, майли экан-да. А?

– Э, она, қўйинг шу гапни. Одамларимиз ўзи шундай, ҳар икки гапида бир ёлғонни кўшмаса, онаси талоқ.

– Бу гапни манам биламан. Аммо бу гапни шерободлик Карим-ғилдирак айтган. Ўша отангни қабрини қовлаган экан, – деди онаси. Бу гал мунғайиб, эзилиброқ гапирди. – Бил, бор, топ ўша одамни. Ўз оғзидан эшитай-чи.

Жонмурад бош силкитди. Она кўз ёш тўқди, икки томчиси шундайгина дастурхонга, янги узилган садарайхон устига тушди. Садарайхон онасининг ёнидан сира аримайди. Ҳатто қишда ҳам уни қуришиб, ошқўк қилади, хидлаб ўтиради, таомига солади. Жонмурад садарайхонга қўл чўзди.

– Тегма унга, – деди онаси. – Мастава учун алоҳида тўғраб қўйибман. Ошхонада турибди.

Жонмурад садарайхонни таом учун эмас, онасининг кўзёши тўқилгани учун олмоқчи, лойсупа ёнбошига – ям-яшил кўкат ўсган ерга улоқтирмоқчи эди.

Она дастурхондан садарайхонни авайлабгина олди, бошидаги оқ дока рўмолини кўтарди-да, уни қулоғи орқасига кистирди.

– Мастава иссиқ турибди. Сузиб келай.

– Қорним тўқ, она, – деди Жонмурад.

– Алдама. Кўзинг айтиб турибди, очсан.

– Ҳозир сой бўйида кўча оши тайёр бўлган экан. Шунга бориб келаман.



- Сени чакиришганми унга?
- Йўқ.
- Чакиришмайдиам.
- Элга текин таркатилади-ку. Айтишларига нима ҳожат?
- Ундай ошга эл хизматини киладиганлар боради.
- Текин бўлса, ётиб е, деганлар, – деди Жонмурод.
- Бу анави Кўлдошни гапи-да. Шундайми?
- Нима, бир нима гапирсам, дарров Кўлдошни гапи дейсиз?

– Мен ҳеч кимни қарғамайман. Аммо ўша итхўрни худо жазосини берсин.

– Она, биров билан нима ишингиз бор? А, тинчгина юрмайсизми?

– Нимага ишим йўқ? Ахир, сен ҳам ўшанга ҳамтовоқсан.

– Ҳамсоя бўлгандан кейин, бориш-келиш килади-да одам.

Мен тенги бўлса у...

– Қайси гўрдан ҳам қишлоққа кўчиб келди ўша итхўр.

– Она, унинг астмаси бор. Ит гўшти, ёғи шу дардга даво экан.

– Унинг дастидан қишлоқда семиз кучук қолмади. Барини ўғирлаб, сўйиб еди.

– Қўлга тушган ўғри, она. Бу гапни бир айтдингиз, бошқа оғзингизга олманг. Эшитса, хапа бўлади.

– Шу кўчиб келгандан буён ит, энди товук, кўзи йўқоладиган бўлди.

– Кўпчилик унинг уйини текшириб кетди. Участковой ҳам униқидан бирор улгу тополмади. Демак, ўғри эмас экан-да.

– Тарафини олма уни. Қадимгилар “Ҳамроҳинг гўнқарга бўлса, еганинг гўнг бўлади”, деб бекорга айтишмаган.

Она Жонмуродга синчковлик билан қараб турди. Жонмурод ичидан зил кетди. Наҳотки, онаси шу ишда ундан шубҳаланаётган бўлса. Ахир, семиз итларнинг кимда борлигининг хабарчиси Жонмурод-да. Кейинги пайтларда семиз итлар жуда кам бўлганлиги учун энди товук-хўроз, икки ёшдан ошмаган кўй-кўзига ўтилди. “Қатта молга қўл чўзманглар, унда



дархол кўлга тушамиз”, – деди Қўлдош. Бу ўлжаларни кўлга туширишда Жонмурад катнашмайди, фақат хабаркаш. Унинг касби ҳовлима-ховли юриб, мол олиб, семиртириб, Денов бозорида сотиш. Кимнинг ҳовлисида нимаси борлигини билиши шундан. Қўлга тушган ўлжалар Қўлдошниқида, ёзу баҳор пайтлари кир-адирларда, фақат кечалари киши билмас давра қилиниб, тандирқабобми, ковормами қилинади. Жонмурад ичишни ҳам, итхўрликни ҳам ўша даврада ўрганди. “Сен нега ит гўштидан ўзингни тортасан, Жонмурад? – деб устидан кулганди Қўлдош. – Ахир, бу деликатес-ку. Тошкентга борсанг, корейс ошхоналарида энг тансиқ таом шул. Минг бир дардга даво бу”. “Мени касалим йўқ”, деганди Жонмурад. Кейинчалик, вақт ўтиб, шаробхўрлик чоғида ит гўштидан бирикки бўлак еб кўрди. Оғзига ёқди. Шундан сўнг, даврадошларга, онаси айтганидек, ҳамтовоқ бўлиб кетди.

Онаси ҳамон унга тикилиб турарди. Ниҳоят, яна урчуғини олди.

– Ўша жойдан ҳам хабар ол! – деди.

Кейин бурилиб, тоғлар томон қаради. Гўё бу ердан мазористон кўринадигандек, бир зум ўша ёққа тикилиб турди. Онаси айтаётган бу кичкина қабристон аслида ўша тоғ қиялигида жойлашган. Бундан икки йил муқаддам у ерда катта, жуда ҳам катта бир сув омбори қуриладиган бўлди.

Жонмурад бу пайтда Россияда эди, ишлашга кетган эди. Уйда эса онасию хотини қолганди. Сув омбори мутасаддилари шаҳардан ишчи ёллашиб, қабрларни қаздирибди, вертолётда тепага – катта қабристонга кўчиртирганмиш. Ана ўша қабрларни қайта казиш чоғида Жонмураднинг отаси ўз қабридан топилмаган эмиш. Гап кўп: Регардан, Аллюмин заводи ёнидан келин бўлиб тушган, икки йил бурун ўлган ёш жувон эса қандай кўмилган бўлса, шундай сулув турган эмиш. Юзлари олмадай таранг эмиш. Жонмурад бу гапларни Чори деган одамдан эшитган эди. У одам сув омборида қоровул.

– Сиз хотиржам бўлинг, она. Бу гапни шундай қолдирмайман. Тагига етаман.



Нимагадир овози ўзиникига ўхшамаганроқ бўлиб чикди.

Кўчага чиққанида бироз карахт эди, сой бўйига тушиб, ёрма ошдан тўйиб еган эди, тетик бўлиб колди. Аммо, хаёлидан фақат ўша қабрларни қазишда қатнашган киши – Карим-ғилдиракни топиш қайғуси сира кетмасди. Ахийри, тушдан сўнг, Карим-ғилдиракни излаб, туман марказига тушди. Жонмурод Карим-ғилдиракнинг уйини-ку осонгина топди. Аммо ўзини топиш амри маҳол бўлди. Карим-ғилдирак деганларини туманда кўпчилик билар экан. Унинг иши гўрковлик – икки тоғ орасида қаерда эски сағаналар бор, уларни топиш, қабр қазишу кавлаш, кўмишга жойлаш каби ишларни бажариб юрар экан. Айниқса, археологлар унинг хизматига кўп талабгор эмиш.

Излаб-излаб, Карим-ғилдиракнинг маҳалласини топиб борди. Ҳовли эшигини эринибгина, энсаси қотиброқ очган аёл – Карим-ғилдиракнинг хотини: “Э, у ер ютгурни кидириб овора бўлманг, қайсидир бирортаси яна арақ бериб, дабдиратиб юргандир-да”, деб ҳафсаласини пир қилди. Жонмурод нима қиларини билмади. Қайтиб кетай деса йўл узок, қайтмай деса, бу ерда бирорта таниши ҳам йўқ. Жонмурод Карим-ғилдиракнинг кўчасида узок пайтгача дайдиб юрди. Ҳамон иккиланарди: кутсинми уни ёки йўқми?

Жонмурод бир нарсага хайрон: онасига нима керак экан шундай гаплар. Ўлган ўлиб кетди, ўлиги унга нима учун керак, хайронсан киши. Нима, отаси гўрдан чиқиб, қочиб қаерга ҳам борарди. Йўқ, онаси бу пуч гапнинг тагига етмагунича қўймайди... Отаси – Ҳаққулбахши табиатан ювош, кулиб юрувчи, овози соз, кўнгли кенг бир одам эди. Ёшини яшаб нақ саксонни урган пайтда, тўсатдан ўша кичик қабристон ёнида мол боқиб юрганда ўлди. Жонмурод ўшанда, Приморск ўлкасида, аскарликда эди. Уни кўмишга етиб келолмаган.

Зарбандда бирон кишининг куни битиб, қазо қилгудек бўлса, албатта, марҳумнинг яқин эркак қавм-қариндошлари қабр қазиб, кўмишади. Агар ҳеч кими йўқ ғариб бўлса, унда савобини оладиган тўрт-беш киши бу ишни бажо қилишади. Отасининг қабрини эса у йўғида Зафар тоғаси билан амаки-

жияни бирга кавлаган. Зафар тоға (унияма худо раҳмат қилсин) айтган эдики, отангнинг гўри чуқур, хўб мустаҳкам, уни одам тугул, эксковатор ҳам бузиши даргумон.

Карим-ғилдирак ўша куни ҳам, эртасига ҳам уйига келмади. “Лаънати пиёниста”, деб сўқди уни ичида. У икки кун бозоржойдаги чорбозорчилар билан тирбанд меҳмонхонада, омонат қоплар устида амал-тақал қилиб ётиб турди.

Масалани ҳал қилмаса, онаси унга тинчлик бермайди. Қишлоқда эса бу миш-миш яна авжига чиққан. Уйда ҳам, кўчада ҳам шу гап. Энди шу гапнинг рости ёлғонлигини исбот қилиб бериши керак. Бунинг учун Карим-ғилдирак гувоҳликка ўтиши, у қишлоққа келиб, тахминан шундай дейиши керак: “Одамлар, Ҳаққулбахшининг гўрдан йўқолганлиги ёлғон. Мен уни ўз кўзим билан кўрганман. Жойида. Қандай ётган бўлса, шундай ётибди. Ҳаққулбахшини гўрдан ғойиб бўлди деганлар ...ни ебди”.

Бу гап ҳаммадан ҳам кўра, унинг онасига керак. Жонмурод шунинг учун Карим-ғилдиракни топиб, тўғри онасининг олдига бошлаб боради. Ана шу сўзларни айттирадию кейин онасининг кўнгли жойига тушади. Кеч оқшом яна унинг уйига борди. Карим-ғилдирак кейинги ҳафта келишини хабар қилибди. “Бор-э, бир алкашни кутиб юраманми? Онаминг гапига ишониб келган мен аҳмоқ ўзи”.

Эртаси куни онасига юзма-юз бўлди.

– Кўрдим, ҳаммаси ёлғон экан, – деди.

– Йўқ, – деди Барчин хола. – Сен жувонмарг, ўша одамни кутмагансан, топмагансан. Кўзларимга тик қараб алдадинг, сен бала...

Ё, ажабо, онаси қаердан билди экан унинг ёлғон гапирганини.

– Барибир ўша одам уйга келиб, ўзимга айтмагунча ишонмайман.

– Хўп, топаман, – деди Жонмурод онасининг кўнгли учун.

Лекин у Карим-ғилдиракни бошқа қайтиб изламади. Кунлар, ойлар ўтди. Ўша миш-миш гаплар одамлар орасида ҳа-

нуз айланиб юрар, онаси эса борган сари ғами ортиб, тунларни мижжа кокмай ўтказарди. Она энди кундан-кун чўпдай озиб, беҳол бўла бошлади. Уни майда миш-миш гаплар енгдими ё жигари оғриганиданми, ишқилиб, кунларнинг бирида тўсатдан вафот этди. Жонмуроднинг бундан ичи куйган бўлса ҳам, бир томондан қулоғи тинчиганини ҳис қилди. Онани кабристонга кўмиб қайтгач, ўкраб-ўксиб бир йиғладики, хотини хангу манг бўлиб қолди. Кеч окшом унинг бошини тиззасига олиб, сочини силаб, юпатиб, меҳр кўрғазган бўлди.

– Отамнинг қабри бўлганида, онамни ёнма-ён қўйдирардим. Ох, отамаа, отам, – деб йиғлади у.

– Отангизни майити кўпчилик билан бирга, катта сағанага кўмилган, – деди хотини.

– Биладан, хотин, аммо онам ишонмай кетди. Ўғил бўлиб, унинг кўнглини топа олмадим, хотинжон, – деб яна изиллаб йиғлади у.

Шундан сўнг Жонмурод яна тирикчилик ғами билан овора бўлиб кетди.

Мол боқади, ўт ўради, экади-тикади. Ойда-йилда шаҳарга ё тушади, ё тушмайди. Қишлоқ атрофидан катта шаҳарга элтувчи йўл ўтган. Ана шу ердан ўтадиган йўловчиларга бир амаллаб қўй сотади, мол сотади, пул йиғади. Болалар ҳам катта бўлишди, ҳар томонларга қушдай учиб кетишди. Кунлар эса ўтаверди. Аввалгидек улфатчилик ҳам йўқ. Қўлдош эса, онаси айтганидек, худо жазосини бердими, қайси бир жар тагида ўлиб қолибди. Ўлигини бир хафтадан кейин топишди.

II

Жонмурод йиллар ўтганини кўзлари хиралашиб бораётганда сезиб қолди. Ё, ажабо, у кундуз куни кўзлари хира тортиб, кечаси эса хийла тузук кўрар эди. Хотини унинг қора чироқнинг хира ёруғида пул санашини кўриб, “Бу одамнинг гапи ичида. Ҳеч бир замонда кўз деганлари кундузи кўролмамай, кечаси яхши кўрарканми? Бу одамнинг бари иши найранг”, деб қўярди. Жонмурод хотинининг гапига қулиб қўяқолар,

аммо ич-ичдан “Шошма ҳали, ҳаммангни тумшуғингни ерга ишқалайман”, дерди. Унинг ичида, хотини тусми-таваккал айтганидек, гапи кўп эди. Гарчи у кайфу сафони яхши кўрса ҳам, текинени излаб юрар, қайсики моли мардумхўр бирор ис чиқарса, тўй-зиёфат уюштира, искаб топиб борар, ўзидан сарф қилиш йўқ эди. Кўчаларда ночоргина кийиниб юрар, хотинига эса қимматбаҳо либослар олиб бермаса ҳам, тилла такинчоқларига пул аямас, “Нима бўлганда ҳам бу мол либос каби ейилиб кетмайди, кадри борган сари ошади, исиз йўқолиб кетмайди, бирор нарсага мухтож бўлсак, сотиб, ўрнига неки бўлса, олаберамиз”, деб ҳисоб-китоб қиларди. Айтган, мўлжаллаган кунлар ҳам келди – у Тошкентга тушиб, Сирғали бозоридан биратўла учта “Нексия” олиб келди, кира ишлашга ижарага берди. Шунда нафақат бутун қишлоқ аҳли, ҳатто хотинининг ҳам оғзи очилиб қолди. У одамлар юзидаги ана шу ҳайратни кўриб, роса роҳатланди. Бу унга тоғдай куч берганини, қадди баланд кўтарилганини сезди. “Бахши бовадан тилло қолган экан, шуни топиб олган бу хасис”, деган гаплар ҳам тарқалди. Бунга жавобан Жонмурад кулиб кўя қолди. Лекин у, кези келганда, пул кетмасин деб туманда маъданли сув олиш ўрнига водопроводдан қондирганлигини неки имкон туғилса, бир тийин сарф этмай, қорниниям тўйғазиб, олисдан келадиган ёрдам ҳисобидан уст-бошини текин бутлаб юрганларини эсидан чиқаргани йўқ эди.

Кунларнинг бирида мол сотгани Денов бозорига тушди. Тонг саҳарданоқ мол сотиш билан овора бўлди. Ҳали молини сотиб улгургани йўқ ҳам эдики, дафъатан, ўзидан ўн кадам нарида... отасини кўриб қолди. Кўзларига ишонмади. Кўзларини очиб-юмиб қаради, қисиб, пирпиратиб яна қаради. Бошида кўк салла, эгнида оқ яктак, ўша бекасам тўн, қўлини орқасига қилган ҳолда ким биландир кулиб гаплашди-да, ўнгғарилиб чапга қараб кетди. “Ё тавба, ё қудратингдан, нахотки шу отам?!” Ҳа, ҳа, отаси, товуши ҳам ўша. “Ота!” деб орқасидан югурмокчи бўлди. Афсус, бир қўлида қўй тизгини. Ипни қўйворса, семиз, яхши боқилган қўчқори қочиб кетади.



Қўйвормай деса, бу ёқда отаси кетиб қолади. Отасиз қолгани тузук эмас-ку. Бу гап чикора? Отаси ўлган, ахир, отаси йўк. Молни бировга арзонга эса ташлаб кетишга кўзи қиймади. У ўша кун молларни сотишга улгурмади. Тўғрироғи, омади юришмади.

Кеч оқшом тунаш учун аввалдан таниш бир кишининг ҳовлисига қайтди, кечаси билан ўйланиб ётди, ўйлаб ўйига ета олмади, бу сирни еча олмади... Тонгда яна бозор бошланганда, барини унутди. Тушга якин қўйнинг барини сотиб, шаҳардаги гавжум чойхонага кирди. Энди бир пиёла чой хўплаган ҳам эдики, шундоққина ёнгинасидан ўша синик табассуми билан яна отаси ўтиб кетди. Унга ҳатто қайрилиб ҳам карамади. Жонмурод ирғиб ўрнидан турди. “Ё Оллох, бу – бариси қудратингдан, – деб ўйлади у. – Ё кўзимга шундай кўринаяптими?!” Қўлидаги чойи тиззасига тўкилди. “Ота!!!” деб кичкирди, негадир овози чикмади. Орқасидан чопди, аммо тиззалари қалтираб, беш-ўн қадам юрмай бор бўйи билан бетон арикқа йиқилди.

У кўзларини касалхонада очди.

– Ота, – деб ингради у.

– Болам, – кимдир ёкимли садо берди.

– Ота, сизмисиз?

– Ҳа, менман бу, ўғлим.

– Ахир, сиз ўлган эдингиз-ку?

– Йўк, болам, мен тирикман.

– Менинг отам... Сиз тирикми?

– Ҳа, отанг тирик, – деди ёнидаги кимдир.

– Отам тирик бўлса, нега шу кунга қадар менга хабарини беришмади?

– Мен ўлган эмас эдим, – деди ўша киши.

Жонмурод узоқ жимиб колди. У кўзларини катта очди, отасини кўрмокчи эди. Кўзлари хира тортган, ҳеч кимни кўролмади. Фақатгина кўз олдида оқ-қўк шуълаларгина жи-мирлаб, ўйнаб турарди. Жонмурод шу алфозда ётар, туну кунни одамларнинг ғовуридан ё тинчиб қолишидан фарқлар эди.

– Бечоранинг кўзи кўрмас эканми-ей...

– Бунинг устига оёғи синибди, денг, – деди кимдир ёнидаги иккинчисига.

– Одамзод ҳеч қачон кўздан, оёқдан қолмасин экан, – деди тагин бирови.

У бунга эътибор бермади. Фикри-ёди отасида эди. Яна хонадагилар жимиб қолишди.

– Отам кетдими? – деб сўради Жонмурад бир маҳал ён-веридогилардан.

– Ҳозиргина чиқиб кетдилар, – деди кимдир.

– Қани, юринг, биз ҳам тоза ҳавога чиқайлик, – деди иккинчиси кимгадир. Жонмурад тез орада уларнинг қадам товушларини эшитди. У хонада ёлғиз ўзи қолди. Аммо кўп ўтмай, яна қадам товушларини эшитди. Бу қадам товушлари унга жуда таниш эди. Отасининг юришига ўхшайди. Ҳа, отаси келяпти, шекилли.

– Ота! – деди у.

– Ҳа, ўғлим.

– Бу сизмисиз?

– Ҳа, хонадагилар қани?

– Тоза ҳавога айлангани чиқишди. Ота, демак, чин экан-да ўлмаганлигингиз?

– Мана, кўриб турибсан-ку, болам, ўлганим йўқ.

– Қандай қилиб?

Отаси унинг назарида кулгандай бўлди.

– Болам, дамингни ол. Эҳтимол, сенга чой керакдир.

– Ота.

– Ҳа, ўғлим?

– Онам сизни кўрмади-да. Сизни кута-кута ўлиб кетди, – деди Жонмурад нима деярини билмай.

– Биз ҳаммамиз ҳам ўламиз, – деди отаси.

“Ҳа, ҳаммамиз ўламиз”, деди Жонмурад ичида.

У энди бир нарсани хоҳларди: отасига ёқадиган, уни қувонтирадиган бирон-бир яхши сўз айтиш. Аммо тилига тузукрок бир гап келмасди.

“Отажон, мен сизни яхши кўраман”, – деди ниҳоят. Аммо у негадир сассиз айтилди, лаблари кимирлади-ю, товуши чикмади.

“Сиз юрагимнинг тўридасиз, ҳар доим эсимда турасиз. Сизни ёд этиб, хатми Куръон қилиб турамиз”, – деб шивирлади у. Аммо... бу сўзлар гумбурлаб чикди оғзидан. “Ахир бу гаплар пуч ёлғон-ку, – деб ўйлади у. – Отамни кечаги кунгача эслаганим йўқ-ку”.

Отаси бу гапга негадир жавоб қайтармади.

– Ота, сиз қаерда яшаб юрибсиз? – сўради Жонмурод.

– Қаерда бўларди, шу ерда, бозор ёнида.

– Ким билан яшайсиз?

– Ким билан бўларди, кампирим билан.

– Сиз... сиз ҳали уйланганмисиз?

– Албатта, – деди отаси. – Уйланмаса бўладими, ўғлим?

– Ҳа, ҳа, онам ўлиб кетган-да, – хўрсинди Жонмурод. –

Нега шу пайтгача уйга келмадингиз?

– Мен сени энди кўргани келдим, ўғлим, – деди отаси.

– Ҳа, тўғри қилгансиз, – деди Жонмурод. – Энди, шундай оғир аҳволга тушганимда, келганингиз яхши бўлди. Ахир, илгари сиз эмас, мен хабарлашим керак эди. Мен сизга карамай қўйдим. Одамлар мени ҳалигача маломат қилишади. “Отанг қандай зўр бахши эди, сен унинг дostonларидан лоақал бир оғиз ҳам билмайсан, садқаи ўғил”, дейишади.

– Дostonларни ҳамма ҳам эслаб туриши керак, ўғлим.

– Сиз ҳаммадан кўп билар эдингиз.

– Ҳа, отам ўргатган эди, – деди отаси.

– Лекин сиз менга ўргатмокчи бўлганингизда мен – нодон истамадим.

Отаси жавоб бермади.

– Ростини айтсам, сизни шунча йилдан бери бир мартагина эсладим. У ҳам онамнинг қистови билан. Кечиринг, ота.

– Ҳечқиси йўқ, болам. Энди кеч бўлсаям, эслаяпсан-ку. Бир сен эмас, кўпчилик шундай бўлиб қолган ҳозир. Оталарини унутишган.

– Нега шундай бўлди-а, ота?

– Ўзимиздан ўтгандир, болам, – деди отаси. – Сени урмадик, сўкмадик, ўз холингга қўйиб бердик. Биздай қийналмасин, сўкиш-қарғиш эшитмасин, калтак емасин деб авайладик.

– Сиз мендан кўп ранжигансиз, ота. Эсингиздами, саман отингиз бўлар эди? Сиз қаердадир узоқда қолиб кетганингизда, мен отга қарамай кўйдим, уни харом ўлдирдим.

– Ҳа, отми, бизда от бўлар эди. Лекин сен унутибсан, менинг отим саман эмас, тўриқ от эди.

– Йўқ, саман от эди, – деди Жонмурод.

– Ҳа, майли, саман бўлса, бўла қолсин.

Йўғ-э, нега, у адашди? Ёки отасими? Ахир унинг оти саман эди. Саман от эди. Ўшанда отаси деҳқончилик қилиш учун тоғ тепасига эшак билан чиқиб кетган, ўша ерда хўжаликка қарашли бир парча ерни қўш хўкизда ҳайдаш билан овора эди. Ота-она унга саман отни бериб, ҳар куни уч чақиримча келадиган Анжирлига юборар эди. У ер чимзор, боқувга зўр эди. Лекин зинҳор-базинҳор Захарли деган жойга ўтмагин дейишарди. У ернинг ўти захарли эмиш. Жонмурод ўшанда ўн беш ёшга кирган, отни туппа-тузук удда қилар эди. Лекин ўша кунлар танбаллиги тутди, отни ўзи эмас, Асқар тоғчининг ўғли Сафарбой ўтлатгани олиб кетди. Сафарбой эса отни яхши кўрарди, у билмасдан отни Захарлига олиб борибди. От ўша ерда харом ўлиб қолди. Отаси уни урмади ҳам, сўкмади ҳам. Лекин дoston айта туриб, шу дostonнинг бир четига ўғлини ҳам, саман отини ҳам қистириб ўтди. Жонмурод аниқ эслай олмайди. Лекин отаси ўғлини қарғамаган-у, от номини тутиб, унга нола қилиб “Ох, жонивор, кечиргил, Сени асраб қолмадим, савоб-увол дегани эт-тирнокка баробар”, деб айтган эди.

Отаси ҳозир бу воқеани унинг юзига солмади. Ўша от ўлимию отасининг норози кўз қирини эсласа, Жонмурод сесканиб кетади.

– Ота, сиз нега менга таъна қилмаяпсиз – деди Жонмурод.
– Худо ҳақки, бирор нарса денг, сўкинг, ёмонланг. Ахир, мен энди...



– Нимага таъна қилай, ўғлим. Ўзинг барини биласан-ку.

– Билмаяпман, ота, нимагадир ақлим етмаяпти.

– Унда айтай. Сизлар нимагадир қорин қули бўлиб ўсдинглар. Ёру дўстларнинг, ошна-оғайниларнинг, дўстнинг фарқига бормадинглар. Шу бугун еб-ичсам бўлди, деган ўй-хаёл билан ўсдинглар. – Отаси жим қолди.

– Гапиринг, ота, бу тўғри.

Отаси бошқа гапирмади. Афтидан, у яна қаергадир кетаётгандек бўлди. Қадам товушлари эшитилди.

Эрталаб уйғонганида, яна таниш овоз эшитилди. Отаси ким биландир гаплашаётган эди.

– Ҳали ҳам ўзига келмаяпти. Билмадим, ишқилиб, жони соғ бўлса, бас, – дер эди отаси.

– Мен тирикман, – деди Жонмурод. – Ўлганим йўқ ҳали. Аза очманг.

– Ҳа, ўлмайсан, ўғлим, ўлмайсан ҳали, – деди отаси унга яқин келиб. – Яхши ухлаб турдингми, ўғлим? У яхши ухладими ўзи?

– Ота! – деб чақирди уни. Отаси яқин келди.

– Нима дейсан, ўғлим?

– Нега ёнимга келмайсиз?

– Чарчаганман, ўғлим. Ишим, ташвишим кўп.

– Сизда ташвиш нима қилсин?

– Ҳа, ҳаммада ташвиш доим бор.

– Ота, оқшом келинг. Ўтган кунларни эслар эдик.

– Эслайдиган нарса кам, ўғлим. Қани, айт-чи, эслайдиган нарсаларинг борми? Неччига кирдинг ўзи?

– Сиз ҳали мени неччига кирганимни билмайсизми, ота? Мана, қирк бешдан ошдим-ку.

– Ҳа, сен қаториларнинг кўпчилиги бир-бирига ўхшайди. Биласанми, нима билан? Ҳаётлари билан. Тунов куни сен қатори кўп йигитлардан “эслайдиган нима нарсаларингиз бор”, деб сўрадим. Улар деярли бир хил жавоб қилишди. Қайси санаторийга бориб ичганликлари, қайси хотинлар билан юрганликлари, давлатдан қандай қилиб пул ўғирлаганликларини гаплашишди. Бошқа эслайдиган нарсалари йўқ экан.



– Ота, мен давлатдан пул ўғирлаганим йўқ, мол сотдим, мол қилдим, озроқ чайқовчилик ҳам қилдим. Ичишга келганда, илгарилари дўконлар тўла ароқ эди, арзон эди. Тўйда, у ерда, бу ерда... Бу гапингиз рост, ота. Лекин санаторийга борганим йўқ. Аёллар билан юрганим йўқ дер эдим-у, шу ери сал ногўғри десам ҳам бўлади. Икки-уч марта туманга тушганимда, Қўлдошга қўшилиб бир-икки марта пул бериб, аёлга борганман.

– Болалардан нечта? – деб сўради отаси.

– Тўрт қиз ва бир ўғил. Қизларнинг бари бегона ерларга чикиб кетишган. Уларнинг бу ётишимдан хабарлари йўқ.

– Ўғлинг-чи?

– Ўғлим сал такасалтангроқ бўлиб ўсди. Термизда. Она-сидан эшитибдию чопибди. Яна ўша куннинг ўзида индамай “отам ухлаб ётган экан, безовта қилмай яна”, деб Термизга кетиб қолган эмиш.

– Хотининг-чи?

– Хотиним келиб турибди. Сиз у маҳалда кетиб қолган бўласиз. Чунки у қишлоқдан берига келгунича кеч бўлиб қолади-да. Унга “мен отамни кўрдим” десам, ишонмади, шекилли, алахсираяпти, деган хаёл қилдим, индамай қолди. Сиз бирор марта келингииз келгунча кутиб туrolмайсизми?

Отаси жавоб қилмади.

– Хайр, ўғлим. Ишим кўп эди, – деди у.

Яна унинг оёқ товушлари эшитилди.

Шундан кейин отаси бошка келмади. Жонмурад уни эртасига ҳам, индинига ҳам, ундан кейинига ҳам кутди. Ундан дарак бўлмади.

III

Жонмурад касалхонадан тузалиб чикқанида у ётган палатага кўплар келиб-кетишган, ҳеч ким унинг отасини танимас эди. Жонмураднинг оёғи тузалган бўлса ҳам, кўзи ўша-ўша, хиралигича қолди. Қишлоқда у “мен отамни кўрдим”,



деб, бир даврада гап очди. Аммо гапига ҳеч ким ишонмади. Шундан сўнг у тиним билмади, ўз гапини исбот қилиш учун қайта-қайта туманга тушди. Жонмурад кун бўйи бозор атрофидаги ҳовлилар эшикларини бирма-бир тақиллатиб чикди. “Шу ерда фалончи бобо яшайдими?” деб сўрарди уй эгаларию ўтган-кетганлардан. Ҳеч ким “яшайди” деб айтмади. Нима қиларини билмади. Шундан сўнг отасини эслаб, дала-даштни кезди.. Хотини “Бўлди, бас қилинг. Сизнинг кўзингизга шундай кўрингандир, бирортаси сизга ота бўлиб кўрингандир”, дедиям, гапига кулоқ осмади. У ярим йил “отамни кўрдим” деб, гапириб юрди. Шундан сўнг хотини мулла чақириб, ўқиттириб қўйди. Чилёсин ўқилгандан сўнг, Жонмурад тўсатдан муллага мурожаат қилди: “Мабодо сизда захармухра йўқми?” “Бу нима деганингиз, таксир?” деди у. “Захармухра бу – захарни қайтарувчи дори, – деди у. – Хотинимга берардим. Унинг мияси захарланган. Мени тентакка чиқарган бу. Зора, ўша доридан топилса. Бурунги замонда отам тайёрларди бундай дорини. Энди кўпчилик билмайди уни”. “Йўқ, менам эшитмаганман”, – деди мулла анқайиб. “Бир куни менам захармухра тайёрлашни ўрганаман, – деди Жонмурад. – Отамни кўрсам эди... ундан захармухра сирини сўраб эдим”.

Ҳаёт шу тахлит ўтиб борарди.

Авжи баҳор эди. Жонмурад даштдан терган гиёҳларни ялангликка тўкаётган эди. Катта йўлдан икки киши унга қараб келаберди. Бирини таниди: тоғаси Зафар. Иккинчиси эса ўша, у излаб топа олмаган Карим-ғилдирак экан. Карим-ғилдирак Жонмураднинг ҳол-аҳволини сўраб туриб, шундай деди:

– Мен бир пайтлар Гулдуракда қабрларни кавлаганим тўғри. У ерларнинг хоки-туробларини кўчирганим бор гап. Лекин, менинг одатим шуки, кимнинг қабри обод бўлмаса, қаровсиз қолган бўлса, мен у ерда ҳеч ким йўқ деб ҳисоблайман-да. Ўшанда мен “фалончи гўрда ҳеч ким йўқ эди”, деб айтган бўлсам, айтгандирман... Отангизнинг гўри обод эдими ўзи? Агар обод бўлган бўлса, бу гапни мен айтмагандирман”.

Жонмурад бу саволга жавоб беролмади.



– Бу гиёҳлар газак қилишга зўр экан, ука. Ғилдираб бориб, анави сабилдан опкелмайсизми?

– Бундан дори тайёрлайман, ака.

– Қандай дори экан?

– Заҳармуҳра.

– Балки бизга ҳам керакдир...

– Ҳа, бир сизга эмас, кўпчиликка ҳам керак.

– У қачон тайёр бўлади, ука?

Жонмурад елкасини қисди. Шу кўйи уларга қараб турди. Энди кўзларида нимадир чарсиллаб, учқунлар сачрай бошлади. Одатдаги юрак оғриғи тез ўтмади, ерга қаради, оғрик янаям кучайди. Шунда юзини тоғлар томон бурди. Қулоғи остида кимдир товуш берди. Қайрилиб қаради: ҳеч ким йўқ. Ҳатто тоғаси билан Карим-ғилдирак ҳам кетиб қолибди. Уни кимдир қақиргандай бўларди. Жонмурад яна тоғлар томон тикилди. Мовий тоғларга туташган дашт томондан элас-элас товуш келди. Сесканди. Ахир, бу – отасининг товуши. Вужуди титраб тинглади:

Анал билан Мансурга қурган дормиди,

Тирик айрилган бир кўргани зормиди,

Юр чироғим дейди, мени кўймайди,

Сенда ота, менда ўғил бормиди?

Жонмурадининг кўзларидан ёш қуйилди. Ота айтган кўшиқни беихтиёр давом қилди:

Йиғлаганда ёш ёғилар юзима,

Қулоқ сол, отажон, айтган сўзима,

Кетдинг, сенга бу дунё ўзи тормиди,

Сенда ўғил, менда ота бормиди?

Шунда... шунда унинг юрагидаги оғрик кўйиб юборди. Аммо кўзларидаги ёш ҳали-бери тўхтамайдиганга ўхшарди.





Хуршид ДУСТМУҲАММАД

(1951 йилда туғилган)



ҚИЧҚИРИК

Султон эсини танибдики, ҳар йили ёз кезлари уч ё тўрт бола-бақра, гоҳо кап-катта ёшдаги эркак Қичқирикка ғарк бўлади. Кунлаб, ҳафталаб бутун маҳалла-қўй оёкка калкийди, изиллаб-бизиллаб “қидир ҳо қидир” давом этади, ғарк бўлгувчи ўша куни ё эртаси топилса топилди, топилмаса, орадан беш, етти... ўн кунлар ўтгач, анҳорнинг кунботар томонларида ё беридан, ё наридан шишиб, дўмбира бўлиб кетган жасад сув бетига калкиб чиқади... Тамоман дом-дараксиз кетганлари ҳам бўлган... Ана шундай пайтларда неча кунгача, “Қичқирик кутирибди!”, “Қичқирик қонсирабди!”, “Қичқирикка яқин йўламангле-ер!”га ўхшаш гап-сўзлар кексаю ёшнинг, эркагу аёлнинг оғзидан тушмайди. Бироқ асов ва бетизгин Қичқирик оқимининг шафқатсизликлари ҳаётнинг оддий, осуда ва бир маромдаги оқими оғушида жуда тез унутилади. Колаверса, инсон феълининг ажаб қонуниятларидан бири шундаки, бир бора телба гирдоб қомига тушмаган банда ўзининг ғарк бўлиш эҳтимолидан холи эмаслигини сира тасаввурига сиғдиролмайди. Нашъа қиладиган жойи шундаки, анҳорнинг азал-азалдан мана шундай серғулув феълени бинойидай биладиган кап-катта эсли хушли одамлар ҳам Қичқирик

ўзанини сокин оқар дарёга ўхшатадилар. Бир томони, хамиша анҳорни тўлдириб оқаётган сув юзасининг вазмин ва сокинлиги кўрар кўзни алдаши, чалғитиши, ғафлатда колдириши ҳам эҳтимолдан холи эмас...

Султон оёкяланг оҳистагина сувга тушиб, бир-икки одим ташлаган, муздай сув тўпиғига уриб, бир текисда тўшалиб колган бодрок тошчалар оёғининг остини китиклаган дамларда буларнинг ҳеч бирини хаёлига келтирмади. Ваҳоланки, неча кундан буён бир ўй-бир хаёл унинг оромини ўғирлаган, унинг қўлларидан етаклаб бот-бот анҳор ёкасига бошлаётган, ҳатто елкасидан итариб-турткилаб, кўярда-кўймай уни сувга тушишга ундаётган эди. У болалик чоғлариданоқ Қичкирикни ёқтирмаслигини, ёқтирмасгина эмас, ҳатто ҳар сафар “Қичкирик” деган номни эшитганнинг ўзидаёқ унинг мурғак болалик қалбига муҳрланган номсиз кўрқув ва ваҳима кўлагаси кўз очиб, сесканиб кетишини, болалик-ўсмирлик кезлари тенг-тўшларига қўшилиб Қичкирикнинг саёз соҳилларида сузишни ўрганган, кулочкашлаб сузиш машқини эплаштирдим, энди сира сувдан чўчимаيمان, деган ўзида ишонч пайдо бўла бошлаган кунларнинг бирида тўсатдан оқим уни комига тортиб кетганини, Султон ҳарчанд зўриқиб чиранмасин ўзини ўнглаш, қирғоқ томон силжиш ўрнига, сувнинг остки оқимларига бас кела олмаётганини, икки-уч дафъа бошини, кифтини сувдан азот чиқариш эпини топганига қарамай қандайдир ёввойи куч худди оёкларидан бир ёкка, белидан иккинчи ёкка тортиб анҳорнинг қаърига сўриб кетаётганини сезиб қолганини... кейин қандай ходиса юз берганини эслолмаслигини... хушига келганида эса қирғоқдаги тол остида оёк-қўлларидан жон чиқиб кетгандек бир алфозда шалпайиб ётганини, тепасига йиғилган тумонат бири олиб-бири қўйиб ғўнғирлашаётганини, кейинчалик эсини таниб, шаҳар марказидаги сув ҳавзасига қатнайдиغان бўлганидан буён қайтиб бу шум анҳорга қадам босмаганини, унда чўмилиш тугул, ҳар сафар кун-уззукун сувдан чикмай шодон қийқиришаётган бола-бақрани кўрганда юраги орқасига тортиб кетишларини – ҳамма-ҳаммасини унутди. Султонни сувнинг сеҳрли жил-



дир-шилдири ҳам, эрта уйғонган қушларнинг чуғур-чуғури ҳам, хийла наридаги катта йўлдан унда-мунда елиб ўтаётган автоларнинг шовкини ҳам чалғита олмади.

Сув Султоннинг болдирига, тиззасига, зум ўтмай белига ура бошлади. У анҳорга қаердан тушишини узок ўйламади, ёз келди дегунча анҳор устидан ўтган ёлғизоёк темир кўприкнинг ён-атрофи махалла болакайларининг, иссиқлаган эркакларининг издиҳомига айланади. Чунки бу ерда сув янаям ёйилиброк ва янаям сокинрок оқади. Чамаси, эллик-олтмиш қулоч қуйирокда эса анҳор ўзани туйқус тораяди, оким ҳам бир зум забтига олади. Шўрпешона келинчак худди шу жойда челакни сувга ботиргану...

Султон анҳор ўзани тораядиган жойга етар-етмас бир шўнғиб олдию, бадани сувнинг совуклигига кўникди, у олдинда ўзини қандай ҳолатлар кутаётганини хаёлан чамалаб кўришга тутинган пайтида бирдан оким, аниқроғи, окимнинг туби ғалати тарзда тезлашганини, икки томон кирғок доваракхлари қуюқлашганини, ўзи эса бир қоғоз парчасидек, гул япроғидек сассиз-несиз оқиб бораётганини пайқайди. Султон оким шиддатига мослашишга, қандай бўлмасин, сувнинг тубига ботиб кетмасликка уринди. Боши-бети аралаш пайдар-пай урилайётган тўлқинга парво қилмай, равон нафас олиш учун бетини дам ўнг, дам сўл томонга бурар, шунинг баробарида... ахир у анҳорга сайр этиш ёхуд сув ҳавзасида орттирган сузиш маҳоратини намойиш этиш ниятида тушмади, балки ўн беш кунлик келинчакнинг жасадини топишга аҳд қилди у! Келинчак ғарк бўлган куннинг эртасига бу ҳақда Башоратга гапириб берди. Қиз “Вой-й, бечора-а!” деб юборди жони ачишиб. Башоратнинг сутдек оппок ёноқлари янаям оқариб кетгандек туюлди Султоннинг назарида. Қиз эртаси, индини афтидан атайин кўнғирок қилди, келинчакнинг топилган-топилмаганини яна сўради-суриштирди, ҳаётининг мазмунига айланиб қолган севгилисининг қизиқиши ортгани сайин консираган Қичкирик комига тортиб кетган жасаднинг топилиши Султоннинг саъй-ҳаракатига қараб қолайтгандек бўлаверди.

Султон буларнинг барини бир ҳафта ўйлади, ҳар тонг уй-



дан чиқаётиб, ҳар оқшом уйига кайтаётиб суриштирди, бутун маҳалла аҳли қатори у ҳам умидини узмади, жигаргўшалар, таниш-билишлар, кариндош-уруғлар куну тун Қичкирик ёқалаб зир югуришди Султон “Ғаввослар-чи? Наҳотки, улар ҳам ҳеч нарсанинг уддасидан чиқмасалар?!” дея норозилигини яширмади, бу саволига ҳеч касдан тайинли жавоб ололмади, ғаввосларнинг каттасига ўзи йўлиқди, ғаввосбоши лоақал унинг кўнгли учун гапига кулок солмади ҳам, кўй, бизнинг ишга аралашма, деган маънода энсаси қотиб қўл силтади-қўйди. Султон сув ёқалаб анҳор ўзанини, кирғокнинг саёз-тиклигини, дов-дарахтнинг қуюк-сийраклигини кўриб-билиб қўйиш мақсадида анча жойгача пойи пиёда борди, кетганча кетаверди, шунда кўнглида мутлақо ўзи ўйламаган-нетмаган хис-туйғулар пайдо бўлди – Султоннинг қалбида анҳорга, анҳорнинг иланг-биланг илонизи ўзанига, уни тўлдириб-айқириб оқаётган сувига, бир-бирини дам сассиз-несиз, дам кўпириб-оқариб, дам беозор-мулоим шовкин солиб аллақандай заруриятдан қурук қолаётгандек шитоб-ла қувалашиб бораётган тўлқинларга нисбатан меҳр-шафқатга ўхшаб кетадиган яқинлик, илиқлик кўз очди. Назарида анҳор ҳам ундаги бу ўзгаришни пайқаган, меҳрга яраша майл-муҳаббат изҳор этишга шайланган сулувдек йигитни ўз оғушига чорлаётган эди. Иттифоқо Султон анҳор қаъридан чиқиб келган ғаввосга дуч келди. Теварак-атроф кимсасиз эди, Султон ўйлаб турмай уни саволга тутди.

– Бу дунёда мен тушмаган сув қолмаган, илло, бунақасини кўрмаганман! – деди гирдиғумдан келган ғаввос хансираб, сўкиниб. Унинг афти сувнинг совуқлигиданми ёхуд кўрқувнинг зўриданми – гезариб-кўқариб кетган эди. Энди эса... Султон дам-бадам оёғига, белига алланималар урилаётгани, илашаётганини сезган замони ғаввосларга осон тутиб, чакки қилганини тушунди. Ахир, киш кезлари у ўз кўзи билан кўрган, аёз палласи Қичкирикнинг суви қурийди, ёлғизоёк темир кўприк устидан ўтаётди Султон анҳор ўзанига термилганича беихтиёр тўхтаб қолади, анҳор тубида чўкинди

бўлиб ётган шох-шабба борми, темир-терсак, суяк-саёк, хонадон деворлари оша иткитилган рўзгор буюмлари, чикинди қолдиқлари, шиша, сим... киёфасини йўқотган қорамол, қўй, ит, мушук мурдалари... Баҳор бўтаналари уларнинг барини супуриб-сидириб кетолмаслиги аниқ! Фаввослардан бирор-ярими энгил-бошидан темир-терсак ё шох-шаббага илиниб, ҳаёти хавф остида қолса қолгандир? Келинчак шўрликнинг жасади ҳафта ўтиб ҳам сув сатҳига қалқиб чикмаётганининг сабаби ҳам шундадир?.. Яна... Қичкирикнинг сувлари ўзан тубида чўкинди бўлиб ётган лаш-лушу чикиндилардан покланиш касдида бу қадар серзарда, асов ва телбавори оқаётгандир?..

Султон оқимга қарши қулочкашлади, у оқим шиддатини ўзи кутганидан кўра осонроқ енга олаётганидан қувонди, қирғоқ ёқалаб сувга шох ташлаб ўсган дарахт остларини кўздан кечирди. Бир пайт унинг болдирига узун тасмага ўхшаш шилимшиқ нарса чирмашди, у совуқ сувдан-да совуқроқ эди! Илонмикан, деб юборди Султон кўкқисдан ва болдирини исқанжага олаётган муздек тасмани бир қўллаб юлқиб тортди. Жонзотга ўхшамади, илон бўлса чақар эди!.. Сувости ўтимикан?.. Бундай деса, ҳарчанд тортмасин, тасма узилмади. Султон оёғидан осилиб, боши оқим томонга ўгирилиб қолганидан бурнига сув кириб кетаётганини, илиниб қолган оёғини тезроқ бўшатмаса бу ахволда узок қолиши хавотирли эканини сездию, барча ҳаракатларини бас қилди, бутун гавдасини оқим измига берди. Бир неча сония ғарқ бўлиб оқиб бораётган жасад ҳолатига тушди. Чидади. Зум ўтмай совуқ тасма сирғалиб-сирмалиб чиқиб, оёғи сирғимокдан бўшалди. Султон ўзини ўнглади, сув бетига азот отилиб чикди-да, кўксини тўлдириб-тўлдириб нафас олгач, ҳаялламай оқимга қарши суза кетди. У нигоҳ ташлолмай қолган пана жойларни назардан ўтказди, қўл-оёқларига дам бермоқчи эди – бўлмади, асов тўлқин Султоннинг дам ўнг, дам сўл ёнбошидан сув остига тортиб кетар, у ўзини ўнглаб, теварак-атрофга аланглаб, қадини ростлагунига қадар зумда олислаб кетаётган, шундан оқим шиддатини чамалаётган эди. Қулочкашлаб

сузишда давом этди. У Қичкирикнинг бу қадар асовлигини ўзича тахмин қилар эди-ю у билан биринчи бор яккама-якка юзма-юз қолганидан, анҳор сувининг саркашликларини эндигина аниқ-тиниқ ҳис қилаётган эди!

У кўзларини қатта-қатта очиб олган, асов тўлқиннинг устма-уст ва аёвсиз “шапалок”лаб уришига ҳам, сувнинг кўз очирмай сачрашига ҳам эътибор қилмас, анҳор ёқаларини, кирғоқдан қараганда кўз илғаши мушкул бўлган пана-пастқам жойларни назардан қочирмасликка ҳаракат қилар, қаердадир албатта сарик кўйлакнинг этаги ё бир парчаси кўриниб қолишига ишончи қомил эди. Бирок йўл-йўлакай у сув остини ҳам қадам-бақадам пайпаслаб ўтишга аҳд қилган, бунинг учун у сузиб бора туриб, дам-бадам сув остига шўнғир, ғаввослар ҳам эҳтиёткорликни унутмайдиган ўзаннинг туб-тубига етишга ҳаракат қилар, кўли, боши, елкаси билан алланималарга урилиб кетар, ҳар қанча урилиб-сурилмасин, ҳеч қандай оғриқни ҳис қилмас, фақат сув сатҳидан унинг энг тубига қадар тўлқин қават-қават бўлиб турли тезликда оқаётганини бутун гавдаси – елкалари, бели, оёқлари билан яккол ҳис қилаётган эди. Шу ҳолат унинг сув юзасида бир маромда мувозанат сақлашига ёки оқиб боришига йўл қўймаётган эди.

Султон худди анҳор билан тил топишиб олгандек, у билан “битилган” сулҳга кўра ўзаро хиёнатга йўл қўйилмаслиги муқаррардек, яъни омонсиз оқим зинҳор йигитнинг ёш жонига қасд қилмайдигандек ғарқ бўлмаслигига аниқ ишонар, бунга йўл қўймаслик учун қурби-қурбати етишини ҳис этиб турар, фақат нафас қисиб ҳаво етмай қолгандагина ирғиб сув бетига қалқиб чиқар, ютоқиб, кўксини қондириб-қондириб нафас олганича атрофга, икки томон кирғоққа аланглар экан, анча-мунча олислаб кетганини сезар ва эътиборидан четда қолган бурчак-ўнғирларни қайта-қайта кўриб, ўзида ишонч ҳосил қилиш истагида яна оқимга қарши қулоч ота бошларди.

Қизик, келинчакнинг ғарқ бўлгани ҳақида ким гапирмасин, албатта, унинг сарик кўйлақда эканига урғу беришарди. Султон унга икки дафъа, шекилли, тонг сахарлаб уйдан чиқаётиб



кўчани ялагудай қилиб сув сепиб супураётганида кўзи тушган, ўшанда оҳори тўкилмаган келинлик либоси ўзига бирам ярашган, файзли келинчак бир зум супуришдан тўхтаб, одоб сақлаб чеккага чиқиб бош эгиб турган, Султон ҳадемай уйланса, мана шундай алфозда одоб сақлаб турадиган Башоратойни кўз ўнгига келтириб этлари жимирлашиб кетган, шундай тотли ва масрур хаёлда келинчакнинг иболарга бурканган эшитилар-эшитилмас саломига дурустрок алик ҳам олмаган, болаликдан ҳамма “Мавла”, “Мова” деб чақирришга одатланган кўшнисини мана шундай фусункор ва кўхлик қаллик билан оила қургач, Султон унга “Мавлон”, “Мавлонбек” дея исмини тўлиқ айтиб мурожаат қилишга ўзини, тилини кўниктираётган эди. Мавлонбек ҳам гап орасида ...сарик кўйлақда экан, деди, кетидан, калта, енгсиз гулдор нимчаси ҳам бўлган, деб кўшиб кўйди. Куёвбола ўзини ҳарчанд босиквазмин тутишга уринмасин, Султон икки-уч кунда унинг ранги сўлиш олиб, хаёли паришон тортиб колганини сизди.

– Энди қандок қиламан, ака?.. – деди Мавлонбек тамомила абгор бир аҳволда. – Тонготар сувнинг тепасидан кетмаяпман, дарак йўқ, жимжит...

Бу гапдан Султоннинг энсаси қотдию кулфатзада Мавлонга сездирмади, чунки бундай ҳолатга йўлиққан одам ақл бовар қилмас чўпчакка ҳам ишонади, умид-илинж излайди. “Ярим тунги сукунатда анҳорда ғарқ бўлган одамнинг фарёд чекиши эшитилармиш!..”

Куёвтўранинг сўнгги умид иплари ўрнида базўр илиниб турган “дарак йўқ, жимжит” деган сўзлари оғиздан-оғизга кўчиб юрувчи аянчли латифага ишора эди. Демак, Мавлонбек шу қабилдаги гапларга ҳам умид боғлаб, тунлари мижжа қокмаётган, Қичкирикнинг тунги шовуллашлари орасида ўзига эндигина кадрдон бўлиб улгураётган овозни эшитиш илинжида... “Мавлонбекнинг ўзини ёрдамга чақирмабманда” деган ўй кечди Султоннинг хаёлидан. Ахир ғарқ бўлган, бунинг устига неча кундан буён топилмаётган одамнинг ёрдам сўраб зорланишига ишонишдан кўра Мавлонбек ёнида



бўлганида белидан аркон ўтказиб, бир учидан кирғокда тутиб турар, шунда оқим Султонга бу қадар зуғумини ўтказмас, сув сатҳини ҳам, тубини ҳам кадам-бакадам қараб чиқиши бир-мунча осон кўчар эди. Ёхуд ғаввосларга кўшилиб... йўқ, улар бунга изн беришмайди, бу ёғи, Султоннинг ўзи ҳам ўзига етганича ўйлаганидан, жазм этганидан қайтмайдиганлар хилдан!.. У атайин одамлар сийрак пайтида анҳорга тушиб, шу асов Қичкириқ билан яккама-якка олишишга хезландими, басда, саркаш тўлқин беҳисоб катта-кичик гирдобларга бас келаётган Султонни кунботар томонларга шиддат билан оқизиб кетмокчи, Султон эса ундан енгилишни хаёлига ҳам келтираётгани йўқ, қандай бўлмасин, бир хафтадан буён топилмаётган ўн беш кунлик келинчакнинг жисми-жасадини излаб топса, уни қиёматли ён қўшниси, ўн беш кунлик куёв Мавлонбекнинг қўлига тутқазса!.. Туртилиб-суртилмаган жойи колмади, елкасининг сирқираб оғришига, болдири ва тўпигининг ачишаётганига ҳам эътибор бермаяпти, совуқни-ку, мутлако сезмаяпти. Гоҳ кулочкашлаб оқимга қарши сузмокда, гоҳ ўзини оқим ихтиёрига қўймокда, ора-чора куч йиғиб туриб, сув остига шўнғиб, ўзаннинг тубига етмокда, қўлига илинган матоҳни тортиб-юлкиб кўрмокда, нафаси қайтиб ё кўзлари ачишиб кетгандагина сув сатҳига қалқиб чикмокда. Шу топда кирғокда Башорат, Башоратой пайдо бўлса борми!.. Қиз уни шу аҳволда кўрса ўтақаси ёрилар эди, ўзини қаёққа қўйишини билмай шошилиб қолар, ўзини анҳорга ташлағудай изтиробда қўлларини чўзиб Султонни, Султон акасини телба гирдоблар қаърига ғарк бўлишдан эҳтиётланишга ундар, кетидан дарҳол ўзини ўнглаб олиб, бу тенгсиз олишувда севгилисига оламга татигулик далда берган бўлур эди.

Ушбу хаёлнинг ўзи Султоннинг кучига куч қўшди. Барча машаққатларни унутди. “Башоратой далда берса, – деди бошини сувдан азот кўтариб, анҳорга тепадан қарашга уриниб, – Қичкириқда сув эмас, олов окса ҳам келинни топиш аҳдимдан қайтмайман!..”

Қирғок ёқасида тўсатдан пайдо бўлган баҳайбат зотдор

ит ер тирнаб, думини хода килганича унга караб ириллади, сўнг хиёбонни бошига кўтариб вовуллади, итнинг изидан кўлтиқлашган эркак-аёл кўринди.

– Шу совуқда нима зарил чўмилиш! – деб юборди аёл ҳам-роҳининг пинжига баттар сукилиб.

– Ёш-да, ёш, – димоғида кулиб жавоб қилди эркак, – дард орттириб олишини ўйламайди булар!..

Султон ўзини оқим ихтиёрига қўйди. Анҳорнинг икки томонида куюқ камиш-юлғун девор янглиғ қоплаган икки қирғоқ орасидан оқиб ўтаётиб сув ҳавзасида турфа сузиш машқларини бажариш чоғида асқотадиган кўзойнагини олиш хаёлига келмаганига афсусланди. Оқиб келган жасад бу куюқ камишзор орасида илашиб-нетиб қолган бўлиши ҳам эҳтимолдан йироқ эмас. Қамишзор орасига йўлаб бўлмаса!.. Султон кўлоёқларини эмин-эркин ҳаракатлантиролмай қолди. Ўзанининг ўрталарига қадар узун-қиска ўсиб чиққан камишзор бунга йўл қўймас, Султон шундан ҳам фойдаланиб қолишга уринар, камиш пояларини тутиб-тутиб олдинга, орқага, ён-верига силжиш осонроқ эди. Султон ўнг оёғининг кафтига жимит балиқчалар тумшуғи билан келиб урилаётганини сизди, ҳар эҳтимолга қарши оёғини силтаб тортди, балиқлар тўзиб кетди шекилли, оёғи холи қолди. Султон қирғоқ томон илгариллади. Зум ўтмай оёғининг кафти, бармоқлари атрофида яна балиқчалар ғужлашди, энди уларнинг орасида йирикроклари пайдо бўлган, улар худди Султонни оёғидан бошлаб паккос туширишга шахд қилган ваҳший сув жондорлари сингари устмас-уст тумшуғи билан урилаётган эди. Шундагина у оёғининг ости, бармоқлари, тўпиғи ачишаётганини, бундан чикди, оёғи шикастланганини, ундан қон оқаётганини фахмлади...

Султон куюқ камишзорни тарк этди, бунинг устига, сув сатҳига чиқаётиб, темирми-шоҳми, тирсагига қаттиқботди, сув сатҳига хира қон туси ёйилганини кўрди. Қамишзор сийрақлашгани сайин, оқим тезлашди, Султон қирғоқ томон сузди, ер сатҳига бўртиб чиқиб, сув юваверганидан қизариб кетган дарахтнинг илдиз томири кўзига аллақандай ёвуз махлуқнинг

панжаларига ўхшаб кўринди. Шу хаёлда, журъат килиб “панжа”ларга ёпишди. Қирғоқ тик бўлганидан у кўксигача сувга ботиб турарди. У анча вақтгача нафасини ростлай олмади. Боши айланаётган эди. Султон осмонга қаради, тобора анҳор тепасига яқинлашаётган қуёш нурига умидвор термилди. Атрофни кузатди. Нариги қирғоқда қийшайиб ўсган қандайдир дарахтнинг каттагина шохи эгилиб сувга тегиб турар, оқимнинг забти таъсирида дам юқорига кўтарилиб-дам пастга тушар, четдан қараган одамга шох сувни беармон савалаётганга ўхшаб кўринарди. Султон сув ҳавзасида соатлаб сузиб чарчаш-толиқиш нима эканини билмас эди, бу ерда... хайрон қолиб бош чайқади, анҳорнинг феъл-атворини янаям синчковлик билан ўрганиб-билиб олмоқчидек сувга қаттиқ ва узоқ тикилди. Ахир, у озмунча жойдан оқиб келяптими, озмунча марталаб не умидларда шўнғидими, сувнинг тубидаги қанчадан-қанча пана-пасткам бурчак-сурчакларни қадамбақадамлаб пайпаслаб чиқдимиди!.. Бирон дақиқа сувни тарк этгани йўқ ва шулар асносида Қичқирик билан, Қичқирикнинг суви билан тил топишиш, унинг дилига кулоқ солиш йўлини излади. Султон кўксигача сувга ботиб турган кўйи ҳолсиз-мажолсиз бир ахволда ундан кўз узмас, ошиқиб-қувалашиб, кўпириб-шарқираб, чопкиллаб-югургилаб бораётган ўрқач-ўрқач тўлқинларга кўнглида туғилган ўпка-гиналарини тўкиб солмоқчидек эди. Анҳор ақл бовар қилмайдиган бир жондор, ҳар банда ўзига яраша феъл-атворга эга бўлгани сингари анҳор ҳам ўз феъли-хўйига кўра ҳаёт кечирарди. Ўзани тўлдириб, лиммо-лим оқиб ўтаётган сув Қичқирикнинг ҳаёт тарзи, зеро, унинг мавжудлиги, қисмати ҳам шитоб билан оқиб боришида мужассам, у шундан маъно-мазмун топар эди.

Султоннинг анҳорга ўпка-гинали қарашлари ўрнини ҳавас, ҳатто ҳурмат маъноси эгаллади. Анҳор уни тушунмади, айниқса, унинг жунунваш ва туб оқимлари Султонни не кўйларга солмади – ўнг қўл томонда оқим сустрок туюлса, чап томон оқими тубсиз ўпқонга ютиб юборгудай торт-

қилайди, оёқлари осуда сузишига ёрдам берса, бикинига ури-
лаётган тўлқин азбаройи унинг сумбатини дарахт новдасидек
икки букиб ташлагудай важоҳат билан урилаверади. Султон
гирдиғумдан келган ғаввоснинг гезариб-сўқиниб айтган идда-
осини эслади ва... “йўқ, ундай эмас” деган маънода вазмин бош
чайкади. Унинг фикри, муносабати ўзгарди, энди у... анҳор
уни тушунмаган бўлса, у анҳорни тушунади, телба оқим унга
дилини очмаган бўлса, инсон телба кўнгилга йўл топади...

Султон боядан бери болдирини қандайдир майин-мулойим
нарса силаб-сийпалаётганини сезиб қолди. У нарса узун эди,
Султоннинг болдиридан сирғалиб бўшалди-да, унинг бе-
лига беозоргина чирмалди. Султон мўъжизага рўпара кела-
ётганини сезди, юраги энди мутлако ўзгача хаяжон, ўзгача
интиқлик билан дукурлай бошлади. У салгина ножўя ҳаракат
қилса, белига чирмалаётган момик-мулойим нарсани йўқотиб
қўйишдан хавотирда ғоятда эҳтиётлик билан қўлини сувга
ботирди. Тагин аллақандай жондор-пондор бўлмасин, деб
юборди ичида ва шу заҳоти бу шубҳасини унутди, у фик-
ри, фикрлаш тарзи узилиб, узук-юлук бўла бораётганини,
ҳеч бир нарсани адоғига довур ўйлай-мушоҳада қилолмай
колаётганини сезди, сезди-ю, шу ҳақда ҳам тугал бир қарорга
келолмади. Фақат белига чирмалаётган жондор... аллақандай
лаш-луш ёхуд матоҳга ўхшаяпти, умуман, оқар сув остида ҳар
қандай жонсиз нарсага жон киришига ва уларнинг бари кўз
кўриб-қулоқ эшитмаган жондорга айланишига иқрор бўлди.

Султоннинг сув остига ботирган қўлининг учлари бели-
кўкраги аралаш белбокқа айланаётган ўша жонсиз жондорга
етди. “Наҳотки?!” деб юборди Султон овоз чиқаргудай қувониб,
“Сарик бўлса-я?!” , “Келинчакнинг қўйлаги бўлса-я?!” Султон
ёввойи жондорнинг “панжа”ларини қўйиб юборганини бутун
гавдаси билан сувнинг ўрта оқимига шалоплаб тушганидагина
англади. У оқимнинг тезоб йўлига тушганидан эмас, қўлида ту-
тиб турган... нима, нима у?! Наҳотки, Султоннинг шунча саъй-
ҳаракати бесамар қолмай, жонини гаровга қўйиб излагани...
сарик қўйлак этагини топган бўлса?!

Султон окиб кетмади, у икки қўллаб чангаллаб олган матони аста ва авайлабгина билагига ўрашга тушди, “Узилиб кет-маса бас!” деган ўйда қўлини силкитиб юбормасликка уриниб, матонинг “илдиз”ига томон яқинлашаверди. “Сарик!.. Сарик қўйлагида эди!.. Сарик!..” Султоннинг миясини шу топда факат шу сўз ишғол қилган, уни топганига ишончи комил эди!..

У матони... бунчалар узун у? Бунчалар илинган жойига – тагига етиш мушкул?.. Султон жуда-жуда авайлаб, эҳтиётлик билан пайпаслай-пайпаслай унинг илинган мансабига етади, етган жойида қўлига чирмалган сарғиш мато, йўк, сарик қўйлакнинг кенг этаги ва... ўн беш кунлик келинчакнинг бир ҳафтадан буён сув остида ётган жаса... “Топдим, Башорат! Башоратой, жоним, топдим!” деб юборди Султон.

– Исмингиз эмас, ўзингиз султонсиз, – деган эди Башорат бир куни, унинг елкасига бошини қўйиб, навозиш билан. – Сиз ҳар қандай султонликка кодирсиз!..

“Башоратойнинг башорати, мана, ҳозир, шу дақиқа, шу телба анҳор суви остида тасдиғини топса-я!” Султон ҳаяжоннинг зўридан кучига куч қўшилди, чарчокларини ҳам, оғриқларини ҳам унутди. Икки қўллаб сарғиш матони тутганича уни кафтига ўрашга тутинар экан, юз-қўзи олдида балиқчалар тўдаси пайдо бўлганини, тонг сахардан бери оқаётган лойка сув тиниклашиб, балиқчалар аниқ-тиниқ кўз ўнгидан “лип-лип” ўтаётганини кўрди. Балиқчалар рангли эди! Қип-кизил, сап-сарик, ям-яшил!.. Улар Султонга йўл кўрсатаётган, қайси томон силжиши кераклигига белги бераётгандек эдилар. Елкаси, кўкси, қорни, тиззалари, оёғининг учигача жазиллаб ачиша бошлади. “Ҳечқиси йўк, чидайман!” деди Султон тишини тишига босиб, илгарилади, қирғок томон силжиётганини элас-элас пайкади. Қўллари, сўнгра оёқлари ўзига бўйсунмаётганини пайқаб қолди, оёқ-қўлларига мадад тилади: “Ҳа! Ҳа-а!.. Бўш келма! Бўш келма, деяпман!.. Ҳ-х-х-о-ой-й!..”

“Бу анҳорга ғарк бўлганлар ярим тун сукунатида кичкириб, одамларни ёрдамга чорлайдилар...” Султон ҳам... йўк, у кичкирмаяпти, унинг ҳали-вери ғарк бўлиб телба тўлкинларга таслим бўлиш нияти йўк. Таслим бўлмайди ҳам, нажот ҳам тиламайди... У энди анҳор ва унинг сувлари билан шу қадар қадрдонлашиб кетдики, унга ётиғи билан илтижо қилади, унга тоза ниятларини тўкиб солади, керак бўлса, овозини борича қўйиб кичкиради, шу қадар кичкирадики, Қичкирик бир зум бўлса-да, оқишдан тўхтайти, сувлари тиниклашиб, ўзан ўзини борича кўз-кўз қилади. “Қичкирик” деган номи ҳам ғоятда ўзига ярашимли, ноёб! Тирикларнинг гап-сўзлари ғарк бўлганларга, ғарк бўлган мархумларнинг сукунати эса тирикларга кичкирик бўлиб эшитилади. Ана, Султоннинг ўзига-ўзи далда бериш мақсадида айтган сўзлари ташқарига кичкирик, фарёд бўлиб эшитиляпти. Ваҳоланки, тун чўкишига аллақанча вақт бор, тунги сукунатга қадар эҳе-е... Ана, офтоб чараклаб турибди, фақат, фақат у... кимдир силкитяпти, шекилли, лопиллаб, аланга олиб ёнаётганга ўхшаяпти...

Султон бирдан вазнининг оғирлигини сезмай қолди, қўлоёқларининг мадорсизланишидан туғила бошлаган хавотир ҳам тарқади. Ҳеч бир ҳаракат қилмаса-да, оқиб кетмаётганига, нафаси димикиб ҳаво етишмай қолмаётганига хайрон бўлди. Оёқларининг орасида пайдо бўлган силлиқ, майин ва беозор жондор Султонни кўтариб турар, Султоннинг фикр-хаёли кафтига, ундан билагига ўралиб-ўралиб бораётган матода эди. Султон мутлақо ҳаракат қилмай қўйди, қўлларини ўраб-чирмаб, боғлаб ташлаганидан, ўша сарик матони топиб, тортиб чиқариш қўйида керак бўлса, қўлларига қўшиб оёқларини-да боғлаб ташлашга ҳозир у нозирлигидан вужудини камраган хайратни яширолмай, ҳаяжонланаётган эди. Ҳаяжоннинг зўридан терлаб кетди. Аъзои баданидан сув эмас, тер қуя бошлади. Бошини икки-уч қайта сув юзасига чиқариб нафас ростламокчи эди, бунга зарурат сезмади, кўз ўнгидан сувга қўшилиб кўзга ташланаётган ва зумда чир ай-

ланиб ғойиб бўлаётган хира қон доғларига ҳам эътибор бермади. Оёғининг орасига кириб, уни кўтариб турган жондор... Султон ўзини юввош отга мингашиб олгандек ҳис қилди, бу холат узоқ чўзилмади, йўқ, хаёл шарпасидек жуда тез ўтди, от аста-секин сирғалиб оёқлари орасидан чиқиб ортда қола бошлади. Анҳор ичида от нима қилади?.. От эмас, балик, балик деса, отга ўхшайди. Отбалик!..

Султон Қичкирик сувида бундай жониворлар мавжудлиги ҳақида сира эшитмаган эди, эшитган тақдирда ҳам ундай олди-қочди чўпчакларга ишонмасди. Лекин, мана, уни ўзи кўрди, улардан бири келиб ҳолдан тойиб ғарқ бўлаёзган Султонни кифтига миндириб олди ва... Султоннинг кўнгли ҳалимдек юмшади. Мулойим, лекин қатъият билан баралла айтди: “Қайта бошдан бошлайман! Керак бўлса, ўн марта тушаман сувга, лекин топмагунча кўймайман!..”

Султоннинг қулоғига пайдар-пай узоқ-яқин қичкириклар чалина бошлади. Султон уларга кулок солмоқчи, маъносини уқмоқчи эди, диққатини жамлай олмади. Сув қизиб кетаётганга ўхшади. Султон оёғи қаттиқ заминга текканини сизди. Бошини кўтармоқчи эди, қурби етмади. Анҳор ўзани кунботар томондаги қишлоққа етган жойида кенгайиб, суви жудажуда саёзлашган – сув нари борса, тиззадан келадиган жойга етган, бу ерда тумонат бола-бақра дунёни бошига кўтариб чўмилишаётган, шодон қичкириклар билан бир-бирини қувалашаётган эдилар.

– Вой, одам! Одам оқиб келяпти!!!

Султон бу қичкирикни ҳам элас-элас эшитди. Бу топда тиккага келган қуёш оламни чароғон қилиб юборган, Султоннинг совуқдан кўкариб кетган кифтини илита бошлаган эди...





Муродбой НИЗАНОВ

Қорақалпоғистон халқ ёзувчиси
(1951 йилда туғилган)



ОДАМНИНГ ЭСКИСИ

Ҳажвия

Ҳар бир нарсанинг янгиси ва эскиси бўлиши табиий. Лекин одамнинг эскиси бўлишини биринчи марта болаликдаги дўстим Исмоилдан эшитдим.

– Одамнинг эскиси қандай бўлади? – деди у бир куни хонамга кириб келиб.

Рости, ҳайратим ошди:

– Одамнинг ҳам эскиси бўларканми?

– Бўларкан.

– Мумкиндир. Балки қариган одамни шундай аташар?

– Яна?

– Яна... қаттиқ ётган беморни...

– Ақлдан озганни...

– Янада бошқа?

– Бошқа... Йўқ, билмадим.

– Ана шунақа, билмаймиз! Сиз билан биз билмайдиган ундан-да бошқа эскиси бўларкан!

Ҳайрон қолдим. Мен билмайдиган эски бўлиши мумкин, аммо унинг билмаслиги... э, йўқ! У билмайдиган нарсанинг ўзи йўқдир-ов. Ётсаям-турсаям нуқул китоб ўқийди. Ёши

олтмишни ўкчалаб бораётган бўлса ҳамки, худди ёшлардек, компьютеринг борми, интернетинг борми – шариллатиб кетаверади. Кунига етти-саккиз марта телевизордан олам янгиликларидан бохабар бўлиб ўтиради. Ер қуррасининг қайси бурчагида бирор сиёсатчи ишдан четлатилиб, ўрнига бошқаси келса, радиодан олдин Исмоилдан эшитаман. Шундоқ экан, унинг одамнинг эскисини билмаслиги менга жуда эриш туюлди.

- Биласанми, ўша одамни ким эскиртиради?
- Етишмовчиликдир балки?
- Йўқ.
- Ғам-қайғу?
- Йўқ.
- Узоққа чўзилган хасталик?
- Йўқ.
- Қариликдир балки?
- Азалий овсарлигингга бораверасан, жўра, – деди у охири ўзи жавоб беришга чоғланиб. – Одамни изидагилар, яъни ўз издошлари эскиртиради.

Мен сенга бошимдан кечган бир-икки воқеани айтиб берай. Фахмлайманки, бунақа воқеалар сенинг бошингдаям бор, фақат сен уларга аҳамият бермай юргандирсан.

Бир куни кечки овқатдан кейин телевизор кўриб ўтиргандим. Катта ўғлимнинг қўл телефони қўққис жиринглаб қолди. Қўлига олганди, нарёқдаги шовқин-сурон, мусика қийқириғига караганда ресторан ёки бардан қўнғирок қилишяпти. “Кар одам – бакирок” деганларидек, катта шовқин-сурон ичида ўтирган одам ҳам худди дарёнинг нариги томонида тургандек, бакириб гаплашаркан. Телефондаги бакирик-чакирик менгаям эшитилиб турибди. Ўртоғи экан. Ўғлимни базми жамшидларига таклиф қиляпти.

- Йўқ, жўра, бора олмайман, – деди ўғлим. – Соат ўндан ўтиб кетди.
- Ўтса нима бўпти? Қиз эмассан-ку?
- Дадам рухсат қилмайди.



Жўраси хохолаб кулди. Кулишининг боиси, бола-чақали бўлган йигитнинг “дадам рухсат қилмайди” деган гапи нашъа қилиб, жиғибийрони чиқяпти.

– Ай, жўра, биласан-ку шу паханларни, эскирган одамлар, “дўппослаб кетишади, ўлдириб кетишади” деб, миянинг қатиғини чиқарворишади. Уларга гап тушунтираман дегунча ўн бир бўлади, бораман дегунча ўн икки... Яхшиси, келгуси базмларингда...

Ўғлим телефонни ўчирди.

– Менми эскирган? – дедим хунобим ошиб. – Энди эллик бешга кирдим-ку?

– Гап ёшда эмас-ку, дада.

– Хўш, нимада?

– Барибир, сиз “ярим тунда нима бор, биров дўппослаб кетади” дермидингиз? Дердингиз!

– Билиб бўладими, ахир?

– Ана, “эски ҳаммом – эски тос”, яъни эски гап. Ҳозир замон бошқа, ёшлар тонг отгунча базм қуришади, сайр қилишади. Сизларга қолса, кун ботмасдан уйни топиш керак.

Индамадим. Рости, болаларингнинг бемаҳал тентираб юрганидан кўра кўз олдинда ўтиргани маъкул эмасми? Демак, бу тушунчамиз билан биз эскирганлардан эканмиз. Уларнинг тушунчасига кўра, уй дегани кийиниб-ечиниб кетиш учун, ул-бул нарсангни қўйиб кетиш учун шунчаки бошпанага ўхшайди. Дастурхон атрофида апоқ-чапоқ бўлиб ўтириш – эскилик, эскирган урф эмиш.

Буям майли, дейлик. Бир куни туш пайти институтда иккинчи курсда ўқийдиган қизим бир дугонасини бошлаб келди. Ўз хонасига кириб, алламаҳалгача гаплашиб ўтирдилар.

– Дада, – деди қизим хос хонасидан чиқиб келиб, – келаётган байрам куни курсдошларимиз билан базм ўтказмоқчимиз.

– Яхши ўйлабсизлар, – дедим.

– Базмни бизнинг уйда ташкил қилмоқчимиз.

– Бош устига. Худога шукур, хоналар кенг.

– Лекин биз то тонг отгунча ўтирамиз.

– Нима? Нега энди тонг отгунча? Ахир, ярим окшомдан кейин хатто кўршапалаклар ҳам уйкуга кетади-ку?

– Ана, айтдим-ку, дадам тушунмайди деб, – деди-ю кизим қахр билан хонасига кириб кетди.

Шу аснода ичкаридаги дугонаси кизимга тасалли бераётгани эшитилиб қолди:

– Хафа бўлма, дугонажон. Бизнинг уйдагилар ҳам шунакароқ – эскирган одамлар, ёшларни тушунишмайди. Яхшиси, Қобилнинг квартирасида ўтказамиз, унинг ота-онаси кишлоқда.

Кетаман дегунча, кизим ташқарига қайтиб чиқмади. Паришон ҳолда бир хил бўп кетдим. Ростданам, эскириб бораётгандирман, чоғи. Истиҳолани йиғиштириб қўйиб, кўзгу олдига бордим. Бўй-бастим бинойидек, ҳали қариб-чуриб бораётганим йўқ-ку.

Сиёсатга ҳам бир қур ўй югуртириб кўрдим. Биламан, ҳозир эркинлик, демократия. Дунё – тинч. Ўлим камайиб, туғилиш кўпайяпти. Техника ривожланди. Коинотга хатто оддий саёҳатчилар ҳам йўл олишяпти. Роботларнинг одам бўлиб кетишига бир баҳя қолиб турибди. Ҳаммаси жойида – рисоладагидек, шекилли.

Аммо негадир кўнглим алғов-далғов эди. Қарангки, омадсизлик бир келса, кўшалоқ келаркан. Танतिकроқ бўлиб ўсган кенжатой ўғлим бор эди – ўзи мактабни эндигина тугатаётган ўсмир. Ўша кенжатойим бир куни онаси билан чой ичиб ўтирган пайтимизда ташқаридан шошиб-пишиб кириб келди-ю, телевизорни аллақайси бир чет элнинг киносига қўйворди. Экранда бутида шапалоқдай иштони бор, усти шир яланғоч давангирдай бир йигит синчалақдек бир кизнинг лабидан зулукдек сўриб котди-қолди.

– Ҳой, анавинингни ўчир! – дедим ўғлимга.

Ўғлим кулди. Айтганимни тингламади.

– Ҳой, ўчир дейман!

– Кўйсангиз-чи, дада, ўзим шу кинони кўришга шошиб, дарсдан қочиб келдим.

– Эсинг жойидами, ўзгартир дейман, уялмайсанми?

Охири пульта олиб бошқа каналга кўйвордим.

– Уфф, уят-уят дейсиз! – Ўғлим ўрнидан туриб кетди. – Нукул эскирган гапларни айтаверасиз. Аксинча, ҳозир Европада бу ҳолни маданиятнинг энг юкори тури ҳисоблашади.

– Бу ер Европа эмас-ку, ахир?

– Сиз доим эскича фикрлашга мойилсиз! – дедию чикдикетди.

Тинглаб турсам, даҳлизда унга кеннойиси далда беряпти:

– Хафа бўлма, мирзатой, ўксинма. Эскирган одам – айтаверади...

Дафъатан директоримиз йигирма ёшлардаги бир йигитчани хонамга бошлаб кирдию, Исмоилнинг ҳикояси узилиб колди.

– Тўрабек оға, бу йигитча сизга ёрдамчи бўлади. Ишлар билан ўзингиз таништираколинг, – деди директор.

Мен йигитчага кўлимни чўздим. У болалигига борибми ё уялдими, қайдам, биз билан саломлашишни хаёлигаям келтирмади.

– Қани, – дедим директор чиқиб кетгач, – манави столга ўтириб, ишга кириш ҳақида ариза ёзгин.

– Аризани боя ёздим-ку.

– Яна бир марта ёзсанг, ҳеч нима бўлмас, а?

У оқ қоғозга ручкани обориб келиб-обориб келиб анчагача ўтирдию, ниҳоят ёзди. Ўқиб кўрсам, барака топгурнинг тўрт қатор аризасидан ўн иккита хато чикди.

Дарҳол телефон гўшагини кўтардим.

– Бу йигитчанинг саводи жуда паст-ку, – дедим директорга.

– Уни қаёқдан билаколингиз?

– Ариза ёздириб кўргандим.

– Қизикмисиз, ҳой, оқсоқол! – дея директор дўк ура бошлади. – Аризани сиз эмас, мен ёздираман. Биласизми, ҳозир ёзув замони эмас, компьютер замони! Энг муҳими, шу йигитча компьютер соҳаси бўйича устаси фаранг. Мастер! Сиз эса... Айтинг-чи, қачон кўясиз шу эскича фикрлашни? Эски кийим-

ларни ечиб, козиққа иладиган вақтингиз бўлди-ку? Умуманчи, кийим эмас, ўзингизнинг тушунчангиз ҳам, қалбингиз ҳам эскирган!

Директор трубкани шарақлатиб қўйворди. Менинг рангрўйим оқариб кетди, шекилли.

– Вей, тинчликми? – деди Исмоил хавотирланиб.

– Икков бўлдик, жўра, – дедим мен аранг жилмайган кўйи.

– Ахамият бермай юрган эканман, қара, менам эскирибман.

*Қорақалпоқчадан Аҳмад Оқназаров
таржимаси*





**Олим
ОТАХОН**
(1951 йилда туғилган)



ҚИСМАТ

I. Мастуранинг мактуби

Соғинчли салом!

Азиз ака, соғ-саломатмисиз, келинойим, жиянларим яхши юришибдими? Мендан сўрасангиз, Тошкентдан чиққач, Москвада иссиқ-совуққа чалинибман, шекилли, мана Дюкшестда – асосий ва мажбурий муолажа қолиб шамоллашга қарши дори-дармон ичиб касалхонада ётибман. Бу ҳам етмагандай, каттик толиқибман, юрсам, турсам, бошим айланади. Ҳамхоналарим тасалли берган бўлишади: ўтиб кетади, дея юпатишади. Айтмоқчи, мен билан бирга бир андижонлик аёл ҳам даволаняпти. Аввалига бош оғриғим кўзиб қолса-я, деб роса кўркқандим, йўқ, худога шукур, ундай бўлмади.

Бу ернинг табиати, одамлари бутунлай бошқа – бизни кига ўхшамас экан, расм-русумлари бегона бўлгани учунгина эмас, бутунлай ўзгача тарзда турмуш кечиришгани учун ҳам ғайритабиий туюлади. Муомалалари ҳам бир ғалати! Бу мухит, шароитда бир ой яшасангиз, юрагингиз тарс ёрилиб кетса керак?! Лекин жуда батартиб, саранжом, маданиятли. Билмадим, биз томонларга шунақа тартиб-интизом, маданият тўғри келармикан?!

Азиз ака, эсингиздами, иккинчи онамиз (ўгай дейишга тилим бормаяпти) шунақа тартибли, маданиятли эди. Кеча куёвингиз, Солих акам мусофирхонага бормай, мени боқиб ўтирганларида ёғоч каравотни озгина мен томонга сурганларида, мен қай аҳволда ётибман, врач ёнида дори-дармонларини кўтариб кирган ҳамшира хоналардаги жиҳозларни ўрнидан кўзгатиш мумкин эмас, деб танбех берса бўладими?! Куёвингиз бўғилиб кетди: тартиб-интизомингдан ўргилдим, шунгайот ота гўри қозихонами, деб тўнғиллаб қўйдилар-у...

Менинг эса хаёлимга негадир Раҳбар опа келди, ўша киши хақида анча пайтгача ўйлаб ётдим. Ака, кечирасиз-у, лекин нима қилай, у кишини ойи, деб аташга сира тилим бормайди. Хуллас, болалигим, онамиз вафоти, дадамнинг хушфеъл, дуркунгина аёл билан яшай бошлаган даврлар бирин-сирин кўз олдимдан ўтди. Ишонсангиз, бир пайт кўнглим бузилиб, йиғлагим келди. Юрагим сикилди кейин, охири нима қиларимни билмай, сизга хат ёзишга тутиндим. Нега ундай бўлди, ўзим ҳам билмайман, аммо Раҳбар опа хақида ҳасратлашгим келаверди сиз билан...

Сайёрага ёзай, десам синглим бўлатуриб ҳам тушунмаслигига кўзим етади, чунки дадам иккинчи марта уйланганларида у жуда ёш эди. Раҳбар опанинг ўгайлиги унга билинмаган.

Ака, қаранг, дунёнинг ишлари қизик экан-да, шу хотин яхшими-ёмонми, бизни тарбия қилди, едирди-ичирди, совукда совук, иссиқда иссиқ демади, минг қилганда ҳам шу аёлнинг қўлида улғайдик, шу аёлнинг хонадониди дунёни танидик; бошимизга муштламади, дилимизни оғритмади бошқа ўгай оналарга ўхшаб. Лекин шу чокқача нима учундир ҳамиша бир армон юрагимни кемириб келади, болалигим эсимга тушса, ўртаниб кетаман. Ака, айтинг-чи, шу чокқача бу хусусда бирон марта сизга шикоят қилганмидим?! Энди, бу бегона юрт, бегона одамлар орасида ўзимни тутолмадим, бу ёқда мазам бўлмай тургани учун юрагим икки ҳисса сиқилиб сизга ёзишга ўтирдим, чоғи.

Синглим бечора касалга чалиниб шунақа инжик бўлиб

қолгандир-да, дейишингиз мумкин. Майли, ҳечкиси йўқ, ака, чунки дадамдан кейин сиз менга ота ўрнидасиз. Аслида бундай ўйлаб қарасам, отамиз ҳам, онамиз ҳам сизсиз, негаки, сира унутолмайман, қанақасига унутай, уйда бир гап бўлса, мен билан Сайёрани кийинтириб ўша заҳоти аммамникигами ё анови ўртоғингизникигами олиб кетардингиз. Қанақа гап бўларди, уйимиз тинч эди-ку, дейишингиз ҳам мумкин. Агар шундай дея ўйласангиз ёлғон бўлади, тўғри, уйимизда шовкин-сурон йўқ эди, рост, ортикча овоз чикмасди, доим саранжом-сарипта қилиб қўярди Раҳбар опа, аммо ҳар куни ёки кунора дилхиралик бўлмасмиди, айтган билан, ўнлаб мисоллар келтирган билан кўрмаган одамни, шуни бошидан кечирмаган одамни ишонтириш қийин, эсингизда бўлса, мен ўнинчи синфга чиққунимча уйимиздаги иккита хонага оёқ босиб кирмаганман. Йўл қўймасди Раҳбар опа. У ерда нима бор эди, билмасдим, мана ҳозир, ўн беш йилдан ортик вақт ўтгандан сўнг билияпман, бири ётоқхона экан, иккинчисини Раҳбар опа фақат ўз уруғ-аймоғини кутиш учун меҳмонхона қилиб қўйган экан. Бир қараганда бунинг ҳеч қанақа ёмон томони йўқ, азбаройи меҳмон кутиш учун уйдаги хоналардан бирини алоҳида ажратиш шинам қилиб қўйса ёмонми? Аммо ҳамма гап шундаки, ўша уй бизнинг ўша муштипар, бир дунё армон билан оламдан ўтган онамизнинг маҳрига тушганди-ку, демак, ўша уй бизники эди, ака, мен мол-мулк талашиниш учун айтаётганим йўқ, мен Раҳбар опанинг бунга сира-сира ҳақи йўқ эканини, бунга одамгарчилик деган нарсалар йўл қўймаслигини назарда тутаяпман. Қизик, мен бола эканман-да, қаердан билай, нуқул ўша хоналарга киргим келарди, эсингизда бўлса, қавм-қариндошлари бола-чақалари билан келишганда уларнинг қўлига тутқазинган турли-туман ўйинчоқларни кўриб кўзим ўйнардиди, улар мен учун эришиб бўлмас бахтдек ўйинчоқларни ўйнаб-ўйнаб ташлаб кетишарди. Мен бўлсам, даб-дурустдан қўлимга олишга ботинолмай, қараб тураверардим. Кимники эди ўша ўйинчоқлар? Нега бизга беришмасди? Ахир, шу уйга келган нарсаларнинг бир

қисми бизга ҳам тегишли эмасмиди?! Ҳайинчоқларни эса худди боғчалардагидек жавон тепасига тахлаб қўярди Раҳбар опа. Мен ҳозир ўгай бўлганимиз учун шундай қиларди, дейишга тилим бормайди. Тўғри, бизга ёмон гапирмасди, бизни уришмасди, лекин кўнглимизга қарамагандан кейин нима фойда каттик гапирмаганию, уришмаганидан?

Мени кун, ора азонлаб сутга чиқаришларини эсласам, яккаш онам бўлганларида шундай аёзда кўчага чиқариб қўярмидилар, дея ўртанаман. Эсингизда бўлса, маҳаллага сут машина келиб, кўчамизнинг оғзида тўхтарди. Қорда қор демай, ёмғирда ёмғир демай, Раҳбар опа қўлимга идиш тутқазардида, чиқариб юбораварди. Баъзан кулгим қистайди, ака, ухлаб ётган болани уйғотишга қандай кўзи қийганикан? Бир марта бўлсин хаёлига келмаганмикан, ака, ўзим ғир этиб чиқиб кела қолай деган андиша?! Тасаввур қилинг, мен боргунимча одам кўпайиб кетарди. Навбат нималигини билмайдиган қизчамаман – олдинга бориб турардим: сизга ёлғон, худога чин, нима учундир доим енгил-юпун кийиниб чиқарканман-а! Шунинг учунмиди, сутга чиққанлар бенавбат олиб беришарди доим. Ака, айбга қўшмайсиз-у, балки ўша совуқларда шамоллаб шу кўйларга тушгандирман. Ҳозир ичимдан ўтиб кетган пайтда Раҳбар опанинг ўзи чикса бўлмасмиди сутга, дея фиғоним фалакка кўтарилади. Чиндан ҳам мен чиқишим шарт эдимми? Эсласам ҳозир кўзимдан ёш тиркирайди, ҳар куни эркатой боласини аравачага солиб айлантириб юардингиз, ўртоқларингизга ортик қўшилмай бола боқардингиз, ҳаммаси майли, кечкурун ўша аравачани ҳовлида ғилдирагигача ювиботозалаб қўярдингиз. У эса телевизор кўриб ё ўз боласига кўйлак тикиб ўтирарди. Тавба, уйимизда боғчанинг режими ўрнатилганини эсласам кулишимни ҳам, йиғлашимни ҳам билмайман. Пешингача қорним очса, бир бурда нонга зор юардим баъзан. Тўғри, қорнимиз оч қолмасди, лекин бола дегани дам-бадам овқат ейишдан ўзини тия оладими? Шундан болалар қўшненикига чиққанда апил-тапил дастурхонга

кўл узатаверади-да! Дадам бир куни, Раҳбар опанинг гапларидан кейин бўлса керак, мени койигандилар:

– Қизим, қўшниларникига чикқанда ҳа деса, дастурхонга термилаверма, боласининг кўзи оч экан, дейишади.

Ўшанда “дада, ўз уйимда мазза қилиб нон еёлмасам нима қилай?” дейишга ақлим етмас экан-да! Дадам боёкиш беозор, ишдан бошқасини билмайдиган одам эдилар. Бунақа оталар озми? Бир куни қайсарлигим тутдими, аразладимми, кечкурун овқат емай, чиқиб кетдим. Аллапайтгача уйга кирмай йўлакда, зах зинада ўтирдим. Ич-ичимдан совуқ ўтиб кетди, бир пайт дадамнинг шикаста овозда: боринг, чақириб келинг, совуқда бир дардга чалиниб қолади, деганлари қулоғимга чалинди. Раҳбар опа “агар ҳозир шундай қилсам, бола “кўнглимга қарашаркан”, деб ҳуда-беҳудага аразлайдиган бўлиб қолади”, деди. Қаранг, бола тарбияси учун қандай олижаноб мулоҳаза!..

Аммо мен-чи, зах, қоронғи йўлакда ўтирган қизчанинг соғлиғи-чи?!

Онасиз етим – шум етим, дейишарди, буни энди-энди тушуниб етдим. Ўз онам бўлганда мен бундай дардга чалиниб, шаҳарма-шаҳар дардимга шифо ахтариб кезмаган, шу чокқача ҳеч бўлмаганда иккитани туғиб ўтирган бўлардим, ака?!

Минг тасалли берсин, кўнглимга қарасин, Лукмони ҳақимни топиб келсин, куйсин, сиктасин, энди кеч. Ҳалиям бахтимга сиз бор экансиз, ака, бўлмаса юрагимни кимга ёрардим. Ким дардимга қулоқ соларди. Мана, ҳозир ҳам сизга хат ёзаяпман-у, енгил тортаяпман, хатто бунга сари юрагимда умид уйғонаяпти: дард берган шифосини ҳам берар, дея ўйлай бошлаяпман. Кошки эл қатори фарзанд ўстирсам, дея ният қиляяпман...

Ака, қутилмаганда бундай хат ёзганимга хафа бўлманг. Синглингиз бир кўнглини бўшатди-да!

Хайр, соғ бўлинг!

Синглингиз Мастура

II. Сайёранинг хати

Салом, ака! Ҳормай-толмай ишлаб юрибсизми? Кенно-ийм, жиянларим яхшими? Мендан сўрасангиз, ишларим жойида, соғлиғим яхши, ўйнаб-кулиб юрибман. Куёвингиз соғ-саломат – Қўшма Штатларга бир ойлик командировкага хозирлик кўряптилар...

Ака, тинчликми? Кейинги пайтда ҳар хил кўнгилсиз гаплар эшитяпман. Мастура опам тузукмилар? Анчадан бери хабарлашмайман. Самарқанддан келиб опамнинг Болтиқ-бўйидаги аллақайси шаҳар касалхонасига кетганларини ойимдан эшитдим. Ойим ҳам Мастура опам билан бирга даволанган узоқ қариндошларидан эшитган эканлар, ўтган ҳафта бизникига келганларида шуни айтдилар. Муолажанинг фойдаси бўлибдими? Ҳозир ўзингизга маълум, сентябрда ўқитувчиларнинг кўли кўлига тегмайди, вақт топиб опамникига боролмаяпман, ўзлари ҳам бундай биттаю битта синглим, ахир, дея хабар олмайдилар. Майли, ҳечкиси йўқ.

Ака, ойим келганларида жуда хафа бўлиб гапирдилар.

Тўғриси айтсам, уларнинг гапларини эшитиб, менинг ҳам юрагим зангор бўлиб кетди. Охири сизга хат ёзишга қарор қилдим. Сиздан илтимос, ака, бир вақт топиб келсангиз. Мастура опамни ҳам чақирамиз, ака-сингиллар биргаликда гаплашиб олсак, чунки бечора ойимларнинг еганлари ичларига тушмаяпти, уларни ҳам тушуниш керак, ахир, шунча йил боқиб катта қилсам, бирини эгасига топширсам, бошқасини уйлантирсам, энди кўлидан иш келадиган бўлганда эшитган раҳматим шу бўлдим, деб кўзёш қилдилар. Нима гап? Мастура опам эсини еб кўйганми? Ахир, ўгай бўлса ҳам онаси-ку! Таниган-танимаган кишига дардим бор деб айтаверадими одам деган. Ўлай агар, ўша пайтда ёнимда бўлганларида каттиқ уришардим, бу қанақаси, кап-катта одам! Мен ҳам ўша уйда ўсганманми ахир ёки кўшниникида катта бўлганманми? Уйимиздаги ҳаёт менинг кўз ўнгимда ўтдими? Дадамга теккандан сўнг бирон марта бизни хафа



қилганларини билмайман. Қачон қарамай, ҳозир шунча гап-сўздан кейин ҳам қизим, туққанимдан аъло деб эслари кетади. Наҳотки, шунча кўнгилсизликлар бўлиб ўтган бўлса-ю, дадам ҳам, мен ҳам билмаган, сезмаган бўлсак. Бунақамасда энди, ака! Аввало бир гап ўтган бўлса ҳам шунча йилдан кейин эшлаш, бировга гапириш, онанинг кўнглини оғритиш яхшими? Кимнинг болалигида нималар бўлмаган! Ўз боласи бўла туриб кўчага ҳайдаб қўяди-ку одамлар, кези келганда қарғаб ўлим тилайди-ку одамлар. “Мени сутга чиқарарди, менга иш буюрарди”, эмиш!.. Ака, кечирасиз-у, шуюм гапми?

Бечора ойим эзилиб кетибдилар. У кишини ҳам тушуниш керак-да, ака! Ахир, улар ҳам уч боланинг отасига турмушга чиқаман, деб орзу қилмагандир? Келин бўлиб келинлик нималигини билмаган, бола туғмай, бола боккан аёлни сиз тушунмасангиз узрли, ҳа энди эркак киши билмаслиги мумкин, деб қўя қолардим. Аёл бўла туриб, бошида эри бўла туриб, опам шундай гапларни гапирганига қандай чидай?! Тирноққа зор бўлишимга ўгай онам сабаб, дегани қуруқ тухмат эмасми – дардни худо беради, ака. Шифосини ҳам берса ажаб эмас. Ҳозирги дардига йигирма йил бурунги гапларни кўзгаб, бировни – она бўлиб бошини силаган одамни гапирган опамга уят. Ҳалиям бўлса, шунча гина-қудуратдан кейин ҳам ойим бегонаники бегоналик қиларкан, демаяптилар. Уйимизни шунчалик обод қилиб, бизларни вояга етказган, дадамдан сўнг бизларни боккан, гард юқтирмай ўстирган ойим дунёга келиб нима кўрдилар? Бировнинг учта боласини ўз боласи қаторида қатта қилиб, шуми эвазига эшитган миннатдорчиликлари? Ундан кўра, Азиз ака, Мастура опамга бу аёлнинг иззатини қилиб, ҳурматини жойига қўйиб юришимиз лозимлигини тушунтириш керак.

Шу билан қискача хатим тугади. Уйдагиларга салом деб қўйинг.

Синглингиз Сайёра



III. Ўғай онанинг мактуби

Азизжон, саломатмисиз, яхши ўтирибсизми, невараларим катта бўлишяптими? Келинпошша ўйнаб-кулиб юрибдиларми? Илойим, омон бўлишсин, ёмон кўздан асрасин.

Азизжон, сизга хат ёзаётганимнинг боиси, эҳтимол, биларсиз, эҳтимол, Сайёрахон мактуб йўллаган бўлса, ҳаммасидан хабарингиз бордир, шунинг учун мени тўғри тушунинг, сизга арзҳол қилмоқчи эмасман, ниятим жилла куриса, кўнглимни бўшатиш билан шу чоққача нимаики қилган, ўйлаган бўлсам, ниятим сизларга – Мастурахонга, Сайёрахонга малол келмасмикан, уларнинг кўнглига бошқа гап келмасмикан, деган андишада оналик қилиш бўлган – шундан ўзга муддаойим бўлмаганини етказиб қўйиш.

Азизжон, сиз тушунадиган йигитсиз, эсингизда бўлса, мен сизларникига келин бўлиб эмас, она бўлиб кириб келганман, раҳматли дадангиз менга уйланишидан олдин шундай шарт қўйгандилар, мен у кишининг ўша шартларини халигача унутганим йўқ. Ҳолбуки, менинг ҳам ўзимга яраша орзуларим бор эди. Мен ҳам ёш келинман, ўйнаб-кулишни истардим. Аммо орзу бошқа экан, пешонангга ёзилгани бошқа экан. Мен нолимайман, нолисам икки дунёим кўйиб кетса кетсин. Лекин энди ҳар хил гаплар, ноўрин таъна-маломатлар одамни эзиб ташлар экан. Азизжон, мен сизларникига кириб келганимда бор орзу-ҳавасимни остонада қолдириб ичкарига қадам босганимда сиз ўн уч яшар бола эдингиз, менга укадай эдингиз. Аммо мен сизга она бўлишга, онангиз ўрнини босишга нафақат ният қилган, балки хоҳлаган ва ҳаракат қилгандим. Мастурахон саккиз ёшли кизча эдилар, Сайёрахоннинг уч ярим яшарлик пайтлари эди – шуларнинг кўнгли тирноқча ўксимасин, ўғайлигим билинмасин, деб ҳар нарсага тайёр эдим. У дунёю бу дунё ҳаммангиздан розиман, аммо Мастурахоннинг кўнгида шундай маломатлар бор экан, эшитиб дунё кўзимга қоронғи бўлди: мен нима ёмонлик қилибманки, шунга сазовор бўлсам, қайси гуноҳларим учун ўғай деб ном



олсам. Сизларни деб кўнгил кўйган ишимдан воз кечганим ўғайлигимми, мактабдан қайтганингизда иссиқ овқат тайёрлаб ўтирганларим ўғайлигимдан, бошингизни силаганим, тўғри тарбия беришга ҳаракат қилганларим, бирингизни ўғлим, бирингизни кизим деб бағримга босганларим, бетоб чоғингизда тепангизда парвона бўлганларим ўғайлиқданми? Эҳтимол, онанинг ўрнини дунёда ҳеч ким босолмас, лекин мен ўғай дегулик даражада иш қилмаганман.

Қоронғи уйда кичкина чирок ёнса, ҳамма шу чирокка мухтож бўлади. Шу чирок қандай эканлигидан қатъи назар хонани ёритади. Аммо наҳотки кези келганда шу чирок бекадр бўлиб қолса?! Азизжон, сиз ўқимишли одамсиз, мен нима демоқчи бўлаётганимни, кўнглимни нималар тирнаётганини жуда яхши тушунасиз. Сиздан илтимос, беш кунлик дунё – ўтади-кетди. Она-болалигимизга путур етмасин. Киндик қонингиз тўқилган уй ўз кадрини йўқотмасин, дейман. Келинг, болам, Мастураҳон билан Сайёраҳонни, Саломатхонларни йиғиб келинглар. Бу уй ҳеч қачон меники бўлган эмас. Бу уй сизларники. Қолаверса, бу уйда укаларингиз Адҳамжон билан Раҳматжонларнинг ҳам сизлардан кейингина ҳақлари бор. Гина-кудурни унутайлик. Қолган ҳаётимиз эса пешонамизга ёзилганича бўлар.

Раҳбар она



**Эркин
УСМОҒОВ**
(1952 йилда туғилган)

ТОШБОСҒАНСОЙ ВОҚЕАСИ

Оғайним Алижонни кўрсам, ҳам куламан, ҳам куяман.

Бундоқ карасангиз, бинойидек. Етти мучаси соғ, акли-хуши жойида. Агар ўлгудек содда, болалардек ишонувчан ва хаёлпараст эканлигини нуксон демасангиз, ҳеч қанақа камчилиги йўқ, кўнгли тоза йигит.

У ҳали ёш болалигидан отаси онаси билан ажрашиб кетган, билишимча, жуда ночор яшашарди. Шунга қарамай, акаси ўкиб, касб-хунарли бўлди-ю, оёққа туриб олишди. Алижоннинг ўзи эса мактабдан кейин ўқимади. Ҳайдовчилик курсини битириб, автопаркка ишга кирди. Орамизда биринчилардан бўлиб ҳарбий хизматга бориб келди. Кейин яна ўзининг эски ишига қайтди. У шаҳар атрофига қатнайидиган йўналишли автобус ҳайдовчиси бўлиб ишларди.

Шу тахлит орадан йиллар ўтди...

Бир куни эшитсак, уни уйлантирадиган бўлиб қолишибди. Бу пайтда акаси аллақачон уйланиб, бола-чақали бўлиб кетган, онаси хасталаниб уйда ўтириб колганди.

Хуллас, Алижоннинг тўйига ҳамма собиқ синфдошлари тўпланиб бордик. Тўй жуда чиройли ўтди-ю кутилмаганда

хунук тугади. Алижон тўй ўтган куннинг эртасигаёқ “хотини билан ажрашаётган эмиш”, деган гапни эшитиб, қотиб қолдик.

Маълум бўлишича, Алижонга олиб берилаётган қиз никоҳ куни кечаси йиғлаб, “Мени мажбурлаб сизга узатишяпти. Ўзимнинг яхши кўрган, юрадиган йигитим бор”, деганмиш. Энди бу ёғини тасаввур қилаверинг! Алижон деганлари бир кечадаёқ адойтимом бўлди. Бунақа ходиса ҳеч кимнинг бошига тушмасин-у, жуда хунук бўларкан.

Ўша кунлари Алижонни гузарда кўриб, очиғи, таниёлмай қолдим. Озиб-тўзиб кетган, сокол-мўйлови ўсиб, халқ таъбири билан айтганда, “иккита қулоғи билан битта бурни қолганди”, холос.

У мен билан истар-истамас кўришди. Мен буни сездим, “Кўп сиқилма, оғайни. Айб сенда эмас-ку!” деб овутидим.

– Йўқ, бўшанглигим, кўнгилчанлигим бошимга етди, – деди у маъюс бош чайқаб. – Янгам “Узоқроқ қариндошимизнинг кизи. Хўп десангиз, бас” деса, лакқа тушиб ўтирибман. Ўша қиз билан учрашмабман ҳам. Олдидан ҳам ўтмабман. Энди билсам, унинг уйдагилари “юрадиган” йигитига узатишга қарши эканлар. Мана энди икки ўртада мен шарманда, қипкизил томошақовоқ бўлиб қолдим...

Шу учрашувимиз, шу қисқагина гап-сўзимиз сабаб бўлдими, ҳайтовур, кейнчалик ҳам у билан тез-тез кўришиб турадиган бўлдик. Назаримда, у бизникига келиб, мен билан суҳбатлашса, хуфтон дили ёришади, юракдаги оғриқлари хийла босилади.

Мен мактабда ишлайман. Тил-адабиётдан дарс бераман. Баъзан ўзим тенги ёш ўқитувчи йигитлар билан “Ҳалқа йўл” яқинидаги чойхонага бориб ошхўрлик қилиб турамиз. Бир куни кўярда-кўймай, Алижонни ҳам шу даврага судраб бордим. Жуда яхши ўтирдик-ку, зиёфат охирлаганда, Алижоннинг сал кайфи ошиб қолди ва уйга қайтиб келгунимизча миямни қоқиб, қўлимга берди.

“Барибир шаҳардан кетаман. Узоқроққа – тоққами, чўлгами,

бирон дарё бўйигами? Ўша ерларда овчилик қиламан, балик тутаман, деҳқончилик билан шуғулланаман. Бу ерда акам билан янгамнинг қош-қовоғига қараб ўтираманми? Ўша ёқларда жайдари кишлоқ кизларидан бирига уйланаман. Туриш-турмушимни эпакага келтириб олгач, онамни ҳам олиб кетаман. Шундан кейин янгам ҳам, акам ҳам мендан қутулишади!”

Ўшандан кейин анчагача кўришолмай юрдик.

Мени пойтахтга “Малака ошириш курслари”га ўқишга юборишди. Бир ой қолиб кетдим.

Ишонасизми-йўқми, Алижон тушмагур мени кидириб ўша ёққа ҳам борди. Тоза шаҳар айландик. Соатлаб суҳбат курдик ва ўшанда ҳам мен Алижон аввалги романтик хаёлларидан қутула олмай юрганини сездим.

“...Яқинда биронта тоғ кишлоғига кўчиб кетаман. Ҳайдовчиларга ўша ерларда ҳам иш топилади, – давом этди у жонланиб. – Тасаввур қил! Шундоқ тоғ этагидаги кишлоқ. Жимжит... Битта буқа, иккита сигир, беш-ўнта кўй-эчки сотиб олиб боқаман. Сен ҳам келинни, болаларингни етаклаб дам олгани бориб турасан!..”

Оғайнимнинг шунақа хаёлпарастлиги, болалардек соддалигидан хайратланиб, унга меҳрим ошади, баъзан ҳавасим ҳам келиб кетади. Ётоқхонадаги суҳбатимиз кун ботгунча давом этди.

Ўша куни ётоқдаги ҳамхонам – Бакир деган оҳангаронлик ўқитувчи ёнида бир нотаниш йигит билан кириб келиб қолди. Кўришдик, танишдик. Суҳбатимиз суҳбатимизга қовушиб кетди. Қайтадан дастурхон тузатдик. Шишалар очилди. Меҳмонимиз – Зулқарнайн исмли йигит, довон йўлидаги Ойбулоқ деган кишлоқдан экан.

Алижон “довон” деган сўзни эшитиб, бирдан сергакланди, Зулқарнайнга қаради.

– Сўраганнинг айби йўқ. Сизнинг кишлоққа ҳам электр борганми? Кўчалари асфальтми? – сўради узундан-узун киприкларини пирпиратиб.

– Албатта, – илжайди Зулқарнайн. – Шаҳардан қолишмайди. Кўчаларимиз теп-текис. Мактаб, боғча, медпункт, ҳатто “супермаркет”имиз ҳам бор.

– Бе-е, бўлмабди, – кўл силтади Алижон ҳафсаласи пир бўлиб. – Унақада қизик эмас экан. Қишлоқ бўлса, тоғлар орасида бўлса... Сойлар, дарёлар шарқираб турса... Электр, чирок, телевизор бўлмасаям майли!

Бунни эшитиб қулишдик.

– Сиз айтгандақа қишлоқлар ҳам йўқ эмас, – кулимсиради Зулқарнайн.

– Қаерда? – кўзларини жавдиратди Алижон яна.

– Шундоқ тоғнинг ортида, – деди Зулқарнайн Алижонга маъноли қараб қўйиб. – Тоғларнинг орасида, кичкинагина. Ҳавоси қаймоқдек... Дов-дарахтлари кўп... Катта сой қишлоқни айланиб оқади... Аҳолиси асосан қўй-эчки боқади, дехкончилик қилади. Узум, ўрик етиштиради. Сиз айтганингиздек, у ерда асфальт кўчалар у ёқда турсин, машина юрадиган йўлнинг ўзи ҳам йўқ. Одамлар отда, эшакларда юришади.

– Воҳ! Мен борадиган қишлоқ экан! – деб юборди бирдан Алижон завқланиб менга қараб қўяркан.

– Сиз айтганингиздек, электр ҳам йўқ. Одамлар лампа шиша ёкиб ўтиришади, – давом этди Зулқарнайн. – Лекин одамлари жуда содда, меҳнатқаш, жайдари одамлар. Қизларини айтмай-сизми? Нақ, тоғ оҳуларининг ўзи. Бири биридан сулув...

– Оҳ, оҳ, оҳ! – яна хитоб қилди Алижон кўзлари чақнаб. – Менга манзилини беринг, биродар. Ўша ёққа бораман!

Яна қулишдик. Алижон ташқарига чиққанда мен меҳмон йигитга унинг мураккаб ҳаёти ва у азалдан шунақа хилват бир макон излаб, ўша ерда яшаб, ишлаш ҳавасида юрганини қисқача айтиб бердим. Зулқарнайн мени диққат билан эшитиб ўтирди-да, Алижон киргач, ҳикоясини яна келган жойидан давом эттирди.

– Мен ўзим у ерда атиги бир марта бўлганман-у, лекин умр бўйи эсимда қолган, – деди у энтикиб. – Нақ эртақнинг ўзи! Унинг олдида Швейцария курортлари бир пул. Жаннатнинг “филиа”ли дейсиз. Ҳавонинг тозалиги, ҳар хил маза-бемаза гап-сўзларнинг йўқлиги, умуман, тараккиётдан узоқлиги одамларнинг ҳам феъл-атвориға таъсир кўрсатаркан, шекил-

ли, у ердаги одамларнинг соддалигини кўриб ҳайрон қолгандим.

– Оти нима ўша кишлокнинг? – сўради Алижон шошилиб.

– Тошбосгансой, – жавоб берди Зулқарнайн.

– Бўлди, мен Тошбосгансойга кетаман, – деди Алижон бир зум жим қолиб ва жиддий оҳангда қўшиб қўйди. – Ўша ерда уй қуриб, уйланиб, бола-чақа қиламан. Ўрик экаман, узум етиштираман, қўй-сигир бокаман...

Шу-шу қачон Алижонни кўрсам, ундан бир хил гапни эшитадиган бўлиб қолдим: “Мана кўрасан, барибир Тошбосгансойга кетаман. У ёқда ҳаёт зўр. Бормагансан-да, билмайсан. Нақ жаннатнинг “филиал”и!” – дейди ҳаяжондан кўзлари чакнаб.

Мен эса унинг гапларини эшитиб, ҳар сафар ҳайрон бўламан, унинг ишонч билан, худди ўша кишлокқа бориб келгандек гапириши мени ҳайратга солади...

Хуллас, “малакани ошириб” келгач, яна ишга шўнғиб кетдим. Алижон ҳам автобус паркидан бўшаб, қанақадир қурилиш қорхонасининг катта юк машинасини ҳайдашга ўтди. Кам кўришадиган бўлиб қолдик. Бир-икки уйига йўқлаб борсам, ҳали у вилоятга, ҳали бу туманга кетган дейишди.

Ахийри, бир куни гузарда унинг юк машинаси турганини кўрдиму, автобусдан тушдим. Алижон сигарет олгани дўконга кирган экан. Кўришдик. Машина кабинасида бирпас суҳбатлашиб ўтирдик.

– Кўринмай кетганинга аллақачон Тошбосгансойга жўнаворгандирсан, деб ўйлагандим, – деб ҳазиллашдим.

– Йўқ, боролмаяпман, – маъюс кулимсиради у. – Онаминг товлари йўқ...

Ўртага жимлик чўқди. Алижон бир лаҳза машинанинг олд ойнасидан номаълум бир нуқтага хаёлчан тикилиб қолди.

– Ҳалиям Тошбосгансой деб юрибсанми? – қулдим мен. – Энди бунақа бўлмағур хаёлларни қўй, оғайни. Катта бўлиб қолдик. Уйлан, бола-чақа қил...

– Аввал Тошбосгансойга кетай, кейин... – сўзимни бўлди Алижон хаёлчан товушда.





– Ўша кишлокқа ўзинг бирон мартаба бормагансан, кўрмагансан-ку, ахир? – қизишдим мен асабийлашиб.

– Бормаган, кўрмаган бўлсам ҳам, биламан. Тошбосгансой менинг иккинчи ватаним, – деди Алижон менга қарамай.

Ўша учрашувимиздан кейин орадан кўп ўтмади. Кеч кузнинг изгирин кунларидан бирида хунук хабарни эшитиб, донг қотиб қолдим.

Нима эмиш? Алижон ўзининг машинасида қайси бир чекка тумандан қайтаётиб, тўсатдан қатта йўл юзига югуриб чиккан уч-тўртта болақайларни кўриб, шошиб қолибди... Тормоз босишга улгуролмаслигига кўзи етгач, рулни йўл четига буриб юборибди ва машина юк-пуки билан жарликка кулаб, Алижоннинг ўзи ўша ерда ҳалок бўлибди!

Бу гапни эшитдим, уйига югурдим. Афсуски, ўша узунқулоқ гап рост бўлиб чиқди. Алижон чиндан ҳам ҳалокатга учрабди...

* * *

...Орадан ярим йилча вақт ўтди. Эрта баҳор кунларининг бирида хизмат юзасидан пойтахтга йўлим тушдию, иттифоқо, бир вақтлар ҳамхонам бизни таништирган ўша Зулқарнайн исмли йигитни учратиб қолдим. У ҳам мени таниди. Автобус бекатида бирпас суҳбатлашиб қолдик ва мен унга Алижон, унинг фожиали ўлими ҳақида гапириб бердим.

Зулқарнайн бунга жуда ачинди.

– Эсиз, болалардек содда, беғубор йигит эди-я! – деди таассуф билан бош чайқаб. – Худо раҳмат қилсин. Оиласи бормиди?

– Йўқ. Айтгандим-ку, биринчи турмуши бўлмаган... “Тошбосгансойга бориб уйланаман, бола-чақа қиламан” деб орзу қилиб юрарди, – дедим мен ва кизиқсиниб сўрадим. – Ўша кишлок ҳалиям борми?

– Бе, қаяқда?! – деди Зулқарнайн лабларини қимтиб. – Унақа кишлок таг-туғи билан йўқ. Ҳаётда кўрмаганман. Ўша кун сизлар билан чакчаклашиб ўтириб, оғайнингизнинг кўнглини



кўтариш учун айтгандим... Баъзан ширин хаёллар ҳам рухий мадад бўлади дейишади-ку?!..

Ўргага жимлик чўкди ва уни яна Зулқарнайн бузди:

– Бир гап айтайми, ака, – деди у ўйчан оҳангда. – Тўғрисини айтсам, ўзим ҳам ўша кишлоқнинг борлигига ишонаман... Очиғи, кўпинча турмуш ташвишларидан чарчаганимда ўша ёққа бош олиб кетиб қолгим келади...

Мен қаршимдаги йигитни энди кўраётгандек хайрат билан тикилиб қолдим.

Шу тобда теварагимдаги кўп каватли уйлару асфальт кўчаларни кўзим кўрмас, қулоқларим том битган, сершовқин шаҳар, машиналар товуши, одамларнинг ғовур-ғувури ҳам эшитилмас, гўё ўша Тошбосгансой кишлоғи йўлида тургандек эдик, назаримда...



Нормурод
НОРҚОБИЛОВ

(1953 йилда туғилган)



БУЛОҚ

Кўҳна булоқ қаватидан, ерга ярим ботган қизғиш харсанг-тош биқинидан янги булоқ кўз очганида, олатасир кўклам жаласи эндигина тинган, ёмғир ювган ям-яшил майсалар мисли увада пахтадек титилган булутлар орасидан чўчиброк мўраламоққа тушган куёш нуридан ял-ял товлана бошлаган, хув наридаги ёнбағирликка сочилган паст-баланд буталар эса намдан залвор тортган, эгилган нозик новдаларини тезрок селгитиш умидида ҳар ёмғирдан сўнг кунботиш томондан қўзғаладиган эпкини илҳақ кутиб, қунишибгина турардилар. Улар экин эсиши билан жонланиб, роҳатланиб адоксиз қўшиқлари – шитир-шитир ва шивир-шивирини бошлаб юбориш илинжида эдилар.

Кўп ўтмай бўлиқ майсалар бошини силаб-сийпалаб, эшилиб-эрқаланиб енгил экин ҳам етиб келди. Ёнбағирликдаги яшил буталар шодланиб, қулранг япалоқ тош тагини макон тутган чумолилар ғимирлаб қолди. Бироқ инлари оғзидаги ёмғир сувидан ҳосил бўлган кафтдек кўлмакча уларга бамисоли уммондек кўринди, шекилли, тараддудланганча туриб қолишди. Бу орада аввалига қаердандир оппоқ капалаклар

пайдо бўлиб, сўнг визиллаганча арилар етиб келди. Улар майсалар оғушидаги турфа ранг митти чечакларни танлаб-танлаб “бўса” олмоққа тушиб кетдилар.

Куёш қиздириб, ер селгигани сари теварак тобора жонлана бошлади.

Эндигина кўз очган булоқ учун буларнинг бари жуда қизиқ, жуда ҳайратланарли эди.

У оламнинг бу қадар фусункорлигидан ҳаяжони тошиб, ғайрати жўшиб, шўхчан-шўхчан шилдиради.

Овози тиник ва ўта нафис эди.

У ўз овозига ўзи маҳлиё бўлиб, янада кувноқрок чулдирашга уринди. Бироқ унинг бу тахлит тўлғанишию тўлқинланишига эътибор берувчи бўлмади. Борлиқ ўз майлида тўлиб-тўлиқиб яшнарди, ялтирарди: яшил майсалар баҳорнинг бу илиқ-иссиқ кунлари муваққатлигини сезгандай, енгил эпкин измида беармон эркаланар, турфа хил мўъжаз чечаклар ўпич умидида бошлари узра тинмай визиллаётган ариларга нозу қарашма қилишар, оппоқ капалаклар эса, умрлари атиги бир неча кунлик бўлишига қарамай, худди бу дунёда мангуга қоладигандек, оламга сиғмай майсадан гулга, гулдан майсага учиб кўнишарди. Дарвоқе, чумолиллар офтобда қурий бошлаган кўлмакни ёқалаб ўтиб, аллақачон узун қарвон ҳосил қилганди.

Янги булоқнинг сўраб-суриштирадиган нарсалари жуда сероб эди. Минг афсуски, шундоққина ёнгинасидан, бу дунёга бегонадек, сассиз-садосиз, ҳорғин ва толғин оқаётган кекса булоқ унинг барча саволларини жавобсиз қолдирмоқда эди. Бунга сари энди кўз очган булоқнинг қайнаб тошгиси ва ўзининг дилбар қўшиқлари билан бутун борлиқни шодликка кўмиб ташлагиси келарди.

Унинг кекса булоққа берган сўнгсиз саволларидан охириги шу бўлди:

– Нечун бунча ғамгинсиз?

Кекса булоқ бу сўроқни ҳам одатдагидек жавобсиз қолдириб, маҳзун оқишда давом этди.



– Қарибсиз... жуда қарибсиз! – бу таъна янги булоқнинг тилидан беҳос кўчди ва сўнг одобсизлик қилганини фаҳмлаб қолиб, хижолатомуз чулдираб қўйди.

Кекса булоқ эса унинг мавжудлигини пайқамагандай, ўша-ўша лоақал қия боқишни лозим топмади. Бундан янги булоқнинг ёмон алами қўзиди. Кўхна булоққа қасдма-қасд, тиришиб-тирмашиб ўзига янги ўзан оча бошлади. У йўлида учраган майсаларга салом бериб, уларнинг олқишидан роҳатланиб, тўлғаниб-тўлғаниб оқди. Табиатан шўх эмасми, рўбарў келган қурт-кумурскларни елкасига опичлаб қитмирланиб-қитмирланиб оқди. Ундаги бу тизгинсизлик соз тупроқли дўнгликкача давом этди. У йўлида учраган тўсикка манглай уриб тўхтаркан, бу нимаси дегандай, бир зум анг-танг туриб қолди. Бир қарашда, энди унинг кекса булоқ оқимиға қўшилмоқдан бўлак иложи йўқдай эди. Аммо у бўй беришни истамади. Шунинг учун зўр сабр-бардош билан дўнглик четини юмшатиб, аста “кемира” бошлади.

У ёш ва кучли эди.

Соз тупроқли дўнглик унинг тиришқоклигига бардош беролмай, нурай-нурай, охири бағрини очди. Янги булоқ ўзининг дастлабки ғалабасидан беҳад шодланиб, теваракка ғолибона бир кур назар ташлади. Кўрдикки, кекса булоқ ўзанидаги сувнинг мазаси йўқроқ. Бу туришида узокка борадиган эмас. Бироқ у йўқ-бор нарсалар ҳақида бош қотириб ўтиришга ҳали одатланмагани боис, дўнгда ушланиб қолганлигининг хиссасини чиқармоқчидай, шиддат-ла олға интилди. Ва тезда шуни англадики, ўзининг кўз очганидан майсалар хурсанд. Ана, чечаклар ҳам эпкинда чайқалиб-чайқалиб чапак чалмоқдалар. Оппоқ капалаклар эса, назарида, бошидан нари кетмай қолди. Бундан у ўзида йўқ масрурланиб, чулдираганча қўшиғини энг авж пардасига чиқарди. Наздида, қўшиғини бор жумлайи жаҳон жон қулоғи билан тинглаётгандек эди. Йўқ, унинг шўх ялласини ҳамма ҳам тингламаётган экан. У қутилмаганда ҳавони титратиб юборган қаҳрли овоздан чўчиб тушди. Атрофга аланглаб, ҳали умрида кўрмаган жонзотлар



– икки нафар одам боласига нигоҳи тушди. Улар тизза бўйи кўтарилган тошдевор ёнида бир-бирига хезланиб туришарди. Боягидек қахрга тўла хитоб бу сафар янада баланд оҳангда такрорланди.

– Мен сенга девор эгирма деганман!

– Эгираман!

– Кўлингни уриб синдираман!

– Синдириб бўпсан!

– Этингни бурда-бурда кип ташлайман!

– Мен сенинг этингни сихга тортаман!

Бу пайтда энди кўз очган булок навбатдаги чоғроққина дўнгликка етганди. У тевааракка тузукроқ разм солиб, ўзича не гаплигини англамоқчи бўлди. Бироқ, турган гап, ҳеч вакога ақли етмади. Ҳалиги иккисининг жанжали эса, борган сари авжланарди. Уларнинг бакир-чакирига паррандалар дош беролмади, биринчи бўлиб улар нари учиб кетдилар. Сўнг булок бўйидан капалаклар узоклашиб, кўп ўтмай ариларнинг ҳам уни учди. Чечаклар бўй таратишдан тийилиб, майсалар қунишиб олди. Фақат кўпни кўрган кекса булокқина бепарво, одатдагидек, бамайлихотир оқишда давом этарди.

У жуда кекса эди. Кўп эмас, оз эмас, нақ минг ёшни уриб кўйганди. Шунинг учун ҳам бу дунё ишлари ҳақида кўп нарсаларни билар ва бир олам воқеа-ҳодисаларга гувоҳ бўлганди. Фақат ҳамма бало шундаки, унинг дарди ва хотираларини тингловчи йўқ эди. Қаватида чулдираб оқаётган янги булокни эса, бу ҳали гўдак, ниманиям тушунарди, деган ўйда ўзига тенгситмай турарди.

Янги булок йўлига кўндаланг бўлган бу дўнглик замини тошлок экан, шунча уринса-да, тўсикни емиролмади. Оқибат, у сўлга қайрилишга мажбур бўлиб, кекса булок ўзанига янада яқин келиб қолди. Лекин ҳали ҳавоси жуда баланд эмасми, унга қўшилмади ва нишабликдан фойдаланиб, ортикча азиятсиз илгарилай бошлади.

Бу орада ҳалиги кимсаларнинг бакир-чакириғи кучайгандан-кучайиб, улар қаторига икки аёл ҳам қўшилганди.

Энди кўз очган булоқ тўлғаниб, жahl билан чулдиради:

– Булар ким, нега бунча бақришаяпти, а?

Кекса булоқ қаватида шилдираб оқаётган ҳамроҳига илк бор назар соларкан, чукур ух тортиб деди:

– Булар пастдаги кўшнилари, сен билан мени бўлишолмай хуноб бўлишмоқда.

Янги булоқнинг нигоҳи шундагина куйидаги қишлоқни ва бериоқда кўнқайган икки кулбани илғади.

– Нега энди бўлишаркан, нима, бизнинг уларга қарашли жойимиз борми? – деди у ичи ёниб.

– Йўқ, биз ҳеч кимга қарашли эмасмиз.

– Унда нега улар бизни талашшаяпти?

– Нодонликлари туфайли.

– Нима дегани у?

Кекса булоқ ортиқча изоҳга хоҳиш сезмади. Нимага деганда, “нодонлик”нинг нелиги сўзнинг ўзидан аён, уни хижжалаб тушунтирмоққа не ҳожат, деган хаёлда тагин сукутга толди.

Кекса булоқнинг ўйлайдиган, хотирлайдиган нарсалари мўл эди. Кўпи унутилиб, кўпини яхши эслаб қолганди. Эсида, юз йилнинг нарисиди ҳозирги қишлоқ ўрни бийдек яйлов эди. Ёз олди яйловга чорвасини ҳайдаб чиқадиган чорвадорлар хамиша булоқ бўйини макон тутардилар. Ўтовлар тикиб, кузни шу ерда охирлатардилар. Кундузи молларини боқиб, тунлари олов атрофида алламаҳалгача ўйин-кулги қилишарди. Кекса булоқ бу фараҳбахш дамларни, ўзидан сал наридаги тошлоқ сайхонликда ёкиладиган катта гулханни ва гулхан билан шуъла талашган осмон тўла юлдузларни, тўлин ойли тунларни ҳеч унутолмайди, ҳали-ҳануз кўмсайди.

Кейинчалик яйлов ўрнига бирин-сирин томсувок уйлар туша бошлади. Қишлоқ кенгайгандан-кенгайиб, ажабтовур замонлар бошланди. Учли қалпоқ кийганлар у ён-бу ён от кўйиб ўтдилар. Алп келбатли йигитлар улар билан аёвсиз олишдилар. Бу нотинч замонларда кекса булоқ суви кўплаб одамларнинг – яхшини, ёмонни ҳам конини ювди, ташналигини қондирди. Ўқ ва тиғдан яраланган не-не азаматлар бир култум сув илинжида унга етолмай ўлиб кетдилар.

Ундан наридаги замонлар ҳам ажабтовур ва ҳар бири ўзига хос бир тарих эди. Лекин шу пайтгача ҳали ҳеч ким бугунгидек булоқ талашиб жанжаллашмаганди. Бу ҳол кекса булоқ ҳаётида илк бор юз бермоқда эди.

Янги булоқ ўзининг кимгадир тегишли бўлишини ҳеч ҳазм килолмади. Чулдираб савол деганларини қалаштириб ташлайверди. Унинг бу феъли, яъни бировга тегишли бўлишни истамаслиги кекса булоққа жуда ёқиб тушди. Меҳрини ийдириб, кўнглини юмшатди. Бу қишлоқ одамларининг барини танигани боис, кексаларга хос эзмаланиб, воқеани ўзи билганича ҳикоя қилишга тушди.

Кекса булоқнинг фикрича, ўрдаги-қирдаги нарсаларга девор эгиришни аввалига Рауф мўнди бошлаб берган. У тоғ бағридаги дўланазорни тошдевор билан ўрай бошлаганида, одамларгина эмас, қишлоқнинг бурга босган мушугию чўлоқ итигача ҳайрон қолган. Рауф мўнди деганлари тошдеворга жуда кўп куч сарфлади. Ҳадеб тош кўтараверганиданми, чурраси тушиб, мана энди яримжон бўлиб ўтирибди. Не машаққатлар билан кўтарилган тошдеворининг ярми ағнаб, ярми ўпирилиб ётибди.

Бир-бирига хезланган кўйи, хануз бақир-чақир қилаётган манову иккисига келсак, фикри бузуклик аввал бошда Товқора чўтирдан чиққан. Ёнбағирликка туташ нишобтоб сайхонликда жойлашган бу булоқ суви ҳар иккисининг томорқаси оралиғидан ўтиб, наридаги сойга бориб қуйилади. Фарқли жиҳати, булоқ кўзи Товқора чўтирнинг томорқасига хиёлгина яқинроқ эди. Шу бир куни тонгда у ювиксиз бет билан ёнбағирликка чиқиб келади-да, ҳали уйку тўла тарк этмаган мудроқ нигоҳини тевааракка югуртириб, ўзича ниманидир кидиргандай бўлади. Бу унинг азалий одати, тонгдан вайсашга тушадиган аёлининг овозини эшитмаслик учун кўпинча ёнбағирликдан паноҳ кидиради. Четдан караганда, у табиат гўзаллигига маҳлиёдек туюлади. Аслида эса гўзаллик уни мутлақо қизиқтирмайди, бу каби нозик туйғулар унга етти ёт бегона. Кўзи очиг-у лекин ҳеч нарсани кўрмайди. Ле-

кин бу сафар у Рауф мўнди эгирган тошдеворга негадир ўзга бир йўсинда назар ташлади. Тошдевор аллақачон заволга юз тутган эса-да, ундан қуйидаги ном қолган: “Рауфнинг жойи”. Бу ном энди йўқолмайди, бир умр сақланиб қолади. Худди “Яшин урган қоя” ёхуд “Ит улиган дара” каби. Қай бир замонларда кунчиқишдаги қоя бошини яшин уриб, юқори тизмадаги дарада туни билан ит улиб чиққан экан. Шундан буён бу жойлар юқоридаги номлар билан атаб келинади.

Товқора чўтир шуларни хаёлидан ўтказаркан, аллақачондан бамисоли ковоқаридай ғўнғиллаб етиб келган бир ўй миясига чиппа ёпишди-қолди. Минг ҳайдаса-да нари кетмай, қайтамга тилида куйидаги равишда эврилди: “Товқоранинг булоғи.” У булоқ томонга ўшшайиб тикиларкан, сув эгаси бўлишдек ҳавойи бир хисдан қувониб, рухланиб кетди, зумда девор эгирилиши лозим бўлган ўринни белгилашга ҳам улгурди. Илгариям булоқни томорқасига қўшиб олишни бирикки ўйлаганди-ю, лекин бугунгидек катъий тўхтама келмаганди. Бу ишидан қўшниси Тоҳир қоранинг ғазабга келишини билганди-ю, лекин жанжалнинг бу қадар жиддий тус олишини хаёлига келтирмаганди.

Мана, ҳафтадирки, иккиси қирпичок. Тизза бўйи тошдеворнинг ҳар икки ёнида туриб олиб, бир-бирига айтмаган сўзи, отмаган тоши қолмади. Бугун эса Товқора чўтир йўқ ердаги даъвони илгари сурди, эмишки, қадимда бу ерлар бобосига тегишли бўлган экан. Бу ўринсиз даъводан Тоҳир қора қолиб, кекса булоқнинг ҳайрати ошди.

– Бу ерга унинг бобоси эмас, отаси қўчиб келганди-ку! – деди нуноби ошиб.

Бунга жавобан янги булоқ норози чулдираб қўйди. У кекса булоқнинг узундан-узун ҳикоясидан зериккан, одам боласининг бақир-чакиригидан ҳуркиб қочган қушларни, оппоқ капалаклар ва ариларни соғинганди. Шунинг учун жанжалкаш кимсаларни девор-певорига қўшиб оқизиб кетгиси келди. Бунга чоғи етмаслигини англаб, қаватида ҳануз сўзланиб оқайтган кекса булоққа умидвор тикилади. Бироқ кўрадики,

хамрохи хаста, унинг кучи хотиралар сўзламокка етади, холос.

У ҳавога қалқийтган хитобларни эшитиб, баттар ташвишга тушади.

– Агар ниятингдан қайтмасанг, булок кўзини ёпаман! – деди Тохир қора.

– Тихирлик қилиб, ҳадеб жонимга тегаверсанг, мен уни портлатаман! – деди униси.

Унинг бахтига яхшиям тун бор экан, одамзодни алахситувчи чек-чегарасиз окшом юмушлари бор экан. Дўнгда кишлоқ подаси кўриниши билан аввал аёллар кетди. Сўнг ишдан эмас, жанжалдан ҳориган эркакларнинг қораси ўчди.

Тун ором ўтди.

У кекса булокнинг куриб қолганини сахарга яқин билди. Бундан қайғуришним, қувонишним билмай турганида, кушлар саломга етиб келишди. Тунги енгил шудринг остида ором олиб ётган турфа чечаклару майсалар қуёшдан олдин уйғонишиб, аввал унга, сўнг офтобга олқиш йўллашди. Кейин арилар кетидан оппоқ капалаклар пайдо бўлиб, олам дилкаш бир шовурга тўлди. Кечаги ғурбатли кун тушида кечганидек, у яна борлиққа махлиё бўлди. Гўдаклигига бордими, кекса булок фожиасини тўла ҳис этмаган ҳолда ундан қолган ўзанни тўлдириб, яйраб-яшнаб оқа бошлади. Агар тўсатдан қоқ белига калладай тош келиб тушмаганида, у бор овозда кўшик ҳам айтмоқчи эди.

У чўчиб қарасаки, Тохир қора деганлари тошқаламаларни бузаяпти, деворни тепиб-сепиб, кўлига учраган тошларни чор-тарафга улоктираяпти. Шу пайт қуйидан ҳайқирганча Товқора чўтир чиқиб келди. У бу сафар Тохир қора билан адибади айтишиб ўтирмади, девори нураганидан алами ва ғазаби тошиб, шартта қўшнисининг ёқасига ёпишди. Улар ола-тасир олишиб кетдилар. Бу ҳолдан янги булок жуда кўркиб кетди. У замин қаъридан нажот кидирди. Заминнинг бағри кенг эди, уни ўз кучоғига олди, авайлаб эркалади. Сўнг уни ер ости дарёси ўзани томон буриб юборди.

Қош-қовоғи шишган, ёрилган қўшнилари манглай қон-

ларини ювгани узун-киска бўлиб, булок бўйига эндилар. Булок ўрнида кичкина кўлмак кўрдилар. Бири кўлмак сувини кизартириб, ёрилган қаншарини юваркан, тепасида кафтини лунжигга босиб турган шеригига ўшқирди.

– Булокни... ебсан-ку, искирт!

– Бу сенинг ишинг! – деди униси булоқдан сув қочганини энди пайкаб. – Тунда нимадир қилгансан сен!

Қуриган булок худудини аввал капалаклар, сўнг арилар тарк этишди. Митти чечаклар эса паноҳ қидириб, бўлик майсалар пинжигга суқилишди. Бирок майсаларнинг ўзи паноҳга мухтож эди.

Бу ҳолга фақат кўкдаги қуёшгина бефарқ эди. У, олди ёз эмасми, заминни одатдагидан кўра кўпроқ киздирмоқда эди.

Қоқ тушга бориб қуриган ўзан ёқасидаги майсалардан бири аста нидо таратди, сўнг унга бошқалари жўр бўлди.

– Су-ув!

Уларнинг ҳорғин овози қайноқ ҳавога сингиб, маъносиз бир ифода касб этди-да, сўнг кенглик бағрига сочилиб кетди.



Нуруллоҳ МУҲАММАД РАУФХОН

(1955 йилда туғилган)

ЭТАКДАГИ КУЛБА

Жимжит Қишлоққа жимжитлигини бузиб ўхшовсиз бир девона оралади. У бир маром ва бир оҳангда нималардир деб жар солар, ора-сира жинкўчанинг икки томонидаги пастқам уйларга ва ундан ҳам пасқам эшикларга кўз ташлаб, гўё жарига жавоб кутар эди.

Ер юзида пайдо бўлганидан бери Қишлоқ бунақа девоналарни, ҳар турли келган-кетганини кўп кўрган. Бирда: “Қайчипичоқ ўткирлайма-а-ан! Ўроқ-кетмон эговлайма-а-ан!” деб чархчи жар солиб ўтади. Қишлоқда нима кўп, ўтмас пичоғу тўмтоқ кетмон кўп – бир зумда ҳаммаси шақир-шукур қилиб чархчининг олдида тўпланади. Бирда чегачи келиб қолади: “Синган чойнак-пиёла чегалайма-а-ан!” Қишлоқликлар болаларининг қўлларига чақа бериб, чегачининг олдинги келиши билан ҳозирги келиши оралиғида синган чойнак-пиёла ва коса-лаганларини тутқазиб, кўчага чиқазишади. Яна “Жун олама-ан!” дегани қанча, “Увада титама-ан!” дегани қанча. Бошқа кунлари Қишлоқ киш бўлса қорасовуқдан дилдираб, ёз бўлса саратондан жизғанаги чиқиб ётаверади. Баҳорда бир нафас олади, кузда бир нафас чиқаради. Зерикарли.

Бунақа келгиндиларни кўравериб Қишлоқ кўникиб кетган, хар кунги хол деб қарайди. Девонага ҳам парво қилмаслиги мумкин эди, лекин унинг сўзлари бу гал сал бўлакчароқ туюлди. Девона одамлардан қотган нон эмас, эски кийим-бош эмас, нимадир бошқа нарса сўраётган эди:

– Уйи куйган ким бор?.. Моли куйган ким бор?.. Бағри куйган ким бор?..

Қишлоқ сергак тортди, шубҳаланди. Зерикарли ва туссиз ҳаётига сал бўлса-да бўлакча бир ҳаво киритиши мумкин бўлган бу ишдан негадир қувонмади, аксинча, биров кўрқинч босди уни.

Ғалати товуш ва ундан ҳам ғалати сўзлар эгасини кўришга қизиққан тажрибасиз бола-бақрага тажрибали ота-оналар ўшқириб беришди:

– Ҳа, қаёққа?! Қайт орқангга!

– Эшикни тамбала! Уйда тек ўтир!

Дикқинафас кўчада ҳали ҳам Девонанинг товуши кезар, жимжитлик шовқинидан том битган қулоқларга унинг товуши аллақандай ёқимли бир эпкин бўлиб кирар, ҳатто ширали эшитилар эди:

– Уйи куйган ким бор?.. Моли куйган ким бор?.. Бағри куйган ким бор?..

Минг тийилмасин, барибир мароқ устун келди: қаттиқ тамбаланган, зулфинланган ва камига яна ичдан қулфланган эшиклар орқасига Қишлоқ аста-секин ва ихтиёрсиз равишда сурилиб келди, тирқишлардан кўчага мўралай бошлади.

Ким бўлди бу одам? Нега бирдан бунақа нарсаларни сўроқлаб қолди? Уста бўлиб устага ўхшамайди, куйган уйларни бутлаб берай деса? Бой бўлиб бойга ўхшамайди, моли куйганларга суянчиқ бўлса? Табиб бўлиб табибга ўхшамайди, куйган бағирларга дори қўйса? Ким ахир?..

Ғирт девона! Сўзи туришига, туриши сўзига уйғун келмайдиган тентак! Албатта, Қишлоқда уйи, моли ё бағри куйганлар қанча, лекин шу пайтгача биров буларни сўрамаган-да. Узоқдан келиб сўраш тугул, қишлоқликларнинг ўзи ҳам бир-

биридан юрак ютиб, товуш чиқариб ҳол сўрамай кўйган. Бир ҳисобга, сўраб нима қилади, қачондан бери бир осмон остида, бир тупроқ устида бирга-бирга яшаб келади, бир-бирининг ҳолини ҳар ким ўзи кўриб-билиб турибди, кўриб-билиб турган нарсасини яна сўрайдими?!

Шундай бир паллада...

қандайдир бир Девона...

иссиқдан пишиллаб ётган Қишлоқда...

кўчама-кўча юриб...

канақадир бир нарсалар деса!

Жинкўчалар узра момақалдиروقдек туйқус янграган бу товуш, албатта, шубҳали ва кўрқинчли эди. Ахир, момақалдиروق ҳам баҳорга ярашади, куздаям майли дейлик, аммо ёзнинг қок ўртасида гулдирари...

– Нима деяпти? – деб сўрайди қизиқувчан хотинлар.

– Овозингни ўчир! Ишинг бўлмасин! – деб жеркийди эҳтиёткор эрлар.

Ичкариларда ҳол бу экан, ташқарида Девона ҳайрон эди. Ўликми бу қишлоқ, деб ўйлайди. Узун умри ичида не-не юртларни кезди, не-не одамларни кўрди, аммо бунақа гунг Қишлоққа энди йўлиқиши. Бирон-бир офатдан аҳолиси кирилиб, кимсасиз шўппайиб қолган шаҳару қишлоқлар ўтмишда кўп бўлган, албатта. Бу қишлоққаям яқин орада бирон офат келдимикан ё? Ундай деса, кўринишидан жуда унақа ташландиқ маконга ўхшамайди, яқин-яқинларгача одам яшаганининг излари билиниб турибди.

Лекин жимжитлик, худди ўлик дейсиз.

Шунга қарамай, Девона қандайдир бир ички сезги билан, Қишлоқда биронта тирик жонзот қолган бўлиши керак-ку, ахир, деган умидда жар солишдан тўхтамасди:

– Уйи куйган ким бор?.. Моли куйган ким бор?.. Бағри куйган ким бор?..

Шу палла... этакдаги бир эшик ғийқиллади. Бунақа сўровга жавобан биронта эшикнинг очилишини сира қутмаган Қишлоқ сапчиб тушди. Шу дамгача жимжит кечаётган турму-

шини безовта қилган бу ғийқиллаш товуши гулдира-гулдира осмон тоқиларига зарб билан урилиб, ўша заҳоти қайтиб тўшаркан, шундоқ тепасида осқидай осилиб қолди ва назарида, яна жуда узоқ замон боши узра қўрқинч солиб янграб тургандай бўлди. Эшиқларни қия очиб, ҳадик-хавотирда, товуш чикқан томонга мўралади.

Этакдаги қулбада эски замонлардан бери бу Қишлоққа бегона бир одам яшарди. Қаердан келиб қолган, ота-онаси ким, қариндошлари борми, нима иш қилади – Қишлоқ буни билмас, уни танимас эди. Кейинги пайтлар ҳамма ўзи билан ўзи бўлиб кетиб, Бегона баттар кўзга чалинмай қолганидан, ҳатто ўлдига ҳам чиқариб қўйган.

Бу нима деган гап, бир киши ўлса, Қишлоқ билмасми, одамлар тўпланиб қўmmasми?!

Ҳа, одам тўпланмаса ҳам, ўлган кишини қўmmasа ҳам, кимнингдир ўлганини Қишлоқ билмай қолса ҳам, бўлавераркан! Нега деганда, ҳозир қўплар ҳовлисида ўзига гўр қазиб, уйини мазор қилиб олган – шу йўл ўнғай келиб қолди: ҳа, деса, ювинмаёқ, кафанга ўранмаёқ, гўрига кириб кетяпти. Ўлиш осон ва текин бўлиб қолди. Ҳеч кимга оғирингиз тушмайди, Қишлоқ ҳам билмай қолаверади.

Йўқ, ҳартугул, Бегона ҳали ўлмаган экан, ўлмаганини Қишлоққа ёғсираган эшиги билдирди. Жимжитлик салтанатини чок-чокидан сўқиб, бу пасқам эшик бу улкан оламга жар солди:

– Ғий-й-йик!..

Кейин остонада Бегонанинг жуссаси ҳам кўринди. Бўйинини чўзиб, пича теваракни синчилади, ниҳоят, қўнгли тинчландими, аста кўчага оёқ қўйди.

Девона тўхтади. Ўлимсанги Қишлоқда туйқус пайдо бўлган бу тиримсанги одамга ажабсиниб қаради.

Чиндан ҳам, Бегона шу туришида худди гўрдан чиқиб келаётганга ўхшарди: тириш босган юзида қон асари йўқ, ўсиқ қошларидан қулоқларигача, қулоқларидан елкаларигача, елкаларидан бурнию патила соқол-мўйловигача ўргимчак ин тўқиб ташлаган; қийимлари ҳам илвирок. Юрганида, ўргим-

чак тўрларини авайлагандай, оёғидан бошқа жойини кимирлатмасликка тиришиб юарди.

Девонага якинрок келиб, тўхтади. Оғзини хиёл очди, орада Қишлоққа олазарак бокди, ҳайикдими, гапира олмади, аммо нималардир дегиси келаётгани куюк тўр ичра хирагина йилтираб турган кўзларидан билгили эди.

Девона узоқ кутди, ҳадеганда Бегонадан сас чиқавермагач, ўзи бирнималар дегандай бўлди.

Қишлоқ унинг гапини эшитмади, лекин кўчага чиқишга, бу Девона билан бу Бегонага яқинлашишга, гапларига қулок солишга юраги бетламади ҳам.

Девона яна кута-кута, кутганига эришавермагач, охири Бегонанинг ис босган қулоғига оғзини қўйди ва...

...бир ўқирди!..

Бу ўқириқдан Бегона титраб кетди, бошию қўлларини ихтиёрсиз кимирлатиб юборди.

Ўргимчак тўрларидан айримлари чирт узилди.

Кейин Девона кетди. Жар ҳам солмай қўйди, орқасига ҳам карамади, Қишлоқда қандай тўсатдан ва билинтирмай пайдо бўлган бўлса, шундай тўсатдан ва билинтирмай йўқолди.

Бегона яна эшигини ғийқиллатиб... гўрига кириб кетди.

Қишлоқ тагин жимжитлик чуқурига чўкди.

Бу сирли-жумбокли манзара кўзлардан тез ўчгани сингари эслардан ҳам тез ўчди. Худди аслида бўлмагандай...





Хайриддин СУЛТОНОВ

(1956 йилда туғилган)



ҒУЛОМГАРДИШ

– Э, бўлди-да, ота, одамни номусларга ўлдирдингиз-ку! Шу ердан кўчиб кетсам қутуламанми сиздан?!

Дадаматов ахийри шундай деди. Санокул бобо мажбур қилди. Дадаматов жаҳл устида шундай деди-ю, энди пушаймон бўлиб ўтирибди. Пушаймон бўлгани сари эса баттар аччиғи чикмоқда.

Аслида, нега шунчалик тутаққанига ўзи ҳам хайрон.

Санокул бобо уни урмаган бўлса, сўкмаган бўлса, тухмат-маломат қилмаса, ундан бир таъма тиламаса... Айби – канда қилмай ҳар куни салом берганию дуои жонини қилиб турганими?

Наинки шунинг учун киши бировдан ранжиса? Айниқса, Дадаматовдек зуваласи лойдан эмас, мумдан ясалган мулойим бир одам, шунинг учун бировни ранжитса? У нахот шу умидда юртига кўчиб келган бўлса?

Ақл бовар қилмайди. Менинг, масалан, бунга сираям ишонгим келмайди. Чунки Бегмат Дадаматовни беш қўлдай яхши биламан. Билганим учун ҳам шу гапларни ёзиб ўтирибман. Келинг, унинг кимлиги ҳақида сизга ҳам анча гапириб берай.

Хўш, Дадаматов Бегмат Эрматович, урушдан аввал, ўт-тиз олтинчи йили бизнинг қишлоғимизда туғилган. Ҳамма катори ўқиб, ҳамма катори машаққату дард-аламлар тортиб, кон техникуми, кейин шу соҳанинг институтини тугатиб, қишлоғимизга қайтиб келмади – Шарфунга, кўмир конига ишга кетди. Қишлоққа кам келарди, аҳён-аҳёнда – Май байрами ёки Янги йил арафаларида тили бизнинг лаҳжаларга ўхшамайдиган, кўзлари катта-катта, чиройли хотини билан паст-баланд кўчаларимизда пайдо бўлиб коларди. Бегмат Дадаматов маржон шодасидек тиғиз қишлоғимиздан узилиб кетган биринчи дона эди, шу боисмикан, кўпчиликнинг назарида алланечук ғалати, жуда окпадар бўлмаса ҳамки, ҳар қалай, дарбадар бир кимса бўлиб кўринарди.

Бегмат Дадаматов, табиийки, бу гаплардан беҳабар, шунинг учун ҳам парвойи фалак юрар эди. Кейин-кейин, у кекса отасию қари онасини кўргани келаркан, хотини билан бирга бежирим кийимлар кийган ўғил-қизларини ҳам эргаштириб келадиган бўлди. Болаларининг тилиям бизнинг лаҳжаларга ўхшамас, бинобарин, бегона эди.

У биринчи марта қишлоққа сутранг “Волга”да кириб келганида, ҳар турли миш-мишлар тарқади. Бировлар: “Кўтарилиб кетибди, машина олиб юраркан”, деди, бировлар эса: “Эрмат сарикнинг ўғли кўмир эмас, пул конида ишларкан”, деди. Кимлардир суюнди, кимлардир куйди.

Бир куни Дадаматов, қайсидир байрамда, чол-кампирни зиёрат қилгани келиб, отасини касал ҳолда кўрди, онаси бошида сув томизиб ўтирарди. Ўртада қандай гап-сўз ўтгани бизга номаълум, аммо бир ҳафтадан сўнг Дадаматов қишлоққа кўчиб келди. Энди “Волга”си йўқ эди. Яна миш-миш тарқади: “У ишдан ҳайдалиб кетибди”, “Бало экан, ҳовли-жойнинг умидида... ҳаҳ, моли дунё ўлсин ширин бўлмай...”

Тешик кулок, Бегмат Дадаматов, табиийки, бу гаплардан энди хабар топмай колмади, лекин барибир парвойи фалак юраверди. Ҳатто беписанд кулиб кўйганини ҳам биров кўрма-

ди. Хуллас, кишлок унга кўникди – ортиқ номини сақич қилмай кўйди.

Дадаматов озрок муддат чол-камбирнинг каталакдек уйда яшади, кейин, кузга бориб, Даламаҳалладан анчагина бадастир ҳовли-жой сотиб олиб, кўчиб ўтди. Раён марказига – электр идорасига ишга кирди. Тили бизнинг лаҳжаларга ўхшамайдиган ўғил-қизлари кишлок болалари билан бир мактабда ўқий бошлади. Хотини ҳамшира экан, касалхонага жойлашди.

Дард бошқа – ажал бошқа, шифтга боқиб умри ўтган Эрмат бобо кўкламга чиқиб кўрмагандек бўлиб кетди, кутилмаганда отга, беданага меҳр пайдо килди, тагида булутдек айғир, устида почапўстин, кўйнида бедана, қаерда улоқ, қаерда пойга бўлса, барида ҳозир у нозир. Орада унинг оғзига сув томизиб ўтирган кампири бирданига омонатини топширди. Чол ҳозир саксон учда, қайсарлик билан ҳамон ўзининг ҳовлисида, ўн олтига кирган невараси Шермат билан тирикчилик қилади, ахён-ахёнда нега менга кампир топиб бермайсан, деб Бегмат Дадаматовга ғалва қилиб кўяди. У эса бунга жавобан кулади, холос.

Бегмат Дадаматов ҳақидаги гапга шу ўринда нукта кўйсак ҳам бўларди, лекин Санокул бобо... Дарвоқе, Санокул бобо! Агар Санокул бобо бўлмаганида, ҳикоямизнинг ҳам ҳеч бир ҳикоялик ери қолмасди.

Санокул бобо, Бегмат Дадаматовнинг ҳаётида ҳам, худди шу ҳикоядагидек, мутлақо тўсатдан пайдо бўлди.

Санокул бобони мен ҳам танирдим. Кутубхонадан китоб олгани борганимда кўрардим. Кўча бошидаги харсанг тошда, ҳассасини иягига тираб, кўзларини чала юмиб, носнинг кайфини сурганча офтобшувокда мудраб ўтирарди. Салом берсангиз, хафа бўларди, кайф кочса керак-да.

Дадаматовнинг олган ҳовлиси кутубхонанинг орқасида, шундоқкина сой бўйида эди ва аччиғичакдай тор бир кўчадан юриб, Санокул бобонинг кўҳна ёғоч дарвозаси олдидан ўтиб, асфальт йўлга чиқиларди.

Ҳамма машмаша Дадаматов кўчиб келганининг иккинчи ҳафтасидан бошланди.

Сешанба куни эрталаб шошиб ишга бораётса, нимдош кўк яктак кийган, чувак юзли, кўзлари шилпиқ бир чол тавозе билан салом берди:

– Э, ассалому алайкум, тўрам!

Дадаматов гангиб тўхтади, гарчи атрофда ўзи ва рўпарасидаги чолдан бўлак кимса бўлмаса-да, ёнверига аланглади, сўнг ҳайронлик билан, музтар ва хоксор қўл қовуштириб турган қария томон юрди, сўрашгани қўл чўзди:

– Ассалому алайкум, ота.

Шунда чол ёшига ярашмаган абжирлик ила чакқон югуриб келди, унинг кафтини кўшқўллаб кафтига олди, кўзига суртгудек бир алфозда товуши товланиб деди:

– Бардам-бақувват юрибсизми, тўрам, тани-жонингиз соғми?

Дадаматов баттар довдиради, сўнг юзи ёришиб жилмайди: “Қарилик-да!”

– Мени биров билан адаштиряпсиз-а, ота, – деди хушҳол кулимсираб.

Чол ундан баттар таажжубланди:

– Э, нега адаштирай, тўрам? Шукур, ҳали эс-хушдан айиргани йўқ. Яратган эгам ўзи адашгулик қилмаса адашмайман, тўрам. Ҳа, ҳовлилар муборак бўлсин энди? Кўп суюндим, тўрам, кўп суюндим. Илоҳи, омин, яхши тўйларга буюрсин, туп кўйиб палак ёзинг!

– Раҳмат, – деди Дадаматов, – раҳмат, айтганингиз келсин.

– Муни қаранг, тўрам, фалакнинг гардиши деб шуни айтаркан-да, бўлмаса ким ўйлабди сизнинг бизга қўшни бўлиб қолишингизни? Шукур, минг шукур, Яратганнинг инояти буям бўлса!

Дадаматовнинг вақти бениҳоя зик эди.

– Ҳай, ота, – деди узр сўраб, – майли, омонлик бўлсин.

– Э, тўрам, қани бир пиёла чойимиз бор-а? Эрталабки насиба-я, тўрам?

– Бошка сафар, – деб Дадаматов гапни қисқа қилди.

“Отамнинг ошналаридан, – дея ишонч билан ўйлади йўлда бораётиб, – лекин нега бунча “тўра”лайди, хайронман...”

Кечкурун ишдан қайтиб таажжуби баттар ортди: кимдир бир тоғора сомса ташлаб кетибди.

– Ким берди? – деб кундузи уйда қолган саккиз яшар киз-часидан сўраган эди, у:

– Бир чол, оти... оти Санокул бобо, – деди. Хайронлик билан сомса ейилиб кетди. Эртасига яна одатдагидек ишга бораётган эди, худди кечаги муюлишда ўша чолга дуч келди. Дадаматовга у кечадан бери жойидан жилмагандек туюлди. У ҳарчанд олдин салом беришга ўзини чоғласа-да, барибир улгуролмади – чол эпчиллик қилиб қолди:

– Э, ассалому алайкум, тўрам! Қалай, бардам-бакувватгина? Уй ичилар, бола-чақа омонми?

“Тўрасига бало борми?!” – Дадаматовнинг бирдан энсаси қотди, бироқ чолнинг юз-кўзида ҳеч қандай ҳазил-мазах ифодасини кўрмади.

– Раҳмат, – деди у куруққина қилиб ва шу заҳоти: “Э, сомсани шу юборган бўлмасин тагин?” – деган фикр хаёлидан ўтди.

– Қани, тўрам, ўтсинлар, ўтсинлар! – чол икки букилиб, қўл қовуштирганча унга йўл бўшатиб турарди.

– Менга қаранг, ота, – деди Дадаматов, – нега мени “тўра” дейсиз, мен тушунмадим. Умуман, сал ғалати бўляпти, мени отим Бегмат, отимни айтиб чакираверинг.

Чолнинг нурсиз, чайир кўзлари ваҳимага тўлди:

– Йўғ-э! Йўғ-э! – деб шивирлагандек бир овоз чиқарди у. – Худо сакласин, нега отингизни айтар эканман, айб бўлади, тўрам. Қани, ўтсинлар, ўтаверсинлар, бахузур.

Дадаматов бўғилиб кетди:

– “Тўра” деманг, илтимос.

Чол кўзларини пирпиратди:

– Нима дейин?

– Отимни айтинг, кўшни денг, ҳа, ана, ўғлим денг.

– Йўк, – деди чол, қатъиян бош чайкаб. – Сиз тўрамнинг авлодлари бўлсангиз-у, мен қандай қилиб...

– Қанақа тўранинг? – деб сўради Дадаматов кичкиргудек бўлиб.

– Дадамат қозининг-да, – деди чол ва унинг бу қадар нодонлигига ачингандек, бош тебратиб қўйди. – Раҳматли бувангиз менинг тўрам эдилар, мен у кишининг эшикларида қарол эдим, ёйилмада молларини боқардим, жувоз ҳам ҳайдаганман, мола ҳам босганман. Мени жойи жаннатда бўлгур қози бувам одам қилганлар. “Э, Саноқул, – дер эдилар раҳматли, – дунёда одам кўп, лекин одамийси кам”. Ўзлари қандоқ одам эдилар-а. Ҳар оқшом ғуломгардишга ўз қўллари билан гўжами, атала-умочми, худонинг буюрган насибасини кўтариб келар эдилар. Бир марта денг, Тахтасойда ерлари бўларди, баҳори буғдой эккан эдик, тизза бўйи бўлиб қолганида, мени чакириб айтдиларки...

Дадаматов кўчанинг қоқ ўртасида меровсираб, рўпарасидаги эски қавушдек кўримсиз чолдан кўз узмай анграйиб турарди.

“Ёпирай! Нималар дейди-я, бу?! Тош асридан қолганми ўзиям, нима бало?!”

– ...хайитнинг эртаси тўрам билан Норжонтолга, Мирали қозоқнинг овулига бордик. Борсак, тумонат одам, бир тўй бўлган экан, Миралининг укаси улоқда отдан йиқилиб ўлибди, кий-чув, қиёмат...

– Ота, – деди Дадаматов бетоқат, – қачонги гап буларингиз?

Кўзлари қисилиб, завқу шавққа чўмган Саноқул бобо ўйланиб қолди.

– Қачонги дейсизми? Э, кўп бўлгани йўқ, ахир, Николай подшо ағдарилган йилимикин, валлоху аълам, ундан кейинги йилими... Ишқилиб, мулла Абдурахим уязнинг кенжа ўғли Қорабозорда отхона босиб ўлган йили эди. Раҳматли Абдукаримнинг мучали хўк эди, мана шундай мучал ағдарадиган бўлсак... кечагина бўлган гаплар-да, бари, тўрам.

Дадаматов, гўё уни биров бошлаб лақиллатгандек, жаҳли чиқди, аранг ўзини босиб, Саноқул бобо билан хайрлашди.

Индинига яна ўша ҳол такрорланди. Дадаматов бу сафар аччиғланмади-ю, вазминлик билан шундай деди:

– Энди, бизни иззат қилганингиз учун раҳмат, ота, лекин бундан кейин мени “тўра” деманг, илтимос. Чунки...

– Ие, нега? – деди Санокул бобо.

– Чунки, – дея давом этди Дадаматов унинг саволини эшитмагандек, – мен сиз айтаётган қози бобони кўрган ҳам эмасман, у киши биз дунёга келмасданоқ кўкариб чиққан эканлар. Кейин, илгари нима гаплар бўлса бўлгандир, аммо ҳозир унақа “қарол”у “тўра-пўра” деган гаплар қолмаган, ота. Шунинг учун бунақа деб, мени хижолатга қўймасангиз. Ахир битта-яримта эшитган қулоққа ҳам хунук. Йўлни ҳам баҳузур кесиб ўтаверинг, ёшингиз улуғ!

– Йўқ-йўқ, – деди Санокул бобо, – бундай деманг, тўрам, айб бўлади, сизнинг мартабангиз улуғ.

Дадаматов ковоғини солди:

– Ота, ҳозиргина келишдик-ку?

– Қўйинг-э, – деди Санокул бобо бўш келмай. – Қози бобонинг арвоҳи-чи, тўрам?!

– Э, жуда “тўра”лагингиз келса, отамга боринг! Зерикиб, нима қиларини билмай ётибди.

Санокул бобо синик кулимсираб, бошини қуйи солди.

– Майли, тўрам.

– Ахир мен партияний бўлсам, катта бир идорада ишласам, сиз эса бундоқ қилиб турсангиз. Гап теккизиб қўясиз, ота, менга бунақада.

– Худо сақласин, тўрам, – деди Санокул бобо чўчинқираб. – Сизга қасд қилганлар паст бўлсин.

– Э, боринг-э! – Дадаматов қаҳрланиб қўл силтади ва шарт бурилиб жўнади. Икки юз кадамлар юриб боргач, бирданига кулиб юборди.

Кечқурун отасидан хабар олгани борди. Отаси айвонда, туллак беданасининг пастига сув пуркаб ўтирарди. Бироз гурунглашгач, у аста сўради:

– Санокул бобо отангизнинг қароли бўлганми?

– Қайси Санокул? Сано тентакми? – Отаси беданани кўтариб, чирок шуъласига солди. – Отамнинг қароли кўп эди. Сано ям ишлаган. Тентак у, – дея отаси ичкари уйга қараб қич-

кирди: – Ҳой Шермат, бормисан, токчадаги халтада тарик бор, олиб чик!

Дадаматов ўрнидан кўзгалди.

Эртасига яна Санокул бобога дуч келишини ўйлаб, юраги безиллади – рост кўчани кўйиб, паст кўчадан юрди, сой ёкалаб айланиб ўтиб, ишга кеч қолди.

Якшанба куни маҳаллада тўй бўлди. Дадаматов ҳам чикди. Тўй эгалари кўярда-кўймай уни ичкари уйлардан бирига судрашди, Дадаматов салом бериб кирганида бир уй одам чой ичиб чақчақлашиб ўтирарди, ҳамма унга ўгирилиб қаради. У пойабзалини ечиб, пойгакдаги бўш жойга чўкмокчи эди, туйкус юқоридан:

– Қани, тўрам, бу ёққа, бу ёққа ўтсинлар, – деган чийилдок овоз эшитилди.

Дадаматов, юраги шув этиб, тўрга қаради. Санокул бобо, икки букчайганча, бурчакка қисилиб унга хокисор термилиб турарди.

– Ўтираверинг, – деди у ғижиниб.

– Йўқ, йўқ, тўрам, мен... кандок хаддим сиғади, ахир, кўйинг энди, одамни хижолат қилманг, тўрам, одобсизлик бўлади-да, э!

Дадаматов ҳамма томошаталаб бўлиб турганини сезди ва базўр шайтонга хай бериб, Санокул бободан юқори ўтиб ўтирди, у эса пилдираганча келиб унинг жойига чўкди.

Кўпчилик бир-бирига ажабланиб қаради. Дадаматовга тўй татимади.

Бир куни олти яшар ўғли шундай деб қолди: “Дада, тўра дегани нима дегани?” “Ҳа, нега сўраяпсан?” “Йўқ, айтинг, яхши гапми, ёмон гапми?” Дадаматовнинг боши қотди. “Санокул бобонг айтдими? Ҳазиллашган, парво қилма!” “Менам Санокул бобони тўра десам бўладими?” “Йўқ!” “Нега?” “Бас энди, эзма бўлма”, деб дарғазаб жеркиб берди у.

Аслида-ку, энди Санокул бобога кўникиб, тақдирга тан бериб кўя қолса бўларди, лекин қайсарлик бобида у ҳам Санокул

бободан заррача қолишмасди, яъни уларни ўхшатмасдан уч-ратмаган эди.

Дадаматов ҳаммасидан ҳам кўра, бу ғалати муносабатнинг эл-чорга ошкор бўлишидан кўрқарди. Кўрқиб юргани содир бўлди. Куруксой кишлоғидаги подстанция ночор эди, ҳадеб куйиб қолаверарди. Куруксой аҳли ҳам исми-жисмига мос халқ экан, тагини суриштирмай, тинимсиз ёзгани-ёзган эди. Кўли қичиган экан, майли ёзаверсин, лекин қошки аризадан трансформатор ясаб бўлса! Ахири бўлмади – туман газетаси уриб чиқди. Эргашев деган мухбир, билибми-билмай: “Раён электрлаштириш идораси (бошлиғи ўрт. Дадаматов Б.) тоқай-гача меҳнатқашларнинг ҳақли талабларига тўраларча муносабатда бўлади?!” деб дарғазаб савол қўйди.

Мақола жума куни чиққан эди. Дадаматов таъби хира бўлиб кечкурун уйига қайтаркан, ўтган-кетганнинг бари қўлини бигиз қилиб уни кўрсатаётгандек туюларди. Эчки ўлгиси келса, қассоб билан ўйнашади, деган гап рост. Рост бўлмаса, худди шу пайт Санокул бобо Дадаматовга кўз оғриғидек рўпара келиб қоладими?

– Ассалому алайкум, тўрам...

Дадаматов бирдан портлади:

– Э, бўлди-да, ота, одамни номусларга ўлдирдингиз-ку!

Шу ердан кўчиб кетсам, кутуламанми сиздан?!

Санокул бобо хангу манг бўлиб қолди.

Дадаматов шу жаҳл устида бориб ҳовли-жойини текинга бўлсаям сотишга тайёр эди, бахтига, уйда меҳмон бор экан – хотинининг уруғлари келишибди, шулар билан чалғиб ховуридан тушди.

У шу бўйи Санокул бобо билан салом-алиқни йиғиштирди. Кўча-қўйда дуч келиб қолгудек бўлса, тесқари қараб ўтадиган бўлди. Чол эса, юзида хануз ўша хокисор табассум, қўл қоуштириб не гуноҳи борлигини билмай гарангсиб турарди.

Қиш кунларининг бирида Санокул бобо оламдан ўтди.

Дадаматов эл қатори таъзияда қатнашди. Қабристонга

борганда ҳам, кайтаётиб ҳам ўзини бениҳоя гуноҳкор сезди.

Эртасига Санокул бобони эсидан чиқарди. Одатдагидек, шошиб ишга жўнади.

Бирор ҳафта чамаси ўтиб, Санокул бобонинг дарвозаси ёнида чолнинг ўттиз ёшлар ёшарган қиёфасини – куя еган тел-пак кийган ўғлини кўрди. У қўлига куҳ-куҳлаб, лабидаги папиросини четга улоқтирди-да, Дадаматовнинг истиқболига юрди:

– Ассалому алайкум... – йигит бироз тараддудланиб, такрорлади. – Ассалому алайкум... тўрам...

Дадаматов сесканиб тушди.

“Ё, тавбандан кетай! Булар ўзи авлоди билан жинни эканми, нима бало?!”

Унинг ранги олинганини сезиб, йигит шоша-пиша гапирди:

– Энди, ака, нима қилай, бобомнинг васияти...

– Қанақа васият? – деди Дадаматов гангиб. Йигит аламзадалиқ билан афтини буриштирди.

– Отам касал бўлгандан бери яккаш бир гапни такрорлардиларки, шу Бегмат акангни ҳамманг ҳурмат қиласан, у киши тўрамнинг авлоди, сизлар ҳам шундай деб чақиринглар... Энди, ака, ота рози – худо рози, ахир...

– Э, қўйсангиз-чи! – деди Дадаматов ва шарт бурилиб жўнаркан: “Бу чол ўлса ҳамки қутулмас эканман-да”, деб ўйлади аччиқланиб. Кўчанинг бошига етгач, алланарса эсига тушгандек, жадал юриб изига қайтди, Санокул бобонинг дарвозасини қокди. Кейин эшик дарвозадан қўлида паншаха ушлаган бояги йигит чиқиб келди:

– Э, келинг, келинг, – деди у ортига чекиниб.

– Менга каранг, – Дадаматов остона ҳатлаб ичкари ўтди.

– Энди бир келишиб олсак: майли, отангизнинг васияти ўз йўлига, лекин иккинчи мени бунақа деб шарманда қилманг. Маъкулми? Бобо раҳматлининг шунча азоб берганлари ҳам етар.

– Йўғ-э, нима деяпсиз, ака, сизга азоб бериб...

– Агар бунгаям кўнмасангиз, – дея Дадаматов боя ўйлаб қўйган гапига кўчди, – мен чиндан ҳам сизга тўра бўладиган

бўлсам, менинг амримни бажарадиган бўлсангиз, бундан буён мени Бегмат ака деб чақиришингизни буюраман. Тушундингиз-а? – У таҳдид билан кўзларини йигитга тикди.

– Э, мен бир нарса деяпманми, ака, ўзим ҳам...

– Бўпти, омонлик! – Дадаматов енгил тортиб, йўлига равона бўлди.

У кечкурун яна шу кўчадан уйига қайтади. Кечгача эса ҳали анча бор.



Ашурали ЖЎРАЕВ

(1956 йилда туғилган)

ОҚСОҚОЛ

*Фидойи инсон Бобоқул Турдиевнинг
порлоқ хотирасига бағишланади.*

Кўк дарвоза бугун ҳам тонг отар-отмас тақиллади. Аллақачон уйқудан уйғониб, қўл-бетини ювиб, айвонда калима қайтариб ўтирган Бекназар тоға оёғига калишини илиб, дарвозахона томон илдам юрди.

– Кираверинг, дарвоза очик, – деди у.

Ҳақиқатан дарвоза очик эди. У кишининг дарвозаси ҳеч қачон на ичкари, на ташқаридан бекилмаган.

Ичкарига шошиб кирган уста Расул тез-тез юриб келиб, Бекназар тоға билан қўл бериб саломлашди.

– Ассалому алайкум, оқсоқол. Кечирасиз, эрталабдан безовта қилдим, – деди у кўришаётиб.

Ҳеч ким Бекназар тоғани исми билан чақирмайди. Қишлоқдагилар меҳр билан у кишини оқсоқол дерди. Аслида оқсоқол бировнинг фатвоси ёки тавсияси билан расман сайланмаган эди. Одамлар меҳрини қозонгани учун ҳам уни хурмат билан шундай аташарди...

– Ҳечқиси йўк, Расулбой. Келинг, марҳамат, – деб ўнг томондаги эшиги очик меҳмонхонага таклиф қилди.

Тонгнинг бегубор нурлари аллакачон хонани ёрита бошлаган эди.

Оқсоқол уста Расулнинг бир жиддий юмуш билан келганини унинг безовта хатти-харакатларидан пайқади. Лекин ўзи ёрилмагунча индамади.

Оқсоқол хона ўртасидаги хонтахтада турган гулли дастурхонни ёзди. Ҳаял ўтмай кизи салом бериб, чой олиб келди. Уста Расул нукул оғиз жуфтларди-ю, гапни қандай ва нимадан бошлашни билмасди. Нукул “кечирасиз, оқсоқол”, “безовта қилдим, оқсоқол”дан нарига ўтмасди. Дарди бўғзида айланарди-ю, айтолмай қийналарди.

– Тинчликми, Расулбой? – деди оқсоқол чой узата туриб, унга имконият яратиб.

– Тинчлик, шу... оқсоқол, шу... – яна чайналди уста Расул.

– Тинчлик бўлса, нега эрталабдан безовта бўлиб юрибсиз? – Кеча ўй, Дархондаги Фозил дўхтирнинг янги уйини томишни ёпиб бердим. Бир пиёла чой ичайлик, деб ўйямади. Бир маъал “ўриснинг боласи”дан ҳам иккитами, учтами олиб келди. Шу сабилдан бир-икки пиёла тортиб юборибмиз, денг. Уйга ҳамдай келганимни билмайман. Нима бало бўлиб, хотинни бир-икки тарсаки урибман. Кечаси билан йиғлаб чиқди бечора. Эрталаб турсам, оқсоқолга бораман, деб йиғлаб ўтирибди. Шунга ўзим келдим. Жуда уят иш бўлди.

– Хотин урадиган қилигингиз йўқ эди-ку, Расулбой? – деди оқсоқол овозини сал кўтариб.

– Энди бир аҳмоқлик қилдик-да, кечиринг, оқсоқол. Ўзимдан ўтгани ўзимга аён.

– Арақ ўлгурни хурмачангизга сиғса ичинг. Иложи бўлса, шу сабилни ичманг, ташланг, Расулбой. Арақ ичиб ҳеч ким барака топмаган, ука. Сиз иморат соладиган устасиз. Уста ҳамиша ҳалол-пок юриши, тешаю аррани ҳалол кўл билан ушлаши керак. Ичкилик имондан айиради. Билсангиз, ҳамма иллат ичкиликдан бошланади. Ичкилик – умрнинг эгови, рўзғорнинг қушандаси.

– Кеча бир бўлиб колди-да. Ўзим ҳам пушаймонман. Энди такрорланмайди, оксокол. Тавба қилдим. Уйимизга ўтиб, келинга ҳам тушунтирсангиз. Бўлган воқеани кўни-кўшнилари ҳам эшитиб юрмасин. Келинингизнинг уйига ҳам етиб бормасин. Эшитиб қолса, қайнота билан қайнона ҳам жуда хафа бўлади. Ўртага совуқчилик тушади...

– Ожиз эркак хотинини уради. Жуфту ҳалолига қўл кўтарган эркакнинг охирати куяди, ука. Оиладан фаришта қочади. Нотўғри қилибсиз! – деди оксокол кескин. Сўнг бироз юмшади. – Сиз бораверинг. Мен ҳам бирпасдан сўнг ўтаман. Келинга яхши гапириб туринг. Ўчган оловни кўзгаманг.

Фотиҳадан сўнг уста Расул “раҳмат, оксокол” деб ўрнидан турди.

Оксокол уни кузатиб уйга кириб улгурмай, яна дарвоза тақиллади. Очса, паст-қорақошлик Худойберди деган қовунчи деҳқон турибди.

– Келинг, келинг, Худойбердижон, – деб самимий кўришди оксокол. Ва уни ҳам меҳмонхонага таклиф қилди. Ҳол-аҳвол сўрашгач, ҳали совумаган чойдан бир пиёла қуйиб узатди.

– Эрталабдан безовта қилганим учун узр, оксокол. Тағин у ер-бу ерга кетиб қолманг, деб вақтлирок келдим, – деб шартта мақсадга ўта қолди Худойберди. – Кеча денг, катта ўғлимиз Эргашникида озгина кўнгил-хиралик бўлибди. Хабарингиз бор, шу хотини билан бироз келишолмаяпти. Қанча гапириб, тушунтирсак ҳам бўлмаяпти, оксокол. Ўғлимни биласиз, ўзи меҳнатқаш, оилам дейдиган бола. Топганини чумолидай рўзғорга ташийди. Келинимиз озгина латтапараст чиқиб қолди. Буни устига тили ҳам чатоқ. Бир гапдан қолмайди, чаёндай узиб олади. Кеча денг, ҳар хил латта-путта сотиб юрадиган савдогар хотинлар қишлоқ оралаган экан. Эргашникига ҳам киришибди. Эрининг, иморат қиламан, деб йиғиб қўйган пулларига келин сўрамасдан анча-мунча нарса олибди. Шунга жанжал чиққан. Мен далада эдим. Қайнонаси бориб тушунтираман, деса, боласини кўтариб отасиникига кетиб қолибди. Ҳозирги келинчақларнинг тоши енгил. Бир

гап бўлса, дарҳол отасиникига йўрғалайди. Уятларга ўлдик, оксокол? Қишлоқда энди қандай бош кўтариб юрамиз, билмайман? Шунга маслаҳатга келдим; ўртага ўзингиз тушмансангиз бўлмайди, оксокол.

– Келинингиз Собир миробнинг кизими – сўради оксокол. Худойберди “ха” деган маънода бошини кимирлатди.

– Худойбердижон, хафа бўлманг. Энди ҳаётда ҳар хил тарбия кўрган келинлар учрайди. Сиз ишингизни қилаверинг. Мен Собирникига ўтиб, ҳаммасини тушунтираман. Худо хоҳласа, яхши бўлади. Қани, чойдан олинг, Худойбердижон, – деб Бекназар тоға яна унга чой қуймоқчи бўлди.

– Раҳмат, оксокол. Мен борай, дуо қилинг, – деди Худойберди жойидан кўзғалиб, қўлларини фотиҳага очиб.

Оксокол фотиҳа ўкиди. Яна бир бор ҳаммаси яхши бўлишини таъкидлаб, Худойбердининг кўнглини кўтариб, кузатиб қўйди.

Шундай қилиб оксоколнинг навбатдаги иш куни одатдагидай жадал бошланиб кетди. У киши дастлаб кадрдон даласига отланди. Қўли бўшаса, уста Комилникига ўтиб, соч-соқолини олдиришни ҳам режалаштирди.

Туркманариқ ёқалаб ўтиб, гўдакнинг сочларидай бир текис ўсган ғўзаларга сув тортаётган сувчилардан бирров хабар олиб, қўшни далада культивация қилаётган тракторчилар ёнига борди. Сўнг чопиқ қилаётган бригада аъзоларининг ишларини кўздан кечирди. Улар билан ҳол-аҳвол сўрашди. Чала-чулпа кетмон ураётганларга оҳиста танбеҳ берди.

Дастлаб уста Расулникига бораётиб, йўл-йўлакай яқинда операциядан чиққан Тўракул тоғадан бирров хабар олди. Бу кекса сувчи яқинда бир ўлимдан колди. Шўрликнинг ичаклари буралиб қолибди. Унинг операциясини ҳам оксокол Самарқандга ўзи олиб бориб, таниш дўхтир билан гаплашиб берди.

Тўракул тоға дарвозахонадаги чорпояда чўзилиб ётган экан.

– Келинг, келинг, Бекназар, – деб ўрнидан турмоқчи бўлди у.

– Қимирламанг, тоға, қимирламанг, – деб оксоқол тез бо-
риб, унинг кўлини олди.

Чорпоянинг четига чўкиб, фотиҳа қилиб, хол-ахвол сў-
ради.

– Барака топинг, Бекназар. Дунё тургунча туринг. Сиз
бўлмаганда ахволим нима кечарди, билмадим? Дўхтирлар би-
лан гаплашиб бериб, кўп улуғ иш қилдингиз. Биздан қайтмаса,
худодан қайтсин, ука, – деди Тўрақул тоға яна бир бор мин-
натдорлик билдириб.

Унинг ахволи анча яхшилигини кўриб, оксоқол тезги-
на ўрнидан турди. Уста Расулникига борса, унинг болалари
энди мактабга кетаётган экан. Уста оксоқолни кутиб олиб,
меҳмонхонага бошлади. Бирпасдан сўнг устанинг аёли дас-
турхон, чой кўтариб кирди. Жанжал жиддийга ўхшайди; аёл-
нинг кўзлари кўқарган, шекилли, рўмол билан юзини ўраб
олган.

– Ўтиринг, келин, – деди оксоқол эшик томон юрган аёлга.
Аёл эшикка яқин жойда тўхтаб, юзини рўмол учи билан яна
бир бор бекитиб, секингина ўтирди.

– Неччи йил бўлди турмуш қурганларингга, Расулбой? –
деб сўради оксоқол. Уста Расул хотинига қаради. Сўнг тилга
кирди:

– Ёз келса, ўн беш йил бўлади.

– Нима, ўн беш йилда бир-бирларингни тушунмадила-
рингми? Уят, Расулбой, жуда уят! Эшитган қулоққа яхшимас.
Аёлингиз яхши, покдомон, меҳнаткаш. Бола-чақам, рўзгорим
дейдиган аёллардан. Авлоди ҳам яхши одамлар. Қўл кўтариб
нотуғри қилгансиз. – Оксоқол шундай деб дастурхондан бир
бўлак нон олиб, уста Расулга узатиб, деди: – Мана, нонни уш-
лаб қасам ичинг. Энди шу ҳаром нарсани қайтиб оғзимга ол-
майман, денг. Хотинимга қўл кўтармайман, денг. Оиламнинг
кадр-қимматини ерга урмайман, денг. Эркак номимга доғ ту-
ширмайман, денг...

Уста Расул бир зум оксоқолнинг қўлидаги нонга қараб ин-
дамай турди. Сўнг унинг вазоҳат аралаш порлаб турган нур-
ли кўзларига тикилиб, иложи йўқлигини тушунди-да, дарҳол



нонни қўлларига олиб, қасам ичиб юборганини ўзи ҳам билмай колди. Бир лахзадан сўнг тилга кирди:

– Кечиринг, оқсоқол, энди сиз айтгандай бўлади.

– Билиб қўйинг, Расулбой, қасамни бузиб бўлмайди. Қасамни бузганни Худоям уради, – деди қатъий қилиб оқсоқол. Сўнг аёлга юзланди: – Келин, сиз ҳам кечирдингизми?

Уста Расулнинг хотини кечирдим, деган маънода бошини кўтармай қимирлатди.

– Ука, аёлни асранг. Оила қўрғонини бузманг. Бу муқаддас қўрғоннинг бирор-бир ғиштига путур етмасин. Эртага кунингизга шу аёл ярайди, Расулбой, – деб оқсоқол ўрнидан кўзгалди...

Оқсоқол Собир миробникига борса, у оқсоқолнинг келишини эшитиб, эрталаб қизини уйига элтиб қўйиб, кудалар билан гаплашиб қайтган экан. Хотинининг айтишича, ўзи Қасоба каналининг сувига қарагани кетибди...

Оқсоқол пешинда уста Комилникига бориб, соч-соқолини олдирди. Бироз гурунг қилгунларича, Тўхта янга бир лали товоқ чучвара кўтариб кирди. Улар мазали чучварадан олиб-олиб, ўтган-қайтганни эслашди. Гапдан гап чиқиб оғир касал ётган Сайфи бобони эслашди. Сўнг икковлари гангур-гунгур қилиб йўлга тушишди. Сайфи бобо дарди бедаво касалга йўлиққан эди. Фарзандлари Самарқанду Тошкентга ҳам олиб бориб, зўр дўхтирларга кўрсатишди. Улар ҳам пулни олишга олди-ю, лекин аниқ бир гапни айтишмади. Тўшакка михланганича ётибди. Фарзандларию келинларига раҳмат, бобони ок ювиб, оқ тараб ўтиришибди.

Сайфи бобо уларни кўриб, қаддини бироз кўтарди, хурсанд бўлиб чехраси ёришди.

– Димоғлар чоғми, суяклар енгилми, Сайфи ака? – деб уста Комил унинг ҳолсиз қўлларини оҳиста сикди.

– Бекназарбой, тўрга ўтинг, тўрга, – деди хансираб Сайфи бобо.

– Майли, сиз безовта бўлманг, ака. Соғлигингиз яхшими? – деб аҳвол сўради оқсоқол.

Бир пиёла чойдан сўнг уста Комил Сайфи бобонинг қад-



дини кўтариб, белига ёстик кўйиб, аста-секин соч-соқолини киртишлаб кўйди. Кўлларини укаламоқчи бўлиб ушлаган эди, Сайфи бобо нурсиз кўзлари атрофида ажинларини йиғиб, инграб юборди. Сўнг уста кулок-бошини секин тортиб кўйди.

Дастурхонга овқат тортилди. Сайфи бобога бир пиёла қайнатилган гуруч олиб келишди. У киши гуручга қарамади, сўнг оксоқолга юзланди.

– Бекназарбой, сизнинг борингизга шукур. Қишлоғимизга сиздай жонфидо оксоқол жуда муносиб. Ҳамманинг аҳволдан хабар оласиз, ҳаммага тенг қарайсиз, илоё, барака топинг. Оксоқол кишлоқнинг имони бўлиши керак. Имон бор жойда тотувлик, ахиллик, оила мустаҳкам бўлади, – деди Сайфи бобо хаста овозда.

Ҳакикатан оксоқол ёшларнинг самимий дўсти, болалар ва ўсмирларнинг яқин ўртоғи, катталарнинг гўё туғишган биродари эди. У кишида ҳар қандай одам билан бир суҳбатлашгандаёқ тил топа оладиган, гаплашиш жараёнида уни тушунадиган ва ўша заҳоти қалбини англайдиган фавқулудда бир илоҳий истеъдод бор эди. У Бухоро мадрасаларида ўқиб келган бобосидан тарбия топиб, бобоси қатағонга учрагач, оиласидигилар кўп азоб-уқубатлар тортди. Бу кулфатлардан Бекназар ҳам бебаҳра қолмади. Лекин бобосидан олган тарбия уни эл-юртда азиз қилиб, умрини безаб келмоқда...

Оксоқол камгап эди. У ҳамиша суҳбатдошини жимгина тинглашни, тинглаб мулоҳаза қилишни хуш кўрарди. Ҳатто бўлар-бўлмасга кулмасди. Баъзан кулса мириқиб юракдан куларди. У киши ниҳоятда жиддий инсон эди. Жиддийлигида ҳикмат ва самимият бор эди. Унинг хатти-ҳаракатида, юриш-туришида ва салобатида одамларни ўзига тортадиган оҳанрабоси, яъни инсоний меҳр балқиб турарди. Оксоқол жозибали инсон эди.

Оксоқол одамларни бениҳоя яхши кўрарди. Уларнинг қувончу дардларини, шодлигу изтиробларини худди ўзиникидай қабул қиларди. Шу боис одамлар унга гўё авлиёга талпингандай талпинарди, ҳеч кимга очмаган юрак сирларини,

якинларига айтмаган дил дардларини унга ишониб айтишарди.

Сайфи бобо айтганидек, у кишлокнинг чинакам виждони эди...

– Тўғри айтасиз, Сайфи ака, Бекназар акадай имонли, ҳалол оқсоқол борлиги учун ҳам Жалойир тинч, ҳамма бирига меҳрибон, ахил, – деди уста Комил.

Бу мактовлардан Бекназар оқсоқол бироз хижолат бўлди.

– Жа, ошириб юбордиларинг. Энди кишлок ҳаммамизники. Қишлоқ ҳам бир оиладай гап. Унинг ҳам паст-баланд жиҳатлари, турфа характерли одамлари бўлиши табиий. Қишлоқнинг обрўси, яхши-ёмони ҳам ўзимизники. Баҳоли кудрат одамларга нафимиз тегаётганидан хурсандмиз. Энди сизларнинг дуоларингиз билан юрибмиз. Бир дуо қилиб, бизга жавоб беринг, Сайфи ака. Сизни ҳам уринтириб қўймайлик, – деди оқсоқол.

Сайфи бобо ҳолсизланиб бораётган қўлларини зўрға жуфтлаб фотиҳа ўқиди. Оқсоқолни ҳам дуо қилди. Кейин уни бағрига босишга интилди...

Бу уларнинг сўнгги бор кўришувлари эканлигини худодан бошқа ҳеч бири билмасди.

Эртаси куни Сайфи бобо оламдан ўтди. Оқсоқол бу мусибатли хабарни эшитиши билан дарҳол йўлга отланди...

Ҳар куни бобоси билан олдинма-кейин уйғонадиган кичик набираси, уни дарвозадан кўчага кузатар экан, қутилмаганда шундай деди:

– Бобожон, сиз оқсоқолми?..

У нима дейишини билмай, бурро-бурро гапираётган набирасини даст кўтариб, пешонасидан ўпди. Набиранинг ўзидай, мунчоқ каби кўзларидай беғубор ва пок шу биргина сўз Бекназар оқсоқолга янада куч-ғайрат, шижоат бағишлади.

У кадамини тезлатди...



Жамила ЭРГАШЕВА

(1962 йилда туғилган)

БОЙБИЧЧА

Кенжа ўғил омадсизроқ чиқди. Беш йил Тошкентда юриб, диплом ололмай қайтди. Уйдагилар канча суриштирмасин, сабабини айтмади, ўзи Тошкентга бошқа бормади. Акаларининг хаммаси алоҳида уй-жой қилиб, чиқиб кетишган эди. Гулнор кампир чоли билан борини бозор қилиб, кенжасини уйлантириб қўйди. Беш ўғилни уйли-жойли қилган чолу кампир назарида бу тўй энг охирги ташвишлари эди. Ҳаётларининг қолган қисми роҳат-фароғат ва тоат-ибодат билан ўтишини умид қилган эдилар, аммо... Дипломсиз ўғил дурустроқ иш топиб, рўзғор харажатларини ўз зиммасига олгунича икки фарзандли бўлди. Бу орада чол ўтиб кетди. Гулнор кампир келин олдида кўли қисқа ўғлининг тили ҳам қисик бўлмаслиги учун ташвиш чекар эди: нафақасини рўзғорга сарфлар, ҳали у, ҳали бу тикиб сотар, хуллас, тиниб-тинчимас эди. Ўғил ишга жойлашгандан кейин ҳам бирлари икки бўлмади. Келин “Дадаси, ун тугади”, “Дадаси, ёғ тугади” деганда, Гулнор кампирнинг юраги зиркираб кетарди: “Кўлида дипломи бўлганда, шунча қийналмасди болам”.

Кейинги пайтларда кенжа бироз тажангрок бўлиб қолди. Беш бола, она, хотин... Гўшт-ёғ нари турсин, нон етказиш ҳам кундан-кунга қийинлашиб боряпти. Қоплаб келтирса ҳам бо-

далари пиллақуртдай бирпасда еб битиришади. Акалари ота уйига келиб, онаси билан уч-тўрт оғиз гурунг қилиб кетиши ғашини келтирадиган бўлиб қолди.

– Бойвачча ўғилларингиз онасини кўргани икки кўлини бурнига тикиб келади. Укам жўжабирдай жон, болаларидан орттириб онамга нимаям олиб беради деб, бир килогина олма кўтариб келиша олмайди.

Гулнор кампир кўпинча индамайди. Бир ҳисобда кичик келин ҳақ эди. Баъзан тўнғич ўғли “Бозордан қайтаётган эдим”, деб киради-ю, “Она, кўнглингиз кетганда ерсиз”, деб кўлига бирон нарса тутқазмайди.

Тунов кунни кампир Олимжоннинг уйига борган эди. Келини ҳовлидаги супада бир тоғора товук гўштини тозалаб ўтирган экан. Паррандачилик фермаси директори жўнатган, шекилли.

– Шунча бераркансан, сўймай бер. Хоҳлаган пайтимиз иккита-иккитадан сўйиб-сўйиб ейвурардик. Энди бунча нарсани нима қиламан? – жавранди келин.

Қозонда ёғ қизиётганди, келин ошнинг зирвагини қовуриб келди. Товук гўшти роса ширин экан, чайнаган сайин мазаси чиқаверади. Мазаси чиққани сайин Гулнор кампир кўз олдига неваралари келаверади.

Дастурхон йиғиштирилгач, кампир “уйга кетаман, ўғлинг олиб бориб қўйсин”, деб туриб олди. Ўзича келин бирорта товук ўраб берар деб умид қилдими? Машинага ўтираётганда ўнг томондаги чала битган ошхонанинг очик эшигидан уюлиб ётган ковун-тарвузлар, қат-қат тахланиб турган ёғоч қутилардаги узумларга кўзи тушди. Негадир алами келди. Бир замонлар кичкинаси бир нарса еб, қатгаси ютиниб турганини кўрса, егуликни дарҳол бўлиб берар эди. Энди эса... бир нарса деса, “Ишласин, она, ишлаган тишлайди. Мен унинг бола-чакасини боқаман деб, елиб-юғуриб юрганим йўқ”, деб оғзига уради. Кампир, “Шу камхарж ҳолига бола-чакасига кўшиб, меням боқиб ўтирибди”, деса, “Боқмасин. Бизникида яшанг, ўзим боқаман”, деб бидирлайди.

Эҳтимол, тўнғичлари боқса-бокишар, ҳаммасининг топгани ўзига етиб-ортади. Аммо одамзод бир умр бир жойда яшаб, шу ерга ўрганиб қолган бўлса, иккинчи бир жойга, ҳатто у боласининг уйи бўлса ҳам, кўнгили кўйиши жуда қийин. Бундан ташқари кампир шу камхарж ўғил ва унинг болаларига бошқача меҳр кўйган...

Келин: “Ўғлингиз келса, мени уришади. Бир кеча ётиб борардингиз-да!” – деб жавраб қолди.

– Онасини кўргиси келса, излаб борсин, – тўнғиллади кампир.

Олимжон ростдан ҳам сўроқлаб келди.

– Она, мени кутмай кетиб қолибсиз?

– Мени нима қиласан, ош-ноннинг офати бўлсам. Товуқларни маза қилиб едиларингми?

Олимжон хохлаб қулиб юборди.

– Товуқларни Олапардан сўрайсиз. Келинингиз ит боғлоғлик деганми, товуқларни супада очиқ қолдириб, сизни кузатгани чикқан. Кўчадан кўшни янги олган мебелимни кўринг деб, уйига етаклаб кетган. Элакка чикқан хотиннинг эллик оғиз гапи борлигини яхши биласиз. Бу ёқда болалар телевизорга ёпишиб ётган, ҳамманинг қорни тўқ, ит очдан ўлсинми, бир амаллаб бўшалибди-да, еганини еб, емаганини тупроқ билан битта қилибди...

Кампир ковоғи уюлиб ўйлади: “Қизғонанинг қизил итга ем бўлсин!”

– Агар шу товуқларни меҳнат қилиб топганда эди, шундай очиқ-сочиқ қолдирмасди, – деди кейин қаҳрини охиригача ютиб юбора олмай.

Кампир ўзи рўзғорга қўшимча бўлсин деб, бир умр элнинг хизматини қилди: кигиз босди, гилам тўкиди, кийим тикди.

Башанг кийиниб, қатта пул сарфлаб, арзимас юмушларни қимларгадир қилдирадиган кишиларга қараб, “Насиб этса, мен ҳам болаларимни ўқитаман”, деб ният қиларди.

Тўғри, чол-кампир баъзилар каби болалари ортидан чопишмади. Улар мактабда яхши ўқишарди. Сўнг бирин-ке-



тин ўз билимлари билан институтга жойлашиб олишди. Айрим тенгқурларига ўхшаб ижара уйларида яшашгани йўқ, ётоқхонада кун кечириб, стипендияга қаноат қилишди.

Шундай деган билан эру хотин уларни бутунлай тақдир ҳукмига ташлаб қўйишмади. Икки-уч жойда ишлаб, ойлаб ёвғон ичган вақтлари кўп бўлди. Ҳар неки етолмаган орзуниятларини болаларининг дипломли ва ишли бўладиган кунларига асраб қўйишарди.

Айникса, ёз ойлари қийин ўтарди. Бир ховлида уч қолип казишарди-да, лой тепиб, тандир қилиб сотишарди.

Бир ўғли иклими совуқ юртларда ўқиди. Ҳар доим сентябрда пулнинг ўрнига олма-анор олиб кетарди. Айтишича, у ёққа боргач, бу нарсаларни беш бараварига пулларди. Бир сафар боғ қоровули бўлиб ишлайдиган қўшнилари: “Икки қоп олма бўлса, ўзим бериб юбораман. Катталар қурултойга кетишган”, деб қолди.

Гулнор кампир унда ёш ва чайир эди. Кенжасини етаклаб боққа борди: “Бир қопни сен велосипедингга ортасан, биттасини мен орқалайман”. Баланд-баланд дарахтларга чиқиб олма териш осон бўлмади. Иккинчи қоп тўлай деб қолганда агроном келиб қолди ва ўғлининг ёқасидан тутиб бақира кетди:

– Ҳой, муттахам! Нима қиляпсан?! Ҳозир милиса чақириб, қамоққа тиктириб юбораман! – Тепада қалтираб ўтирган Гулнорга кўзи тушиб, баттар бақирди: – Пастга туш, худбин! Одамлар боласини тўғри бўл деса, сен биргаликда ўғирлик қиляпсан.

Гулнор қалтираб-қалтираб дарахтдан тушар чоғида шохча лозимини илиб йиртиб юборди.

– Опа, пулини тўлаймиз. Ўғлим Россияда ўқийди, шунга бериб юбораман дегандим.

– Пулинг бошингдан қолсин, ифлос! Сендақалар дастидан хўжалик абгор!..

Гулнор ҳар қанча ялинса ҳам агроном аёл ҳоврини босмади. Бақирганча оғир қопларни югурдагига кўтартириб жўнади. Гулнор эса бўм-бўш қўл, кўзлари тўла ёш ва ранги қумдек



окариб кетган ўғли билан қолди. Сал ўтмай қўшни келиб узр сўради:

– Хафа бўлманг, ҳамсоя, ўзи сал...

Гулнор ҳеч нарса демади.

– Сизлар бораверинглар. Кечга яқин ўзим пича элиб бераман.

– Йўк!..

Ҳақиқатан ҳозир Гулнор учун ҳеч нима керак эмасди. Тезроқ ёлғиз қолиш ва ўкириб-ўкириб йиғлаб олишни истар эди.

Улар қоронғи тушгунча боғда қолиб кетишди. Гулнор почаси йиртиқ ҳолда қишлоқ оралаб юришдан уялди.

Албатта, бу кунларни кенжасидан бошқа ҳеч ким эсламайди.

Тўнғичлар осмондан ўзлари шундай топарман-тутарман бўлиб тушгандай юришади. Келинлар эса уларни молу дунёси билан яратиб қўйгандек муомала қилишади. Айниқса, бош келин гапларига чидаб бўлмайди: “Тушимда денг, тандир-тандир нон пишираётган эмишман. Дарров садақа чиқардим. Уч кундан сўнг бошқармага кўтарилиб кетди. Ўғлингиз ҳам доим “сен биласан, онаси” деб миннатдор бўлади”. “Сендан эмас, Оллоҳдан миннатдор бўлсин”, деб юз йиртадиган одам керак. Гулнор кампир эса индамайди. Дилхиралик нимага керак?

Гулнор кампир охири аҳд қилди: “Ўрганган бовурим” деб шу камбағал ўғлимга жабр қилиб ётмай, навбат билан бошқа ўғилларникида ҳам тураин. Уларни ҳам оқ сут бериб бокқанман, ўқитганман, уйлантирганман!..

Эрталаб тўнғич ўғлига кўнғироқ қилди:

– Болам, менга машина юбор. Зерикдим.

– Ест, онажон!

Келин қайнона ортидан қирган латта тугунни кўриб хайрон бўлди. Тили учгинасида қирғоққа чиқиб қолган балиқдай пиртлаб турган саволни бижилдоқ кичик қизи бериб қўя қолди:

– Момо, бу нима? Бизникига кўчиб келдингизми?

– Ҳа, болам.

– Ур-р-ей! Энди бизникида яшайсизми?

– Ҳа, шундай.

Қайнонасини кўриб: “Энди бутун куним қош-қовоққа қараш билан ўтаркан-да”, деб энсаси қотиб ўтирган келининг бу гапдан сўнг тамом мазаси қочди.

– Бор, бир рўмол олиб кел, бошим еб бораёпти, – дарҳол рўмолни пешонасига танғиб олди. – Вой, бошим!

Онасининг буйруғи билан болалар дастурхон тузашди.

Ўғил эса кўрпачада ёнбошлаб, кўйнига кирган қизчасини эркалади. Буни кўриб, хотини қаҳрланди:

– Ҳей, менга қаранг, иш кийим билан чўзилиб олманг, туринг, ишингизга боринг.

Ўғил хотинига ҳеч нарса демай, қизини эркалай-эркалай кўзгалди.

Кампир ҳайфи келиб ўй сурди: “Ай-й, одамзод-а! Бунча тор бўлмасанг. Шу кампир туғиб ўстирган ўғилнинг соясида бойбичча бўлиб юрибсан. Неча йилда онаси тугун кўтариб келса, бирдан иситмалаб қоласан”.

Келиннинг бош оғриғи бир ҳафта босилмади. Мақтанишдан жағи тинмасди, камгап бўлиб қолди ва ниҳоят ёрилди:

– Уйда бирон гап бўлдимми?

– Йўқ! Уларнинг кўли юпкарок, боши кўп, бу ўғилларда ҳам ҳақим бор, бир кенжаникига ёпишиб ётавермай девдим-да.

– Кенжада бир сиз эмас, ҳаммамизнинг ҳақимиз бор. У яшаётган уйга биз ҳам шерикмиз, – неча кундан бери ичида бурқсиб ётган ўт ниҳоят оғзидан чиқиб кетди.

Кампир надомат билан бош чайкади:

– У уйга бировинг бир ғишт кўйганинг йўқ. У уйни чолим билан мен қурганман. Уйимни кимга беришни ўзим хал қиламан.

Шу билан қайнона-келин ўртасида бўлиб турган узук-юлук сўзлашувлар бутунлай барҳам топди.

Эртаси куни кечкурун ўғлига деди:

– Мени уқангникига олиб бориб кўй!

– Содикникигами?

Кампир аччиғи келиб ғудранди:

– Олимникига.

Ўғил ҳам, келин ҳам жилла курса кўнгил учун “Нега? Бизникида тураверсангиз бўлади-ку”, демади, деёлмади.

Кампир Олимжоннинг уйида бир ой яшади. Эру хотин кун бўйи ишда, кампир эса невараларини кўриди. Аввалига эру хотин роса хурсанд бўлди: “Энди боғча ҳам, эшик-дарвозага қулф ҳам керак эмас”. Аммо кейин-кейин ўғли баъзан жеркиб ташлайдиган одат чиқарди. Охири кампир кўнглидагини айтиб солди:

– Ҳа, ўғилбой, тўшагим сасидими дейман? Овозинг баланд-баланд чиқяпти. Агар шундай бўлса, айт, кетаверай!..

Олимжон кўнглидаги аён бўлиб қолгандай хижолат тортиб қолди:

– Сизга биров кетинг деяптими? Онам деб баъзан-баъзан эркалик қилсак айбми?

Бир ой деганда учинчи ўғил келиб, олиб кетди. Кампир ўзича “Ўғлим мени соғинибди-да” деб ўйлади. Олимжон кўнгирак қилиб, “Момойни олиб кет, бизникида зеркиб қолди”, деганини, Одилнинг “Хўп ака, бизникида ҳам уч-тўрт кун турсин”, деса, “Сеникида ҳам бир ой туради, мана мен бир ой қараб бердим”, деганини кейинроқ келинидан эшитди.

– Бўлмаса, мен борай. Ўғлим уч-тўрт кун турсин деган бўлса, келганимга ҳафтадан ошиб кетди, – деди кампир астойдил тараддулланиб.

– Кўйинг-э, – деди келин ёлғондакам хижолат тортиб. – Сиз келиб уйимиз тўлиб қолди. Қайноғаларим ҳам ҳеч келишмас эди, сизнинг баҳонангизда...

Аммо кунлар ўтган сайин кампир сабабли қора берадиган меҳмонларга зўр-базўр дастурхон ёзилиб, тил учи мулозамат кўрсатиладиган бўлиб қолди.

Бир кун кампирни кўргани кенжаси қадам ранжида қилди. Ишдан ҳориб қайтаётир, шекилли, ранги ўчиб, лаблари қотиброк турарди. Келин ичкарида дам олаётганини билса ҳам чакирттирди. Келин юзини ҳам ювмай минг малол билан туриб келиб, қайнисини билан шунчаки сўрашди-да, кампирга хўмрайиб қаради.

– Ҳа, нима дейсиз?

– Чой-пой қил.

Келин индамай хонадан чиқиб кетди. Анчадан кейин дастурхон ёзилди, арзон-гаров қанд-курслар қўйилди. Икки пиёла билан бир чойнак чой пайдо бўлди.

– Овкат йўқми? – сўради кампир оғриниб.

– Қолмаган, – келиннинг қоши чимирилди.

– Овкат нима керак? – деди Содик хижолат тортиб.

Ёлғон гапни меҳмон ҳам сезган эди. Боя кампир ошхонага кириб, очиқ қолган қозон оғзини ёпмоқчи бўлганда тагида овкат борлигини ўз кўзи билан кўрган эди. “Ҳали катта ўғли мактабдан қайтгани йўқ. Овкатни шунга олиб қўйган. Бергиси келмаса, музлаткич тўла тухум, ковуриб қўйса, дунёси тугаб қолмайди-ку”.

Кампир оғир хўрсинди.

– Онажон, уйга юринг, – деди Содик жавдираб. – Болалар жуда соғинишган.

– Хўп, болам, – кампир кўзларини юмган кўйи бош ирғади.

– Тараддудингизни кўринг, ҳозир олиб кетай!

– Сен боравер, болам, аканг келсин, машинаси билан элтиб қўяди.

Кечқурун Одилбек олдида она ўзини тутиб тура олмади:

– Ўғлим, бу ерда ҳам иззатимиз битди, шекилли.

– Тинчликми?

– Бугун уканг келган эди, хотининг иккита тухумга арзитмади!..

– Сиз айтдингизу ковуриб бермадимми?

– Э-э! Айтишим шартми? Кўриб турибди-ку, ишдан очқаб келаяпти.

Одилбек жаҳли чиқиб сайради:

– Э-э, она, шунингизни тўқ куни борми? Сизнинг кўнглингизни деб ҳамиша қарашиб келаман. Лекин тўймайди, доим оч. Бир умр шуни ғамини едингиз, нафақангизни шунга берасиз, уйида яшаб, чўрилигини қиласиз. Энди, ҳеч бўлмаса меникида яшаётганда шуни ўйламанг. Лапашанглиги учун биз айборми? Ҳадеб хафа бўласиз? Яна нима қилай? Уйимнинг тўридан жой бериб қўйибман, еб-ичиб ўтирибсиз.

– Уйингнинг тўри ўзингга насиб қилсин, болам, – кампирнинг ранги оқариб кетди. – Майли, hozir ишдан чарчаб кайтгансан, чоғи, лекин эртага эрталаб ола кетасан.

– Э-э, она!..

Кампир шу окшом тугувли турган тугунини қайта тугди. Самандарникига боришни истамади. Бир ота-она ўн ўғилни боқади, ўн ўғил бир ота-онани боқолмайди деганлари шумикан? Эсиз, беш ўғил тукқан, беш ўғилни ўқитган бойбичча-я, “Кўнглингизда нима гап бор?” деган меҳрга йўғрилган саволни эшитмаганига неча-неча йиллар бўлиб кетди-я. Эсиз, Оллох ундан бир қиз фарзандни аяган экан-а. Ўғиллар ҳам ўз кунига ўлмасин, қиз ич куйлак бўларди-да. Ай, дунё-я!..

Кенжа ўғил уйда экан. Одилбек машинаси дарвозага рўпара бўлиши билан югуриб пешвоз чиқди. Ўзича хижолат чекиб, бир қўли билан онасининг тирсагидан олди, бири билан тугунини кўтарди. Қадрдон, саришта хонага киргач, кечадан буён кампирнинг юрагини сикимлаб турган нарса ғойиб бўлди ва юмшоқ каравот сари юрди.

– Кечирасан, болам, бироз чўзилай.

– Майли, бемалол.

– Ай, болам-а! – кампир кўзларини юмиб олди, шу ётишида ўйлаётими, ухляётими, англаш қийин эди. Анчадан сўнг хорғин пичирлади. – Майли, шунисигаям шукур.

Кампир бошқа гапирмади. Кечки овқатга ҳам турмади.

Содик акаларига бир-бир кўнғирок қилди.

– Онамизнинг тоби йўк, ҳеч нарса емаяптилар!

– Кеча Одилникида соппа-соғ ўтирган эди-ку.

– Одилнинг хотини бир нарса дегандир-да.

Ҳар қайсиси ҳар нарсани рўқач қилди. Бири ишдан чарчаб келган, бирининг меҳмони бор, яна бири чойхонага чиқиши керак экан... Ҳаммаси эртага эрталаб ишга кетишда бир йўла хабарлашиб ўтишини айтди.

Тонгга яқин кампир узилди. Дунё бирдан хувуллаб қолгандай бўлди.

Аввал оқшом бир оғиз гап билан етиб келган ёлғиз сингил
фарёди оламни тутди.

– Беш ўгилли бойбиччам,
Суюнганим опам-ов.
Тополмайин бир дардкаш,
Куюнганим опам-ов.

Шундай кунда юрагим
Тилинди-ку, опам-ов.
Бир қизингни йўқлиги
Билинди-ку, опам-ов...

Салдан кейин бойбичча ётган хонада беш ўгил баравар
“Онам-эй!..” – дея ув торта бошлади...



Назар ЭШОНҚУЛ

(1962 йилда туғилган)

ҚУЛТОЙ

*...Кетсин мендан оху войим,
Обод бўлсин мазгил жойим,
Дуо қилган, қиблагойим,
Отам Қултой, хуш қол энди...*

“Алпомиш” достонидан

Юзи аралаш тушган камчидан сўнг орқасидан тепки еди – кўпкариларда ўзларига йўл очиш учун олдини тўсган отларнинг биқинига тепиб ўрганган қайнилар бу барзанги ва на хотинни, на рўзғорни биладиган, умри молнинг изидан таёқ судраб, қиру адирларда ўтаётган ва шунга яраша кучқувватга тўлиб турган одамни бошқа жойига тепиб йиқитиб бўлмаслигини, хотинидан бошқа ҳеч кимга айтмаган сирини – айнан шу чап оёғини кирнинг устида бўри ғажиб, қувватсиз бўлиб колганини билишгандай мўлжалдан адашмай нақ тиззасига, бўрининг тишлари қолган ва беш йилдан бери намгарчилик пайтлари зиркираб, азоб берадиган чандиқ устига орқа тарафдан кетма-кет зарба беришди. Улжоннинг кўзидан ўт чакнаб кетди. У оёғим синди деб ўйлади ва шунинг учун энди нима қилиб бўлса ҳам моматалок бўлиб кетмасин деб, бир

пайтлар Ражаб чўпон билан Толли яйловида муз ёғаётган дўл остида қолиб, устига эшакнинг жабдуғини ёпиниб кутулиб қолишгандай, дўлдай ёғилаётган қамчилардан ҳимояланиш учун юзини кўллари билан тўсганча ҳар қандай хўкизни орқа оёғидан бир тортиб, қассобларга боғлаб берадиган чайир панжаларига агар биронтасининг ақалли балоғи илашиб қолса ҳам худди кутурган шердай тагига тортиб, тилка-пора қиладигандек, қайниларининг яқин келишини пешонасидан сизаётган қондан ачишиб турган кўзларини қисиб олганча пойлаб ётар, қайнилар ҳам ичидагини билиб туришгандай оёқларини унинг қўллари етмайдиган масофада сақлаб, худди пахта савалашаётгандай бири қўйиб, бири қамчилар, Улжон энди тақдирга тан берган қўйи, кўз олдига негадир ҳали қулоғи кесилмаган кучуги келган, кейин булар мени ўлдириб қўйса, изимдан йиғлаб қоладиганим ҳам йўқ, анови эси кирди-чиқди маймоққа эса мен ўламанми, қоламанми, фарқи йўқ, у мендан кейин ҳам этагига тезак йиғиб, ўтган-кетганга иш-шайиб юраверади деган жосусона фикр лип этиб ўтганди-ю, томоғига аламли хўрсиник текилиб, ҳатто қаршилик қилиш ҳақида ўйлашга ҳам қурби келмай, бўшашганча, ўзи неча марта кўзига қараб туриб, бўғизлаб ташлаган новвосларнинг жонҳолатда пишқиргани каби хансираб ётаркан, бирдан аёлнинг чинқириғини эшитди – қайдандир маймоқланиб Арзихол пайдо бўлганди; у қайниларнинг атайлаб учига қотирилган тери ўрнатилган қамчилари моматалоқ қилаётган Улжоннинг бошига ўзини ташлади: энди қамчилар аёлнинг елкаси аралаш визиллар, Арзихол бор овози билан қишлоқдошларини ёрдамга чақирганча, худди ёш гўдагини бағрига олиб, бостириб келаётган бало-қазолардан асраётгандай Улжоннинг бошини товону бармоқлари бирлашиб кетган майиб оёқлар билан туғилгани ва айни шу нуқсони учун соғлом ва нуқсонсиз одамлар дунёсида бир умрга бўйнини қисиб, бошини эгиб юришга маҳкум этилгандан бери бошидан аримаган ҳақорат ва хўрликдан йилма-йил кичрайиб бораётган миттигина жусаси билан тўсиб олганди. Улжон нақ бурнига тегиб турган

аёлнинг кўкрагидан ачимсиқ тер ва ўзига жуда таниш бўлган кўкрак ҳидини тўйди: бир зум у бу хид қаердан келаётганини ва бу хид димоғига қачон ва қандай ўрнашиб колганини англолмай, ўзини калтаклашаётганини ҳам унутиб, беихтиёр худди эмаётгандек тамшанди. Тамшанди-ю, кейинчалик шу холатини эслаб жаҳли чиқди, сал бўлмаса, иккита сигирнинг оёғини гаврони билан уриб синдираёзди. Икки-уч ойдан кейин хотини уйга қайтиб, боласини эмизиб турганини кўрдида, яна ўша хид эсига тушди. Бу хид жуда таниш, шу билан бирга нотаниш эди. Қисир сигирдан фарқи йўқ, бир маймоқ тўколнинг кўкрак ҳиди ўзига таниш бўлиши ғзабини келтирди ва отасидан ўрганган одатини қилди: подага кўшиш учун сигирни етаклаб чиққан Арзихолнинг елкасига алам билан гаврон туширди. Бу марта аёлни аяди, гавроннинг учигина тегди. Арзихол унинг кўрс ва кўпол муомаласига ўрганиб кетганди. Елкасига гаврон тушганда майишиб кетар, оғрикни билдирмай унга ожиз ва ялинчоқ тарзда тикилганча маймоқ оёқларини судраб, нари кетарди. Шундай пайтлари Улжон Ражаб чўпондан ўрганган сўзлар билан “Энағар, маймоқ!” деб сўкинарди. Ражаб чўпон одамови ва қаҳри қаттиқ одам эди. Унга мол билан одамнинг фарқи йўқ, ким жаҳлини чиқарса, узун гаврони билан тушириб колар, шунинг учун терсоталиклар уни кўпам давраларга кўшавермас, у подаси билан яйловда қанча юрса, қишлоқ шунча тинч бўлади дейишарди. Унинг ана шу кўрс ва ўзига ёқмаган ҳар қандай масалага гаврон билан аралашиб одати, гарчи пушти камаридан тушган фарзанди бўлмаса ҳам Улжонга тўлиқ кўчиб ўтганди. Ражаб чўпон қаҳри қаттиқ бўлгани билан миждов эмасди. Улжоннинг асранди эканини бирон марта ҳам юзига солмади, шу сабабли Улжон бу уйга асранди экани хаёлига ҳам келмасди. Бола қизи билан кўкрак талашиб катта бўла бошлагач, биронинг фарзанди экани ҳам Ражабнинг эсидан чиқиб кетди ва у олти ёшга кириши билан ўзи билан кўшиб, подага олиб кетди. Шундан сўнг гоҳ Чит устидаги, гоҳ Толлидаги яйловларда ойлаб қолиб кетишар, ота-бола пода кетидан юриб, ўз

изларидан худди ўз умрларининг ёрқин ва навқирон даврларини бирма-бир ёқиб, кейин ўчиришаётгандек тутаб ётган ўчоқлар билан бирга мол тезаклари қолдирганча, гавронлари билан сугир оёқларию, ўзларига ёкмаган одамлар елкасига жаззакчи феълларининг асоратларини чизиб, ўзларининг гоҳ юввош, гоҳ зардали кайфиятлари каби ўзгарувчан фасллару йилларни бу тоғ яйловлари ва дашту далаларга бирма-бир алмаштириб чиқишарди. Улжон мактабда ўқимади, унинг ёрлигини биров эсламади ҳам. Шунинг учун худди дашт бўйи каби жаззакчи ва сиркаси сув кўтармайдиган қизиққон бўлиб ўсди. Орадан йиллар ўтиб, балоғат ёшига етгандигина, хужжат кераклиги ёдига тушдими, Ражаб чўпон бир кўзили қўйга эски таниши орқали туғилганлик гувоҳномасини тўғрилаб олди. Шундай қилиб, Улжоннинг асранди фарзанд экани ҳам, кенжа кизи икки ойлик бўлганда, баҳорнинг охирида безгак тутиб ётган хотини касал ҳолида отасиникига кетиб, кўлида бир ҳафталик бола кўтариб келгани ҳам эсидан чиқиб кетди. Ўшанда у хотинининг кўлидаги эти ҳилвираб ётган чақалокни кўриб, отасиникида икки кун қолиб кетгани учун гаврон билан саваламоқчи бўлди-ю, аммо хотинининг ўзига ялиниб, илтижо билан титраб, безгак тутиб турганини кўргач индамади. Устма-уст киз туғиб, мендан калтак еявергани учун ҳам бу болани олиб келган деб ўйлади ўзича. “Бир қариндошимиз тукқан куни ўлиб қолибди, кизинг ҳали сутдан чиқмаган деб менга беришди, бу энди бизнинг боламиз, отаси”, деди Роҳат. Ражаб энди туғилган кўзичокдай бўлиб ётган чақалокка қаради-ю, бу бола кимнинг боласи, қандай қариндоши бўлади, қайнотаси нега касал хотинини айнан шу кунлари Читга шошилинич чақирди ва хотини қандай қилиб бу болани олиб келди – қайта суриштириб ўтирмади. Ҳатто унга исм қўйиш ҳам эсдан чиқиб кетди. Орадан бир ҳафта ўтмай хотини безгакдан қалтираб иккита чақалокни бокишга қийналаётганини айтди ва отасининг уйида ўтириб қолган маймоқ синглисини олиб келишини сўради. Ражаб чўпон индамади. Хотини куви пишишга ҳам қурби етмай қолганини

ва кундан-кун худди кузги шувокдек тўкилиб бораётганини биларди – Арзихолни қайнотаси бир сўз демай, худди бу эр олмас қиздан безор бўлишгандек, битта эшак қулоғича келадиган бўғчага ўралган кийимлари билан ташлаб кетди. Ҳатто куёвнинг кўзларига қарамади ҳам. Ражабнинг майдакашлик одати йўқ эди. Бунга эътибор ҳам бергани йўқ. Кейинчалик бола юра бошлаганда Ражаб боланинг бўлик оёқларига қараб туриб, хотинига “Бу энди бизнинг ул бўлди, Улжон кўякол”, деди. Шундай қилиб, читлик бола Ражаб чўпоннинг меросхўри бўлиб колди ва Арзихол ҳам қайтиб отасиникига кетмади. Улжоннинг ҳам асранди экани баъзида келиб, отасининг уйю молига иддао қилиб кетадиган қизлари демаса, ҳеч кимнинг хаёлига келмасди. Аммо кизлар Ражаб чўпоннинг Улжонга бўлган муносабатини кўриб, бу ҳақда очик-ошкора оғиз очишмасди. Роҳат тўшакка михланиб қолгандан кейин бутун рўзғор мўйлови сабза уриб, отасидай бағритош ва кўпол бўлиб вояга етаётган Улжоннинг турткилашлари-ю камчиларидан қирқдан ошар-ошмай муштдай бўлиб қолган шу маймоқ аёлга, Ражаб чўпондан сўнг кишлокнинг подаси эса Улжонга колди.

Улжон Арзихолни бошидаёқ ёқтирмасди: у бу мажруҳ аёл нега ўзлари билан яшаётганини узоқ вақтгача тушунмади – кейин эса онасининг ўрнидан туrolмай ётганда ёлғиз шу майиб холаси кунига яраётганини кўрганда, баттар ғаши келди: унга бу аёлнинг бирон ишни эплаб қилолмаслиги, иш буюрса, ҳамиша чаласи бўлиши, чироқ ёққанда, шишаси ёрилиши, идиш ювганда коса синдириши, нон ёп деса, хамир оқиб кетиб, нонсиз қолишлари, соғиб олган сутига, албатта, мол гўнги кўшилиб қолиши, умуман, аёлга хос бўлган жуда кўп фазилатлар бу худо урганда йўқлиги унинг ғашини келтирар, устига-устак бу, аёлга раҳм қиладиган, унга ачинадиган одамнинг ўзи йўқ, отасидан тортиб, опаларигача Арзихолга бир кераксиз ва ортиқча буюмга қарагандай қарашар, боболари билан тоғалари ҳам Читдан қидириб келишганда Арзихол билан номига сўрашар, гўё у аллақачон ўлиб кетгандай, бу

майиб аёл бир бегонадай, унинг ҳали ҳам ўша отаси билан олиб келган бўғчадаги кийимлари устига илиниб турган абгор киёфасига эътибор ҳам беришмас, Роҳат эса касаллик ҳеч кимга кераги бўлмаган бир маймоқни эмас, айнан ўзини танлаб, ҳаёт шамларини бирма-бир ўчираётгани учун алами келгандек ётган жойида Арзихолни “Сен тўқол, мени ўзингдай бебурд қиласан, мени иснодга қўясан”, деб қарғанар, кўзи тушган жойда уни гўрдан олиб, гўрга тикар, шунда ҳам бу аёл хўрлик ва ҳақоратга лойиқдай бирон эътироз билдириш тугул, ҳамиша кўркиб, хуркиб, бурчак-бурчакларга бекиниб, бировларнинг кўзига кўринмай яшар, бу эса Улжоннинг ғашини баттар келтирар, уни кўрган жойда турткилаб ўтар ва ўтирса ўпок, турса сўпок деб сўкарди.

Қайниларнинг қирдан ошиб келаётганини кўргандаёқ Улжон буларнинг нияти бузуклигини билганди. Аммо том айланиб қочишга ё беркинишга ғурури йўл қўймади. Отнинг абзалини тортганча уларни пойлаб тураверди. Биринчи камчи келиб тушганда, от хуркиб, қочиб қолди. Қишлоқда ҳар ким ўз иши билан банд, тўртта барзангининг қишлоқдаги ҳар қандай йигитни бир чўқишда қочирадиган Улжондай одамни уйига келиб қалтаклаши хаёлларига ҳам келмасди. Аммо қайнилар бир сўз демай куёвни савалашга туришди. Товуқларга дон бериб, катакдан ўрмалаб чиқаётган Арзихол кўриб қолиб, ўзини устига ташлаб, бор овози билан бутун қишлоқни оёкка турғизгандагина қишлоқдошлари ажабланган кўйи бирин-кетин югуриб кела бошлашди.

Бойқул чол қўшқўллик қайниларни жеркиб берди:

– Сингилларингни ҳайдаб юборган бўлса, камчи билан қўшасизларми? Ҳе, ўргилдим сизлардай оркашлардан.

– Синглимиз энди бу ҳўқизнинг уйига ўлса ҳам келмайди! Бунга бошқа хотин топиб беринглар! – деди ўртанча қайни. У жимитдай гавдаси билан Улжоннинг бошини тўсиб олган Арзихолнинг елкаси оша камчи туширганда акасидан бир камчи еб, бўйнини ушлаб турарди.

Қайнилар от чоғиб, қишлоқларининг орини кўтариб юрган одамлар эди. Кекса чол билан тортишиб ўтиришмади.

Бундан ташкари терсоталиклар ҳам ўз кишлокларига камчи кўтариб бостириб келишганидан нафсонияти кўзғалиб, бири таёк, бири паншаха кўтариб олишган, важоҳатларидан ака-укаларни ғажиб ташлагудек кўринишарди. Улар отларига миниб, бир сўз демай жўнаб қолишди. Арзихол юзидан сизаётган қон бўйни орқали ичига оқиб кетаётганидан беҳабар Улжоннинг юзидаги жароҳат изларини рўмоли учи билан артар, нарига учиб кетган телпагини қоқиб бошига кийдирарди. Унинг меҳрибончилиги Улжоннинг жаҳлини чиқарди. У ўзига келиб, аёлни итариб юбориб, ҳали қирга етмаган қайниларига бир кўз ташлаб, омборга қараб югурди. Арзихол унинг нима учун омборга кирганини билди. Маймоқланиб, Бойкул чолга нимадир деб ғулдураганча, изидан чопди ва омборнинг эшигига таёк ўтказиб қўйди. Ичкаридан Улжон эшикни тепиб бақираётгани эшитилди. Улжон бир илож қилиб, эшикни бузиб, қўлида милтиқ билан чикқанда қайнилар аллақачон кир ошиб кетганди. Улжон аламига чидолмай қўндоқ билан Арзихолни бир уриб йикитди.

– Энағар маймоқ, уларнинг ўрнига сени ўлдираман!

Улжон хотинининг кетиб қолиши-ю, қайниларининг ўзини савалашгани аламини биратўла маймоқ аёлдан олди: ҳар доим тодадан қайтганда Ражаб чўпон оёқ остида ётмаслик учун ўргатган жойга – айвоннинг шифтига тикиб қўйилган узун ирғай таёк билан Арзихолни солиб қолди. Аёл сал бўлмаса икки кадамга, айвонга териб қўйилган буғдой қоплари устига учиб бориб тушди: унинг жимитдай танаси худди коптокдай юқорига кўтарилиб тушганини бу ерга нафсониятлари кўзғалиб эмас, кўпроқ томоша учун келган терсоталиклар аниқ кўришди. Арзихол Улжонга ожизона ва заиф овозда нимадир демоқчи бўлди, мусичанинг қуриллашидай овоз чиқарди, аммо ҳеч нарса демади, таёк тушиши билан бошидан учиб тушган рўмолини олиб, эсига тушгандагина қатикка ювиладиган сочи патак бўлиб ётган тўзғок бошига ташлаб, Улжоннинг кўзидан яшириниш учун молхона тарафга пилдираб ўтиб кетди.

Кечга яқин Ўрол уста қоп-қорайиб кетган таёк ўрнини кўриб, заифлашиб қолган тирсакни ушлаб кўраркан, аёлчалиш қилиб қарғанди:

– Ҳўкиздай бўлмай ўл-да, сен, Улжон. Келиб-келиб бир майибга кучинг етдими? Қўлини синдириб қўйибсан-ку, жувонмарг.

Арзихолнинг оғриқдан кўкариб кетган юзига қараб, ўзи устани бошлаб келиб, ўзи дакки эшитаётгани жаҳлини келтирдими, ё қилган ишидан уялдими, Улжон чолга бир оғиз гап қайтармай нари кетди.

– Уни қарғаманг, уста бова, – деди Арзихол оғриқдан терлаб, инқилларкан. – Айб ўзимда. Ўзим йиқилиб тушдим. Хотинини мен сиғдирмадим. Мени деб кетиб қолди. Нима қилай, мен бир худо урган аёл эканман. Бунга ҳам дардисар бўлдим. Ўзи опамнинг ўрнига мен ўлиб кетсам бўларди.

Терсоталикларнинг биронтаси Улжонни койий бошласа ва у ҳақда ёмон фикр билдирса, Арзихол бирдан уни “Аслида айб менда, опамнинг ўрнига мен ўлиб кетсам яхши бўларди” деган сўзлар билан ҳимоя қилишга тушарди. Роҳат одам танимай, кўзлари орқали рози-ризолик қилиб ётаркан, Арзихол розилик сўраш ўрнига “Сизнинг ўрнингизда мен ўлсам яхши бўларди, Улжон ҳам шуни истаяпти”, деб йиғлаганини ҳали-ҳалигача қишлоқдошлари эслаб юришарди. Терсоталиклар бу мажруҳ аёлнинг ҳамиша ўзи қилмаган айбни бўйнига олиши ва ҳамиша ҳуркак, бир нарсадан хавотирда юргандай доимо Улжоннинг олдида калтираб туриши, Улжон деса касаллигига қарамай ўрнидан туриб кетиши, Улжон келмаса кечалари токи у келгунча мижжа қоқмай чиқиши, баъзида оч кетганда, овқат кўтариб, майиб ҳолига қарамай, икки қир нарига – яйловга пиёда бориб келиши, болалари ва хотинининг тайёр чўриси бўлиб қолганининг сабаби – аёл унга ўрганиб қолган, шу сабабли Улжоннинг уйдан ҳайдаб юборишидан кўрқади, пода изидан юравериб, ўзи ҳам ҳўкизга ўхшаб қолган бу ёввойи уни ҳайдаб юборишдан ҳам қайтмайди, шунинг учун ҳам бу аёл ўзига шунча азоб берган одамга барибир меҳрибонлик

қилаверади, чунки бу асрандини чақалоклигидан ўзи кўтариб катта қилган, ўз боласидай бўлиб қолган, бир уйга бека бўлиш бахтидан маҳрум бўлган шўрликнинг шу чўпондан бошқа бу дунёда овунчоғи қолмаган, фақат шу Улжонга бўлган меҳрини бу бебахтни дунёда ушлаб турибди дейишарди.

Ўрол уста ўшанда қарийб ўттиз йилдан бери Ражаб чўпоннинг уйида ярим жон ва миттигина бўлишига қарамай, кўли касов, сочи супурги бўлиб қолган аёлнинг йиқилиб тушганига ишонмаганди: таёкнинг ўрни билиниб турарди. Арзихол ҳеч қачон бирон кишига айтмаган бўлса ҳам унинг гоҳ пешонаси, гоҳ юзи шилиниб, кўкариб юрганини кўрган кишлоқдошлари бу Улжоннинг иши эканини билишарди. Уста Ўрол тухум суртиб, Арзихолни додлатиб, тирсакни худди мунчок тераётгандай силаб-ишқалади, синган суякларни кўли билан текислаб бўлгач, чорчўп қилиб боғлаб қўйди. Оғрик қолгандек бўлди-ю, аммо Арзихолнинг тирсаги йиллар ўтиши билан қалтирайдиган, кейин эса, салга чиқиб кетадиган даражада мўртлашиб қолди. Орадан йиллар ўтиб, Арзихолнинг чиқиб кетган тирсагини худди кўғирчоқнинг кўлидек жойига солиб қўйишни Улжоннинг болалари ҳам ўрганиб кетишди, тирсакни жойига солиш пайти аёл дод-вой қилиб турганда, Улжон секин уйдан чиқиб кетар, шунча йиллар ўтган бўлса ҳам негадир қайнилари келиб кетганда алам устида Арзихолни калтаклагани ёдидан чиқмас ва ўша кунги тер хиди келаётган кўкрак хидини димоғида туярди. Ваҳоланки, у бу маймоқни жаҳл устида таёк билан солиб, майиб қилиб қўйиб деган ҳолатлар умри давомида кўп бўлган, буларнинг биронтаси ҳам эсида қолиш тугул, ҳатто бир мўйини қилт эттирганини эслолмасди. Нега айнан ўша кунги воқеа ёдида бунчалик узок сакланиб қолганини тушунмасди. Энг қайвони кампирлару оқсоқолларнинг ҳам қўлидан келмагач, терсоталикларни ҳайратга солиб, пойи пиёда маймоқланиб Қўшқўлга кириб борган Арзихол билан бирга уйига қайтгани сабабли сингиллари билан юз кўришмас бўлиб кетгани учунми ё турмуш дегани чимилдикдаги энтиқишдан бошқа нарса эканлиги ту-

файлими, хотинининг тобора инжиқ ва мижғов бўлиб бораётганига қарамай изма-из туғилаётган болалар ўша кунги калтакланганининг аламини ҳам, хотинининг заиф жойини сотиб қўйганини ҳам, қайнилари уни уриш учун айнан ўша заиф жойидан фойдаланишганини ҳам, ўша куни Арзихолни жаҳл устида уриб, биринчи марта чеккан хижолатини ҳам унинг хотирасидан суриб чиқаришди, аммо ачимсиқ, тер таъми бор кўкрак хиди эсидан чикмади. У бу хидни илгари қаерда хидлаганман деб кенг водийда ёйилиб ўтлаётган подаларга худди ўз мулкани кузатиб турган шахоншоҳдай серсолиб қараганча, Арзихолнинг гоҳ елкаси, гоҳ оёғига тушавериб, ўзи ҳам аёлнинг билак ва елкаларига қўшилиб, йилма-йил ейилиб-силликланиб бораётган таёққа суяниб, азобли ўйининг тагига етишга уринарди. У йилларнинг уваланиб кетган кесаклари ва сувоқлари остида қолган йилтиллаб турган ўша хотирасини топгандек бўлди: Арзихол маймоқ чақалоқлигида ўзини овутиш учун кўкрак берган, шу йўл билан Роҳат онаси йўқ пайтлари, кейин эса, касал бўлгандан кейин ҳамиша тер хиди келаётган, оёқларидек заиф ва ҳаёт асари йўқ, худди сузмаси ачиб қолган халтадек сўлғин, сассик кўкрагини оғзига тутган, хид ўшандан димоғида қолган деб ўйлади ва бу уни баттар тутоктириб юборди. У бу маймоқни эр ҳам олмагандан кейин менга кўкрагини бериб, ўзини овутган, шунинг учун мени худди ўзи туғиб қўйгандай меҳрибонлик қилган, бу хид ўша пайтлардан хотирамда қолган деган хулосага келди: бу унинг жаҳлини баттар қўзғади, агар шу пайт маймоқ олдида бўлганда, гаврони билан елкасига солиб қолишдан ва соғ қўлини ҳам майиб қилишдан қайтмасди. Шунинг учун у кейинчалик ҳам Арзихолнинг майиб оёғига қўшилиб, ўнг қўли ҳам бутунлай ишламай қолганда, бирон марта ўзини айбдордай ҳис қилмади: аксинча, унинг бир пайтлар, онаси ўрнига ўзининг шўрланган теридай кўкрагини тутгани учун кечиролмади. Улжоннинг аёлга бўлган бундай муносабати кейинчалик унинг болаларига ҳам ўтди: эсини таниётган болалари ҳам чақалоқларнинг иштонини ювишми, тезакдан гувала

килишми, қозон остига олов ёқишми, киш кунлари куриган юлғун териб, тўқайзор титиб юришми, ҳаммаси маймоқ аёлнинг чекига тушганидан заррача ҳам ажабланишмай қўйишган, уни момоларининг синглиси деб эмас, уйларидаги ўзлари қилишга ирганадиган ёки қўллари бормайдиган қора ишларни бажаришга маҳкум этилган чўри деб тасаввур қилишар, Роҳат ўлгандан кейин Арзихол сичқон ҳиди босиб кетган омборга кўчиб ўтган, Улжон нозик меҳмонларга атайлаб тоғда отиб келган, шамолда куритиб, қотириш учун омборни тўлдириб илиб ташлаган ва қотгани сайин шунча мазаси чиқадиган тўнғиз этлари билан бирга бу аёлнинг умри ҳам кичкина хужрада йилма-йил курукшаб борарди.

Аслида хотинининг кетиб қолишида Арзихолнинг айби йўқ эди. Арзихол келинни ҳайдатиб юбориш тугул, унга ўқрайиб қарашга ҳам юраги бетламаган, аксинча, келин келган куниданоқ бу маймоқ аёлга бутун жасадини ташлаб олганди. Олдинига номига бўлса ҳам Улжоннинг онаси ўрнидаги холаси, шуларнинг хизматини қиласан, дейишди келинга. Аммо Арзихол келинга хизмат қилдиришга имкон ҳам қолдирмади. Ҳали чилласи чикмаган, деб уй юмушларини ўз зиммасига олди; келиннинг бахти бор экан, чимилдиклигидаёқ текин хизматкорга эга бўлди. Келин пода изидан кетган, баъзи кечалари туни билан ҳам яйловда тунаб қоладиган куёвни кутиб ўтирган тунларда Арзихол уни овутишга уринарди – хали ҳеч кимга, ҳатто ўз опасига ҳам айтмаган сирларини шивирлаб айтиб, келиннинг куёви келмаётганидан пайдо бўлган хижронини бироз бўлса ҳам босишга уринарди. Келин биринчи бор кўргандаёқ бу аёлнинг оёғини тўғрилаб босишдан бошқа армони бўлмаса керак, бундай аёлда орзу-ҳавас нима қилади, деб хато ўйлаганини ўша кунлари билиб қолди. Зеро, Арзихолнинг ана шу сиридан бошқа биронта ҳам бошқаларга айтишга арзигулик хотираси йўқ эди. Шунинг учун чилласининг чанқоғини босолмаган келинга шу хотирани айтиб, чимилдикдан чикмасдан куёвдан норози бўлаётган келинни чалғитишга уринганди. Шундан бошқа нияти йўқ эди. У

келинга уялиброк, лекин хўрсиниқ билан бир чавандоз йигитга кўнгли тушганини, ўзларига маймоқ келинни муносиб кўрмаган ота-онасидан нолиб, у йигит ху анови кир ортидаги кишлоқдан келиб, тўкайзорда учрашиб турганини, Арзихол ҳам уйларидаги сув тўла челақларни ўрага ағдариб, тез-тез сув олиб келиш учун дарё бўйига – ўша тўкайга тез-тез бориб туришини, йигитнинг қамчисига каштали бандак тўкиб берганини, кейин нима бўлиб, чавандоз йигит кўринмай қолганини, орадан ойлар ўтса ҳам ундан хабар бўлмаганини, у эса юрак ютиб бировга бу ҳақда гапиролмаганини, хали ҳам ўша йигит навқирон ва ўктам киёфада, юлғун ва зирк билан тўлган тўқайда юргандек, ўша тўқайга боргиси, уни кўриб, кўкрагига бош қўйиб шунча йиллик айрилиқ учун гина қилиб, тўйиб-тўйиб йиғлагиси келишини айтиб қўйди. Ўша пайти келин бу гапларни бирон кишига гуллаб қўймасликка ваъда берганди. Аммо болалар туғилиб, Улжоннинг холасига бўлган қўпол-кўрс муомаласи аста-секин келиннинг ҳам бетини котирди – у ҳам Арзихолга эрига ўхшаб муомала қилишни ўрганди. Олдинма-кетин туғилаётган болаларнинг бешигини тебратавериб аёлнинг қўллари чилвирдай эшилди, кейин эса кўтаравериб, елкасининг яғири чиқди. Аммо буни аёл бир марта ҳам на Улжоннинг, на келиннинг юзига солгани йўқ. Аксинча у худди ўз невараларини бағрига олиб, тарбия қилаётгандай болаларнинг на хархашасидан, на тўполонидан безор бўлар, болалар уни қийнаган сайин аёлнинг уларга меҳри ийиб, кўпроқ суйиб борар, болалар уни гоҳ от, гоҳ эшак қилиб миниб, бутун ҳовлини айланиб юрганини кўрганда Улжон асли бу маймоқнинг эси йўқ, бунинг ўзини тарбиялаш керак олдин, у томонидан бу томони яқин қолган кампир ҳам шунақа қилиб болалар билан ўйнайдими деб ўйлар ва шундай бир аёлни ўзига дардисар қилиб ташлаб кетган онасидан норози бўлиб, қўлидаги гавронни ғазаб билан ушлаб қўярди. Келин ҳам энди унга бир хизматкорга қарагандай қарар, уй ишларию, супур-сидир, мол-қолга ва болаларга қараш Арзихолнинг зиммасида эди. Йиллар ўтиши ва чимилдикдан узоклашиб, тур-

мушнинг бетийик эҳтиросларига ўралашиб қолган келин берган ваъдасини унутди. Бир куни Улжон дастурхон устида қир ортидаги бир чавандозни байтали тепиб ўлдирганини айтиб, жанозага бораяпман деб, хотинини шошира бошлади.

– Энағарни бедов эмас, байтал тепиб ўлдирибди. Худди ўч олгандек, нақ қаншарига тепибди, – деди у. – Бойкул чол кутиб турибди. Худди ўзи борса кирда бўри ейдигандай... Тез бўл...

Шунда келин бефаросатлик қилди.

– Бу, ҳалиги, сиз билан ваъдалашиб юрган чавандоз эмасми? – деди пичинг аралаш келин бир четда Улжоннинг хуржунини омбордан олиб чиққан Арзихолга. – Ҳали поччамнинг азасига бораяпман денг...

Улжон ажабланиб хотинига қаради. Арзихол эса тахтадай қотиб қолди – у ҳозир ҳаммаси тугайдигандек, Улжон унинг сирини билиб, терисига сомон тикадигандек гезариб қалтираб турарди. Унинг юзи бунчалик оқариб кетганини ва бунчалик саросимага тушганини ҳали ҳеч ким кўрмаганди. Унинг юзи кечириб бўлмас гуноҳ устида қўлга тушгандек оқариб кетганди. Аммо Улжон хотинининг гапидан бошқа маъно туйди: бир ҳафта олдин келиннинг холаси тўй қилганда Улжон “Поччангнинг олдида тўй қарзим йўқ, мен тўй қилганимда ҳам келгани йўқ, орамиз очик”, деганди. Бир ҳафтадан бери тўмтайиб юрган хотини қош қўяман деб кўз чиқарганини кеч англади, пичинги кимматга тушди.

Безрайиб турган Арзихол аралашшига улгурмади, келин фақат қариндошларининг тўй-азасига бормаи қўйгани учун эмас, эри йилнинг уч фаслини яйловда ўтказаетгани ва ўзининг гулдаи умри иккита чурваканинг биғиллаши билан ўтиб бораётгани учун тўлиб турган эканми, тилига келганини оғзи чарчагунча гапирди, Улжон ҳам қўли чарчагунча уни савалади. Улжон кетгач, елкаси моматалок бўлган келин болаларини олиб, Қўшқўлга, отасиникига кетиб қолди. Арзихол Қўшқўл қиригача ялиниб борса ҳам, келин қайрилиб

карамади: у келиннинг изидан токи қош қорайгунча қараб ўтирган қир устида эртасига тўртта отлик пайдо бўлди....

* * *

Ўзига тенгдош аёллар аллақачон келинли бўлиб, болалару набиралар, келинлару қизлар парваришида, етти қават кўрпа устида соғликларидан нолий бошлаганда ҳам Арзихол на соғлиғидан, на турмушидан нолир, ҳали ҳам отаси Ражаб чўпонникига опасининг хизматини қилиш учун ташлаб кетган ўша сунбула окшомидек тонгдан шомгача Улжоннинг йилма-йил каттариб бораётган ғалвали рўзғорида, кўзи изидан тўқайзору баҳор пайтлари худди дунё ўткинчилигини таъкидлаётгандек шошиб-тўликиб оқадиган дарё бўйида, пода тезаги тушган қиру адирда, кишлокнинг миш-мишлару ғурбат кўмилган чанг кўчаларида ўзининг шум тақдирини етаклаб юргандек куймаланиб юрар, уни майиб қилиб яратган тақдир худди уни энди сийлаётгандек ёши ўтган сайин у тетиклашиб, кучга тўлиб борар, янаям жонсарак бўлиб қолган, кечаси ҳаммадан кейин ётар, очилиб қолган болаларнинг ва Улжоннинг устини ёпиб қўяр, совуб қолган печкага тезак ташлар, ухлаб ётган келиннинг уйғониб қолишидан хавотирланиб, нафасини ичига ютиб бешик тебратиб чиқар, кейин алламаҳалда йиллару фасллар қор ва ёмғир қиёфасида емиравериб, каламушнинг уясидай ғариб қилиб қўйган омборга кириб кетар, эрталаб эса маймоқланиб ё офтобани, ё сут тўла қадини ағдариб юборган шовқин билан бошқаларни уйғотар, энди товуши дўриллай бошлаган Улжоннинг болалари ҳам уни худди оталаридай жеркир, келин эса тиним бермай юмушга кўмиб ташлар, у эса яроқсиз бўлиб қолгач ташлаб юбориладиган буюмга ўхшаб бу уйдан ҳайдалишдан чўчигандек ҳеч бир ишдан бўйин товламас, у ўзини кераксиз бўлиб қолаяпман деб ўйлагани сайин Улжоннинг болаларидан тортиб, ўзи ҳам кампирга кўпроқ суяниб борар, унинг оғриб ё касал бўлиб ётиб қолишини тасаввур ҳам қилишолмасди. Худди ўзи чиқмаса, кишлок моли ўрмайдигандек, Улжонни

пода изидан Азлар қиригача кузатиб қўяр, агар кеч қолса, ҳеч кимга айтмай яна ўша кирга, чайир ва темирдай мустаҳкам илдизлари билан тошли қияликка ёпишганча, йилма-йил куриб-қақшаб бораётган, шохларини ғудда босиб, табиатнинг фасллар қиёфасида гоҳ изғирин, гоҳ жазира, гоҳ сел бўлиб келадиган барча синовларига матонат билан дош бериб келаётган ёлғиз кекса заранг дарахти ёнига бориб, хира торта бошлаган кўзларини олис яйловларга тикканча, чўккалаб ўтириб олар, гўё кекса заранг билан сабр ва матонат борасида баҳс бойлашаётгандай токи узоқлардан келаётган поданинг чанги кўринмагунча шу ҳолатда қилт этмай ўтираверар, пода кўриниши билан маймокланиб, туртиниб-суртиниб, пешвоз чиқар ва қарийб эллик йилдан бери ёлғизликдан зериккан дарахт уни қўйиб юбормаслик учун жулдур кийимларидан бир парча юлиб қолганини ҳам, кейин асов шамолда худди ғолиблик туғидай ҳилпиратиб турганини ҳам билмасди. Аёл қариган сайин жонсарак, ҳаракатчан, серғайрат бўлиб борар, энди уни бошқа терсоталикларнинг ҳам хизматини қилиб, турли ховлиларда ғимирлаб юрганини кўриб қолишарди.

Аммо уни кўрганда шабада тили билан овоз чиқарадиган зарангнинг зорланишлари ҳам, маймоқ кампирнинг худди жандасини судраб юрган дарвишдай ойма-ой тўкилиб бораётган танасини бошқаларга билдирмаслик учун зўрға кўтариб юриши ҳам энди пешонасига ёзилган тақдири азал ҳукмини ўзгартиролмади: Арзихол бир умр кўрққан нарса кузнинг ўрталарида тегирмонда ярим халта ун торттириб келгандан сўнг содир бўлди – у бирдан ётиб қолди – худди жон томири узилиб кетгандай кундан-кунга юзларидан ҳаёт асари йўқола бошлади. Шу ётиш билан ҳазонрезгини ўтказиб, қишнинг нақ чилласида қайтиш қилди. Туфласа тупук музлайдиган тонгда уни сўнгги манзилга кузатишга ўнтача терсоталик ва ҳали бетлари қотмаган қариндошлар йиғилишди: бу ерга йиғилганлар азага келгандан кўра чет қишлоқдан келиб, бошқалар бир неча кунда эгаллаб оладиган терсоталикларнинг кўнглига қирқ йилдан ортиқ яшаб ҳам киролмаган, кириш у ёқда тур-

син, кириш эшигини тақиллатиб ҳам кўрмаган ва шунча йиллардан бери ўзининг маймоқ оёғини, қирқ йилча бирга яшаб ҳам сирли ва номаълум бўлиб қолган кўнглини ўзларидан яшириб ўтган мажруҳ аёлнинг ҳеч қурса сўнги кунда, худди қулаган қалъага бостириб кирган кўшиндай, унинг бор сирини энди фош қилиш мақсадида йиғилишгандай эди: Улжон ҳам айна шундай кунда ўзини ташвишга қўйганидан норози тўнғилларди.

– Бу маймоқнинг ўлган куни ҳам ўзига ўхшаган ташвиш бўлди-я...

У бу гапларни атайин бошқаларга эшиттириб айтди, шу йўл билан касал онаси ўлгандан сўнг ҳам Читга қайтариб олиб кетмай ўзининг бошига мажруҳ аёлни дардисар қилиб қўйгани учун бобоси билан тоғасини чақиб олмоқчи эди. Бобосининг энди парти кетиб, шарти қолганди, унинг гапига парво қилмади, у ўзининг дармонсизликдан осилиб тушаётган бошини зўрға кўтариб турар, тоғаси эса ўзини эшитмаганга соларди.

Улжон номига бўлса ҳам чолларнинг қистови билан майит ётган омборхона туйнуги олдида туриб, рўмолча билан кўзларини ишқалаган бўлди, таёкка суяниб, “холам-ов” деди. Унинг бу йўқлови тинч осмонда момақалдирак гумбурлагандай таъсир қилди, йўқловдан кўра зардага ўхшаб эшитилди. Азага келганларнинг кулгиси қистади. Чоллар ёши қирқдан ошиб ҳам эл русумини тушунмаган бу бесўнақай ва кўрс одамдан норози бўлиб бош чайқаб қўйишди. Шунда кимдир келиб, Улжоннинг қўлтиғидан олди. Улжон секин бурилиб, кенжа тоғасини кўрди. Тоғаси Читдан эрталаб икки киши отда суяб зўрға олиб келган ва айвоннинг бир четда тагига омонат тўшалган пўстақда ўтирган бобоси чақираётганини шивирлаб тушунтирди. Улжон кўпам жини суймайдиган ва шунча йилдан бери онда-сонда боболигини эслаб қоладиган, шунда ҳам бирров келиб, тез жўнаб кетадиган чолнинг ўзида нима гапи бўлиши мумкинлигига ажабланиб, лайлак юриш қилиб, чолнинг олдида борди-да, “Нима дейсиз?” дегандай сурлик

билан таёкка суяниб турди. Бобоси худди айбдордай бошини эгиб олганди. Кейин қариликданми ёки барибир маймоқ ва мажруҳ бўлса ҳам фарзанди ўзидан олдин дунёдан ўтганидан эзилганиданми, кўзлари ёшга тўлиб, хириллоқ товушда деди:

– Онам деб йўқланг, болам. Онам денг.

Улжоннинг ғаши келди. Энди шу етмай турувди деб ўйлади.

– Нега она деб чақираман? Онам ўлиб кетганига ўттиз йилдан ошди.

Бобоси чуқур хўрсинди. Кўзларини олиб кочди. Кейин пичирлади:

– Арзихол сизнинг тукқан онангиз бўлади, болам. Салом чавандоз бадном қилиб кетгач, сизни Роҳатга бердик. Аслида сизни Арзихолнинг ўзи эмизиб катта қилди, болам... У сизнинг ҳақиқий онангиз...

Чол бошқа ҳеч нарса демади. Куннинг аёзини жунлар ичи-га кириб олиб энгмоқчидай, пўстакни оёқларига ўраб, кўзларини юмиб олди ва шу билан ўзининг сўнгсиз дардларига ва маймоқ қизини исноддан кутқариш учун ўйлаб топган ўша олис хотирасига кўмилиб кетди.

Улжон эса “Бу эсини еган нима деяпти?!” дегандек тоғасига қахр билан қаради. Тоғаси бошқалар эшитиб қолишидан кўрққандек, отасининг гапини тасдиқлаб, “Шундай!” дегандек индамай бош ирғади ва у ҳам бу бетийиқ жияни таёк билан солиб қолишидан кўрққандек нари кетди. Улжон худди бу азали ҳовлининг безовта ҳилпираётган яловидай юзи пирпираб, атрофга илинж билан тикилар, кимдир бу гапларни ёлғон дейишини кутар, аммо ҳамма ўз иши билан банд ва бу гапни инкор қиладиган марднинг ўзи бу ҳовлида кўринмасди. Шунда аввал қайнилари калтаклашга келган кунда туйган кўкрак ҳидини димоғи тагида туйди, кейин бу ҳид унинг аллақачон зулмат қаърига сингиб кетган хотирасини – ўзининг тамшаниб эмаётганини ва ўзига ҳам гуноҳқорона, ҳам кўркув билан боқиб турган Арзихолни лип этиб ёритиб юборди.

Улжонни қабр тепасида ёлғиз қолдиришди. Унинг қирқ йилдан ошиқ елкасидан қўймаган ва азада суяниб турган

таёғини бу аёлнинг ҳам изидан йиғлаб қолган кишиси борлигини билдириш учун шунчаки расмини қилиб, қабрга тикиб қўйишди. Энди Улжон дастлаб Ражаб чўпоннинг, кейин эса қарийб ўттиз йил ўзининг қўли билан гоҳ ўчоқ бошида бутун ховлини тутунга тўлдириб юборгани, гоҳ куви пишаман деб ёғи билан қўшиб ағдариб қўйгани учун, гоҳ сигирни эмиб ётган бузоқ олдида, гоҳ хаамири оқиб кетган тандир бошида Арзихолни таъқиб ётган, қачон жаҳли чиқса, қачон қахри қўзиса, нукул оёғи остида ўралашадиган, урган сари ургиси, хўрлаган сайин хўрлагиси келаверадиган, шунча хўрликларга индамай чидаб, яна мени ур дегандай қаршисида пайдо бўладиган, нимжон ва мажруҳ аёлни гоҳ турткилаб, гоҳ савалаб, ўзи ҳам энди савалаган сайин манови дўмпайган қабрда хоки туробга айланишни кутиб ётган аёлнинг устихонлари каби силлиқлашиб-ингичкалашиб қолган ва Улжон учун бу ҳаётда подасининг изидан эргашиб юрадиган итчалик ҳам қадри бўлмаган жимитдай жуссали аёлга берилган шунча йиллик хўрликларига “мана, мен гувоҳман” деётгандек қад қериб турган таёқ билан юзма-юз турарди.



Абдуқайом ЙЎЛДОШ

(1962 йилда туғилган)

МУАММО

Худо “Ол, кулим!” деб турган эканми, Икром компьютер дастурчилари танловида ютиб чиқди-ю, Европа мамлакатларидан бирига саёҳат йўлланмасига эга бўлди! Бориш-келиш, яшаш, овқатланиш, кўйинги, ҳамма харажатлар ташкилотчилар зиммасида экан!

Кувончдан Икромнинг боши осмонга етди.

* * *

...Ҳаммаёқ ям-яшил. Йўллар ойнадай текис. Чанг, ғубор кўринмайди. Ҳатто дастлабки кунлари Икром дарахтлар, буталар баргларининг бу қадар тозалигидан хайратга тушиб, уларни кечаси ювиб кўйишармикан, деган ўйга ҳам борди; ўз тахминининг тўғри-нотўғрилигини аниқлаш учун бириккита баргни ялаб ҳам кўрди. Аммо таржимон бунни осонгина изоҳлаб берди:

– Ҳаво намчилрок. Чанг йўқ. Шу сабабли барглар топ-тоза тураверади...

Дарҳақиқат, таржимоннинг гапини исботлагандай, Икром бир ҳафта мобайнида кийиб юрган кўйлагининг ёқасида заррача бўлса ҳам кир кўринмади. Ваҳоланки, қишлоғида эканида ҳар куни кўйлагини алмаштирмасе бўлмасди...



Бу мамлакат одамлари нима учун хоналарга, хаттоки баъзан ётоқхоналарига бемалол туфлиларда кириб кетавериши сабабини ҳам Икром ана шунда тушунди: ахир, туфлилар ялтираб турибди, чанг йўқ. Бунинг устига, одамлар уйнинг ичидан гаражларига ўтишади, машинага ўтириб офисларининг олдига қадар келишади, яна теп-текис, баъзан гиламча тўшалган йўлакдан юриб иш кабинетларига киришади. Бунақа шароитда чанг қаёқдан пайдо бўлсин!

Лекин бу мамлакатда ҳамма нарса ҳам Икромга ёқавермади. Дейлик, эрталаб уйкудан уйғонган одамлар юзларини ювмасдан бурун, тўшакда ётиб қахва ичишадими-ей, ё бўлмаса шу ҳолларида гаплашиб кетаверадиларми-ей...

Икром қишлоғини эслади: сахар уйғонганидан сўнг, юзини ювмасдан туриб наинки ота-онаси, балки ака-укаларига ҳам кўринмасди, улар билан гаплашиш-ку, инчунин...

Инглиз тилини ўргана бошлаган Икром бир куни интернетдан мамлакат парламенти сайтига кирди ва сўзларни хижжалаб таржима қила-қила, ахийри депутатларнинг бир гуруҳи... кўчада итларни қандай қилиб олиб юриш тўғрисида қонун тайёрлаётганини тушунгандай бўлди.

Икром анграйиб қолди. “Нотўғри таржима қилдим, шекилли”, деган хавотирда эртаси куни таржимондан сўради.

– Тўппа-тўғри, – бамайлихотир жавоб қилди таржимон.

– Ахир... – баттар ҳайратланиб сўради Икром, – ахир, депутатларнинг бундан бошқа иши йўқми?

Таржимон баайни икки қарра икки тўрт эканлиги ҳақидаги оддий ҳақиқатни уқтираётгандай яна пинак бузмади:

– Ахир, бошқа барча керакли қонунлар аллақачон ишлаб чиқилган бўлса, депутатлар нима қилишсин?

Жавобдаги мантиқ Икромнинг попутини пасайтириб қўйди...

Бу мамлакатда яна бир нарса Икромга маъқул бўлди. Буям бўлса – бир-бирларига мутлақо бегона одамларнинг кўча-қўйда, дўконда, истироҳат боғларида, иш жойларида, қўйингки, ҳамма-ҳамма жойда бир-бирларига табассум билан қарашлари, бир-бирларига меҳрибонлик билан муомала



қилишлари. Кўча-кўйда ота-онаси елкасидаги ёки болалар аравасидагими бирон гўдакни кўриб қолишса-ку, тамом – ба-айни мўъжизага дуч келишаётгандай ёш-қари гўдакка хайрат ва қувонч билан қарайди, иложини топиб, икки оғиз ширин сўз айтишади, сумка ёки чўнтақларидан ширинлик олиб уза-тишади...

Ўйлай-ўйлай, охири Икром бунинг сабабини топгандай бўлди – ахир, оилада битта, кўпи билан иккита фарзанд бўл-гандан кейин, бунинг устига ўн олтига тўлган йигит ёки қиз уйдан чиқиб кетиб, ота-онасидан олисда мустақил ҳаёт кечи-ра бошлашганидан кейин бора-бора бу бечоралар гўдак иси-га, гўдак табассумига зор бўлиб қолишади, шекилли... Аммо қаршингдаги одамнинг сенга табассум қилиб туриши... Бари-бир ёқади.

Тўғри, аксар ҳолларда табассум чин юракдан эмас, сунъ-ий, гўё одамлар юзларига табассумдан никоб осиб олишган-дек. Аммо барибир ёқади-да...

Ҳатто, дастлабки кунлари Икром атрофидагиларга жид-дийлик билан қарайвергани боисми, улар хавотирга туши-шиб, таржимондан сўрашибди:

– Меҳмонимизнинг бирон муаммоси борми?

Икром кулиб юборишдан ўзини тийиб турулмади. Буни кўрган мезбонлар енгил нафас олишди.

Албатта, дуч келган одамга илжайиб қарайверишнинг ўзи бўлмайди. Бора-бора кечга бориб Икромнинг оғизлари оғриб қоладиган бўлди – ахир, кун бўйи куйдирган калладай тиржайиб юришу дуч келган одамга табассумлар ила оғизни тўлдириб “Хэлло! Хау ду ю ду?” деб айтаверишнинг ўзи бўла-дими...

* * *

Олис юртдаги эртақмонанд етти ҳафта ҳам ўтди-кетди. Икром она юртига бир олам орзулар билан қайтди. Оқшом палла самолёт қанотлари остида минглаб чироқлари порлаб

турган кадрдон шахарини кўрганда эса кувончдан кўзларига ёш тўлди.

Бироқ кўнгилда туғилган орзу бирдан амалга ошиб, ҳаётга татбиқ этилиб қолавермаслигига Икром эртаси куниёқ амин бўлди.

Эрталаб ўзининг танловда иштирок этишига барча шарт-шароитларни яратиб берган ишхонасидагиларнинг ҳар бирига атаб олинган совға-салом ҳамда тушлик маҳали қаҳвахонада уларга бир пиёла чой бериш ниятида ажратиб қўйган пули солинган ҳамёни жойланган кичкина рюкзакни орқасига осиб олган Икром йўналиш таксилари юрадиган бекат томон йўл олди.

Йигитнинг вақти чоғ. Ўз юртингга нима етсин! Майли, озроқ чанг-ғубор бўлсин, йўллариям нотекис бўлсин, аммо барибир бу ўзингники-да.

Шундай ўйлар оғушида чет элда ўрганиб қолган одати бўйича оғзи кулоғида Икром бекатга келди ва тартибсизроқ равишда йўналиш таксисини кутаётган йўловчилар охиrhoғида туриб олишга уринди.

Йўловчилар асабий тарзда йўлга қараб-қараб қўярдилар. Энг олдинда туриб олган, катак қўйлагига ярашмаган тарзда энли бўйинбоғ тақиб олган қирқ беш ёшлардаги жиккаккина, сочининг тепаси тўкила бошлаган йўловчи оғир уф тортди ва “Йўл-пўлда ўлиб қолганми булар!” дея ғудраниб қўйди. Икром сесканиб кетиб ён-верига қаради, аммо бу ҳақорат йўловчиларга таъсир қилмаганини кўргач, сал енгил нафас олди.

Шу пайт ўттиз ёшлардаги бир семизгина, шу ҳолига торроқ кўйлак кийиб олган жувон оғир рўзғор сумкасини кўтарган томонига қийшайганча ҳарсиллаб-пишиллаб келиб қолди. Икром одобли йўловчи сифатида навбатнинг охири ўзи эканини билдириб қўймок мақсадида жувонга жилмайиб қаради.

Лекин... Жувон шу куни чап тарафи билан турган эканми ё ўзи табиатан сал асабийроқми, ишкилиб, Икромнинг табассумига жавобан ўқрайиб, ҳаттоки ғазабланиб қараркан:

– Кўзгинанг тешилсин! – дея қарганиб қўйди.

Икром кип-қизариб кетганини сизди. Бироқ буни билдир-масликка уриниб, ўзини одобли, зиёли йўловчидай тутишга уринди ва чет элда ўрганиб келган одати бўйича яна бир бор жилмайиб қўяркан, сал энгашиб:

– Келинг, сумкангизни кўтаришворай, – деди.

Ҳар қалай, йигит бу таклифни ўта самимий тарзда айтган эди.

Аммо... нимагадир чўчиб кетиб, ўзини четга олган жувон Икромга адоксиз нафрат аралаш ғазаб билан қаради-да:

– Торт-э қўлингни! – дея ўшкириб берди.

Икром ёрдам учун қўлини чўзган ҳолида музтар бўлиб туриб қолди. Аммо бир амаллаб жилмайишга уринди. Ўрганиб келганидек. Аёлнинг кескин овози бошқа йўловчиларнинг ҳам эътиборини тортди, шекилли, улар шу томонга ўгирилиб қарашди. Икромнинг юзидаги табассум семиз жувонга ёмон таъсир қилдими ё у йигит мени мазах қиляпти, деб ўйладими, ишқилиб, кўзларининг пахтаси чиққанча йигитга қараб энди очик-ошкор бақириб-қарганиб берди:

– Гап отаман десанг ёш кизлар қуриб қолганми, ергина юткур! Онанг тенги хотин бўлсам!

Икромнинг бўлари бўлди. Нимадир деб ўзини оқлайин деса, лабини жуфтлашга жуфтлайди-ю, тилига сира гап келмайди. Ҳа, тухматнинг тоши оғир бўларкан...

Бу орада энг олдинда туриб олган, бўйинбоғли жиккак-кина одам гавдасига ярашмаган тарзда йўғон овозда орага қўшилди:

– Маняк бу, синглим, маняк. Бунақалар сизга ўхшаш... нима десам экан... лўмбиллаган, дўндикқиналарни пойлаб юради-юради-да, ана ундан кейин...

Бу гапни эшитган жувон баттар кутуриб кетиб, йигитга бор ғазабини соча бошлади:

– Санга кўрсатиб қўяман бегона хотин кишига гап отиш канақа бўлишини! Яна иржайиб турганинга ўлайми!.. Қўлидан ҳеч нарса келмайди деб ўйладингми? Келади, шундаям келадики!..

Орага яна катак кўйлакли йўловчи кўшилди:

– Милицияга бервориш керак бунақаларни! Касалиниям айтиш керак.

Йўловчилар ғала-ғовур қилишиб бу фикрни маъқуллай кетишди. Энг ёмони – уларнинг барчаси Икромга нафрат билан, еб юборгудай тикила бошлашганди... Хайрият, Икромнинг бахтига шу пайт йўналиш таксиси келиб қолди-ю, йўловчилар ўзларини “Раф”га уришди.

Шунча олдинда тургани билан, бўйинбоғ такқан банда биринчи бўлиб машинага чиқа олмагани боисми, йўловчилар орасида бўғилиб бакириб-чақирарди:

– Қоч! Қоч дейман! Инсофинг борми, номард!.. Туртма! Туртма мени!..

Барибир, уч-тўрт йўловчи машинага сиғмай қолди. Энг охирида келганига қарамай, қандайдир мўъжиза билан машинага чиқиб олган бояги семиз жувон эшик ёнидаги митти курсичага ёйилиб жойлашиб ўтириб оларкан, ҳамон жойида қокқан қозикдай қотиб турган Икромга еб кўйгудай бўлиб тикиларди.

Машина ўрнидан оғир кўзғалди. Икром бекатда қолган уч-тўрт йўловчига бош кўтариб қаролмасди. Қани эди, ер ёрилса-ю, кириб кетса... У кўрғошиндай оғирлашган оёқларини аранг судраб, йўловчиларнинг нафратли нигоҳи остида бекатдан узоқлашди ва бу ердан икки юз қадамча наридаги автобус бекатига бориб турди. Номус, алам туйғулари йигитнинг юзини ловуллатарди...

* * *

Икром автобус бекатида қолган йўловчиларга нимагадир бош кўтариб қарай олмади. Гўё кимлардир ҳамон унга бармоғини бигиз қилиб ўқталиб тургандай...

Тез орада болали хотиндай оғир чайқалиб автобус келди. Икром орқа эшик томон юрди. Бир-бирини туртиб-суртиб салонга интилаётган уч-тўрт ўсмир ортидан энди олдинга юра бошлаган маҳал шундоқ ёнида аёл киши пайдо бўлганини

кўрди. Бу беихтиёр юз берди. Ҳатто Икромнинг ўзи ҳам сезмай қолди.

У ортга ярим кадам чекинди ва йигирма беш-ўттиз ёшлардаги жувонга жилмайиб қараб, уни олдинга ўтказиб юбормоқчи бўлди. Бор-йўқ нияти шу эди унинг. Ахир, дунёни кўриб келди. У юртларда аёл кишилар жамоат транспортига навбатсиз чиқишарди. Аёл кишига ҳурмат дегандай.

Аммо... Жувон бирдан тўхтади ва ўзига жилмайиб қараб турган йигитга қараб шартта:

– Одам кўрмаганмисан, бунча чакчаясан, харип?! – деди.

Йигит тамомила довдираб-эсанкираб қолди. Ҳатто табасуми ҳам юзидан сидирилиб тушди.

Бир гап билан нотаниш “ухажёр”ни бошлаганидан мамнун бўлган жувон липиллаб автобусга чикиб олди. Эшик қарсиллаб ёпилди. Автобус чанг кўтарганча ўрнидан оғир кўзгалди.

Кимдир бошлаб тарсаки туширгандай икки чаккаси ловуллаётган Икром жойида бўшашиб туриб қолди.

* * *

Қандайдир адолатсизлик, бемаъни тушунмовчилик юз бераётгандай эди. Ахир, Икром... Бор-йўғи хорижда кўрганларини...

Йигит бир-бир босиб бекатга қайтди. Унинг кайфияти расвойи раддибало бўлиб кетганди. Бунақа аҳволда жилмайиб бўладими? Яхшиям бекатда ўзидан бошқа ҳеч ким қолмагани. Акс ҳолда... ўлганнинг устига тепган бўлиб...

Шу пайт Икромнинг ёнгинасида машина сигнали чалинди. Йигит чўчиб шу томонга қаради. Анча оҳори кетган сарик “Жигули”. Ҳайдовчининг ёнида бир йўловчи ўтирибди. Ўрта ёшлардаги, қорувли хайдовчи ойнадан бошини чиқариб:

– Қаёққа борасан, ука? – дея сўради.

Саволнинг дўк аралаш берилганлиги, бунинг устига, таксичининг умрида биринчи марта кўриб турган одамига “сен”лаб мурожаат қилаётгани сал оғир ботган бўлса-да,



Икром ўрганиб қолган одатига кўра ёлғондан бўлса ҳам беихтиёр жилмайди ва манзилини айтди.

Таксичи ўйланиб қолди. Сўнг:

– Йўли тесқари экан, – деди негадир баттар қовоғи уйилиб. – Майли. Соққасини келишсак ташлаб кўяман.

– Қанча? – аранг сўрай олди Икром.

Ҳайдовчи анча катта пул айтди. Аммо Икром савдолашиб ўтирмади. Зеро, унинг ўзини шармандаи шармисор қилган бу бекатдан тезроқ узоқлашгиси келарди.

Йигит орқа ўриндикқа ўтираркан, машинадагиларга “Ассалому алайкум”, деб кўйишни унутмади. Бунга жавобан икқалови ҳам миқ этишмади. Аксинча, ҳайдовчи баттар пешонасини тириштириб, хурпайиб олди. У, афтидан, бу ташки кўринишидан ва ўзини тутишидан содда-гўл йўловчидан бир йўла янада кўпроқ пул сўрамаганидан афсусланмоқда эди.

Машинада радио ёки магнитофон ҳам йўқ экан. Худди уришган ёки гунг одамлардай бу тарзда жим кетавериш Икромга ўнғайсизроқ туюлди. У гап бошлашга баҳона қидираркан, ҳайдовчининг ёнида дунёнинг жами ғами бошига тушгандай тумтайиб, эзилиб, номаълум нуқтага бақрайганча тикилиб кетаётган, йўғон бўйинини жун босган йўловчига қаради. Йўловчи кўзига иссиқ кўринди. Икром бу тумтайган йўловчи томон ним эгилган кўйи табассум билан мурожаат этди:

– Кечирасиз, сизни қаердадир кўргандайман...

Ўзига мурожаат этишаётганини фаҳмлади, шекилли, йўловчи бошини овоз келган томонга бурди. Икром кўркиб кетди: унинг қағир кўзларида мислсиз нафрат ва ёвузона таҳдид акс этарди.

– Ҳа, ман катта холангнинг тўртинчи эриман, – хириллади йўловчи. – Гапинг борми?

Икром сесқаниб ўзини орқага ташлади. Ҳайдовчи пихиллаб қулди. Сўнг қаршисидаги кўзгудан Икромга боқиб, мазахомуз оҳангда деди:

– Чақиб олганмисан, нима бало, куйдирган калладай тиржайганинг-тиржайган!



Икром беихтиёр “Йўғ-э!” деб юбораркан, шу заҳоти юзидаги табассум сўниб, унинг ўрнини тошдай ҳиссизлик эгаллади. Энди бу юзни гўё ёғочдан ўйиб ишлашгандай эди – унда ҳис-туйғудан асар ҳам кўринмасди...

– Бўлмаса валдирамасдан жим кетавер, – ўзича насиҳат қилган бўлди ҳайдовчи. – Чарчаган одамга битта гап ҳам ортикча.

Икром “Ахир, кун эндигина бошланди-ку, қанақасига чарчаган бўлайлик?” деб эътироз билдирмокчи эди, аммо вақтида тилини тишлаб қолди.

Ўсал бўлган Икром йўл бўйи мик этмай келди. Ҳайдовчи бирданига кўп пул сўрамаганининг аламини олгиси келди-ми, ичкарига қайрилиб ўтирмай, катта йўл бўйида, ишхонадан анча берида тўхтатди машинасини. Икром пулни узатди ва барибир индамай тушиб кетгиси келмасдан “Раҳмат!” деб қўйди. У эшикни ёпаётган палла ҳайдовчининг яна пихиллаб кулганини ва “Булар чакса шунака одобли бўлиб қолишади”, деганини эшитди.

* * *

Икром ишхонасига довур деярли бир бекат масофани пиёда босиб ўтди. “Чойдан оғзи куйган катикни ҳам пуфлаб ичади” деганларидек, энди у атрофга, қаршисидан пешвоз чиқаётган йўловчиларга алланечук ҳадиксираб қарай бошлаганди.

Ниҳоят, ниҳоят, ишхонанинг муаззам биноси кўринди. Енгил тортган Икром кўксини тўлдириб нафас олди ва яна бир неча дакикадан кейин ҳамкасбларига совғаларни қандай улашишини, тушлик маҳали эса қаҳвахонада бир пиёла чой, аниқроғи, тўкин дастурхон устида сафар таассуротларини қандай тўлиб-тошиб сўзлаб беришини тасаввур қилди-ю, ҳаяжонланиб кетди. Ҳаяжон эса йигитчанинг юзини яшнатди. Унинг лабларига табассум югурди, кўзлари ўт бўлиб чакнади.

Худди шу маҳал... Икром буни кутмаганди, бунга ҳатто умид ҳам қилмай қўйганди. Аммо йигит ўз кўзлари билан кўрди: йўлнинг шундоққина нариги тарафида турган йигирма-йигирма беш ёшлардаги, кўхликкина, чиройли қоматини

кўз-кўзлаётгандай анчайин очик-сочик либос кийган жувон шу томонга жилмайиб қараб қўйди.

Икромнинг етмиш икки томири бўшашиб кетгандай бўлди. “Бор экан-ку...” Йигитнинг кўнглидан беихтиёр шу ўй, шу шукроналик кечди. Биргина табассум-а... Бор-йўғи биргина табассум... Инсон кайфияти кўтарилиши, оламга, одамга қувонч-ҳаяжон билан термилиши учун бундан ортик нима керак, ахир... Тирикликнинг ўзи шу билан гўзал эмасми, ахир...

Бояги хижиллик, ўсаллик – бари-бариси унутилгандай бўлди. Олам яна куёш нурларига ғарқ бўлди. Икром қаддини ростлади ва тетик-дадил қадам ташлаган қўйи йўлни кесиб ўтди. Бояги жувон ҳамон жойида йигитга табассум билан қараб турарди.

– Салом, – деди кизга яқинлашган маҳал Икром худди йигирма йиллик қадрдонини кўриб қолгандай самимий қувонч билан.

Не тонгки, оғзи қулоғига етган жувон ҳам шундоқ кўтаринки оҳангда жавоб қилди:

– Салом...

Мана, саломлашилди. Икки инсон бир-бирига жилмайиб қаради. Бўлди. Вассалом. Айтиш мумкинки, қиёмат қарз, инсонийлик бурчи адо этилди. Шу билан ҳар иккаловининг кайфияти кўтарилди. Энди ҳар иккалови мана шу кўтаринки кайфиятда ўз йўлларида давом этишса бўлади.

Икром мана шундай қилмоқчи бўлди. Бироқ ўз табассумига ғарқ жувон эҳтиром ила:

– Муаммо борми? – деб сўраганини эшитгач, жойида такка тўхтади.

Йигит энтикиб кетди. Саволнинг нақадар танишлигини!

Ногаҳон Икром йўлнинг нариги тарафидаги ишхона эшиги ёнида йиғилишиб турган ҳамкасблари шу томонга деярли чопиб кела бошлашганини кўриб қолдию, шоша-пиша рюкзагини ечди. Ҳар қалай, кучоклашиб кўришишлари аник. Рюкзак эса халакит беради. Буни жувон ҳам фаҳмлади, чоғи, ўшандоқ хуш-хандон кайфиятда, узун-узун бармоқларини кўз-кўзлаётгандай аста қўл чўзди-да:

– Рухсат этинг, – дея нозик бир ҳаракат ила рюкзакни олиб ерга, шундоққина узун-узун оёқлари ёнига қўйди.

Бу қадар меҳрибончиликдан, иззат-хурматдан тўлиқиб кетган Икром ҳатто бир оғиз миннатдорчилик билдиришга ҳам улгуролмай қолди. Зеро, етиб келган ҳамкасбларнинг биринчи гуруҳи унга ташланишган эди.

Барибир, аёл кишини овора қилганидан хижолат чекаётган, бироқ айни пайтда кўзларидан тиркираб отилган қувонч, шукроналик ёшларини тия олмаётган Икром ачом-ачомлар орасида бир амаллаб ортига ўгирилди. Аммо рюкзак жойида йўқ эди. Аёл ҳам...



Фулом
КАРИМИЙ

(1962 йилда туғилган)



БАҲОР СОҒИНЧИ

I

1951 йилнинг киши. Москва хиёбонларидаги дарахтлар оппоқ қорга бурканган. Ташқарида изғирин бўлса-да, Максим Горький номидаги Адабиёт институти ректорининг атоқли адабиётшунос профессор билан суҳбати қизгин эди. Ректор илтифот юзасидан профессорга сигарет таклиф қилди. Кейин ўзи ҳам тутатди. Профессор сигаретдан бир-икки тортиб, ректорга саволомуз қаради. У бу ерга бежиз чақирилмаганини биларди.

– Андрей Николаевич, гуруҳингиздаги аспирант Адҳам Қодировнинг ўзлаштириши қалай? – муддаога кўчиб сўради ректор.

– Қорамағиздан келган ўзбек йигитини айтяпсизми, Сергей Викторович? Ўзлаштириши дуруст. Бироқ моддий жиҳатдан қийналган кўринади. Яқинда иттифоқ Ёзувчилар уюшмасида миллий адабиётларга бағишланган бир тадбирда қатнашганимда, ўзбек адабиёти бўйича маслаҳатчи керак, дейишувди. Мен Қодировни тавсия қилмоқчиман. Рус ва қардош халқлар адабиётидан яхши хабардор у. Ҳам ўкиш, ҳам ишни эплаб кетади бу тиришқоқ йигит. Ҳам ўзига иктисодий ёрдам бўлади.

– Ҳозирча шошмай тулинг. Унинг ҳали институтда ўқиши ҳам даргумон бўлиб турибди.

– Тинчликми, Сергей Викторович? Ахир у ...

– Устидан чақув бор. Мана, танишиб чиқинг.

Оқсоч профессор тилла гардишли кўзойнагини бурнига кўндириб, ректор узатган хатни ўқий бошлади. Серажин манглайи янада тиришди. Ўқиб бўлгач: “Эҳ, даюс-эй”, – дея ғижиниб, хатни столга ташлади.

– Қодировми?

– Қўйсангиз-чи! Очигини айтсам, шу йигитга анча меҳрим тушиб колган. Гапимга ишонаверинг, Сергей Викторович, адабиётни унингчалик яхши кўрадиган талаба ҳатто бизнинг адабиёт институтимизда ҳам унчалик кўп эмас. Бу чақув турган-битгани бўҳтон-ку! Бойнинг ўғли Москва аёзида юпка пальтода юрармиди?

– Шундай дейсиз-у, бироқ илгари бойнинг ўғли бўлгандир-да! Андрей Николаевич, биз бу даргоҳда ғоявий жиҳатдан пок одамлар таҳсил олишига масъулмиз. Бинобарин, масалага жиддий ёндашиб, текшириб кўришимиз лозим.

Профессор бош чайқаб, уҳ тортар экан, хонага котиба кирди. У ҳали гапиришга улгурмасдан, ректор буюрди:

– Қодиров келган бўлса, кираверсин.

Пальтосини гардеробда колдирганидан кийими янада юпунлашган Адҳам хонага кирди. Саломлашиб, кўрсатилган жойга ўтирди. Ректорнинг салобати босса-да, унинг ёнида суюкли устозини кўриб, анча енгил тортди. Ярим йиллик таҳсилнинг имтиҳонларини “аъло”га топширгани учун ҳам кўнгли тўқ Адҳам кенг-мўл кабинетдаги жавонларга терилган китобларни кўздан кечириб, уларнинг қайси классиклар асарлари тўплами эканини тусмолларди.

Ректор синашта усулини қўллади. Қиёфасига янада жиддий тус бериб, сарғиш кўзларини йигитга наштардек қадаб, кескин оҳангда сўради:

– Адҳам Қодирович, сизнинг ижтимоий келиб чиқишингиз қандай?



Адҳамнинг ранги бўздай оқарди. Дафъатан тили калимага келмай, бир зум сукут сақлади. Сўнг, ўзини қўлга олиб, қатъий оҳангда деди:

– Мен деҳқон хонадонида – оддий меҳнатқаш оиласида туғилганман. Болалигим ва ўсмирлигим ҳам дарсдан сўнг далада меҳнат билан ўтган.

Унинг овози ва нигоҳида “бу рост, ишонинг” деган илтижо бор эдики, ректор кўзини олиб қочиб, ҳукмини айтди:

– Шундай бўлса ҳам, сиз ҳозирча машғулотларга катнашмай тулинг.

– Нега ахир?! Мен кириш имтиҳонларидан муваффақиятли ўтиб, биринчи семестр имтиҳонларини ҳам “аъло”га топширдим!

У ёрдам сўрагандек профессорга қаради. Профессор индамай, эзгилаб ёғаётган қорга тикилиб ўтирар, айни вазиятда у худди қаҳратон куёшидек Адҳамга бирон ёрдам кўрсатишдан ожиз эди.

– Очиғи, устингиздан чақув тушган. Ижтимоий келиб чиқишингиз хусусида, – деди ректор.

– Ахир, менга Тошкентда Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмасидан ижобий тавсифнома беришган-ку! Уни мен ҳужжатларимга қўшиб топширганман.

– Тўғри, ҳужжатларингиз жойида. Шу боис, биз Тошкентга сўровнома юбордик. Агар чақув бўхтон бўлиб, сиз ҳақингизда ижобий жавоб келса, машғулотларни яна давом эттираверасиз.

– Ким ёзибди чақувни, билсам бўладими?

– Буни ошкор қилолмайман.

Адҳам ректорнинг кабинетини эзгин қиёфада тарк этди. Эшик ёпилиши билан профессор ошкора ух тортди.

– Эсиз, бўладиган бола, умидли шогирдларимдан эди. Энг муҳими, асарларидан ўзи қилган сўзма-сўз таржималарини ўқиганимда, тузуккина бадиий иқтидори борлиги маълум бўлди.

– Эҳ, Андрей Николаевич, сиз устоз сифатида эмас, раҳбар сифатида бир ўйлаб кўринг! Адабиёт манфаати эмас, балки

сиёсий тузум, социалистик жамият манфаатидан келиб чиқингчи. Камина шундай йўл тутишга мажбурман. Тўғри, истеъдодли шогирдларига меҳр кўядиган устоз сифатида сизни тушунаман. Лекин кўп эзилманг. Балки ҳали ижобий жавоб келар. Ҳар ҳолда, бу – зарурий чора. Юмалоқ хат қандай кескин тусда ёзилганини кўрдингиз-ку. Эътиборсиз қолдирсак, хат муаллифи тегишли идораларга ёзишдан ҳам тоймайди. Ортиқча даҳмазаларга қолиб юрамиз унда. Шамол бўлмаса, дарахтнинг учи қимирламайди, деган Шарқ мақолини биласиз. Эътибор қилган бўлсангиз, Қодировнинг дарҳол ранги ўчиб кетди. Демак, унинг ўтмишида нимадир бор.

Профессор яна эътироз билдиришга оғиз жуфтлади-ю, ректорнинг тепакал боши устидаги Сталин портретига кўз ташлаб, дами ичига тушгандай, тилини тийди.

II

Институт аспирантураси ётоқхонаси хоналаридан бирида иккинчи босқич тингловчиси Йўлдош бесаранжом ҳолда ўтирарди. Институтда, айниқса, аспирантурада ўзбеклар кам, Адҳам иккаласи бир хонада туришади. Эшик очилиб, Адҳам кирганида унинг афтода рангу рўйини кўрган Йўлдош сезилар-сезилмас қалқиб тушди. Ўзини босиб, пальтосини ечаётган дўстига деди:

– Икки ҳафталик таътилнинг ҳам бир куни ўтди. Хўш, қарор қилдингми? Бориб келасанми Тошкентга?

– Йўк, Москвада қоламан.

– Нега бирдан ўзгариб қолдинг?

– Устимдан кимдир ректорга чақув ёзибди. Уни текшириш учун Тошкентга юборишибди. Жавобини кутишим керак.

– Қанақа чақув экан? – талмовсиради Йўлдош.

– Ижтимоий келиб чиқишим хусусида.

– Ҳа-а, шунақами? Тошкентда, университетда ҳам бу масала кўзғалгани эсимда. Москвада ҳам ўша гапми? Чақувни ҳам кимдир Тошкентдан юборгандир. Менга қара, Адҳам. Бу даҳмазаларга бирйўла нуқта қўймайсанми?



– Қандай қилиб, Йўлдош? Маслаҳат бер, нима қилай? – илтижо билан деди Адхам. – Бутун ҳаётим давомида бу нарса мени оғир тоғдек босиб, эзиб келмоқда. Қачон анкета тўлдиришга тўғри келса, ижтимоий келиб чиқишингиз, деган саволдан юрагим безиллайди. Ахир, ота-онам бир умр ўз меҳнатлари билан кун кечирган. Бировнинг меҳнатидан фойдаланмаган, ҳеч кимнинг ҳақини емаган!

– Лекин отанг қулоқ қилинган-ку.

– Тўғри, лекин кейинчалик колхозга кириб, ҳамма қатори кетмон чопган. Ахир, ўша даврда – жамоалаштириш сиёсатида айрим камчиликларга йўл қўйилганини ўртоқ Сталиннинг ўзи ҳам тан олган-ку.

– Қара-я, отангнинг камчилигини тан олишни истамайсан, лекин уни жазолаган партия камчиликка йўл қўйган демоқчисан.

– Мени нотўғри тушундинг. Хўш, нима демоқчи эдинг? Қандай қилиб барчасига чек қўйиш мумкин?

– Комсомолга хос шижоат ва мардлик билан отангдан воз кечасан!

– Нима-нима?!

– Эшитганинг! Комсомол мажлисида мен ўз ўтмишимдан, зарарқунанда қулоқ отамдан воз кечиб, жамиятимизга муносиб одам бўлмоқчиман, дейсан. Мажлис иштирокчилари, шубҳасиз, сени қўллаб-қувватлайди. Бу ҳақда бир мақола ҳам ёзиб, матбуотда чоп эттирсанг, зўр ҳужжат бўлиб қолади. Шундан кейин ҳеч ким сенга ижтимоий келиб чиқишингни таъна қилолмайди.

– Ўйлаб гапиряпсанми, Йўлдош? Қандай қилиб марҳум отамдан воз кечаман? Мени, ака-укаларимни дунёга келтирган, боққан, тарбиялаган отамдан, унинг азиз хотирасидан воз кечаманми? Отам раҳматли бировга ёмонлик соғинмаган, беш вақт намозини қанда қилмаган имон-эътиқодли инсон эди.

– Мана, ўз тилингдан илиндинг! Намоз ўқиса, демак, диндор бўлган. Шундай отадан воз кечмай туриб, сен ҳали совет ёзувчиси бўлмоқчимисан? Комсомол бўлатуриб, пионер

Павлик Морозовдан ўрнак олиш қўлингдан келмайди-ю, яна совет ёшлари ҳаётидан роман ёзишни даъво қилаётганинга ўлайми!

Адҳам дўстининг бу сўзларини жавобсиз қолдирди-да, пальтосини қайта кийди.

– Хўш, йўл бўлсин?

– Ҳовлида уйига ижарага қўядиганлар эълонига кўзим тушган эди. Жавоб келгунича бирон жойда ижарада тураман. Чунки бу аҳволда ётоқхонада туришим қийин. Юртдош ва дўст бўлатуриб, сенки мени тушунолмадинг, бошқаларнинг муносабати қандай бўлиши маълум. – У хонадан чиқаркан, қайрилиб, қўшимча қилди: – Малол келмаса, ректоратдан бохабар бўлиб тур. Котибадан жавоб келган-келмаганини суриштир. Ўзим хабар олиб тураман.

Хонада ёлғиз қолган Йўлдошнинг бадани увишди. Адҳам кетса, бу қадар ёлғизланиб қолишини ўйламаган экан. Хона хувиллаб қолгандай гўё. Тўғри, Тошкентда оралари яқин эмасди. Бироқ мусофирликдаги ҳаёт, Ўзбекистон ҳақидаги умумий хотиралар уларни бир қадар яқинлаштирган эди.

Адҳамнинг устидан яширинча чақув ёзиб бекор қилдимикан? Виждони ўртанган Йўлдош турли мулоҳазалардан калқон ясашга тиришарди: “Мен бир камбағал батрак ўғлиман. Отам қулоқларга қарши курашда ўзини кўрсатган. Шўро тузуми ғалабаси туфайли мен оддий батрак ўғли Москвада ёзувчиликка ўқимокдаман. Аммо Адҳам... унинг отаси кулоқ бўлган-ку. Маънавий ҳаққи борми шундай даргоҳда таълим олишга? Тўғри, у илмли, истеъдодли. Бироқ мард бўлса, ижтимоий келиб чиқишини нега яширади? Яна у Москвага келиши ҳамон Санобар билан учрашибди. Мен бир йилдан бери унинг кўнглини олиш учун ҳалакман. Неча марта кинога таклиф қилсам, дарсим кўп, деб баҳона қилди. Борганида ҳам ёлғиз эмас, дугонаси билан борди. Адҳам билан эса ёлғиз ўзи борибди. Йўқ, мен оғзидаги ошини олдирадиганлардан эмасман”.

III

Адхам ижара уйига асосан тунаш учун борарди. Машғулотлардан “озод” бўлгани учун уззукун Ленин кутубхонасига танда қўйган, “ёпик фонд”дан Чўлпон тўпламларини олиб ўқир, ўтли ва дардли сатрлар бир-икки ўқишдаёқ хотирасига муҳрланар, кўчириб олишга ҳам ҳожат қолмас эди. Бу адабиётлар ҳар кимга берилавермас, бироқ Горький номидаги Адабиёт институти аспирантураси каби юксак даргоҳда таҳсил олаётганларга рухсат бор эди. Аспирантлар бу адабиётларни илмий раҳбарлари кўрсатмасига биноан, ўз илмий ишларида буржуа адабиётини фош қилиш учун ўқишлари барчага аён эди.

Бир пайтлар у Қодирий романларини яширинча ўқиган. Саҳифаларига қанчадан-қанча кўз ёшлари тўкилган. Энди Чўлпон шеърини уни сеҳрламоқда. Шоирнинг оташин сатрлари хаёлида муттасил чарх урарди:

*Қарашма денгизин кўрдим, на нозлик тўлқини бордур,
Ҳалоқат бўлгусин билмай қулочни катта отдим-ку.*

Қизик, бу адибларни нега тузум қабул қилмаган? Уларнинг ижодини севса, демак, у ҳам бу жамиятга ёт унсурми? Адабий асарлар асли қайси мезонлар асосида баҳоланмоғи зарур? Шўро адабиёти энг ҳақгўй адабиёт, дея жар солишади-ю, ҳақиқат ҳақида нафақат ёзиш, ҳатто суҳбат қилиш бунча мушкул бўлмаса!

Болалиги оғир меҳнат, етишмовчиликларда ўтиб, университет ва аспирантурага ўз интилиши билан эришиб, энди оғзи ошга етай деганда, бойнинг боласи дея бурнини қонатсалар-у, бирон жойга арз қилолмаса. Бунақа хўрликларга илк бор дучор бўлаётгани йўқ.

Олтинчи синфда аълочилиги учун уни Тошкентга саёҳат йўлланмаси билан мукофотлашди. Қанчалик ҳаяжонлангани, ота-онаси тушлик учун берган пулни Тошкентга борганида китоб сотиб олиш учун йиға бошлагани эсида. Лекин туман маориф бўлимидаги ҳушёр мутасаддилар “отаси бой бўлган”, деб мукофотни бекор қилишди. Даминов деган жуғрофия ўқитувчиси: “Ахир, отаси ҳозир колхозчи-ку”, дея қуюниб га-

пиргани, лекин унинг сўзига ҳеч ким кулоқ солмагани асло эсидан чиқмайди. Лекин қачон шу воқеани эсласа, устози Даминовнинг сўзлари зулматни парчалаган бир қатим нурдек кўринарди. Тузум қанчалик мустабид бўлмасин, одамлардаги инсонийликни буткул маҳв этолмайди, деган ишонч унга далда берарди.

Адхам кутубхонадан чиқиб, пиёда йўл олди. Москва кўчалари оқшомда ҳам ёруғ. Бу шаҳарга келгач, ўзини узоқ йиллар кора кўланкадай таъқиб қилган тухмату чақувлар ниҳоят узоқда қолди, деб ўйлаган эди. Не-не машҳур адиблар билан учрашди шу олти ой мобайнида. Уларнинг кўп сўзларини ён дафтарига ёзиб олди. Кўнгил қўйгани Санобар ҳам шу шаҳарда таҳсил олмоқда. Улар баҳорда турмуш қуришни режалаштирган эдилар. Ўшанда ҳаёт йўли унга Москва кўчаларидай ҳаминиша кенг ва ёруғ бўладигандай туюлганди...

Ўзбекистонда аллақачон бошланган баҳор нафаси Москвада ҳам сезилмоқда. Афсуски, Адхамнинг кайфияти баҳорий эмас. Тошкентдан ҳеч қандай хабар йўқ. Санобар институтга келиб, Йўлдошдан Адхамни сўрабди. Йўлдош бор гапни айтиб, ҳозир қаерда турганини билмайман, дебди. Қанчалик соғинмасин, Санобарнинг юзига қандай қарайди? Неча марта чоғланиб, ўша тарафга йўл олди. Бироқ ҳар гал: “Мен тужайил унга нисбатан ҳам шубҳа пайдо бўлмасин. Ўзи бахтсиз одам бошқани бахтли қила олармиди?”, деган ўйлар билан орқага қайтарди.

Кўприқдан ўтаркан, Москва дарёсига разм солди. Дарё музлари палахса-палахса кўчиб, бўтана сув кўпириб оқмоқда. Буни кузатаркан, болалик даврининг изтироб билан йўғрилган илк хотиралари кўз ўнгида жонланди. Отаси сургун қилинган, “кулоқнинг оиласи” деган хўрлашлар ва таҳдидларга чидалмаган онаси болаларини олиб, тоғаси ёрдамида узоқдаги қишлоққа кўчишга қарор қилди. Кўч-кўронларини тоғасининг икки отига ортиб, киш чилласида йўлга тушишди. Қалин қор ёққан совуқ кун. Олти ойлик укачаси Раббим онаси қўлида эди. Отлар музга тойиб йиқилганда, уларнинг устидаги юклар

ҳам қорға кулаб тушар, тоғаси ва онаси отларни турғизиб юкларни ортгунча, болалар қор устида жунжикиб туришарди. Олти ойлик гўдак чириллаб йиғлар, бундан барчанинг юраги эзилса-да, ҳеч ким уни қандай овутишни билмас эди. Ўшанда укасига совуқ ўтиб кетган экан. Баҳорга чикмасдан, Раббим умрида бир баҳорни ҳам кўрмасдан нобуд бўлди. Адҳам улғайгач, баъзан: “Қишда эмас, баҳорда кўчганимизда, балки укам тирик қолиб, ҳозир азамат йигит бўлармиди”, деб ўйлар, ҳаёти тонгидаги шу воқеа туфайли унинг учун қиш мамот, баҳор эса ҳаёт рамзига айланган эди. Бироқ бу йилги Москва баҳори яхшиликдан дарак бермас эди...

Нариги қирғоқда одам тўпланиб турганини кўрган Адҳам, ҳар бир нарса билан ўзини чалғитишни истагани туфайли, оломонга яқинроқ бориб билдики, ғаввослар ҳозиргина сувга чўкиб ўлган одам мурдасини олиб чиқишибди. Қизиқиши дарҳол сўниб, ортга қайтди. Одамларнинг овози узук-юлук тарзда қулоғига чалинарди.

– Ўз жонига қасд қилибди-я, шўрлик!

– Ким билади, балки чўктириб юборишгандир.

Бу ҳодиса Адҳамга йўл кўрсатгандек бўлди. Йўл бўлганда ҳам тухмату чакувлар етиб боролмайдиган манзилга элтгувчи йўл. Бу ҳақда бемалол ҳаёл суриб, совуққонлик билан режалар тузаётганидан ўзи ҳам ҳайрон эди. Муздек сувга киришини ўйлаганида ҳам сира эти жунжикмас, ҳатто назарида бу фасл сувга чўқиш учун энг мақбул бир мавсум эди... Каттакон муз парчаси бошига келиб урилади. Зарбдан гаранг бўлиб, бу ёғи нима бўлганини сезмай ҳам қолади. Жасадини топиб олишганида ҳам ким уни танирди. Бутун Москвада унга аза тутадиган биргина одам бор... Эҳ, Санобар, агар билсанг, мен эртами-индин иккаламизнинг оппоқ қордек орзуларимизни, ёруғ келажакимизни, туғилмаган болаларимизни ўзим билан чўктириб юбораман... Лекин кечир мени. Тирик қолганимдаям, мендек бадном одам сен билан бирга бўлолмайди.

Уйга яқинлашганида, бирдан йўлдан қайтиб, Горький институту томон юрди. Нима бўлгандаям кўнглида сўнгги бир илинж милтиллаб турарди.

Ётоқхонага кираркан, телпагини пешонасига бостириб, пальтоси ёқасини кўтариб, бурканиб олди. Курсдошларидан биронтасига учраб қолишни истамасди. Хонага кириб китоб ўқиб ўтирган Йўлдошга савол назари билан қараганида, у бош чайқади: ҳамон ҳеч қандай хабар йўқ. Бунча ҳаяллашмаса! Ўзбекистонда ҳам қайта текширув ўтказиб, қариндош-уруғларигача сўроқ қилишяптими?..

У ўтирмасданоқ хонани тарк қилаётганида Йўлдош сўради:

– Ижобий жавоб келса – яхши, бўлмаса – Тошкентга қайтасанми?

– Қайси юз билан қайтаман? Ўлим яхши-ку бундан!

– Ҳе, ҳе, ўзингни ўлдирармидинг? Буни осон иш деб ўйлаяпсанми?

– Ҳарқалай, шармандалик доғига чидашдан осонроқ!

IV

Йўлдош ўзини ректор нега чакиртирганини биларди. Котиба ҳам бундан хабардор, шекилли, уни дарҳол киргизиб юборди. Ректорнинг кайфияти яхши эди. У хушмуомалалик билан аспирантга жой кўрсатиб, ўзбекча “жон” қўшимчасини кўшиб гапирди:

– Йўлдошжон, юртдошинг Адҳамжон қалай юрибди?

– Ётоқхонадан кетган, ижара уйда туради. Машғулотларга катнамаяпти.

– Ҳа, бир англашилмовчилик бўлган экан. Серқуёш Ўзбекистондан куёшли хабар келди. Дўстингни топиб, айт. Бемалол машғулотларга қатнайверсин. Қолдирган дарсларини ўзлаштириб олишига ёрдам бер. Ижарада ёки ётоқхонада туриш эса ўзининг шахсий иши.

– Раҳмат, Сергей Викторович!

Йўлдош кўчага чиқиб, телефон будкасига кириб, истари-истамай рақам терди. Ўзи кутмаган ва ёқтирмаган хабарни айтиши керак. Майли, ҳеч гап бўлмагандай: “Табриқлайман, институтга келавер”, дейди-да. Нариги тарафдан Адҳамнинг дардчил овози эшитилди. Унинг юрак ховучлаб, кулок тутиб

турганини биларди. Бу хабарни эшитгач, нима қиларкан? “Кел, дўстим, бу хушxabарни бирон қахвахонада ювайлик”, дейдими? Ёки мени шу заҳоти унутиб, қанот чиқариб, Санобарнинг олдига учадими?

Тўсатдан Йўлдошнинг вужудида ёвуз дев бош кўтарди. Унинг измига бўйсунган Йўлдош айтишга чоғланган сўзларининг бутунлай тескарисини гапирди:

– Энди хафа бўлмайсан, Адҳам. Тошкентдан ўта салбий жавоб келибди. Ректор айтишича, энди сен тингловчилар сафидан бутунлай ўчириларкансан.

Жавоб ўрнига Йўлдошнинг қулоғига гўшакнинг тарақлаб тушгани эшитилди. Гўшак Йўлдошнинг вужудидаги ёвуз дев бошига тушиб, уни мажаклагандек эди. У бирдан ўзига келиб, жон ҳолатда бақирди:

– Адҳам, Адҳам... мен ҳазиллашдим, гапларим ёлғон, эшитяпсанми?

Бирок телефон жимжит эди. Ранги ўчган Йўлдош будкадан отилиб чиқиб, йўлда келаётган биринчи машинага жон ҳолатда қўл силкий бошлади...



Наби ЖАЛОЛИДДИН

(1962 йилда туғилган)

БАЙРОҚ

Бола уйнинг остонасига сўмкасини ташлаб, пойабзалини ечаётганида ҳовли томондан дадасининг овози эшитилди:

– Ботир болам, сенмисан?

Дадасининг кайфияти яхши, шекилли, чунки шундай маҳал уни ҳозиргидай “Ботир болам” ёхуд “Ботир бола”, дея чакириш одати бор эди.

– Менман, дада, – деб қўйди у овози жаранглаб.

– Биякка ке! – деди дадаси эркаловчи оҳангда.

Ботир уйга кириб, апил-тапил кийимларини алмаштирди-да, қайтиб чиқди. Идишдаги сувда қўлини чайиб, ҳовлининг этагига қараб юрди.

Дадаси ўрталаб қолган баҳорнинг танни куйдиргувчи офтобидан кочиб, ҳовлининг катта бир қисмини эгаллаган улкан ўрикнинг соясида Тўлқин чўлок деган ошнаси билан гаплашиб ўтирарди. Ботир Тўлқин чўлокни яхши билади – дадасининг синфдоши. У асли тракторчи бўлган. Бир оёғини трактор босиб колгач, оёғидан айрилиб, нафақага чиққан – яъни анча-мунча одамнинг вақтини ўлдира оладиган ғирт бекорчи.

– Ассаломалейким, – дея салом берган Ботир аввал меҳмон, сўнг эса дадаси билан сўрашди.

– Келдингми, Ботир бола? Қани, ўтир-чи! Қорин ҳам очгандир?.. – Дадаси уни ёнига ўтказди. – Аянг энасиникига кетганида бир маза қиволайлик, ўғлим. Қани, ол-чи!

Ўртадаги ихчам кирчимол дастурхон устида баҳорда анча танқис бўладиган егуликлар бор эди. Помидор, бодринглар паррак-паррак қилиб тўғралган, уларнинг тиник ранги кўзни оларди. Товоқда эса қоврилган гўшт. Баҳорда бу нарсалар фалон пул туришини бола бўлса ҳам Ботир яхши биларди. Унинг оғзи сувланиб, юмшоққина обинонга қўл ўзатди.

– Сен тортинмай оловур, – деб қўйди Тўлқин чўлоқ тили қалтираб. – Гўштан ол-чи! – у бир бўлак гўштни Ботирнинг олдида сурди.

– Қани, урдик! – деди дадаси пиёлани оларкан.

Ие, ароқ ичишаётган экан-да. Ҳа, билади, бу – дадасининг “иш”и. Дадаси шунақа – бир ойда бир бор, ўзи айтмоқчи, “бўшалиб, битини тўқволади”. Ўшандаям кўча-пўчада ичиб юрмайди, ҳамма нарсани сотиб олади-да, Тўлқин чўлоқними ёки бошқа бирон дил яқин ошнасиними уйга бошлаб келади-ю, битта-яримта ароқ ичишиб, мана шунақа гаплашиб ўтиришади. Бундай пайтда дадасининг гапини тинглаувчи одам топилса бўлди, ёзилгандан-ёзилади. Тўлқин чўлоққа ўхшаган қўли юпқа бекорчи учун эса бу айни муддао эди, айниқса, манавинақа “илик узилди” кунларда ҳайтовур оғзини чучитволарди.

Аясининг айтишича, дадаси асли ўқимишли одам, “раисларнинг ўқиши”да (қишлоқ хўжалиги институтида демокчи) ўқиган экан. Аввал қолхозда агроном бўлиб ишлаган, кейинкейин қолхозлардан кўр кетиб, кун кўриш оғирлашгач, ўзини бозорга урган. Ул-бул нарсаларни олиб-сотиб юради. Мол бозорига чиқади. Уйда эса икки-учта бўрдоки новвос боқади. Шунинг орқасидан тирикчиликлари анча яхшиланиб қолган.

– Ёшимизам қирқдан ўтди, ошна, – дея гапга тушди дадаси бир бўлак гўшт билан бир паррак помидорни оғзига солиб. – Энди манашиларни деб, – у кафти билан Ботирнинг бошини силади, – яшаймизакан-да. Оммалекин...

Ботир оғзини тўлдириб овқат чайнарган, беихтиёр дадасига каради.

– Сен қорнингни тўйғаз, Ботир бола, – дея бир нафас чалғиган дадаси яна гапида давом этди. – Оммалекин болларимизнинг тарбияси издан чиқиб кетди. Мактаблар айниди, нимани ўқитяпти – худо билади. Айниқса, ўғил боллар бачканалашиб кетяпти. Бу ёмон, ошна!.. Қорнимиз олдингига қараганда хийла тўк бўп қолди. Энди манавилар ҳақидаям ўйлашимиз керак, – дадаси бармоғи билан боши ва кўксини кўрсатди. Кейин пиёлаларга тагин арок қуйди. – Менинг учта ўғлим бор. Мен уларнинг, энг аввало, ҳақиқий эркак, ҳақиқий ватанпарвар бўлишларини иштайман! – Шу гапни айтди-ю Тўлқин чўлоқнинг кўзларига бирпас тикилиб қолди. – Тушуняпсанми, Тўлқин, ҳақиқий ватанпарвар бўлишини иштайман. – Сўнг ҳафсаласи пир бўлгандай кўлини силтади-да, – ке, кўй... – дея арокни сипқорди.

Дадасининг гапидан кейин Ботир ҳам Тўлқин чўлоқнинг кўзларига қаради: улар гўё бўм-бўш эди, хатто қорачиқлари ҳам йўққа ўхшарди. Тўлқин чўлоқ дадасининг гапини тушунмаётганлигини у ҳам пайқайди. Нега энди тушунмаётганикан-а? Ахир, Ботир кичкина бўлса ҳам, тушуняпти-ку. Ўғил бола ватанпарвар, яъни Ватанини яхши кўрадиган бўлиши керак экан. Наҳотки, шуни тушуниш қийин бўлса?!

Тўлқин чўлоқ тилининг остига нос ташлади, гап эса новвос боқиш “санъат”ига бурилиб кетди. Ана энди дадаси очилгандан-очилди...

Ботир қорнини бошлаб тўйғазиб олгач, ўйнагани кўчага югурди.

Тушдан кейин дадаси Тўлқин чўлоқни кузатиб чиққанида Ботир рўпарадан чопқиллаб келарди.

– Дада, дада, ҳозир Мел Гибсонди киноси бўларкан. Кўрасизми? – деди у бидиллаб, ҳали дарвозага етмасдан.

Дадасининг сузилган кўзлари баттар қисилиб, жилмайди:

– Сизминан бўлса, кўрамыз-да, Ботир бола. – Дадаси уни, яъни кенжатоини бўлакча суярди, эндигина бешинчи синфда ўқиётган бўлса-да, гоҳо-гоҳо катталардай гапириб қолишидан

хузурланарди. – Қани, кетдик бўлмаса. – Дадаси ортига буриларкан, хиёл мувозанатини йўқотди.

У уйга кираётиб велосипедни етаклаб кўчага чиқиб кетаётган ўртанча ўғлини тўхтатди:

– Қаяққа кетяпсан?

– Ўтга, дада, – деди ўғил кўлидаги этак ва ўроққа ишора қилиб.

– Қорнингни тўқлавоқдингми?

– Ҳм-м...

– Унақа бўлса, ўтни қўй. Юр, Мел Гибсонди киносини кўрамиз.

Бу пайт ҳовли томонда катта ўғил кўринди.

– Дастурхонди йиғиштириб қўйиб, сенам уйга кир, – деди дадаси ёқимли буйруқ оҳангида.

Болалар дадалари билан бирга кино кўришни жуда-жуда ёқтиришарди. Шунинг учун оғизлари кулоқларида телевизор рўпарасида жам бўлдилар. Ҳадемай кино бошланди, номи “Ватанпарвар” экан.

– Зўр кино, шекилли, а, дада? – деди кўзлари чакнаган Ботир бир кўзғалиб олиб.

– Мел Гибсон ёмон кинода ўйнамайди, – деб қўйди ёнбошлаб жойлашиб олган дадаси бепарволик билан.

– “Шерюрак”ка ўхшайдикан-а? – яна бидиллади Ботир.

Катта акаси “жим бўл” дегандай уни бир туртди.

– Ҳм-м... – деб қўйди дадаси унинг сўроғини жавобсиз қолдирмай.

Кино авжга мина бошлади. Ана, босқинчилар Мел Гибсоннинг (яъни у ижро этаётган қахрамоннинг) катта ўғлини банди этишиб, ҳайдаб кета бошлади. Унинг кичикроқ яна бир ўғли акасини озод қилиш учун ғанимга ташланди. Аммо уни босқинчиларнинг ёвуз бошлиғи отиб қўйди. Мел Гибсон “Йў-ўк!...” дея хайқириб, ўғли сари отилди...

Ботирнинг дадаси эса “аҳх!” дея силтаниб ўрнидан туриб, ўтириб олди. Унинг бўйин томирлари бўртиб кетди.

– Ўғлини ўлдиргани учун энди у ватанпарвар бўп қола-

дими, дада? – сўради Ботир болаларча соддалик билан фильмнинг номини эслаб.

Дадасининг кўзлари ёшланганди.

– Ҳозир унийчун боллари Ватан, – деди дадаси экрандан кўзини ўзмай. – Анови ўлган бола учун эса асир қилинган акаси Ватан!..

Унинг наздида, ҳозир дадаси телевизорда чиқадиган шоирларга ўхшаб кетди. Гапларини тушунмади, шекилли, унга тикилиб қолди. Дадаси буни сезиб, ўгирилди.

– Агар эркаклар ўз Ватанларини ҳимоя қилолмасалар, ота-оналар болларини, ака-укалар бир-бирларини асролмай қоладилар. Тушундингми? – дадаси яна кинога андармон бўлди.

Ботир эса ўйчан “ҳм-м” деркан, “Опамиз бунақа гапларни айтмовди”, деб кўйди ўзига-ўзи гапираётгандай.

Фильмдаги воқеалар ривожига кучая боргани сари бир нималар эсига тушаётган дадасининг жиғибийрони чиқа бошлади.

– Мана, кино! – дерди тиззасига шапатилаб, – Мана, ҳақиқий кино! Бизникилар эса фақат бачкана нарсаларни ишлашади. Худди ўзбекни кулгидан бошқа дарди йўқдай. Ё бўлмаса, ашулачилардан кино қилишадими-ей... – У катта ўғлига қаради: – Номи нимаиди?..

Ўғил кулди:

– “Севинч”...

– Ҳа, аши, “Севинч”, “Сарвиноз” “Шоҳсанам”, “Гулсанам”... – Дадаси атайлаб янги номларни тўқиб ташлади. – Уларга қўйиб берса ... Жон болларим, бизга ҳозир унақа киноларди кераги йўқ, манавинақа кинолар керак!.. – У қўли билан телевизорни кўрсатди.

Ботир дадасининг феълени яхши билади: у киши доим ҳам бунақа гапларни гапиравермасди. Фақат гоҳида “ёзилиб” қолганида... Аслида дадаси камгап, қўполрок одам. Лекин феъли ўзига жуда ярашади. Бунақа пайтда дадасининг гапини бўлмаслик лозимлигини ҳам бола яхши билади.

– Тўғри, буларди ҳаммаси учун пул керак, маблағ керак. Оммалекин пул топилсаям эплашолмаяпти-ку!.. Амир Темур ҳақидаги киномизни қара. Сенларга аввал ҳам айтганман. “Лой жанги” Темур бобо ҳаётида катта ўзгариш ясаган жанг. Ўша катта жанг кинода қандай кўрсатилган?..

Болалар фильмдаги ўша лавҳани ва дадасининг ўшанда айтган гапларини эслаб, кулиб қўйдилар.

– Тўртта ёки олтита одам чуқурга тушволиб, лойга думалайверишади. Шунчалигам масхарабозлик бўладими, ахир!.. Жангни манавиндай қилиб кўрсатишса бўмейдими!..

Яна ҳаммалари жим қолдилар, чунки фильмдаги воқеалар авж нуктасига чиққанди. Ана, Мел Гибсоннинг тўнғич ўғли унинг ўз қўлида жон берди. Ҳалиги ёвуз бошлиқ йигитчанинг қорнига қилич суқиб олди. Ботир унга жуда-жуда ачиғиб кетди.

– Оғриси керак-а? – деб юборди беихтиёр.

– Оғрийди-да! – деди кичик акаси билағонлик билан.

– Ватан учун бўлса, оғримаса керак, – деб қўйди дадаси ўзига-ўзи гапираётгандай.

Мел Гибсон буткул тушқунликка тушди, жанг қилишдан воз кечиб, ортига қайтиб кетмоқчи бўлди. Шу пайт ўғлининг сўмқасидан Американинг титилган (ўғли тиқиб, буклаб қўйган) байроғини топиб олди. Шунда... У байроқни азот кўтариб, от устида пастликдан чиқиб келаётганда, дадаси тағин “ахх!” дея ўрнидан сапчиди. Унинг бўйин томирлари йўғон-йўғон бўлиб кетди. Дадаси жуда барваста ва кучли одам эди. Ҳозир кўзларида ёш бўғриқиб, жўшиб туриши Ботирнинг ёдига “Шерюрак” фильмидаги Мел Гибсонни солди. Фильм охирида Мел Гибсонни қийнашиб, осиб қўйишади. Ана ўшанда унинг бўйни худди дадасиники каби йўғонлашиб, томирлари бўртиб кетади...

– Мана, байроқди қандай улуғлаш керак! – дея ҳайқирди дадаси.

Ботирнинг кўзлари катта-катта очилиб, дадасига тикилди.

– Байроқ шунақа азиз нарсами, дада? – бу сўзлар унинг оғзидан беихтиёр чиқиб кетди.

Дадаси кескин у томонга ўгирилиб, кўзларига қаттиқ тикилди.

– Байроқ, бу – Ватанди юзи-да, болам. Гап байроқ деб аталган бир парча латгада эмас... – деди ғоят сокин овозда. – Мана, менинг юзим, ана, сенинг юзинг. Байроғимиз эса Ўзбекистонимизди юзи!..

Ботирнинг кўзлари чакнади. Бироқ тезда туси ўзгариб, хаёли чалғиди-да, яқиндагина мактабда кўргани бир воқеани эслади: ўшанда катта танаффус маҳали эди. Ботир ўртоқлари билан ўйнаб юраркан, мактаб омборининг ланг очик эшиги олдида беихтиёр тўхтаб қолди. Ичкарида қорни тандирдай келадиган хўжалик мудирини уюлиб ётган турли нарсалар остидаги катта столни олишга уринаётган икки юкори синф ўқувчисига “уни у ёкка, буни бу ёкка”, дея буйруқ бериб турарди. Бир пайт болалардан бирининг кўлида дастасига беўхшов ўрамоқланган, ранги унниккан байроқ пайдо бўлди-ю, “Буни нима қилай?” дегандай хўжалик мудирини каради. Мудирнинг хатто бирон туки ҳам қимир этмади.

– Нарякка, списат (Ботир бу сўзни тушунмаган, бўлса-да, мудирнинг сўз оҳангидан “кераксиз нарса” деган маънони англади) қилинган байроқ, – деди девор остини кўрсатиб.

Халиги бола аввалига ҳайрон бўлди, сўнг “менга нима” дегандай учи ялтироқ найзали байроқни девор тагига улоқтирди. Ботир айна дамда ана ўша воқеани эсларкан, агар байроқ азиз нарса бўлса, унда хўжалик мудирини нега уни улоқтиришга буюрди, дея ўйларди. Ахир, у ҳам дадасига ўхшаб кап-катта одам бўлса!.. Демак, байроқни қутқаришим керак, дея хаёл қилди у. Негадир миясига айнан шу – “қутқаришим керак”, деган гап келди.

Баҳорда иш дегани кўпайгандан-кўпаяди. Айниқса, мактабларда, баҳорий байрамлар баҳона хоналарни, теваракни супуриб-сидириш, ювиб-тозалаш авж олади. Гоҳо бунака юмушлардан болалар безиб ҳам кетишади.

Бир куни Ботирларнинг муаллимаси учинчи соатдаги дарсни ўтиб бўлгач:



– Бугун бир ҳашар қилайлик-а... Полни, партаю деворларни ҳам содалаб ювамиз, майлими, болажонлар? – деди эркаловчи оҳангда. – Хотира ва кадрлаш кунига хонамизни зўр қилиб қўяйлик!..

Ботир билан яна бир болани хўжалик мудирига жўнатди. Опаси ундан эски латта ва сода сўраб қўйган экан, ўша нарсаларни олиб келишларини тайинлади.

Хўжалик мудирини ўз омбори олдидаги сўрида қорнини тиззасига қўйиб, ястаниб ўтирарди.

– Опамиз жўнатди, – дейишди болалар.

– Ҳозир сенларга латта обераман, – деган мудир омбор эшигини очиб, нима қилишини билмай серрайиб туриб қолди. Сўнг бир бурчакдан эски латта топди-да, Ботирнинг шеригига узатди. Бола латтани олгач, шеригини ҳам унутиб, синфхонаси томон чошиб кетди.

– Сенга нима берсамийкин? – деди мудир у ёк-бу ёкка аланларкан. Шу пайт девор остида чанг босиб ётган байроқка кўзи тушди. Уни қўлига олиб, дастасидан чиқарди, бир четини оёғи билан босиб, иккинчи четини қаттиқ силтади. Байроқ гўё инграгандай овоз чиқариб, ярмигача йиртилди. Уни ердан олиб, ғижимлаб ўрамоклади-да, Ботирга узатди.

– Ма, бировга кўрсатмай ишлат.

Ботир қарахт эди. Мудирнинг бу ҳаракатлари асносида Мел Гибсоннинг кинолари кўз олдига келди, дадасининг Ватан, байроқ ҳақидаги гаплари ёдига тушиб, байроқни қутқармоқчи бўлганини эслади. Шунинг учун омборнинг эшиги олдида бирпас иккиланиб туриб қолди. Бир қарорга келди, шекилли, ғижимланган байроқни қўлтиғига қисиб, уйи томон чошиб кетди. Муюлишдаги қишлоқ масжиди олдида икки-учта чол ўтирарди. Уларнинг қаршисига етганда бола гўё чоллар қўлтиғидаги нарса нима эканлигини билиб қолишаётгандек пича ғалати бўлиб олди. Бироқ бир неча лаҳза ўтар-ўтмас хавотири ўринсизлигини фаҳмлаб, оқсоқолларга қуюқ салом берди-да, қадамни тезлатди.

Ботир кўлидаги каттагина латта билан синфхонага ҳансираб кириб келганида, опаси омборга у билан бирга борган боладан унинг қаерда қолганлигини эндигина сўроқлаб турган экан...

Болакай ўша куни кечга томон аясидан игна билин ип олди.

– Нима, энди чеварлик қилмоқчимисан, Ботиржон? – деди аяси кулиб.

У эса “керак бўп колди-да?” дея дарсхонасига кириб кетди. Байроқни ўша ерга беркитган эди. Ранги ўчган йиртик байроқ ҳозир кўзига жуда ғариб кўринди. Уни текис қилиб ёзиб, бироз ўйчан тикилиб турди ва йиртиғининг бир четига аста игна урди.

Унинг “тикувчилиги” бир неча кунлик бўш вақтини олди. Сабаби, чоки ўзига ёкмай қайта-қайта тикишга тўғри келди. Қоратолнинг шохидан байроқ учун даста йўнди – бунга ҳам анча вақт кетди. Сўнг ҳафсала билан дазмоллади...

Майнинг бошларида мактабда Хотира ва қадрлаш кунига бағишланган кеча бўлиши керак эди. Ботир ана ўша йиғинга боришни мўлжалларди. Текис тикилган, дазмолланган байроқни янги дастасига яхшилаб ўраб, дарвоза томон бораётганда ортидан аясининг овози эшитилди:

– Байроқ қайдан келди, болам?

– Мактабдан беришувди. Бугунги байрамда кўтариб тураман, – деди бола онасини ортикча безовта қилмаслик учун ёлғон гапириб.

– Ҳа, тузук Оммалекин йиртиб-нетиб қўймагин, – дея насихат қилган бўлди аяси.

Ботир “хўп, хўп” деди-да, кўчага чиқди. Оз-моз юргач, енгил шабада эсаётганини пайқаб, завки келди. Ўрамоқланган байроқни ёйиб, дастасидан тутди ва боши узра кўтарди. Байроқ енгил, бироқ ёқимли ҳилпиради, бола қадамини тезлатгани сари тобора баралла ҳилпирайверди.

Кўчадаги одамларнинг бари унга қарарди. Айниқса, гузар-

га етганда одамларнинг минг бир маъноли нигоҳига уларнинг турфа сўзлари ҳам қўшилди.

– Ие, байроқ кўтарвоптими? – деб қўйди чинор остида ўтирган чол.

– Байроғимиз чиройли экан-а? – деб қўйди дўкондан чиқаётган йигит кулиб, худди байроқни биринчи бор кўриб тургандай.

– Байроқминан ҳазиллашиб бўладими! – дея тўнғиллади тамаки тутатаётган зиёлинамо киши. – Бунинг сиёсий томонлариям бор.

– Ҳе, яша, азамат! – деб бақирди биров. – Битта барабанчиём оволмабсан-да.

– Кимни ўғли ўзи бу? – дея сўради кимдир.

– Отасининг ўғли-да, – деди оғзига нос ташлаётган Тўлқин чўлоқ. – Байроқти эҳтиёт қил, Ботирвой!..

Бола бу гапларнинг биронтасига парво қилмай байроқни мағрур кўтарганча гузардан ўтиб борарди. У ўз наздида, от устида Ватани байроғини кўтариб бораётган Мел Гибсондан кам эмасди. Бола чинакам жанг ичра борарди. Аммо ўзи буни англамасди, англашга ожиз эди. Бу халқнинг, миллатнинг онгтафаккурида эврилиш, эҳтимолки, инқилоб ясамоқ учун аҳд қилмоқ, курашмоқ тарихнинг улуғ жанглариға кирмоқликдан кам эмаслигини у тушунмасди ва болақай бунақа чиройли гапларни билмасди ҳам. Лекин маъсум қалбининг амри, ундови ва эҳтироси туфайли она-Ватанининг байроғини болаларча завқ ила мардона кўтариб борарди. Унинг буюк курашга, жангга ўзи билмай бел боғлаганини фақатгина тиник осмон, ям-яшил дарахтлар, йўллар, Ватани, қўлидаги байроқ ва ўша қўллари фахмлаб, тушуниб турарди.

Ботир мактаб дарвозасига етганда велосипед минган дадаси масжид муюлишидан ўтиб, гузарга келди. Ошнаси Тўлқин чўлоқ билан кўришиб қўйиш учун тўхтади.

– Ўғлинг байроқ кўтариб ўтиб кетди-я? – дея тиржайди чўлоқ ҳали сўрашиб улгурмай. – Униям жа ватанпарвар киворибсанми?..

Бу гапдан отанинг жаҳли чикди. Тўлкин чўлоқнинг башарасига бирпас ғалати тикилиб турди-да:

– Ҳушёр бўл, сениям!.. – дея зарда билан шартта бурилиб, велосипедга минди.

Ботир қатор бўлиб давра қурган мактаб жамоати ёнига етганда бир тўхтаб олди. Байроқ қўлидан тушиб кетай деди. Ўқитувчию ўқувчилар – ҳамма-ҳамма унга ўгирилди. Ҳатто учрашув учун келиб, давра тўрида ўтирган уруш қатнашчиси бўлмиш икки чол ҳам унга қаради. Чор атроф сукунатга чўмди. Ҳамма ҳайратда – ахир, таомил бундай эмасди-ку!

Шу пайт боланинг ортида дадаси пайдо бўлди. У велосипедини ерга ташлади-да, шахд ила ўғлига яқинлашди. Барчанинг нигоҳида “нима қиларкан?” деган хавотирли савол зоҳир бўлди. Ҳойнаҳой, бетаъсир ўғлига шапалоқ тортиб юборса керак. Йўк, ундай қилмади. Ота ўғлининг икки чаккасидан тутиб, кўзларига тикилди.

– Баракалла, ўғлим! – деди овози титраб ва миждаларида ёш айланди. – Баракалла!.. – У ўғлининг пешонасидан ўпиб, даст кўтарди-да, елкасига ўтқазди ва давра томон юрди.

Ботир байроқни янада юқори кўтарди. Бутун вужуди жимирлаб, кўзлари чакнади.

Икки фахрий чол Ботирга меҳр ва завқ ила боқишаркан, беихтиёр чапак чалиб юбордилар. Уларга ўқитувчи ва ўқувчилар ҳам эргашди. Ҳаммаёқ олқишга тўлди. Барча Ботирга ва унинг қўлидаги байроққа тикиларди, кўзларида эса турли маънолар балқиб турарди.

Ботирнинг кичик акаси ўз синфдошлари орасида сафда тураркан, дадаси билан укасига боқиб, қаддини ростлади, елкаларини кўтарди. Тўққизинчи синфда ўқийдиган қатта акаси эса синфдошининг ортига беркиниб, ерга қараганча тиржайди.

Ўз сўрисининг устида тик туриб даврани томоша қилаётган хўжалик мудири ғўлдираб қўйди:

– Оббо, қизталағ-ей, янги байроқти қайдан топтийкин?..

Ботир ҳозир чинакам Мел Гибсон эди ва барчадан баланд-да турарди. Қўлидаги байроқ эса юксак-юксакларда мардона қанот қоқарди.

Оллоназар
АБДИЕВ

(1963 йилда туғилган)



ЙИРТИҚ ЭТИК

Овқат кириб, овқатдан кейин бир-икки пиёла чойни кайноқ-кайноқ ичганиданми, асаблари жойига тушгандай бўлди. Чарчоғи ёзилди. Отасининг чеҳраси ёришишини кутиб турганмиди ёки бўлмаса эрталабки “бўл хо-бўл”да гаплашиб ололмаслигига кўзи етганми, катта ўғил отанинг ёнбошига келиб жойлашди-да, паст овозда секин шипшиди:

– Оға¹, ўқишимнинг тўлов пули... қалай бўляпти экан?

– Бир иложи бўлар, болам. Фирма раҳбаримизга инсоф бериб қолса, икки-уч маошимни олдиндан берар. Эсига солиб турибман.

– Оға, мен калта куртқада совқотиб юрибман, – деди дастурхонини йиғиштираётган қизи. “Шу арзимни неча айтдим ўзи” дегандай ийманиб, ерга қаради. – Олиб бера оласизми, оға?

– Оға, менинг этигим йўқ, ҳалиям ёзги туфлида юрибман, – деди қаёқдандир етиб келган кичкинтойи йиғламсираб.

– Айтгандай, сен кассага бориб, маҳаллақўмнинг ёрдам пулини олмадингми? – деди Сатмурод хотинига ялт этиб қараб.

¹ Оға – ота маъносида

– Олдим. Рўзғорда ҳеч нарса қолмаган, чой, тузгача туганган эди, оғаси, шуларга харж қилдим, – хотини айб иш қилган одамдай ерга қаради. – Эртага нариги кўчадаги ўртоғингиз Маден келин туширяпти, шанбада овулдаги қариндошимиз Курбонниёз ўғлини уйлаяпти... Оғаси, уларга ҳам куруккўл боролмаймиз...

– Тўйга товукларнинг бир-икковини сотиб, тухумларини пуллаб, ўзинг бориб қайтасан. Биласан-ку, менинг тўйга унчалик хушим йўк... Қўранинг ичи иссиқ, шекилли, макиёнлар тухумлаб юришгандир ахир?! – деди Сатмурад кизишиб.

– Тухумлаб юрибди, бироқ ҳар куни пишириб, дастурхонга чиқараяпман-ку, оғаси, бола-чаканинг оғзидан ортарми-кан? – инкиллади хотини.

– Уч-тўрт кун тухум емасдан турармиз. Тўйларингни эплаб ўтказиб ол, – деди-ю, бошини чангаллаганича ҳовлига чиқиб кетди. Қон босими хуруж қилиб қолди.

Ташқарига чиқди-ю, кўз кургур бир нуктада турадим, уйнинг икки тарафидаги икки қўшнисининг саройдай-саройдай ҳовлиларига тикилиб-тикилиб қаради. Хаёлга сиғмайдиган даражада ҳашаматли, ваҳимали ҳовлилар орасида ўзининг уйи товукнинг катагидай кичкиналигини кўриб, юраги қақшади. “Бу икковининг ўртасида кўзга ботган ярадай ярашмай турар экан, аввалроқ сотиб юборганимда яхши бўларди-я”, кўнглидан ўтказди у. Ростдан ҳам, мана шу қўшнилари бундан беш-олти йил аввал бир-бири билан уришиб-жанжаллашиб қолган, “мен оламан-а, йўк, мен оламан” лаб кўчага чиқишган, сўнг икковиям Сатмураднинг уйига калондимоғлик билан кириб келишган эди. “Менга сотасан-а уйингни!” деб, бир-бирига сўз бермай, анча талашишди.

– Нима гап ўзи? – деганди ўшанда Сатмурад.

– Уйингни сотмоқчи экансан-ку, менга сотиб кўяқол! Ўзим оламан! – деган биринчи қўшни.

– Қайси уйни айтаяпсан?

– Мана шу уйингни-да, сотадиган бўлсанг менга сот, икки хисса кўп пул бераман! – чиранган иккинчи қўшни.

– Менга сотсанг, уч баробарига оламан! Ҳовлимни кенгайтиришим керак. Бўлмаса сенинг манави кулбангга кўзим учиб тургани йўк. Менга сотсанг, текислатиб, ҳовлимга кўшиб юбораман...

Ўшанда ҳам Сатмуроднинг боши оғриб, йикилиб тушишига бир баҳя колган эди. “Нега мен беҳабарман-у, сизлар менинг уйимни талашиб юрибсизлар! Мен сизларга уй сотаман дедимми?” деб кўшниларига бакирмоқчи бўлган, бироқ уларнинг ҳайбатларидан кўрққан. Қасдлашиб юришмасин, буларнинг қўлидан ҳар бало келади деган.

– Уйимни сотмоқчи эмасман. Туғилиб-ўсган жойим, ахир! Мени кечирасизлар, – деб кутулган. Пул ҳавоси одамни бир гангитса қанақа бўлишини кўшнилари тимсолида кўриб, тавбалар қилган эди ўшанда Сатмурод.

“Болаларимни ўқитаяпман. Худо хоҳласа, беш-олти йил ичида улғайишиб, ишли бўлиб, кўп пул топиб, хўжалигимиз ҳам оёкка туриб колар...” – деб ўзини юпатганлари ҳозир яна эсига тушди. Ҳаммамиз ҳам шундай деймиз-у, бироқ ҳозир, аини шу лаҳзаларда Сатмуродга (ўзига эмас, болаларига!) фалон-фалондан пул керак эди. Ўқиш учун тўлов пули, йўл ҳақи учун пул, пальто, этик учун пул, озик-овқат учун пул керак. Ҳар гал ёмғир ёқканда уйнинг шифтидан чакки ўтади, кор суви ўтади – демак, таъмирлаш учун пул керак. Шифер қоқтираман деса, эҳ-ҳе, неча сўм кетади? Шуларнинг барига пул керак, пул, пул, пул... “Эски этигимни яматиб кийишга ҳам рози эдим, бироқ шунинг ўзигаям пул керак. Бунча пулни қаердан топаман? Ким беради?! Ҳай, Оллоҳ-худойим, Ўзинг ёрлақа! Қатордан кам қилма!”

Кузнинг кечки изғирин таъсир этдими, Сатмурод юрагининг зиркираганини сизди, тавба, худди нимадир бўладигандай. Нимаям бўлсин, ахир...

Шу пайт кўчадан ғизиллаб ўтаётган бир машина ғийкиллаб тормоз босиб келиб, нақ Сатмуроднинг паҳса девори тагида тўхтади. Машина эшигининг қарсиллаб очилгани, ҳайдовчи йигитнинг машина тепасига сакраб чиқиб, кўча томондан

Сатмуроднинг ҳовлисига аланг-жаланг қараётгани кўринди. Кейин йигит Сатмуродга кўзи тушди-ю, қўлидаги каттагина қопчани ҳовли ичига отиб юборди. Воқеа шу қадар тезлик билан рўй бердики, нима бўлганини Сатмурод англаёлмай ҳам қолди. Қопча учиб келиб, аввал Сатмуроднинг бошига тегди, кейин оёқлари остига гурсиллаб тушди. Нотаниш йигитнинг овози эшитилди.

– Шошиб турибман! Изимдан қувиб келишяпти, оға! Пулни тез яшир, бу сенга омонат! Бир-икки кундан кейин келман. Келмасам, ишлатаверинглар.

Машина катта тезлик билан йўлга тушди. Шунинг орасида қувишиб-ҳайдашиб келаётган икки-уч машина ҳам кўчанинг бурилиш жойида бир секинлаб, кейин зўриққан овозда чувиллаб ўтиб кетди.

Сатмурод нималар юз берганини англаб етмаса ҳам, оёғи остига тушган қопчанинг ичи тўла пул эканлигини сизди. “Тавба, худди эртақдагидай бўлди-ку!” деб анчагача анграйиб турди-да, қопчани қўлига олиб, уйга кириб кетди.

Неча чақиримдан югуриб келгандай, ҳарсиллаганича тўрдаги хонага ўзини урди. Қопча оғзидаги ипни бўшатиб, ичидагиларни ерга тўкиб ташлади. Бари – бели букилмаган банкнотлар. Санаб охирига етолмайсан. Жуда кўп!

“Чин кўнгилдан йиғласа сўқир кўздан ёш келар”, деганлари рост келдими ёки Сатмурод оккўкрак-поккўкрак бўлиб кўкка ёлворганининг натижасими, бунисини бир Яратганнинг ўзи билади, лекин воқеанинг бўлиб ўтгани аниқ эди. Ишонмай деса, мана даста-даста саноксиз пуллар сочилиб ётибди. Ишонай деса... Тавба-е тавба! Сатмурод ҳам, хотини ҳам туш эмасмикан, дегандай ёнбошларини чимчилаб-чимчилаб кўришди, кафтларини тишлаб кўришди. Охири, шуларнинг бари рост эканига ишонишди. Ва...

Оиланинг биринчи навбатдаги эҳтиёжларига, институтнинг тўлов пулига, янги пальто ва этикка, ўзининг йиртик этигини тиктиришга, тўёнага деб, осмондан тушган пулдан қарзга деб олиб, ишлатишди. Қолган пулга тегишмади. Пул жуда кўп эди, тугайдиган эмас, шунда ҳам Сатмурод нафсига хай бериб, сабр қилди.



Орадан кунлар ўтаверди. Қопчани ташлаб кетган йигит қорасини кўрсатмади. Ё бировни юбормади. Ўн кун, йигирма кун, бир ой... икки ой... ўн ой, бир йил ўтиб кетди. Йигитдан хабар бўлмади. Сувга чўкдими, кумга ботдими, гум бўлди.

“Тирик бўлганида, шунча пулни излаб-суриштириб бир келарди. Ўша куни машинада қочаман деб офатга учраб, қайтиш қилдимикан? Бироқ қазо топган бўлса ҳам шунчалик кўп пулни сўраб-суриштириб кимдир, қачондир шу кўчадан ўтиши керак эди, ахир. Сўроқсиз, хабар-ўчарсиз ирғиб туша-верадиغان пул – қанақа пул экан у? Балки, ким билади дейсиз, ўша йигит тирикдир? Яна бир йил кутайин-чи, шунгачаям келмаса, илож йўқ, ҳукуматга топшириб юбораман-да”, деган фикрга келди у.

Номаълум йигитнинг ким эканлигини Сатмурад жуда билгиси келди. Ўғримми, каззобми, йўлтўсарми, порахўрми? Балки уйини ёки машинасини сотиб, каттакон пулга эга бўлган-у, бироқ ўша лахзанинг ўзида қароқчиларга учраган бир пешонаси шўр одамдир, ким билсин?!

“Қаёқдан тўпланган пул бўлса ҳам, бироқ шу пуллар мен учун ҳалол эканлиги аниқ, сабаби, менинг олдимга бу пуллар ўз оёғи билан келиб тушди...”

Хотини билан неча маротаба машварат курди. Охири бир қарорга келдилар: йигит келиб, бу пулнинг қандай пул эканлигини айтмагунча, ҳазина топиб олганлари ҳақида ҳеч кимга чурк этиб оғиз очмаслик керак. Яқин кунлар ичида қурилиш фирмаси ташкил қилиб, Сатмурад оилавий тадбиркорликни йўлга қўяди, манави пулларни шунга қўшади – айлантиради, ўргилтиради, топган фойдаси билан қопчадаги пулни тиклайди, агар фойда ошиб кетаверса, ана ўша фойданигина харж қилади.

У ана шундай “тактика” билан режа тузиб, қопдаги пулдан яна “қарз”га деб пул олди. Шундай қилиб, белига қувват эниб, “бисмиллох” деб енгни шимариб ишга киришди.

Сатмурад чаккон, саводли, ишнинг кўзини биладиган тадбиркор чиқиб қолди. Бунинг устига, меҳнаткашлиги ҳам қўл

келиб, сал кун ичида ишлари юришиб, чўнтақларига пул кира бошлади. Ҳозир ким кўп – уй кураман, ҳовли тиклайман, офис безатаман деб яхши уста излаб юрганлар кўп. Сатмурод мана шундай курилиш-безакловчи фирма очиб, ёш-ёш, қобилятли йигитлардан гуруҳлар тузиб, уларни иш билан таъминлашни йўлга қўйди. Пул оқиб кела бошлади. Уч-тўрт йилнинг ичида каталакдайгина уйининг ўрнида замонавий кўринишда тикланган, қўшниларианикидан ҳам ҳашаматли қилиб ҳовли кўтарди. Кейин антиқа бир иш килди: пулт билан очилиб-ёпиладиган каттакон дарвозасининг устига йиртиқ этигини осиб қўйди, қизиғи, бу этикнинг бир пойи кўча томонда бўлса, иккинчиси уй тарафда эди. Албатта, чиройли қилиб тикланган евроманзарали уйнинг бежирим дарвозасига қаққайган бир пой этик ярашибгина тургани йўқ. Уйни томоша қилгани келганлар, қўшнилари, қариндош-уруғлар қулишиб, “Сатмурод оға, манови этигингни олиб ташласанг-чи, сира ярашма-япти” деса, Сатмурод ҳам дарров жавоб қилади:

– Э, тураверсин. Ҳеч бўлмаса, мен тирик вақтимда кўзим тушиб тургани маъкул. Сўнг, майли, ўзлари билади. “Аёзхон, ҳолингни бил, қумурсқа, йўлингни бил” деган гап бор-ку, ахир. Эрталаб ўғилларим, келинларим, кизларим машинада ишларига кетаётиб, албатта, этикка кўзи тушади. Шунда менинг рўзғор тебратаман деб қандай аҳволларга тушганимни ҳам эсларига олар, ахир. Одамзод қизик, йигитлар-ов, одамзод қизик, чўнтаги сал қаппайиб, пули кўпая бошласа, кечаги кунини унутади, қўшнилари олдидан кеккайиб ўтадиган бўлиб қолади. Шундай пайтда дарвоза олдида осилиб турган этикка кўзи тушса, кўнглига шайтон солган ҳовур босилиб, кечмиш кунларини эслайди. Кўзини босаётган ёғни артиб олади...

Бу этикнинг овозасини эшитган одамлар қизиқсиниб, Сатмуроднинг кўчасидан машинасини ҳайдаб ўтадиган бўлишди. Баъзилар кула-кула бош чайқаб кетса, баъзилар машинадан тушиб, ўйлашиб ҳам қолишади. Сатмуроднинг эски этигини кўриб, тавба қилгандай, ғалати бир тусда машиналарини секин ҳайдаб кетишади. Ишқилиб, этикка кўзи тушганларнинг

ҳеч бири аввалгидай манмансираб, босар-тусарини билмай қолаётгани йўқ. “Мендан ўтадиган бой борми?!” деганлар этикни кўргач, сал дами босилиб, ўзларига келиб олишяпти.

Қайсидир йили ноябрнинг изғиринли кунларидан бирида Сатмуроднинг дарвозасидаги кўнғирок жиринглади. Сатмурод бир қарашданоқ келган меҳмонни таниди.

– Уйга кир, иним! – деди у салом-алиқдан сўнг. Чой ичгач, Сатмурод гавдали йигитнинг олдига икки қопчада пул кўйди.

– Менинг пулларим бир қопчада эди-ку, оға! – деди йигит.

– Иним-ай, “Қозонинг қозон туғди”, деган гап бор-ку, ахир. Сенинг пулларинг ҳам пул туғди, олавер, бу пуллар ҳаммаси сеники!

*Қорақалтоқчадан
Музаффар Аҳмад таржимаси*



Собир ЎНАР

(1964 йилда туғилган)

БЕГОНА МЕҲМОН

Бу бир ривоят. Лекин ўзим унга ишондим. Тўқиган жойларим ҳам бор, тўқимаганларим ҳам. Лекин ғалати. Сабаби...

Матлаб аслида шу Оқморални деб дунёга келган экан. Саксонга кириб умрининг боши-кетини ўйласа шундай бўлиб чиқди. Шунча йил-а, шунча узун умр-а, сарсон-саргардонликка эврилган қисмат, ана, боринг, пешона-я. Оқморални деб яшаган йиллари асли уни қиздан юзлаб чақирим нари, худди куюндаги хашакдай бегона манзилларга улоқтириб ташлай-верибди. Қариди, чуриди, энди манглайига тарсиллатиб шап-пати урди.

Ҳали ҳам Талас тоғларида таёғини, чориғини судраб юрар эди. Кўра-кўтону тоғ-адирларда бу атрофларнинг эгаси бўлган янги бой – Замонбойнинг хизматини қиларди. Бир тўп отлик қуролланган йигитлар куппа-кундузи келиб кўраю капасини шип-шийдам қилишди. Ўрисча-қирғизча курама тилда бақира-бақира шу ерда чол билан бирга молбоқарлик қилиб юрган Қоракулни, хотини ва икки гўдак боласиниям отиб ташлашди. Уларга ташланаётган учта бўрибосарниям автоматдан тариллатиб ўт очиб ер тишлатишди. Сўнг бири Матлаб чолга юзланиб

Замонбой энди йўклиги, манави давонгирлар аллақачон уни нариги дунёга равона қилишганини бемалол, дона-дона қилиб тушунтирди, сўнг бойнинг йилки уюри, подаси, қўй отарлари қаердалигини суриштирди. Буткул химоясиз қолган чол сойлар, адирларнинг номини айтиб, моллар ўтлаётган манзилларни айтди. Ҳалиги отлиқ қошларини чимириб турди-да, чолнинг юзига зарб билан қамчи қўйди. Тирқираган қон кўзларига тушди, “воҳ, падарингга лаънат” дея қўллари билан юзини тўсгунча бўлмай қўлидан судраганча қўра ёнидаги яккамихда бойланган байтал ёнига опкелиб, ўша моллар юрган жойни бизга кўрсатасан, дея буйруқ қилди. Чол юзидан тушаётган коп-қора қонни артиб улгурмай, байтални эгарлаш асносида имиллаётгани сабаб бўксасидан тагин бир қамчи еди. Беихтиёр йигитни бўралатиб сўкиб юборди. Ёноқлари пир-пир учди. Аммо негадир босмачи йигит бу сафар пўписа қилмади. Чама-си, бу қари инсон ҳали-ҳануз унга кераклигини эслаб қолди.

– Кўзинг-бетинга қарағанда сарт чиғарсан? – деди ажабланганнамо.

Чол иягигача келиб бармоқ энлигида сумалакдай бўлиб турган қонни ижирғаниб жабдуққа артаркан, сен тўнғиз қўп-гурга бунинг нима қизиғи бор, ўлдириш ниятинг бор экан, шу ерда бир ўқ билан тинчитиб қўяқолмайсанми, демокчи бўлди. Ияги, лаблари титради-ю, ҳеч нарса демади. Балки омонликдан умид қилгандир. Эгарга ўтирар-ўтирмас йигит байталнинг сағрисига аччиқ қамчи босди. Отини пишқиртирган қўйи унинг ортидан йўртди.

Хуллас, ожиз-нотавон чол минг қўйли бойнинг қўй-эчки, қорамолу уюр-уюр йилқиларини отлиқларнинг олдига солиб хайдатиб юборди. Эвазига тагин икки қамчи еди, ноинсофлар унинг остидаги байтални ҳам олдиларига солганча адирлар қўйисигача бўкирган қўйи от қўйдилар.

Чол энди тақдир битиги бир ерга келганига, балки сўнгги кун яшаётганига тамом иқроп бўлди. Худо ўлдирмаса одам не машаққатларни орқалаб, бошдан ўтказиб юравераркан. Ана қисмат: қаерда туғилдинг, қаерда яшадинг, қаерда ўлмоқ-

дасан? Хўп, ўзи нима учун яшадинг? Тўғрироғи, яшаган эдинг?

Кўз олдида ўзи туғилиб ўсган Хартанг қишлоғи жонланди. Отасининг эл катори бир қаричгина ери бор эди, лекин қўли гул эди, шекилли, олам-жаҳон узум етиштирарди. Ота-ўғил эшакаравада Самарқанд бозорига элтиб, қайтарда қандноввот, ўзларига, ука ва сингилларига, онасига ҳам кийим, рўмоллар харид килиб қайтишарди. Отаси унинг замонга мос бўлиб ўсишини, келажакда катта одам бўлишини астойдил хоҳларди. Шундай бўлаётганди ҳам. Самарқанддаги ягона очилган университетга кирди. Не балолоғи бўлдимки, йигит узок юрт – Жамбулдан келган Окморал деган кизга ошиқ бўлди-қолди. Бора-бора киз ҳам унга кўнгил қўйди. Лекин на йигитнинг, на қизнинг ота-онаси уларнинг турмуш қуришига рози эди. Ораларини суриштириб қарашса, нақ беш юз чақирим келади. Тавбангдан кетай, ўзбекман деганнинг ҳам не ерларга уруғи сочилган-а! Жамбуллик соф ўзбек, қуралай кўз Окморал! Хуллас, икки томоннинг ҳам ота-онаси норози, йигит-қиз ўқиш тугагач, ўз уйлари – ўлан тўшакларига қайтишди. Ўша маҳаллар қишлоқларда ўқитувчи кам, Матлаб ҳадемай ҳашар билан қурилган қишлоқ мактабига директор бўлди. Аммо қизни унутолмади. Китоблардаги сингари кечакундуз оқ чекди. Хатлар ёзди, хатлар олди. Окморал! Маъноси козоқчадан ўзбекчага ўтирилса – оқ оҳу эмиш. Оқ оҳу! Қизнинг отаси бир қалин козоқ ошнасининг таклифи билан шу исмни танлаган экан. Не бўлғай, ўша козоқ ошна Окморал гўдаклигида ўғлига бешиккертди ҳам килиб қўйибди. Окморалнинг ёзишича, уларда удумни қаттиқ ушлар эмишлар. Удум шариятдан ҳам устун эмиш.

Матлаб бу сўзларни ўқиб нақ олов каби ёниб кетарди. Оқ юзли сулув – оқ оҳуни жизғанақ бўлиб бировлардан, номаълум йигитлардан рашк қиларди. Бу дард шу қадар кучли эдики, охир-оқибат қасалманд аҳволга келди. Тунлари деярли бўзлаб чиқадиган бўлди. Отаси буни сезиб, тезроқ бошини боғлиқ қилиб қўйиш тадоригига тушди. Кўп ўтмай отаси ўз

тоғасининг қизига уйлантириб ҳам қўйди. Бир ой яшашди. Йигитнинг жони ҳамон Оқморалнинг кўйида ўртанар эди. Ахийри кунларнинг бирида ҳе йўқ, бе йўқ, Самарканд вокзалига бориб қайдасан Жамбул дея жўнади-кетди.

Топди. Оқморалини топди. Гапнинг қисқаси, йигит ҳам шу ерда ўқитувчилик қила бошлади. Шу юртнинг эгасиман деганлар ҳам аллақачон қизга совчи қўя бошлаган эдилар. Колхоз раиси урушга бориб келган ўғлига сўраттирган, йигит яримжон бўлиб келган, сўнг пешонадан кўриб ортиқ безовта қилмай қўяди. Бешиккертди бўлган йигит ана-мана тўй қиламан деб тайёрланиб юрган кезде хирмонда ярим қоп ғалла билан қўлга тушиб қамалиб кетади. Такдирнинг қулганини кўрингки, Матлаб камтарона тўй қилиб Оқморалига эришади. Ўзининг қайнотасиникида ичкуёв бўлиб яшай бошлайди. Аммо бахтли эди. Ғоят бахтли эди! Ҳатто ортда қолган ота-она, рўзғор, хотини ҳам эсидан чиқиб кетди.

Қишлоқ аҳли бир бегона жойдан келиб элнинг энг сулув қизига уйланиб олганини тумшукларининг тагидаги хазинани ўмаргандай қабул қилди. Урушдан кейинги сиёсий айбловлар авжга чиққанда Матлабнинг устидан ҳам чакувлар бошланади. Мактабда ишлаб юрган оддий ўқитувчини қарийб ватан хоини сифатида қамокқа оладилар. Матлаб Сибирга сургун бўлиб кетади.

Оқморалнинг ота-онаси, куёвдан умидини узадилар. Чунки Сибирга сургун бўлганлар деярли қайтмас эдилар. Умрбод сургун қилишдими: ё оч-наҳорликдан, ё касалликдан ўлиб кетаверади.

Оқморалнинг Матлабдан қолган гумонаси бор эди. “Халқ душманининг боласи” деган тамғадан кўрқиб отаси Жамбул касалхонасига бориб болани олдириб ташлайди. Кунларнинг бирида бешиккертди қилинган йигит қамокдан қайтади. Ота-оналар маслаҳатни бир жойга қўйиб ёшларнинг бошини қовуштирадилар. Беш йил, ўн йил ўтади ҳамки, улардан фарзанд бўлмайди. Йигитнинг ундови, ота-она истаги билан Оқморал эрининг бошқа турмуш қуришига розилик беради, аммо ўзи ҳам шу эшикда сиғинди бўлиб юраверади.

Тақдирнинг ҳукмига қаранг: Мағлаб орадан йигирма икки йил ўтиб, яна денг, соғ-саломат тўрт мучали бут – Окморалнинг эшигини қоқиб келади. Аҳволни билгач, оҳ уриб Мажнун каби саҳроларда дарбадар бўлиб юради, тоғ-тошлар, адирларга боради. Чўпонларга ёрдамчи тушади. Шу ерда қолиб кетади. Қарийди. Ўзини қисмат ҳукмига ҳавола қилади.

Охирини, мана, кўриб турибсиз...

Аммо буям кам эмас экан. Ҳали охири эмас экан...

* * *

Чол яраларининг, суякларининг оғриғидан қийналиб бир неча одим ташларкан, қўл билан текислангандек теп-текис катта тошни кўрди. Бориб оёқ илди. Дам олиб, сўнгра сойдаги зилол булоқ сувидан юз-кўзларини чайиб, қон теккан кийимини ҳам ювиб олишни ният қилиб кўйди. Тақдир энди тагин ҳукм ўқталаётганини ичидан ҳис қилди. Бир зум ўзига ачиниб хўрлиги келди.

Ахир, энди ёруғ дунёда ҳеч бир суянчи, таянчи қолмабди. Шериги – чўпон болани ҳам итдай отиб ташлашди. Хотини, икки боласини ҳам. Хўш, бу бечораларда нима гуноҳ эди? Ўлдирмай ҳам шунча молни ҳайдаб кетаверишса бўларди-ку. Кимнинг кучи етарди у аблаҳларга. Ё тавба, ё қудратингдан, ким булар, нега кўзларига бунча қон тўлган? Алҳазар, ё алҳазар!

Кўзларини йириб очаркан, ён томонидаги Чотқолнинг худди зиналардай қат-қат кўтарилиб кетганини биринчи бор кўрди. Чўкқилари оппоқ қор билан ўралган. Айтишлари-ча, тоғ устида каттакон бир муз қоплаган қўл ҳам бор эмиш. Қўлнинг устига тинимсиз қор ёғармиш, қўл остидан сизган сув тоғ ёнбағирларидан булоқ бўлиб отилиб чиқармиш.

Мендай муз қотган шўрликнинг кўз ёшлари улар...

Чолнинг кўзига қор ҳар қачонгидан ҳам кўра оқариброк, ҳатто ялтираб тургандек кўринди. Бир пайтлар эшитган эди: ўша тоғларда оқ барслар яшармиш. Ҳа, оқ барслар. Паст адирларга улар йўламайди, шекилли. Айтишлари-ча, оқ барслар

фақат шу ерда бўлармиш. Оппок барслар. Улар ўша ёқларда кун кўрувчи ўзларига ўхшаш оқ кийикларни еб озиқланармиш.

Оқ моралларни...

Оқморал!..

Кимларга ем бўлди, озиқ бўлди у оху!

Умр эса ўтди-кетди. Мендан не қолди?

Хартанг... Жуда олис, жудаям олисда қолди... Ота-она тупроқ бўлиб кетган чиқар. Ука-сингиллар-чи?

Нимага сарфланди бу умр?

Бармоқлари билан тошни пийпаркан, миясига учкундек бир хотира урилди.

...Икки оқсоқол ҳамроҳлигида бир азиз меҳмон ташриф буюрган эди. Бир кун бурун Замонбойнинг ўзи келиб қўй сўйдириб, от гўштидан қази-қарта ҳам тайёрлатиб кетган эди. Сўнгра эртаси куни ўтов атрофини шериклари билан тозалаб яйдоқ жойга кигиз тўшаб меҳмон кутганди. Бир меҳмон келди: оқ костюм-шимда, оқ кўйлак, оқ туфлида, ёши ўтинқираган бўлса-да, қуюқ сочларини орқага тараган, байбай, юзидан нур томади, нур-ку майли, маъно, донолик ёғади. Кигизга ўтириб бошига қирғизи қалпоқ илди. Суратчи уни, шерикларини суратга олди.

Таомдан кўп тановул қилмас экан. Энди соғилган сутдан сипқоришни яхши кўраркан. Сўнгра қимиз, қимронни. Оқсоқоллардан овул-уруғларни суриштирарди. Бир чол оқин дўмбира олиб “Манас”дан айтди. Сел бўлиб эшитди. Пиёда келиб худди шу тошда ўтиришди. Матлаб чолдан бу адиру сойларнинг номини сўради. Уруғ-авлодини ҳам сўраб қолди. Қисқа айтган эди, “бу қизик” деди. Бир келганда алоҳида “сўйлаб бериш”ини тайинлади. Матлаб чол мўмингина бўлиб қўл қовуштириб турди. “Оқ барисни кўрганинг барма?” деб сўраб қолди. Йўқ жавобини олгач, шу ерда шунча йил яшасанг ҳам кўрмайсанми, дегандек иддао қилди.

Бунга ўн йил бўлди.

Кейин билса... Ҳа, кейин билса, у одам унча-мунча эмас, хув пастдаги овулда болалиги ўтган, дунёнинг энг зўр ёзувчи-

си нақ Чингиз Айтматовнинг ўзгинаси экан. Ҳа, Чингиз Айтматов!..

Ундан бери замон ўзгарди. Дунё ҳам ўзгарди. Айтматов ҳам йўқ. Ҳа, уни шу атрофдаги ўзининг овулига дафн қилдик дейишувди. Замонбой айтувди бу гапни. Матлаб чол билан суҳбати қиёматга қолди. Бу дунёда қайта кўришув насиб қилмапти.

Ўшанда Матлаб бобо “нима учун бир оғиз айтмадинглар, мен унинг қиссаларини, “Қиёмат” романини ёддан биламан-ку, икки оғиз тузук-қурук гаплаштирамайсизлар ҳам, бир катта бой деб ўйлабман, аттанг-а!” деб ўртаниб оху зор қилганди. Айтматов қариган чоғида сўнгги романи – “Қулаётган тоғ”ни ёзди. Ўшанда у мана шу тоғ, мана шу тоғ бағридаги оқ барслар, мана шу котил тўдаларнинг разилликларини, охир-оқибат ўз қавмининг не аҳволга келиб қилаётган қилмишларини каламга олган экан-да...

Ҳай, гўринг нурга тўлгур, Чингиз дўстим-а!..

Ўшанда ҳей, ўзбек чол, бу ерларда нима қилиб юрибсан, деб сўрадинг, сўрашга сўраб дарду дийдиёмни эшитмадинг-ку. Тинглаганингда, билганингда бирор асарингга киритиб мен ғариб чолни ҳам китобларинг каби дунёга дoston қилган бўлармидинг?..

Энди бўлса, на Оқморал, на Чингиз, на Замонбой бор дунёда...

Дунё хувиллаб қолди.

* * *

Чол аввалига шу ўрганган жойини макон тутмоқчи бўлди. Бироқ кимсасиз гўша уни ютиб юбораман дерди. Замонбойнинг чиндан ҳам куни битган кўринади – биров-ярим бу атрофдан на уни, на бошқани йўқлаб ҳам ўтмади.

Матлаб чол ноилож тугун кўтариб йўлга тушди. Жамбулга бора-бора чегарада тўхталиб қолди. Ёнида бошпурти бўлмаганидан ҳарбийлар орқага қайтариб юбориш пайдан бўлишди. Бақиритиб қолиб уларнинг каттаси бир кеча қамаб

хам кўйди. Эртаси куни бир майор киши қари одамни нима қиласизлар қийнаб, деб қўйиб юборди. Шунгача чолнинг ғазаби кўзгаб ичкаридан буларни бўралатиб сўка бошлаган эди. Чикқандан кейин ҳам кечаги катта ҳарбийга: “Қараб тур, бола, шу қилганингга мен анави сув омборининг дамбасини портлатиб юбораман, ҳаммани сувда чўктириб юбораман!” деди ўдағайлаб.

– Қўйиб юбор уни, – деди майор. – Қария билан тенг бўласанми? Шу ҳолига, майли, дамбани портлатиб юборақолсин. – Шундай дея у ҳиринглаб кулиб чолга “хайр” дегандек кўлини силкиб қўйди.

Кейинги чегарада у тагин тўсикқа дуч келди. Фигони фалакка чиқиб “Ҳаммангни портлатиб юбораман!” деб бақирди. Яна тутилди. Лекин ҳамма чолнинг бу иш кўлидан келмаслигини билиб турарди.

– Ненг бар? – деб сўради ҳарбий йигит.

– Ақчам жўк.

– Портлатўдиған ненг бар дебатирман!

– Ўзим билемин.

– Бул жерде оғайин-тувисинг барма, ким деганди қидирибатирсан?

Матлаб бобо таниган-билганларини бирин-кетин эслади, айтди. Баъзиларини чегарачилар биладиган чиқди. Афтидан, чол нукул мархумларни таниркан. Охири тоқати тоқ бўлиб “Оқморалникига бораман!” деди.

– Биз эркекпен сўйлашамис, қотин қолқини билмеймис. Ўт, ўтабер, – дея чолнинг елкасидан суриб нарироққа итариб юборди.

Шаҳар шу даражада ўзгариб кетибдики, у билган биноларнинг ҳеч қайсисини топа олмади. Тентирай-тентирай бир замонлар ферма омбори мудири бўлиб ишлайдиган ошнаси Матёқубнинг уйини излаб топди. Ошнаси қариб букилган, лекин гап-сўзи тетик эди. Оҳ уриб, оҳдан сўнг бироз лоф уриб тонготар гурунг қилишди. Кун келиб, ўлар вақтида суягим бегона юртда чирийдиган бўлди-да, деб ҳасрат қилди.

Ошнаси, энди сенга борар юрт йўк чиқар, колган умрингни меникида ўтказ, невараларим сениям, мениям тепиб-тепкилаб кўмишади, деди. Айтишларича, укасининг кўлида қолган Окморал узоқ йиллар мактабга директорлик қилиб, кейин қариялик нафақасига чиқибди. Қаригани ҳам билинмайдиган сулув кампир бўлиб қолибди.

Бу орада маҳалла-қўйда Талас тоғидан ошиб келган бир девона чол сув омборини портлатаман дебди, мелиса қамаб, сўнг чиқариб юборибди, у Окморал деган аёлни сўраб юрганмиш, деган гап чиқди. Сув омборини бир ёқлик қилишга-ку кучи етмас, аммо сулув кампир бу чолга ким бўларкин – шуниси қизик эди.

Шу зайл кунлар ўтди. Чолнинг кўнглида Окморални излаб топсам, ўтган-кетганига ҳай бериб обдон суҳбат курсам деган орзу-истак ҳам пайдо бўлди. Матёқуб ошнасини қаватига олади, ҳеч бўлмаганда қариб-чуриганда бир дийдорлашай девдим, дея, эшик қоқиб бораверади, бошқа нима ҳам дерди.

Кунларнинг бирида қутилмаган шов-шув гап чиқди. Тепадаги сув омборининг суви тошибди. Жамбул сув остида қолаётганмиш дейишарди одамлар. Матлаб чолнинг дами ичига тушиб кетди.

Ростдан ҳам сув омборининг дамбаси очилиб кетган бўлса-я деб ўтақаси ёрилгудай бўлди. Халқда гап ётармиди: яқингинада бир девона чол чегарачиларга сувингни тошираман, дамбани портлатиб шаҳарингни сувга бўқтираман, деб дўқ қилган экан, шу чол айтганини қилганга ўхшайди, энди ўлдик, тоққа қочмасак қутулолмайдиганга ўхшаймиз.

Сув омборининг шаҳар томонга қуйилиб эниш қисмида ҳақиқатан ҳам икки ён маҳаллага сув тошиб чиққан, полиз, чорбоғлар сув остида қолиб, пахса деворларни захлатиб ичкарига ҳам сув уриб кира бошлаган, одамлар жон ҳалпида кўлига илинган нарсани олиб, тепаларга қоча бошлаган, шошганларидан ким пиёда, ким улов, ким машинада ҳар ёнга тиркирар эдилар. Бу сулув кампир яшайдиган маҳалла эди. Қуёш уфққа чекина бошлаган эди, ким подасини қирга хайдаган, ким қоплаб олган бўҳчасини орқалаганча сув кечиб



тепага ўрлаган, кимлардир бола-чақасини опичлаб, етаклаб, қий-чув қилиб дўнгликка, хув ўша Талас тоғларига томон чопиб борар, саросимага тушган аҳоли жон халпида омон қолишга тиришар эди. Уфк қуёшида қизариб, пичагина ёришиб турган тоғ одамларнинг ваҳимали товушларига тўлиб кетган, бу бандаи ожизларнинг ўзлари эса мисоли бир тийиксиз, туткич бермас каттакон мол подасига айланган эди...

Шу куни Окморал кампир яшайдиган тепа маҳаллада рўй берган эди воқеа. Укаси аввал томорқасига сув тараб, ариқ бошидан хабар олиб келиб бамайлихотир сўрига келиб ёнбошлаган, чой дамлатиб опаси ва кампири билан ул-булдан икки оғиз хангома қилишга тушган эди. Бир вақт кампири тараган сувнинг ховлига тошиб кетди-ку, деб бақириб қолди. Шоша-пиша ўрнидан туриб шиппагини оёққа илай деса, сув ана-мана пой-абзалини ховли четидаги оғилхона томонга тез оқизиб кетди. Бирдан кўркиб қолиб ариқ бошига югурди, аммо сувнинг бу қадар зудлик билан кўпайганини кўриб донг қотди. Ваҳимадан “Ўлдик, уйдан чик ҳамманг!” деб бақириб юборди.

Сув шу даражада тез кўпайиб борардики, одамлар миш-миш тарқалган дарвеш чолнинг кўпоровчи эканига чиппа-чин ишониб қолишди. Умумий дард инсонларни бирлаштиради, деган гап бор. Аммо фалокатнинг ҳаммаси ҳам уларни бирлаштирмаслиги, аксинча, кимларгадир ёв қилиб ҳам кўйиши мумкин экан. Мисол учун сулув кампир, яъни Окморал бугун шу уйдаги оила аъзолари ичида ягона тошқин қурбони бўладиган чиқди. Сабаби, у укасининг хотини, келини, ўғил-қиз ва неваралари сикқан “Волга” машинасига сиғмай қолиб кетди. У бошда жиянларининг “Амма, тезроқ чиқинг машинага!” деган даъвати билан “Волга”нинг олд ўриндиғига жойлашиб олган эди, кейин оила аъзолари кўп эмас, кам эмас, нақ ўн олти киши экани маълум бўлди.

Ўн олти киши-я! Шунча одам бир енгил машинага қандай сиғиши мумкин? Лекин дўппи тор келганда сиғиб ҳам кетаркан. Орқа юкхона эса шитоб билан ортилган кўрпа, бўҳча ва кийим, пойабзаллар билан аллақачон тўлиб бўлган эди.



Ана холос! Шу вақтда машинанинг эшиги беркилмай қолди-ку. Жигарлар бир-бирининг устига букланиб-сукилиб тирбанд бўлиб олган эдилар. Эшикни ука ташқаридан итариб зўриқиб ёпмоқчи бўлди, фойдаси бўлмади, одам хаддан ташқари кўп эди. Шунда эркакнинг калласи ишлаб қолди. Олд эшикни очиб опасига маъноли тикилди. Бирдан кўзларини пирпиратиб:

– Опа, – деди.

Кампир бир маънони сезиб қолди ва бўшашди.

Ука давом этди.

– Саксонга кирдингиз-а?..

– Мен ўлгур... Мен ўлгур... – кампир саросима ва хижолат хисси юзига уриб укасининг невараларини итариб-суриб машинадан тушди.

– Хафа бўлманг яна, ахир, сизнинг ёшингизга ким етди, ким етмади. Унинг устига... уйга қоровуллик қилиб турасиз. Айтиб бўладими... ким билсин, яна... Ўғри-пўғрилар ҳам йўқ эмас... Кечирасиз-да, аҳволни кўриб турибсиз-ку. Биздан норози бўлманг...

Кампир аҳволни олдинроқ тушунмагани учун ҳақиқатан афсус қилди.

– Мен меров, мен эсар... чироғим, айланай, жонимни ўйлаганимни қара. Миямни еб қўйибман-да... сен шошил, тезроқ ҳайда, бу туришда йўлларинг беркилиб қолади. Мендан рози бўлинглар... Қара, каллам ишламаганини. Эҳтиёт бўлиб ҳайда.

Ука машинага ўтириб моторни юргизди. Опаси у ўргатганидай эшикни орқасидан зарб билан ёпди.

Энди юрган ҳам эдики, қатта невараси қичқириб юборди:

– Вой, соткам...

– Бақирма-е, одамлар не аҳволда-ю...

– Йўқ, бўлмаса тушаман...

– Сотка керакми, жон керакми санга...

– Баҳромнинг совғаси эди... Майли, силар кетаверинглар...

Ука аччиқ билан тормозни қаттиб босиб шартта кабинани очди-да, қичқирди:

– Опа! Опа дейман! Гарангми... Опа-а!

Кампир энди айвон тепасидаги супага чиқаётган эди. Бироз гарангсиб туриб қолди. Укасининг товушини эшитиб ортига ўгирилди. Қўлини силкиди. Тезроқ жўнамай нима қилиб турибсизлар, демокчи эди.

– Майли, мен силардан розиман, – деди сўнг. Кейин: – Сувда чўккан шаҳид бўлармиш, ташвиш чекманглар, – деди-да, видолашаётган каби қўлини у ёқ-бу ёққа чайқади. Яна ортига ўгирилмокчи эди, укаси жонининг борича бўкирди:

– Сарвининг соткасини опчкинг деяпман! Эшитяпсизми, телевизорнинг устида, зарядда экан.

Кампир бу гапни эшитди, чоғи, уйга кириб кетди. Қайтиб чикиб аппаратни баланд кўтариб укасига кўрсатди. Сўнг яна супага қараб йўналди. Укасининг жон-пони чикиб кетди.

– Бу ёққа опкелинг!

Кампир гапга энди тушунди, чоғи, бу ёққа қараб юраверди. Укаси сабри чидамай тез-тез борди-да, опасининг қўлидан соткани юлиб олди.

– Вой-й, жигарим-а, мен бу сабилни оволинг, гаплашиб турамиз деб тушунибман-а, кечирасан-да, қаричилик...

Ука келгунча “Волга”нинг мотори ўчиб қолган, энди калитни қанча бураса ҳам машина ўт олай демасди.

– Опамизни норози қилдик-да, – деди хотини.

– Нима? – деб кичкирди унга чоли.

– Опам норози эмасмикан деб ўйлаяпман-да. Мана, техникангиз ҳам юрмай қолди-ку.

– Минғирлама-е. Ҳар нарсани гапиравермай тур, не ахволдамиз-у... бидирлайсан. Опам саксонга кирди, саксонга... Бўлмаса ўрнига сен қол. А, қол, туш машинадан!

– Дадажониси...

– Бўлмаса мен қолай, мана, ҳайда машинани.

– Дадажониси... Сизни деб...

– Бўлмаса минғирлама.

Аммо машина ҳамон жойидан қимирламасди.

– Опа! – деб тагин чақирди ука.

Опаси қараган эди, укаси кўл имлаб чақирди. Тез бўлинг дегандек кўлини зарб билан силкитди.

Опаси кавушини оёғига илмай шошиб кела бошлади. Лозим-кўйлаги тамом шалаббо бўлган эди. Сув тобора кўпайиб борарди.

– Укажон, мени кўй, мен энди бу дунёнинг одами эмасман. Розиман, – деди кўзлари мўлтираб.

– Э, мен буни айтаётганим йўқ. Машинанинг орқасидан туртиб юборинг, юрмаяпти.

– Ҳа-я, эсим курсин, кучим етармикин?

– Етади, етади, сал туртсангиз бўлди, нарёғи пастлик, юриб кетади.

Кампир машинанинг ортига ўтиб бор кучи билан итара бошлади. Ука ҳам кабинадан чап оёғини чиқариб тираганча чирана бошлаган эди, машина кўзғалиб юриб кетди. Сўнг пастликка йўналиб мотори ҳам ўт олди.

Неваралар чийчийлаб “Аммам қолиб кетди, аммам сувга чўкадимиз?” дейишарди.

Машина бироз пастликка қараб юрди-юрди-да, сўнг йўналишини ўзгартириб тепаликка қараб юрди. Текисликдаги асфальтдан тезлигини ошириб олди-да, қирга қараб кетган тош йўлдан ортига қум-шағалларни сачратганча ўрлаб жўнади. Шу зайл бора-бора кичрайиб кўздан йўқолди.

Сулув кампир ундан кўз узмай турди. Ғойиб бўлгач “хайрият” деб кўйди.

Энди унинг наздида тошқин тошаверса, ҳаммаёқни сув олиб кетса бўлаверарди. Чунки энди фалокатга, хатто ўлимга ҳам руҳан тайёр эди.

* * *

Намозшом тушганда Матлаб чол қий-чув қилиб саросимада тоққа ошиқаётган оломонга кўшилмай бир ўзи тентирарди. У айни тошқин бошланган тепа маҳаллага боришни ният



қилганди. Бу тошқин ҳали бошланиши экани, агар чиндан ҳам дамба ўпирилган бўлса ҳадемай қиёмат қойим бўлишини у дилидан ҳис этарди. Аммо дамба дегани шундок ташлаб, ҳимоясиз қолдириладиган жой эмас. Ҳамма жойда бўлгани сингари бу ерда ҳам у кўрикланса керак. Давлат учун стратегик аҳамият касб этадиган, аҳоли учун эса жон озиғи бўлмиш сув омборини эҳтиёт қилмаслик мумкин эмас. Зеро, ўша Жамбулга тушиб келаётган куни ҳам ҳарбийлар сув омборини портлатиб юбораман деганида мазах қилиб кулишган эди-ку.

Қаршисида ариқларни аллақачон тўлдириб четдаги йўлларнинг ҳам шағал тошларини шалдиратиб окизиб тушаётган сувнинг у қадар дами баланд эмаслигидан ваҳимага тушмай бораётган чолнинг кўнглида недир хотиржамлик бор эди. Ва не бир хаёлда, урушдан кейинги дастлабки йилларда қурилган мамлакат миқёсида улкан сув иншооти ҳисобланган сув омборининг шаҳарга қуйиладиган қисмида ўша кезларда бунёд этилган осмон бўйи чархпалакни кўзлаб борарди. Чархпалак тепадан бетон каналда шитоб билан оқиб тушувчи катта сув устига ўрнатилган бўлиб, унинг дошқозондай келувчи чўян идишлари бўлганидан шамол тегирмони сингари тез айлана олмас эди. Бироқ чархпалак айланиб тепага кўтарилавергач, бири чап, бири ўнг томондаги катта бетон ариқда сув қуювчи катта чўян қозондан тўкилаётган сув офтоб шуъласида ажиб жимирлаб ўзига хос кичик камалаклар ҳосил қилар, кўрган кўзни қувонтирарди. Шу атрофда бунёд қилинган истироҳат боғининг терак, арчаю чинорларига шамолда дув-дув учиб келувчи сув зарралари келиб урилар, дарахтнинг намикқан тоза япроқлари қуёш нурида ўзгача ялтирарди. Матлаб, ўша вақтларда айни куч-ғайратга тўлган бўз бола мактабдан бўш кезлари Окморал билан бу ерларга келар, соатлаб гурунг қилиб тўймас эди. Кечагина эди. Худди кечагина эди. Аммо ундан бери қанча сувлар оқиб кетибди. Сувлар оқибди-ю, хотира, ширин бир туйғулардан ўзга нима қолибди? Азобу укубат, тухмат, Сибир... Бу ёқда Окморалнинг шўр қисмати... У кўриб гувоҳи бўлиб турган қисматда Окморални айблай олмасди ҳам. Илло, Сибирга сургун дегани ажал қомига тик



оёқда бормоқ дегани эди-ку. Лекин шу парирўй кизни деб унинг буткул умри кўкка соврилиб бўлди.

...Сув бетон ариқдан тошиб чиқиб атрофларни ювиб кетаётганди. “Тошқинга сабабчи” бўлган девона чол эса шу атрофда тагин ўзининг тақдирини томоша қилиб юрарди. У бир замонлар Окморал билан сайр қилиб келиб шудринг зарралари ила чайилиб қорайиб қолгувчи, иккаласи устига чиқиб энтикиб юзларини сувга тутиб турувчи каттакон темир қувур олдига келиб қолди. Ўшанда чархпалак қозонларидан бетон ариққа тўкилиб, сўнгра шу қувурга ғалдир-ғулдир шовқин ила куйилиб деярли тўлиб оқадиган топ-тоза сувни томоша қилиб диллари завқланар, сув зарралари ҳўл қилгани етмагандай бир-бирларига ҳовуч-ховуч сув сепишар, йигитнинг оқ нейлон кўйлаги, кизнинг энди урфга кирган шоҳи атласи баданига чиппа ёпишиб, кизнинг дуркун кўкраги ростмана билиниб қолар, пушти дуррачаси остидаги қалин ўрилган қора сочлари ҳам зилол сувда бирров чўмилиб олар, девона-ваш ёшлик сурурига кўшилиб рўмол тагидан кўкси узра бир қулоч дордай биланглаб чиқиб келиб, шўхликка кўшилар эди. Сўнгра ёшлар уст-бошларини қуритиш учунмикан, қалин дарахтлар панасига ўтиб узок қолиб кетишар, эхтимол, уст-бошлари намдан аригач, қизаришиб чиқиб келишарди...

Йигитлик чоғини эслаб, яна нималардир кўксига тўкилиб, чол ағанаб йиғлагиси келди.

Аммо атрофни ёритиб турган прожекторлар ёруғида қувур оғзига тикилиб турган каттакон қора нарсага кўзи тушиб бир нарсага ақли етгандай кўнгли нурланди. Яна тек қотиб бирор ҳаром ўлган мол эмасмикан деб тўхтади. Барибир сесканди. Сўнг қари чолни мол гавдаси чўчитганига ҳайрон бўлди, аммо не-не бўри-қашқир изғиб-кезган Талас овлоқларини бир зум эслаб қувур оғзига сув кечиб келди. Қарасаки, гўё тўфон уриб ётган жойда чиндан ҳам бир нарса тикилган. Бир катта шаҳар ақли шунга аҳамият бермабди-ку, деб ажабланди. Енг шимариб бир узун таёк топди-да, уни қувурга узатиб, тикилган нарсани итариб окизиб юбормокчи бўлди. Кучи етмади. Нарёқдан, қувур устидан юриб келмаса бўлмас экан. Шундай қилди. Қувур устидан келиб таёк сукқан эди,





тағин бұлмади. Бир кўрпа ё теридай нарса шох-шабба билан кўшилиб қувур оғзига қопланиб қолибди. Қиш кезлари чарх-палак тўхтатиб қўйилишини эслади. Қанақадир бир тормозга ўхшаган мурвати бўлиши керак. Йўқ, уни чол ахтариб тополмади. Тағин қувур устидан юриб келди. Ётиб олиб бояги қопламани бир учидан бор кучи билан тортди. Ўша парчаси йиртилиб чиқиб келди. Яна ётиб олиб тортаверди, тағин бир парча узилиб чиқди. Яна тортсам чикади деб ўйлаган эди, йўқ, қолгани қайтанга маҳкамроқ ёпишиб қолган эди. Чолнинг мияси ишлаб кетди. Бояги қалин таёқ билан кўрпа ё кийим қопланган шох-бутани уриб-суриб юборгани яхшироқ экан. Сув оқимига кўшиб таёқни суқиб итараверди. Шунда денг, шох-шаббалар синиб-синиб сув оқимининг тезлиги билан улар қувурнинг ичига бирданига сингиб ғойиб бўлди. Атрофга оқаётган тошқин ҳам туйқус тўхтади-қолди.

Маҳалла-гузар тим-тирс эди. Чол ўзича зўр иш битирганини хис этди. Аммо атрофда ҳеч ким йўқ, чамаси, ҳамма жон ҳовучлаб киру дўнгликларга ўрлаб кетган, балки... балки бошқалар тун зулматида ваҳимаю бедорликдан чарчаб уйқуга чўмган эдилар. Ҳарқалай, дунёни сув босмаётган эди-ку. Тепаликдаги икки гузарга сув тошган эди, холос.

Чол борар манзилини белгилай олмас, лекин ўта чарчаган эди. Кесилган чинор кундасига ўтириб тин олди. Барибир ёшлик хотиралари уни тарк этмасди.

Анови ариқ четидаги бўлик ўт-ўлан кўмган жойларда ўша чокда урф бўлган қора хром туфлисининг, Окморалнинг ҳам пошнаси учли оқ туфлиси излари бордир. Лекин энди буларнинг қандай аҳамияти бор?

Тобора ҳорғинлик ўз измига тортиб ва хийла тун шабадасидан жунжикиб борар экан, бу ерда тунаб бўлмаслигига, Матёқуб ошнасиникига эниб бормаса бўлмаслигига иқрор бўлди. Бели ҳам зиркирай бошлади. Исстик кўрпага ўранишни ният қилди.

Омонат бу дунёда ўзи бирор кун хотиржам ором топдимми, деб ўйлади. Не ажабки, ундай кунни эслаёлмади.

Шунда... нарироқдаги дарахтлар ортидан бир хилқат қора тортиб келаётганини пайкади. Тўғри ўзига қараб келарди.



Ўрнидан туриб томоқ кириб қўйди. У ҳам бир тўхтади-да йўталган бўлди. “Аёл киши”.

Бироз юриб пешвоз чикқандай бўлди чол ва:

– Келинг, – деб қўйди йўлига.

– Ассалому алайкум, бобо. Ўзи кушуйқуман десангиз. Шу бугун қўшнилару бола-чақа, бариси уйларини ташлаб кирга кетишди. Тошқин ёмон экан.

– Сиз-чи, бир ўзингиз қолдингизми?

– Бир ўзим... ҳа, уйқоровул ҳам керак-ку... Ваҳимаси ёмон бўларкан. Ҳар ким жонини ўйлаб қоларкан. Унинг устига бир довон ошиб келган девона чол аввалдан сув омбори тошади, деб каромат қилган экан. Одамларнинг оғзида шу гап эди, сув тошгач, ана, девонанинг башорати амалга ошди, деб ҳамма шошиб қолди.

– Бу тошқин эмас, анови чархпалакнинг суви, – деди чол.

– Қанақасига?

– Шунақасига-да. Ўзи... оббо, қизик бўпти-ку, фарзандларингиз сиздай кампирни тошқин босаётган уйга қоровул қилиб кетишгани ғалати бўпти-да...

– Шарти кетиб, парти қолган бўлсам. Қаридим. Бу дунёда кўраримни кўриб бўлдим. Орзу-ҳавасларим амалга ошди-ошмади, ҳар нечук бир одам қатори яшадим. Ҳаёт ортда қолди. Энди кирга чошиб кутулган билан нима ўзгарарди?

– Шуни айтинг! Мен ҳам кўчабошидаги Матёкуб жўрамникида эдим. Ўтган-кетгандан гаплашиб хангомалашиб ётган эдик, бола-чақаси гузарни сув босяпти деб восвослардек машинага чиқиб, жўрамниям миндириб тепага кетишди. Мени бегона... бегона мехмон... деб қолдиришди. Хафа эмасман. Ўзи кимман уларга? Вақти-замонида бир фариштанинг ортидан довдираб эргашиб келган дайди итман-да...

– Дайди ит эмассиз, – шундай дея кампир негадир мунғайиб энгашиб олди. – Сиз Самарқанднинг Хартанг қишлоғидансиз. Дунё муҳаддисларининг пешқадами Имом Бухорий дафн этилган қишлоқдан.



– Биларкансиз, биларкансиз-а... – Сўнг бирдан тетикла-
ниб: – Қайдан билдингиз? – деб сўради ва қулоғини елпана
қилиб турди.

– ...

(Шу жойда Кумушбибининг “Сиз ўшаму?” номли машхур
саволини келтирсак бўларди. Аммо қахрамонларимизнинг
бири кампир, бири чол. Ўхшаш жойи шундаки, булар ҳам бир-
бирларининг дийдорларига тўймадилар. Тарих зулми дийдор-
дан устун турди: иккисини икки ёққа юлқиб улоқтириб юбор-
ди. Биз учун кизиғи ҳам шу: бировниқига ўхшамаган қисмат.
Қолаверса...)

Қолаверса...

(Чол ва кампирни бир-бирига суянтириб дийдиёлашти-
риб қўйсак ҳам бўларди. Хоҳласангиз, Сиз шундай тасаввур
килинг. Яхшиси, биз ҳикоячи сифатида бу ҳолатга тегинмай-
лик. Сабабини тушуниб турибсиз: энгил ҳолат эмас...)

Алқисса, сулув кампир чол билан укасининг ҳовлисига
тушдилар. Тонгни қарши олдилар. Ҳаёт жой-жойига тушди.
Токқа чиқиб кетганлар ҳам бирин-кетин тушиб келишди. Су-
лув кампирнинг укасининг жужук неваралари токқа маши-
нада қандай чиқиб боришгани, тик қиялардан қўркмай ўтиб
боришганини бирин-кетин ҳам бурро, ҳам соқовланиб гал
бермай ҳикоя қилишарди.


Лекин эрталаб кетаётганларида кеча чикқан жойларидан
машина пастга қараб тушолмабди. Бобоси кечкурун бу ерлар-
дан қандай чикдик экан, деб юрак ҳовучлаб қолибди. Ёрдам-
чи кутиб турганмиш...

Чол ҳам, кампир ҳам уларга ёрдам кераклигини тушуниш-
ди. Бир-бирига им қокиб ўринларидан қўзғалишди...

(Матлаб ва Окморал эртақдагидек мурод-мақсадига етмаган-
дир. Лекин муроду мақсад нима ўзи? Изласанг топа оласанми?)

Хуллас, бу ёғи Сизга ҳавола. Хоҳласангиз, Матлаб чолни
қариган чоғида Самарқандга жўнатиб юборинг, хоҳласангиз,
икки қария кексалик гаштини бирга сурсинлар. Ўзингиз
қолганини истаганингизча тўқийверинг.

Бизнинг ишимиз битди. Шу.)



Луқмон БЎРИХОН

(1965 йилда туғилган)

ТУН ҚАЪРИДАГИ ШУЪЛА

Ҳ. Саййидга

Биз ўтирган поезд ўкириб, пишқириб зим-зиё зулмат кўйнига шиддат билан сингиб борарди. Чароғон, гавжум шаҳару қишлоқлар ҳаш-паш дегунча ортда қолди. Хурпайган, ўп-пайган қир-тепаликлардан иборат кимсасиз яйдоқ дала-дашт бошланди. Темир ғилдирақларнинг тарақа-туруқ товуши гоҳ кучайиб, гоҳ сусаяр, вагонлар бамисли бешиқдек тебранар эди.

Купеда бор-йўғи икки кишимиз. Ҳамроҳим – ёш бўлишига қарамай, ҳарбий мундири поғонида кўш йирик юлдуз ярқираб турган зобит йигит ўта камгап, жиддий ва сипо экан. Енгил салом-алиқдан сўнг, об-ҳаво, йўл азоби ҳақида уч-тўрт оғиз гаплашганимизни ҳисобламаганда, у купе деразасидан ташқарига хаёлчан термилган кўйи жим келарди. Мен эса олди-қочдиларга лиммо-лим газетага термилганман.

Бир пайт зобит йигит илкис ўрнидан кўзғалди. Купе деразасига юз тирагудек даражада яқин бориб, қоронғилик қаърига жон-жаҳди билан тикилди. Шу алфозда бир лаҳза қотиб қолди. Мен ҳам қизиксиниб купе деразаси ортидаги зулмат томон алангладим. Бироқ арзигулик ҳеч нарса кўролмадим.

Илғаганим шу бўлдики, олис-олисларда, балки чўпон ўтовидадир, митти бир шуъла пирпираб турарди.

“Ҳамроҳим туғилиб-ўсган ерлар бўлса керак”, хаёлан шу хулосага келдим.

Бироздан сўнг зобит йигит ўрнига ўйчан қайтиб ўтирди. Юзқўзларида андак ҳаяжон, андак қувонч шарпалари кезиб юрарди.

– Ҳайрон бўлиб колдингиз-а? – деб жилмайди у мен томон айбдорона кўз ташлаб қўяркан.

– Ҳа. Ҳарбийларни кизиқтирадиган нима бор экан деб мен ҳам алангладим. Лекин милтиллаб турган чироқдан бошқа ҳеч нарса кўрмадим.

– Мен милтиллаб турган ана шу чироқни томоша қилдим.

– Йўғ-э?! – дедим чинакамига ажабланиб. – Унинг нимасини томоша қиласиз?

Зобит кулди.

– Қоп-қора кечада милтираб турган шундай чироққа кўзим тушса, беихтиёр ҳаяжонланиб кетаман. Худди сеҳрлангандай қараб қоламан. Чунки у ҳамиша ҳаётимда юз берган бир ғалати воқеани эсимга солади.

– Қанақа воқеа экан, билсак бўладими ё ҳарбий сирми? – дедим ҳазил аралаш.

– Бемалол. Истасангиз, айтиб бераман.

Зобит йигит жавобимни ҳам кутмасдан худди ўз-ўзига сўзлагандай гап бошлади.

* * *

Рост, бу воқеанинг ҳарбийлик билан боғлиқ жиҳатлари ҳам бор. Шу сабаб ортиқча тафсилотларга тўхталмайман. Буни тўғри тушунасиз деган умиддаман.

Хуллас, таҳсилни битириб, махсус қисмда ҳарбий хизматни бошлаган кезларим эди. Бир куни эрта тонг мени кўмондонликка чақириб қолишди. Вазият жуда жиддий экан. Мамлакатимизнинг баланд тоғлар билан ўралган шарқий чегара ҳудудларида қуролланган ёт унсурлар пайдо бўлишибди.

Махсус отрядга бош бўлиб, куролли тўдани топиш, хавфни баргараф қилиш вазифаси менга юклатилди. Биз зудлик билан белгиланган худудга етиб бордик.

Чор-атроф баланд тоғлар, юксак чўккилар, тубсиз даралар билан ўралган. Тоғ ёнбағирлари қуюк, ям-яшил арчазор. Бутун борликда софлик, сукунат ҳукмрон. Қорли қоялар томондан муздек шамол эсади. Саратоннинг авж палласи бўлишига қарамай, бу ерлар жуда салқин эди. Ҳатто кечки пайт анчагина совуқдан этларимиз жунжика бошлади.

Отряд ўн беш кишидан иборат эди. Ҳаммалари ҳам машқ-машғулотларда обдан чиниккан, кўзларида ўт чакнаб турган ёш аскарлар. Тўғриси, чинакам жанговор топшириққа биринчи марта чиқишим бўлгани учунми, ҳарнечук, қаттик ҳаяжонланардим. Яна ҳам очикроқ айтсам, юрагимда анча-мунча кўркув, хавотир ўрмалаб юрарди. Йўқ, душмандан, конли жангдан чўчиганимдан эмас, бошқа бир шубҳа-гумонлардан кўнглим хира эди. Биринчидан, тажрибасизлик, ғўрлик қилиб хатога йўл қўйишдан, аскарларни беҳуда фалокатга йўликтиришдан кўрқардим. Иккинчидан... иккинчидан, ҳали Ватан учун ёлчителиб хизмат қилмай туриб, аллақандай бир ҳовуч аламзаданинг ўқига дучор бўлишни сира истамаётгандим. Назаримда, шундай хавотирли хаёллар бошқа аскарларнинг ҳам кўнглидан кечмоқда эди. Лекин улар чинакам эр йигитларга, ўғлонларга хос матонат, ирода билан бундай хис-туйғуларини билдиришмас, ўзларини тетик ва нописанд тутишарди.

Белгиланган худуднинг ярмини назоратдан ўтказиб бўлар-бўлмасимиздан кеч тушди. Тоғу тош хаш-паш дегунча қопқора чодирасига бурканди. Отрядга дам олишга, кечки тамаддига рухсат бердим. Бунинг учун, албатта, қулайроқ жойга ўрнашиб олдик. Шу пайт биздан анча наридаги қоя ортини текширувдан ўтказишга юборилган икки нафар аскар қайтиб келди.

– Дара томонда бир чирок милтиллаб турганини кўрдик! – дея ахборот берди улардан бири ҳаяжонланиб.



Мен дарҳол улар билан қоя ортига бордим. Чиндан ҳам, анча олисда тор бир ялангликда қандайдир шуъла элас-элас кўзга ташланарди. У ерда қандайдир тирик жон борлиги шак-шубҳасиз.

Биз шоша-пиша қўналғага қайтдик. Сўнг мен отрядга зарур топшириқлар бериб, ўрнимга ёш бир зобитни бошлик этиб тайинлагач, ёнимга ўша икки аскарни олиб шуъла милтиллаган ёкка жўнадим.

Чор-атроф зим-зиё. Қоронғиликда тоғу тош янада ваҳимали ва сирли туюлади. Ҳурпайган арчалар, ғўддайган харсанглар юракларда алланечук саросима уйғотади. Бошимиз узра сачраб кетган учкунлардек юлдузлар ловуллаб турибди. Гўё қўл узатсанг етадигандек. Ёнимдаги аскарлардан бири жуда ҳазилкаш экан. Қулайроқ бир жойда нафас ростлаш учун чўнқаярканмиз, у кўкка гўё интиклик билан аланглаб шивирлади:

– Эҳ, бу юлдузлар қачон погонимизга кўнаркан-а?!

Энгил кулишдик. Бироздан сўнг яна олға юрдик. Мен ўша милтиллаган шуълани бир зум ҳам кўздан қочирмай одимлардим. Назаримда, у икки-уч марта кўринмай қолгандай бўлди. Ё ўчиб қолди, ё кимдир уни гавдаси билан тўсди. Бу ҳол ўша жойда сўзсиз кимдир борлигини яна ҳам тасдиқларди.

Судроқланиб, пайпасланиб бир соатдан мўлроқ йўл босганимиздан сўнг шуълага анча яқинлашдик. Мен махсус мосламали дурбинимдан теваракни синчиклаб кузатдим. Чоғроқ ялангликда тошқалок, пасткамгина кулба мунғайибгина турибди. Атроф жимжит. Тирик жон кўринмайди. Милтиллаётган шуъла кулбанинг кичкинагина деразасидан тараларди. Демак, ичкарида кимдир бор.

– Менинг қарашимга ҳам рухсат этинг, – деб шивирлади ўша ҳазилкаш аскар.

Мен рози бўлдим.

– Адашмасам, бу ё чўпон отари ё... ё... овчилар кулбаси, – деб минғирлади у дурбиндан анча пайт тикилгач.

Ҳа, аскарнинг гапида жон бор. Бу яқин атрофда бирорта



хам қишлоқ – овул учрамайди, демак, кўриб турганимиз кимлардир қурган вақтинчалик бошпана бўлса, ажабмас.

Мен аскарларни бир-биридан анча олисда бўлган икки нуктага жойлаштирдим. Зарур топшириқларни бердим. Сўнгра ўзим эҳтиёткорлик билан кулба томон юрдим. Назаримда, биз қидириб юрган тўда айнан шу ерда жойлашган эди. Негадир кўнглимдан шундай шуҳбалар кечарди. Лекин, айти пайтда, жанг бошлаш асло режамда йўқ эди. Мақсад – душман марраларини ўрганиб, уларнинг сон-саногини аниқлаб ортга қайтиш эди.

Кулбанинг нариги тарафи бўйлаб кичикроқ сой оқиб ўтаркан. Сувнинг тошдан-тошга урилиб, шилдираб оқиши бемалол қулоққа чалина бошлади. Лекин бошқа ҳеч қандай шубҳали сасни илғай олмадим. Деразадан таралиб турган шуъла энди бемалол кўринади.

Мен қуролимни маҳкам сикқан кўйи кулбага яқин бордим. Ҳаммаёкни синчиклаб кузатдим. Бутун борлиқ жимжит, соф, салқин ҳавога бурканиб ётибди.

Мен пусиб бориб деразадан ичкарига мўраладим. Ана! Соч-соқоллари ўсик қандайдир нусха фонус-чирок ёруғида ғимирлаб аллақандай тугунчани титкилар, ғалати бир жисмларни шуълага тутиб кўздан кечирарди.

“Аниқ, тўдага йўлиқдим, – лип этиб хаёлимдан ўтди, – булар чегарадан қорадори олиб ўтувчи унсурлар!”

Кулбанинг ғадир-будир деворига қапишган кўйи турарканман, юрагим гурс-гурс урарди. Нима қилмоқ керак? Ортга қайтиб отрядни бошлаб келсаммикан?

Шундай хаёллар билан турган пайтим кулба эшиги ғийкиллаб очилди. Девор бурчагидан секин мўраладим. Қандайдир қора кўланка эшик ёнида туриб, қўлларини, бошбўйинларини у ён-бу ён тўлғаган кўйи енгил машқ-машғулот қиларди. Дарҳол ортга қайтиб тагин деразадан ичкарига мўраладим. Чирок ёғдулари ғира-шира ёритиб турган хужрада ҳеч ким йўқ эди.

“Демак, бу ерда бир ўзи экан”, – деб ўйладим қувониб.



Сўнг яна кулба бурчагига бориб эшик томон пушиб карадим. Ҳалиги кўланка ҳануз машк-машғулот билан банд эди.

– Қимирлама, отаман! – дея автомат милини унинг бикинига тирадим.

Кўланка кўлларини баланд кўтарган кўйи тахтадек қотиб қолди.

– Менга ўгирил! – дея галдаги буйрукни бердим.

Кўланка кўрқа-писа бутун гавдаси билан менга юзланди.

– Кимсан?!

– Мен... Турдиев Анвар... – деди кўланка ғудраниб. Унинг товушида кўркувдан кўра ажабланиш, ҳайратланиш устиворрок эди. Шу сабабми, мен ҳам анча-мунча шаштимдан тушиб қолдим.

– Сендан бошқа бу ерда яна ким бор?

– Тоғбеги бор эди. У эрталаб қишлоққа тушиб кетганди.

Ҳали қайтмади.

– Ичкарида ҳеч ким йўқми?

– Ҳеч ким йўқ. Марҳамат, бемалол кираверинг.

Мен автомат мили билан эшик томон ишора қилдим.

– Қани, йўл бошла.

Кимса арча ёғочидан ясалган кўполдан кўпол эшикниғижирлатиб очди. Унинг ортидан пастқам, тор кулбага бош сукарканман, димоғимга ҳар хил қовжирок ўт-ўланларнинг иси гуп этиб урилди.

Тевараклари қирланиб кетган фонус-чирок ичкарини ғирашира ёритарди. Кўп ўтмай, кўзим кўникиб, бу ердаги жиҳозларни аниқ-тиниқ ажрата бошлади.

Хужра бурчагига қозон-товок каби ошхона жиҳозлари уйиб кўйилган. Аллақандай кути устида уч-тўрт кўрпа-ёстик. Пастқам шипда йўнилмаган арча пўстлоқлари шокила-шокила осилиб турарди. Ўртада силлиқ бир харсанг тош худди хонтахтадай жойлашган. Унинг устида фонус – чирок, чирок теграсида ҳалиги шубҳали нарсалар сочилиб ётарди.

– Сен кимсан ўзи?

– Мен шаҳарлик ўқитувчиман, – деди кимса аллақандай

тошни нари-бери суриб менга жой ҳозирларкан, – ёзги таътил пайти режам бўйича тоққа чикқандим.

– Қанақа режа?

– Э-э, командир, нимасини сўрайсиз, – деб кулди у бош тўлғаб, – биз шаҳарлик ўқитувчилар анча сунъийлашиб қолаяпмиз. Масалан, мен ботаника-биологиядан дарс бераман, лекин ҳақиқий ўт-ўланни тузук-курук қўлимга ушлаб кўрганим йўк. Эмин-эркин юрган тоғ жониворларини ҳали ўз кўзим билан кузатган эмасман. Шунинг учун бу ёзги таътилни мана шу тоғлар қўйнида ўтказишга қарор қилдим.

Мен кимсани зимдан, синчковлик билан кузатарканман, унинг алдамаётганига ич-ичимда иқроп бўлдим. Қолаверса, унинг хатти-ҳаракати, қўл ишоралари, илҳомланиб гапиришлари чинакам муаллимларга хос эди.

– Ўтган ёз Боёвут даштларини роса кездим, – дея гапида давом этди у. – Бир дунё материал тўпладим. Ўзим ҳам ҳабашдан баттар қоп-қорайиб кетдим.

Муаллим болаларча беғуборлик билан кулди. Мен шундагина унинг ҳали жуда ёш йигитча эканини, кўзлари алланечук илҳом билан порлаб туришини пайқадим.

– Тоғбеги нега сизни ёлғиз ташлаб кетди? – деб сўрадим муаллим ҳозирлаган тош устига чўнқайиб ўтирарканман.

– Овқатимиз қолмади. Муродулла акага раҳмат. У киши менга кўп ёрдам берди. Икковлашиб қанча гербарий йиғдик.

Муаллим бурчақда турган қопга ишора қилди. Сўнг чакконгина интилиб қоп оғзини очиб кўрсатди.

– Буларнинг бари менга дарс пайти жуда зарил. Ўқувчиларга суратдан кўра, ҳақиқий ўсимликни кўрсатганга нима етсин! Тўғрими, ака?

Мен бош ирғаб маъқулладим. Қизик, ёш муаллимнинг гапларига қизиқиш билан қулоқ соларканман, бутун шууримга алланечук хотиржамлик, хузур сингиб бораётганини ҳис қилардим.

* * *

– Баланд тоғлар кўйнида кечган шу воқеа мени жуда каттиқ таъсирлантирган, – дея зобит йигит ўз ҳикоясини яқунлаган бўлди, – шу-шу, қаерда милтиллаб турган шуълани кўрсам беихтиёр тикилиб қоламан. Олис, овлоқ жойда қай бир фидойи инсон тимирскиланиб юрибди экан, деган хаёлга бораман. Беихтиёр уни бориб кўргим келаверади.

Зобит йигит маъсум жилмайиб қўйди. Назаримда, унинг қорачиқларида алланечук шуъла порлаб тургандай эди.



Зулфия ҚУРОЛБОЙ қизи

(1966 йилда туғилган)

АЁЛ

Деворлари оппоқ хона.

Дераза ойнасидан тўкилаётган оппоқ нур аёлнинг юзида жилва қилди, юмук ковоқларини кизартирди, ёнокларига илинган марварид томчиларида ва бармоқларидаги узукнинг олмос кўзчаларида акс этди.

Аёл кўзларини хиёл очди. Шуъла энди унинг қорачикларида аксланди.

“Қандай ёқимли... Тирикликнинг яна бир тонги отди, – аёл кўзларини юмиб, қуёш нурларини симирди, кейин яна оҳиста пичирлади: – Сени қанчалик яхши кўраман, қуёш!..”

Қуёш нурларини мўл-кўл тўқди. Аёл буткул офтоб нурига ғарқ бўлди...

* * *

Кейинги ҳафта сурункасига Назокатнинг ҳарорати кўтарилиб-тушиб турди...

Даволовчи шифокор Шавкатни хонасига чақирди.

– Назокатнинг аҳволи яхши эмас. Ҳозирлигингизни кўраверинг.

Шавкат бошини чангаллаб қолди.

– Оғир бўлинг. Бўшашманг. Ҳали у кўп азоб тортиши мумкин. Булар ҳали ҳолва... – дўхтир жимиб қолди.

Шавкат илкис бошини кўтарди.

– Наҳотки... Шунча кийналгани етмайдими?..

– Кўп азоб турибди олдинда, – деди дўхтир, сўнг маҳзунлик билан хайрлашди.

Шавкат касалхона ҳовлисида анча вақт айланиб юриб кейин палатага кирди. Назокат ухлаб ётарди. У жуда озиб кетганди. Қовоклари ичга ботган, ёноқ суяклари туртиб чикқан, лабларининг четида чуқурча пайдо бўлган, чакка томирлари кўм-кўк бўлиб бўртиб турарди.

Дунёдаги барча касалликларга лаънат ўкиди Шавкат.

Назокат тикилиб турган нигоҳларни ҳис этди, шекилли, аста кўзларини очди.

– Яхшимисан?..

– Тузук, – ўрнидан кўзғалди Назокат. – Ҳовлига чикиб келсамми, девдим.

Шавкат унга қўлини узатди.

– Ҳали кучим бор, ўзим юра оламан, – деди Назокат ғалати қараб.

Шавкат беихтиёр чуқур хўрсинди.

Улар ҳовлига чиқишди.

– Дўхтир сизга бир балоларни вайсаган, шекилли, – деди Назокат ташқарига чикқанларидан кейин эрининг қовоклари салқиган, кайфиятсиз юзига зимдан тикилганча. – Лекин улар янглишяпти. Афт-ангоримга қаранг, яхшилаб қаранг, мен якин-ўртада ўладиган одамга ўхшайманми? Ўзимни ҳар қачонгидан яхшироқ ҳис этяпман. Яшаш учун бундан ортиқ яна нима бўлиши керак? – Аёл юришдан тўхтади. Ҳаво совиган, осмонда увада булутлар кезинар, куёш хирагина нур сочар, қорнинг ҳиди келарди. – Мен ойнага бокиб, қайта-қайта тикилдим ўзимга, ўладиган одамнинг юзи бунақа бўлмайди. Сиз ҳам эшитганмисиз шу гапни?

– Ҳа, эшитганман, – деди Шавкат шубҳага ўрин қолдирмайдиган оҳангда.

– Ана, кўрдингизми! – Назокатнинг юзи аллақандай ички нурдан ёришди. У нарироқ бориб кунгай ерда турди, аёлнинг қорачиқларида олов аксланди. – Ҳалиям ҳаво булут, – деди у, – ёруғлик тиниқ эмас. Бу ҳаво одамнинг рангини очмайди, бўғиб кўяди!

Ҳақиқатан ҳам, очиқ ҳавода унинг юзида касаллик нуқси сезилмас, эгнига тўкилган упа ғубори, ҳавога таралаётган ёқимли ҳид унинг ўзига оро берганини билдириб турарди.

Бирдан кутилмаган ҳол юз берди. Назокат югуриб келиб Шавкатнинг кучоғига ўзини отди. Авваллари ҳеч ҳам бундай қилмасди.

– Биз фақат эр-хотин эмас, ундан ҳам яқинроқ бўлиб кетганмиз, а, дадаси? – деди у эрининг кўксига юзини босиб.

Шавкат кучли ҳароратни ва кўз ёшларни тўйди. У кимириб этолмай қолди.

Шавкат нимадир дейишни, хотинининг кўнглини кўтаришни истади, аммо тили айланмади. Кўксидан беихтиёр яна оғир хўрсиниқ отилиб чиқди.

Назокат эрининг юзидан ўпди, авайлаб, назокат билан ўпди. Шавкатнинг танасига титроқ кирди. Хотинининг қовжираган лаблари иссиқ эди. Юзи иссиқ эди. Нафаси иссиқ эди. Ўзига тегиб турган сочларидан-да ҳовур сачраётгандек эди.

– Сенга нима бўлди?.. – дея олди Шавкат.

Назокат жилмайди. Бир вақтлардагидай... Аммо бу кулги эмас, оғрик, армон тўла шодмонлик эди.

Шавкат уни бағрига босди, нигоҳларини яширди. Назокатнинг юзига қарашга ортиқ бардоши етмади.

– Мана кўрасиз, икки-уч кун ўтсин, яна аввалгидай бўлиб кетаман. Шундай бўлишини кўнглим сезиб турибди, – шивирлади Назокат.

Шавкатнинг кўзига дунё қоронғи бўлиб кетди.

* * *

Кечаси Назокатнинг яна иссиғи кўтарилди. Алахсиради. Болаларини сўради.



Шавкат навбатчи врачни чақирди. Уколдан кейин Назокат тинчланиб ухлаб қолди.

Эрталаб одатдагидай вақтли уйғонди.

– Қаттиқ ухлаб қопман-а? – деб у сўради алланарсадан ҳадиксирагандек бўлиб.

– Чарчагансан, – деди Шавкат.

– Радиони нимага ўчириб қўйдингиз?

– Сенга тинчлик керак. Дўхтир айтди.

– Мен атай радиони ёқиб қўйгандим. Гинғиллаб турса қаттиқ ухлаб қолмайман...

– Бугун ҳам ҳаво жуда яхши, ҳовлига чиқасанми? Ёзга ҳам, кузга ҳам ўхшамайди сира, – деди Шавкат.

– Чикаман, албатта. Эрталабки тоза ҳавони яхши кўраман.

Назокат адёлни устидан олиб ташлаб, оёқларини каравотдан пастга туширди. Бирдан оёқларига кўзи тушган аёлнинг юзи ўзгариб кетди. Иккала оёғи ҳам шишиб, пўрсиллаб турарди. Бир кечада-я...

– Кейинроқ чиқарман... – Назокат бўшашганча ўринга чўзилди. Оёқлари устига адёлни ташлади.

– Нонуштани шу ерга олиб кела қолай. Иккаламиз ўтириб чой ичамиз, кейин болалардан, ишдан хабар оламан, – деди Шавкат хотинининг бирдан авзойи ўзгарганидан таажжубланганини сездирмай.

– Майли...

Шавкат ғилдиракли столда нонушта олиб келди. Назокат оёқларини адёл билан ўраб ўтириб чой ичди...

Кечга бориб Назокат болдирлари ҳам шишиб, кўпчиб турганини кўрди. Унинг ҳафсаласи пир бўлиб кетди. Кечаси яна иситма тутди.

Эртасига саҳар уйғонганида корин қисмида аллақандай ғашни келтирувчи оғирликни туйди. Қоксуяк қўлини корни устига қўйди-ю, шу заҳоти тортиб олди. Шиш энди коринга ўтган, у ошган ҳамирдай кўпчиб турарди.

– Дўхтир! – кичкириб юборди Назокат. Лекин буни ўзи сезмади.

Салобатли кекса дўхтир, унинг кетидан озгин ҳамшира ичкарига киришди.

– Қалайсиз, қизим, иситма безовта қилмаяптими энди? – табуреткага ўтирди дўхтир.

Назокат маҳзун жилмайди, кўзларининг остида ажин ғужуми пайдо бўлди.

– Яхшиман.

– Ҳароратини ўлчанг, – деди дўхтир ҳамширага қараб. Кейин яна Назокатга юзланди. – Менда гапингиз бор экан. Эшитаман, қизим.

– Шиш масаласида... – Назокат гапиролмай қолди.

– Хўш?

– Қорнимда яна сув тўпланган, шекилли? Қаранг... Шу суюкликнинг ҳаммасини бирдан олдирсам, шиш қайтадими?.. – Назокатнинг кўзлари ғилтиллади.

– Шиш қайтади, – деди дўхтир вазминлик билан. – Лекин, менимча... Сизга дўхтир сифатида эмас, оддий бир одам, отангиз катори бир одам сифатида айтадиган бўлсам... буни маслаҳат бермайман.

– Нега?

– Энди... шуниси маъкул... – Дўхтир нигоҳларини каерга яширишни билмасди.

– Бу гал жудаям қийин бўлса керак-а? Қаттиқ азоб тортсам керак. Қайсидир палатада бир аёл кечадан бери чинкириб ётибди-ю, шунга ўхшаб. Лекин буни қаранг, қорним соат сайин катталашиб кетяпти. Ҳадемай дўмбирадай бўлиб қолса керак. Мен бундай хунук алфозда... – Назокат юзини девор томонга бурди. Ёстиқ нам тортди.

Тоғдай дўхтир бирдан кичрайиб қолгандек ҳис этди ўзини.

– Тушуниб турибман... – деди бироздан кейин овози хириллаб. – Биз керагини олдик суюкликнинг... Аммо ортиқча азобнинг нима кераги бор?

– Майли, мен чидайман... – деди Назокат терс қараб ётган кўйи. – Ҳаммасига чидайман.

Дўхтир ўрнидан турди. Назокат жон ҳолатда дўхтирнинг кўлидан ушлади.

– Биламан, оз колганини биламан. Лекин бундай хунук алфозда ўлишни истамайман. Истамайман!..

Дўхтир кўлини авайлаб тортиб олиб, хонадан чикди...

* * *

Тун.

Шавкат тезда ухлаб қолди. Аммо Назокат ёта олмади. У оёқларига илашган енгил кўрпани нари суриб, кийинчилик билан тиззаларини кучоклаганча тўшак устида ўтирмоқчи бўлди, аммо бу ноқулай эди. Тўғрироғи, жуда ўнғайсиз эди. Хипча белида осилиб турган ёқимсиз оғирлик ўтиришга халақит берарди. Аёл ўрнидан туриб дераза олдига келди. Унинг уйқуси ўчган, бутун оламини нигоҳлари билан камраб, унга жойлаб олмоқчидек, очик деразадан унсиз осмонга тикилар, ҳайратомуз манзарадан донг қотарди. Зеро, бу вақтда ҳад-худудсиз осмон нурафшон, тилларанг ёғдуга ғарқ бўлиб ётарди. Уфқ тепасида осилиб турган ой, жимир-жимир қилаётган юлдузлар яқинлашиб келаётган тонгга ўрин бермасликка, аста-секин хира тортиб, сўниб йўқ бўлиб кетмасликка тиришаётгандай янада ёрқинроқ жилва қиларди.

Тун ва тонг ўртасида кескин кураш кетаётган бир вақтда борлиқда теран сукунат ҳукм сурарди. Аёл бутун жисму жони кулоққа айланиб, аллақандай эшитилмас товушларга, сирли оҳангларга ғарқ бўлди, ой нурида ялтираётган япроқларнинг сеҳрли титроғини ҳис этди... Кейин чуқур нафас олиб, ўпкасини тоза ҳаво билан тўлдирди. Лабларини қаттиқ кимтиб, нафас чиқармай турди.

Аста-секин борлиқка қумушранг оқим ёйилди. Қушлар чахчахлаб юборди...

Назокат чуқур хўрсинди. Кўзлари ёшланди.

Шавкат безовталаниб, кимирлаб қўйди.

Назокат ўринга чўзилди. Бошини кўрпа билан бурқаб олди. Зум ўтмай адёл силкина бошлади.

Аёл йиғларди, унсиз йиғларди...

Кечга бориб Назокатнинг нафаси сика бошлади. Боши ёстикқа тегиши ҳамон ҳаво етишмай қолгандек бўларди. Қорни яна биров катталашгандек эди.

Врач Назокатга ёстикқа суяниб ўтирган кўйи ухлашни тавсия қилди. Ётган пайтида қорин бўшлиғида пайдо бўлган суюқлик ўпкани сиқиб қўярди, шунинг учун Назокат нафас олишга қийналаётган эди...

Палатага ҳамшира кирди.

– Эрим келса ичкарига киритманг, илтимос, – деди Назокат унга.

– Нега? Дўхтир кечаси ёнингизда одам бўлишини тайинлаган, – деди ҳамшира.

– Вақтинча киритмай тулинг, илтимос.

– Лекин у хавотирланади...

– Бирор бахона ўйлаб топарсиз! – Назокат ҳамширанинг чўнтагига пул солди.

Ҳамшира иккиланганча чиқиб кетди.

Назокат деразага тикилди. Унинг кўз олдида ўғиллари пайдо бўлди.

Аёл ўкириб юбормаслик учун лабини қаттиқ тишлади...

Шавкат ишдан чиқиб тўғри касалхонага келди. Лекин уни палатага киритишмади.

– Мумкин эмас! – деди ҳамшира дарчага энгашиб.

– Аҳволи оғирлашиб қолдимиз?! – даҳшат ичида сўради Шавкат. Бирдан унинг юзи кўкариб кетди.

– Аҳволи ёмонмас, лекин...

– Врач билан гаплашсам бўладими?

– Врач кечки обходда!

Шавкатнинг юраги хавотирли увишди. Назарида врачлар уни атай ичкарига киритишмаётгандай туюлди. Аллақандай қора халлар бирдан бостириб келди ва у ўзини боса олмай қолди.

– Эшикни очинг! Очинг, деяпман! – дея қичқирди у эшикни муштлаб. – Врач билан гаплашишим керак! Хотинимни кўришим керак!

Ичкаридан жавоб бўлмади.

Шавкатнинг хавотири кучайди. Дунё кўзига коронғи бўлиб кетди.

– Эшикни очинг! Очинг! – дея қичқирди у жони бўғзига тикилгудай бўлиб. Кейин эшикни бир-икки тепди ҳам.

– Нима гап, тинчликми? Нега тўполон қиляпсиз? – деди бир маҳал кекса навбатчи врач эшик олдида пайдо бўлиб.

– Дўхтир, хотинимни кўришим керак... Кўришим керак... Лекин улар мени ичкарига киритишмаяпти! – деди Шавкат ховлиқиб.

Эшик очилди.

– Ортимдан юринг, – деди кекса доктор.

Шавкат унга эргашиди.

Кекса врач уни Назокат ётган палатага бошлаб борди. Лекин ичкарига киришга рухсат бермади.

– Ана, хотинингиз ухляпти, энди кўнглингиз тинчидими? – деди кекса врач эшикни қия очиб.

Шавкат қия очилган эшикдан ичкарига бош сукди. Ҳа, ҳақиқатан ҳам, дераза остидаги қаравотда Назокат ухлаб ётарди. Куюқ қора сочлари оппок ёстик устида паришон сочилган... Кўрпадан сал чиқиб турган елкасида ой нури жилва қиларди. Шавкат сал хотиржам тортди. Аммо дилидаги гашлик ва кўрқув тарқамади.

– Нега мени ичкарига қўймаяпсиз? – деб сўради у кекса врачдан. – Ахир, ўзингиз айтгандингиз-ку, кечасига олдида одам бўлиши керак, деб.

– Тўғри, ўзим шундай дегандим. Лекин бу беморга ёкмаяпти. У тинчликни истаяпти, чоғи. Майли, кўнглига қараймиз.

– Мен нима қилай унда?

– Сиз? Истасангиз уйингизга бориб, болаларингиздан хабар олиб келинг. Дарвоқе, уларни эртага олиб келсангиз ҳам бўлади. Фақат дераза ортидан гаплашишади, хўпми?

– Хўп...

Кекса врач уни эшик олдигача кузатиб қўйди-да, кейин хонаси томон кетди.

Шавкат касалхона ховлисида анча вақт туриб қолди.

Унинг кетгиси келмаётганди. Бирдан унинг хаёлига дераза томондан борсам-чи, деган ўй келди. Кейин касалхонани айланиб ўтиб, Назокат ётган палата деразаси тагига келди. Аммо ичкарини кўриб бўлмасди. Дераза ойналари ярмигача тўсиб қўйилганди.

Шавкат ерга чўк тушди. Кейин бу ердан бир кадам ҳам жилмади...

* * *

Азоб эди...

Ёта олмасди. Ўтириш ҳам анча ноқулай. Икки-уч кадам юрмасдан ҳарсиллаб коларди. Ҳолдан тойган вужуди ортикча юкни кўтаролмай кийналарди.

Кечга бориб Назокатни ҳикичок тутди. Икки-уч марта хик-хик этди-ю, бирдан ичидан қандайдир суюқлик отилиб чиқди...

– Ҳамшира! – хирқирок овозда қичқирди Назокат.

Зум ўтмай врач етиб келди.

– Энди сувни олмасликнинг иложи йўқ, а? – деди Назокат врачга қараб.

Врач жавоб бермади.

– Дўхтир... – Назокат бармоғидаги тилла узугини врачнинг чўнтагига солди. – Сувни олинг, илтимос. Фақат охиригача!

Врач яна жавоб бермади. Ҳатто қараб қўймади. Аёлнинг кўли чўнтагига кириб чиққанидан кейин ҳам юзига қарамади. Бирок...

– Ҳамшира! – дея чақирди йўлакка қараб.

Назокат жилмайди. Кейин ёстиғи остидан упа-эликни олди...

* * *

Тун чекинди.

Дераза ойнасига қумушранг ёғду ёпирилди.


Кейин уфқ кизариб, аста қуёш бош кўтарди. Қуёш нурла-



ри хира ва кучсиз эди, аммо у тез кўтарилди. Ҳар ер-хар ерда уни увада пардалардек кулранг булутлар тўсди, лекин куёш юришини тўхтатмади. Бирдан куёш кўзни камаштирадиган даражада оппоқ бўлиб порлаб бепоён осмонни ёритди, сўнг юришини секинлаштиргандай бўлди ва касалхона тепасига келганида бор шуъласини деразаси очик хонага туширди, шуъла шу лаҳза каравотда ётган хушбичим ва гўзал аёл юзида жилва қилди, ковоқларини кизартирмоқчи бўлди, лекин тош қотган ковоқлар қилт этмади, шуъла ўзига кадрдон қорачиқларда аксланмоқни истади, аммо уларни топа олмади, у фақат аёлнинг бармоқларида пайдо бўлиб қолган узукнинг олмос кўзчаларидагина акс эта олди.

Бу кун куёш қанчалар порлоқ ва нурафшон бўлмасин, унга ҳеч ким мухаббат изҳор қилмади, мулойим нурларини симирмади...

Барибир куёшнинг бу ердан узоклашгиси келмади, у сажийлик билан нурларини мўл-кўл тўкди, жимгина ётган аёл вужуди кўзни камаштириб, ярқираётган оппоқ нурларга омухта бўлиб кетди...



Баҳодир ҚОБУЛ

(1966 йилда туғилган)

ОҚ КАМАР

Бошлаб, хуштагини чалиб шамол келди. Бесаранжом тўзон кейин кўтарилди. Жаркўчанинг у бошидан-бу бошига ҳаммани хангу манг қилганча изғиди. Ҳар бир дарахтни қўлтиқлаб, силтаб-силтаб кўрди. Ҳар бир ғовни ғийқиллатиб очиб-ёпиб, ҳар бир дарвозани дангиллатиб уриб кўрди. Ўзини қаерга қўйишни, қаерга уришни билмай, Энанинг дордаги ёйиқлик кирлари билан ўйнашди. Бирини байроқ қилиб пирпиратди, бирини учириб бориб, шамолдан чўчиб, пусиб ётган Олапарнинг бошига ёпди. Ит кўркқанидан сакраб ўрнидан турди. Бошига ўралиб қолган латтадан кутулиш иложини тополмади. Ўзини тўғри келган томонга урди. Шамол бошига латта ўралган итнинг аҳволига бир майдон кулимсираб қараб турди-ю, барибир кўнгли тўлмади. Қунишиб турган товукларни кўноқдан ағдарди. Товуклар бир-биридан ўтарига қишлоқни бошига кўтариб қақағлашга тушди. Қани энди тинса.

Шамолнинг қишлоқда кирмаган тешигию ушламаган бешиги қолмади. Барини бир қур, қадимгидек кўриб чикди. Сув тарк этган Турқариқ елкасидаги тегирмонни ҳам бир юргизмоқчи бўлди-ю, шаштидан қайтди. Одамлар нима дейди? Тентак шамол экан, дейдилар. Беқилиқлик обрў келтирмаган.

Қишлоқ гул устида эди...

Гулу гулшан ҳидларини аввал ўзи яхшилаб симириб, тўйиб олгач, чошлаб-чошлаб қишлоқ кўчаларига сочаркан, барчанинг димоғини чоғ қилди. Тўқсон кун қишда жойида кимираммай ана кетди-мана кетди бўлиб ётган чоллар ҳассасига суяниб кўчага чиқдилар. Худди бирор-бир қадим таниши Ўратепами, Бойсунми, Нурота ё Сайрамданми йўқлаб, сўраб келган-у, эшигини адаштираётгандек, кўчада қолиб, туриб-туриб тополмай қайтиб кетгандек-у, ичкарида ўтиравериб бе-хабар қолгандек галдираб, ўз ғовига ўзлари қайта-қайта қарайдилар. Шамол ҳаммани бесаранжом қилди.

Ўзи ўйнаш топиб, ўзи дунёга жар солган мушуклар томга чиқиб мовлашиб қолди.

Ёш-яланглар хайхотдек Тайпоксойга сиғмай, ўзини кўярга жой тополмади. Шамол кўнгилларга қувват, дилларга шавк, кўкайга ғурур, дийдаларга ғайрат, ақлларга ишонч бағишлаганча этагини калта йиғиштириб, Ойқортоғ томон париллаганча ўрлади. Ойқорнинг асрий музликларига тўшини уриб-уриб ҳовуридан тушгандай бўлди. Арчаларни бир-бир санади. Охирида Отамозорга келиб тинди. Мозоротнинг бир-бировига ўхшамайдиган қайроқ тошларидаги ёзувларни ўқиди. Шамол тилида ўқиди. Ўқиганини одам тушунмасда, шамоллар тушунишди. Ухлаб ётган жойларидан увиллашиб бош кўтаришди. Бир тўпи Ота Макон – Афросиёбдан, бир тўпи Бийнаймандан, бир тўпи Бадбахтдала, бир тўпи Тўпқопи, бир тутами Ахсикент, бир боғлами Шоҳрухия, бир қатими Добусия, бир боғи Миздомқанд, бир бели Ерқўрғон, бир учи Энасойдан, бир қийри Қалмоққирдан, Сағирдашдан сарғайиб, Ҳиротдан ҳуриллаб, Қобулҳақдан Ҳақ деб изиллаганча етиб келишди. Қирқ шамол қирқ жойдан келиб, бир бўлди. Учрашган жойлари Отамозор бўлди. Отамозор бошида гир айланиб, уввос солишди. Бўй етган санокли саккизта терак аввалига нима бўлаётганини англамай серрайдилар. Тушунишгач, чапак чалдилар. Икки кўзли булоқдан юз йилдан зиёд қилар иши ўзига ёқиб-ёқмай, уйқусираб оқаётган сув

хам ҳаяжоннинг зўридан энтикканча бир тўхтаб олди. Кейин нафасини ўнглаб, парқиллаб қайнаган қумғондек вақиллаб, оламни бузиб тўрт тегирмон сувни олдига солганча ғайрат билан Каттасойга ҳайдади...

* * *

Самарқанддаги Хўжаи Хизр масжиди айвонидан кун чиқарга қарасангиз, Отамозор кўринадиди. Кўзи борга, албатта. Катта оқ салла ўраган тоғ – Ойқор. Ойқорнинг қори Самарқандга ошиқлигидан бир тўлиб, бир куйиб туради, дейишади. Самарқанд Каттатоғнинг сувидан ичади. Отамозор Ойқорнинг шундай кўзи остидаги камар. Камар деб уч томони қир билан ўралган, бир томони очик жойга айтилади. Камарнинг очик қисмини оғзи, бети дейишади. Бети Самарқандга қараган. У ерда иккита мазорот, икки кўзлик булок, битта каттадан-катта қуриб қолай-қуриб қолай деган, лекин шохларининг учидагина санокли тўртта барги тириклигини билдириб турадиган, танасининг катталигини кўрган одам бир сесканиб, бир чўчиб тушадиган, бош-оёқ кўз битган якка терак, саккизта бўй етган терак ва улар атрофида бир юз ўн тўртта теракча бор. Ўзим санаб чиққанман. Буни сал кейинроқ айтиб бераман.

Мазоротлар усти қайроқ тошлар билан кўтарилган. Кўк, оқ, қора, қизил, яшил... дунёда неча ранг бўлса, шунча тусдаги тош бор. Биров биттасини жойидан қўзғатишни хаёлига ҳам келтирмайди. Кўтаролмайди. Ҳаромнинг моли тошиб, ўғрининг ўрони ўрмалаган вақтларда қароқчидан баттар биттаси туман раҳбарига: “Шу жойда шундай тошлар бор, шундан идоранинг олдига чиройли нарса қилсак, сиздан яхши от қоларди”, деган. Раҳбар дарров ўша одамни бош, қурилиш ташкилотини ёнбош, тўртта мошинни уларга қўшиб, бир тўда одам билан ўша ёққа жўнатган. Одамлар Отамозор ортидаги Оқтошдан тош терарқанмиз, деб тушунишган. Билишсаки, ният бўлак. Катталар чиққан “УАЗ”ик Отамозор томон бурилганлигини кўриб, ўзларини усти очик мошиндан ташлаб, келган томонларига қайтишган. Иккита тош ташигич машина

шопирлари “мошина бузилди” баҳонаси билан йўлдаёқ капотни очиб, моторни сочиб ташлашган.

Палакат пайига илашиб, текин томошадан куруқ колмаслик ўй-ҳаваси, қароси босганлар эса борган. Икки ўрис шопир билиб-билмай мошиналарини Отамозорнинг оғзига тираган. Қани энди тошларни биров кўтарса-ю, мошинга ортса. У даврлар қўл телефони йўқ. Катталарга бировни ёмон кўрсатиб яхши кўринадиганлардан биттаси “УАЗ”ика ўтириб, ҳозир булдизўр олиб келаман, деб Ўсмагга энган. Шу энгандан мошин-пошини билан Куруқсойнинг қиррасидан учган. Бир шопир тирик қолган. Уям етти ой деганда тили зўрға айланиб, кўрган-билганини бировга айтишга кўркиб, овқатни оғзига еяётганига хурсанд бўлганча, ишини йиғиштирган. Қирра деб бир кифти тоққа тиралган, бир этаги қарасанг бошинг айланадиган жар ёқалаб йўл тушган жойга айтилади. Қирра ювиксизни кўтармайди. Қиради. Пулсиротдай гап. Сирот кўприги дегани. Араблар кўприкни пул дейдилар. Қизик. Тошкентдаям бор-ку Тахтапул деган жой. Ана шу Тахтакўприк дегани. Китобдан ўқиганман. Қариндошларимиз ҳам ўша жойда яшашади. Ўзлариям билишмас экан. Қиррада фақат эшак даядил юради. Эшакда айб йўқ.

Айтишларича, қўшмозоротнинг бири шижоатли оталар, шавкатли ва ғайратли боболардан бирининг мозори, бири унинг ёвқур отининг гўри эмиш. Самарқандда узоқ давом этган қирғинбаротдан кейин ёвман деганни қийратиб, ўзиям, отиям ҳориб, ярадор бўлиб, шу ерда тўхтаган, одамлар хабар топиб ортидан етиб келгунча ер уларни ўзига олган. Иккита гўр пайдо бўлган. Булутлар ювиб, Ойқортоғ қорлари кафанликка ўтган, дейишади. Кейин, одамлар йиғлашиб, йиғилишиб биттадан тош қўйишган, дейишади. Бири Отамозор дейди, биров Оталиқ мозор, бошқаси Отмозор. Энам Терак азиз дейдилар. Мен уни Оқ камар деб атагим келади. Бу ердаги булоқ кейин чикқан. Тераклар кейин экилган. Ҳар бир қавм биттадан терак эккан, дейишади. ...барлос, орлот, найман, манғит, кенагас, қипчоқ, кўнғирот... Терак бўй етса кесилади. Лекин, бу



ердаги теракни биров кесмаган. Кесолмаган ҳам. Вақти келиб ўзи йиқилади. Селу селова далаю даштга олиб кетади. Тераклар шунда талош бўлади. Биргина терагини томига босса, бу уйга бало келмаслигини биров бировга айтмаса ҳам, ҳамма билади. Селнинг ғавғосию шовкинидан кўркмай, ҳеч бўлмаса битта шох олиб қолиш учун жонини аямайди. Қўли тегса, ушласа бўлди. Шу шуники. Биров эга чиқолмайди.

Оқ камарга бир вақтлар ёлғизоёқ йўлдан, тикка жар ора-лаб, туби кўринмас чағат ёкалаб борадиган йўл бор эди, холос. Унга от-улов борадиган йўл ўрмон хўжалигига Ўнғор отлик инсофли, диёнатли директор бўлганда солинган. Қирнинг биқинини ёриб йўл очган. Икки тарафига бодом эктирган. Бодомлар ҳам қизиқ экан. Бир қарасанг, йил-ўн икки ой курук ўтиндай сўррайиб, сўппайиб туради, бир қарасанг, оғиз кулоқда, тиржайиб гуллаганча бошига оламнинг асаларисини тўплаб, дунёни бузади. Оқ камар ўрмончилардан бир яхшилик, бир ёмонлик кўрган. Яхшилигини айтдим. Ёмонлиги эканидан йиқитгани кўп, отасиниям билмаган биттаси директор бўлганда, зиёратгоҳни чиройли қиламан, деган баҳонада илинган теракни кесиб кетган. Шу-шу ранги чиқмайди. Терговининг бири тугаса, бошқасига қатнайди. Айтишларича, неча дона терак кесган бўлса, шунча марта сўроқ бермагунча бўлмасмиш. Ишқилиб, ўзининг умри етсин эмиш. Бўлмаса, болалари қатнармиш. Бу гапни эшитган борки, ёқасини икки кўллаб тутамлайди.

Оқ камарни менга отам таништирганлар. Энг эсимда қолгани, Оқ камарда терак қолмай қолган вақтларда катта оталари жўралари билан биттадан терак эккан эканлар. У тераклар ҳам йўқолиб кетган. Изидан теракчалар чиққан. Камар бағрини чала бўлса-да тўлдириб турган дов-дарахтлар шундан қолган. Фақат катта оталари эккан тераккина қуриб-қакшаб бўлса-да, хануз турганини, хув боя ҳикоямнинг бошида айтганим, қуригандек кўринган, бироқ учки шохларидагина бир тутамгина япроқлари илинибгина, пирпирабгина турган ёлғиз терак ўша эканлигини титроқ овоз билан тушунтирган-

лар. “Отамозор тераксиз қолмаслиги керак, қилич тебраниб тураркан, душман тебранолмайди, қалам ҳам”, – дедилар гап охирида.

Иккинчи марта Катта Энам олиб борган. Мен Эна деб қакираман. Катта Эна десам, узоклашиб кетгандек бўладилар.

Октош авлиё мозороти остидан Каттатоғ, китобларда ёзилишича, Туркистон тоғининг мингйиллик қат-қат музлари, на оқу на қора қорлари, дарду дунё, иссиқ-совуқ бўлиб сизиб чиқаётган булок бошида Энам билан бирга бўламан. Энам зўрға юрсалар ҳам бор жонларини йиғиб, йўл яқин бўлиши учун тўғри қабристон оралаб булок бўйига тушадилар. Йўлма-йўл ҳар бир мозор билан саломлашиб, гаплашиб келадилар. Катта отамнинг бошига келиб, қабр бошини астойдил тозалаган бўладилар. Катта отам қайтган, қўйилган 1937 йил билан бугуннинг орасини, бугунда қўйиладиган, қўйилаётган жой оралиғини қабристондаги мозорлар билан ҳисоблаган бўладилар. “Анча ўтибди-да. Шунча меҳмон кебкетибди-да”, дейдилар ўзларига-ўзлари. Кўзлари ўтмаса-да бир кунўтардаги Ойқортоққа, бир катта отамнинг мозорига, бир кунчиқардаги Дунётепага, бир кунботардаги Самарқанд йўлига қарайдилар. Ҳеч бирини кўзлари илғамайди. Шунда мен қўлтиқларига қираман. Энамнинг қуввати ошади. Ойқортоғ ҳам, Дунётепаям кўнгилларидан кўтарилади. Энг азиз нарсаларини топгандек кўзлари қувнаб кетади. Икки томчи ёш қароқлари гардишида ғилтиллаганча айланади. Энам мени қўйниларига олиб, бошимни икки қафтлари орасида тутиб, ҳидлаб-ҳидлаб куч йиғиб оладилар. Қувватланадилар. Қўллари пирпираётган майин шамолга ўхшайди. Отамозор деганда Каттатоғни назарда тутадилар.

Шовқиннинг ҳаммаси одамнинг ичида бўларкан. Юрагингнинг уриши қулоғингга эшитилиб қолсин, биласан. Тегирмон азоби нима эканлигиниям. Нафас олиш шовқини тоғ кўчишидан зиёдлигини бир кун келиб англамаслигинг мумкин эмас.

Оқ камарга учинчи марта қандай бориб қолганимни бил-

майман. Энам азиз, уятли меҳмонлар келганда очиладиган сандикларидан бор-будни олиб дастурхонга тўқдилар. Қизик, меҳмоннинг ҳам уятли, уятсизи бўларканми? Ким меҳмонга келаркан деб ўйлагандим, ҳеч ким келмади. Эрталабки чойни, ҳар кундагидек, Энам иккимиз қилдик. Менга туршаклардан кўпроқ ейишимни, юрагим бақувват бўлишини тайинладилар. Битгасини олиб ўзлариям шимидилар. Шунда Оқ камарга боргим кеп кетаверди.

– Боринг, балажон, боринг. Ман қараб тураман, – дедилар Энам айтмасам ҳам ичимдагини билиб. Энам ўзи шунақа. Одамларнинг ичидагини айтмасаям ўқийдилар. Буни ҳамма билади. Ҳатто кишлоғимизнинг оти чиққан ўғрилариям. Энамни олдида деб бўсағасидан ҳатлаганидаёқ оёқ олганнинг ниятини биладилар. Ўғрилар ҳам қилғилиқни қилиб, боши қотиб, ботарига ботиб, ютуми тикилиб, тутумини тополмай қолган вақтларда келишади. Бир оғиз бир нарса дейишмайди. Энам ҳам кўп гап қўшмайдилар. Бурни шўлқиллаб, пешонаси шўр тепиб қолган ўғрига анча вақт ўтгач, секингина бир нарса дейдилар, чоғи, оёқ-қўлидан кишан ечилган одамдай, йўқ, бўйнидаги арқон дорга борганда олинган одамдай хурсанд бўлиб кетади.

– Иккинчи бу ишни қилмайман, Эна. Охиргиси шу. Кечиринг. Бўлди. Мен билмаган эканман. Ҳаммаси сиз айтгандек бўлган. Ҳаммаси аввал қандай бўлса, яна шундай бўлади. Зиёди билан. Энди бир ишнинг бошини ушлайман. Мана кўрасиз. Ўшандан буён кечаси ётолмайман. Кўзим илинди, ҳўкиз орқамга тушади.

Кейин нафасини ростлаб ялинади.

– Энди индамайдимми? Шохлари ёмон катта-да. Туёғи катта мошиндан катта. Кўзи чўғи тортилган ўчоқдай қизил. Бурнига кириб кетган одам қайтиб чиқмайди. Пишқирганда ёмон эди-я, Эна?

– Тур, жўна, кўринма, – деганча ёнларидаги ҳассаларини олиб ўтирган жойларида ғазаб қилиб қўйган бўладилар. Қўй оксоғи билан юз, эл ўзининг ўғриси билан элмиш.

– Эна, барибир зўрсиз-да. Гап йўқ. Сизни хафа қилганни бекапан қилиб қамокда чиритсам армоним йўқ эди.



Оқ камарга ўзим ёлғиз кетдим. Турккишлокни тенг иккига бўлиб, боши-кўзи тупрокка ботиб, талтайиб ётадиган, икки чеккаси кета-кетгунча шахидларга тўла ва улар устидан белги бўлиб ўсиб чиққан наъматаклар паққос гуллаган Жаркўчадан кетарканман, қадам товушларим жарнинг икки кирғоғига, бетига урилиб, акс садо бергани ўзимга эшитилди. Қанотларида катта-катта кўзлари бор капалакни кувганча, у билан ўйнаганча Жаркўчадан чикиб, Мушукжардан ўтиб Камар оғзига келиб қолгандик. Камар эснаганча оғзини очди-ю, қайта ёполмади. Эсидан чикиб кетди. Аввал қадим теракнинг энг тепадаги кўзлари қулди. Хурсанд бўлганини билдириб, кўзларини қисиб-қисиб қўйди. Мен ҳам. Чўлтоқ қўлларидан уялиб яширмоқчи бўлганди, эпллолмади. Капалак йўл бошларди. Унга дарров от қўйдим. Кўзкапалак. Капалак мен билан кураш тушди. Билмай қолдим, шамол иккови бирлашиб кўтариб урди. Тупроқ билан тенг бўлиб йиқилдим. Осмон остимизда қолди. Кейин бурнимга бир қўниб, яна қочди. Капалак ҳидини билиб қолдим. Капалак гуллардан-гулларга қўниб қочди. Гуллар шамолга қўшилиб тоғ-тошга салом бердилар. Хонқизи тиззамга бош урди. Қўлимга олиб: “Отанг чўлда, Энанг қирда”, девдим, ўртанча бармоғим учига пилдираб келганча қанотларини бир майдон очиб турди-да, бетимга тикилиб-тикилиб, учди-да кетди. Кейин, опам ёз бўйи сариеғ йиғадиган қўйнинг қорнидай катта ва оппоқ, ўртасида уришқоқ хотинларнинг қулоғидан айланиб келиб, гоҳи-гоҳида оғзига кириб кетадиган гажагидек чизиғи бор тош устига келиб қўнди. Тошни даст кўтардим. Хухулаб бошим узра айлантирдим. Шунда Ойқор ортидан тизгиндаги қўшиндек қорайиб булут бостириб кела бошлади. Келиши дунёни бузгудек, қор-ёмғир аралаш изиллаган шамол, чопқин бўлиб келарди. Қўркмадим. Тошни авайлаб жойига қўйдим. Булут булутдай тарқаб кетди.

Капалак теракни айланиб қочди. Мен қувдим. Теракка қўлимни теккизиб, теракни кучоқлаб, теракни химо қилиб қувдим. Гир айланиб қувдим. Терак учларидаги барглар, деб ногўғри айтган эканман, улар осмонга етган, осмонга қўши-



либ кетган барглар экан. Шунда капалак капалак эмаслигини билдим. Шу пайт теракнинг боши айланиб кетди. Аввал қарсиллаган овоз чикди. Кейин тўртга бўлиниб, бирин-кетин осмондан тушиб келишди. Тўппа-тўғри теракчалар тугаган майдондаги, адоғдаги сойга келиб тушди. Шунда шамолнинг кўлларини кўриб колдим. Шамол уларни тўртга бўлиб, бирма-бир сойга тахлади. Бирорта теракка зарар етмади. Уларни қир устидан кузатиб турдим. Мени қир устига шамолми ё капалак чиқариб кўювди-ёв.

Булутлар орасидан ерга қуёш нури тушди. Оппок йўлак очилди. Зинаси бўлмаса-да, йўлакдан осмонга чикиб кетгудек эди. Йўлак Жаркўчанинг бошигача кузатиб келди. Қорайиб келаётган булутдан кўркмасин, деди, шекилли. Биров кўрмасин, деб кўча бошида лип-лип этиб хайрлашди-да, зум ўтмай Ойкордан ошиб кетди. Отамозор – Оқ камардан қайтар эканман, Энам ғов олдида ҳассаларига таянганча, титраганча тик оёқда турардилар. Ҳайрон бўлдим. Кимни кутиб турган эканлар.

– Ҳа, отажон, яхши келдингизми? – дейдилар, енгучи билан кўз ёшларини қайта-қайта артарканлар. – Сизни кутиб турувдим, қувват. Сизни кутмай кимни кутаман.

Шу кеча туш кўрдим, чоғи. Оқ камар ғиж-ғиж теракларга гўлганмиш, бири эмишман. Шамол келиб, кулоғимиздан тортиб-тортиб кўярмиш. Қўлтиқларимизни китиклаб-қитиклаб, кўл етган жойдан чимчиб-чимчиб кўярмиш. Бир-бирингга қараб, бир-бирингни суяб ўссанг одам бўласан, бир-бирингга соя ташласанг кўкармайсан, гўрам бўлмайсан, қадим тераклар йўл бердилар, дермиш... шамол ҳам гапирармиш...

* * *

Бетимни шоша-пиша ювиб, Энамга салом бераман. Кейин кўчага чиқаман, ғовимиздан сал нарироқдан тезлигимни ошириб югуриб келаман-да, бир ирғиб бостирма томига чиқаман. Ундан уй томига. Камарга қарайман. Томлар усти энди етиб келган қалдирғочлардай чуғурлашган болаларга, камар теракларга тўла бўлади. Ҳар бири бир қирдай кўринади. Ҳар бири

қиличдай тебранади. Осмонга найзадек интилган бўлади. Ҳеч кимдан кам эмаслигини пасту баландга кўз-кўз қилади. Бу туш бўлмади. Тушдан туш эмасни айрим қилганни “қатта бола бўпти” дейдилар. Мен энди қатта бола бўлаяпман, чоғи.

Таниш шамол ҳуриллаб келади. Жой қуригандек, шолворимнинг қақраган жойидан кириб, ниналарини санчиб-санчиб ўйнашади. Ниналари ўткир бўлади. Хаёлни бир жойга йиғдиради-қўяди. Олапар қаватимда туради. Шамолни сўкмайдилар. Қаттиқ ҳам гапирмайдилар. Қизларнинг қирқ кокилига қирқ шамол осилган, бойланган бўлармиш. Шамол кетганларнинг оҳи, келарларнинг нафаси эмиш. Энам шундай деган. Насиб қилса, бу ҳақда бошқа сафар айтиб берарман.

Тераклардан бири узоққа кетган жоначирини соғиниб ичиккан гўдақдек, бири оталар гуноҳини бўйнига олгандек маъюс, бири дўстга зордек сарғайиб, бири дўстидан топган, дўст куйдиргандек гаранг, бири ҳийлагар дўст кўзидек ялтираб, ялтоқланиб, бири мурдадил ўртоқдек совукдан-совук, бири жонботин жўрадек собит, бири пулжўра ошнодек талмовсираб, бири дастурхончидек ертешиб, бири томоша талаб йўловчидек меровланиб, минги қилич кўтарган аскардек зийрак, минг-минги шу жойда кўкарганидан кўкси баланд, шу макон учун жонтикарлиги юз-кўзидан билинадиган кўнгиллардек сокину хотиржам, минг-минги иссиқ-совук, оғир-енгилни елкасига олишга тайёр жўмарддек мағрур, бири ер билан осмоннинг ёқасини бир қилиб тутамлаб урадиган баҳодирдек ғайратли, бири барчанинг ҳисоб-китобини қилиб, бировнинг ҳақи бировга ўтиб кетмаслигини кузатаётган қаттиққўл, барчага баравар отадек кўринади.

Шамоллар экиб кетган сон-саноксиз тераклар бошида яна не-не хаёллар, не-не ниятлар бор. Шулар ичидан менга гап қўшганини танийман ва ёқтириб қоламан. Бу менинг терагим, деб танлайман. Худди оқшомлари жўраларим билан уйдан бир баҳона билан қочиб, Дунётепага чикиб, юлдуз танлагандек. Жўралар билан юлдуз танлаганда жанжаллашиб, ёқа йиртиб бўлса-да, ўзингники ажратиб олмасанг, кейин ҳисоб

эмас. Юлдузлар эгали бўлгандан кейин, ё ёлғиз ўзича танлаганни ҳеч ким тан олмайди. Биров бировга юлдузини бериб қўймаган. Шаҳарлик қариндош болалар меҳмон бўлиб келганда юлдузларни таништиради, аввалига осмонда шунча юлдуз борлигидан шошиб қолишган, кейин шум каллаларини ишлатиб, устимиздан кулишган. Ҳиринглашган. Шаҳарда юлдузлар кўринмасмиш. Ўзи ҳамма шаҳарликниям томири кишлоқда-ю, узилишиб кетгани, узилишмагани бўлармиш. Мардон айтган. Мен фақат ёзиб қўяяпман. Юлдузи-ю, эшак кўпкарига қўшиладиган жиловни йўқ ўғил болаям ўғил болами? Ҳатто қизларнинг ҳам юлдузи бору. Фақат улар дугонаси билан танлашади-да, бошқага, тенгқурларигаям айтишмайди. Чунки улар жуфт-жуфт танлашади. Бири йигити, бири ўзи. Айтса уят бўлади. Куни, вақти тўғри келиб, юлдузини кидирганда, тополмай ё йўқотиб қўйганда сири очилиши мумкин. Юлдузини йўқотган қизлар йиғлаб-йиғлаб кейин, нимагадир бирданига чиройли бўлиб кетишади. Кўпинча сирдош деганлари ўғирлармиш.

Тераклар қўлларини силкиб салом берадилар. Қадим жўрамни топгандек қувонаман. Ёш болаям хурсанд бўлса, кўзидан ёш чиқиб кетаркан. Ўтган-қайтган кўрмасин деб, дарров артаман.

* * *

Бостирма устида турганча ҳовлимиз оралаб ўтадиган Турқарикнинг кўча бетигаги икки бўйида сув ёқалаб ўсган толзордаги тўрт тупи бир бўлиб ўсган қадимдан-қадим толнинг энг баланд шохларида шамол гувуллайди. Қаторлашган толзор ундан кўпайган дейишади. Ҳамма уни Каттатол дейди. Қишлоқда ўзи ҳар бир ариғу булоқ, тошу чағат, довдарахт, ўру кирнинг оти бор. Одамдай. Каттатут, Кўрбулоқ, Қўтирсой, Ёмонқир. Катта толнинг шохлари қайта-қайта кесилган. Яхшиликка. Қишлоқнинг кун деган кунига яраган. Кўпга қўшилишга кетаётган ҳар бирига шу толдан эгим, нарвондай тобут ясашади.



– Этим, нарвон ясанглар, – дейди кишлок оқсоколи шундай кунда навбати келган одамларга толнинг етишган шохларини кўрсатиб. Кишлоқда гўр қазишниям навбати бор. Ҳар бир соғ эркак етти қабр қазишда қатнашиши керак. Соғлиғи кўтармайдиганлар ўрнига одам солади. Тартиб шунақа.

– Ўлигинга гўр қовлашга одам чикмаса, бундан ортиғи бўлмайди. Ўзи сақласин.

Энам шундай деган. Оқсокол тобут ҳам, товут ҳам демайди. Одамлар сесканмасин деса керак. Совуқ эшитилади. Лекин икковининг вазифаси бир. Манзилга олиб бориш, элтиш, этиш. Шундан этим дейилса керак. Ахир, пахтаси бор чанокни чанок, пахтаси йўқ чанокни чанғалоқ дейишадику. Нарвон ҳам бирон жойга чиқариб қўйиш учунку. Ҳамма нарсани биладиган Энамдан сўрашга ботинаман. Оқсокол этим дедими, етим дедими – сўролмаёпман-да. Ундай десаём бўлади, бундай десаём. Қабр, қавр дегандай. Кейин гўруқиёматдан гап сўрасам хафа бўладилар. Ёш бола бундай нарсаларни сўрамайди. Эшитганда ўзи илиб олиши керак. Сўрайдиган гап бор, сўрамайдиган гап бор. Айтадиган-у, айтмайдиган ҳам. Қизиқ, айтмайдиган гап қанақа бўларкан? Этим, нарвон эгасини элтгандан кейин сочилади. Бузилади. Бузилмаса нияти бузилармиш. Вассаларнинг бошини бириктириб келган икки кўл – шохнинг бирини кўчат қилиб янги мозор бошига экадилар. Сув қуйиш йўқ. Кўкариб кетса яхши, енгил бўлармиш. Дарахт эккан савоб эмиш. Қиёмат бошлансаям кўчат экаётган кўчатини экавериши буюрилган эмиш. Охирги кетмон тупрокни тортиб бўлиб, фотиҳа ўқилиб, қандай одамлиги сўралиб, кўмарга келган одамларнинг охиргиси қўйиндидан етти кадам узоқлашмагунча экилган дарахт кўпга янгидан қўшилганнинг ҳисобига ўтармиш. Ўшангача кулоғи очик бўлармиш. Эшитармиш. Одамнинг қандай яшаб ўтганлиги охирги эккан дарахтнинг кўкариб кетишидан янаям билинармиш. Уни Етимтол дейишади. Қолган бир шохни жойига қайтардилар. Ариқ ёқалаган ёш толзор шундай тўраган. Энам айтган. Яна айтганларки, сўзларнинг жони бор. Хушвақт сўз, хафа сўз, қувғин, сиғинди, қув, илик,



совук... Одамларнинг эсидан чиққан сўзлар энг хафаси эмиш.

Сўзлар ҳам одамдай. Тирик. Гаплашсанг гаплашаваради. Ёш боладай бегидир, энг чиройли келинчакдек бошингни кўксига олиб, энг зўр баҳодир йигитдек кесиб, энг яхши энадек эркалаб, гапини ҳамма кош қайирмай қиладиган отадек битта. Ўлик билан тирикни ушлаб турадиган, бандаси билан эгасини боғлайдиган ҳам сўзмиш. Хотира тириклигим сўзда, бир ховуч дуо, бир оғиз яхши гапда эмиш. Тили ўлмаган элнинг ватани ҳамиша бутун эмиш. Ёди ўлмаганнинг кўрғони омон. Энангни, отангни эсласанг, чироғини ёксанг тирик-да, эсламасанг гўрда тирик. Одамизотнинг фақат лафзи ҳалолмиш. Керак бўлса Мулло бобоям яқинда қаттиқ кўкйўталга йўлиққанда, тиланчи лўлининг кўк эшагини тўхтатириб, сутидан бир қошиқ соғдириб, иссиғлатай ичган, даво топган, лафзи бузилмаган дейишади. Ҳозирча илиб олганларим шу. Ўзи ёш боламан бунақа гапларни кўп тушунмайман. Лекинликка ёзиб қўяверай. Тушунганлар чиқар. Ҳая. Этим ҳақида айтаётувдим-а. Яхшига юрим, ёмонга ўлим йўқ деган гаплар чиққан вақтларда этим, етим, юрум, ютум, келим, кетим, тутум, отим, кесим деганлар бир вақтда олдинма-кейин туғилган, тенгкур, бўйсира, қариндош гаплар бўлса керак. Кесим дегани эга-кесим эмас. Кесим қоғози, бир кесим аркон дегандай. Бир кесим аркон икки кулоч бўлади.

Кимга Каттатолнинг қайси шохидан тегишини, билса, фақат кишлокнинг донғи чиққан, шовқини баланд тентаги отлик, Энамнинг хисобида “Худонинг ердаги балоси” Мардон билади. Қилган иши элга оғир ботган, хурмати хуржунга сиғмай, сийи сурпада турмаганни кўрди дегандан елкаси тиришади, жини кўзийди: “ Ҳаҳ... хароми ичак чарв бойлаптида. Косангни таги олган кўринади, Каттатолни кун ботишдаги шохи сани деб ўсаптиёв... Камбағални дарахтиям елка кисиб, кунишиб ўсади”, дейиши билан тушунса-тушунмаса оксоколми, кўкмўйловми, дўму сўм, йиқилса ёнини бермайдиган раис, кўзига ҳамма, ҳатто чўпоннинг итиям ўғри кўринадиган ўрмонбегиам, чунки тоғдаги куённи қўймайди-да,

отасининг носи тиши йўқлигидан оғзининг бир четидан оқиб юрадигану янги бойлардан бўлган боласи ҳам, шаҳарда пасон, йилда бир келиб-келмай кўринганга ақл ўргатиш ўрнига зориллаб очилиб, ҳақиллаб ёпиладиган ота уй эшигига бир томчи мой томизиш, кирган одам қаерга ўтиришини билмай шошиб қайтиб чиқадиган чеккаҳонасини суробга келтиришга фаросати етмайдиган, ўзича давлатнинг ишини бекорга чиқарадиган “илм”лими, кийдим – энди дунё меники деб ўйлайдиган шапкалими, эски катталигидан юкканими, ҳукуматдан текканими, аёлдан урганими, зарга учикканими, чориғини унутганими, дордан қочганими, итнинг кейинги оёғими, ўтга учинганими, жин чалганими, мазор ушлаганими, пешонаси намозга йиқилса жони чиқиб кетадиганими, уйига китоб кўтариб кирса хотинига талок тушадиганими, газет ўқиса кўзи ўйиладиганими... ким бўлишининг фарқи йўқ, ичи тўкилиб, нафаси на кирарини, на чиқарини билмай қолади. Мардон ҳам йўликканнинг қулоғига айтибгина қўймайди. Тўй-маъракада, эл ошни еб, қўлювардан кейин, узун-қисқа бўлиб тарқалар вақтида ҳаммага эшиттириб эгакесими, нукта-вергулини, ўрок-сўрок, ундов-ўқлов, иттирноқ-қўштирноғини жой-жойига қўйиб айтади. Қуданинг ошида кудағайни сийламайди. Эшитган ҳам эшитади, эшитмаган эшитгандан зиёд қилиб айтиб беради. Керак бўлса. Ишонаверинг.

– Қачон одам бўларканман, художон... – деб чопонининг чап енгини кўзига босиб изиллаганча йиғлашни бошлаганда ҳамма гурра-гурра тарқалади.

Бостирма устида юриб ҳамма жойдан ҳам шамол гузури эшитилмаслигини билиб олдим. Катта шамоллар хуштак чалмаслигиниям. Шамолнинг овози эшитиладиган ўз жойи бор экан. Худди Оқ камарда кишлокнинг барча гап-сўзи аниқ-тиниқ эшитилиб турадиган жойдек. Отам айтган. Одамларнинг уйида айтилган гап-сўзлар Оқ камарда эшитиларкан. Одамига, албатта. Энди шамолни қаердан туриб эшитиш мумкинлигини билиб олдим. Гувурдан аввалига озроқ ваҳима босгандек туюлади-ю,

кейин, тушунганингиздан кейин димоғингиз чоғ бўлади, маза қиласиз. Энангиз эркалатгандек, отангиз мактагандек, хато ишингизни бақирмасдан, яхши гап билан тушунтиришгандек, бўйнингизга олмай, ҳеч ким билмайди деб юрган бир мартагина қилган ўғрилигингизга, бирда-бир ёлғон гапирганингизга ўзингиз, ўз билгингизча иқрор бўлиб, кўнглингиз бўшашиб, бундан кейин бундай ишларни қилмасликка ўзига-ўзи ишонган одамдай хурсанд бўлиб кетасиз. Шамол ҳам сизга ишонаётганини сезасиз. Гувур эшитиладиган жойдан кетгингиз келмай қолади. Ҳамма-ҳаммани яхши кўриб қоласиз. Ёмон одамнинг ўзи йўқлигиниям. Шу вақтгача ёмон кўрган одамнингизга раҳмингиз келади. Сиздан катта бўлсаям. Чамамда, менга бу жойни Олапар кўрсатди-ёв. У ўтирган жойга келсам, гувур эшитилаверди. Шундан билиб олдим. “Ит бўлсаям Олапар кўп нарсани билади, бечоранинг фақат тили йўқ”, деб отам бекорга айтмаган чиқарлар. Жаркўчага оралаган одамнинг яхши-ёмонлигини ётган жойида, икки қўли устига қўйилган бошини кўтармай туриб, кўзини очар-очмай ажратишини кўп айтишган. Ҳидидан билса керак. Толнинг тарвақайлаб кетган, ям-яшил байроқларни ҳавода сермаётгандек, пастдаги одамга осмонни пана қиладиган шохлари, айвоннинг тўрт бурчагидаги тўртта устундек шохлар шамолнинг уйи бўлса керак. Гувуллаган гувур шу айвондан чиқади-ёв. Шамол ҳеч қачон ҳеч қаерга кетмас экан. Шамол ўзимизники экан. Шамол ҳамманики, ҳаммага тенг экан. Ким айтганини айтмайман.

Оқ камарга бошқатдан боришим керак. Бошқача боришим керак.

Ёнимга жўраларимни олиб олсаммикан...

Исажон СУЛТОН

(1967 йилда туғилган)



ҚИСМАТ Кичик ўғил *Айвон*

Устунлар вақт ўтиши билан тўқ жигарранг-қорамтир тус олиб, узунасига ёрилган. Баъзи ёриқларида майда чумолилар ўрмалашади. Каттароқ бир ёриққа сариқ арилар ин курган. Улар кўп эмас, саккизта ёки тўққизта. Эрталаб ҳали ҳавода нам кўп маҳали ғуж бўлиб туради, қанотлари қуригач, учиб кетади. Қаноти нам арининг ғўнғиллаши бўғиқ ва паст бўлади. Қаноти қуруқ ари зириллаган овоз чиқариб учади.

Буларнинг чақиши эрта баҳорда кучли бўлмайди. Ёз бўйи куч тўплайди. Заҳри кузда ўткирлашади. Чумолилар билан арилар бир-бирларига тегмайди. Гўё ҳар бири ўзининг ташвиши билан овора.

Ҳовли шўрлашган, оқариб қолган. Ҳар ер-ҳар еридан шўралар ўсиб чиққан. Битта-иккита ажриқ ҳам кўзга ташланади, лекин улар заиф, сарғайиб илвираб қолган. Тошни суриб-ёриб, дуч келган ерда ўсиб кетаверадиган бу безбет ўт шўрни нимагадир ёқтирмайди, сув сепса ҳам ўсмайди, илдизларини йиғиштириб олиб, қуёшда тобланиб ётади. Шабада қуриб, енгил бўлиб қолган илдизни сургалаб, бошқа жойга

олиб кўчиради, шунда намни сезган илдиз дарров томир отади – тўрт-беш кунда маҳкам ўрнашволиб, урчиб кетаверади.

Айвонда чўпсават. Чўпсаватда нон. Жуда ширин, суви қочгани ундан ҳам ширин. Лекин энам тўйиб егани кўймайди. Нон сўрасак, бир бурдагина беради. Баъзан нонпалов пиширади. Нонпаловга сабзи ҳам қўшади, сабзили нонпаловни мен ёмон кўраман, фақат нонларини териб ейман.

Умуман, нонни жуда қизғанади энам. Овқат еб бўлинганида, ушокларни кунт билан тўплайди, кейин акамга, баъзан менга беради. “Ол, полвон бўласан”, дейди. Менинг ушок егим келмайди.

Иккинчи чўпсаватда курут. Ҳар ер-ҳар ерига тупроқ ёпишган, аммо ёғли ва мазали.

Уйнинг орқаси томорқа. Томорқа жуда ораста, тартибли. У ерда ўйнашга рухсат йўқ. Эгатлар тўппа-тўғри, қиялатиб олинган, суғорилганида кўллаб ҳам қолмайди, оқиб ҳам кетмайди, балки эгатларни бир маромда тўлдиради. Томорқа адоғи айланасига мевали дарахтлар. Катта қизил олма, олмурут, нок, ёнғоқ бор. Ёнғоқ билан ўрикнинг тагида ўт ўсмайди.

Кейин қатор ораста тераклар бўй чўзган. Улар катта бўлганида кесиб олинади, кесилганида ёғоч ширасининг бошни айлантирадиган иси анқиб кетади, пўсти шилинганида ҳам шунақа бўлади. Шох-шаббалар тандирга ишлатилади, ёғочлари уйга синч бўлади. Шу боис терак кўп, саноғи элликдан ошиқ. Япроклари сал шабадага ҳам шилдирайди.

Ундан кейин кўшнининг томорқаси. Кейин яна аллакимнинг. Кейин дала, даланинг адоғида зовур бор. Зовурнинг суви баҳорда лойка тус олади, ёзда шаффоф, кузда эса зангормовий тусга киради, сокинлашади.

Гап ана шу зовур ҳақида. Тўғрироғи, зовурда мен кўрган ажойибот ҳақида.

У ерда тилла балиқ бор.

Бу балиқдан бир худо, бир мен хабардорман.

Зовурга у қандай келиб қолди экан? Ўтган куни жуда қаттиқ момақалдирок бўлиб, чакмоқ чакқан, овозидан худди осмон ёрилиб кетгудек бўлган, кейин эса шаррос жала

куйган эди. Айтишларича, ўшанда шу ердан кўриниб турадиган тоғларнинг чўкқиларидаги қору музлар кўчиб, йўлидаги кишлоқларни вайронага айлантириб шиддатли сел келган, мана шу зовурлар ҳам лойқа сувга лиммо-лим тўлиб оққан экан – балки ўшанда келиб қолгандир?

У туш маҳали, куёш қаттиқ қиздирганида сув бетига чиқади. Қинғайиб куёшга қарайди, кейин думи билан сувни қаттиқ уради, шунда қарсиллаган овоз чиқади.

Қамишлар ҳам қарсиллаган овоз чиқаради. Чунки танаси ғовак бўлади, шабадада эгилганида қарсиллайди.

Мен унинг рангини яхши кўраман.

У – товланувчан. Сувда роса чиройли кўринади, аммо сув бетига чикса, унча товланмай кўяди. Нозик ранглари думдан бошга қараб билинар-билинмас ўзгариб боради. Қуюқ қирмизидан оч кизгимтирга ўтади, кейин эса сарикқа алмашади. Сузгичлари оч қизил, қора нуқтали – сариқ хошияли, ёмғирда қолган капалакнинг ҳўл қанотига ўхшайди.

У менинг гапларимга қулоқ солишини ҳам биламан. Гапирсам, индамай қараб туради. Сабру тоқат билан гапимнинг адоғини кутади. У чикқанида қушларнинг овози ўчади, хашаротлар чирилламай кўяди. Қамиш пояларидаги нинчилар жим чайқалади. Шабаданинг овози эса кучаяди, нимадир шивирлаётганга ўхшайди.

Балиқ шабадани ёқтиради. Майда мавжлар метин танасига тегиб синиши хуш ёкса керак. Куёш нури унинг йилтирок танасида сув билан қўшилиб жилоланади. Томчилар йилтирайди. Оқимтир-сарғиш ойқулоқлари сокин-осойишта кимирлайди. Кўзининг атрофидаги хошиясигача нузли туюлади.

Қоқ туш маҳалида энам қатта акам билан сувни кўйворгани кетади, чунки туш маҳали экинни суғориб бўлмайди. Экинни эрталаб ёки кечаси суғоради. Шунда мен уларнинг кўзини шамғалат қилиб кўшнининг ерига ўтаман. Кўшнимиз томорқасини айлантириб маккажўхори эккан, девордай бўлиб шитирлаб туради. Пояси билакларимни ачиштиради.

Зовур ёкасига бораман, дўнгга ўтириб, сувга караб кутаман.

Балик менинг келганимни сезади, лекин дарров чиқа қолмайди. Унгача ғумбалдоқ ўтига тегишаман. Гулкосаси оч яшил, кўпол, ичида кичкина нуқтачалари бор, бармоғимни тегизсам, дарров гулкосасини юмиб олади. Худди кўзини юмганга ўхшайди, кўрқок, хуркак ўт у.

Гоҳо хунук, ваҳший ниначи курти сув остидан юзага – камиш ёки ўт поясига ўрмалаб чиқади. У жуда очофат, кўрган нарсасини пакқос туширади, баъзан ўзининг наслдошларини ҳам еб қўяди. Пояда соатлаб қимир этмай туради, кейин елка қисми тўсатдан ёрилади, ёрилган қисмидан қанотлари ҳарир, боши катта ўзга бир жонзот – ниначи чиқиб келади. Дўнгга кўниб, куёш ҳароратида қанотларини қуритгач, пирпираб учадикетади... Милтиллаб сузиб юрган итбаликлар ҳам ўзгариб, бақаларга айланади. Илдизнинг пўк қисмида истикомат қиладиган яна бир жонзот – семизкуртнинг ҳаёти ҳам тўсатдан барҳам топади, бир-икки кун қимир этмай ётади-да, бузоқбошига айланади, яна бироз вақт ўтгач, тўсатдан қанот чиқариб, дириллаб учишга тушади... Нарироқдаги эски тол кундасининг сувга ботган илдизлари орасида бир қари илон бор. У туш маҳали салқиндан чиқиб келади. Лекин куёш тигига дош беролмайди, тўнка соясида, эски илдизга ўралиб тураверади, соатлаб қимир этмайди, баъзан пўст ташлайди...

Аммо менинг балиғим сув бетига чиққанида ҳамма жонзотларнинг овози ўчиб кетади. Ҳатто капалаклар ҳам жим қолади.

Билганим – теваракда бунақа рангу тусдаги балиқ йўк. Бировнинг кўрганинию айтганиниям эслолмайман...

Ўрганча ўғил

У балиқни худо юборганини мендан бошқа биров билмади!
 Укам унинг борлигини айтганидан кейин зовур бўйига бекитиқча бир неча марта бордим. Ҳар гал борганимда уни кўрдим.

У сирли балиқ эди. Сув бетига чикқанида теваракдаги курту кушларнинг овози ўчиб кетарди.

...Кичкиналигимда энамдан, одамлар ўлганидан сўнг ни-ма бўлади, деб кўп сўрардим. Энам “мени қабрга қўясан, кейин ҳар замонда бориб хабар олиб турасан”, деб айтарди. “Сиз ўлганингиздан кейин чиколмайсизми?” дер эдим. “Агар худо хоҳласа, чиқаман”, дерди. “Худо хоҳламаса-чи?” “Унда қандай қилиб чиқай, болам?” Бир гал айтган эдики, одамнинг руҳи бошқа нарсаларнинг ичига, кўпинча капалакка ёки кичкинароқ жонзотларга, баъзан катталарига ҳам кира олади. Капалак учиб келиб жим ўтиради, унинг ичидаги марҳумнинг руҳи эса теваракни томоша қилади.

Буни энам бир-икки йил аввал айтган эди. Ҳозир у касал, кўзлари деярли кўрмай қолган. Кўлидан етаклаб олиб юрамиз.

Ўтган ҳафтадаги гулдуросли сел қабристонни отамнинг қабри билан қўшиб бузиб ўтиб келганида, отам шу балиқнинг ичига кириб келдимикан, деб ўйладим.

Чунки эртасига бир чол тушимга кирди. Зовур ёнида эмиш. Сиз улғайдингиз, лекин энангиз қийналди, дермиш. Отанг балиқ бўлиб олдингга келади, акангга айт, пишириб энангга берсин, тузалади, дермиш.

Отам қандай одам эди-я!

Отамдай вазмин, оғир... отамдай камгап... юрганида ер зирилларди, ҳовлига кирганида ҳайбатидан ҳамма жимиб кетарди... балиқ ҳам шунақа эди...

Кўрган тушим ҳақида кўп ўйладим, ниҳоят, отам бошқа бирор нарсанинг ичига кириб яна келар... шу балиқни ростдан ҳам энамга пишириб берақолайлик, шояд тузалса деб, акамга балиқ сирини айтдим.

Акам отамнинг милтиғини олиб, шошиб чиқиб кетди. Ярим соатлар ўтар-ўтмас тутиб келтирди. Ўзини кўрмадим, балиқ қопда эди. Мен томорқадан бери келмадим. Ота, жон ота... сен ўлиб кетдинг, аммо энам касал-ку... у ҳам ўлиб кетсинми... биз сени емаяпмиз-ку, сен бошқа балиқнинг ичига кириб олаверасан, деб йиғладим.

Акам катта пичокни олиб, ўчоқ ёнига кетди, тангаларини шила бошлади.

Шунда... укам келиб қолди... У ниманиям биларди... Сирни очиб қўйганим учун роса хафа бўлди, келиб сочларимдан тортиб ура бошлади...

Кичик ўғил

Кириб келганимда энам айвонда, олдида бир товоқда гўшт, кушдайгина бўлиб ўтирган эди. Менинг овозимни эшитиб, тириш юзлари ёйилиб кулимсираганча, фавкулодда ўктам овоз билан:

– Кел, той болам, ке! Камбағалга кун чиқди, аканг балик опкелди, ке, сен ҳам еб ол! – деди.

Айвондан нарида ерга гувалакдан ўчоқ қилинган, ўчоққа козон осилган... ўтинлар ёниб бўлган, чўғи оқаринкираб кўринар... чирсилламоқда эди.

“Балик?!”

Ўчоқ ёнида шилиб ташланган балик тангалари, думи ва боши ётарди. Шу маҳал қайдандир қўшнининг мушуги пайдо бўлди, у бир сапчиди-да, бошни олиб қочди. Мовий кўзларини мендан узмай, шоша-пиша ғажий бошлади.

– Бу муборак балиқ-да, – энамнинг овози кулоғимга кирди. – Ҳазрати Юнус пайғамбарни ютиб юборган балиқнинг авлоди-да бу.

Катта акам балик гўштини узоқ вақтлардан бери емаганини айтиб, тилда эриб кетадиган бундай мазанинг қайдан келганига ҳайратланар ва мазани узоқроқ ҳис қилиш учун кўпроқ чайнашга уринар эди.

– Худои таоло балиқни ҳалол қилиб яратган, – деб ҳамон сўзланар эди энам. – Ўлганиям ҳалол, тиригим. Ўшан-чун ойқулоғидан сўйиб ҳам қўйган..

Балик?!

Бир худонинг, бир менинг балиғим?!

Кичик акам тут тагида бошини эгиб ўтирарди.

– Сен нимага буларга айтиб қўйдинг? – деб бакирдим унга ташланиб; овозим хириллаган, бўғик эди. – Булар баликни ейишяпти-ку?

Ажабо, кичик акам менинг муштларимга жавоб қайтармай, иккала кўли билан бошини бекитиб, ерга ўтириб олди. Мен унинг йиғлашини кўркувдан деб ўйладим, шундай ажойиб баликни ем қилганига йиғляпти деб, яна ура бошладим:

– У қанақа балиқ эканини билардингми? У тилло балик эди! Яна салгина каттарса, тилло балик бўларди!!!

Кичик акам ҳамон инграниб йиғлар, муштларимни сезмас эди. Кейин эса нима деяётгани қулоғимга кирди:

– Ота... Отажон... – деб йиғларди у.

Олов сўнган, чўғларининг чирсиллашлари пасая-пасая ахийри эшитилмай қолган эди.

Катта ўғил

Укамнинг тушига бир чол кирипти, айтибдики, энанг балиқ гўшти еса тузалади, кўзларига нур киради. Жума куни зовур бўйига борсанг, отанг балиқ бўлиб келади, сенлар уни ушлаб, энангга пишириб беринглар, дебди.

Отамдан қолган қўшотарни олиб борганимда, балиқ ростдан ҳам сув бетида экан. Шимимни шимариб сувга тушдим, сувнинг ости балчиқ, балчиқ ичидаги эски шох-шаббалар оёғимга қадалди. Сочма билан ўқлаб, тепкини босдим, балик питирлаб, тўнкарилиб қолди.

Кириб келганимда югуриб укам қаршимга келди.

Кўркиб кетгани афт-ангоридан сезилар эди.

– Қалланг жойидами? – дедим ўдағайлаб. – Бу бир емиш-ку. Бор, ўчоққа ўтин қала!

Баликнинг тангаларини шилдим, қорнини ёрдим, ичакларини олиб ташлаб, оппоқ қат-қат гўштли жойини сарик ёғи билан қўшиб кесиб олдим. Ўчоққа ўзим ўт қаладим, қозон таги жизиллай бошлаганида ёғли жойларини пастга қаратиб, гўштни босдим.

– Ана, – дедим қониқиш билан. – Ана, энди бўлди!

...Ана энди қозонда жизиллаб куйяпсан, ота. Дўзахда шунақа куйишингни орзу қилган эдим. Худои таоло шунга белги қилиб сени жўнатди, жўнатгандаям оловда ковриладиган қилиб жўнатди.

Энамни урганларингда қўлингга ёпишганларим эсингдами? Мана сенга! Жизилла, жизиллайвер!

Ичиб келиб, ҳаммани тумтарақай қилганларингда-чи? Менга кетмон отганингда елкамни ўпириб юборувдинг, изи ҳалиям бор, ҳалиям қони силқиб турипти, елкамда эмас, ичкарида, юрагимда!

Умр бўйи ота деб ёнингга яқинлашолмадим, бир бола бўлиб бағрингда эркалангим келса-да, ҳайбатингдану ўшқирингдан чўчидим, токи ўн икки ёшимга етгунча мени кўтариб томга отиб юборишингдан кўрқардим, бир марта укамни шунақа қилиб отиб юборувдинг, чириллаб йиғлаётган бечора боланинг овози чикмай қолувди, гўзапояларнинг устига бориб тушганида ҳам йиғлолмаганди... Уйдан милтиқни опчиқиб, энамга “отиб ташлайман!” деб бақирган эдинг, энам шўрлик “отсанг от, ўлар бўлсам ўлиб бўлдим”, деб ўзини ерга уриб йиғлаганди...

Яна айтайми?

Отингга миниб кетардинг, шу кетганингда қайтиб кунлаб кўрмасдим. Бир неча кундан кейин келардинг, эгарда иккитами-учтами кашқалдоқ, кўкқарға бўларди, ма, пишириб е ҳамманг заҳарингда, дердинг... Кейин улфатларинг келарди, энам овингни пишириб ўзларингда опкириб берарди, бизга қолган-қутган канотлар тегарди...

Мана энди қоврил, оловда!

Бола бўлиб ота нималигини билмаганим етмади. Катта бўлиб томорқадан бери келмадим. Эсимни танибманки, меҳнат қилдим, ҳайбатингдан кўрқиб уйдан кўчага чиқолмадим.

Мана, ҳалиям тупроққа ўралашиб юрибман.

Жизилла, жизилла!..



Ота

Бир қамишзор эмиш. Оч-сарик, бўйлари узун-узун, поялари курук...

Қамишзорнинг ниҳояси йўқ, шовуллайди. Осмон эса кўм-кўк.

Ана шу қамишзорда минг йиллардан бери қамиш ўраман.

Бу қамишзор тугамайди. Зах кўлмақларда сувчаёнлар оёғимни чақади, баъзан бир нима шалоппайди, нималигини билишга қизиқаман-у ҳеч тополмайман.

Минг йиллардан бери адоғи йўқ қамишзор... майин учган оқ попилтириклар...

Шу қамишзорни ўриб тугатсам, нимадир рўй беради. Ишқилиб, ўриб тугатолсам бас.

Ҳар куни тепамга бир қуш келиб бошимдан чўқийди. “Сен кимсан, нимага менга бунча азоб берасан?” деб сўрайман.

“Оқпадар, оқпадар!!!” – деб сайрайди қуш.

Отамнинг юзи ғира-шира эсимда қолган.

Бир қишлоқда, қашшоқ яшар эдик, егани нонимиз, ичгани сувимиз бўлмас эди. Отамга ўшқирганларим... елкасидан тугиб силтаганларим эсимда...

...Бир куни бу қамишзор тугайди. Ўша куни қуш ҳам келмай қўяди. Шунда бу укубатдан қутуламан.

Қамиш... қамиш...

* * *

...Қамишзорнинг охирида нима борлигини билишга улгурмадим.

Ўзгариш тўсатдан рўй берди. Осмон ёрилди... Йўқ, аввал шамол эди, попилтириклар ҳамма ёқни тутди, кейин қамишлар синди, илдизидан суғурилиб учиб кета бошлади. Ва еру кўкдан, ўнгу чапдан, осту устдан “Балиқ бўл!” деган қаттиқ бир садо келиб, ўзимни гулдурос солиб оқаётган бир пўртана ичида кўрдим.

Пўртана окқандан окди, қўшилиб оқиб кетавердим.

Ахийри, бир зовурга келиб тўхтадим.

Зовурда қанча вақт қолдим, билмайман. Назаримда, те-
варак сокин, ҳаддан ташқари сокин, бегона, боз устига, ха-
вотирли ҳам эди, балки сув остидан қараганим учун шунақа
туюлдимикан?

Кунларнинг бирида яна сув бетига чиқдим, теваарақдаги
ҳамма нарсанинг овози яна ўчиб-жим бўлиб кетди. Сўнг зо-
вур ёқасида эса юз-кўзи ўзимга ўхшаб кетадиган бир бола-
нинг қўлидаги милтиғини менга ўкталиб турганини кўрдим...

Кампир

Кўзим кўрмай қолган кундан бери раҳматли отаси тушим-
га киради.

“Кўрмайсанми, мен келдим. Балиқ е, балиқ!” – дейди
ўшқириб.

Тушимда уни бинойидек кўраман.

Раҳматли бераҳм одам эди. Ҳеч кимни, ҳеч нарсани аяб
ўтирмасди. Йўлидан биров чиқса яқсон қилиб-янчиб ўтиб ке-
тадиган шиддатию ҳайбати бор эди.

Экин-тикин экаман, деҳқончилик қиламан, деб кўп урин-
ди, бироқ эккан кўчатлари унмасди, кўкариб чиқарди-ю жойи
да қуриб қолаверарди.

Сабаби, отасига қўл кўтарган эди-да. Энди, бир пайтлар...
катталарнинг оталари намоз ўқимасин деган буйруқ бўл-
ганида, ота ундан бекитиқча мачитга чиққан экан. Аксига
олиб, ўша куни қанақадир байрам эди, ичиб олган эди, ке-
либ отасига “мен камалиб кетайми” деб ўшқирган, силтаб-
итариб ташлаган, ота йиқилганида камиш бўйранинг чўпи
кўзига кириб кетган, шунда “камишдай қуригин, илоё”, деб
қарғанди...

Экин-тикин бўлмагач, қайдандир битта милтиқ топиб, уз-
зукун камишзорга жўнаб қоларди, кечгача юриб-юриб, гоҳо
биронта қашқалдоқми, кўкқаргами отиб келарди.

Қаҳрига яраша меҳриям борийди раҳматлининг, аммо ни-
маики килса, терси бўпчиқаверарди-да, тавба! Йўқса, кўзим
кўрмай қолганини қайдан биларди-ю, қайдан меҳрибонлик
қилиб “балиқ есанг тузаласан” деб айтарди?



Мана, болам пишириб берган баликнинг эти хил-хил, биррам мазали. Кўзим равшанлашаётгандай. Балки бугун-эрта басирлик бархам топар?.. Жойи жаннатда бўлсин раҳматлининг, мен ундан минг-минг розиман.

Шоядки, у ҳам мендан рози бўлса...

Кичик ўғил

У тилла балиқ эди. Бошида тожи ҳам борийди.

Агар кичик акам сирни очиб қўймаганида, катта акам уни энамга пишириб бермаганида... ўсиб-ўсиб бир куни росмана тилла балиқ бўларди. Ўшанда ҳаммамиз бориб, тутиб олардик, балиқ “Тила тилагингни” дерди, бизлар ҳам тилагимизни айтардик.

Энди мен нима қилай? Тилакларим, истакларим мўл эди, кимга айтай?

Фақат худогами?.. Ёлғиз худогами?



Улуғбек ҲАМДАМ

(1968 йилда туғилган)

САҒАР

Биринчи сағар

Тинч уммони вазмин чайқалади. Чексиз масофалар ўз қаърига сир яширган янглиғ узанган: улар бир вақтнинг ўзида ҳам ўз бағрига чорлайди, ҳам ундан итаради. Ҳозир эса сув юзасини қалин оқиш туман қоплагани боис қайиқдан туриб каралганда бурун остинигина кўз илғайди: икки кулоч нарида нима бор, кошки билиб бўлса...

Қайиқ ичи балиқларга лик тўлган эса-да, балиқчилар тўрларини яна сувга ташлаган кўйи тек қотишган. Тушиб қолган вазиятларида бошқа нимаям қўлларидан келарди, дейсиз. Бор-йўқ қиладиган ишлари кутиш бўлгандан кейин кутишади-да. “Кимни, нимани?” дейсизми. Қуёшни!.. Қуёш зич туман кўксини чок-чокидан сўкканча уларга йўл кўрсатиши керак ҳали. Йўкса, адашиб, Оролга душман томондан бориб қолишса, ҳолларига маймунлар тугул, қайиқда потирлаб ётган манави чалажон балиқлар ҳам думларини ликиллатиб кулиб қолишлари ҳеч гапмас. Аслида, кулиш – шуларнинг ҳаққи. Жонларидан роса алам ўтиб турибди-да ўзиям шу тобда. Алам қайиқдаги одамлардан етди. Маймунлар эса...

ўх-хў, маймунлар узокда – нак Оролда: улар кўрмасликлари мумкин. Қолаверса, бекордан-бекор нетиб кулишсин маймунлар?..

Оқёнус одатда тинч мавжланади. Фақат бу сокинлик баъзан алдамчидир. Қўйнида ўзига яраша тахликалари бор унинг. Йўқса, балиқчилар тусмол қилиб бўлсаям сузиб кетган бўлишарди. Сузишолмайди-да. Чунки юракларини уммон узра танда қўйган қуюқ туман янглиғ мўл-кўл кўркув эгаллаган. Яна бу кўркув деганимиз балиқларни тутиш учун сувга ботирилган, қайикнинг чор атрофини “ишғол қилган” тўрга ҳам жуда менгзаркан. Кўркувки, бир томондан, адашиб уммоннинг беканор кенгликларига чиқиб қолиш қайғусига боғланса, бошқа жиҳати, боя айтганимиздек, ёғийнинг қўлига тушиб қолиш хавфига бориб уланади. Уларнинг мўъжазгина Ороллари қайда экан, ёлғиз Яратганга аён. Аммо савил туман тарқамагунча бир қулоқ ҳам силжиб бўлмайди: ипсиз боғланган, деган ибора бор-ку, айна шуларга мос.

Балиқчилар одатдаги ўзаро гангур-гунгурларини ҳам бас қилишган; мулоқотга тоблари йўқ уларнинг. Нетиб ҳам бўлсин? Агар туман ҳали-вери тарқамайдиган эса, ҳоллари нима кечади?.. Инчунин, улар ташқаридан ҳар на қадар оғир-босик, кўзларини юмган қўйи мудрашаётгандек кўринишса-да, аслида, ичларини шиддаткор бир ҳадик тирмаётгани рост гап.

Бир маҳал денг, ҳеч қутилмаганда қалин туманзор ичра нак тумшуклари остидан ҳайбат билан аллақандай қоратқи чиқиб кепқолди-ёв! Зум ўтмай ғира-шира кўринаётган ўша нарса маълум киёфага кирди: унинг улкан қайиқ эканлиги аёнлашди. Қайиқчилар ўзларини тутиб, бирон тадбир олишга улгурмасларидан икки қайиқ тумшукма-тумшук тўкнашиб кетса бўладими!.. Кучли силтаниш натижасида қайиқ четида ўтирган ёш йигит “шалоп” этиб сувга тушиб кетди. Қолган уч балиқчи эса аранг мувозанатни сақлаб қолди. Саросима бошланди. Чунки илкис келиб қолган қайиқ ёвники эканлиги маълум бўлган эди. Маълум бўлганди-ю, ажаб, шу билан бошқа

ҳеч қандай воқеа юз бермади. Ҳеч ким ҳеч кимсага қилич кўтармади, найза ўқталмади, камондан ўқ узмади. Душман томон кўпчилиқни ташкил қилса-да, негадир ўзларини дўстона тутди. Ҳатто тушиб кетган балиқчини тортиб олишаркан, халақит бериш у ёқда турсин, мавриди топилса, ёрдам бергулик алпозда хайрихоҳ боқди. Сўнг қизиқсиниш билан ёвлар бир-бирларини кузата бошлади. Ажабки, ёғий қайиғида иккита қиз ҳам бор эди; улардан бирининг кийими ва бошига кўндириб олган ярашиғлиғ қалпоғининг бежирим тўқасидан ҳаммаси аён: хойнахой, қабила сардорининг қизи, бенихоя гўзал эди у!..

Бошқа пайт бўлганда бундай қимматли ўлжани қўлга киритиш учун тўртовлон бошларини кундага қўйишга ҳам тайёр бўлиши ҳеч гап эмасди. Аммо ҳозир... Ҳозир улар негадир қилт этишмасди. Афтидан, шу тобда уларнинг бир-бирларидан минг чандон, миллион чандон бошқа хавфли душмани бўлиб, унинг оти – уммон, қуюқ туман ичра беркинган бепоён ва номаълум дунё эди! Оқёнус қаршисида, унинг сирли-ғизли қудрати қаршисида қайиқдагиларнинг бир-бирларига бўлган ёвлиғи жудаям арзимас ва майда туюларди айни дамда. Буни ҳеч ким ҳатто хаёлига ҳам келтирмагандир балки, бироқ ушбу маъно ҳаммининг ботинида, хув ичкарида бир жойда бош кўтариб, ўзини сездирган ва балиқчилар шу маъно тўрига асир тушиб қолган эди. Фақат тўртовлон орасидаги ёш ва келишган йигитнинггина кўзлари, эҳтимол, бошқа маъно билан чарақлар, у қизга тикилганча, эҳтимол, қизнинг гўзаллиғи тўрига асир тушганча, атрофни, туманли уммонга банди оламини унутгандек паришон кўринарди...

Аллақанча фурсат ўтганига карамай, иккала қайиқдаги эшқаклар ҳам ишга солинмади. Келиб урилган қайиқ ўзининг сезилар-сезилмас ҳаракати билан секин, жудаям секин суринганча йигитнинг қайиғидан узоклашди. Бунга яна остда билинар-билинимас “нафас олиб ётган” уммон ҳам ёрдам бериб юборди, шекилли. Аммо йигит билан қиз бир-бирларидан кўз узишмасди. Биласизми шу қисқа фурсат мобайнида улар

дунёнинг ҳамма тилларида гаплашиб улгуришди, десам, балки ишонмасиз, аммо бошқа томондан, сизнинг ақлингиз бовар қилмайдиган ҳамма нарса бекор гап дегани эмаслигига мен иймон келтираман. Шу ғайритабиий ишончга таяниб яна айтаманки, йигит ва киз чакмоқ умричалик фурсат қўйнида бир-бирларини ёктириб улгуришди, кейин... кейин бунинг хомхаёл эканлигини ҳам алам билан кўнгилларидан ўтказишди. Ахир, дунё бутунлай тескарисига айланиб кетмаса, бу икки ёшнинг, бўлиб ҳам қабила бошлиқларининг ўғли ва қизининг қачонлардир қайта топишишлари ҳақида ўйлаш учун киши тентакроқ бўлиши керак! (Астағфуруллоҳ! Яхши-си, тағин худо билади, дейлик...) Ахир, улар икки юзкўрмас ёвнинг фарзандлари, қабилалар ўртасидаги адоват эса минг йиллардан буён давом этиб келаётган бўлса, айтинг, яна нималарга умид боғлаш мумкин?!

Бу ёқда сиз билан биз шундай ўйлар гирдобида айланарканмиз, у ёқда ёв қайиғи балиқчилардан олислаб, туманлар ичра тамоман кўздан йўқолди. Гўё умуман бўлмаган каби йитди-кетди...

Шундан сўнг учовлон ўзларини анчагина хотиржам тутди. Фақат сувдан тортиб олинган ёш йигит чаккасидан уммоннинг шўр сувлари томчилаётган туманрангли хаёлларини яна худди шундай туманзорнинг пардасимон деворларига осиб кўйди гўё...

“Тутқунлик”нинг учинчи куни туманнинг окиш пардаси сўкилиб, қуёшнинг заррин, аммо ҳали анча заиф нурлари қайиқда ўтирган уч давангир эркакнинг тунд юзларини кучсизгина ёритди. Шу ҳамоно балиқчилар ҳаракатга тушишди: индамай туриб эшакларини қўлга олишдию ойдаинлай бошлаган атрофга боқиб йўлларини аниқлашди. Кўп ўтмай эса манзил сари дадил сузиб кетишди. Сузиб боришаркан, чор томонга ҳадиксираб қараб-қараб қўйишар, гўё бу таврлари билан куни кеча рўпараларидан туйқус чиқиб қолган ёв қайиғига тақроп дуч келиб қолмасмиканмиз, дейишар эди...

Фақат энди ёш йигитнинг чеҳрасида чексиз миннатдорчилик туйғулари аксланар, Оролдан бир учи осмонларга туташиб кетган уммонга илк сафаридан бағоят бахтиёр эканлиги сезиларди...

Иккинчи сафар

I

Ниҳоят, улар Оролга етиб келишди.

Орол катта эмас, бир чимдим лоф кўшиб айтадиган бўлсак, баланд бўйли чопагон одам бўлсаю бор кучини тўплаб у бошидан-бу бошига қараб бир югурса, чарчашгаям улгурмай, майдони адо бўлади-колади. Албатта, ўртадаги тоғ масаласи бор. Шу ерга келгач, найнов чопағонимиз оз-моз тер тўкиши керакдир, эҳтимол. Ҳа, майли, нима бўлгандаям, сиз мени тушундингиз, дўппидек бир Орол-да. Аҳолиси ҳам шунга яраша: бир ҳовуч дейсиз. Лекин шу бир ҳовучгина одам ҳам ҳафсала қилса, бир-бирига душманлик қилишни эплар экан-эй: улар икки қарама-қарши гуруҳга бўлиниб олишган, нақ ўт билан сув, денг. Гўё душманлик ишисиз зерикиб ўлишадигандек. Емишлари Оролдаги ўрмон жонзотларию яна ҳадсиз-худудсиз уммон бағридаги балиқлар. Бўлди!..

Кексаларнинг айтишича, улар қачонлардир номаълум бир ёқдан Оролга кўчиб келишган экан. Улар эмас, уларнинг қадим аждодлари-да! Орадан неча-неча асрлар ўтиб кетганига қарамай, душман қабилалар ўзларининг кўп эски бобосию момоси бир эканлигини яхши билишади, лекин не ёзиққи, ўзлари бир тану бир жон бўлишолмайди. Ҳатто гуруҳнинг бахшию оқинлари ҳам бу ҳақда гоҳ куйлашади, гоҳ йиғлашади. Лекин уларга онда-сонда кулок соладиган топилмаса, йўриқларига юрадиган қайда?.. Бахшиларнинг куйлашича, оролга улар кўпчилик эмас, балки бор-йўғи икки киши – бир йигиту бир киз бўлиб келишган. Ҳозиргилар ана ўшаларнинг авлодлари. Фақат ҳеч ким билмайдики, улар қаердан келишдию нега келишди, яна нима учун айнан икки киши бўлиб?..



II

Буни қарангки, бу беш кунлик дунёда бир ўтовда бирпас баробар ўтира олмас ёвларга айланган тарафлар қачонлардир эту тирноқ каби иноқ бўлишган. Вактлар ўтиб кўпайишдию ўртадан меҳру оқибат кўтарилди: ҳеч жойга сиғмай, ўзаро ни-зою нифокқа ружу қўйишди. Натижада уруғнинг етакчилари каттакон қабилани иккига бўлиб ташлашди. Шундан кейин Оролдагиларнинг ўзларини тутишидану кийинишидан тортиб гап-сўзларини қилиғигача, қўйингки, борлиқ туриш-турми-шигача ўзгара бошлади. Яъни ҳар бир гуруҳ бир-бирларидан фаркли, бошқа эканликларини ҳуда-беҳуда пеш қиладиган одат чиқаришди. Асрлар ўтиб эса ҳақиқатан шундай бўлди ҳам. Уларнинг шаклу шамойилию рангу рўйигача яхшигина турфаланиб қолди. Икки қабиланинг элчилари ўрни келса, бир-бирлари билан тилмоч орқали тиллашадиган ҳолларга тушишди. Аммо Орол аҳолиси ҳаётини тубдан ўзгартириб юборган, керак бўлса, уларнинг тақдирини ҳал қилган балои азим бошқа ердан чиқиб келди. Қабилалар ўртасидаги душ-манлик шу даражага бориб етгандики, улар ўз нафратларини ва айни чоқда, ўзларининг ёғийдан устунликларини ҳар кун, ҳар лаҳза билдириб туриш йўлларини қидириб қолишди. Табиийки, кунда уришиб бўлмаслигини улар яхши били-шар эди. Тўғри-да, каталакдек жойда, бир тўда одам билан худонинг берган кун жанг қилиб бўлармиди? Лекин ўйлаб кўришса, рақибликнинг бошқа йўллари ҳам бор экан: ўз кучу қудратингни кўз-кўз этиб, душманнинг ҳасадини келтириб, ичидан емиришнинг завқига нима етсин!..

III

Шундай қилиб, тошдан ҳайкал йўниб, уни уммон сувлари урилиб турган сохилга ўрнатишни киз тараф бошлаб берди. Йигит тараф бўлса ҳайкални овдан қайтаётиб кўриб қолди. Кўрганларини қабила бошқонларига оқизмай-томизмай, ми-ридан сиригача айтиб берди. Кўп ўтмай, йигитнинг қабиласи томонда ҳам шунга ўхшаш, фақат киз тарафникидан андак ба-ланд ҳайкал қад ростлади. Тахминан, шунча фурсат оралатиб,

қизнинг соҳилида учинчи ҳайкал пайдо бўлди. Фақат у наригилардан баландроқ ва кўркамроқ эди... Гапни чўзиб нима қилдик, ўзингиз фаҳмлаб бўлганингиз каби, Оролда ҳайкал ўрнатиш мусобақаси бошланган эди.

Ҳар қайси қабила ўз улуғига бағишлаб ҳайкал ўрнатарди. Ҳайкал бўлгандаям энг аъло, энг расо тошдан, денг. Фақат, қурғур, уни ўрнатиш учун жуда кўп ёғоч керак бўларди. Чунки тош бошқа, ҳайкал ўрнатиладиган макон яна бошқа жойда жойлашгани боис сўлоқмондек оғир юкни ташиш фақат ва фақат ёғоч орқали амалга ошириларди. Шунинг учун ҳам ҳар икки томонда ўрмонлар шиддат билан кесиларди...

Йиллар давомида ҳар бир уруғ томонидан ўнлаб шундай ҳайкаллар тикланди. Ҳар бир уруғнинг ўз сайлгоҳи бор бўлиб, ундаги ҳайкаллар сувга қараб турарди. Уммонга ов учун чиқишганда, улар бир-бирларининг ҳайкалларини томоша қилишар, чамалашар, солиштирар, қайтиб келгач эса ундан-да адл, ундан-да савлатдор ҳайкал йўнишга киришиб кетишарди. Ҳа, Орол аҳли ҳамма нарсани унутиб, тошдан ҳайкал йўнишга муккасидан берилган эди. Аслини олгандаку, ҳайкал яшаш чўт эмасди уларга. Оролнинг ярми ўрмон, ярми улкан тошлардан иборат ясси тоғ эди. Тўғрироғи, тоғ оролнинг қоқ ўртасида жойлашган бўлиб, чор томони қалин ўрмонзор билан қопланганди. Бундай қулайлик уларга ҳайкал яшашнинг мислсиз имконларини яратган, улар ҳам шу ишга бошлари билан шўнғиб кетишганди.

Ҳайкални улкан, яхлит тошдан ўйиб ишлашар, тайёр бўлгач, ўрмондан дарахтларни кесиб, махсус ёғочлар ёрдамида уни белгиланган жойга судраб келтиришар, тиккалаб ўрнатишар, сўнг яна беҳисоб ўтин ёқиб, уни қутлашар, атрофга, тўғрироғи, ёғий назарига кўз-кўз қилиб завқланишарди. Бунга жавобан, сал ўтмай, рақиб томон ҳам худди шу ишни такрорлаб, ундан-да баланд, ундан-да ҳашамдор янги ҳайкал ўрнатиб, юзлаб дарахтларнинг саржинлари эвазига ёвнинг хирсу ҳасадини кўзгаб, олов теграсида ҳафталаб рақсга тушиб, қийқириб шодланишарди. Бир қарасангиз, Орол халқи

фақат шу иш билан бандга ўхшарди. Одамларнинг оғзидан битта сўз – ҳайкал, ҳайкал, ҳайкал тушмасди. Урушлар тобора авж олиб, юзлаб ороллиқнинг ёстиғи қуриб қолганига қарамай, кин ва адоват баралла давом этар, янги туғилган чақалокларга ҳайкалларнинг исми, ҳайкалларга эса жангда ўлган қаҳрамонларнинг номи бериларди. Шундай қилиб, ҳаммаси бир ерда, битта Оролда, Оролдаги ҳайкаллар атрофида айланарди: ҳаёт ҳам, ҳаёл ҳам, орзую армон ҳам...

IV

Бора-бора ўрмон камайиб кетди. Душман қабилалар ўзиники қолиб, ёғий ҳудудидан дарахт ўғирлашга киришишди. Натижада бир душманлик ўнга етиб, бир-бирларининг устига қўшин тортиб келишлар қирига чиқди. Ниҳояси йўқ тўқнашувлар оқибатида ўртага тикилган девор, деворга қўшилиб ён атроф, бутун орол пайхон бўлиб борар, адоқсиз қирғинбаротдан сўнги яна маълум муддат, шундай нафас ростлаш учунгина тин олинарди. Бу вақт мобайнида ер билан битта қилинган девор қайта тикланар, ўлиқлар дафн этилар, майдонлар наридан-бери тозаланарди. Ўрмон камайгани сари ундаги ҳайвоноту наботот, паррандаю даррандининг ҳам мазаси қочганди. Ҳайвонлар сўйилиб ё қирилиб соб бўлган, қушлар эса бу хосиятсиз Оролдан чор томонга учиб жон сақлардилар. Одамлар... Улар оч қолиб, оч қўзларини сувгагина тикиб, поёнсиз уммон ҳады этадиган неъматгагина умид боғлаб кун ўтказадиган ҳолларга тушишди. Ана шундай талотўпларда денг, илгари камнаморок, камсукумрок бўлган каламушлар бирданига ҳар ёқни мўри малахдек босиб кетганини ҳеч ким пайқамай ҳам қолди. Жирканч махлуқчалар қуруқликда, сув бўйида, ертўлаларда, ҳатто одамлар яшайдиган қапаю ўтовларда ҳам эмин-эркин кезаверадиган одат чикаришди. Очин-юпун қабила аъзолари уларни тутиб, оловда пишириб ейишдан-да тап тортишмасди. Лекин шунча кўргилиқлар етмагандек, тақдирнинг балою қазоси янглиғ Оролга ўлат деган қасофат тарқалди. Омонсиз урушлардан

мўъжиза туфайли омон қолган кишилар энди ёппасига кири-
либ кета бошлади. Тош йўнадиган, тайёр ҳайкални судраб,
белгиланган жойга обориб ўрнатадиган азамат қолмади,
ҳисоб. Аммо бу не шўришки, қолган-кутган шугина дилдира-
ган тирик жонлар ҳам кечаю кундуз биргина иш – тош йўниш
билан машгул эди! Ҳайкал дарди билан андармон эди улар-
нинг бари...

Аҳвол танглашиб, ўзининг ҳадди аълосига етганида қабила
вакиллари ҳатто бир-бирларини тутиб олиб ея бошлашди.
Аммо не тонгки, шунда ҳам тирик юрганлар, юришга ҳоли ет-
ганларки бор, ҳар кун ҳайкал дарди билан уйқудан уйғониб,
ўртадаги ягона тоққа чиқиб боришарди-да, қош қорайгунча
бағирларини харсангларга бериб ишлашар эди. Шу ерда, ул-
кан тошлар устида ҳолдан тойиб, ҳушидан кетиб ва ё жони
чиқиб думалаб қолганларнинг саноғига етган йўк. Лекин ҳеч
ким уларга алоҳида эътибор қилмас, ўлганларни пастга судраб
бориб, умумий чуқурга ташлаб, устига бир сидра тупроқ тор-
тиб қўйишарди-да, тагин тоққа қараб ўрмалашарди. Бора-бора
шундай кунлар келдики, қўлига қиличу найза олиб жангга ки-
радиган жангчининг ўзи қолмади. Қолган-кутган кишики бор,
барининг қўлида сангтарошлик асбоби йилтиларди...

V

Қуёш чиқди, қуёш ботди, орадан яна бир йил ўтди. Бу йил
ясси тоғда ўрмалаб юрганларнинг ҳам изини қуритди. Орол-
да бир неча юз одамгина ивирсиб қолди. Ҳа, Оролнинг ҳоли
хароб эди: еру кўкдан офат устига офат, зиллат устига зиллат
ёғилиб бўлганди. Бас, ўртадаги деворни қайтадан тиклашга ҳам
кучларию ҳушлари йўк эди энди. Уришадиган зўравоннинг уруғи
қуригани учун ҳам душман қабилалар бемалол бир-бирлари то-
монга ўта бошлашди. Шундай бир пайтда уруғларнинг улуғлари
музокара олиб бориш вақти етди, деб ҳисоблашдию йигит то-
мондагилар қиз томонга “ташриф буюришди”.

Атроф-жавониб минг йил давом этган уруш майдонини
эслатарди. Оролни ярадор қасалларнинг оҳ-воҳларию бой-



кушларнинг совук товушлари босиб кетганди. Нафсиламрини айтганда, ҳар икки томонда ҳам бунга эътибор берадиган кўнгли бўш одамнинг ўзи қолмаганди, ҳисоб. Ҳамманинг тинкаси қуриган, дийдаси эса ҳайкал йўниладиган тошдек котиб кетганди. Лекин шунча вақтдан бери икки томоннинг қулаган девор узра илк бор бир-бирининг тупроғига беҳадик оёқ қўяётгани кишини барибир ажаблантирарди...

Йигит тараф ўзлари билан қалин муқовали, катта бир китобни ҳам ола келишганди. Кириб ўтирадиган бутун ўтов қолмаганидан улуғлар ташқарида, очик осмон остидаёқ айлана бўлиб, кесилган дарахт тўнкаларига омонат чўкишди. Ҳамманинг нигоҳида сўнгсиз мусибат аранг нафас оларди...

Оқсоқоллар қисқагина кенгашишди. Нафсиламрини айтганда, тортишадиган нарсанинг ўзи қолмаганди. Худди оролда ейдиган озиғу қиядиган кийимнинг, таналарда ҳаракатланадиган мадору руҳларда яшайдиган қурбнинг соб бўлгани каби...

Йигитнинг отаси китобни очиб бир жумла ўқиди. Бунга жавобан кизнинг падари бузруквори ишора қилганди, унинг ҳам қўлига бир китоб келтириб тутқазди. У ҳам китобни очиб, бир жумла, атиги биттагина жумла ўқиди. Ҳар икки томон “маъкул” дегандек бош қимирлатишди.

Шу билан сулҳ мажлиси қўзғалди...

Учинчи сафар

Уч кун ўтгач, икки қабиладан омон қолган кишиларнинг ҳаммаси соҳил бўйига тўпланишди. Сўнг бутун бошли Оролда сузишга яроқли бўлган биттагина қайикқа ҳар қабила ўз вакилини ўтқазди. Афтидан, келишувга биноан ҳаракат қилинаётган эди. Буни қарангки, улар – ҳар икки қабиладан танланган вакиллар ўшалар – ўша йигиту ўша киз бўлиб чиқди!..

Йигит ҳам, киз ҳам дунёга келибдики, кўрганлари уруш эди. Лекин энди қарангки, чорасизлик икки юзкўрмас қабила бошқонларини мурсою мадорага мажбур қилиб қўйганди.

Улар тешилмай, ёкилмай колган охирги бут кайикка бирлари ўғлини, бошқалари кизини ўтқазиб, тақдирга ҳавола қилишдан бехроқ чора топишолмади, водариг! Ҳатто жигарбандларининг кўлига бир мискол бўлса-да егулик тутқазилмади. Фақат бир неча кўзада сув, олов ёкиш учун чақмоқ тош беришди, холос. Яна тўр ва кармоқ. Вассалом!.. Йигит ва киз хешу тобор билан не бир аҳволда видолашиб, чор-ночор кайикка ўтиришаркан, юраклари хавотирга тўла эди. Балким ботинларининг қай бир кунжида милт-милт этиб умид чироғи ҳам ёниб турарди...

Йигит ҳам киз Оролдан узоклаб сузиб боришаркан, беихтиёр ортларига қайрилиб қарашдию тахтадек қотиб қолишди. Не тонгики, уларни сохилда қатор бўлиб ҳайкаллар кузатиб қолишаётганди... Ва... ва барчасининг юзларида намоёишкорона заҳарханда муҳрланганди... Ҳайкаллар душманни масҳара қилиш учун атай шундай – юзларида аччиқ кулги билан тарошланганди. Шунда... шунда йигит ва киз бир нарсани тушуниб етишди. Оролдан айрилишганда, ундан узоклашишганда аён бўлди бу ҳақиқат. Шу чоққача тушунишмаган, уларга ҳеч ким, ҳатто қабиланинг энг улуғлари, оқинлари, арконлари ҳам лом-мим демаган ҳақиқат кўз ўнгларида юз очиб турарди. У ҳам бўлса, ҳайкаллар, шу кеккайган тошлар уларни ҳайдаб, Оролга, уларнинг Ватанларига ўзлари ҳоким бўлиб олишиб, энди мазза қилиб устларидан кулаётган, қаҳқаҳа отишаётган эди...

Йигит ва киз оролни айланиб сузишди: ҳайкаллар ҳар ерда, митти Оролнинг ҳар бир одимида аскардек саф тортиб туришарди. Гўё энди бу орол уларнинг ўз Ватанларига айланган, энди у ерга одам тугул куш ҳам учиб ўтолмасди гўё. Бинобарин, йигит ва киз энди бу Оролга абадулабад бегона бўлишганди, энди у заминга қайтишолмасди, қайтишганда ҳам Оролни гир айланиб ўраб олган ҳайкаллар сафини ёриб, ичкарига киришолмасди...

Энди йигиту киз ҳаммасини билишган эди. Уларни бу ҳолга солган ёвуз куч уларнинг ўзлари эди. Ҳайкаллар ана ўша ер-



дан, оролликларнинг ўз ичларидан тўраган махлуқлар бўлиб чиқди. Аммо булар эмас, балки уларнинг ота-оналари, балки уларнинг ҳам ота-оналари... шу ҳақиқатдан вақтида воқиф бўлишгандами, балки тақдирлари бутунлай ўзгача кечармиди. Ҳаммасини тузатиш, қанчадан-қанча қабиладошларининг жувонмарг кетган жонларини, Оролдаги сон-саноксиз паррандаю дарранда ҳаётини сақлаб қолиш мумкинмиди ўшанда... Аммо энди кеч, жудаям кеч... Энди буни йигит ва қиз билади, улар ҳамма сирдан хабардор. Фақат бу сир энди кимга керак экан?.. Балки Тангри ёрлақаб, уларнинг қайиқларини шундай бир ям-яшил оролга олиб чиқар-да, ҳаммаси яна бошқача бўлиб кетар, ким билади, дейсиз, нима бўлгандаям яхши ният яхши-да...

Яхши ният яхшику-я, аммо қани энди фақат ниятлар билан иш бита қолса. Битмайди-да. Бутун бошли иккита қабиладан икки нафаргина қолган бўлишларига қарамай, йигит билан қиз бир-бирларига ёвдек қарашиб, талай вақтни бой беришди. Аммо улар битта қайиқда эдилар, бинобарин, битта тақдирнинг ҳукмига ҳавола этилганликларини, ортда, ҳалокатга юз тутган қабиаларининг яққаю ёлғиз умидлари ўзлари эканликларини ич-ичдан англаб, хис қилиб туришарди. Туришарди-ю, на йигит ва на қиз юрак ютиб, минг йиллик адоват деворини бузиб ташлаб, нимадир дейишга, нимадир қилишга журъат этишмасди. Йигит индамай эшқак эшиб, қиз бўлса, қайиқнинг йигитдан олисроқ четида сувга тикилганча номаълумлик қаърига оқиб боришарди...

Ниҳоят, йигит илк қадамни қўйди. У уринди латтага ўралган аллақандай матоҳни авайлаб очди-да, қизга қараб “Бу – бизнинг китоб!” деди фахр билан. Шунда қиз ҳам қўйнидан шундай бир китоб чиқарди. Уларнинг бири осмон, иккинчиси эса замин рангида бўлиб, шаклу шамойиллари ҳам фаркли эди. Аммо ичини очиб қарашса, иккаласи бир хил, битта китобдек туюлди. Э, воҳ! Йигит ва қиз хайратдан кўзларини катта-катта очиб, бир-бирларига худди “Ўнгимизми-туши-



мизми?” дегандек саволчан бокишди. Улар фахмлаб туришар-дики, неча минг йиллардан бери жиккамушт солишиб келган икки душман қабиланинг китоби бир бўлиб чиқиши мумкин эди! Кўзларига ишонишмадими, ёнма-ён ўтириб олишиб, сузишни ҳам унутиб, узок вақт китобни синчиклаб титки-лашди, варама-варақ, мисрама-мисра солиштириб ўқишди, ҳа, шубҳа йўқки, китоблар ташқаридан ҳар на қадар ҳар хил бўлиб туюлса-да, моҳиятан битта, ягона тилда, ягона Хат-тот томонидан, ҳатто ягона сиёҳ билан битилган бир китоб-нинг иккита нусхаси эди... Лекин нега? Нима учун уларни ўқиганларнинг диллари доимо айри-айри бўлиб келди? Нега улар ўзаро тил топиша олмадилар?..

Туриб-туриб, йигитнинг жаҳли чиқиб кетди. Шартта қўли-даги китобни сувга улоқтирмоқчи бўлди. Шунда киз фав-кулодда чакконлик билан китобни йигитнинг қўлидан илиб олди-да, орқасига яширишга улгурди.

– Шошма! Балки уни биз, сен билан мен бошқатдан, тушуниб ўқиб чиқармиз? Айб китобда эмасдир, айб уни ўқи-ганлардасиз, бизнинг, ороликларнинг китобга бўлган муно-сабатимиздасиз, эҳтимол?! – деди ҳаяжонланиб.

– Бундан нима наф? Ота-боболаримиз уларни минг йилдан бери ўқиб келишди, авайлаб, бутун умр ёнларида олиб юриш-ди, лекин натижа, натижа нима бўлди? Бизми ўша лаънати натижа? Тушиб қолган холимизга бир қарасанг-чи?.. Йўқ, оталаримизга ярамаган бу китоблар сен билан менга ҳам ас-котмайди. Бас, шундай экан, улардан воз кечиш керак, ту-шунапсанми, воз кечиш!..

– Хўш, воз кечдинг ҳам дейлик. Кейин-чи, кейин нима қиламиз?!

– Кейин биз ўз китобимизни ёзамиз, эшитяпсанми, ўқиган одам амал қиладиган ўз китобимизни битамиз!..

– Қўлимизда шундай китоб бор-ку! Фақат унга амал қилиш қоляпти, холос!

– Йўқ, улардан тезроқ халос бўлишимиз керак!.. – қўлини китобларга узатди йигит.



Қиз ортиқ эътироз қилмади. Аммо китобларни олиб тагин қайикнинг нариги томонига бориб олдики, бу тадбир ҳар қандай жавобдан-да қатъийроқ жавоб эди. Йигит унга узок вақт синовчан қараб ўтирди. “Мен томонга ўтар, ёнимга келиб одамларни тўғри йўлга сололмаган китобларни қўлимга тутқазар ёки ўзи уммонга отиб юборар”, деб кутди. Бирок қанча фурсат ўтмасин, қиздан садо чиқмади. Алфозидан китобни берадиган эмасди қиз. Асло! Йигит унга яқинлашгудек бўлса, китоб билан бирга ҳатто сувга шўнғийдиган сиёғи бордек эди унинг...

Туни билан улар шу тахлит ўтириб чиқишди. Ниҳоят, уфқнинг қуюқ қора пардаси сўкилиб, бобо қуёшнинг малла кокиллари секин-аста атрофни қоплай бошлагачгина йигит оғир қўзғалди, эшқакларни қўлига олди ва қайикни ҳаракатга келтирди...

Ажаб эмас, тақдир ёрлақаб, улар ҳам бир вақтлардаги қадим аждодлари янглиғ зилол сувлари шарқираб оқиб ётган Оролга чиқиб қолишар-да, ҳаммасини бошқатдан бошлаб юборишар... Шунда, эҳтимол, албатта китобни қиз айтгандек қайтадан ўқишга, ўқиганда ҳам уқиб ўқишга тутинишар. Муҳими, ўқиб уққанларига риоя қилишар... Алқисса, у ерда ҳеч қачон уруш бўлмайдиган, ҳамма бир-бирлари билан аҳил ва иноқ яшайдиган жаннатмонанд мамлакат барпо этишар...

Хаёлидан шундай ўйлар кечгани сайин билагига ҳам қаёқдандир ғайритабиий куч келиб қўшиларди-да, зўр бериб эшқак эшарди йигит. Ундаги ўзгаришни ҳис қилган қиз аста туриб унинг ёнгинасига келиб ўтирди...

Сафарнинг еттинчи куни деганда яна бир янги тонг отиб, қорамтир осмон олтинранг нурларга чулғанган маҳал, хув олисда, йигит ва қизнинг қайиғи сузиб бораётган томоннинг этагида, момик булутлар остида бир жуфт оппоқ куш нимадандир хабар бераётган каби чуғур-чуғур этганча чарх уриб айлана бошлади...





Қўчқор НОРҚОБИЛ

(1968 йилда туғилган)

ҚОРДАГИ ЛОЛА

Деразанинг бир канотини очиб, тўртинчи қаватдан ташкарига карадим. Ух, совуқ. Қахратоннинг қаҳри юмшамаган. Кечаси қатрондай қотган йўлак ва кенг кўча, дов-дарахтлар – бутун борлик аёзга таслим бўлган. Қор десам қорга ўхшамайди, нимадир чирсиллаб ёғяпти. Дераза ойналарига чирсиллаб уриляпти. Тошёмғир сим-симлаб, шиғалаб, ёқимли ёғяпти. Ҳа, бу – тошёмғир. Қор ва ёмғир орасидаги қаҳру азоб бу.

Шамсия тутмаганимни ҳисобга олмаганда, рисоладагидек кўчага чиқдим. Ёмғирли кунлар шамсия кўтариб юрмайман, негадир юрагим сиқилади, ҳаво етишмайдими-ей, атрофим зимистон тортаверадими-ей, ишқилиб, менинг шу пайтгача ёғингарчиликда шамсиядан паноҳ топиб юрганимни биров кўрмаган. Ҳатто уйимиз ёнидаги бозорчада салат сотаётган корейс хотин ҳам шундай намгарчиликда шамсиясиз чиққаним учун бошимдаги қимматбаҳо товланма телпагимга ачиниб қараб қўйди. Эгнимдаги қалин, чарм пиджакдан эса ёмғир тугул, бошқа нарса ёғса ҳам сезилмас эди.

Ишга бугун ҳам кеч бордим.

– Қаерларда юрибсиз? Доим кечикасиз-а? – котибанинг одатий саволи шу бўлди.

– Тинчликми? Каллаи саҳарлаб кимга керак бўлдим? Катта сўраяптими ё?

– Қанақасига каллаи саҳар бўлсин? Соат ўндан ошди. Катта эмас, сизни бир ўрис аёл пастда кутиб турибди. Шўрлик бир соатдан бери телефон қилади. Юринг, ички телефонни олинг. Нега қараб турибсиз?

Пича тарадудланиб қолдим. Котибанинг қатъиятли иддаоси таъсирида қабулхонага югурдим.

– Эшитаман, – дедим одатий оҳангда.

– Алло, бу сенмисан, Толик? – деди аёл лўнда қилиб.

– Ҳа, менман... Сиз ўзингиз кимсиз? – таажжубландим.

– Менман. Пастга туш. Туша оласанми?

Аёлнинг сенсираши, ўзига яқин олиши энсамни қотирди. Шу билан бирга овозидаги сокинлик, алланечук титроқ кўнглимда оний лаҳзада илиқлик уйғотди.

– Кечирасиз, мен Сизни...

Гапим оғзимда қолди:

– Худойим-ей, мен Москвадан келдим... Мана, ниҳоят, сени топдим. Иринаман!

Аёл гўшакни қўйиб қўйди.

Эсанкирадим. Москвада менинг Ирина деган танишим йўқ эди. Ўйлаб қарасам, умуман, ҳеч кимим йўқ экан Москвада. Қаршимда котиба маъноли жилмайиб турибди. Ҳардамхаёл бўлиб пастга тушдим. Фойе хийла совуқ эди. Эгнимга пиджагимни илиш ҳам ёдимдан кўтарилибди. Таниш-билиш ҳамкасблар билан йўл-йўлакай сўрашиб, ойнаванд эшик томон юрдим. Миршаб рўпарасидаги аёлга кўзим тушди. Эғнидаги мўйнаёқали пальтосининг бари ерга тегай-тегай деб турибди. Бошига қимматбаҳо оқ сур телпак кийиб, бўйнига яшил шарф ташлаб олган. Миршаб аёлга алланималар деб, мен томонга қўл чўзиб, имлади. Лаҳзада баланд бўйли аёлнинг ўзига ярашиқли уст-боши, қадди-бастини назардан ўтказдим. У менга илкис қаради. Кўнглимда ғашлик аралаш қизиқиш уйғонди. Ойнаванд эшикка яқинлашдим. У менга кимнидир эслатарди.

Кўзлари катта-катта. Тим қора. Ёниқ. Порлаб турибди. Чехраси тип-тиниқ. Қора, қалин қошлари ёйдай эгилган. Қиррабурни юзига мос, қалин лабларига хиёл табассум инган. Оқ сур телпаги остидан чиқиб турган бир тутам сочи силлиқ манглайини тўсган, шундан бўлса керак, кўзлари янада чарақлаб боқаётганга ўхшайди. Чехрасига нурли табассум ёйилган бу аёлни кавказликларнинг гўзал вакиласига ўхшатиш мумкин эди. Аёлга маҳлиё бўлиб қараб туравердим. Сукутни унинг хаяжонли овози бузди:

– Салом, мени танидингми?

У ўзини нечоғлик қувноқ тутишга уринмасин, юзидаги ифода қисқа сонияда ўзгариб, лаблари пирпираб учганини ҳис этдим. Ёниб турган қора кўзларидаги сир-асрор мени ўз комига тортиб кетаётганди. Сохта табассум билан ўзимни бепарворок тутишга уриниб, елка учирдим. Бош силкиб, “йўқ, танимадим” ишорасини қилдим.

– Ана шунақа!.. Мен эса сени унутмадим. – Аёл ўта вазмин, озгина гина-кудурат оҳангида сўз қотди. Аммо юзидаги табассум сўлиш олгани йўқ. – Ҳа, майли, эслаб кўр... 1987 йил. Ёз. Файзиобод. Ирина Михайловна. Энди ёдингга тушгандир?..

Миямга чакмоқ ургандай бўлди. Чайқалиб кетдим. Ичимда нимадир узилди, гўё. Беихтиёр ихраб юбордим. Тиззаларим калтираб, мадорсизландим. Қаршимдаги сулув хилқат, ўша – бундан ўн олти йил аввалги Ирина Михайловна эканлигини ҳануз тасаввуримга сиғдиролмай гангиб турардим. Туйкус, оний бир қудрат кўмагида тасаввуримда ўн олти йил аввалги Ирина гавдаланди. Ҳа, бу ўша. Тим қора кўзларида сеҳрли бир маъно. Чехрасининг чароғонлиги, қарашлари, кулгилари – ўша-ўша. Бироқ тўлишибди, чиройи янада очилибди. Кўриниши анчагина салобатли. Устидаги қимматбаҳо кийим-бошлар янада жозибали кўрсатиб турибди.

Ўзимни йўкотиб кўяёздим. Қўлларини маҳкам сиқиб, юзимга яқин олиб келдим. Атрофдагилар, ён-веримдагиларни ҳам унутиб кўйдим... Дағ-дағ титраган кўйи дедим:

– Қандай топдинг? Бу сенми ахир?.. Ох, худойими-ей! Ҳозир, Ирина... Ҳозир... Шошма, ўйлаб олай... Ҳа-я, сен! Шу ерда туратур. Мен кийиниб тушаман... Кир, ичкарига кир, ана, бурчакдаги ўриндикда ўтир. Мен ҳозир... Ярим дакикада кайтаман.

Эсим кирди-чикди бўлиб, лифтни ҳам кутмай, зина узра юкорига югурдим. Шоша-пиша пиджагимни кийиб, сейфдаги бор пулимни чўнтагимга урдим. Йўлакка чиқишим билан котибага йўлиқдим:

- Ким сўраса ҳам айтинг, мен йўкман... Бугун мен йўкман...
- Туу-шуун-аарли! – деди котиба киноя аралаш.

Мен унга эътибор бермай, оёғимни қўлимга олиб фойега қараб чопдим.

Назаримда, у кетиб қоладигандай, умуман, бу англашил-мовчилик, у мени излаб келмагандай эди гўё. Йўк, ана у мени кутиб турибди.

– Кетдик, Ирина. Ташқарига чиқамиз, – қўлидан тутиб ташқарига бошладим. Юрагим дукиллаб урар, ҳалигача ўзимни қўлга ола билмаган эдим. Ёмғир қорга айланган. Совукнинг захри бироз пасайган. Бироқ шамол аралаш ураётган қор кўз очирмасди.

Ишхона рўпарасидаги катта йўлда такси тўхтатдим. Биз орқа ўриндикка ўтирдик. Шофёрга “Қаёққа бўлса ҳам ҳайданг. Шу ердан тезроқ кетайлик!..” дедим. У анграйиб қаради-да, машинани юргизди.

- Хўш, хўш. Энг яхши ресторанга ҳайданг.

Шаҳардаги энг нуфузли ресторанларнинг бири... Залда деярли ҳеч ким йўк. Хилватроқ бўлсин учун бурчакдан жой танладим. Шоҳона зал шифтининг бор-бўйига кўзгу тиркалган. Унга осилган айланма биллур кандиллардан таралган ёғдулар, стол-стулларда таҳланган кумуш ликопчалар, қошиқ-санчки, пичоқларга тегиб сарғимтир, оқиш тусда жилоланади. Деворларига қопланган кимматбаҳо кўкимтир матоҳ, юмшоқ, чарм креслолар, итальянча стол-стуллар, столлар устига терилган соф, биллур қадахлар рестораннинг бир қадар замонавий ва

Ўзига хослигини билдиради. Табиийки, кишининг кайфиятига ҳам виқор ва шукуҳ, ажиб кўтаринкилик бахшида этади.

Кўлларим қалтираяпти. Қордай оппоқ шойи ва силлик ялтироқ мато тортилган столнинг бир четини черта бошладим. Ирина самимийгина, кўзи чакнаб-чарақлаб кулимсирайди, холос. Телпаги, шарфи, сарғиш чарм пальтосини ечганидан сўнг янаям гўзал бўлиб кетди. Тим қора сочлари эгнида ловуллаб турибди. Бўйнидаги тилла маржон, яшил кофтасининг икки кўксига ўрнатилган қип-қизил атиргулларнинг қок ўртаси, кулкосасига жойлаштирилган ям-яшил ёқуткўзлар қандилларнинг ўткир нурида ярақлаб нур сочади. Иринанинг қаршисида ўзимни кичрайиб бораётгандай сезаман. Ёнимизга келиб қаққайиб турган навнихолгина қиз, ресторан хизматчиси менга саволомуз қараб турибди. Стол четидаги қора ҳошияли жилдни очиб таомномага кўз ташладим-да, сўнгра уни Иринага узатдим.

Дастурхонга бир зумда файз кирди, таомлар, ичкиликлар тортилди. Қадахларга тўлатиб қуйдим. Соғлик-омонлик тилаги бажо айлангач, бир кўтаришда тўлиб-тошиб турган “Тошкент” ароғини сипкордим. Ирина лаб теккизиб, винони бир ҳўплади. Бошим кизигандай бўлди, бироқ хануз ўзимга келолмай турардим, хаяжон ҳарорати бироз пасайгандай эди. Таомлар ғазакбоп, ўткир, иштахани очади. Иккинчи қадахни тўлатиб, Иринадан “бахтли тасодиф” шарафига кўтаришимизни илтимос қилдим. Унинг чиройи янаям очилиб кетди. Юрагимдаги ваҳимага ўхшаш тугунлар ечила бошлади. Кўзларига тик қараб туравердим. Журъатим ошгандай бўлди.

– Шундай қилиб ёзувчиман, де, – у самимият билан сўради.

– Ҳа, шу... Бошқа нарса қўлдан келмайди, – тилимга келгани шу бўлди.

У қулиб юборди.

– Яхши одам бўлишингни, аниқроғи, яхши бола эканлигингни ўшандаёқ сезганман. Ҳа-я, сен мендан уч ёш кичкинасан-а?..

– Тўғриси, ғалати бўлиб кетаяпман. Ирина, мени қандай қилиб топдинг?



– Нимаиди? Москвада яшаётган аёл қандай қилиб, кутилмаганда бу ерда пайдо бўлиб қолди демоқчимисан?

– Ҳа, балким. Эй, йўқ, нима десам экан... – каловландим.

– Менда адресинг бор. Униб-ўсган жойингга қўнғирок қилдим. Тошкентда дейишди. Нима, Москвадан қўнғирок қилиш қийин эканми?

– Сен яшаш жойимни... Ҳалиги... Эй, тўхта, уф. Нима десам экан?

– Топдим. Ҳа, шундай. Буни кейин билиб оласан. Мен сенга учрамай, топмасдан қийналиб яшашга қурбим етмаслигини сездим. Тушуняпсанми? Мен ҳеч қачон тақдирнинг олдида, сенинг олдинда, ўз виждоним олдида қарздор бўлиб яшашга дош беролмас эканман.

– Бу нима деганинг, ахир?

– Кейин билиб оласан... Ол, е... Овқатинг совиб қолди, жаноб ёзувчи, – у қулди-да, қўлидаги яримланган қадахни ҳаволатди. Мен “нима бўлса бўлди”, дегандай қилиб ўз қадахимни яна лик тўлдирганча, даст кўтариб ичиб юбордим. Чунки айни ҳолатда ўзимни туш ва ҳуш оралиғида қолгандай сезаётгандим.

– Майли, сен айтгандай бўла қолсин... Лекин Тошкентга қачон келдинг?

– Кеча. Мехмонхонага жойлашдим. Сенинг ишхонанга яқин экан. “Интерконтиненталь”. Яхши жой. Энди, сен ўзинг ҳақингда гапир. Менга шуниси кизик. Сен ўзинг, ҳаётинг, яшаш тарзинг тўғрисида сўзласанг-чи... Худога шукур, соғомон экансан. Кўз тегмасин. Анча куч-қувватга тўлибсан, очиғи, унчалик ҳам ўзгармагансан. Яхши-я, барибир ҳаёт, яшаш яхши-я? Дарвоқе, оиланг, фарзандларинг бордир?

– Бор... Ирина. Бор. Тўхта. Сен, нима десам экан, ўзинг қандай яшаяпсан? Москвада нима иш қиляпсан?

– Асосан савдо. Эрим Франция билан ҳамкорликда тузилган қўшма корхонанинг бош директори. Ўзимнинг фирмам бор. Европа давлатлари билан савдо-сотик қиламан. Ҳозирча ишлар чаккimas. Икки фарзандим бор. Очиғи, сен билан бир



йилдан буён учрашмоқчи бўлгандим. Иш. Иш... Фурсат тополмадим. Охири кўзимни чирт юмиб, Тошкентга учдим. Вақти-соати келган экан, мана қаршингда турибман. Тўғри, кўнғирок қилсам ҳам бўларди. Бирок ўзим келишим керак эди. Ҳа, шундай...

Ичимлик менга таъсир қила бошлаганди. Мен унинг қўлларини ушладим. Нигоҳига термилиб, ёш қалқиганини пайқадим. Ичимда бир оғриқ кўтарилди. Ўпкам тўлиб, димоғим ачишди. Кўзларимдан ёш сизди. Ёнига ўтиб, сочларини силадим. Юзини ўзимга қаратдим. У оппок узун-узун бармоқлари билан юзимни сийпалай бошлади. Эс-хушимни йўқотиб қўйдим. Биз ҳароратли эҳтирос измига ўзимизни топширдик. Тақдирнинг марҳамати билан олис йиллардан сўнг юз берган учрашувда ана шундай ҳодиса рўй бериши табиий эди, албатта.

Кўз олдимни туман коплади. У менинг бўйнимдан, кулоқларимдан қаттиқ чимчилади.

– Бўлди, бўлди... Жойингга ўтир... илтимос... Қўй. Ўзингни қўлга ол. Эҳ, сен менинг... ўтмишимнинг ёрқин ва мунгли хотирасисан, – у бирдан кулгига олди. – Ҳа, дарвоқе, ёзувчилар шунақа гапиришади-я?

Мен ўз ўрнимдан жой олдим. Иринанинг юзларида хорғинликми, ўйчанлик ифодасими қалқиб турарди. У нигоҳини бир нуктага тикди. Жимжит. Оғир уҳ тортди. Елкасидан нафас олди.

Билмадим, тилимга шу сўз қаёқданам келди:

– Бахтлимисан? – деб юбордим.

У бош силкиди. Тўзғиган сочларини текислаб тирсагини столга қўйди-да, қўли билан пешонасини ушлади. Юм-юм йиғлаяпти.

– Йўқ, – деди яна бош чайқаб, – йўқ... Умуман олганда, ким билсин, ҳаётни кўриб туришинг, тирикликнинг ўзи бир бахтдир, шундаймасми? Тўқлик, фаровонлик, бойлик, яхши яшаш бахт бўлса, агар шундай деб тушунилса, мен бахтлиман. Лекин инсонни доимо азоблаб тургувчи бошқа нарсалар ҳам кўп ҳаётда. Кимдир камбағал, базўр кунини кўради. Ле-

кин қалби хотиржам. Хотира оғриғи йўк унда. У, назаримда, мендан кўра бахтлироқдир. У эса ўз ўйича мени қайғу-ҳасрати йўк, бахтиёр аёл деб ўйлайди.

– Чиройлисан. Сен жудаям гўзалсан, – дедим гапни бошқа ёққа буриб.

У яна жилмайди.

– Ҳмм. Шундай де. Йўк, сенинг кайфинг ошмаган. Атайлаб чалғитаяпсан. Майли, дийдиёни тўхтагамиз. Қўй шуни, яхши гаплардан суҳбатлашайлик. Сўра, яна қандай саволинг бор?

Мен бу учрашув бундан кейин қандай давом этишини тасаввуримга ҳам сиғдиrolмаётгандим. Хўп, кечгача бирга ўтиришимиз мумкин. Кейин-чи? Умуман, юрагимда оғрикли туйғуларни аланга олдирган, ҳаётимнинг оғир, қайғули чоғларида мен билан бирга, йўлдош бўлган аёлга, тақдирим йўлида учраган энг кадрдон инсонга айни дам нима дейишимни билмасдим. Баъзида нимадир демоқчи бўласан-у, суҳбатдошинг, айниқса, у кўнглингга яқин бўлса, ҳеч нарса деёлмайсан, у эса нима демоқчи эканлигингни бир қарашдаёқ билиб олади. Ортиқча гап-сўзларга ҳожат қолмайди. Ирина иккимизнинг орамизда ҳам бўлак гапларга ўрин қолмаганди. Биз – дунёнинг икки бурчагида яшаётган икки хотирдош, орадан ўн олти йил ўтиб яна топишган эдик. Индамасдан, шундай – бир-биримизга қараб ҳам сўзсиз суҳбатлашишимиз мумкин эди.

Ирина жимликни бузди:

– Тоҳир, нимадир дегин... Майли, ичайлик, ҳеч бўлмаса, қадаҳ сўзи айт...

– Кел, ҳаёт учун ичайлик. Тириклик учун ичайлик.

– Мен учун-чи?

– Сен учун. Сенинг гўзаллигинг учун, Ирина!

– Сен учун ҳам. Мана, қара, мен ҳам ичаяпман, Тоҳир.

– Оҳ, ана, ўзбекча мусиқа янгради... Сенга ёкмаяптими? Бемалол, ҳеч нарсани ўйлама... Бугун сенга бутун Тошкентни томоша қилдираман.

У яйраб қулди. Чехраси яшнаб кетди.

– Шошма. Мен сенга бир гап айтаман...

– Айт.

– Соатинг неча бўлди?

– Бирга яқинлашди.

– О, демак... Мени меҳмонхонагача кузатиб қўй. Иккида эрим, Володя қўнғироқ қилади. У Тошкентга атайлаб, сени излаб келганимни билади. Ҳаммасидан хабардор. Сен билан учрашишимни унга айтганман.

Мен нима дейишимни билмай қолдим. Иринанинг жиддий тус олган чехрасида самимият балқиб турибди.

– Нега энди соат иккигача?

– Мана, сен билан юз кўришдик. Сухбатлашдик... Ё сен бундан хафамисан?

– Йўқ. Ахир, сен бемалол ўтиролмаяпсан...

– Вақт сен билан менга бўйсунмайди... Нима қилай, иш. Ишбилармон аёлман, айтишади-ку, “янги рус”ларнинг ишбилармон вакиласи, – у энди атайлаб чехрасига жиддий тус бериб, қовоғини уйгандай бўлди. Кейин яна ух тортиб, овози юмшади. – Ҳа, майли. Мен сенга бир гап айтайми?

– Айт, айтавер.

– Ишхонангда менинг ёнимга келаётганингда юришингга эътибор бердим. Кейин зинадан югуриб чиқаётганингни кўриб жуда қувониб кетдим. Ишонасанми, сен қайтиб тушганингча йиғлаб ҳам олдим.

– Шуям сенинг эсингдами? – дедим. Томоғимга нимадир тикилди.

– Эҳ. Сен билмайсан. Балки ишонмассан. Ўша жойни эсласам, энг аввало, ёдимга сен тушасан. Афсуски, эсламасликнинг иложи йўқ.

Яна уф тортди. Қўлларимни сиқиб, кўзларимга тик қаради. Қароғларидан ёш думалади, ғалати бўлиб кетдим. Шу топда Иринанинг ўй-хаёлида қотган лаънати ўтмишни суғуриб ташлагим келар, лекин бунинг ҳеч иложи йўқ эди. Мен ўрнимдан туриб, унинг ёнига ўтдим. Қўлини яна кафтим орасига олиб, манглайдан ўпдим. Юрагим минг азобда коврилаётганди. Ялиндим.



– Кўй, Ирина. Ҳозир мавриди эмас. Кўй, шуни эслама, умуман эслама, қара, ахир, сен чиройлисан, бошқа нарсадан гапир, Ирина. Воҳ, худойим-ей, лаънат бўлсин бундай ҳаётга! Кел, ахир, сен менинг меҳмонимсан, олисдан келдинг. Йиғлама, йиғламагин.

Ирина мунгли қиёфада қотиб турди-да, тирсагимдан кўтарди. Ўрнимдан турдим. Тик туриб бошини кучдим. Ирина кўли билан сўл оёғимни ушлаб, шимим почасини кўтара бошлади.

– Тоҳир, хўп десанг оёғингни кўрсам. Тиззангинг пасти, сўл оёғинг эди-а?

– Ҳа, сўл оёғим...

– Мана.. оҳ, бечорагинам. Мана... чандиқ, чуқурча бўлиб қолибди-да? Кўлим билан ушлаб ҳам сезаяпман, анча жабр кўргансан... Ҳозир оғримайдими?

– Йўқ. Совуқда оз-моз билинади.

– Ундай бўлса, нега шимнинг ичидан қалин иштон киймадинг..

– Хўп, кияман. Ўйлама. Яхши бўлади. Ҳа, сен ўзинг нима билан савдо-сотик қилишингни айтмадинг-ку? – мен уни чалғитмоқчи бўлдим.

Ирина қатъиятли бир ҳолатда айтмоққа уринди, лекин эплай олмади.

– Буни сенга мутлақо қизиғи йўқ-ку! Тўғрими? Ҳа, майли, Москвадаги асосий супермаркетларнинг деярли барчаси, қаршингда турган ақлсиз аёлники. Шу ақлсиз аёлнинг эри Владимир Павлович Семёнов эса пойтахтнинг машхур санатчиларидан. Яна нима дейин?

– Яхши. Мана билиб олдим.

– Азбаройи шунчаки сўрадинг. Қани энди, мухтарам ёкимтой мезбон, мени меҳмонхонага кузатасанми?

Ташқари оппоқ. Қор майдалаб ёғар, ер сатҳидаги корларни шамол тўзғитиб ўйнади.

– Россиянинг совуғига ўхшаяптими? – дедим зинапоядан Иринани етаклаб тушаётим. – Кўз очирмаяпти-ку!

– Йўқ, унчаликмас. Россиянинг қиши билан ҳазиллаша кўрма, – деди Ирина кулгига олиб.



Такси ушлаб, меҳмонхонага йўл олдик. Ирина орқа ойнага бош тираб ташқарини кузатиб бораяпти. Шамол дарахтларнинг яланғоч новдаларига ўрнашиб, музлай бошлаган қорни минг бора силкисин, барибир учириб, тўзғитолмайди. Машина деразаларига изиллаб изғирин урилади. Қор қуюн бўлиб ёғаяпти. Қаҳратон ҳамласида ўз ҳаётини давом этказаетган шаҳарнинг қоқ маркази “Амир Темур” хиёбонидаги курант соат мили ўн беш минут кам иккини кўрсатарди. Ирина ресторандан чикканимиздан бери кўзини ташқаридан олгани йўқ, мик этмайди, бошини ойнага тираб олган, қайрилиб ҳам қарамайди. Мен елкасидан кўлимни ўтказиб, уни ўзимга тортдим. У кескин бурилиб, менга тикилди. Кўзларидан ёш шашқатор оқаяпти. Юзи жикқа ҳўл. Ютинади, калтирайди. У ўзини бағримга ташлаб ўкириб йиғлаб юборди. Ҳайдовчи аланглаб бизга қараб, шартта тормоз берди. Ҳайдовчи рус эди.

– Нима бўлди? Ўзини ёмон ҳис этаяптими?

– Юринг, ана етиб келдик.. Ҳаммаси яхши, – дедим.

– Ҳа, мен ўзимни ҳамиша ёмон ҳис этганман, ҳамиша шундай бўлган, – деди Ирина ҳиқиллаб, елкалари силкиниб.

Машина меҳмонхона тўғрисида тўхтади. Ирина бироз ўзига келиши учун, ҳайдовчи озгина тўхтаб туришни илтимос қилди. Тилла тасмали чарм сумкасидан лаббўёқ ва аллақандай крем-упалар олиб ўзига оро берди. Сўнг юзига жилмайиш бериб кўлимни қисди...

– Ана энди тушсак бўлади. Қани, юр.

Маҳобатли меҳмонхона эшигидан ҳатлашимиз билан, эшикбон Иринага тавозе-ю таъзим бажо айлаб, жилмайди. Фойеда чарм диванда ўтирган иккита барзанги йигит ўрнидан сапчиб туришди. Иккови ҳам бир хил кийинган. Узун ва ёқадор чарм пиджак, бошида чарм кепка, бўйнида оқ шарф. Оқ-сарикдан келган, бир-бирига икки томчи сувдай ўхшаш бу икки қорувли йигитнинг Ирина билан бирга келишганини пайқадим. Йигитлар биз томонга икки-уч қадам ташлашди, Ирина оҳиста бурилиб ёвқараш қилгач, жойида такка тўхташди. Бири қўл соатига қаради. Уларнинг юз ифодасидан

ҳеч бир маъно уқмасам-да, кўнглимда ғашлик уйғонди.

Ирина биқинимдан туртиб, эркалаган кўйи майин оҳангда сўз қотди:

– Ҳеёй, болакай!.. Сен уларга эътибор берма. Сени маст деб ўйлашди, чоғи. Қани, кўлингни узат, хайрлашамиз.

– Сен қачон кетасан?

– Эртага, – унинг овози қалтиради. Кўллари ҳам титрайпти.

– Ҳозир нима қиласан?

– Айтдим-ку, Москвадан телефон бўлади...

– Кейин-чи?

– Тохир, кечкурунгача энди менинг вақтим йўқ.

Ирина ўқинч билан айни лаҳзада ялинган кўйи сўзлаётганини пайкашим қийин эмасди.

– Айт, мен қачон келай?.. Қайси хонадасан?

– Кечкурун... Соат олтида. Эшиқбонга учраш. Нима қилишинг лозимлигини айтади.

Ирина эшиқбон томонга бош ирғаб кўйди. Сўнг шарт бурилиб ҳалиги барзанги йигитлар томон юрди, уларнинг қуршовида лифтга кирди. Мен унинг ортидан музтар бўлиб қараб қолдим. Яқинлашиб, эшиқбондан сўрадим.

– Ановилар ким?

– Хонимнинг ёнидагиларми?

– Ҳа, ўшалар.

– Эй-е, сиз билан бирга келишди-ку...

Сиз ва хонимдан икки дақиқа аввал кириб келишди. Эрта-лаб хоним билан бирга чиқиб кетишганди.

– Тушунмадим?..

– Улар хонимнинг кўриқчилари-ку...

– Шундай денг...

Эшиқбон “Шунчалар гўлмисан”, дегандай тикилди. Мен нималар бўлаётганини англаб-англамай ташқарига чиқдим. Демак, Ирина ишхонага ҳам кўриқчилари билан келган. Ресторанда мен билан овқатланаётганда ҳам кўриқчилар қузатувида бўлган. Мен уларни нега кўрмадим? Залда биздан бошқа ҳеч ким йўқ эди-ку... Тушунарли, улар ресторан эшиги

ёнида, ташқарида кузатишган. Ташқарида туришган. Энди кечкурунгача нима қиламан? Соат икки бўлди. У Москва билан гаплашаяпти. Ҳар бир қадами назоратда экан...

Дарвоқе, ҳикоямни бирпас тўхтатсам: мухтарам ўқувчимизнинг бу соҳибжамол Ирина деганлари билан ёзувчимиз орасидаги илиқ муносабатларнинг сабаби не экан, деб ичи кизиб турганини сезаяпман. Майли, озгина ортга чекиниб, “ўтмиш”дан бир шингил сўзлайин. Бир бошидан гапирсам, бемалол бир китоб бўлади – бунга сабр қайда! Хуллас, Ирина хоним билан биз армияда, ҳа, тақдир тақозоси билан афғон урушида бирга бўлганмиз. У қисм тиббиёт бўлимида шифокор эди. Камина командирлик қилаётган бўлим билан доимо Ирина ҳам бирга жангга чиқар эди. Эҳ-ҳе, бошдан кечирган азоб-укубатларимизнинг чеки-чегараси йўқ. Ҳар қадамда ўлим, ҳар қадамда ярадорлар оҳ-воҳи... Ирина биз учун нажот элчиси, ҳаёт фариштаси эди.

Ҳарбий хизматим давомида, сўнгги жангда ҳам Ирина ёнимда эди. Взводга қирғин солган саллалилардан бирининг ортидан сиқувга олдик. У қочиб, бир кулбага ўзини урди. Кўзимга қон тўлиб, кулба эшигини тепиб кирдим... Тор ва ним қоронғи хонада ҳалиги қочқин хансираб тўлғонаяпти. Яраланган, хона бурчагида эса тош қотган кўйи ёш жувон гўдагини кўксига босиб тик турибди. У нимадир деб қичкира бошлади.

Сўнг кўк кўйлакли ёш жувон жимиб қолди. Менга қаҳрли нигоҳини тикди. Бир менга, бир ердаги ярадорга қараб, гўдаги оғзига сўл кўксини тутди. Кейин шоша-пиша чақалокқа бу кўкрагини берди. Мен гарангсирадим, эсим кирдичикди эди... Аёл боласини ерга қўйди-да, ярадорнинг ёнига чўкди. Қўлларини кўкка чўзиб, нимадир деб пичирлай бошлади. Сўнг унинг қонли юзларини силаб, бағрига босди. Шунда билдим – ярадор жувоннинг эри эди. Эшик қарсиллаб очилди. Икки разведкачи ва Ирина кириб келди. Мен сапчиб туриб разведкачиларга отманглар, деб бақирдим. Ҳалиги ярадорни танам билан тўсиб олдим. Ирина ҳамда разведкачи-

лар куролларини пастга туширишди. Ирина мени ўрнимдан турғизмоқчи бўлди. Сўл оёғимни босиб, чап ёнимга гупиллаб йиқилдим. Оғрикнинг зўридан инграб юбордим. Чап тиззамнинг пастидан қон оқар, ботинкам ичи ҳам билч-билч қон эди. Оғрикни шу маҳалгача сезмагандим. Разведкачиларнинг бири мени кўтариб чиқди. Ирина йўл-йўлакай тиззамга иккита оғрикни қолдирадиган ампула урди... Оғриқ сусая бошлади, кўзим тиниб борарди.

Қишлоқдан чиққандан кейин кўзимни очибман. Яланглик... Замбилдаман. Бошимда Ирина турибди. Нимадир дейди. Йиғлайди, жилмаяди... кўлим билан сув бер деб, ишора қилдим. У сув келтирди. Муздай сув... Ичим ёнаётган эди. Ютоқиб ичдим.

Икки йилдирки, оғир жанглarda ёнимда бўлган Ирина билан бу менинг сўнгги бор жангга чиқишим эди. Мени госпиталга олиб кетишди. Иринанинг хизмат муддати тугаб, Москвага қайтган экан... Ана шунақа гаплар...

...Қишнинг куни қисқа бўлади. Қор тўхтаган. Кечки аёз бошланган. Музлаган қуруқ қор оёқ остида ғижирлайди. Мен ҳашаматли меҳмонхонага кириб келганимда, қоронғи тушиб қолган эди. Қоп-қора ойнали эшикни очиб ичкариладим. Кенг ва ёруғ зал шифтига осилган улкан қандиллар нурида ёғдуланар, залнинг мраммар сатҳи жимирлаб товланарди. Ичкаридан ёқимли, дилни сархуш қиладиган бўй таралади.

Мени кўриб эшикбон ўрнидан турди. Таъзим қилиб, салом берди. Юзида мулойимлик, базўр бўлса-да, илжайиб турибди.

– Келдингизми, ока?

– Ҳа, Ирина Михайловнага учрашмоқчи эдим.

– Хоним кетдилар, ока...

– Нима-а-а! Нима деяпсиз, ўзи?! – чинқириб юбордим.

Устимдан биров совуқ сув куйиб юборгандай бўлди. Турган жойимда типирчилай бошладим.

– Менга қаранг, нега кетади, адашяпсиз, чоғи? Ахир, ҳозир учрашишимиз керак эди-ку... Ҳалиги аёлни айтаяпман. Эсингиздами, мен келгандим-ку, бирга! Ирина Михайловна!

Гапим оғзимда қолди:

– Хоним бугун соат учда учиб кетди. Сизнинг келишин-
гизни айтувди. Мана, Сизга қолдириб кетди.

Эшикбон тортмадан конверт олиб узатди. Кўз олдим хира-
лашди. Дағ-дағ титрайман. Вужудимдан совуқ тер оқди.

– Тушунмадим... Тушунмадим..., – дердим ақлу хушим
учиб... Зал четидаги чарм диван сари юрдим. Назаримда, оёқ-
ларим ўзимга бўйсунмаётгандай эди. Ўзимни диванга ташла-
дим. Қўлларим қалтираб, конвертни очдим. Конверт ичидан
сурат чиқди. Қирк ёшлар чамасидаги истараси иссиқ жувон
билан ўғли бўлса керак, аёлга жуда ўхшаш ўспириннинг бир-
га тушган сурати. Иккови ҳам кулиб туришибди. Сурат ор-
тида арабий имлода нималардир деб ёзилган эди. Конвертда
жуда чиройли дастхат билан Ирина ёзиб қолдирган мактуб
ҳам бор эди.

“Салом Тоҳир, азизим! Бугунги кун – ҳаётимнинг энг гўзал
куни бўлиб қолади. Орадан шунча йиллар ўтиб сен билан
бирга бўлдим. Сени кўрдим. Жуда хурсандман. Соғ-саломат
экансан. Юрагингни, ўша ажойиб, инсоний туйғуларни ас-
раб қолибсан. Биласанми, сен жуда яхши одамсан. Бугун ме-
нинг туғилган куним. Туғилган кунимни эса сен билан бирга
ўтказдим, ниҳоят. Кейинги йиллар фақат шу учрашувни ку-
тиб яшадим. Эримга ёлвордим – мен учун энг яхши совға,
бугун Тошкентга бориб сени кўриб келишимга изн беришини
сўрадим. Рухсат берди. У яхши одам. Мени тушунади. Сен
ҳақингда гапириб берганман.

Тоҳир, ўзингни эҳтиёт қил! Мен ярим соатдан кейин учиб
кетаман. Шундай бўлгани яхши.

Тоҳир, қўлингдаги суратга яхшилаб разм сол. Танимадинг,
тўғри. Бу аёлнинг исми – Шафиқа. Ёнидаги ўғли – Аҳмад.
Улар Лондонда яшашади. Худди мен сингари уларнинг
ҳаётида ҳам сен – яхши одам (ҳа, бошқача ибора тополмадим)
бўлиб қолгансан. Бу тўғри – шундай бўлиши керак. Улар сени
бир умр унутишмайди. Унутиши ҳам мумкин эмас.

Шафиқа ўша, кулбада сен отиб ташламаган афғон аёли,
(унинг ярадор эрини ҳам отмаган эдинг) унинг кўкрагидаги

гўдак эса сен суратда кўриб турганинг йигит – Аҳмад! Улар мени топишди. Эсингдами, чодирга снаряд тушиб (эй, худойим-ей, эсласам титрок босади), чодир портлаб кетган эди. Ўшанда ҳамма нарса чодирда қолган эди. Шафика биз чиқиб кетгач, ўша жойдан менинг ярми ёниб ётган дафтарчам, шунга ўхшаш нарсаларни топиб олади. Унинг айтишича, у бизни барибир топмокни ният қилган.

Ўтган йили менга мактуб ёзди. Ишонасанми, ақлдан озай дедим. Манави суратни эса сенга бериб кўйишимни илтимос қилганди. Унинг ортида “Ҳаётимизнинг энг оғир лаҳзаларида бизга шафқат қилган мард ва меҳрибон инсонга улкан миннатдорчилик ва қарздорлик билан ташаккур айтамыз...” деб ёзилган.

Тоҳир, Шафикага кўнғирок қил. Мана, телефон рақами (...).

Биз сени эрим билан истаган пайтингда Москвада кутаюмиз...

Мени кечир, ҳозир менга нақадар оғирлигини ўзимдан бошқа ҳеч ким билмайди. Шу билан бирга сени кўриб елкамни босиб турган тоғдай оғир юқдан халос бўлдим.

Тоҳир, сен яхши одамсан, яхши ёзувчи бўласан. Эсингдами, ваъда берганинг...

Менинг фикримча, дунёнинг қайси чеккасида яшашларидан қатъи назар одамлар урушсиз, тинч-тотув кун кечиришлари керак. Уруш инсонни бир-бирига ёвуз ва шафқатсиз қилиб қўяди. Ўйлаб қарасам, одамлар бир-бирига меҳрибон бўлсалар, бир-бирини отмасалар... бу ҳаётда инсон бўлиб яшай билдилар...

Узр... Сен мендан ранжима... Сени Москвада кутаюмиз... Омон бўл! Ирина. 16.02.03 й.”

Кўча совук эди. Йўл четида тизилган симёғочлар шаҳар кўчасини чароғон этган. Чироклар нурида қор учқунлари сирли жимирлайди. Мен қорли йўлакда қарахт ҳолда кетиб борардим. Қаёққа бораётганимни ўзим ҳам билмасдим.



Уйғун РЎЗИЕВ

(1974 йилда туғилган)

РОБИЯ

Кўлида офтоба кўтариб, маъюсгина бош эгганча оёқ судраб келаётган аёлни кўрганлар унга ачиниш билан қарашар, саломига меҳрибонлик билан алик олишар, кейин ортидан қараб: “Эсизгина, шундай аёл бахт нималигини билмай ўта-япти”, – дея пичирлаб кўйишар эди.

Бир куни кайвони кампирлардан бири уни йўлда тўхтатиб: “Робия, кизгинам, ҳадеб кабрстонга бораверсанг одамлар сени эси оғиб қолибди, деб ўйлашади. Ғам-ташвиш ўткинчи, ўзингни кўлга ол, болам. Тўрт кунлик дунёда фақат ҳасратга тўлиб қолма”, – деди. Робия бош ирғаб кўйди-да, индамай йўлида давом этди.

У эри билан ўн беш йил бирга яшади. Ҳаётнинг аччиқ-чучугини бирга тотди. Оилаларда бўлиб турадиган одатий жанжаллар уларга бегона эди. Шундоққина бир девор кўшни яшайдиган Султоналиникида ҳақоратли сўзларга тўла бақир-чақирлар тинмасди, лекин буларнинг уйида мудом жимжитлик, пашша учса, эшитилгудек эди. Шу боисданми, эр-хотин секин овозда гаплашиб ўтиришарди. Зотан, фарзандсизлик икковини ҳам изтироблар гирдобига солиб кўйган, буни бир-бирига сездирмасликка уринишса-да, иккаласининг ҳам ич-этини ана шу дард тимдалаб ётарди. Шунинг учун ҳам ик-

каласи бир-бирини ниҳоятда авайлар ва шунинг баробарида бир-биридан хавотир ҳам олар, энг сўнгги сўз қачон айтилишини изтироб билан кутишар эди. Аммо эри “кет” демади, Робия “кетаман” демади, шу тахлит сўнгги сўз то улар бир-бирларидан жудо бўлгунларига қадар айтилмасдан қолаверди.

Эри кутилмаганда жигари хасталаниб бу дунёни тарк этди. Ана ўшанда Робия ёлғизлик қанчалар азоб эканлигини юрак-юракдан ҳис қилди. Ҳайхотдек ҳовлида якка ўзи қолди. Уйга кирса, ҳар бир буюмдан эрининг нафасини сезиб, кўзига жикқа ёш қуйиларди. Кечалари кўзларига уйку келмай, юзини ёстикка босиб юм-юм йиғларди. Дил ёрай деса дардини тинглайдиган, ҳасратига қулок тутадиган бирор кимса йўқ. Кундузи ҳовли этагидаги экин-тикинларга сув тараб, бегона ўтлардан тозалаб ўзини овутигандай бўларди. Лекин тун уни беаёв қийноққа соларди. Бош олиб кетай деса, ота-онаси ҳам аллақачон оламдан ўтиб кетишган. Ақаси Бердимурод билан уқаси Турдимурод эса бир ота-онадан туғилган жигарларга сира ўхшамас, кунда-кунора ораларида жанжал чиқиб турар, ҳай демаса бир-бирларига болта кўтариб қолишдан ҳам қайтмас эди. Ёнма-ён ҳовлида яшашса-да, бир-бирининг ҳовлисига адашиб битта чўп ўтиб қолгудай бўлса ҳам, аввал хотинлари даҳанаки жанжални бошлаб беришар, ортидан ака-ука энг шимариб бир-бирига мушт ўкталиб, жиккамушт бўлишар эди. Одамлар уларни мурасага чакиравериб чарчашди, охири жанжалларига аралашмай қўйишди. Узоқдаги кишнашар, яқиндаги тишлашар, деганлари шу экан-да, дея қўлларини ювиб, қўлтиқларига уриб қўя қолишди. Ана шундай аҳволда яшайдиган ака-уқасиникига Робия қайси юрак билан кириб борсин?

Эрининг ақаси Султонали эса ичкиликка муккасидан кетган. Хотини Ойзода уззукун қарғанишдан жағи чарчамайдиган аёл. Уларнинг саккиз фарзанди бор, лекин ҳаммаси киз. Биринчи кизи туғилганидаёқ Султонали хотинини сўққан, иккинчиси туғилганида қулоғи ортига тарсаки ҳам туширган эди. Берганига шуқур қилишни билмаган бандасининг феълидан худо-

нинг ҳам қаҳри келган, шекилли, уларнинг кейинги болалари ҳам киз туғилаверди. Ойзода ҳар гал қорин боғлаганида ўғил туғаман деб ният қилади. Аммо, мана, саккизинчиси ҳам киз бўлди. Ҳар гал чақалок туғилганда, Султоналини кўятуринг, Ойзоданинг ҳам уларга карагиси келмас, кўкрагини ҳам мажбурликдан уларга тутказарди. Саккизинчисига Ўғилой деб исм қўйишди. Бу Ойзоданинг, ҳали яна туғаман, буниси бўлмаса кейингиси ўғил бўлар, деган илинжи борлигидан дарак берарди.

Робия картошка экилган эгатни чопик қилиб ерни юмшартаркан, юраги сиқилганидан кетмонни зўрға кўтариб ташлади. Султонали келди-ю, унинг сиқилган юрагини баттар вайрон қилиб кетди.

– Келин, – деди у маст бўлса-да, аллақандай босиклик билан, – укам-ку бу дунёдан армон билан ўтиб кетди. Энди кўриб турибман, сен ҳам кийналяпсан. Якка ўзинг бир ҳовлида яшасанг, баттар эзиласан. Ундан кўра, ана, бизникига ўтиб яшайверсанг ҳам бўлаверади. Ойзода овсинингга қарашиб юрасан. Бу ҳовлини энди сотсакмикан, деган режам бор эди.

Робия ялт этиб унга қаради. Кейин ёш қуйилиб кела бошлаган кўзини олиб қочиб, кўлидаги кетмонга суяниб қолди.

– Йўқ, тагин сен кўнглингни олма, бу бир режа, холос. Хоҳласанг, шу ерда яшайвер. Лекин аёл бошинг билан бир ўзингга оғир бўлармикан дейман-да.

Робия индамади. Султонали бир муддат ерга қараб каловланиб турди-да, кейин судралган қўйи изига қайтди. Робия кетмонга суянганча узоқ йиғлади. Унсиз йиғлаганидан елкалари учиб тушар, кўрган киши уни ич-ичидан завкланиб кулаяпти, деб ўйлаши мумкин эди. Ҳа, у унсиз йиғлаганида гўёки кулганга ўхшаб кетарди. Бир гал у одатдагидай сув тўла офтобани кўтариб қабристонга кетаётганида Ойзода минг бир шубҳага бориб, катта қизига унинг ортидан пойлаб боришни тайинлаган, киз эса бу ишни қойилмақом қилиб бажарган, каттагина қабртошлардан бирининг панасига яшириниб уни роса кузатган эди. Робия эрининг қабри бошига келиб, ти-

ловат қилган, чўккалаб ўтирган кўйи сассиз йиғлаган, сўнг қабр атрофини супуриб-сидириб, майсалар устига сув қуйиб келган эди. Унинг елкалари силкиниб-силкиниб йиғлаганини кўрган қиз онасига: “Робия янгам овоз чиқармай роса кулдилар”, – деб айтиб берди. “Овсар бўлиб қолибсан, одам қабристонда ҳам куладими, тагин бир умр суйиб ўтган эрининг қабри бошида-я?” – деди Ойзода. “Билмадим, балки чайқалиб-чайқалиб дуо ўқигандир. Кўзимга бу кулгандек кўринган бўлиши ҳам мумкин. Ахир, у ерда юрагим ёрилай деди-да. Қабристон жуда кўрқинчли жой экан. Энди ҳадемай лабларимга учуқ тошиб чикса ҳам керак. Қаёқданам гапингизга кириб ўша ерга бора қолдим-а”, – деди қиз титраб-қақшаб.

Робия чала қолган эгатни чопиқ қилиб бўлай деганида кеч қирган эди. У кетмонни бир четга қўйиб, ариқдаги сувга юз-қўлларини чайди. Муздеккина сув унга хуш ёқди-да, юзини қайта-қайта чаяверди. Гўё муздек сув унга таскин бераётгандек, шу сув юзига қалқиб чиққан армону алам изларини юваётгандек туюларди унга. Бирок дунё дардларини аритиб келаётган оби ҳаёт ҳам унинг ҳасратларини кетказолмади.

Нонуштага дастурхон ёзди-ю, томоғидан бир пиёла чой ҳам ўтмади. Кўзига уйқу келмагач, чироқ шуъласига термилиб узок ўтирди. Хаёллар уни тўрт томонга тортқиларди. Қўшни ҳовлидаги кечки шовқин-сурон ҳам аллақачон тинган, чигирткаларнинг чириллаши бир маромда давом этар, ариқ бўйидаги қурбақалар ҳам уларга жўр бўлаётган эди. У ана шу овозларга сеҳрланиб кулоқ соларкан, уйнинг тўрт бурчагига бир-бир назар ташлади. Мана шу тўрт девор ҳам, уни кўтариб турган мана шу ер, анави буюмлар, ҳатто чигирткаларнинг чириллашию, қурбақаларнинг қуриллашлари ҳам унга омонат туюла бошлади. “Бу уйга келиб нимаики топган бўлсам, баридан айрилаяпман, – деб ўйларди у. – Ҳадемай мана шу тўрт деворни ҳам мендан тортиб олишади. Икки жоннинг иссиқ нафаси, қувончу ташвишлари, олам-олам орзулари сиққан шу уйга энди якка ўзим ҳам сиғмай қолаяпман. О, менинг ўтган кунларим. Бахтсизман деб ўйлаган кезларимда ҳам

бахт менинг теграмда парвона экан. Мана энди мен бутунлай ёлғизман. Энди қайга борай, қайси остонага бошимни урай?”

У елкасига рўмолини ташлаб, ҳовлига чиқди. Оҳиста эсаётган шабада ариқ бўйидаги райҳон ва ялпизларнинг майин ифорини атрофга ёймоқда эди. Кўкда юлдузлар чарақлар, кўл чўзса етгудек пастлаганга ҳам ўхшарди. Робия хушбўй ҳаводан нафас олиб, юлдузларга узок термилиб қолди. Чигирткаю курбакаларга жўр бўлиб юлдузлар ҳам “сим-сим” куй чалаётгандек туюлмоқда эди. Шу пайт гўдакнинг йиғлагани барча сеҳрли овозларни босиб кетди. Робия шартта йиғи келаётган томонга қаради. Ойзоданинг бешигидаги чақалоғи одатдагидек ярим тунда йиғисини бошлаган эди. Робия ўша томонга бир неча қадам ташлади ва девор оша кўшни ҳовлига қаради. Ҳамма уйқуда, кимир этган шарпа кўринмайди. У алламаҳалгача деворга суяниб турди. Гўдак ҳамон чинқириб йиғларди. Йиғи авжига чиққан сайин Робия тоқатсизланаверди. Ўтирди, турди, ҳовлида у ёқдан-бу ёқка юрди. Чақалоқ зор йиғлаб, уни чақираётгандек эди.

Робия кўшни ҳовлига ўтиб, уй олдига борди. Қия очик турган деразадан ичкарига мўралади. Ойзода ҳам, қизлари ҳам ҳеч нарсани парвойига келтирмай пишиллаб ухлашарди. Султонали эса чақалоқ йиғисига тоқати йўқлигидан бошқа хонада ухлар эди. Робия деразани оҳиста чертди. Титроқ овоз билан Ойзодани бир-икки чақирди. Гўдакнинг чинқираб йиғлашини эшитмаган аёл бунинг синик овозини қаёқданам эшитсин. Чақалоқ бир жойи оғригандек зорланиб-зорланиб йиғлади. Робия ташвишланиб, оёғи куйган товукдай у ёқдан-бу ёқка юраверди. Чақалоқ йиғлай-йиғлай бўғилди. Кейин овози хирллаб, йиғиси тинди. “Гўдаккина чарчади, ичи куйиб кетди бечоранинг”, дея ўйлади Робия ва ундан хавотирланиб яна деразадан мўралади. Ҳамма бир зайлда ухлар, чақалоқни ҳам уйқу элитган, лекин кўп йиғлагани боис тез-тез ҳикилламоқда эди. Робия ўз соясидан кўрқиб кетди. Уни шу алпозда Султонали ёки Ойзода кўриб қолгудек бўлса қиёмат қойим бўлиши

турган гап эди. У астагина дераза тагига чўкди. Тиззаларини кучоклаб, бошини деворга суяганча мудради.

Мана шу дераза тагида у кўпдан-кўп тунларни ўтказган. Боиси, Ойзоданинг қизлари бундан аввал ҳам кўп йиғлаган. Ярим тунда чақалокнинг йиғиси учун бу уйкучи хотин ширингина оромидан сира ҳам кечгиси келмас эди. Шунда Робия чақалокнинг йиғлашига тоқат қилолмай ўрнидан туриб, гўдак ётган уй олдига борарди. Бир гал тоқати-тоқ бўлиб, ниҳоят деразани қаттиқ тақиллатиб, Ойзодани зўрға уйғотди. Ойзода уйғонишга уйғонди-ю, лекин Робиянинг деразадан мўралаб турганини кўриб юраги тарс ёрилай деди. У биғиллаб йиғлаётган чақалоғи бир ёқда қолиб, бемаврид ҳаловати бузилган девдек Робияга ўшқира кетди. Жанжал-тўполон кўтарилди. Шовқин-сурондан эри ҳам уйғониб кетиб, шоша-пиша етиб келди-да, Робияни Ойзоданинг чангалидан қутқариб олди. Шундан кейин ҳам Робия тунда чақалок чириллаб йиғласа, ҳовлига чиқиб, у ёқдан-бу ёққа юрар, чақалокни бешиқдан бўшатиб, бағрига олгиси келар, юрак ютиб яна ўша дераза тагига бориб, йиғи тинишини кутарди. Эри бир неча марта уни ўша дераза тагидан уйғотиб олиб кетган ҳам эди. “Бола уларники, қандай қараса ихтиёр ўзларида. Сен кўпам жонсарак бўлаверма. Мана кўрасан, танграм бизга ҳам фарзанд беради ҳали. Ўшанда болангни хумордан чиккунча парваришлайсан”, – деган эди эри. “Улар қиз болани фарзанд ўрнида кўришмаётган бўлишса, айтинг, чақалоғини бизга беришсин. Ўзимиз катта қиламиз”, – деди Робия. Эри узоқ ўйланиб юрди ва ниҳоят янгаси билан ака-сига маслаҳат солиб кўрди. Бу гапни эшитиб Ойзода тара-шадек ловиллаб ёнди. Шундан сўнг бу мавзуда қайтиб оғиз очилмади. Аммо тунлари чақалок йиғиси эшитилганда Робия барибир дераза остига мук тушиб, унинг тинчланишини кутадиган, унга қўшилиб ўзи ҳам йиғлайверадиган одатини қанда қилолмади.

Гўдак яна ингради. Робиянинг қайрилма киприкларини майин патлари билан оҳиста сийпалаб ўйнаётган уйку қуш-

лари яна учиб кетди. Туннинг ҳам сийи битай деб қолган, хадемай тонг фаришталари эшик қоқиб қоладиган палла эди. Боягина чарчаб ухлаган гўдак яна куч ғамлади, шекилли, бор овозда йиғламоққа тушди. Робиянинг юраги яна ҳаприқди. Таваккал қилиб деразадан мўралади-да, Ойзодани чақирди, деразани тақиллатди. Жавоб бўлмади. У деворга бошини тираганча чора ахтара бошлади. Шунда кутилмаганда хаёлига бир фикр келди-ю, аввалига сесканиб кетди, кейин эса зум ўтмай, шу фикр унинг қатъий қарорига айланди. “Шундай бўлиши шарт”, – деди у ва очик турган деразадан юрак ютиб ичкарига кирди. Бешик ёнига энгашиб, эҳтиёткорлик билан чақалоқнинг юзини очди. Унинг кўл-оёқларини бўшатиб, эғнидаги жикқа ҳўл бўлиб кетган кўйлақчасини ечди. У чақалоқни бешик ёнида ётган латта-путталарга ўради-да, бағрига маҳкам босиб, ташқарига чикди.

Тонг маҳали Султонаlining уйида тўс-тўполон бошланди. Ҳаммалари йиғи-сиғи қилиб чақалоқни қидира бошладди. Аввал уй ичини, ҳовлини обдон қараб чиқишди. Кейин кўни-кўшнилardan суриштиришди. Чақалоқнинг бир кечада бешиқдан ўғирлаб кетилиши бутун қишлоқни кўрқувга солиб қўйди. Ҳамма ҳайрон, ҳамма лол. Ниҳоят, Робиянинг уйига кириб қарашганда ҳаммаси аён бўлди: бу ерда энди уни боғлаб турадиган ҳеч ким ва ҳеч нарсаси қолмаган аёл гўдакни бешиқдан ўғирлаган-у, боши оққан томонга қочган. Уйқуси сийрак бир-икки одам саҳар чоғи бола кўтарган аёлнинг кунчиқар томонга қараб кетаётганини кўрганликларини айтишди. Мишмишлар, ғийбатлар болалагандан-болалади. Ҳар ким хаёлига келганини ўйлади, оғзига келганини гапирди. Бола ўғирлаган аёл эл оғзида дoston бўлди. Бу дostonнинг овзаси бу ерлардан жудаям олислаб кетган, сершовқин шаҳарнинг гадойтопмас жин кўчасида яшаётган Робиянинг қулоғига етиб бормади. Қишлоқда эса ақл бовар қилмас ушбу воқеани одамлар бир неча йиллар кўпиртириб, семиртириб гапириб юришди. Астасекин бўёғини йўқотиб, одамлар бутунлай гапирмай қўйганида орадан ўн етти йил ўтиб кетган эди.

Бир куни чошгоҳ маҳали қишлоққа кириб келадиган йўл бошида одамлар оппоқ рўмол ўраб олган бир аёлни кўришди. Ёнида ой мисоли хушсурат қиз ҳам бор эди. Улар қишлоққа қираверишда аввал қабристонга йўл олишди. Майсалари қовжираб, қаровсиз қолган эски бир қабр атрофини супуриб-сидиришди, қўлларини дуога очиб, узоқ тиловат қилишди. Аёл қафтлари билан юзини беркитиб йиғлади. Йиғлаганда елкалари учиб-учиб тушди. Бир қарашда у гўёки ич-ичидан қулаётганга ўхшаб кетарди.

Кейин улар қишлоқ оралаб кетишди. Султоналининг уйига етганда бир муддат тўхтаб, ўйланиб туришди. Бир-бирига далда бериб, ҳовлига астагина қадам қўйишди. Ерга тушган ўриқларни қарганиб-қарганиб тераётган Ойзода ҳовлига кириб келган аёлни ва бу ерликларга сира ўхшамаган қизни кўриб, бирпас анграйиб қолди. Қаддини кўтариб, улар томонга аста-секин қадам ташларкан, хира торга бошлаган кўзларини қисиб тикилди. Кейин:

– Робия! – дея бақариб юборди. Қўлидаги челак ерга тарақлаб тушди. – Қайтиб келдингми? Қизим қаёқда? – деди титраб-қақшаб.

– Ўғилой қаршингизда. Мана қизингиз, омонатингиз, – деди Робия кўзларидан ёш қуйилиб.

Султоналининг уйи бир зумда тўйхонага айланиб кетди. Унинг шаҳарлик бўлиб кетган таърифда тенги йўк қизини кўргани бутун қишлоқ ёпирилиб келаверди.

– Тушимми, ўнгимми, азбаройи худо, кенжамдан айрилдим, деб бутунлай умидимни узган эдим, – дея тинмай жавраб эди Ойзода.

– Болаларингиз яна кўпайгандир? – деди Робия.

– Йўк, худо бизга бошқа фарзанд бермади. Лекин, ана, невараларимиз кўпайиб қолди.

Қизлар кенжа сингилларини бири олиб, бири қўйиб қучоқлаб бағриларига босишар, ялаб-юлқашар эди.

– Ё худоё кудратингдан, Робия, қизимни нима билан боқдинг-а? Бошқа қизларимга сира ҳам ўхшамайди. Кўз тегма-

син, бунча ҳам гўзал бўлмаса бу киз? – деб Ойзода терисига сиғмай қувонарди.

– Мен унга фақатгина меҳр бердим, холос. Бундан ортик ҳеч нарсам ҳам йўқ эди, – деди Робия. – Ўғилой – менинг бахтим, ҳаётим парчаси. Уни оқ ювиб-оқ тарадим. Ўқитиб, ҳунар ўргатдим. Бундай қўли гул чеварни бутун шаҳарни айланиб ҳам тополмайди ҳеч ким. У билан овундим, дардларимга таскин топдим, ҳаётимга мазмун кирди. Лекин энди у вояга етди. Қиз бола бировнинг хасми дейдилар. У ҳадемай турмушга чиқади, ўз мақсади, ўз ҳаёти билан яшайди. Обдон ўйлаб кўрдим, ота-онаси тирик бўлатуриб худди етимчадек турмушга узатсам, ўзимни у дунёю бу дунё кечира олмас эканман. Шунинг учун остонангизга бош уриб қайтиб келдим. У энди ҳамма сирдан хабардор. Ўшанда уни ўғирлашга қандай журъат топдим, олиб қочиб тўғри қилдимми ёки йўқми, ханузгача ўйлаб ўйимга етолмайман. Илтимос, бир қошиқ қонимдан кечинглар. Нима бўлганда ҳам мен ҳар лаҳзада фақат унинг бахтини ўйлаб яшадим. У албатта бахтли бўлиши керак. Мен борманми, йўқми, сизлар ҳам унинг фақатгина бахтли бўлишига ёрдам беринглар.

– Сен оқила аёлсан, Робия, – дейишди ҳамқишлоқлар. – Ўшанда чақалокнинг ўғирланганини эшитиб, ваҳимага тушган эдик. Бироқ уни сен олиб кетганингни билганимиздан сўнг асло хавотирланмадик.

Қиз ховлига чиққанида кимдир доира олиб келиб чала бошлади. Ўйин-кулги бошланиб кетди. Ўғилой бениҳоя чиройли рақсга тушди, опалари унга кўшилиб кийкиришди. Атрофга қоронғилик чўкканда эса киз одамлар орасидан Робияни қидириб қолди.

– Онам қани? Робия онамни топинглар, – деди у жонсарак бўлиб.

Робияни ҳеч қаердан топишолмади. У бу ерлардан бутунлай бош олиб кетганини эрталаб билишди. Қишлоқ чўпонлари кеча шом маҳали оппоқ рўмолли бир аёлнинг кунботар томонга қараб кетиб бораётганини ғира-шира кўрганликларини айтишди.



Мундарижа

Сўзбоши.....	4
<i>Саид Аҳмад</i>	
Қоракўз Мажнун.....	7
<i>Асқад Мухтор</i>	
Фано ва бақо.....	24
<i>Одил Ёқубов</i>	
Қайдасан, Мориқо?.....	49
<i>Пиримқул Қодиров</i>	
Чакмоқдай ялтиллаб сўнган умр.....	70
<i>Носир Фозилов</i>	
Полиз окшоми.....	81
<i>Худойберди Тўхтабоев</i>	
Ёввойи эчкилар.....	90
<i>Эркин Самандар</i>	
Афсунгар гул.....	103
<i>Неъмат Аминов</i>	
Туғилган куним қани?.....	113
<i>Шукур Холмирзаев</i>	
Оқтош.....	121
<i>Ўткир Ҳошимов</i>	
Ўзбек иши.....	147

Муҳаммад Али	
Алтойир юлдузи.....	180
Омон Мухтор	
Муслим бобонинг неваралари.....	190
Тоҳир Малик	
Қарғиш.....	197
Қамчибек Кенжа	
Лафз.....	217
Асад Дилмурод	
Хилват.....	230
Тоғай Мурод	
Юрт кўшиғи.....	248
Ўрозбой Абдураҳмонов	
Ўжарлар тўй бермоқда.....	253
Отаули	
Сув.....	260
Эркин Аъзам	
Ступка.....	274
Нурали Қобул	
Кечиккан турналар.....	288
Нодир Норматов	
Захармухра.....	305
Хушид Дўстмуҳаммад	
Қичкирик.....	321
Муродбой Низанов	
Одамнинг эскиси.....	335
Олим Отахон	
Қисмат.....	341
Эркин Усмонов	
Тошбосгансой воқеаси.....	350

Нормурод Норқобилов	
Булок.....	357
Нуруллоҳ Муҳаммад Рауфхон	
Этақдаги кулба.....	366
Хайриддин Султонов	
Ғуломгардиш.....	371
Ашурали Жўраев	
Оқсоқол.....	382
Жамила Эргашева	
Бойбичча.....	390
Назар Эшонқул	
Култой.....	400
Абдуқайюм Йўлдошев	
Муаммо.....	418
Ғулом Каримий	
Баҳор соғинчи.....	429
Наби Жалолиддин	
Байроқ.....	440
Оллоназар Абдиев	
Йиртиқ этик.....	451
Собир Ўнар	
Бегона меҳмон.....	458
Луқмон Бўрихон	
Тун қаъридаги шуъла.....	476
Зулфия Қуролбой қизи	
Аёл.....	484
Баҳодир Қобул	
Оқ камар.....	494
Исажон Султон	
Қисмат.....	509

Улузбек Ҳамдам	
Сафар.....	520
Кўчқор Норқобил	
Қордаги лола.....	534
Уйғун Рўзиев	
Робия.....	550



ОЗОД ВАТАН САОДАТИ

Адабий-бадий нашр

Муҳаррир *Собиржон Ёқубов*

Техник муҳаррир *Нодир Сувонов*

Дизайнер *Ойгул Фозилова*

Нашриёт лицензияси № 181. 08.12.2011.
Теришга 20.11.2012 й.да берилди.
Босишга 10.10.2013 й.да рухсат этилди.
Бичими 60x90 $\frac{1}{16}$. Офсет босма. "Times" гарнитураси.
Шартли б.т. 38,5. Нашр-ҳисоб т. 35,2. Адади 3000 нусха.
Букортма № 280-13.

Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси,
“ADIB” нашриёти масъулияти чекланган жамияти.
100027. Тошкент. “Ўзбекистон” кўчаси, 16-^А уй.
Тел.: (8371) 245-89-24

Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигининг
“O`qituvchi” нашриёт-матбаа ижодий уйида чоп этилди.
Тошкент, Юнусобод даҳаси, Янгишаҳар кўчаси, 1-уй.

ISBN 978-9943-4165-4-3



Азиз китобхонлар!

“ADIB” нашриёти йил давомида ўзбек ва жаҳон адабиётининг сара асарлари – назм, наср ва драматургия намуналарини тақдим этиб боради. Дунё адабиёти хазинасидан ўрин олган умрбоқий дурдоналар, аср ошган асарлар, кўпдан бери илҳақ кутаётган ва соғинган китобларингиз Сизга мунтазир.

Атоқли адибларнинг “тандирдан узилган” янги асарлари ва таржималари ҳам сўз санъати муҳиблари учун ардоқли армуғон бўлади, деган умиддамиз. Ижод майдонига журъатли одимлар билан кириб келаётган навниҳолларнинг илк тўпламлари орқали эса адабиётимиз ворисларини кашф этасиз.

Инсон учун яхши китоб ўқишдан-да мароқли, мазмунли машғулот йўқ. “ADIB” нашриёти китобсеварларга ана шу бетакрор шавқни тухфа этишга бел боғлаган. Мутолаа завқи Сизни асло тарк этмасин! Содиқ дўст – китобга меҳрдан айирмасин!